

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ОЗОД ВАТАН САОДАТИ

Беш жилдли

*3-жилд
Драматургия*

*Адабийёт жшаса —
ш.с.с.ат жшар.
Ўзбекистон*



Тошкент
“ADIB” нашриёти
2013 йил

УЎК: 821.512.133.1/-9

КБК: 84(5Ў)6

О-36

Таҳрир хайъати:

*Муҳаммад Али
Сирожиддин Саййид
Иқбол Мирзо
Маҳмуд Тоир
Аҳмаджон Мелибоев
Ҳамидулла Болтабоев
Шухрат Ризаев
Улуғбек Ҳамдам
Уйғун Рўзиев*

Нашрга тайёрловчилар:

*Шухрат Ризаев,
Тоир Исломов*

Масъул муҳаррир:

*Муқаддас Аҳмаджонова,
санъатишунослик фанлари номзоди,
доцент*

Озод Ватан саодати: Беш жилдли. [Таҳрир хайъати: М.Али, С.Саййид ва бошқ. Нашрга тайёрловчилар: Ш.Ризаев, Т.Исломов; масъул муҳаррир: М.Аҳмаджонова; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси]. – Тошкент: ADIB, 2013. Ж.3. Драматургия. – 2013. – 536 б.

УЎК: 821.512.133.1/-9

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-4165-4-3

© “ADIB” нашриёти, 2013

Бизнинг миллий театр санъатимиз тарихан жуда катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг қадимий илдизлари халқ ўйин ва томошаларига бориб боғланади. Лекин XX асрга келиб ўзбек театр санъати янгитдан – юртимиз ва жаҳон миқёсида шаклланган, даврлар синовидан ўтиб келаётган анъана ва тажрибалар асосида вужудга келгани ва камол топганини эътироф этиш зарур.

Ислом КАРИМОВ


“Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан

СЎЗБОШИ

Драматургия бадий ижоднинг энг мураккаб тури эканлигини кўплаб улуғ адиблар эътироф этишган. Драма адабий тур ва жанрларнинг гултожи ўларок, қадим-қадимлардан алоҳида истеъдод соҳибларининг фаолият соҳаси бўлиб келган.

Ўзбек миллий драматургияси ўтган йиллар давомида ҳар бир даврнинг ва ижодий изланишларнинг хос хусусиятларини акс эттирган ҳолда такомил топиб борди. Айниқса, мустақиллик даврида театр санъати каби ўзбек драматургияси ҳам том маънода миллий негиздаги янги босқичга кирди. Мустақиллик даврида бошланган кенг кўламли ислохотлар адабиётнинг бошқа жанрлари каби драматургия намуналарида ҳам ифодасини топа бошлади. Дастлаб мустабид тузумнинг халқимиз ва унинг истеъдодли вакиллари тақдирида намён бўлган эзгин кўринишлари сахна асарларимизга мавзу бўлган бўлса, кейинроқ ўзликни англаш, миллий тарихимизни тўлиғича холис тиклаш учун ижтимоий-сиёсий имкониятлар яратилган пайтда узоқ ва яқин тарих кечмишлари, жумладан, буюк алломалар, саркардалар, шоирлар ҳақида қатор жиддий асарлар дунёга келди. Кейинги йилларда эса мавзулар янада ранг-баранглашиб, замонавий қаҳрамон образларини яратиш борасида жадал изланишлар кечмоқда. Ҳар бир театрда йилига сахналаштириши режалаштириладиган оригинал пьесаларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, истиқлол йилларида драматургия соҳасида профессионал драматурглар ва ёш ижодкорлар томонидан беш юздан ортиқ пьеса яратилди. Уларнинг аксарияти республика ва хориж театрлари сахнасида қўйилди. Бир қатор пьесалар ҳали ҳам репертуарлардан тушмай келади. Шу боисдан ҳам, эндиликда бу катта хирмондан энг сараларини сайлаб олиш осон иш эмас.

Истиқлол даври ўзбек драматургиясининг намуналаридан сараланиши кўзда тутилган мазкур мажмуани тузишда бадий ижоднинг драматургиядек ғоят мураккаб турининг жуда



кўп жиҳатларига эътибор қаратиш лозим топилди. Таъкидлаш жоизки, тўпладан ўрин олган пьесалардаги воқеалар узок ва якин ўтмиш бўладими, яшаб турган кунларимизга тегишлими, ундан қатъи назар, саралаш жараёнидаги асосий мезон уларнинг профессионал даражаси бўлди. Мажмуада жамланган асарлар аксарият ўзбек театрларида муваффақиятли сахналаштирилган. Даврий матбуотда театр мунаққидлари томонидан озми-кўпми таҳлил ҳам қилинган. XX аср сўнги ва XXI аср бошлари ўзбек театрининг мафкуравий чеклашларсиз ёзилажак янги тарихида бу асарлар ўзига муносиб саҳифаларни эгаллашига шубҳа йўқ. Шу билан бирга мажмуада чоп этилаётган пьесаларнинг ҳаммаси ҳам камчиликлардан холи, бадий баркамол, драматургиянинг барча талабларига жавоб бера оладиган даражада, деб қатъий айтиш фикридан узокмиз. Зеро, драматургияда нодир асарлар уммондан топиб чиқилган дур каби қимматга эга ва улар доим ҳам учрайвермайди.

Янги давримиз драматурглар учун тенгсиз илҳомбахш манба, унинг ғоялари ва маънавий мезонлари жамиятнинг барча аъзолари тақдирида аниқ-тиник акс этаётгани шубҳасиз. Ана шу ғоялар турли ёшдаги, турли табақадаги одамлар турмуш тарзида, дунёқарашда қандай акс этаётганлигини реал ифода қилиш драматурглардан теран фалсафий мушоҳадалар, баланд савия ва юксак бадий маҳорат ҳамда театр амалиёти қонуниятлари-ю мезонларини яхши билишларини талаб қилади, албатта. Айни вақтда драматургиянинг давримиз талабларига мос ҳолда ривожланиши учун театр санъатидаги ижодкорлик муҳити, ижрочиларнинг, айникса, режиссёрларнинг профессионаллик даражаси катта аҳамият қасб этади. Режиссурада муаллифлар билан ижодий ҳамкорлик, сахна асари матни табиатини ҳис қилиб, кадрлай олиш, асардаги туб моҳиятни теран англаш ва давр эстетик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда умри боқий, миллий маданият тарихидан муносиб ўрин оладиган асарларни яратиш борасида ўлмас анъаналар, ижодий мактабларимиз бўлганлигини унутмаслигимиз лозим.

Янги давр – Мустакиллик даври барча соҳалар каби ўзбек драматургияси ва театри олдига ҳам ниҳоятда жиддий вазифаларни қўйди. Жумладан, ижтимоий воқелик ва ғоятда мураккаб глобаллашув жараёнларида яшаётган инсон кечмиши, орзу-ўйлари, муносабатлари, унинг ўзлигини сақлаш, маънавий-маданий қадриятларига садокат кўрсатиш, баркамолликка интилиш йўлидаги ҳаракатлари бугунги сахна асарларимизнинг бош мавзуси, ўзак масаласидир. Ана шу йўлда изланаётган замонавий драматургиямизнинг айрим тилга тушган намуналари ушбу китоб мундарижасини белгилади.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Драматургия кенгаши*



Одил
ЁҚУБОВ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
(1926 – 2009)



БИР КОШОНА СИРЛАРИ

Икки парда, тўрт кўриниш, муқаддима ва хотимадан иборат драма

Иштирок этувчилар:

С а р в а р – қадди-қомати келишган, кўркам йигит, 35 ёшларда. Хотини орқасидан омади келиб, миллионер бўлган. Лекин бойликка ҳирс қўймаган, самимий инсон.

Д и л о р а – Сарварнинг хотини. 37-38 ёшларда. Лекин анча ёш кўринади. Кўҳлик жувон, уддабурон, шаддод ва энгилтак. Бир йиғлаб, бир куладиган аёл.

М е х р и н и с о а я – Сарварнинг онаси. 70 ёшларда. Ниҳоятда покиза, ширинсухан, меҳрибон, соддадил аёл.

Д а р в е ш а л и – Сарварнинг кўшниси. Машҳур жаррох. Дарвештабиат, қайсар, тўғрисиўз одам. 48-50 ёшларда.

Г у л н о з а – унинг хотини ва шогирди. 26-27 ёшларда. Нозик-нихол, мулойим, сулув, ширинзабон жувон.

Б ў р с и қ – Сарварнинг ўнг қўли. Асл исми Бўривой. Лекин уни ҳеч ким Бўривой демайди, Бўрсик деб чақиривади. Юм-юмалоқ, хомсемиз, айёр одам. 40 ёшларда.

Домла-имом, хизматкорлар, соқчилар, врач ва ҳамширалар. Воқеа шу кунларда бўлиб ўтади.

МУҚАДДИМА

Саҳна берк. Парда кўтарилмаган. Лекин парда ортида ярим кавказча, ярим Европача, ярим ўзбекча шўх куй, ашула, кулги, қарсақлар янграйди. Парда очилади. Баҳор. Дала. Қандайдир гўзал ўтлок. Четрокдаги столда ҳар хил емиш ва ичимликлар. Тўрт-бешта йигит давра қуриб, чапак чалмоқда, даврада Дилора ҳар хил нағмалар қилиб рақсга тушмоқда. Унинг кайфи баланд. Бир чеккада, кўли кўксида Сарвар ковоғини уйиб турибди. Хотинининг қилиғидан энсаси қотган.

Кўшиқ:

*Тум-така-тумни чалворамиз,
Диляхонни олворамиз,
Диляхон ўғил тугса,
Тум-така-тумни чалворамиз.*

Ж Ў Р О В О З Л А Р. Вой-дод!

Кулги, қийқирик. Ёш, хушқад бир йигит икки кўлида икки қадах билан Дилорага яқинлашади.

Й и г и т. Жон опажон. Биз ғарибга ҳам бир назар ташланг!
Д и л о р а (*Ўйнашда давом этади, мастона кулади*). На-
ри тур! Нега мен сенга опа бўларканман? Ҳали ўн гулимдан
бир гулим очилмаган, онаси ўпмаган жо-ононни опа дейсан,
тирмизак!

Й и г и т. Бинават! Диляхон! Бу ёлғон дунёга кепманки,
шайдойингизман! Бир ишва, Диляхон, бир ишва биз ғарибга!

Д и л о р а (*хохолаб кулади*). Диляхоннинг бир ишваси минг
доллар туради. Кучингиз етадим, йигитча!

Й и г и т. Минг доллар? Мана сизга минг доллар! (*Кис-
сасидан бир даста пул олиб, Дилоранинг бошидан сочади.
Қийқирик, қарсақлар. Дилора ҳаводаги долларни тутаман деб
қоқилиб кетади. Йигитча уни ушлаб қолади.*)

Д и л о р а (*мастона*). Мард йигит экансан, ке, бир ўпиб
кўяй. (*Енгилгина ўпади. Яна қийқирик, кулги.*)

Д и л о р а. Сарваржон! Сарвар ака! Йиғиштириб олинг.
Ҳаммаси юзталиқ экан доллари.

Сарвар шитоб билан юриб келиб Дилоранинг юзига бир шапати уради.

Д и л о р а (додлаб). Нима киялпсиз, гуноҳим нима менинг?
Й и г и т. Азизлар! Бу канака қилик? Шундай гўзалга мушт
кўтариш!

С а р в а р. Мен факат гўзаллар эмас, сендай ҳезларни ҳам
бир уришда жаҳаннамга жўнатганман. (Уради. Йигит ганди-
раклаб бориб йиқилади)

С а р в а р (Дилорага). Бундан кейин башарангни кўрмай
сенинг! (Чиқади.)

Д и л о р а. Сарвар ака! Жонгинам. (Орқасидан югуради,
қоқилиб йиқилади. Йигитлар ушлаб қолишади.)

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Саҳна тўрида икки қаватли кўркам кошона. Чап ёнда дид билан қу-
рилган бир қаватли бино. Унда Меҳринисо ая, ошпаз ва хизматкорлар
турадилар. Ўнг томондаги деворнинг бир ёнида қўш қаватли темир дар-
воза, дарвоза ёнида қафасдеккина соқчихона. Ўртада атрофи гулзор, ши-
нам шийпон. Эндигина мўралаган офтоб гулзорни яшнатиб юборган.
Ўнг томондаги уйдан ёши етмишларга бориб қолган, ниҳоятда ораста
кийинган, истараси иссиқкина кампир – Меҳринисо ая чиқади. Ая ший-
пондаги кумгонлардан бирини олиб, гулларга сув сепа бошлайди. Дарров
соқчихона эшиги очилиб, тўппонча таққан ёш йигит отилиб чиқади ва кам-
пирнинг кўлидаги идишга ёпишади.

С о қ ч и. Ҳой, ҳой, холажон. Қўйинг бу ишингизни. Гул-
ларга сув сепиб, ҳовли супурадиганлар сон мингта-ку.

А я. Кўявер, болам. Шу ишни қилсам кўнглим ёзилади,
ором оламан.

С о қ ч и (қумгонга ёпишиб). Сиз-ку ором оласиз, аммо
ўғлингиз кўриб қолса борми, мана бўтимизга (думбасини шапа-
тилайди) шундоқ тепадиларки, тўппа-тўғри асфаласофилингга
равона бўламиз, аяжон.

Дарвоза кўнғироғи жиринглайди.

С о қ ч и (тирқишдан мўралаб). Яна анов нозанин. Дўхтир
қўшнингиз. Намунча тонг отмасдан йўрғалайдиган бўп қолди
бу санам? Хўжайин жигаридан урди-ёв бу малакни.

А я. Қаёқдаги гапларни гапиравермай эшикни оч, болам. Давлениямни ўлчагани келади бу кизим. (*Гулнозани кўриб*) Келдингми, Гулноза кизим? Бўйгинангдан онагинанг ўргилсин, қоқиндик, кела қол.

Г у л н о з а. Кечаги уқолимнинг таъсирини билиб кетай дегандим, холажон.

А я. Вой тилгинангга шакар, кизгинам. Сен келсанг борми, давлениям ўлгур ҳам шаталок отиб қочиб қолади...

Г у л н о з а (*Кулади*). Чиндан ҳам бугун чехрангиз тиник. Яхши ухлаб, яхши тушлар кўрганга ўхшайсиз, холажон? (*Ёнига ўтиради.*)

А я. Э-э... яхши уйку қаёқда дейсан, дўхтир қизим. Ўғлим билан келиним орасидан ола мушук ўтиптики, ҳаловат йўқ уйимизда. Болажоним фарзандларини жонидан яхши кўради, соғинади, келиним тушмагур, уларни опқочгани-опқочган. Ўғлим ўз ёғида ўзи қоврилади. Онаизор, буни кўриб мен қовриламан. Келин енгилтак бўлса қийин экан.

Г у л н о з а. Ҳозирги ёшларнинг ҳаммасиям шу.

А я. Ёшлар дейсан. Мана, сен унақа эмассан-ку. Бир қошиқ сув билан ютиб юборадиган суксурдеккина келинчаксан. Унақа эмассан-ку сен.

Г у л н о з а (*Кулади*). Эрим мени бошдан қаттиқ ушлаганда, холажон.

А я. Сарваржоним ҳам анойи эмас. Қайси бир зиёфатга борганларида, келиним бор бўлгур, ичиб олиб, йигитларга шилқимлик қилган экан, шартга ҳайдаб юборди... Мана, охири нима бўлди? Болажоним ичмас эди, ичадиган бўлди. Кўринишидан алпқомат бўлсаям, болалигидан юраги ночор, кўрқаяпман.

Г у л н о з а. Кўп қуйинаверманг, холажон, ҳаммаси ўрнига тушади.

А я. Илойим, айтганинг келсин. Эринг икқовингни туну кун дуо қиламан. Худо сенларга кўчқордай ўғил берсин, деб.

Г у л н о з а (*Қотиб кулади*). Қиз бўлсаям майли эди, холажон. Юринг, кўриб қўяй сизни. (*Ичкарига кириб кетишади.*)

Кошонанинг зинасида Сарвар кўринади. Ёш, хушқад, хушсурат, эгни-



да спортчилар кийими. У шийпонга ўтиб, тугмачани босади. Ҳаммаёқ жан-ранг-журунг бўлиб кетади. Дархол ҳар томондан бир нечта чабдаст йигит югуриб чикишади.

Б и р и н ч и й и г и т. Амрингизга мунтазирмиз, сарвари аъзам.

И к к и н ч и й и г и т. Нонушта тайёр, кўнгиллари нимани истади, хўжайин?

С а р в а р. Жигаркабоб. Шампан.

Б и р и н ч и й и г и т. Бир дақиқа. Дархол есть қиламиз. *(Кетади.)*

С а р в а р. Анов Бўрсиквой кайда? Пешин бўлди, ҳалиям инида хуррак отиб, қорнини силаб ётибдими, бокибеғам?

И к к и н ч и й и г и т. Ҳозир оёғидан судраб чиқаман. *(Кетади.)*

Сарвар эснайди, қўлларини ёзиб, бадантарбия қилган бўлади. Зинада Бўрсик кўринади: пак-пакана, корни тарвуздай.

Б ў р с и қ. Биз хўроз ўтмасдан туриб, амрингизни кутиб ётибмиз, хўжайин.

С а р в а р. Нима бало, тунги зиёфатда сўйилган қўйни думбаси билан ямламай ютганмисан, қорнинг хомиладор хотиннинг қорнидай қаппайиб қопти. Ҳа-ҳа-ҳа. Биру ноль, каминани фойдасига. *(Шарақлатиб қўл уриштиришади.)*

Б ў р с и қ. Кўп кулаверманг, ҳикмат кўп бу қоринда, хўжайин. Хизматингиз билан қайсики вазирликка бормай, не-не аркони давлатлар бу қоринни кўриб, сакраб туриб таъзим бажо келтиришади.

С а р в а р *(соқчига ҳазиломуз).* Пичоғинг билан шартга ёр қорнини. Кўрайлик, канақа ҳикмат бор экан бунинг қорнида? *(Кулги. Хизматкор йигит белидан пичоқ суғуриб олади.)*

Б ў р с и қ *(қорнини дўппайтириб).* Ёр. Ёравер. Ичи тўла доллар. Сидириб оласан. *(Кулги.)* ...Кул, кулавер. Хўжайиннинг хизматларини аммангнинг бузоғи бажаради. Эмиратдан келган бир эшалон молни сен ландавур опчиқасан божхонадан.

С а р в а р. Нима бало, бирорта томоғи тешик йўкми, божхонада?

Б ў р с и к. Бор эди. Ҳаммасининг думини тугишди-ку. Газит ўқимайсиз-да, беҳабарсиз дунёдан.

С а р в а р. У куни топиб келган аферист оғайнинг қайда? Ё униям думи тугилдими?

Б ў р с и к. Йў-ўк, амал курсига ўтираяпти у. Бирок иши юришмаяпти.

С а р в а р. Иши юришмаса, дарҳол алоқани уз у билан. Ишга олмасимдан туриб, йўлдан урдинг мени. Мен унақа пора-мора билан иш қиладиган ипринди-сипринди тадбиркор эмасман. Тер номерини. Тер деяпман сенга! Қўрксанг, ўзим гаплашаман у шумшук билан.

Б ў р с и к. Жон хўжайин. Қаттиқ гапирманг. *(Бўрсиқ киссасидан уяли телефонини олиб теради. Шивирлаб)* Ўзлари...

С а р в а р. Бу мен, акоси, танидиларми? Таниган бўлсангиз тунов куни олган қарзларингизни қайтариб беринг, акоси. Ҳа, шу бугун... *(Қулоқ солади.)* Нима, нима? Керакли одамларнинг оғизларига тикқанман? Вазият ўзгариб қолди? Менга каранг, акоси. Мен вазият-пазиятларингизни билмайман. Қулоғингизга қуйиб кўйинг. Ўша куни Бўрсиқвойнинг уйда берган ваъдаларингиз, бир дипломат пулни битта-битта санаб олганларингиз – ҳаммаси кинога олинган. Фиринг десангиз, кассетани керакли жойларга узатаман...

Б ў р с и к *(ҳайратланиб)*. Қанақа кино? Қанақа кассета? Ҳеч нима бўлмаган эди-ку!

С а р в а р. Ишинг нима? Билиб кўй: бу аферистлар шохида юрса, камина баргида юраман. Ўзиям иштонини булғаб кўйди-ёв, оғайнинг. *(Телефонни Бўрсиққа отади, Бўрсиқ аранг тутиб олади.)*

Б ў р с и к. Шу ишингиз чакки бўлди-да, хўжайин. Керакли одам эди.

С а р в а р. Керакли одам эмиш?! Бошда, ишга олаётганда айтган эдим-ку сенга, мен бунақа қаланғи-қасанғи аферистлар билан ишламайман деб. Башараси ёкмаган эди унинг. Умрида корни тўймаган шумшук мушукка ўхшайди. Бошқа топшириқларим нима бўлаяпти?

Б ў р с и к. Қайси бирини айтяпсиз? Агар конвертация бўлса, ўпкамни қўлтиқлаб банкма-банк югуриб юрибман, хўжайин.

С а р в а р. Конвертацияни қўйиб тур. Ўзим шуғулланаман. Қўриб турибман – қўлингдан келмайди. Айтган эдим-ку: мен учун ҳаёт-мамот масала – фарзандларим тақдири деб. Бу иш нима бўляпти? Ўзинг айтган эдинг-ку, томоғи тешик юристни топдим деб.

Б ў р с и к. Топган эдим. Аммо-лекин аёллар йили бўлди-ку бу йил.

С а р в а р (ҳайрон). Аёллар йили бўлса нима бўпти?

Б ў р с и к. Нима бўларди? Аёллар дастидан тешик-тешик-ка кириб кетди-ку эркак зоти. Хотинингиз Дилорахоннинг тили бир қарич бўлди-ку.

С а р в а р. Хотиним эмас у. Талоқ қилганман уни. Уч талоқ! Фарзандларим керак менга, фарзандларим!

Б ў р с и к. Уч талоқ тугул, минг талоқ қилсангиз ҳам суд ажрим қилмаганми ҳали? Қилмаган. Аёллар йилида порага сотилиб, эркаклар фойдасига ҳал қиласанми ишни деб, Дилорахон шунақа ўйин кўрсатяптики, кирадиган тешик тополмай қопти томоғи тешик судья. Сичқоннинг ини...

С а р в а р (бўшашиб). Минг танга де?

Б ў р с и к. Минг танга эмиш. Минг доллар денг, хўжайин. Хотинингиз юристга ҳозир миянгни қатигини чиқараман деб, стулни отган экан, у бечора столининг тагига кириб кетибди. Ўхшаяптими?

С а р в а р. Тушунмадим гапингга?

Б ў р с и к. Хотинингизга ўхшаяптими деяпман. Нимасига тушунмайсиз?

С а р в а р. Бу ёғи нима бўлади энди? Шу арзимаган ишнинг уддасидан чиқолмасанг, нимага ишга олдим сен қоринвойни? Нимага тўлаяпман жарақ-жарақ пулларни?!

Б ў р с и к. Ҳали оклаймиз нон-тузингизни. Аммо-лекин... Бир қошиқ қонимдан кечсангиз сизга айтадиган бир гапим бор, хўжайин. Менга қаранг, жон оғайни. Нима қиласиз шу хотин билан ажрашиб? Ахир, инсоф билан айтганда сизниям, мениям одам қилган шу хотин-ку? Ким эдик бизлар? Мен ўзингиз айтган ипринди бир паттачи эдим, бозорком қилди. Сиз тачка хайдаб юрган бир йигитча эдингиз. Рост, жуда келишган, кет-

ворган йигитча эдингиз. Шу хотин сабаб, миллионер бўлдингиз. Лекин уям қанақа жувон эди? Бутун шаҳар унинг супермаркет дўконига мол олгани эмас, хусни-жамолини томоша қилгани келарди. Ҳозир ҳам кўчада юрса, не-не эркаклар қайрилиб қарайди. Шахзоданинг ишқи бақага тушибди, деганларидек...

С а р в а р (*Шартта ёқасидан олади*). Нима демокчисан, шайтонни йўлдан урган иблис? Дилора шахзода, сен курбака эдинг, демокчимисан?

Б ў р с и к. Йў-ўк. Сиз ҳам зўр экансиз, тачкачидан шу даражага етдингиз. Кимсан, Сарвар бизнесмен, деган ном чиқардингиз. Мана бунақа кошоналар курдингиз.

С а р в а р. Кеча айтдим-ку сенга. Менинг шахсий ишларимга аралашма деб... Шампан қани? Жигар кабоб қайда?

Б ў р с и к. Жон хўжайин. Қўйинг шу ичкиликни. Кечаси юрагингиз ёмон бўлиб, ўтакамни ёриб юбордингиз-ку ахир.

С а р в а р. Ичкиликдан эмас, фарзандларимни соғинганимдан дарз кетяпти юрагим? Ҳой, ким бор? Ҳамма ўлиб қолдим бу лаънати кошонада?

Ичкаридан “Шўттамиз, шўттамиз”, деган овозлар эшитилади, сўнг бир йигит баркашларда кабоб ва шампан олиб чиқади.

Қуй. Тўлдириб қуй. Бу қоринвойга ҳам.

Б ў р с и к. Йў-ўк. Биласиз-ку, оғзимга ҳам олмайман, хўжайин.

С а р в а р. Биламан. Бир шоир айтган экан: отадиганлардан ёмонлик чикмас экан, отмайдиганлардан чиқар экан ҳамма ёмонлик. (*Уст-устига икки қадаҳ отади.*)

Б ў р с и к. Олинг, олаверинг. Хизматкорда забон йўк. Бошимизни эгиб тураверамиз. Аммо... эгилган бошни қилич кесмас, деган экан бир машойих.

С а р в а р (*ҳазиломуз*). Қилич ҳайф сен пагтачининг аҳмоқ бошингга. (*Бирдан бўшашиб ўзини креслога ташлайди.*) Жон дўстим. Бир бало қил бу ишни. Хоҳласанг “Мерседес”имни ол. Истасанг, “Волво”мни. Аммо бир бало қилиб, тўғрилаб бер бу ишни. Ўғилчам мени қамчилаб, эшшак қилиб минганида, кизалоғим полга чўккалатиб туя қилиб ўйнаганида мендан бахтиёр инсон йўк эди бу дунёда. Гапимга ишон, дўстим Бўрсиквой.



Бўрсиккинам. Кечалари тушларимга киради фарзандларим. Улар ҳам мени йўқлашар эмиш. Йўқлаб, йиғлашар эмиш. Тўғрисини айтсам, хозиргача пушаймон қиламан бу хотиннинг тузоғига илинганимдан. Хотинининг марҳамати билан бойвачча бўлди, деган умрбод ўчмас тамғани пешонамга босиб, бойвачча бўлиш нима керак эди менга? Ундан кўра оч қорним – тинч қулоғим деб, тачкамни судраб юраверсам бўлмасмиди, оғайни?

Дарвоза кўнғироғи қаттиқ жиринглайди. Темир эшикда Дилора кўринади. У йўлини тўсган қоровулни итариб юбориб ичкарига киради.

Б ў р с и қ (*шивирлаб*). Хизрни йўқласак ҳам бўларкан. Ана, келдилар, сизни бойвачча қилган хонимча.

Д и л о р а (*қоровулга*). Даф бўл, ҳезалак. Ё мени танимадингми, муттахам?

С а р в а р (*шивирлаб*). Мен куён бўлдим, ўзинг гаплашавер, Бўрсик.

Д и л о р а. Тўхта! Сарвар! Кимдан, қаёққа қочяпсан? Ўз хотининг, Оллоҳ қовуштирган жуфти ҳалолингдан қочасанми?

Сарвар қулоқларини беркитиб, креслога чўқади. Бўрсик Дилора томон пилдирайди.

Б ў р с и қ. Келинг, Дилорахон. Эсон-омонмилар? Кайфлари чоғми?

Д и л о р а. Бўрсик бўлсанг ҳам илондай аврайсан-а, бургага тузоқ кўйган лўттивоз! Қаёққа чопяпсан, қорнингни ларзон-ларзон қилиб.

Б ў р с и қ. Кўриб турибсиз-ку, сизга пешвоз чикдим-ку, опажон!

Д и л о р а. Менгами ё киссангни долларга тўлдириб, анов поражўр юристингга шошаяпсанми?

Б ў р с и қ. Йў-йўк, опажон! (*Шивирлаб*) Камина ҳеч қачон сизга қарши иш қилган эмасман. Сизнинг яхшилигингизни унутган одам кўр бўлади, опажон! Кўзи окиб тушади.

Бўрсик четлаб-четлаб боради-да, бирдан шаталок отиб ўзини дарвозага уради.

Д и л о р а. Ҳа, ер ютгур, шумтака. Мени илондай авраб, куён бўлишини қаранг буни.



С а р в а р (соқчига). Нега киритдинг бу сайрокини?
Опчикиб ташла кўчага.

С о қ ч и. Менга қаранг, опажон...

Д и л о р а. Яқинлашма менга! Тўппончангни қинингдан суғуриб олиб, пешонангдан қарсиллатиб отаман. (Сарварга) Ҳа, нега кирмас эканман? Беҳаёманми, шаллақиманми – икки фарзандингни онасиман. Тукқан онасиман. Менгаям қуй шам-панингдан. (Ичади, таҳдид билан) Ёдингда бўлсин: агар мен топган долларлар билан анови сотқин юристнинг оғзини мойлаб ўз фойдангга ҳукм чикартирадиган бўлсанг.. Мени тукқан фарзандларимдан жудо қиладиган бўлсанг..

С а р в а р. Хўш, хўш, нима қиласан?

Д и л о р а. Ўша куниёқ ўзимга ҳам, болаларимнинг устбошига ҳам бензин сепиб, ўт қўйвораман.

С а р в а р (орқасига тисарилиб). Сен... Ақлингдан озиб, жинни бўп колмадингми мабодо?

Д и л о р а. Жинни бўлсам... сен жинни қилдинг мени. Ўша кеча мендан кутулиш учун обормансан анов ҳароми жўраларинг даврасига. Ичириб, маст қилиб, ўзинг пинҳона жуфтакни уриб қолгансан.

С а р в а р. Ўша кеча қилган беҳаё-бешарм қилиқларинг ёдингдан чиқибди. Ипринди-сипринди ғанимларимга қошларингни учириб, кўзларингни сузиб, шахвоний муқомлар қилганинг, маст-аласт ўпишганларинг – ҳаммаси эсингдан чиқибди сенинг.

Д и л о р а. Нима бўлсаям ўзинг бошлаб бординг-ку ўша кечага. Бунақа экан, нега обординг ўша нопок майхонага? Синамоқ максацидами?

С а р в а р. Йўқ. Мен сени синамоқ эмас, рақибларимнинг кўзини ўйнатмоқ ниятида оборман эдим. Мана, кўриб қўйинглар, қандай мулойим, қандай одобли, мен учун жонини фидо қиладиган умр йўлдошим бор, кўриб қўйинглар, номардлар, демоқ максацида, ифтихор қилмоқ ниятида оборман эдим сени. Сен бўлсанг..

Д и л о р а (ёлвориб). Жон Сарваржон. Акажоним менинг. Ўша кеча эркалик қилсам қилгандирман, енгиллик қилган



бўлсам қилгандирман. Лекин, тепамда худо, бирор ит теккани йўқ жисмимга. Жисмим ҳам пок, виждоним ҳам. (*Бирдан сизлашга ўтади*) Сарвар ака. Жоним, жонгинам. Кўзимни очиб кўрган жуфти ҳалолим. Агар гуноҳ қилган бўлсам, кечиринг мен бахтиқарони! (*Йиғлайди*) Кечиринг! Хоҳласангиз, тиз чўкиб оёқларингизни ўпаман. (*Сарвар уни ушлаб қолади.*)

С а р в а р. Йўқ, синган кўзани қайта тузатиб бўлмас, Дилора. Тузатганда ҳам ямоғи қолади унинг. Ундан кўра, айт: мендан нима керак сенга? Уй десанг уй, пул десанг пул, машина десанг машина – ҳаммасини муҳайё қилиб бердим. Тагин нима керак?

Д и л о р а. Сиз. Сиз кераксиз, Сарвар ака! Сиз. Сизсиз ёруғ дунё қоронғу менга, жоним! Жонгинам, ҳайдаманг мени!

С а р в а р (*Саросимада сув тутади*). Дилора... ўзингни бос. Одамлар кўрса, нима дейди.

Д и л о р а. Кўришса кўришаверсин. Шу хонангиздан битта-ю битта хужра берсангиз бўлди. Болажонларим билан келиб турай. Майли, бошқа хотин олинг. Мен хизматларингизни қилай. Чўри бўлай, малай бўлай. Фақат ҳайдаманг. Сизни кўриб юриш бахтидан жудо қилманг, мен бахтиқарони. (*Яна тиз чўкмоқчи бўлади. Сарвар яна ушлаб қолади.*)

С а р в а р. Бас қил, Дилора! Арт кўз ёшингни. Жонимга тегди бу доду фарёдинг.

Д и л о р а. Э, худо! Гуноҳим нима мен шўрликнинг?! Гуноҳим – куни кеча дўконимда тачка ҳайдаб юрган бу гўрсўхтани яхши кўриб қолганимми? Гуноҳим – гулдай ёшлигим, бу кўркам гўзаллигим, дўконим, бор бисотимни бир кулиб боқишимга зор бўлиб, босган изимни ўпиб юрган бу гўрсўхтага инъом қилганимми? Гуноҳим нима менинг?

С а р в а р (*ҳамияти кўзиб*). Менинг тиллаларим-чи? Дадам раҳматли берган, бобомдан қолган тиллалар...

Д и л о р а. Топган ўн тиллангни юзимга солмоқчимисан? Ўн тиллангни минг тилла қилиб берган ким? Мана шу ёмон Дилора.

С а р в а р (*кўнгли бўшаб*). Дилора! Қуй энди! Қийнавординг-ку одамни. (*Соқчига*) Опангни опчиқиб, машинада олиб бориб қўй, ука. (*Соқчи Дилоранинг қўлтигидан олади.*)



С о к ч и. Юринг, опажон. Юра қолинг, машина тайёр.

Д и л о р а (*Сарварга*). Ҳайдаяпсанми? Итдай қуваяпсанми? Оллоҳ қовуштирган жуфти ҳалолингни! (*Яна телбаланиб*) Майли, қув. Ҳайда. Ҳақорат қил. Фақат бояги гапим ёдингдан чикмасин. Мабодо, фарзандларимни тортиб оладиган бўлсанг... учовимизнинг ҳам қулимизни оласан. Жисмимизни эмас, қулимизни дафн этасан!!!

С а р в а р (*тоқати тоқ*). Буни даф қил дедим сенга!

Сокчи Дилорани судрайди. Дилора унсиз йиғлаганча унга бўйсуниб, қокилиб-сурилиб орқасидан юра бошлайди-ю, аянинг хонасидан чиккан Г у л н о з а н и кўриб, юлкиниб сокчининг кўлидан чиқади.

Д и л о р а. Ҳа-а... Гулнозахон. Нега бу даргоҳга серкатнов бўп қолдилар десам... Биламан, ҳаммасини биламан. Ҳе, юзинг курсин! Лочиндай эринг туриб, менинг жуфти ҳалолим билан дон олишгани уялмайсанми, беҳаё!

Гулноза қафтлари билан юзини яширганича турган жойида тош қотади.

С а р в а р (*Соқчига бақиради*). Мен сенга нима дедим! Йўқот, бу ифлосни!

Д и л о р а. Худога солдим сен қилтирикни, иккаловингни ҳам худога солдим.

Сокчи йиғлаган Дилорани судраб олиб чиқиб кетади. Гулноза ҳамон қафтлари билан юзини яширганича дарвоза томон юради. Сарвар тез бориб унинг йўлини тўсади.

С а р в а р. Гулнозахон. Кўнглингизга олманг, унинг гапларини. Кўриб турибсиз-ку, телбаланиб қолган у.

Г у л н о з а (*секин*). Мени кўйиб юборинг, Сарвар ака. (*Бирдан ўқсиб, унсиз титраб йиғлайди.*) Қайси гуноҳларим учун бу ҳақорат, бу маломат, бу бўҳтон?!

С а р в а р. Илтимос, йиғламанг, Гулнозахон. Сиз шундай... покиза инсонсизки, сизга ҳеч бир тухмат, ҳеч бир бўҳтон ёпишмайди. Юкмайди сизга...

Г у л н о з а. Раҳмат. Мен борай.

С а р в а р. Илтимос қиламан, хафа бўлманг. Мендан... Хафа бўлманг...

Г у л н о з а. Сиздан нега хафа бўлай? Мен ўзимдан хафаман. Бу гаплардан кейин мен энди бу уйга, холамларнинг олдига қандай келаман? Қайси юз билан келаман?!

С а р в а р. Йў-ўқ. Сиз ойимларнинг битта-ю битта суянчиғисиз, овунчоғисиз. Фақат ойимлар эмас... мен... менинг ҳам...

Г у л н о з а. Қўйинг, бу гапларни...

С а р в а р. Йўқ, рост, мени кўрқитманг. Юрагимни санчитманг...

Г у л н о з а. Юрагингиз санчса... Эримга – Дарвешали акамларга кўрининг. Биласиз, у киши катта жарроҳ...

С а р в а р. Биламан. Эрингиз улуғ жарроҳ. Аммо менинг юрагимни ҳеч бир жарроҳ даволай олмайди. Юрагимни битта-ю битта дўхтир даволай олади, у ҳам бўлса...

Г у л н о з а. Илтимос, бу ёғига ўтманг. Шу гапда тўхтанг...

С а р в а р. Нега? Дилимдаги розимни айтиб қолай...

Г у л н о з а. Қўйинг, биламан, ҳаммасини биламан. Фақат сиз ҳам шуни билиб қўйингки, сиз ўйлаган режа ҳеч қачон, ҳеч қачон рўёбга чикмайди.

Сарварнинг ёнидан ўтиб, дарвоза томон йўналди. Сарвар бир-бир босиб, шийпонга чиқади ва юрагини силаганича ўриндикқа суянади. Уйдан Меҳринисо ая чиқади.

А я. Биров келдими, болам? Қулоғимга шовқин-сурон, бакир-чакир киргандай бўлди. (*Ёнига ўтиради.*) Нега юрагингни чангаллайсан? Оғрияптими?

С а р в а р. Ойижон... Ойижонгинам! Айтинг-чи, мени нега туғдингиз?

А я. Бу нима деганинг, болажоним! Сени менга худо берган эканки, туғдим-да...

С а р в а р. Худо берган бўлсаям... туғмасангиз бўларкан, ойижон.

(*Онасининг тиззасига бошини қўяди.*)

П А Р Д А

Иккинчи кўриниш

Чоғроқкина ховли. Ховлининг тўрида бир туп ўрик. Ўрик шохига арғимчок осилган. Садарайхон ва атиргуллар экилган гулзор ўртасида дўнғалак стол, стол атрофида тўртта кресло. Столда дори-дармон ва жаррохлик ускуналари солинган кутича, кутича ёнида телефон, бир-икки шиша “Тошкент” суви. Парда очилганда стол атрофида асабий айланиб юрган Дарвешалини кўрамиз. Унинг сочлари дарвешона тўзгиган, эгнидаги ок халатни бир ечади, бир кияди. Телефон жиринглайди.

Д а р в е ш а л и (*гўшакни олиб*). Лаббай? Ҳа, мен... (*Қулоқ солади, дағаллик билан*) Намунча ваҳима қиласанлар?! Юрагида эмас у одамнинг дарди! Ҳамма кўрсатмаларни бериб кетдим-ку кеча. Ўзинг операция қилсанг ҳам бўлаверарди. Ё соқолинг кўксингга тушгандаям ассистент бўлиб юраверасанми? Нима дединг? “Чап ёнингиз билан турганмисиз”? Йўқ, ўнг ёним билан турганман... Хотинимни йўқотиб қўйдим. Нега куласан? Хотинингни йўқотсанг, сен мендан ҳам баттар бўлардинг... Нима, нима? “Кўча тўла хотин”? “Бошқасига уйландим”? Сен уйланавер, ўша, кўча тўла хотинларга. Нима дединг? “Ҳазиллашдим”? Келиб-келиб домланг билан ҳазиллашасанми, аблаҳ! Бунақа ҳазил учун юмшоқ жойингга тепиб хайдаб юбораман кафедрамдан. Йўқ, хотиним топилмагунча ишга бормайман. Айтиб қўй бош врачга. (*Эшикдан кирган Гулнозани кўриб*) Э, мана топилди! Ярим соатларда бориб қоламан. (*Гўшакни “шақ” этиб қўяди.*)

Г у л н о з а. Кечирасиз, Дарвешали ака. Сизга айтмай кетувдим. Озгина ҳаяллаб қолдим.

Д а р в е ш а л и. “Озгина” эмиш. Бир соат бўлди – икки кўзим эшикда. (*Дағдага билан.*) Мен сенга неча марта айтдим! Оёғингга йикилгудай бўлиб ялиниб-ёлвордим. Худонинг қаҳрига йўлиққан бу хонадонга қадам босма, дедим. Сабаб бунақа... гапимга беписанд бўп қолдинг, Гулноз?

Г у л н о з а. Ахир, мен ҳам врачман. Одамларнинг оғирини энгил қиладиган инсонманми? Бемехр бир махлуқ эмасман-ку, ахир.

Д а р в е ш а л и. Мен-чи? Мен ҳам одамларга ўхшаб, хоти-

нимнинг кўлидан бир пиёла чой ичиб кетишга ҳақким борми ё... яхшиси, оғзимни тикиб кўя қол, тинч бўласан.

Г у л н о з а. Чойингизни дамлаб, яхши кўрган ширгуручингизгача пишириб, столга қўйиб кетган эдим-ку...

Д а р в е ш а л и (*кесатиб*). Гўё билмайсан. Сенсиз томоғимдан чой тугул, бол ҳам ўтмаслигини билмайсан гўё.

Г у л н о з а. Биламан. Нима қилай? Улар кўшни-ку ахир. Холамларнинг аҳволи оғир. Қон босими жуда баланд. Илиниб турибди. Ўғиллари Сарвар акамлар миллионер бўлсалар ҳам, шўрпешона, бахтсиз бир одам...

Д а р в е ш а л и. Ҳа, балли. Ҳамма бало мана шундан бошланади. Аввал шўрпешона деб, пешоналарини силагиларинг келади, кейин бошларини кўкракларингга босиб, юпатгиларинг...

Г у л н о з а. Сизга нима бўлди, Дарвешали ака? Ё ёмон туш кўрдингизми бугун?

Д а р в е ш а л и (*қулоқ солмай*). У ҳароми бойвачча бўлса... ўз хотини туриб, бировларнинг хотинига тузоқ кўяди, дон сепади. Унинг сохта кўз ёшидан кўнгилларинг бузилиб...

Г у л н о з а. Дарвешали ака... (*Кўлини олади*) Хаёлпараст дарвеш акам менинг.

Д а р в е ш а л и (*Кўлини силтаб ташлайди*). Бахтсиз эмиш. Ё уни бахтсиз қилган менми? Ким унга эл қатори яшаш ўрнига, ҳаммадан зўр бўламан, ҳаммадинг кўзини ўйнатаман, деб уч каватли қошона қур деган? Гулдай хотини туриб, бошқаларнинг ёш хотинларига кўз олайтир деган ким? Менми?

Г у л н о з а (*тоқати тоқ бўлиб*). Кўйинг-э, рашк деган ҳам эви билан-да...

Д а р в е ш а л и. “Рашк – муҳаббатнинг азалий йўлдоши”, деган улуғ бир шоир. Рашк қилишга ҳақким бор. ЗАГС қоғозимни йўқотмаганим ҳақ. (*Кўкракига уриб*) Бўйнимга тумор қилиб осиб қўйибман уни! Турибди. Агар бу қошонадан оёғингни узмасанг, темир қафас ясашиб, сени унга тикиб, калитини чўнтагимга солиб юраман. Ўтирасан қафасда, оч беданадай кўзларинг мўлтираб.

Г у л н о з а (*қулади*). Майли, ўтиравераман. Дон сепиб, сув бериб турсангиз бўлди...

Д а р в е ш а л и. Мушукка ўйин – сичқонга ўлим.

Г у л н о з а (*қаттиқроқ кулади*). Сиз сичқон, мен мушук бўлдимми энди? Қўйинг энди, Дарвешали ака. Отеллолар замони ўтган. Ўтмаган бўлсаям мен тўйимизда хадя қилган рўмолчангизни йўқотмаганман. Ҳануз кўкрагимда асраб юрибман. (*Кўкрагидан рўмолча чиқариб, кулганича эрининг юзи олдида силкитади.*)

Д а р в е ш а л и (*рўмолчани юлиб олмоқчи бўлади*). Бер бу ёкка. Сандиққа солиб қўяман. Йўқотиб қўйсанг ёки анови лўттибоз миллионернинг тузоғига илиниб, мени тарк этсанг...

Г у л н о з а (*ёлвориб*). Домлажон! Бас қилинг бу эски пластинкангизни. Ўзгартиринг кассетангизни. Бошқасини қўйинг.

Д а р в е ш а л и. Йўк, эшитасан мана шу эски кассетамни. Охиригача эшитасан. Агар мабодо пул ҳовликтириб юборган бу миллионернинг хушомадларига, сандиқ-сандиқ долларларига учиб, уни дейдиган бўлсанг борми?

Г у л н о з а (*эркаланиб*). Нима қиласиз? Айтаверинг, нима қиласиз?

Д а р в е ш а л и. Ҳа, билиб қўй: Мен жунун... худди Лайлисидан айрилган Мажнундек тарки дунё қиламан, бошимни олиб, тоғларга чикиб кетаман. Форларни макон қиламан. Гуноҳга ботиб қолган бу диёнатсиз инсонлар билан эмас, шерлар ва қоплонлар билан ошно бўламан.

Г у л н о з а (*чапак чалиб*). Ҳазрати Навоий бўп кетинг-э!

Д а р в е ш а л и. Кул, кулавер мен дарвешдан. Биламан. Эндиликда сенлар учун сариқ чақага айланди муҳаббат рози. Телевизор экранлари севги туғёнларини эмас, ҳар қадамда бир-бирига хиёнат қилган маъшуқлар, бир-бирини пичоклаган қотилларга тўлиб кетди. Экранларда шуларни кўргиларинг келади, шуларни эшитгиларинг келади сен ёшлар. Ҳануз севги розларига инониб юрган хаёлпараст биз дарвешлар эса, масҳарабозларга айландик сенлар учун.

Г у л н о з а. Худо ҳаққи, куляпганим йўк. Жон қулоғим билан эшитяпман гапларингизни. Ота-онангиз бекорга Дарвешали деб ном қўймаган экан сизга. Рашкингиз келганда чиндан ҳам шоир бўп кетасиз. Шоирларни дарвешларга яқин дейдилар. Дарвешларга эса Оллоҳнинг назари тушган эмиш.

Нима қилай, мен ҳам сизга шу дарвешлигингиз учун меҳр қўйганман, десам инонмасангиз нима қилай? Жарроҳсиз. Гапларимга ишонмасангиз юрагимни ёриб кўринг ахир.

Д а р в е ш а л и (бетоқат қўл силкитиб). Билиб кўй! Исми Дарвешали бўлса ҳам, девона эмас эдим мен. Мени дарвеш қилган сен. Ёдингдан чикмасин. Мен сени... худди денгиздан жавоҳир кидирган ғавослардек, неча йил кидириб, сочларимга киров қўнганда аранг топиб олган эдим.

Г у л н о з а (қулгидан тўхтаб). Мен-чи?! Мен ҳам сизга бекорга шогирд тушмаганман. Сиз ҳаётдан умидини узган бечора инсонларга қайтадан жон ато қилган пайтларингизда... Ўзингиз билмайсиз, кечалари ўпиб чикардим бу сеҳргар қўлларингизни. Тўхтанг. Гапимни бўлманг. Сиз менга ҳеч нарсани билмайсан, дейсиз. Ўзингиз ҳам ҳеч нарсани билмайсиз. Мен тўртинчи курсни тугатган ёшгина қиз, биринчи бор донғи кетган кафедрангизга оёқ қўйганимда, сиздай сочига киров қўнган баджаҳл домлани севиб қоламан деб... (Юзини кафти билан яширади.)

Д а р в е ш а л и. Майли. У ёғига ўтмай кўя қол. Биламан, ҳаммасини биламан, азизим. Фақат... манов жойга, бу нотинч оилага қўшни бўп қолганимиздан кўрқаман. Ахир, сезиб юрибман. Ўғирлик, қаллоблик билан топган пулларимга дунёни сотиб оламан, деган бу миллионерлар... (Гулноз кафтини унинг оғзига босади.) Бўлди-бўлди, бас қилдим бу гапларимни.

Г у л н о з а. Яхши, мен ҳам шу бугундан бошлаб, оёғимни тийганим бўлсин. Фақат... кампирга раҳмим келади. У киши худди менинг марҳум оймларга ўхшайдилар. Бирам мулойим, бирам меҳрибонки. Биласизми, у киши бугун нима дедилар? Худойим сенларга қўчқордай ўғил берсин, деб дуо қилдилар.

Д а р в е ш а л и. Сен нима дединг?

Г у л н о з а. Мен қиз бўлсам майли, дедим.

Д а р в е ш а л и. Ке, шу гапинг учун арғамчида бир учирай сени. (Шартта кўтариб, арғамчига чиқаради-да, шиддат билан учира бошлайди.)

Гулноза. Тўхтанг, тўхтанг. Ўламан. Қорнимдаги қизчаям тушиб қолади ҳозир.

Дарवेशали (*арғамчини шартта тўхтатиб*) Ростданми? Қизча борлиги ростми қорнингда? Ке, қорнингга кулок солиб кўрай. (*Тиз чўқади.*)

Гулноза (*эркаланиб*). Э, боринг-э, уятсиз.

Шу пайт кўча эшик тақиллаб, ҳовлига Дилора киради, бошига рўмол ўраган, ўзиям аллақандай бўшашган, журъатсиз.

Дарवेशали. Сизга нима керак бу уйда?

Дилора. Кечирасиз, Дарवेशали ака. Мен... мен Гулнозахонга келдим. Гулнозахон, жон синглим, кечиринг мен бахтиқарони. (*Гандирақлаб бориб оёғига йиқилади.*) Мен сизни беҳуда-бесабаб ҳақорат қилдим. Худо шоҳид: боя нималар деганимни ўзим ҳам билмайман.

Дарवेशали. Бу қанақа қилик? Туринг ўрнингиздан. Туринг!

Дарवेशали билан Гулноза Дилорани кўтариб тўқима креслога ўтказдилар. Гулноза сув тутаяди.

Гулноза. Ичинг. Ўзингизни босинг.

Дилора. Мен ақли-ҳушимдан айрилиб жинни бўп қолдим, сингилгинам. Эримга нималар деган бўлсам дегандирман. Бироқ сиз... сизни бесабаб таҳқирладим, кечиринг мен шўрпешонани. Кечиринг!

Дарवेशали. Эрингиз билан уришасизми, юмдалашасизми – билганингизни қилинг. Аммо бизни, менинг хотинимни тинч кўйинг.

Дилора (*ийғламсираб*). Дарवेशали ака. Сиз бунақа дийдаси қаттиқ одам эмас эдингиз-ку. Сиз одамларга малҳам берадиган дўхтирсиз-ку, ахир. Гулнозахон, Сиз нимага индамайсиз? Хохласангиз... боя қилган маломатларим учун тиз чўкиб оёқларингизни ўпаман. (*Яна тиз чўқмоқчи бўлади.*)

Гулноза (*уни тўхтатиб*). Йўқ-йўқ, кечирдим, ҳаммасини кечирдим.

Дилора. Сизлардан бошқа дардимни эшитадиган бир мусулмон йўқ бу дунёда. На иймон қолди, на инсоф қолди бу

инсонларда. Уни одам қилган ким эди? Мен – ёмон уни одам қаторига қўшган. Менинг дўконимга келгунча ким эди у? Тачка хайдаб юрган ялангоёқ бир гадо эди. Бор бисотим, дўконим, ёшлигим, ҳусни-жамолим – барини ҳадя қилдим. Охири нима бўлди. (Йиғлайди.)

Д а р в е ш а л и. Шундоқ экан, шукур қилинг бунақа лўттивоздан қутулганингизга.

Д и л о р а. Шукур қилинг? Айтиш осон буни. Севсам, яхши кўрсам уни... нима қилай?..

Д а р в е ш а л и. Севсам? Тилингизга олманг бу муқаддас, покиза сўзни. Ҳаром қиласиз бу сўзни.

Г у л н о з а (эрини четга тортиб). Кўйинг, кўриб турибсизку шўрликнинг ахволини.

Д и л о р а. Бошда бундай эмас эди у, Дарвешали ака. Инсофли эди, диёнатли эди. Пул йўлдан урди уни. Энди пул сочиб, фарзандларимдан жудо қилмоқчи мени.

Д а р в е ш а л и (қутидан дори олиб). Ичинг буни. Ҳеч ким сиздан болаларингизни тортиб ололмайди. Қонун сиз томонда. Ўзингизни босинг.

Д и л о р а. Қонун дейсиз? Кимнинг чўнтаги қаппайиб турса, ўша томонда қонун... Мен жинни бўп қолдим, ақлимдан озьяпман...

Д а р в е ш а л и. Энди тушундингизми бу ҳақиқатни? Бошингиз деворга бориб текканда ақлингиз кирдими? Кеча қаерда эдингиз?..

Г у л н о з а (эрини четга тортиб). Кўйинг. Ўлганнинг устига чиқиб тепмоқчимисиз? Ўтиринг, опагон. (Тўқима креслога ўтказди.) Ўзингизни босинг. Ҳамма яхши бўп кетади. Ҳал бўлмайдиган нарса йўқ бу дунёда. Ўзингизни босинг.

Кўча эшик тарақлаб очилиб, рўмоли бир томонга оғиб, сочлари тўзғиган Меҳринисо ая кўринади.

А я. Болам, Дарвешали! Гулноза қизим! Болажоним йиқилиб қолди. Нафаси етмай, юрагини чангаллаб ётипти.

Д а р в е ш а л и (қовоғини уйиб). “Тез ёрдам”ни чақириш керак эди, холажон.

А я. Тез ёрдаминг бор бўлсин, ўғлим. Бомдодда чақирсанг хуфтонда аранг келади. Жон болам, тезроқ бўла қолинг. Нафаси етмай бўғилиб ётипти болажоним.

Г у л н о з а. Домлажон! *(Сал четга тортиб шивирлайди.)*
Чикмасангиз бўлмайди, домлажон. Ён кўшни – жон кўшни.
Махалла-кўй эшитса нима дейди?

Д а р в е ш а л и. Хўп. Чикаман. Лекин наmunча титрайсан?
Тўлғанасан? Менинг юрагим тутиб колгандаям мунчалик ран-
гинг ўчмас эди-ку!

Г у л н о з а. Устоз!..

Д а р в е ш а л и. Бўлди, кетдик. Жарроҳлик қутичамни ол!

Д и л о р а. Вой ўлмасам.

Д а р в е ш а л и. Хўп, юринг, ая.

Г у л н о з а *(ҳаяжонда)*. Дориларингизни оласизми?

Д а р в е ш а л и. Ол. Ҳар эҳтимолга қарши жарроҳлик нар-
салар солинган чамадонимни ҳам ол. Ҳа, айтмоқчи, клиникага
телефон қил. Бугунги операциямни эртага колдиришсин. Ас-
систентларим билан ҳамширалар бу ёкка келишсин. Кетдик,
холажон.

Гулноза ичкарига отилади. Меҳринисо ая, оғиб кетган оппоқ рўмолини
тузата-гузата Дарвешалининг кетидан пилдирайди.

А я. Барака топ, жон болам. Худо сенларни бизга кўшни
килганига минг қатла шукур, минг қатла шукур.

Д и л о р а *(бошини чангаллаб)*. Вой, худойим. Мен нима
киламан энди. *(Ичкаридан оқ халат, оқ қалпоқ кийиб Гулно-
за чиқади. Қўлида чамадонча, кўча томон отилади. Дилора
унинг орқасидан эргашади.)* Гулноза. Жон синглим!

Г у л н о з а. Йў-йўқ. Сиз чиқа кўрманг. Сизни кўриб юраги
баттар бўлиши мумкин. *(Чиқади.)*

Д и л о р а. Мен-чи? Мен бу ерда ундан бурун ўлиб қоламан-
ку. *(Орқасидан чопади.)*

П А Р Д А

Учинчи кўриниш

Таниш ҳовли, таниш кошона. Ҳовли худди ўлик чикқандек оғир су-
кутда. Бир-иккита оқ халат, оқ қалпоқ кийган аёл-эркак, бири кириб, бири
чикиб туради. Ҳовлида аллақандай тахликали ҳолат ҳукмрон. Кошона ол-
дида, кўлида уяли телефон тутиб Бўрсик ўтирибди. Ўртадаги шийпонга



ёзилган кўрпачада қўш ёстикка суяниб Меҳринисо ая ўтирипти. Унинг ёнидаги креслода боши эгик Дилора. Меҳринисо ая ўрнидан турмоқчи бўлади.

Д и л о р а. Қимирламанг, ойижон, қимирламанг! Дўхтир айтганлар, ўрнидан турмасин, деганлар. Нима керак? Сув берайми, ойижон?

А я (*шикаста товушда*). Сувинг ҳам бор бўлсин. Ичкаридан хабар йўқми?

Д и л о р а. Бўп қолар, ойижон. Худо хоҳласа яхши хабар бўп қолар. Сабр қилинг, ойижон.

А я. Ўзинг кечиргайсан, э Парвардигор. Қандай сабр қилай? У ёқда болажонимнинг кўкрагини ёришаётган бўлса, бу ёқда... Ҳой, қизгинам-эй, қизгинам-ей. Нималар қилиб қўйдинг, қизгинам-эй. Еганинг олдингда, емаганинг орқангда эди. Эгнингда амриқолик кийимлар, тагингда амриқолик машиналар. Тагин нима етмасди сенга, қизгинам?

Д и л о р а (*туйқусдан аввалги ҳолатига келиб*). Нега ёнган юрагимни баттар ёндирасиз, ойижон? Нега ҳамма айбни менга тўнкайсизу, ўғлингиз бошимга солган савдоларни кўрмайсиз? Мендан кутулиш мақсадида арзандангиз нималар қилмади? Маст-аласт жўраларининг даврасига ташлаб, ўзи гумдон бўлди-ю, эртасига тухмат, барча маломатларни мен шўрликни бошига ёғдирди.

А я. Майли, болам, майли. У ёғига ўтмай қўя қол. Усиз ҳам не ҳолда ётибман... (*Ёстиққа суянади*.)

Д и л о р а. Кечиринг, ойижон. Аччиқ устида нима деганимни ҳам билмай қолдим. Ҳамма айб мен юзи қарода. Кечиринг ношукур қизингизни...

А я. Мен кечирдим нима-ю, кечирмадим нима, Яратган Эгам кечирсин барчамизни.

Д и л о р а (*йиғламсираб*). Мен ҳам Оллоҳдан шуни тилайман. Илоё, ўғлингиз шифо топсин. Айтганингизни қиламан. Келин эмас, чўрингиз бўламан, ойижон.

А я. Сени чўри қилиб нима қилай, болам? Сен икковинг мурасага келиб, ярашиб кетсаларинг, мен ҳам қариганимда тинчгина ўлардим, қизгинам.

Дарвоза кўнгироғи жиринглайди. Ҳовлига кўлларида кутича, икки одам киради. Соқчидан “Бемор қаёқда?” деб сўрашади. Соқчи кўли билан кошонани кўрсатади. Бўрсик апил-тапил ўрнидан туради.

Бўрсик. Бу ёққа, бу ёққа марҳамат қилсинлар. Қадамларига ҳасанот.

Келганлардан бири. Операция бошландими?

Бўрсик. Бошланди, бошланди. Марҳамат, ўзим йўл кўрсатаман. *(Ичкарига кириб кетадилар.)*

Ая *(бесаранжом)*. Тағин бировлар келишдими? Кимлар экан булар?

Дилора. Ким бўларди, дўхтирлар-да. Тошкентда қайсики катта дўхтир бўлса, ҳаммаси шўтта. Ўликни тири. (тирадиган профессорлар булар.

Ая. Туф де. Бандасининг жони Оллоҳнинг кўлида.

Дилора *(беписанд)*. Ўғлингиз ҳам осонликча жон таслим қиладиганлардан эмас. Йигитмисан йигит ўғлингиз. Биз қандай топишганимизни билмайсиз, ойижон. *(Яшнаб, тобора яйраб)* Иккимиз ҳам ёш эдик. Мен ёш бўлсам ҳам олов эдим, шайтон эдим.

Ая. Шайтон ҳалиям...

Дилора *(Кинояни сезмай кулади)*. От бозорида дўконим бўларди. Ҳамма дўкондорлар ошику бекарор эдилар менга. Ўғлингиз бўлса кўлимда юк таширди. Кичкина тачкаси бўларди. Тачка хайдаса ҳам ўзи хўп келишган йигитча эди-ю... Лекин, мени кечирасиз, ойижон, оғзидаги ошини эплаб ичолмайдиган лапашанг эди. *(Кулади.)* Бир кун, юввошдан йўғон деганларидек, ландавур ўғлингиз денг... Николай пошшонинг битта олтин тангасини кўйнидан чиқариб кўрсатса бўладими?! Қаёқдан олдинг, десам, дадам бердилар, бобом раҳматлик набирамга деб атаган эканлар, деди.

Ая. Ҳа, дадаси раҳматлик ўлим тўшагида ёстиғининг тагидан олиб берган эди. Бир танга эмас, ўн танга эди...

Дилора. Рост, рост. Эртасига қолган тўққизтасиниям опкеп берди. Мен уларни айлантириб-айлантириб, бир ой ичида бир чемодан пул қилдим.

Ая. Ҳа, эсимда. Болажоним ўшанда бир ой йўқ бўп кетган-

ди. Мен бўлсам эрим раҳматликка, ёш боланинг кўлига олтин тутқазиб, болажонимнинг бошига етдингиз, деб шўрликни адоёи-тамом қилгандим.

Д и л о р а (*ширин эсдаликлардан энтикиб*). О, ойижон, ойижон. Сиз нимани ҳам биласиз... Қанақа тотли, қанақа гўзал бошланганди бизнинг турмушимиз. Энди эсласам... Бу дунёга келиб кўрган энг ширин, энг бахтиёр дамларим экан ўша дамлар. Ўғлингиз бамисоли гижинглаб, депсинган тойчоқ эди у маҳалда. Кечаси билан уйку бермасди. Дод, ўламан десам ҳам, кўйиб юбормасди кўйнидан. (*Завқланиб кулади.*) Бирам ёмон эди, бирам ёмон эдики ўғлингиз...

А я (*ёлвориб*). Ҳой, сенга нима бўлди, келинпошша. Бировга тўй, бировга аза, деган экан бир нотавон. Болам шўрликнинг холи нима бўляпти, нима кўйяпти деб, аросатда қоврилиб ётибман-ку, сен бўлсанг...

Д и л о р а. Кечиринг, аяжон, яхши кунлар эсимга тушиб, хаёлим чалғиди. Нима бўлгандаям, ўшанда бировларнинг юкини ташиб, тачка судраб юрган болангизни одам қилган мана шу ёмон Дилора эди. Ўн тиллани бир чамадон пул қилиб, уни бой қилган ҳам, миллионер қилган ҳам мана шу ёмон келингиз эди, ойижон.

А я (*тоқати тоқ*). Юрагимни тарс ёраман демасанг, кўй деяпман бу гапларингни. Оч қорним – тинч қулоғим. Бу бойлик, бу қошоналарингдан эрим раҳматликнинг ёмон чайласиям яхши эди бизга. (*Ичкаридан Гулноза чиқади ва шоша-пиша дарвоза томон йўналади. Ая унга талпиниб*) Ҳой, Гулноза кизим. Қаёққа шошяпсан? Нега индамайсан?

Г у л н о з а. Бир дори керак бўп қолди, шунга кетяпман. Ҳозир келаман, холажон, хозир.

А я. Қизгинам-ов. Мени ўлиб қолмасин десанг, бир нима деб кетсанг-чи, болам. Юрагим чидамайди-ку, юрагим...

Г у л н о з а. Ҳаммаси яхши бўлади, холажон, ҳаммаси... (*Чоққиллаб чиқиб кетади.*)

А я (*Орқасидан дуо қилади*). Илоё, умринг узок бўлсин. Қўшганинг билан қўша қаригин. Бирам ширинсухан жувонки. Оғзидан бол томади. Ибрат олсанг бўларди ундан.

Д и л о р а (*гаши келиб*). Майли, ойижон, майли. Бировнинг

номи ёмонга чикса, ҳамиша ёмон бўларкан, бировнинг номи яхшига чикса, ҳамиша яхши бўларкан. Шу ширинсухан тили билан барчангизни авраб олган бу қилтириқ нозанин.

А я. Билиб-билмай бировга тухмат қилма, гуноҳга ботасан, болам.

Д и л о р а. Сиз нимани биласиз, ойижон? Сиз баҳона – дийдор ғанимат. Сизга укол баҳона, ҳар куни ўзи ўғлингизга укол қилдиртириб кетади бу жонон.

А я. Ҳой, нималар деяпсан, келинпошша? Ўғлим дўхтир-мидики укол қилса.

Д и л о р а (*Аяни қучади*). Бирам соддасиз, бирам соддасизки, ойижон, келинг, шу соддадиллигингиз учун бир ўпиб қўяй.

А я. Йў-йў-ў, розиман. Оғзингдан қўланса хид келяпти, нима бало, сахармардондан бир балони ичиб олганмисан?

Д и л о р а. Ичмай нима қилай? Неча кун бўлди, ўзимни қўярга жой тополмайман. Ёруғ дунё кўзимга тор бўлди, ойижон. Тор бўлди. (*Кошонадан Бўрсик чиқади ва Дилорани имлаб чақиради.*) Мен ҳозир, ойижон. Аҳ, Бўрсиквой, нима гап? Тинчликми?

Б ў р с и қ (*Ая эшитмасин деган маънода бармогини лабига босиб шивирлайди*). Бир процент.

Д и л о р а. Тушунмадим?

Б ў р с и қ. Нимасини тушунмайсиз? Операция қилаяпганлар айтишяпти, умид бир процент, дейишяпти.

Д и л о р а. Э, худойим. Тағин не кулфатларни солмоқчисан бошимизга?

Б ў р с и қ. Сизга қилган шунча зуғумларидан кейин намунача изтироб чекасиз? Кампирни даф қилинг. Уйига кириб ётсин. Сизга айтадиган муҳим гапим бор.

Д и л о р а (*шивирлаб*). Кампирнинг икки қулоғи ичкарида. Кирмайдилар уйларига.

Б ў р с и қ. Алдаб-сулдаб опкириб ётқизинг. Дарвеш дўхтир айтди, денг. Сизниям кўришар экан, укол қилишар экан, денг.

Д и л о р а (*жойига қайтиб*). Ойижон. Ўрнингиздан туринг. Уйингизга кириб ётар экансиз.

А я. Фикри-зикрим боламда бўлса-ю, уйда пишириб қў-



йибдими менга? Шайтонга сабоқ берадиган анов туллак тагин нима балони топиб келди?

Д и л о р а. Йўқ-йўқ. Ёмон гапи йўқ унинг. Сиз яхши кўра-диган Дарвеш дўхтир айтибди: аяжонимни ҳам кўриб кўяман, уйларига кириб ётсинлар, депти. Тура қолинг, ойижон. (*Кўл-тиқлаб ўрнидан турғизади.*) Юра қолинг.

А я. Мендан бир нимани яшираяпсанлар-ов. Э, худойим. Ўзинг нажот бер. Ёлғиз сендан кутаман мададни. Ёлғиз ўзингдан, Яратган Эгам! (*Ичкарига кириб кетадилар. Телефон жиринглайди.*)

Б ў р с и қ (*ёнидан уяли телефонни олиб*). Эшитаман. Ха, ха, мен ўзим. Э-э-э, парво қилманг. Ҳеч қанақа киноям бўлган эмас. Видео ҳам. Кўқонпўписа ҳаммаси. Аммо-лекин кўркиб кетганга ўхшайсиз. Оғайнинг иштонига ҳалигидақа кип кўйди, деб мактанди-ку бу ҳовликма. Лаббай? Дарров эшитибсиз-да. Нима бўларди – юраги дарз кетган. Умид юздан бир процент эмиш. Хориж? Э, хориж у ёқда турсин, хатто кўзгатиш ҳам хатарли деб, шўтнинг ўзида олишяпти дўхтирлар. Сабаб? Сабаби – асаб. Хотинини ҳайдаб юбориптики, ҳаловат йўқ уйида (*У ёқ-бу ёққа қараб кўяди.*) Э-э, жон ака. Сиздай акажонимдан жонимни ҳам аямайман. Тил топишсак, ярим нархига ҳам бервораман айтган одамингизга. Лаббай? Бўпти-бўпти. Сиздай акажоним таклиф қилади-ю, укангиз йўқ дермиди. Қаерда? Хитой ресторанида? Соат ўн иккида. Кечаси-я? Анов хипча бел китаянкалар елпиғичлари билан елпиб турадиларми? Э, зўрсиз, акажон, зўрсиз-да. Бўлди, акажон, бўлди. Мабода юролмай қолсам, эмаклаб бораман, акажон. (*Кулади. Телефонни ўчириб, кўлларини ишқалайди.*) Ҳа, худо бор бу дунёда! Мазах қилиб, устимдан кулгани-кулган эди. Ўз исмим туриб, Бўрсик деб калака қиларди. Ҳали кўрамиз, ким калака бўлади. (*Кўнгироқ чалиниб, Гулноза кириб келади.*) Э-э, Гулнозахон. Қидирган дорилари топилдими, акоси?

Г у л н о з а. Топилди, топилди.

Б ў р с и қ. Бир дақиқа, акоси. Операциядан кейин опкета-сизларми Сарваржонни?

Г у л н о з а. Йўғ-э. Аввал ўзига келсин. Кейин маълум

бўлади, опкетамизми, йўкми. Э, холамлар қанилар?

Б ў р с и қ. Холангизниям ахволи оғирлашди. Уйга опкириб кетишди.

Г у л н о з а. Ҳозир ўзим қарайман, ҳозир. *(Кетади.)*

Б ў р с и қ. Э, бу нозанинлар, нозанинлар. Оғзидан бол томади-я, Сарвар акамлар деганда. Нимасига бунақа беш кетишади худо ҳусн бериб, ақл бермаган бу санамлар. *(Ичкаридан Дилора чиқади.)*

Д и л о р а. Бояги шумхабарни қаёқдан топдинг? Умид бир процент деб ким айтди сенга?

Б ў р с и қ. Сиз хотинларга ҳеч тушуниб бўлмайти. Уч талоқ қилган одамга жонингиз ачияптими?

Д и л о р а. Нега жоним ачимас экан. Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, кўз очиб кўрган жуфти ҳалолим. Икки фарзандимнинг отаси.

Б ў р с и қ. Кечирасиз. Бунақа бўлса тилим лол. Қайтиб олдим сўзимни.

Д и л о р а. Худосини айтган – бердисини ҳам айтади, шайтонни авраган туллак. Тилёғламалик қилавермай, гапир гапирадиган гапинг бўлса.

Б ў р с и қ. Гапирсам... Судда ажримга кўнмай, кўп яхши иш қилган экансиз...

Д и л о р а. Шунақами? Кеча эмасми мен шўрликни икки фарзандимдан жудо қиламан деб, хуржунингни долларга тўлдириб, анов муттаҳам юристга югуриб юрганинг?

Б ў р с и қ. Бир қошиқ конимдан кечгайсиз, Дилорахон. Ожиз банда – худонинг ожиз бандаси, деб бекор айтмаганлар бизларни.

Д и л о р а. Мақсадга ўт, шумтака.

Б ў р с и қ. Мақсадга ўтсам... *(Овозини пасайтириб)* башарти анов телба дўхтир хўжайиннинг жонини асраб қолса ҳам... бундан буён кўргани мана шу ховли, мингани коляска бўп қолади эрингизнинг. *(У ёқ-бу ёққа қараб олади.)* Ҳокими мутлок ўзингиз бўласиз бу даргоҳда. Бу кошона ҳам, банклардаги счётлар ҳам, супермаркетлардаги моллар – ҳамма-ҳаммаси сизники бўлади. Илгаригидек жиловни қўлга олинг, Дилорахон. Агар

бирга бўлсак, ўйнатиб юборамиз бизнес деганини.

Д и л о р а. Шунақа денг. Ўйнатиб юборамиз де...

Б ў р с и к. Ахир, қанақа дўконларингиз бор эди? Бутун шаҳар сизга келарди. Хусни-жамолингизни томоша қилгани келарди кўплар. Биз садоқати зоҳир кулингиз ҳам қараб тўймас эдик шахло кўзларингизга. Битта шу найнов гўрсўхтани деб ҳаммасидан воз кечдингиз.

Д и л о р а (*масхараомуз*). Шунақами ҳали? Бўрсиқвой ҳам ошиқу беқарор бўлган эканлар-да опокисига. Эримдан чиқиб сенга тегсаммикан, Бўрсиққинам? Кечалари қорнигинангни силаб, кал бошингни кўксимга босиб, пешонангдан ўпиб ётсаммикан, Бўрсиқжон?

Б ў р с и к (*бирдан портлаб*). Бўрсиқ эмас менинг исмим! Сўйлоқ эрингиз ёпиштирган менга. Бўри, Бўривой менинг исмим.

Д и л о р а. Ҳой, овозингни ўчир. Деворнинг ҳам қулоғи бор.

Б ў р с и к. Нега бўлмаса калака қиласиз мени? Худо мен шўрликни пакана қилиб яратган бўлса, гуноҳим нима мен бечоранинг? Гап бўйда эмас-ку ахир. Худо бўй бериб, ақл бермаган бу дароздаги нарса менда ҳам бор. Униқидан кам эмас.

Д и л о р а. Нима деб валдираяпсан? Ундаги мол-дунё менда ҳам бор демокчимисан?

Б ў р с и к. Мол-дунё эмиш. Бўйга қарамайди у сабил!

Д и л о р а. Нима деб валдираяпсан, сурбет? Индамасам, сабилингни кўрсатишдан ҳам тоймайсан, шекилли? Яхши кўрсанг пишириб е сабилингни. (*Ерда ётган чивикни олиб уради.*)

Б ў р с и к. Уринг! Ураверинг! Сизнинг қўлингизда чивик ҳам ипакдай тегади-я! Майли, нима қиламан десангиз қилаверинг. Аммо бир нарсани билиб қўйинг. Мен сизни шундай, шундай севардимки, тўй қилган кечаларинг ҳовлидаги ёнғоққа ўзимни осиб қўйишимга сал қолган.

Д и л о р а (*юмшаб*). Тўйдан кейин ногора чалмай ўл. Бунақа ошиқу беқарор экансан, ўша маҳал айтмайсанми бу дардингни? Ана, ойижон кўринди. Арт бурнингни. (*Ўз уйдан Ая чиқади.*)

А я. Ҳой, ким бор ҳовлида? Э, худойим. Бир нарсани яширишяпти булар мендан. Ҳой, Дилора. Дарвозада нимани шивирлашиб турибсан анов шайтонни йўлдан урган туллак билан?

Д и л о р а (*Аяга қараб талпинади*). Йў-йўк, аяжон. Ҳеч бир ёмон гап йўк. Келинг, жойингизга ётинг. Ҳозир Гулноз тушиб укол қилади сизга, ойижон. Келинг, ётинг. Юриш мумкин эмас сизга.

А я. Кўй-кўй. Балоям урмайди мени. Нафасим бўғилиб, юрагим сиқилиб кетди уйда.

Қасрдан кардиограмма ускуналарини кўтарган бир-икки врач ва хамширалар чиқиб, дарвоза томон йўналишади.

А я. Ҳой, болаларим, қизларим. Болажоним нима бўлди? Нега оғизларингда талқон, мендан қочяпсанлар?

Ҳ а м ш и р а. Сизга ҳамма гапни бош жарроҳ айтадилар. Болажонингизни ахволини ундан сўрайсиз, холажон. (*Чиқадилар.*)

А я. Ҳой, шумтака. Сен нега мум тишлаб турибсан? Э, худойим, нега булар мендан болажонимнинг ҳолини сир тутишади?.. (*Ўзини креслога ташлайди.*)

Д и л о р а. Ойижон!.. Сизга нима бўлди, аяжон? Ётинг, дарҳол ётинг.

А я. Э, Парвардигор, қариган чоғимда фарзанд доғини кўрсатмагайсан. Агар банданг керак бўлса, мен қоқбошни ол. Етмиш йил умр кўриб, гуноҳларга ботган мен алвастини ол, эй Яратган Эгам! (*Йиғлайди.*) Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган болажонимга тегмагил, мени ол, мен қоқбошни ол, эй Парвардигори олам! (*Қасрдан Дарвешали билан Гулноза чиқади.*)

Д и л о р а. Ана, Дарвешали акам чикдилар. Ўзлари айтадилар.

А я. Дарвешали, ўғилгинам. Бир нима де, мен шўрликка. Сени кутавериб адойи-тамом бўлдим, болагинам.

Ая улар томон талпинади-ю, қоқилиб кетади. Дилора билан Гулноза Аяни ушлаб қоладилар.

Г у л н о з а. Ётинг, холажон, ётинг.

А я. Мени кўявер, қизим. Мен қоқбош ўлмаيمان. Дарвешали, жон болам, сен нега индамайсан?

Д а р в е ш а л и. Ўғлингиздан ташвиш тортманг. Операциядан кейин керакли дори бериб ухлатиб кўйдик. Ҳаммаси яхши бўлади, холажон, ҳаммаси.

А я. Ростданми? Тилгинангга шакар. Ке, пешонангдан бир ўпиб кўяй. *(Талпиниб ўрнидан туради-ю, аста йиқила бошлайди. Дарвешали ушлаб олиб, кўрпачага ётқизади.)*

Д и л о р а. Вой, ойижон. Сизга нима бўлди, ойижон?

Г у л н о з а. Укол қилайми, Дарвешали ака?

Дарвешали Аянинг ёнига чўккалаб, кўкрагига кулок солади. Сўнг аста туриб, бошидан қалпоғини олади.

Д а р в е ш а л и. Юрак ғам-хасратдан дарз кетганини кўп кўрган эдим, қувончдан дарз кетганини биринчи кўришим. Бебаҳо аёл эди, худо раҳмат қилгай.

Д и л о р а *(фарёд чекиб)*. Вой, ойижон! Мен бахтиқарони кимларга ташлаб кетдингиз?

Г у л н о з а. Холажон!.. Холажоним менинг!..

Д а р в е ш а л и. Бас! Ўчиринглар овозларингни. Бўрсиквой!

Б ў р с и қ. Лаббай, Дарвешали ака?

Д а р в е ш а л и. Бу уйда ҳеч қандай йиғи-сиғи бўлмасин. Агар фарёд беморнинг кулоғига чалинса, эртага бу даргоҳдан бир эмас, икки тобут чиқади. Совукхонангиз борми?

Б ў р с и қ. Бор, дўхтир ака.

Д а р в е ш а л и. Аяжонни ўша хонага қўйиб, икки кун муз билан асрайсиз. Индин беморни клиникага олиб кетамиз. Кейин таъзия эълон қиласиз. Тушундингизми?

Б ў р с и қ. Тушундим. Ҳаммасига тушундим, Дарвешали ака.

Д а р в е ш а л и *(бирдан кўнгли бўшаб)*. Аяжон, ожизлик қилдим. Гуноҳқорман. Афв этинг мени. Ўғлингизни асраб қолдим-у сиздай аяжонимни асраб қололмадим, кечиринг мени, аяжон!

П А Р Д А

Тўртинчи кўриниш

Таниш ховли. Ҳозиргина ховлида Аянинг қирки ўтган. Одамлар деярли тарқаб бўлишган. Хизматкорлар ва соқчилар столлардаги лаган-товокларни йиғиштириб юришибди. Шийпонда домла-имом. Дарвешали ва яна бир-икки мўйсафид, четроқда эса Дилора билан Гулноза ўтиришибди. Кошонадан Бўрсик чиқади ва шийпонга келиб тавозе билан салом бериб ўтиради.

И м о м. Мана диёнатли, покиза инсон аямизнинг қирки ҳам ўтди. Яратган Эгам бугун аямизга атаб ўтказилган маросимларингизни, жамоага берган хайри-эҳсонларингизни ўз даргоҳида қабул қилгай. Марҳума кўп яхши аёл эдилар. Илоё, Оллои таоло у кишига ўз жаннатидан жой ато қилгай. (*Ҳамма фотиҳага қўл очадилар.*) Илоҳи, омин.

Д а р в е ш а л и. Тўғри айтдингиз, таксир. Фаришта аёл эдилар. Неча марта ўз кўзим билан кўрганман, соқчилар садақа тилаб келган етим-есирларни уриб-тепиб ҳайдаганларида уларни уришиб-сўкиб, қатта-қатта хайри-эҳсон қилардилар. Ҳақиқатан жаннати аёл эдилар.

Б ў р с и қ. Илоё, омин.

Д и л о р а. Ойижоним! Ойижонгинам!.. Кимларга ташлаб кетдингиз бизни?..

Г у л н о з а (*уни қучиб*). Кўйинг, ўзингизни босинг, опажон...

И м о м. Сабр қилинг, қизим. Иншооло, массобирин, инчунин: Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир деганлар. Сабр қилинг, болам. Энди бизга рухсат берсалар...

Б ў р с и қ. Ҳозир, таксир, ҳозир. Хўжайин сизга ўз иззати-икромларини шахсан изҳор қилмоқчилар... Мана, ўзлариям...

Кошона зинасида эгнида беқасам тўн, белида белбоғ, бошида дўппи, Сарвар чиқади. Жуда озган, юзлари сўлиққан. У шийпонга келиб ўтиради.

С а р в а р. Сизга қатта раҳмат, таксир.

И м о м. Сизга ҳам раҳмат, ука. Онаизорининг руҳини шод этган фарзанд, у дунё-бу дунё Оллоҳнинг иноятига сазовор бўлгусидир. Энди бизга рухсат, укажон.

С а р в а р. Бир дақиқа сабр қилгайсиз, ҳазратим. Гуноҳкор банда, ўлим тўшагида ётганимда бир ният қилган эдим. Шу ниятимга оқ фотиҳа берсангиз...

И м о м. Жоним билан, иним.

Д а р в е ш а л и. Бўлмаса бизга рухсат, Сарварбек.

С а р в а р. Йўқ, сизга ҳам рухсат йўқ, дўхтир. Қилган ниятнинг сизга ҳам дахли бор... Гап шунда-ки, азиз таксир, онаизорим, волидаи меҳрибоним мен сабаб оламдан ўтдилар, мен, такаббур банда эса, тирик қолдим.

И м о м. Бундай деманг, иним. Бу бебақо дунёда неки иш содир бўлса, бари Оллоҳнинг иродасидандир, ука.

С а р в а р. Хуллас калом, бу кўргиликлардан кейин камина бу ўткинчи дунёнинг барча лаззатларидан воз кечиб, ҳажга кетишни ният қилдим.

И м о м. Баракалло, ука, баракалло. Кўп яхши ишга бел боғлабсиз. Ҳаж мусулмончиликнинг бешта фарзидан биридир. Алҳамдулиллоҳ. Сиз ҳам мусулмонсиз. Ниятингизга етинг.

С а р в а р. Ташаккур, ҳазратим. Токи, муқаддас маконларимиз Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварани зиёрат этсам, даргоҳи илоҳий ва жаноб пайғамбаримиз қабрини зиёрат қилсам... барча гуноҳларимни ёдимга олиб, тавба-тазарру этсам, дейман, таксир...

И м о м. Илоҳи, омин!

С а р в а р. Сиз ҳазратимдан илтимос: бандаи ожизнинг бул ниятини маҳалла аҳли ва масжидимиз қавмига еткурсангиз...

И м о м. Бажонудил, бажонудил...

С а р в а р. Яна маҳалла аҳлига етказсангизки, осий банда шу маҳаллада истиқомат қилиб, кимларгаки озор берган бўлсам, уларнинг ҳар биридан кечирим сўрайман. Мабодо, ҳажда бирор кори ҳол юз бериб, қайта кўришмоқ насиб этмаса...

Д и л о р а. Қўйинг бунақа гапларингизни. (Туфлаб) Яхши ният қилинг ундан кўра, яхши ният қилинг.

С а р в а р. Яна бир ниятим – ҳаж сафарига отланишдан аввал маҳалла масжидига бир миллион сўм хайри-эҳсон қилдим...

И м о м. Оллои таоло ўз даргоҳида қабул қилгай бу эҳсонингизни...

С а р в а р. Маҳалла кам-кўстлари ва етим-есирлари учун ўн миллион сўм қолдирдим...

Д и л о р а (секин). Мунча кўп. Беш миллион ҳам етар эди.

С а р в а р (унга қулоқ солмай). Бу пулларнинг ҳаммасини шу бугун, кечи билан эртага манов Бўрсиквой... менинг ёрдамчим етказиб беради сизларга.

И м о м ё н и д а г и м ў й с а ф и д. Биз ҳам шу бугун бу июнтингизни маҳалла аҳлига етказамиз, ука.

С а р в а р. Жуда чиройли тиловат қилар экансиз, тақсир. Яна бир тиловат қилиб, бизга оқ йўл тиласангиз.

И м о м (тиловат қилади). Алҳамдулиллоҳил роббил аъламин, ар-рахмонир роҳийм. (Пичирлаб дуо қилади.) Яратган Эгам сиз бандаи ожиз зикр қилган изҳори ихлосингизни ўз даргоҳида қабул айлаб, покиза ниятларингизга етказгай. Илоҳи омин. (Юзига фотиҳа тортади.)

С а р в а р. Бўрсиквой. Бу кишиларга аталган инъомларни топшириб, машиналарда ўз уйларига элтиб қўйинглар... (Имом ва унинг шериклари тавозе билан хайр-маъзур қилишиб кетадилар.) Қани, ким бор? Чой-пой келтиринглар.

Д а р в е ш а л и. Чой ичдик, раҳмат. Энди бизга рухсат, ука.

Бўрсик қайтиб киради. У нимадандир бесаранжом.

С а р в а р. Яна бир дақиқа сабр қилинг. Илтимос. Дарवेशали акамлар билан Гулнозахон, бошқалар, барчага рухсат.

Д и л о р а. Нега мени қувлайсиз? Нега ҳайдайсиз? Қайси гуноҳларим учун?

С а р в а р (юмшоқ). Сенинг ҳеч бир гуноҳинг йўқ. Гуноҳинг бўлса ҳам кечирдим, розиман сендан. Мана бу кошона, йиққан бойликларимизнинг ярмидан кўпи сенга ва фарзандларимга қолади.

Д и л о р а. Керак эмас молу дунёнгиз. Қорнимга эмас, кадримга йиғлайман. Сиз ўлим тўшагида ётганингизда онаизорингизнинг ҳамма маросимларини ўтказган, сизнинг бўсағангизда чумчукдай чирқиллаб Оллоҳдан жонингизни тилаб олган ким? Мана шу ёмон Дилорангиз эмасми?

С а р в а р. Сен, азизим, сен. Ҳаж сафари олдидан айтаман: мен сендан розиман, сен ҳам рози бўл. Гуноҳкор банда, бекор ранжитдим сени.



Д и л о р а. Шу гапларингиз рост бўлса, мен бахтикарони ҳам ўзингиз билан ҳажга опкетинг. Бирор қорихол бўлса, ёнингизда бўлай...

С а р в а р. Йўк-йўк. Сен фарзандларим билан бўл. Эрталаб уларни олиб кел. Ҳаж сафаримдан аввал уларни бир кўрай. Дийдорларига тўйиб, видолашиб қолай...

Д а р в е ш а л и. Хўп, етар. Бу спектаклларни кўп кўрганмиз. Оилавий жанжалларга тоқатим йўқ менинг. Юр, Гулноза.

С а р в а р. Йўк-йўк, жуда муҳим бир гап бор сизларга. Менинг тақдирим сизнинг жавобингизга боғлиқ. Бўрсиквой, кеннойингнинг ҳурмати бажо келтириб, машинага ўтқазиб юбор, оғайни...

Б ў р с и қ (*журъатсизгина*). Юринг, кеннойижон. Ўзингиз эшитдингиз-ку, эндиликда сиз раҳнамосиз, ҳамма нарса Сизга қолади-ку, бу даргоҳда.

Д и л о р а. Йўқол кўзимдан, ҳезалак. Сен эмасми, куни кеча хўжайинингни ўлдига чиқариб, менга изхори ихлос қилган!

Б ў р с и қ. Ие, ие. Нима бўлди сизга, опажон?

Д и л о р а. “Нима бўлди” эмиш! Юзингда кўзинг борми демай мухаббат изхор қилганинг ёлғонми?

Б ў р с и қ. Рост. Ҳаммаси рост. Аммо бу гапларни мен сизни синамоқ учун айтгандим. Сизни нима деркин, деб айтгандим бу гапларни. Энди билдимки, Сарвар акамларга сиздай вафодор ёр, сиздай садоқатли дўст йўқ экан.

Д и л о р а. Йўқол! Мен сени Яго деб ўйлар эдим. Сен мингта Ягони дарёга обориб, сув ичирмай опкеладиган иблис экансан. Иблис!

Д а р в е ш а л и. Бас. Кекирдагимга келди бу ипириқки гаплар, бу тубан ўйинлар. Кетдик, Гулноза.

С а р в а р. Йўк-йўк. Бир дақиқа сабр қиласиз, Дарвешали ака. Бўрсикқожон, нима дедим сенга? Кеннойингнинг ҳурмати бажо қилиб, кузатиб қўй. Ёдингда бўлсин: эрта-бурусқун, у бу даргоҳни эгаллаб, ҳокими мутлоқ бўлади сенга.

Б ў р с и қ. Юринг, кеннойи. Ҳажда нима бор сизга! Ахир бу кошона, бу қаср, бу беҳисоб давлат – ҳаммаси сизга қолади-ку, кеннойи. Кимдир қараши керак-ку буларга. Юринг. (*Дилорани*)



елкасидан кучиб дарвоза томон бошлайди. Дарвоза олдиди.)
Ҳажада нима қиласиз? Кетса кетавермайдими? Айшингизни сурсангиз-чи бўтга. Арабистон – Саҳройи Кабир-ку. Туядан бошқа бирор жонзот туролмайдиган жазирама чўл-ку.

Д и л о р а. Ҳой, Сарвар, нима деб валдираяпти бу туллак бўрсиғинг?

Б ў р с и қ (баланд овозда). Юр, деяпман, беҳаё шаллаки! Нима қиласан Сарвар акамлардай покиза, авлиё одамни ранжитиб? (Елкасидан итариб олиб чиқиб кетади.)

Д а р в е ш а л и. Менга қаранг, оғайни. Бу ўйин, бу томоша тугайдими, йўкми? (Гулнозага) Сен қолсанг қолавер, мен кетдим.

С а р в а р. Дарвешали ака. Жиллакурса ўз миннатдорчилигимни изҳор этишга ижозат беринг. Мен шахсан сизга бир миллион, клиникангизга беш миллион сўм ҳадя қилдим.

Д а р в е ш а л и. Раҳмат, мен ҳеч қанақа садақага мухтож эмасман. Сизга эса жарроҳ сифатида битта маслаҳатим бор: сиз ҳажга боришдан аввал иложи бўлса Швейцария, бўлмаса Кавказ курортларидан бирига бориб, бир-икки ой дам олинг. Агар айғир бўп кетсангиз ҳам хотин зоти йўқ жойларда ором олинг.

С а р в а р. Маслаҳатингиз учун раҳмат. Аммо ўлим билан олишиб ётган онларимда Оллоҳ ўзи кўнглимга солди бу ниятни. Энди ундан қайтолмайман. Лекин сизга боғлиқ бир истагим бор.

Д а р в е ш а л и. Ажаб гап. Бутун шаҳарни титратиб турган миллиардер одамнинг каминадай факиру ҳақирда қанақа истаги бўлиши мумкин?

С а р в а р. Ҳозир, бир дақиқа, нафасимни ростлаб олай, Дарвешали ака. Мен сиздан тоабат миннатдорман. Агар сиз бўлмаганингизда...

Д а р в е ш а л и. Бу гапни бир марта айтдингиз – етади. Негадир чайналяпсиз? Дилингизда нима бор – чайналмай чиқараверинг тилингизга.

С а р в а р. Масала шундаки, мен сизни хафа қилишдан кўрқаяпман...

Д а р в е ш а л и. Йигитмисиз ўзи ё?.. Кетдик, Гулноз!



С а р в а р. Йўқ, ҳозир айтаман, ҳозир... Илтижом шуки, агар сиз рухсат берсангиз... Гулнозахон мен билан ҳажга бориб келса.

Д а р в е ш а л и (*ҳайратда*). Нима, нима?! Гулнозахон сиз билан ҳажга бориб келса?! Кимдан чиқди бу ғоя? Сизданми, жаноб Сарварбек, ё сизданми, хоним?

Г у л н о з а. Дарвешали ака. Илтимос...

Д а р в е ш а л и (*даргазаб*). Қанака илтимос?!

Г у л н о з а. Дарвешали ака... Устоз...

Д а р в е ш а л и. Устоз дема мени! Қачон, қаерда тил топишдиларинг?

С а р в а р. Дўхтирлар маслаҳат беришди. Ҳаж сафариди ёнингизда Гулнозахонга ўхшаган бирорта яхши врач бўлса дейишди...

Д а р в е ш а л и. Операцияни мен қилай, маслаҳатни бошқалардан олинг! Мендан берухсат! Пинҳона маслаҳатлар!..

С а р в а р. Йўқ-йўқ, сизнинг рухсатингиз билан. Фақат сизнинг рухсатингиз билан! Агар истасангиз бирга борайлик ҳажга. Ҳамма харажатлари мендан...

Д а р в е ш а л и (*масхаромуз*). Ташаккур! Энди бир қолгани ошику маъшукларга ҳаммоллик қилиш қолувди менга! Сочига қиров қўнганда, нортуяга юк бўладиган чарм чамадонларингни кўтариб, сенларга эшшак бўлиб хизмат қилиш қолувди менга.

Г у л н о з а. Жон Дарвешали ака! Домлажон! Тирноққа зормиз-ку, ахир?! Ахир, эшитинг...

С а р в а р. Шошманг, Гулнозахон. Ўзим тушунтирай. Гулнозахон эмас, мендан чиққан фикр бу, Дарвешали ака. Ахир, ўз рухсатингиз билан Гулнозахон сал кам бир ой тепамда оғзимга сув томизиб ўтирди-ку.

Дарвешали телбаларча хохолаб қулади. У ёқдан-бу ёқка юриб, кўзлари ёниб гапиради.

Д а р в е ш а л и. Ҳа-ҳа-ҳа! Мен гўл бўлмасам, гумроҳ ва нодон бўлмасам, икковинг кўз уриштириб юришларингни билатуриб, бир ой бир хонага қамаб қўярмидим сенларни. Қамаб

кўйиб, ўзим кечалари шаҳар кўчаларида, рашк ўтида қоврилиб тентираб юрармидим гумроҳ бўлмасам? Мен сен аблахнинг жонингни асраб қоламан деб, ўз шаръий хотинимни бошинга ўтказиб кўйиб, ўзим қирқ кечаю кундуз ухламадим. Сенлар эса, тўхтаган юрагинг қайта тепа бошлабди ҳамки, мадорсиз вужудингга қон югура бошлабди ҳамки, менга хиёнат қилиш йўлларини ахтара бошлагансанлар. Ўйлашиб-ўйлашиб, ахийри ҳаж баҳонасини топгансанлар. Сен муттаҳам менинг бу операциям ҳақида жаҳон матбуоти ёзганидан хабаринг борми? Инсоф, адолат, имону диёнат борми ўзи сенда?

Г у л н о з а. Дарвешали ака. (*Турган жойида тиз чўкиб*) Жон устоз. Яратган Эгам шоҳид: ахир, мен ҳажга боришни куни кеча эмас, неча йиллардан бери орзу қилиб юрардим-ку? Муқаддас Каъбамиз пойига тиз чўкиб, Оллои таолодан фарзанд тиламоқ орзусида эдим-ку, устоз? Буни сизга билдирмай, кечалари йиғлаб чиқардим-ку? Юрагимдан беҳабарсиз-ку, ётган жойимда тўлғаниб тонг оттирдим. Ахир, мана, ўн йил бўляпти, тирноққа зормиз-ку, устоз. Ахир, сиз ҳам фарзанд орзуси билан яшайсиз-ку.

Д а р в е ш а л и. Фарзандни кимдан кўрмоқчисан? Менданми ё бу... бу ноинсофданми?

С а р в а р (*секин, аммо шаҳд билан*). Ҳаддингиздан ошяписиз, ака.

Г у л н о з а (*йиғи аралаш*). Сизга нима бўлди, Дарвешали ака? Нима бўлди?

Д а р в е ш а л и. Кўриб турибсан-ку нима бўлганини? Жинни бўлдим. Жинни. Жинни бўлмасам сенларни қирқ кечаю кундуз қўшиб кўйиб, ўзим шаҳар кўчаларида дарбадар юрармидим? Сен икковинг эса... Мен рашк оташида қоврилиб, тентираб юрганимда... сенлар бир-бирларингга муҳаббат изҳор этиб, мен лапашанг дарвешнинг устидан қулиб ўтиргансанлар..

С а р в а р (*ёқасини ушлаб*). Ё тавба. Чиндан ҳам ақлдан озганга ўхшайди бу одам!

Д а р в е ш а л и. Ҳа, ҳали айтдим-ку, ақлимдан озганман деб, жинниман деб.

Г у л н о з а. Дарвешали ака, қанақа муҳаббат, нима деяписиз ўзи? Ахир, Сарвар акамлар ўлим тўшагида ётган эдилар-ку?

Д а р в е ш а л и. Даф бўл! Яқинлашма менга! Кеча бошланган эмас икковингнинг бу ўйинларинг. Раҳматлик аяжоним бахона, ҳар тонг бу даргоҳга йўрғалаб юрганингда бошланган бу машмаша. Ҳаммасини кўриб юрганман. Сарвар ака деганингда оғзингдан бол томишиданок билардим буни.

Г у л н о з а. Дарвешали ака, кулоқ солинг менгаям.

Д а р в е ш а л и. Илоҳий маконларимизни зиёрат қилмокни ният қилган экансан, муқаддас Каъба олдида тиз чўкиб, Яратган Эгамдан фарзанд тиламокни орзу қилган экансан... сабаб, мен туриб, Оллоҳ қовуштирган жуфти ҳалолинг туриб, пул кутуртирган бу ноинсоф билан нега ҳажга отланасан? Ё сени ҳажга олиб боришга қурбим етмасмиди?

С а р в а р. Э, Дарвешали ака, Дарвешали ака... Дилингизда бундай шубҳа, бундай аламли ўйларингиз бор экан, нима қилардингиз мени ўлимдан асраб қолиб? (*Қалқиб кетиб, устунни қучоқлаб қолади.*)

Д а р в е ш а л и. Бас, бўлди! Икковингга ҳам руҳсат. Ҳажга борасанларми, ё анов... фоҳишабозлар макони бўлмиш Канар оролларига бориб, айш-ишрат қаърига фарқ бўласанларми, ёки қора танли занжилар билан қилпиллашиб (*масхараомуз ҳаракатлар билан ўйнаб кўрсатади*) “буги-буги”га тушиб, ҳаром-ҳариш нағмалар қиласанларми, ихтиёр ўзларингда.

Г у л н о з а. Э, Яратган Эгам, нима бўлди бу одамга?

Д а р в е ш а л и. Мен эсам... Лайлисидан айрилган Мажнун каби саҳролар ва тоғларда макон қураман, қолган умрим шоқоллар ва қоплонлар билан ошнолик қиламан (*Яна масхараомуз қўл силтаб.*) Привет севишганларга.

Г у л н о з а (*орқасидан талпиниб*). Дарвешали ака! Тўхтанг, Дарвешали ака!

С а р в а р. Гулноза, менга қаранг, Гулноза. (*Гулноз тўхтайди. Тили гўлдираб*) Нима қилмокчисиз? Кўриб турибсиз-ку, соғ эмас бу одам.

Г у л н о з а. Мени кечирасиз, Сарвар ака. Нима бўлганда ҳам мен бу кишининг хасмиман, уни ташлаб, сиз билан кетолмайман.

С а р в а р. Гулноз. Тўхтанг, Гулноз.

Ташкаридан Бўрсик киради.

Б ў р с и к. Нима гап? Нима бўляпти?

Г у л н о з а. Қўйинг, Сарвар ака, кийнаманг мени. (*Чопиб чиқиб кетади.*)

С а р в а р. О, Гулноза, Гулноза! (*Юрагини чангаллаб секин инграйди, шийпондаги сўрига ёнбошлайди. Бўрсик югуриб келади.*)

Б ў р с и к. Нима бўлди? Тагин юракми? Йигитлар! Дўхтирга чопинглар, дўхтирга!

С а р в а р. Йўк, керак эмас, ҳеч ким, ҳеч нарса кўрак эмас. Бу сафар... тамом-вассалом. Сени кўп қийнагаг ман, дашном берганман. Рози бўл, рози бўлинглар...

Б ў р с и к. Нима деяпсиз, хўжайин? Ҳали юз йил яшайсиз...

С а р в а р. Йўк, яшаб бўлдим.

Б ў р с и к. Ахир, бу кошона, бу молу дунё, пешона терингиз билан йиққан бу бойлик кимга қолади? Ворис ким бўлади, ким?

С а р в а р. Ворис? Қанақа ворис? (*Оғир ҳансираб*) Билмадим, билишниям хоҳламайман. Битта-ю битта тилагим, ёлғиз васиятим – мени онажонимнинг ёнига қўйинглар. Бу дунёга келиб, бир дам ором олмадим. Болалик чоғларимдагидек... онаизоримнинг бағрига кириб ором олай, ором...

(*Чироқ ўчади. Қоронгида олисдан “Чўли ироқ” куйи аста янграб, авжига чиқади.*)

П А Р Д А

ХОТИМА

Дарвешалининг таниш ҳовлиси. Ғира-шира коронғиликда Дарвешали ҳовлини хаёлчан айланиб юрибди. Ичкаридан, кўлида чамадон, Гулноза чиқади. Саҳна ёришмайди. Прожектор ким гапирса шуни – бирда Дарвешалини, бирда Гулнозани ёритади.

Г у л н о з а. Йўлга чиқишдан аввал бир дақиқа ўтирмок керак, дейишади. Мен ҳам бир дақиқа ўтирай. (*Чамадонини қўйиб, тўқима креслога ўтиради.*)

Д а р в е ш а л и. Кошкийди, бир дақиқа эмас, бир умр ўтирсанг шу креслода.

Г у л н о з а. Начора? Энди бунинг иложи йўқ. Сира илож и йўқ, Дарвешали ака. Сиз бир шўрликнинг юрагига малҳам бериб, жонини асраб колдингиз, асраб колдингиз-да, ўзингиз тиккан ипларингизни ўз қўлларингиз билан чок-чокидан узиб ташладингиз...

Д а р в е ш а л и. Ўн йиллик ҳаётимиз ҳурмати, видео онларида юрагимни тимдалама, Гулноз.

Г у л н о з а. Барчамиз ҳам гуноҳкор бандамиз, дилингизга озор берган бўлсам, кечиринг, устоз.

Д а р в е ш а л и (*мийигида қулиб*). Кечагина Дарвешали ака дердинг, энди устоз бўлдим. Инсон ҳаётининг тагига етиб бўлмас экан. Тушимда ҳажга борибман. Ҳаж бахтига муяссар бўлганлар, Каъба зиёратидан кейин Сафо тоғи билан Марв тоғи орасида етти маротаба югуришиб, Оллоҳ таолодан гуноҳларини кечиришни илтижо қилар эканлар. Мен эсам, бу муқаддас тоғлар орасида ҳаллослаб юриб, сени йўқлар эмишман, сени сўроқлар эмишман.

Г у л н о з а. Қўйинг, ҳозир хўнграб юбораман...

Д а р в е ш а л и. Майли. Бундан кейин бошимга не кўргиликлар тушсин, ҳаммасини кўрай, фақат сенинг кўз ёшларингни кўрмай. Бундан кейин факиру ҳакир сенинг хотиранг билан, сен инъом этган бахтли кунлар эсдалиги билан яшайман.

Г у л н о з а. Мен ҳам...

Д а р в е ш а л и. Сен ҳали бахтли бўласан.

Г у л н о з а. Сиз ҳам...

Д а р в е ш а л и. Йўқ, сенсиз бахт керак эмас менга.

Г у л н о з а. Яна бир оғиз гапирсангиз... фарёд чекиб оёғингизга йиқиламан.

Д а р в е ш а л и. Йўқ-йўқ. Сен бахтингни топмоғинг даркор. Мен эсам... қолган умрим – сенинг ҳаёлинг билан яшайман. Кел, менга бахшида этган энг саодатли кунларинг учун азиз пешонангдан бир ўпай...

Г у л н о з а (*кўз ёшларидан бўғилиб*). Агар мабодо ўша саодатли кунлар эсимга тушиб, йўқлаб келсам... қаердан топаман сизни?

Дарवेशали. Бу шахар, бу даргоҳ менга ёт энди. Қидиргудек бўлсанг, мен девонани тоғлардан топасан, ғорлардан топасан... Алвидо, кўз очиб кўрган юлдузим, ёлғизим, Оллои таоло инъом этган фариштам! (*Пешонасидан ўпади.*)

П А Р Д А

(Биринчи бор сахналаштириш ҳукуки Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига берилган).

Т А М О М



Абдулла
ОРИПОВ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири
(1941 йилда туғилган)



СОҲИБҚИРОН

Драматик достон

Иштирок этувчилар:

Амир Темур, Бибихоним, Мир Саид Барака, Амир Хусайн, Султон Боязид, Аҳмад Яссавий, Ҳазрати Хизр, Улжой Туркон, Мирзо Улуғбек, Шохрух Мирзо, Мироншоҳ, Мирзо Пирмуҳаммад, Хонзода Бегим, Аловиддин, Букаламун, Шайхулисом, Кайхисрав, Барлос Баходир, Ибн Арабшоҳ, Қосимбек, Муҳаммад Қовчин, Ҳофиз Шерозий, Девонбеги, Хожа Юсуф, Борчиқ, Шариф, Сартарош, эшиқбон, ясовул, элчилар, амирлар, саркардалар, чопарлар, муллаваччалар, халойик, хофизлар, раққосалар.

Томоша бошланиши олдидан Амир Темур ҳақидаги шеър ўқилади.

Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек,
Балкибсан бир зотнинг юксак шонида.
Темурбек юлдузи Олтин қозикдек
Чарақлар буюклар қаҳқашонида.
Во ажаб, ёлғиз бир Занжир саройнинг
Ўчини Ўрдадан ола билган зот.

Турон деб аталмиш каттакон жойнинг
Бағрига шунча йил сиғмабди, нахот?!
Жаҳонни мўғуллар истилосидан
Қутқариб қололган барлосий ботир –
Қочолмай тақдирнинг тақозосидан
Фотиҳ деб ном олмиш ўзи ҳам охир.
Энг улуғ бинолар мужассам бўлмиш
Оламда тенги йўқ Самарқанд-ку бор:
Темурбек жанг-жадал шавқига тўлмиш,
Кўлида шамширу тагида тулпор.
Хукми олий билан этмиш намоён
“Куч бу – адолатда”, деган сўзларин.
Қон тўкмиш Жаҳонгир гоҳо беомон
Ёвлари тикмасдан қонли кўзларин.
Отани боладан тирик айириб,
Тожу тахт талоши қизиркан борҳо.
Султон не зотларнинг қўлин қайириб,
Муҳташам салтанат айламиш барпо.
Оллоҳим бахш этмиш шунчалар шуқуҳ,
Комилу етукдир шажара, зоти.
Бир ён Бибихоним, бир ёнда Шохруҳ,
Бир ёнда Улуғбек – синмас каноти.
Не бахтким, туккан юрт бўлганда озод,
Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз.
Қулок тутгайми, деб ноаҳил авлод,
Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз.
Ҳамон ер юзида шайтон туғёни,
Тилларда дуо-ю дилларда зарда.
Кўриб бу ноқису нотинч дунёни
Қайта босардингиз балки, саркарда.
Саъйи ниятларда руҳингиз сардор,
Ёвузлик чекингай, ўчгай ёмонлик.
Дастингиз шамширга бормасин зинҳор,
Ҳазрат, барчамизга тиланг омонлик!

Биринчи сахна

Парда очилади

Самарқанд. Темур саройи. Соҳибқирон соч олдираётган бир манзара.

С а р т а р о ш.

Сартарошнинг касби-кори ҳаммага маълум:
Соч-соқолни киртишлайман. Тамом-вассалом!
Бироқ тангри хўп иноят айламиш менга,
Темурдайин буюк Амир менинг мижозим.
Олампадох, неча йилки, маҳрамингизман,
Хизмат қилиб келмоқдаман даргоҳингизда.
Ҳатто ҳазил-ҳузулни ҳам илтифот айлаб
Кулингиздан аямайсиз.

Т е м у р.

Кул кўп, сен – ёлғиз!

С а р т а р о ш.

Соҳибқирон, бошингизни сал қуйи эгинг,
Устараминг тиги ўткир, дами кўп тезкор.

Т е м у р.

Сартарошга бош эгар, ҳа, жаҳонгирлар ҳам,
Бошқаларга эгилишдан асрасин худо!
Бироқ сенга оддийгина бир гапни айтгай:
Соҳибининг хошишига бўйсунди тиг.
Зарур бўлса кесгайдир у ёмон ярани,
Жаҳолатда узар лекин тилла бошни ҳам.
Марҳаматинг учун эса ташаккур сенга.
Ҳар қандайин бандага ҳам керакдир сирдош,
Сенга кўнгил очсам бўлар...

С а р т а р о ш.

Куллуқ, ҳазратим!

Т е м у р.

Гап юрармиш, гўё Темур табассум қилмас,
Гўё менга хурсандчилик, шодлик бегона.

Хар қадамда билинтирмай оғу сочгувчи
Мансабпараст, ғаюр, баттол, ўғри, фирибгар,
Хушомадгўй кимсаларни маҳрам санайми?
Ё уларга ялтокланиб,
Табассум айлаб,
Кўнгулларин овлаш учун муқом қилайми?
Мен уларнинг юрагида не кечишини
Ойнага боққан каби кўриб тураман.
Одамларнинг баднафс,
Юҳо оғизларига
Тизгин солиб,
Қамчин билан титратмоқ даркор.
Шу йўсунда ром этурлар хайвонларни ҳам.
Одамзодни бир дақиқа бежилов қўйсанг
Ғажиб ташлар, еб битирар бир-бирларини.
Кўни-қўшни улусларнинг ҳукмдорлари
Шамширимдан қўрқадилар, шонимдан эмас.
Сартарошсан, мана сенга бошимни эгдим.
Бироқ мени афв этгайсан,
Тиз буколмайман...

С а р т а р о ш.

Оёғингиз шикаст топган муҳорабада,
Шу боисдан афв этади сизни қулингиз.

Т е м у р.

Бекор узок кечмишимни солдинг ёдимга,
Мен онамдан шамшир билан туғилмагандим.
Кеш шахрининг сарҳадида,
Воҳа бағрида
Хўжа Илғор деган жой бор.

С а р т а р о ш.

Олам билади!

Т е м у р.

Кўкка боқиб,

Адирларда яйрардим шодон,
Баҳор чоғи сел тошқини, турфа чечаклар
Хўп ғаройиб туйғуларни
Тухфа этарди.
Юлдузларга бокиб гоҳо байтлар битардим.
Шоир аҳли ғазалларин қоғозга ёзса,
Мен шеъримни ўчмас қилиб шамширга ўйдим.
У битикнинг мазмуни шул:
“Куч – адолатда!”
Ёш бошимдан қисмат менга қилич тутқазди.
Чингизийлар мўр-малахдай босган бир пайтда,
Неча-неча шер юракли барлос йигитлар
Ёвларига ем бўлганда боши бирикмай,
Тоғу тошда санғиб юрган эрксеварларни
Ўз теграмга тўпладим
Ялов кўтардим.
Довонларда маскан курдим,
Кездим чўлларда.
Ҳисор тоғин беткайида,
йирок-йирокдан
Ўпқон каби ғор кўринар,
Кўзинг тушганми?

С а р т а р о ш.
У – Сизнинг ғор!

Т е м у р.
У жойда мен жон сақлаганман,
Тулпоримнинг тезаклари тўзмаган ҳамон.
Ёғий мени йўлтўсар деб англатди элга,
Пистирмалар кўйишарди йўлимга доим.
Парвардигор марҳамати ғолиб келди-ю
Қара, омон ўлтирибмиз икков, тиғдошлар.
Ишинг битди, жўна энди,
Сенга ташаккур!
Эшиқбон кирсин.

Саргарош чиқади.

Э ш и к б о н.

Олампанох,
Хутгалондан ҳоким Кайхисрав
Бир бандини келтирмишдир.

Т е м у р.

Банди ким у?

Э ш и к б о н.

Амир Ҳусайн!

Т е м у р.

Амир Ҳусайн?

Олиб киришсин!

Ҳозир бўлсин Шайхулислом, амирларим ҳам
Ва албатта пири комил Саид Барака.

Эшикбон чиқади.

Бошланган ҳар ҳикоятнинг охири бўлгай,
Можарони бошлаган ким?

Менми, Ҳусайн?

Парвардигор барчасидан вокиф ва огох.

Қайин оға ҳисобланар менга бу амир.

Заифамиз Улжой Туркон унинг синглиси.

Бирок ерга тўкилар пайт курт тушган мева

Уни асраб қололмагай соғлом илдиз ҳам.

Амир Ҳусайнни аҳли девон қуршовида олиб кирадилар.

Қўл-оёғин ечинг буни!

Марҳабо, амир!

Кишан сендан халос бўлсин.

А м и р Ҳ у с а й н.

Такдирга лаънат!

Тириклайин сен иблисга рўбарў қилди.

Т е м у р.

(Мир Саид Баракага)



Эшитдингиз, мухтарам пир Саид Барака,
Сиз бу билан Балх шаҳрида суҳбатдош бўлиб
Яшагансиз,
Синагансиз.

Тақдир дейди у.

Ахир, мен ҳам тобемасми ўша тақдирга?

(Амир Хусайнга)

Умрингда ҳеч китоб кўрмай улғайган эдинг,
Шу сабабдан гапларингда мантиқ йўк, амир.

М и р С а и д Б а р а к а.

Одамзодни яратибди Оллоҳ серкарам.

Тақдирин ҳам белгиламиш.

Бирок айни пайт

Одамзодни озод қўймиш синамоқ учун,

Бу синовдан ўтолмагай Амир Хусайн.

А м и р Х у с а й н.

Пирим, Сизга не қилибмен? Гуноҳим недур?

М и р С а и д Б а р а к а.

Гуноҳингдан биттасини айтайин, амир,

Балх шаҳрида сарой қурдинг кайф-сафо учун.

Масжидларнинг маблағларин сарф этдинг унга.

Яна йиғлаб тақдир дейсан...

Т е м у р.

Умр чопағон!

Бизлар минган бедовлардан кўра учқур у.

Ё Хусайн!

Эслисан-а, бирга ўсгандик.

Сен Қозоғон набираси!

Мен – барлосзода!

А м и р Х у с а й н.

Бир қиблага баб-баробар юзни бурсак ҳам,

Сен ўзга бир хонадондан,

Мен – чингизийман!

Т е м у р.

Хотирангдан чикмагандир у ўсмир йиллар,
Иккимизни қўйишганди бир пайт пойгага.

Мендан ортда қолиб кетдинг, бироқ паст тушмай
Ўшанда ҳам деган эдинг:

“Мен – чингизийман!”

Одамларнинг шажараси дарёлар каби
Бир-бирига қўшилмоғи шубҳасиз, бор гап.

Сенинг бобонг Чингиз эмас,

Аслида Ҳасад!

Ҳасад!

Ҳасад!

Билиб қўйгин, Амир Ҳусайн.

Оёқ-қўлинг боғлаб келган ўша ҳасаддир.

Мен буюк бир салтанатни тузмокдаману

Биринг у ён,

Биринг бу ён тортасан, аттанг.

Ўртамизга қўйиб ҳатто Каломуллони

Неча марта қасам ичдинг,

Эсла, Ҳусайн!

Охирги пайт сени боғлаб келтирай десам

Қочиб қолдинг.

А м и р Ҳ у с а й н.

Омад мендан юзин ўгирди.

Йўкса, сенинг тожу тахтинг бўларди менда!

Мадрасага бекингандим, аблаҳ Қайхисрав

Таниб қолмиш эгнимдаги зарбоф тўнимдан.

Т е м у р.

Қайхисравнинг отасини сен ўлдиргандинг,

Ўша хун деб сени тутиб келтирмишдир у.

Омадсизлик эмасдир бу – қилмиш-кидирмиш.

Мени эса расман ҳолда Балх қурултойи

Мамлакатнинг амири деб сайлаб қўйибди.

Энди сенинг кимлигингни айтай, Ҳусайн,

Лашқарини сийламаган сен – хасис амир!

Сирдарёнинг бўйларида Жетига қарши

Иккаламиз чикқан эдик ўша машъум кун.
Осмон гўё тешилди-ю жами булутлар
Сувларини тўккан эди жанг майдонига.
Уст-боши хўл, ҳолдан тойган сенинг лашкаринг
Очу наҳор бўлгани-чун ортга чекинди.
Лой жангида сен сабабли ночор қолганман.
Ўн минг аскар нобуд бўлди, афсус, ўшанда.

А м и р Ҳ у с а й н.

Темур, менга тўнкама у мағлубиятни,
Фирибингни кўрсат эди, саркарда бўлсанг!

Т е м у р.

Кўрмагансан фирибимнинг мингдан бирин сен.
Атрофимни занжир каби ўраб турса ҳам
Жетиларни тумтарақай кувдим Ватандан.
Бир жанг чоғи муҳтарам пир Саид Барака
Эгилди-ю ердан сиким тупрокни олиб,
“Ёғий қочди!” дея нидо қилганларича
Ёв томонга сочди уни. Ёв-чи, ҳа, қочди!
Бу ҳам фириб, шундоқмасми?

М и р С а и д Б а р а к а.

Аввал худодан!
Гар музаффар қилар бўлса, мададин бергай.

Ш а й х у л и с л о м.

Қиблагоҳнинг унволари Соҳибқирондир,
Оллоҳимнинг карами-ла саккиз юз йилда.
Юлдузларнинг ҳолатлари айрича бўлгай,
Жадий буржи кўрингайдир кийик шаклида.
Ўша йили туғилгайдир бир Соҳибқирон.
Энг аввали шоҳ Искандар, ундан сўнг эса
Туғилмишдир Расул Акрам – Пайғамбаримиз.
Учинчиси ҳазрат Темур – Соҳибқирондир.
Авлиёлар аллақачон башорат қилиб,
Айтмишларким, Соҳибқирон дунёни олгай.
Саккиз юз йил салтанати тургай барқарор.

Жахонгирга абадиян худо ёр бўлгай.
Илоҳи, омин!

Қолганлар ҳам “Омин”, “Омин” дея юзларига фотиҳа тортадилар.

К а й х и с р а в.
Аълоҳазрат, изн беринг бир сўз демokka.

Т е м у р.
Сенинг отанг Бадахшоннинг ҳокими эди,
Юрт талашиб ўлдирганди уни Ҳусайн.
Ҳа, Кайхисрав, тушунаман аҳволингни мен.

К а й х и с р а в.
Урушларда қон тўкилгай, мен ҳам англайман,
Падаримни ўлдирган-ку шу номард, аммо
Неча бора қасам ичди Сизни ҳам алдаб.
Камонининг садоғидан мана бу ўқни
Тошиб олдим.
Аълоҳазрат, ёзуви ҳам бор.
Ўқиб кўринг!
(Кайхисрав камон ўқини Темурга узатади.)

Т е м у р.
(Ёзувни овоз чиқариб ўқийди.)
“Бу – Темур учун”.
Худди шундоқ шаклдаги пайконлар билан
Сажистонда ёғий мени яралаганди.
Бир оёғим ҳам бир қўлим ҳануз ногирон.
Ажаб ҳолким, ўшанда сен малҳам қўйгандинг,
Эслайсанми, ўша кунни,
Амир Ҳусайн?

А м и р Ҳ у с а й н.
Ушбу ўқим юрагингга аталган аммо.
Т е м у р.
Заҳарлидир?



А м и р Ҳ у с а й н.
Ҳа, албатта!
Тегса билардинг.

Т е м у р.
Қай бир фозил айтган экан:
“Туз айниса гар, уни нима тузатар”, деб.
Ўх, аблах, олчок!

Б а р л о с б а ҳ о д и р.
Аълоҳазрат, рухсат беринг, бу газанданинг
Пайконини ўз кўксига жойлаб қўяйлик.

Орқа эшикдан Улжой Туркон югуриб чиқади.

У л ж о й Т у р к о н.
Олампаноҳ,
Олампаноҳ,
Бир зум сабр этинг.

Т е м у р.
Улжой!

А м и р Ҳ у с а й н.
Улжой?!

Т е м у р.
Сен қаёқдан пайдо бўлдинг?

У л ж о й Т у р к о н.
Хосхонада мен,
Бош ювмоққа сув тайёрлаб одатдагидек,
Саргарошнинг кетишини пойлаб тургандим
Ва дафъатан бу даҳшатли суҳбат ғовури
Қулоғимга чалинди-ю кетолмай қолдим.
Афв этгайсиз чўрингизни.

Т е м у р.
Сен чўри эмас,
Амир Темур завжаси сен, маликадурсан.

А м и р Ҳ у с а й н.
Сен – Қозоғон набираси,
Ҳусайнга сингил.

У л ж о й Т у р к о н.
Мен икки ўт орасида жизғинак бўлган,
Иккисин ҳам аяйдурган Улжой Турконман.

Т е м у р.
Улжой, менинг гапларимга кулок тут андак,
Сени гўё ғубори йўқ сахро гулидай
Ўз бағрига босгувчини тушунгил дейман.
Шафкат билмас ҳукмдор деб ўйлама мени.
Унутмаки, ҳар қандай кас феълидан топгай.
Мен акангнинг қилмишларин афв эта-эта,
Оқибатда ботгандурман гуноҳга балки.
Афсус, аканг шу қадарли очофат, юхо,
Ўнғай келса, аямаган ҳатто сени ҳам.

А м и р Ҳ у с а й н.
Худодан кўрк,
Амир Темур, исботингни айт!

Т е м у р.
Неча муддат иккаламиз ит-мушук бўлиб
Учрашмайин,
Аразлашиб юрган кезларда
Маккор мўғул Самарқандни қайта босганди.
Подшоҳи йўқ мамлакатнинг аҳволи маълум:
Шундай пайтда бош кўтариб чиқди бир Гурух.

А м и р Ҳ у с а й н.
Сарбадорлар!

Т е м у р.
Сарбадорлар, ҳа, сарбадорлар!
Мардонавор кўриқлади улар шаҳарни,
Улоктириб ташладилар мўғул қўшинин.
Сен билан мен тайёр ошга баковул бўлиб





Салтанатни тортиб олдик сарбадорлардан.
 Сен ўзингни амир дединг, мени-чи вазир.
 Сарбадорнинг битта айби – уқувсизлиги.
 Умрида ҳеч тожу тахтни кўрмаган косиб,
 Учта-тўртта муллавачча не иш қиларди?
 Пала-партиш фармонларни чиқариб улар
 Боёнларни ўзларидан тезда бездирди.
 Шул сабабли омадимиз чопди бизларнинг,
 Биз уларни дорга тортдик – номига лойик.

А м и р Х у с а й н.

Мен билардим, мойил эдинг сарбадорларга,
 Дордан олиб қолган эдинг улардан бирин,
 Исми унинг Мавлонозода.

Т е м у р.

Сен сабаб бўлиб

Самарқандда норозилик бошланиб кетди.
 Бир оч бўри дафъатанда кўрага кириб,
 Кўзи тўймай дуч келганни бўғизлагандек
 Солиқ солдинг бева демай, бечора демай.
 Солиқ йиғиш балосини менга топширдинг.
 Беҳуда қон тўкканларинг бир қарра бўлса,
 Элу юртни талаганинг ўн қарра бўлди.
 Мен бир неча сарбадорни саклаб қололдим.
 Ватан учун жонин тиккан фидойиларнинг
 Қисматига ачингандим, тахтига эмас.
 Қиш фаслида очилган бир чечакдай улар:
 Ўз-ўзидан ҳалокатга маҳкум эдилар.
 Бирок сенинг очик гўрдек юхо оғзингни
 Ўша пайтда ёполмасдан армонда қолдим.
 Элга солган солиғингнинг катта қисмини
 Улжой билан иккаламиз қоплаган эдик.
 Ўз синглингга ўзинг ҳадя қилган зирақлар
 Ўз қўлингга қайтиб борса, олдинг, ноинсоф.

У л ж о й Т у р к о н.

Нахот, ака?!

А м и р Ҳ у с а й н.

Зирагингни танимаганман.

Ўтган ўтди.

Темур, энди валдирайверар.

Ҳар доимо ҳақ бўлади музаффар одам.

Т е м у р.

Темур билан гаплашганда бу ҳикматинг пуч,

Унутмагил, музаффарман ҳақлигим учун,

Улуғ бир зот яшаб ўтган бизнинг заминда.

Туркистонлик авлиё у

Аҳмад Яссавий.

Тингла унинг бир ҳикматин,

Ғоят ибратли.

“Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,

Термилтириб халойикка зор айлади”.

Айнан сенга мўлжалланган бир жуфт ўқдир бу.

У л ж о й Т у р к о н.

Афсуски, мен хабардорман бунинг баридан,

Неча йилдир орангизда қора хусумат.

Ака, Сизнинг жонингизни Улуғ Амирдан

Қанча марта сўраб олдим йиғлаб, ёлбориб.

А м и р Ҳ у с а й н.

Агар менинг синглим бўлсанг, ёлборма, Улжой.

Ахир мен ҳам жангчиман-ку, мен ҳам баҳодир.

Яхшиси, сен кўшкингга кет, оромгоҳингга,

Кечир мени, азиз синглим!

У л ж о й Т у р к о н.

О, Олампанох,

Ҳадя қилинг менга ўша камон ўқини,

У даҳшатли бир тарихдан хотира бўлгай.



Т е м у р.

Модомики, хосхонада бизни тинглабсан,
Хабардорсан бу сухбатнинг тафсилотидан.
Ма, ола қол, Ёзувини ўқима фақат.

У л ж о й Т у р к о н.

(Камон ўқини олади. Чиқаётиб ўқийди.)

“Бу – Темур учун”
Йўқ, бу – мен учун.

Улжой Туркон чиқади.

Т е м у р.

Мен ҳамиша шуқр айтдим Парвардигорга,
Қодир Оллоҳ ойдин қилди йўлимни доим.
Забт айласам қай бир замин,
Қай мамлакатни
Худойимнинг хоҳишига таяндим мудом.
Ҳатто йироқ юлдузларнинг феъли қандоқ деб,
Тинглаганман қуръачи-ю мунажжимларни.
Турфа дину эътиқодга ибодат қилган
Неча-неча қавмларни ҳукмимга олдим.
Муҳаммаднинг яловини кўтардим баланд.
Бирок ўзинг бирга ўсган,
Бирга от сурган,
Бир масжидга соме бўлган зотдан айрилмоқ –
Бу ғоятда маънос килиб қўяр одамни.
Сиз на дейсиз,
Муҳтарам пир Саид Барака?

М и р С а и д Б а р а к а.

Мусулмоннинг қонин тўкмоқ жоиз бўлмағай.
Аммо-лекин дини Ислоҳ байроғин тутган
Йўлбошчига панд бермоқлик гуноҳи азим.
Тавба қилсин,
Тавба қилсин, Амир Хусайн.
Зеро, шундоқ лутф этмишлар Пайғамбаримиз,
Эртаю кеч очик эрур тавба эшиги.

Т е м у р.

Шайхулислом жаноблари, фикрингиз недур?

Ш а й х у л и с л о м.

Муборак бир калимани келтириб ўтай,

У – Қуръони каримдандур!

Т е м у р.

Вужудим кулок!

Ш а й х у л и с л о м.

“Яфъалуллоҳу мояшау ва яаҳкуму мо йўрид”,

Яъни, Оллоҳ ниманики хоҳласа агар

Иродаси билан шуни ҳукм қилгайдир.

Т е м у р.

Иншооллоҳ, Яратганнинг ўзи билгайдир.

Эй, Сиз – менинг амирларим, баҳодирларим.

Қадамидан ўт чакнаган лашкарбошилар.

Оллоҳ Сизнинг дилингизга не туйғу солмиш?

Мунтазирман жавобингга, Барлос баҳодир.

Б а р л о с б а ҳ о д и р.

Мунтазирмиз амрингизга, о, Соҳибқирон,

Сиз амр этинг – кемиргаймиз Кўҳи Қофни ҳам,

Сиз амр этинг – симиргаймиз баҳру уммонни.

Куч олгаймиз шижоату ҳимматингиздан.

Сизга содиқ бўлурмиз деб қасам ичганмиз.

Улуғ Амир, худо шоҳид, жангчининг онти

Ҳар қандайин мартабадан турар баландроқ.

Сизнинг азиз жонингизга отилган ҳар ўқ

Энг аввало, келиб теккай бизнинг кўкракка.

Номард ёвни агарда Сиз кечирсангиз ҳам,

Биз мутлақо кечирмасмиз.

Кетгаймиз тарқаб.

Канизак жон ҳолатда югуриб киради.

К а н и з а к.

Аълоҳазрат,

Аълоҳазрат,

Мудҳиш бир хабар,
Бу хабарни сизга келиб айтгандан кўра
Қани эди шу заҳоти кесилса тилим.

Т е м у р.

Қандай хабар? Довдирамай гапир, Канизак!

К а н и з а к.

Хонасида жонсиз ётар малика Улжой,
У ўзини ҳалок этмиш, манов ўқ билан.
(Канизак қонли камон ўқини Темурга узатади.)

Т е м у р.

Эвоҳ!

А м и р Х у с а й н.

Ҳайҳот!

Т е м у р.

Амир Хусайн, орамизни боғлаган занжир
Метин тоғлар силсиласи қадар бўлса ҳам,
Шу дақиқа пароканда бўлди, узилди.
(Кайхисравга)

Хусайнни топширдим мен, Кайхисрав, сенга!

Амир Хусайнни олиб чиқиб кетадилар.

Мана бугун барҳам топди иккита умр,
Иккиси ҳам бир онадан туғилган эди.
Бири сингил, бири ака – изма-из кетди.
Бировининг меҳри қанча бепоён бўлса,
Иккинчисин ғарази ҳам шунча мўл эди.
Хўш, уларнинг ҳалокати мен туфайлими?
Агар ҳаёт пардасини кўтариб боқсанг
Орасида икки ҳолат кўрингай рўй-рост:
Бири Раҳмон қиёфаси, Униси – шайтон.
Хусайн-ку, манманликнинг қурбони бўлиб,
Қилмишидан топди.

Аммо Улжой Туркон-чи?

Унинг айби нима эди? Наҳотки иблис

Оч бўридек бир кўзини албатта егай.
 Бу ғалати жараёнда адолат борми?
 Яйраб юрар нега шайтон корандалари?
 Нега кўпдир найрангбозу қаззоб кимсалар?
 Нега босган ер юзини бунча кўп иллат?
 Мен заминни тозалашим керак улардан.
 Ажал мудом бекинмачоқ ўйнар биз билан,
 Мен ўлимдан кўркаманми?
 Кўп чигал савол...
 Бироқ аник фаҳм этаман,
 Ҳаёт бор жойда
 Ўлим отлик сурбет учун асло ўрин йўк.
 Шайхулислом, айтиб кўяй Сизга бир гапни:
 Аъёнларга етказингиз, машваратларда,
 Йиғинларда,
 Базмларда,
 Токи мен борман,
 Мақтанмасин бирор кимса кон тўкканман деб.
 Юрагимдан Раҳмон меҳри кетмасин зинҳор,
 Парвардигор иродамини сушт килмаса, бас.
 Шайхулислом, тиловат қилинг.

Ш а й х у л и с л о м.

(Тиловат ўқилаётганда парда аста-секин ёпилади.)

“...Иййака наъбуду ва иййака настаъин.

Иҳдинас-сиротол мустақим.

Сиротол лазина анъамта алайҳим ғойрил мағзуби

Алайҳим ва лаззолин...”

(Мазмуни: “...Фақат сенга ибодат қиламиз ва сендан ёрдам сўраймиз. Бизни тўғри йўлга бошлагин. Ғазабга дучор бўлганларнинг, адашганларнинг йўлига эмас...”)

П А Р Д А

Иккинчи саҳна

Амир Темур тахтда. Тахт атрофида ярим ой шаклидаги ҳолатда шахзодалар, набиралар... Чап тарафда руҳонийлар, ҳакамлар, олимлар, аъён-

лар. Тахт каршисида амирлар, вилоят ҳокимлари. Тахт орқасининг ўнг тарафида баҳодир ҳарбийлар. Чап тарафида енгил қўшин қўмондонлари. Чодирга кираверишда Олий Кенгаш кўриқчилари. Ўнг ва чапда – арзгўйлар.

Т е м у р.

Бирор мушкул муаммони ҳал этар бўлсак,
Кенгаш қилдик аҳли дину вазирлар билан.
Кенгаш қилдик баҳодирлар, амирлар билан
Икки дарё орасидан нари ёкдаги
Бизга тобе мамлакатлар тўрт улус бўлди.
Бироқ фармон ягонадир,
Салтанат битта.
Ҳар қандайин давлатни ҳам бошқармоқ учун
Энг аввало йўриқ керак,
Қоида даркор.
Чингиз буни Ясо деган,
Биз Тузук дедик.
Тажрибадан бунёд бўлган хулосаларни
Тузукотда биз пешма-пеш баён қилгаймиз.
Савол чикса, токи жавоб ҳар хил бўлмагай.

Б и р и н ч и а м и р.

Аълоҳазрат, не бахтки бу,
Сиздек Амирнинг –
Саркарданинг ўгитидан баҳраманд бўлсак.
Теграмизда тарик каби сочилиб ётган,
Эрта-ю кеч бир-бирин еб,
Жикқамушт бўлган
Элатларнинг бошин қўшиб давлат туздингиз.
Бундай давлат кўрилмаган тарихда, зеро.
Унинг асос таянчлари недур, ҳазратим?

Т е м у р.

Давлат асло таваккалнинг меваси эмас,
У райят,
Яъни халқнинг ғуж иродаси.
Унинг асос таянчидир ушбу уч жиҳат:
Ягона шоҳ,

Мўл хазина,
Енгилмас лашкар.
Сиз аскардан аямангиз молу дунёни,
Суюргамиш беринг унга,
Унвонлар беринг.
Ҳаммасининг қисматларин яхши биламиз.
Хазинани эса фақат райият қоплар!

И к к и н ч и а м и р.
Олампадох, ер юзида шоҳлар ҳам бисёр,
Одамзодни улар қай тарз идора этгай?

Т е м у р.
Сиз фалакка назар солинг,
Юлдузлар аро
Бизнинг учун энг ёркини, шубҳасиз, куёш.
Назар солинг, ер юзида даррандаларга,
Энг улуғи, мукаммали албатта арслон.
Турли-туман одамларни бошқариш эса
Подшоларга буюрилган.
Оллоҳ ҳукми шу.
Сурув битта бўлса агар, чўпонлар сони
Қисқаргайдир!
Бир сурувга бир чўпон басдир!
Агарда биз забт айласак етти иқлимни.
Унга энди бошқа шоҳнинг даъвоси ғалат.
Бизни баъзан айблайдилар боши бузуклар
Зўравонлик ва ноўрин шафқатсизликда.
Фарзандларим, бир гапимни асло унутманг:
Тинчлик билан ҳал бўлса гар бирор муаммо
Ҳеч кимсага ўзингизча қурол кўтарманг.
Бирорта шоҳ ўз элига ўтказса зулм
Адолатнинг қиличини баланд кўтариб,
Янчинг уни!
Оллоҳ ўзи мададкор бўлгай!
Урушларни даф этишнинг йўли эса бу:



Қонунларга ҳар ким сўзсиз риоя қилгай.
Ҳамма учун баб-баробар бўлсин Адолат!
Менинг улуғ ва бепоён мамлакатимда
Қарокчи-ю йўлтўсарнинг дасти қирқилган.
Гар ўғирлик содир бўлса бирор ўлкада
Биз дедикки, жавоб берсин юртнинг ҳоқими.

Ё тинчитсин,
Ё тўласин ўз ҳамёнидан.
Магар бирор вилоятга нозир бўлсангиз
Энг аввало,

Пешволарга ҳурмат кўрғазинг,
Дарахт экинг,
Гул ўтқазинг,
Иморат куринг!

Кимки обод қилай деса ташландиқ ерни
Уч йил уни солиқлардан озод қилдик биз.
Дини Ислом эътиқоди байроқ биз учун,
Уни таҳқир этганларга дўзах яратинг.
Ҳар қандайин салтанатнинг обрўси эса
Тайин бўлгай илм бирлан,
Маърифат бирлан.

Машваратга мутакаллиф бўлган зотлардан
Асли шомлик ёш бир олим ибн Арабшоҳ
Гапимизни тасдиқ этса ажаб эмасдир!

И б н А р а б ш о х.

Олампадох,
Ёш болалик чоғимда мени
Самарқандга асир килиб олиб келганлар.
Илму урфон Маккасидир бу кун Самарқанд.
Етти иқлим меъморлари, муҳандислари
Сиз туфайлик жам бўлмишлар ушбу шаҳарда.
Аълоҳазрат,
Сизнинг улуғ марҳамат билан
Бунёд бўлган қасрлару сарой, масжидлар

Шарку ғарбда таниклидир!
Тенги йўқ асло!
Маърифатга Сиздек ҳомий келмагани рост!

Т е м у р.
Кўп ташаккур, иқрор бўлиб айтган сўзингга,
Юрагингда бир армон бор лекин, Арабшоҳ.

И б н А р а б ш о ҳ.
Ё, Оллоҳим! Дилимдагин қайдан билурсиз?

Т е м у р.
Уни кўзинг айтиб турар, зеро, у – кўзгу.

И б н А р а б ш о ҳ.
Гоҳи-гоҳи хаёлимдан ўтар ёшлигим,
Саҳроларда сарсон бўлиб юрган кезларим.
Тушларимга кириб чиқар таҳкир, хўрликлар.
Ва ўзимни тутолмасдан, тақдирдан нолиб,
Кимларнидир қоралайман гоҳ беихтиёр.
Мен восвосга учраганман,
Лекин Олимман!

Т е м у р.
Олим одам восвос бўлса – бу ёмон иллат!
Иншооллоҳ, тузалгайсиз.
Умид қилурмиз,
Дард кўзимас рост тарихни ёзаётганда.

И б н А р а б ш о ҳ.
Қуллук, ҳазрат! Қуллук, ҳазрат!

Т е м у р.
Илму фан билан
Машғул бўлиш насиб этмас, эҳтимол, менга.
Салтанатнинг поёни йўқ,
Юмушлари мўл.
Лекин олий иморатлар барпо айламоқ,
Боғу роғлар бунёд этмоқ эзгу муроддир.





Самарқандим.
Дунёдаги ягона шахрим.
Атрофдаги манзилларга Дамашк, Бағдод деб
Ном берибмен.
Яхши ният – ярим давлат-ку.
Ота юртим Кеш шахрида бир сарой курдим.
У – Оксарой!
Ниятимиз каби покиза.
Агар кимки шубҳа қилса шавкатимизга
Ок саройни бориб кўрсин!
Ушбу гапимни
Пештоқига ёздирдим ҳам.
Иморатим маҳобатин кўрган авлодлар
Бузган эмас, курган десин Темур бобомиз!

Ш а й х у л и с л о м.

Аълоҳазрат, умр кўринг дунё тургунча!

Ҳ а м м а.

Дунё тургунча! Дунё тургунча!

Ш а й х у л и с л о м.

Иншооллох, боқий бўлгай салтанатингиз!

Ҳ а м м а.

Боқий бўлгай, боқий бўлгай салтанатингиз.

Илоҳи, омин!

Т е м у р.

Инсон умри елдай ўтар.

Аммо ишлари,

Айтган сўзи, ажаб эмас, абадий қолса.

Туркистонда яшаб ўтган ҳазрати султон

Хожа Аҳмад Яссавийни яхши билурсиз.

Ҳануз яшар ул ҳазратнинг насиҳатлари,

Ҳикматлари,

Битиклари,

Асл туркийча.

Бобомизнинг ул муборак гўрлари узра

Ғоят кўркам, ҳашаматли мақбара курдик.
Кўп ғалати авлиёдир Аҳмад Яссавий.
Пайғамбарнинг ёшларига етганда ёши
Этак силкиб бу дунёнинг ташвишларига
Ер остига кириб кетмиш.
Буюк бир жумбок!
Ўқтин-ўқтин тушларимга кирар ул ҳазрат.
Бизлар эса ер устига масъулмиз кўпроқ.
Тунда гўзал мисраларни кашф этса шоир
Биз-чи, ҳарбий ҳийлаларни ўйлаб топамиз.
Ўзимиздан олдин ўтган саркардаларнинг
Хатоларин таҳлил этиб,
Санъат ясаймиз.
Шундоқмасми, Барлос баҳодир?

Б а р л о с б а ҳ о д и р .

Ҳарб илмининг пойдеворин қўйгансиз, ҳазрат,
Алал-абад бу истехком кўзғалмас сира.
Кўшинларнинг сафларига Сиз берган тартиб
Шоирларнинг мисрасидан кўра қуймарок.
Сизнинг санъат туфайли биз ўн бора ортик
Ёғийни ҳам тирқиратиб кувиб солганмиз.
Мардлик билан маҳоратдир зафар гарови,
Қора кучдан нима фойда,
Анқайиб турса.

Т е м у р .

Бизни ғоят қизиқтирар, шаҳзодаларнинг
Ҳарб ишида билимлари қандок экани.
Шаҳзодалар Мироншоҳу Шоҳрух мирзолар
Гувоҳ бўлган бизнинг талай муҳорабага.
Улар бу кун улусларни бошқариб турар.
Оллоҳ ўзи раҳмат қилгур баҳодир ўғлим,
Жаҳонгирдан қолмиш ёдгор Пирмуҳаммад, Сен,
Айтиб бер-чи,
Фил жангида ёғийга қарши





Қандай хийла,
Қандай фириб қўлламоқ даркор!

М и р з о П и р м у х а м м а д.
Олампанох, Сиз айтгандек, хайвонот зоти
Ўт-оловдан чўчир фақат. Яқин келолмас.
Ер мойига пишиб олгач похол-сомонни
Туяларга кажавадек юкламоқ керак.
Уларга ўт кўйилганда, минг-минглаб туя
Жаҳаннамнинг оловидай ўрнидан кўчгай.
Филлар эса, ўкирганча орқага қочиб,
Оёкости қилиб ташлар ўз қўшинини.

Т е м у р.
Магар туя иш бермаса чангалзорларда
Не қилгайсен, топармисан бунинг ҳам йўлин?
(Ўнлаб режа бўлмоғи шарт саркардаларда).

У л у ф б е к.
Олампанох,
Изн беринг, мен ҳам сўз айтсам,
Бундай улуғ имтиҳонда қатнашмоқ шараф.

Т е м у р.
Набирамиз сен, Улуғбек,
Шохрухнинг ўғли,
Туғилгандинг жанг маҳали, Эронзаминда.
Йиллар ўтиб кетибди-я...
Ёдимда ҳамон
Таваллудинг шарафига рақибларимни
Афв этгандим, берган эдим элга омонлик.
Падаримнинг хотирасин муборак этиб
Мен исмингни Тарағай деб атаган эдим.
Тарағай деб чақиршдан ийманишдилар.
Улуғбек деб атадилар,
Улуғбек бўлдинг.
Сени тийрак дейишади.

Шоён бу хислат.

Хўш, не дейсан филга қарши жанг хусусида?

У л у ғ б е к.

Олампадох, Ҳиндистонни забт этганда Сиз

Учбурчакли темир тикан ясаттиргансиз.

Ҳар қандайин ҳолатда ҳам бундай тиканнинг

Битта учи тикка бўлиб тураберади.

Юзлаб, минглаб темир тикан сочилган жойдан

Фил ўтолмас, қанот боғлаб учмаса агар.

Т е м у р.

Барақалла,

Қанот боғлаб учса фил агар.

Иккаламиз топажакмиз бунга ҳам чора.

Болаларим, унутмангки,

Давлат ишида

Ҳар қандайин юмушнинг ҳам ўз ўрни бордир.

Минглаб хуфя хизмат қилар бизга, масалан.

Аммо улар танишмагай бир-бирларини.

Хабарларни шошилмасдан тинглаб, ўрганиб

Барчасидан чиқаргаймиз зарур хулоса.

Юриш қилиш лозим бўлса йироқ элларга

Тадоригин кўрмоқ керак уч-тўрт йил аввал.

Сиз, чунончи, сарҳадларда яйлов тайёрланг.

Йилқиларни кўпайтиринг ўша жойларда.

Токи сизнинг ҳорғин отлар етиб борган пайт

Тулпор бўлиб, кишнаб турсин минглаб тойчоқлар.

Гар кўшинни таҳликага солмоқлик учун

Тунда унинг атрофида гулханлар ёқинг.

Неча юзлаб милтиллаган чўғларни кўргач,

Ёғий сизнинг лашкарларни кўп деб ўйлагай.

Шабхун дея аталади тунги хужумлар.

Тўртта отнинг биқинига шох-шаббалардан

Одийгина супургини боғлаб қўйсангиз –

Чунон тўзон кўтарилгай

Дейсиз қиёмат!



Ўрни келса тўрт суворий тўрт минг отликнинг
Ваҳимасин яратади кийкирик билан.
Байроғингиз эгилмасин майдонда сира,
Жангда ёлғиз қолсангиз ҳам байроқ тик бўлсин.
Ҳужум қилиш арафаси “Оллоҳу акбар” деб
Нидо айланг.

Парвардигор куч ато этгай.

“Суринг” деган наъра эса боскинга даъват.
Бизнинг оддий “Ур-хо-ур”дан ёв жуда кўрқар.
Энди жаҳон яхши билар кудратимизни,
Пинҳон жойи қолмагандир хийлаларнинг ҳам,
Бироқ Темур фирибларин адоғи йўқдир!
Энди рухсат, Машваратнинг меҳмонларига,

Бир қисм иштирокчилар чиқиб кетадилар.

Шахзодалар, вазирлару амирлар қолсин.
Қани, айтинг, вазиримиз Муҳаммад Қовчин,
Не гаплар бор салтанатнинг сарҳадларида?

М у х а м м а д Қ о в ч и н .

Аълоҳазрат, салтанатда катта-ю кичик
Дориламон,
Дуоингиз қилмоқ билан шод.
Хушxabарлар келиб турар шахзодалардан.
Ўлпон, тўлов – бари-бари назоратдадир.
Фақат Румо ҳукмдори Султон Боязид
Саркашлигин кўймаётир.

Т е м у р .

Яна Боязид!

Яссаурий –

Самарқанднинг вилоятидан,
Хуталонда Кайхисраву Балхда Хусайн,
Жалойирбек –
Қадим Хўжанд мулкин ҳокими
Бизга қарши бош кўтариб нима бўлишди?
Бир пайтлари Хоразмда Сўфий унвонли

Хусайн ва Юсуф деган ҳукмдорлар ҳам
Чигатойи улусини эътироф этмай
Енгилгунча дабдурустдан ўйин кўрсатди.
Оқибатда хароб бўлди, афсус, Хоразм.
Дини Ислом.
Шариатнинг манфаати деб
Ҳиндистоннинг пойтахтин ҳам фатҳ айлагандик.
Инчунин, бир Занжир Сарой ўчин олай деб
Тўхтамишнинг Ўрдасини чилпарчин қилдик.
Биз ҳам ёқиб юборганмиз Сарой Беркани.
Боязидга лекин атай тегмадик, валлох,
Ғайридинлар устимиздан кулмасин дедик.
Икки тилдош,
Икки диндош битта турк қавми
Олишсалар,
Талашсалар номус эмасми?

Ш а й х у л и с л о м .

Ори ростдур.

Т е м у р .

Неча йилки, кочиби юрган таъқибимиздан
Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуфлар
Боязиднинг саройидан топмишлар паноҳ.
Бизнинг манфур душманларга ҳомий Боязид.

Б а р л о с б а ҳ о д и р .

Аълоҳазрат,

Боязидни кечириб бўлмас.

А м и р л а р .

Аълоҳазрат,

Сабрнинг ҳам бор чегараси.

Т е м у р .

Боязидга яна мактуб йўллаган эдик,
Яна имкон берган эдик ўйлаб кўришга.
Бироқ хануз жавоб йўқдир.

М у х а м м а д Қ о в ч и н .



Балки Боязид

Тавба қилиб ўтиргандир, журъати сўниб.
Кўз олдига келар балки, минглаб калладан
Ясалажак миноралар, селдек оққан қон...

Т е м у р.

(Ғазаб билан)

Нима дединг, ҳой вазирим Мухаммад Қовчин?
Бизнинг жиход йўлидаги узган каллалар
Кўзларингга минорадек кўринмоқдами?
Ё адолат жабҳасида биз тўккан қонлар
Назарингда, сел мисоли кўпирмоқдами?
Балки дийдор кўришсангиз қиёмат чоғи
Султон билан биргаликда тавба қилгайсиз?
Бу гапингни Амир Темур вазири эмас,
Боязиднинг ўзи айтса жўяли эди.
Бундан буён қилар ишинг билиб ол, Қовчин,
Жанггоҳларда отбоқарнинг тўрвасин олиб
Сен узилган каллаларни йиғиб юргайсан.
Отбоқарни қорланг менга.

М у х а м м а д Қ о в ч и н.

Аълоҳазрат, аълоҳазрат!

Т е м у р.

Мен ҳазрат эмас,
Мен ҳам Темур деб аталмиш оддий бир банда.
Мумкин эди аллақачон ўлиб кетишим
Илон чақиб ё бўлмасам отдан йиқилиб.
Мен ўлмадим!
Мени мана кўриб турибсиз.
Боз устига фотиҳ дея ном олган Зотман.
Одам қавми ўз қисматин саҳроларида
Ташналикдан лаби қақраб тентираган чоғ,
Қултум сувдек керак бўлдим шекилли унга.
Чексиз чўлда Инсоният қарвони тарқаб
Бир-бирларин тепиб,

Суриб ғужғон бўлган пайт.
Мен уларни ипга тиздим бир сарбон бўлиб.
Кўхна тарих олдидаги хизматим шулдир.
Сен кабилар бу карвондан адашган туя.

Отбоқарни олиб кирадилар.

Т е м у р.

(Муҳаммад Қовчинга)

Отбоқарнинг жомакорин киясан, Қовчин,
Сенинг зарбоф тўнинг эса отбоқарники.

М у х а м м а д Қ о в ч и н.

Аълоҳазрат, аълоҳазрат!

Т е м у р.

Энди кетабер,

Иродасиз арбобларнинг жазоси шулдир.

(Эшиқбонга)

Хабар йўқми?

Чопар йўқми Рум тарафлардан?

Э ш и қ б о н.

Олампаноҳ, кутиб турар иккита чопар.

Т е м у р.

Кирсин улар!

Иккита чопар олдинма-кейин кирадилар.

Т е м у р.

(Биринчи чопарга)

Қайдан келдинг? Исминг надур?

Б и р и н ч и ч о п а р.

Сарандибдан. Исмин Борчик.

Т е м у р.

Борчик?

Б и р и н ч и ч о п а р.

Ҳа, Борчик!





Т е м у р.

Биринчи бор эшитишим бундоқ исмни.
Маъноси не?

Б и р и н ч и ч о п а р.

Мен билмайман, ўйлаб кўрмабман.

Т е м у р.

Ўз исмининг маъносини билмаган сендек
Элчи билан гаплашмайман.

Кутиб тур, бор, чиқ!

Бирон юртга чопарини юбормоқ бўлса,
Аввал уни танлашни ҳам билсин подшоҳлар.

И к к и н ч и ч о п а р.

Аълоҳазрат, мен Румодан етиб келмишман,
Қайсаримиз Боязиднинг элчисидурман.
Султон Шабли эрур менинг исми шарифим.

Т е м у р.

Кўпдан сени кутмоқдаман, хабар бер, элчи,
Ўз-ўзига қандай ҳукм чиқармиш Султон?
(Чопар мактубни узатади. Темур уни ўқий бошлайди.)

“Уруш билан ҳал бўлажак бу можаролар.
Агарда сен биз томонга келмасанг, Темур,
Билиб қўйки, хотинларинг уч талоқ бўлгай.

Агар сени енга олмай чекинсам ортга
Унда менинг хотинларим бўлсин уч талоқ”.

Ўх, Боязид, мақсадингни айтибсан, аммо
Шарт эдими хотинларни киморга тикмоқ.
Ўз исмини ёзмиш Султон олтин ҳал билан,
Бизнинг исм куйирокда, оддий сиёҳда...

Тағин Султон эмиш бу зот.

Бачкана қилиқ.

Амир Темур иродамиз,

Фармон шул эрур:

Рум Султони чорлабдими жанг майдонига
Боражакмиз!

Бу шумоёқ чопарни эса

Эсон-омон кузатингиз келган йўлига.

Барчангизга рухсат.

Мени ёлғиз қолдиринг.

Ҳамма чикиб кетади.

Темур орқадаги парда тарафга қараб мурожаат қилади.

Буқаламун, сен қайдасан, бу ёққа кел-чи.

Парда ортидан ногаҳонда Буқаламун – Темурнинг хуфяси чикиб келади.

Б у қ а л а м у н .

Олампадох, ҳозир бўлдим, не буюргайсиз?

Т е м у р .

Яна юмуш топшираман сенга ишониб,

Зеро, ҳар не мушкулни ҳам эплаб келгансан.

Хуфяларим орасида эпчили ўзинг.

Хоҳласанг гар ўзгаради буткул қиёфанг.

Ўзгаради ва ҳаттоки кўзингнинг ранги.

Сен билмаган тиллар ҳам йўқ етти иқлимда.

Б у қ а л а м у н .

Олампадох,

Шу сабабдан лақабимни ҳам,

Жуда топиб кўйгандингиз, Буқаламун деб.

Асл исмим бир замонлар Итолмас бўлган.

Т е м у р .

Энди мағриб кишисига айлангайдирсан.

Мутақаббир ва ҳийлакор фарангийларни

Ўргангайсан, оғизларин ҳидлаб кўргайсан.

Шоҳларининг мақсадларин обдан англагач,

Элчиларин чодиримга бошлаб келгайсан.

Б у қ а л а м у н .

Самарқандга, шу ергами?

Т е м у р .

Йўқ, Буқаламун!

Насиб этса Ангоранинг атрофларида,





Олис Румо мамлакатин қоқ юрагида
Туғ кўтариб, ғолибона чодир тиккайман.

Б у к а л а м у н.

Олампанох, шу дақиқа, шу сониядан
Мени фаранг деб ҳисобланг!

Т е м у р.

Жавобинг тузук.

Буқаламун ғойиб бўлади. Темур эшикбонни карс уриб чорлайди.

Таклиф этинг маликани – Бибихонимни.

Бибихоним!

Агарда у бўлмаса эди

Курашларнинг ва жангларнинг долғаларида

Қайроқ тошга айланарди балки бу юрак.

Иғво, фитна, ғараз тўла ёлғон дунёда

Сабрим тугаб, гоҳо-гоҳо ўйлаб қоламан:

Зарурмикан барчага тенг яхшилик қилмоқ?!

Меҳр билан бирортасин бошин силасанг

Ғаюр итдек қўлинг тишлар, талаб ташлайди.

Худпарастдир қулдан тортиб шоҳларга қадар.

Бундай ҳолнинг боиси не?

Сабаби нима?

Мен билдимки, бу курама Инсон зурёди

Тахт талашиб,

Шон талашиб,

Бойлик талашиб,

Оллоҳ берган дил гавҳарин унутиб қўйган.

Тингламаса, қамчин билан уриб ва ҳайдаб

Инсоф томон қайтармоқлик керак уларни.

Жондан тўйиб нокасларнинг кирдикоридан

Дарвиш бўлиб кетар экан гоҳо донолар.

Хўш, мен-чи, мен?!

Ахир, мен ҳам асли ёлғизман,

Бугундану келажакдан маломат билан

Минглаб кўзлар тикилади битта ўзимга.



Чунки менинг кисматимга жанглр ёзилган.
Фақатгина Бибихоним тўлин ой каби
Ёритади тунда қоронғи кечаларимни.

Бибихоним киради.

Б и б и х о н и м.

Чорламишсиз, олампаноҳ...

Т е м у р.

Бибихон, биби...

Кенгаш билан банд бўлибман.

Б и б и х о н и м.

Мен ҳам банд эдим.

Ҳозиргина набирангиз Мирзо Улуғбек
Аловиддин жанобларин шатранжда енгмиш.
Бувижон, деб келмиш менга суюнчи сўраб,
Кўз тегмасин,
Ғоят зукко кичкинтой Мирзо.

Т е м у р.

Осон эмас мот қилмоқлик Аловиддинни.
Аловиддин шатранж илмин жаҳонгири-ку.
Ҳа, бугунги машваратда – кенгаш чоғида
Зукколигин аён этди ўспирин Мирзо.
Иншооллоҳ,

Авлодларим улғайиб бир кун
Ер юзини забт этарлар илму фанда ҳам.
Менинг эса пешонамга суронли жанглр,
От устида кун ўтказиш ёзилган экан.

Б и б и х о н и м.

Олампаноҳ, яна юриш, яна сафарми?

Т е м у р.

Ҳисоблашмас қисмат бизнинг истаклар билан,
Бамисоли қуёш ботгач, ой чиққанидек.
Ҳодисалар силсиласи оқар бардавом.
Биз бир куни хонадонга меҳмон чорласак,
Бошқа куни чақиришар қўноққа бизни.



Туркийлардан чўчиб фаранг мамлакатлари
Румо билан иккимизни гижгижлаб кўйди.
Бу найрангни тушунмайди, афсус, Боязид,
Боз устига, кимки кочса бизнинг ғазабдан,
Боязиднинг саройидан топмоқда паноҳ.

Б и б и х о н и м.

Унинг асл мақсади не? Муроди нима?

Т е м у р.

Султон бизнинг Салтанатга беписанд бокиб,
Ҳасадини билдирмоқда ёш бола каби.

Мен сабр этиб, тотувликка уни чақирсам,

У муттасил жавоб берар ҳақорат билан.

Энди жангга чорлабди у ошкора, очик.

Мен – Темурман!

Орият ҳам бор-ку дунёда.

Етар, энди!

Кунўғлонга эгар ургайман,

Рум тарафга юзланади тулпорим жадал.

Б и б и х о н и м.

Қайси она фарзандини урушга йўллаб,

Қайси аёл орзу қилгай жангу жадални?

Сизга зафар тиламоқдан бошқа чорам йўқ.

Балки мен ҳам ёнингизда бўлай, Амирим.

Т е м у р.

Йўқ, азизам, Самарқанднинг салтанатида

Ўзингизу набирамиз Муҳаммад Султон

Хукмфармо бўлиб туринг.

Юмушлар талай.

Қурилишлар, боғу роғлар, бола-бақралар.

Б и б и х о н и м.

Олампаноҳ, биласизки, мен ўзим учун

Жоме масжид курмоқдаман. Битказай уни.

Токи Сизни кутиб олай масжид қошида.

У мендан бир ёдгор бўлгай. Фарзандим йўқ-ку...

Т е м у р.

Менга ҳам бир масжид бино қилингиз, аммо
Бундай ғамгин баҳонани келтирманг, биби.
Шаҳзодалар, набиралар барча-барчаси
Улғаймишдир,
Улғаймоқда меҳрингиз билан.
Салтанатни олтин узук десам мен агар
Унинг олий безаги – Сиз,
Ёқут кўзи – Сиз.
Эслайсизми, не деб ёзмиш эронлик Ҳофиз:
“Агар қўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони”.
Шоир билмас, аллақачон бу икки шаҳар
Ҳадя бўлган Бибихоннинг қаро холига.
Орзуим бор, йўлим тушиб, насиб этса гар
Ўша танти шоир билан гаплашар эдим.

Б и б и х о н и м.

Олампадох, Сиз бир вақтлар Балх тахтин эмас,
Асли менинг юрагимни забт этгандингиз.
Толемдан минг розиман, валинеъматим!

Т е м у р.

Қайда бўлмай хаёлимда Сиз ва Самарқанд,
Гўё икки қароғимдек доим биргасиз.
Шаҳримизнинг ишлари-ю тартиботига
Масъул этиб қолдиргаймиз Хожа Юсуфни.
Умидворман, бош кўтармас нафси бузуклар,
Юрт тинч бўлар, қон тўқилмас, гадой кўпаймас.

Б и б и х о н и м.

Ташвиш чекманг, олампадох, бизларни ўйлаб,
Фақат азиз жонингизни эҳтиёт айланг.

Т е м у р.

Маъзур тутинг, Бибим, Сизга бир ўтинчим бор,
Майли, айтай, дилингизга ботса ҳам оғир.

Б и б и х о н и м.

Олам юки қадар буюк қудратингизни
Кипригимда кўтаргайман муҳаббат билан.

Т е м у р.

Ота-онам хоки ётган Кеш тупроғида
Менинг учун даҳма қуринг, мақбара қуринг.

Б и б и х о н и м.

(Тиз чўкиб)

Олампадох!

Бу гапларни айтаётган Сиз ўзингизми?

Т е м у р.

Билар эдим талвасага тушишингизни.
Иншооллох, ҳали узок; яшармиз, Биби.
Оллох лозим кўрганича даврон сургаймиз.
Бироқ эсдан чиқармайлик бандаликни ҳам.
Фуқаролар гоҳо мени кўкка кўтариб
Унутарлар кўп қатори инсонлигимни.
Амир Темур ўлмайди, деб юргандан кўра
Қора кунга кўникишиб тургай фуқаро!
Боз устига, ҳовликқанда мазорга бор, деб
Бежиз айтиб кетмаганлар қадим боболар.
Эсга солар у умрнинг ўткинчилигин
Ва кўнгилда шафқат ҳиссин бисёрроқ қилғай.

Б и б и х о н и м.

Олампадох, ўз лутфингиз билан айтайин:
Бундай ғамгин баҳонани келтирманг Сиз ҳам.

Т е м у р.

Вақти келиб, қиличини қайраб Азройил
Салтанатим тепасида пайдо бўлган чоғ,
Мақбарамни кўриб, ортга қайтиб кетгайдир:
Аллақачон бунинг жонин олибман-ку деб.

Б и б и х о н и м.

Жаҳонгирнинг ҳазили ҳам нақадар даҳшат.

Хонзодабегим ғоят паришон, юзлари моматалок ҳолда дафъатан кириб
келади.

Хонзодабегим?!

Хонзодабегим.
Олампадох, Бибиойим,
Маъзур тутгайсиз...

Бибиixonим.
(Темурга)
Аълоҳазрат,
Келинимиз Хонзодабегим,
Амирзода Мироншоҳнинг завжасидир бу.

Темур.
Не гап ўзи?
Бу аҳволда келмишсиз, ажаб!

Хонзодабегим.
Бибиойим иккалангиз холи турганда
Мен арзимни айтмоқликка айладим журъат.
Олампадох, фарзандингиз – амирзодамни
Еру кўкка ишонмайин эъзоз этаман.
Шукур, Сизнинг меҳрингиздан баҳраманддирмиз.
Амирзодам ғоят хушфезъл, ғоят меҳрибон.
Бироқ сархуш бўлган чоғи, жунбушга келиб,
Менга бот-бот кўл кўтарар
Сабрим тугади.

Темур.
Ҳали кўлин кўтардимиз Сизга Мироншоҳ,
Юзларингиз кўкаргани... Унинг ишими?!

(Эшиқбонга)
Чақирингиз Мироншоҳни!
(Хонзодабегимга)

Кечиринг, келин...
Бошим ерга теккунчалик эгиламану
Сиздан узр сўрайман мен –
Қайинотангиз!
Бироқ биздан яширмангиз бирор сир бўлса.
Воқеанинг сабабини билмак истайман.

Хонзодабегим.
Мен айтишга...

Темур.
Айтинг, тортинманг!
Умрдир бу, ахир, бозор савдоси эмас.

Хонзодабегим.
Амирзодам сархуш бўлган кезлари доим
Ўзларини тутолмаслар...

Темур.
Етар, тушундим!..
Сизга рухсат.
Кўнглингизни чўқтирманг, аммо
Бир бармоғим лат ебди-ю, билмайман, афсус.
Хонзодабегим чикади.

Биби, Сизга неча бора айтгандим, эсланг,
Ўғилларим сархуш бўлиб зинҳор-базинҳор
Келинларим тўшагига бормасинлар деб.
Сархуш бўлмай сархушлиқдан туғилган фарзанд,
Хонзодага етказингиз ташаккуримни.

Биби хоним.
Мироншоҳнинг бу феълидан воқиф бўлсам-да,
Сизга атай айтмагандим, минг ўйга бориб!
Мироншоҳ таъзим ила киради.

Темур.
(Мироншоҳга)
Бери келинг,
Бери келинг!
Хўш, амирзодам,
Сизга янги, шўх қилиқлар муборак бўлсин!

Мироншоҳ.
(Довдираб)
Аълоҳазрат, не қилибмен?!

Т е м у р.
(*Ғазаб билан*)
Қилмишинг учун
Сени ҳозир тилка-пора қилсам ҳам оздир.
Соҳибқирон ўғлиман деб,
Шахзодаман деб
Ёки босар-тусарингни билмай қолдингми?
Ё салтанат емишидан буқадек тўйиб,
Занжирингни узмоқликка қасд айладингми?
Аёлингга сархуш ҳолда қўл кўтаргунча
Пахсакашлик қилгин эди,
Кўчага чиқиб!

М и р о н ш о ҳ.
Афв этингиз, олампаноҳ!..

Т е м у р.
Жанжалнинг сири
Аён бўлди:
Зурёдига,
Пушт-камарига
Ёмонликни раво кўрган жоҳил, худбинсен!

М и р о н ш о ҳ.
Афв этингиз!

Т е м у р.
Аёл кишига
Қўл кўтариш нималигин билурмисан?
Айт!
Сен-ку одам боласисан,
Қайси бир ҳайвон
Эмаётиб, узиб олар онасин кўксин?
Шоҳларни-ку қўятурай,
Пайғамбарлар ҳам,
Набийлар ҳам туғилган-ку аёл зотидан.
Унутибсан,
Сенга бир вақт айтиб бергандим,



Тўмарис деб аталгувчи ёвқур момомиз
Турон замин эрки учун майдонга чиқиб,
Эрон шоҳин калласини конга бўқтирган.
У ҳам ахир аёл бўлган,
Билиб қўй, ўғлим!
Аёл зоти хонадоннинг шамчироғидир,
Ўша чирок ўчмасин деб жанг қиламиз-ку!
Энди эса, зиндонга бор!
Қирк кун ётгайсан!

П А Р Д А

Учинчи саҳна

Ангора яқинидаги тепаликда Темур чодир. Ташкаридан ғовур-ғувур, отлар кишнаши, филлар наъраси эшитилиб туради. Чодир ичида тахтда Амир Темур. Унинг атрофида шаҳзодалар, амирлар, лашкарбошилар.

Ш а й х у л и с л о м.
Олампаноҳ, изн беринг.

Т е м у р.
Гапиринг, ҳазрат.

Ш а й х у л и с л о м.
Кеча тунда мунажжимлар – ахтаршунослар
Юлдузларнинг ҳолатига обдан боқишиб,
Хосиятли топишибди бугунги кунни.

Т е м у р.
Қутлуғ таъбир.
Аммо бугун Боязид билан
Амир Темур жангга кирар,
Мунажжимлармас.
Шайхулислом, билиб қўйинг ҳасратимни Сиз.
У ҳам муслим, мен ҳам муслим,
Бу не кўргилик?!

Ш а й х у л и с л о м.
Гап шундаки, муслимликдан Боязид йирок.

У Мария исмлик бир насорон қизни
Никоҳига олиб қўймиш. Сиз – асл муслим.

Т е м у р.

Жанг тақдирин ҳал этажак мана шу жиҳат,
Иншооллох,
Худо менга мадаккор бўлгай!

Ш а й х у л и с л о м в а б о ш қ а л а р.
Иншооллох, иншооллох!

Т е м у р.

У ҳам туркий, мен ҳам туркий.
Бу не густоҳлик!
Самарқанддан етиб келган менинг лашкарим
От суради акаси ё укаси томон.
Юрагимни ўртар бу хол,
Лекин мажбурман.
Ҳар қандайин муҳораба олдидан доим
Оллоҳимдан мадад сўраб, ёлбораман мен.
Шайхулислом, зафар тилаб тиловат қилинг.

Шайхулислом тиловат қилади.

Т е м у р.

(*Шаҳзодалар, амирларга*)

Шунқорларим,

Улуғ жангга кираётирсиз.

Ўнг қанотни топширгайман сенга, Мироншоҳ,

Сўл қанотни бошқарасан Шоҳрух Мирзо, Сен!

Самарқанддан лашкар билан мадад бергани

Етиб келар амирзода Муҳаммад Султон.

Обонғортни фақат ўзим назорат қилгум.

Ҳозиргача маълум бўлган хабарга кўра

Жангга чиқмиш ёв тарафдан тўрт юз минг лашкар.

Ш а х з о д а л а р, а м и р л а р.

Олампаноҳ, Оллоҳдану Сиздан куч олиб

Ҳар қандайин ёғийни ҳам тор-мор этгаймиз.

Т е м у р.

Болаларим, бу оғир жанг.

Билинг, бу жангда

Румонинг ўз лашкарлари химоядадир.

Улар ахир ўз юртларин кўриклагайлар.

Ўйлаб кўринг,

Агар улкан бир қайрағочга

Ўзга жонзот яқинлашса,

Ўша заҳоти

Қайрағочда ошён курган жамъи парранда

Чийиллашиб, чувиллашиб жангга шайланар.

Аммо Румо ерида мен ўзга эмасман,

Мен мусулмон амириман!

Насабим туркий!

Адолат ва дини Ислом посбонидирман.

Фармонимга кулоқ тутинг:

Бизким, малики Турон,

Амири Туркистонмиз.

Бизким, миллатларнинг

Энг қадими ва энг улуғи

Туркнинг бош бўғинимиз.

Оллоҳ Сизга мадад бериб, зафар ёр бўлсин!

Ноғоралар чалинсин.

То еру осмонни

Бизнинг лашкар суронлари чулғаб олсинлар.

Ёғийларни таҳликага солсин бу сурон.

Наърамизга жўр бўлсинлар жанговар филлар.

Ясовуллар ҳар дақиқа менга пайдар-пай

Етказишиб турадилар жанг тафсилотин.

Саркардалар, Сизга рухсат

Оллоҳу акбар!

Амирлар, саркардалар чиқадилар.

Т е м у р.

(Эшиқбон – ясовулга)

Энди эса чорланг буён Аловиддинни.
У бетимсол бир истеъдод, шатранж устаси.
Самарқанддан атай уни олиб келганман.

Аловиддин киради.

А л о в и д д и н.
Олампаноҳ, чорламишсиз...

Т е м у р.
Ҳа, Аловиддин,
Сен билан биз неча йилки шатранж сурамиз
Аммо билки, бу галгиси бошқача ўйин,
Бу – бошқа жанг! Доналарни тер, Аловиддин.
(Аловиддин шатранж доналарини теради. Темурда оқ
доналар.)

Эшитгансан, Аловиддин.

Ёшлик чоғимдан
Мен шатранжга ишқибозман.
У нозик ўйин.

Уни тенгсиз санъат дея таъриф этарлар,
Бирок шатранж ўхшар кўпроқ жанг санъатига.

А л о в и д д и н.
Қани, юринг, олампаноҳ.

Т е м у р.
Юрди, сипоҳим,
Қани олға, пиёдалар,
Зафар ёр бўлсин.

Чодир ташқарисидан жанг садолари баралла эшитила бошлайди.

А л о в и д д и н.
Шоҳ сипоҳин бизга қарши йўналтирдингиз,
Каминанинг сипоҳи ҳам анойи эмас.

Т е м у р.
Ҳозир нечун жанг қилмоқда пиёдаларим,
Жуда оғир жанг кетмоқда чодир ортида.
Иншооллоҳ, енгажакман! Сен – Аловиддин,





Фақат шатранж соҳасида жаҳонгирдирсан,
Бизнинг эса чекимизга бошқа юк тушган,
Бизнинг учун улкан замин шатранж тахтаси.
Ғолибнинг ҳам, мағлубнинг ҳам турғон қартаси
Қон тўла бир ҳовуз эрур! Мамот жанги бу.

А л о в и д д и н.

Сизнинг буюк истеъдодга тараф йўқ асло,
Шатранжда ҳам бетимсолсиз.

Икрорман, ҳазрат,

Аммо менга, изн беринг, бир саволим бор.

Т е м у р.

Айт, Аловиддин!

А л о в и д д и н.

Шу аснода улуг бир жанг давом этмоқда,
Сизнинг ғолиб бўлмоғингиз гарчи муқаррар.
Лекин, ҳазрат, Сиз мен билан чодир ичида
Шатранж ўйнаб, жанг мақомин кузатмоқдасиз.
Бир қарашда бепарводек.
Ҳатто совуққон.

Т е м у р.

Мен биламан, Аловиддин, ўз қудратимни,
Рақибимни довдиратар бу усулим ҳам.
Хабар келиб колур ҳозир у томондан ҳам.

А л о в и д д и н.

Усулми бу?

Т е м у р.

Ғоят зўр усул!

Одамларим аллақачон Рум султониға
Менинг шатранж ўйнай туриб жанг қилишимни
Етказдилар!

Боязидни таҳлика босди!

Душманингни бундан ортиқ камситиб бўлмас.



У гўёки филга қарши чикқан кучукдай
Алам билан ангиллагай.

Я с о в у л.

(Киради)

Аълоҳазрат, пиёдалар нобуд бўлмоқда.

Т е м у р.

Аттанг, аттанг. Ўз кучига ортиқ ишонса,
Ғафлат босиб қолгусидир хатто филни ҳам.

(Ҳам Ясовулга, ҳам Аловиддинга)

Тўлғамо деб аталгувчи бир йўлимиз бор,

Етказингиз ўнг қаноту ҳам сўл қанотга.

Мироншоҳу Шохрух Мирзо икки тарафдан

Ёғийларни ўраб олсин!

Обонғортда мен!

А л о в и д д и н.

Шохга қарши ҳужум бошладим.

Я с о в у л.

(Яна киради)

Олампадох, ёв лашкари тўп-тўп бўлишиб.

Биз томонга ўтаётир.

Т е м у р.

Шоён яхши гап!

Улар асл мусулмондир, зиён етказманг.

А л о в и д д и н.

Аълоҳазрат,

Ҳар иккала майдон ичра ҳам.

Ғоят қизғин тус олмоқда жанговар санъат.

Т е м у р.

Лашкарларим урҳо-ур деб жанг майдонида

Найза билан, қилич билан ва камон билан

Ёв сафларин қириб борар ҳозир аёвсиз.

Мен ҳам ҳозир улар билан руҳан биргаман,

Шу гап ҳаққи, Сизга қарши ташлайман Рухни.



А л о в и д д и н .

Олампаноҳ, кўтармоқчи бўлсангиз туғни
Боязиднинг алвон рангли чодирини узра,
Рухни эмас, аспларни майдонга ташлаш
Маъкул тадбир бўлғувсидир.

Т е м у р .

Тангрим мадакдор!
Рухни суриш фикрини у ўргатди менга.
Аспларни камчилайди белида кучи.
Ғалабага ишонч ўти сўнган кимсалар
Эшитингиз,
Рух ҳақиқат қиличидек кескир, беомон.
Мен Рух билан жанг қилишни севаман жуда.

А л о в и д д и н .

Рухингизнинг наърасига жавобим шу-да.

Я с о в у л .

Олампаноҳ, орқадаги ёв ўрдасини
Ҳалқа каби ўраб олди бизнинг лашкарлар
Бирок ўрда устувордир!

Т е м у р .

Бизнинг кўлда нафтандоз деб аталгувчи бир
Аждаҳодек ўт пуркагич яроғимиз бор.
Бамисоли осмондан тушгандек куюн
У ўт-олов пуркай бошлар замин устига.
Ўрда томон йўналтиринг нафтандозларни!
Ўрда чилим сархонаси каби ёнсину
Тамакидек тутаб кетсин тубида ёғий.

(Аловиддинга)

Аловиддин, қай йўсинда йўлимни тўсма
Мана энди ишга тушар саркардам Фарзин.
Ва ортидан иккинчи Рух чиқар майдонга.
Энди қайга қочиб боргай шўрлик қора Шох.
Энди кимдан мадад кутсин
Ё кимга арзин баён этсин?



А л о в и д д и н.

Чиройли мот! Мот!

Т е м у р.

Бу – Рухнинг иши...

Шояд Рухлар менга мудом бўлгай мададкор.

Я с о в у л.

Аълоҳазрат, аълоҳазрат.

Яхши хабар бор!

Шу аснода Рум султони асир олинмиш!

Т е м у р.

(Ясовулга)

Исминг недур?

Я с о в у л.

Аълоҳазрат, исмим Қосимбек.

Т е м у р.

Қаердансан? Насабинг ким?

Я с о в у л.

Мен – шахри Кешдан.

Отам сизга сарбоз бўлган.

Деҳли жангида

Шаҳид кетган.

Бугун менинг ўзим сарбозман!

Т е м у р.

Бизнинг учун ғоят қутлуғ мужда келтирдинг,

Ўғлим, сени сийлагайман бу мужда учун.

Иншооллох, Самарқандга қайтиб борган чоғ

Никоҳингга беражакман бир набирамни.

Я с о в у л.

Олампаҳо, ўлгунимча Сизга содикман.

А л о в и д д и н.

О, Оллоҳнинг марҳамати бунчалар кенгдир,

Бир бандасин дақиқада кўкка кўтарди.



Т е м у р.

Шукур, дейман, Яратганга – Парвардигорга,
Бироқ зафар нашидасин тотмасдан бурун
Рухиятим амри билан бир гап айтаман:
Ҳеч бир шоҳнинг бошига бу кулфат тушмасин.
Олиб киринг Боязидни!

Боязидни оёқ-кўли боғлиқ ҳолда олиб киришади.

Эвоҳ, бу не ҳол?

Оёқ-кўлин ечинг дарҳол,
У ахир, Шоҳ-ку!

Чумолилар хор қилишса арслон рутбасин
Бузилгайдир ўрмоннинг ҳам қонунияти.

(Боязидга)

Мен таассуф билдираман, тушунгин, Султон.

Б о я з и д.

Асир бўлиб турсам ҳамки қаршингда, Темур,
Зор эмасман илтифотинг, таассуфинга.

Т е м у р.

Оддийгина бир воқеа юз берди, ахир,
Сен йилдирим лақабли бир қудратли чакмоқ
Чўнг темирга урилдингу чилпарчин бўлдинг.

Б о я з и д.

Сен устимдан кулмоқдасан,
Масхара қилма!

Ботирларнинг иши эмас ётганни топташ.

Т е м у р.

Топтамасман ва инчунин, кулмасман асло!
Бироқ тақдир деб аталмиш буюк ҳукмдор
Кулган экан иккимизнинг устимиздан ҳам.

Б о я з и д.

Бу гапингни қай йўсинда англамоқ керак?

Т е м у р.

Мен бир лангу
Сен эса кўр, нотавон сўқир,



Бу дунёда бутун одам топилмагандай
Иккимизга ер юзининг жоловин бермиш.
Тавба қилдим,
Тавба қилдим,
Минг бора тавба!
Сен билан мен не қадарли қудратга молик
Қамчисидан қон томгувчи подшоҳ бўлмайллик,
Яратганнинг ҳузурида ожиз бандамиз.
Алалхусус, бунга мисол
Сенинг қисматинг.

Б о я з и д.

Лашкарларим сўнгги дамда хиёнат қилди,
Бўлинишиб қочиб кетди икки тарафга.
Афсус, чора тополмади ўғилларим ҳам.

Т е м у р.

Ўз бошингга ўзинг етдинг,
Иқроор бўл, Султон,
Тақаббурилик ва манманлик хунаринг бўлди.
Ўз қавмингдан чиққан биздек Соҳибқиронга
Кўп нолойик мактубларни битган бу сен-ку.
Худо сендан юз ўғирди,
Лашкарларинг ҳам.

Қора Юсуф, Жалойирдек ғанимларимнинг
Бошин силаб, атай менинг ғашимга тегдинг.
Ер юзининг бир бўлагин эгаллаб олиб,
Жаҳонгирлик даъво қилиш муродинг эди.
Ўзинг ўйла, чиқишгайми икки жаҳонгир?
Бу оламга икки худо кўплик қилмасми?

Б о я з и д.

Агар менинг қилмишларим қусур саналса,
Бунинг бари сенга ҳам хос, билиб қўй, Темур.

Т е м у р.

Бироқ Оллоҳ йўриғидан чикмаганман мен,
Ва аксинча, бу йўриқни бузган зотларнинг



Адабларин бериб келдим, беражакман ҳам.

Б о я з и д.

Таҳқир қилма, мусулмонман, алҳамдулиллоҳ!

Т е м у р.

Ана энди ҳушёр тортиб, тингла, эй Султон,
Иккимиз ҳам туркийми?

Б о я з и д.

Ҳа, иншооллоҳ, туркий.

Т е м у р.

Туркийларнинг икки шоҳин гижгижлаб қўйиб
Уриштириш кимга зарур бўлганин ўйла.
Оврупонинг найрангига лаққа учдингу
Соҳибкирон Темурингдан юзни ўгирдинг.
Қанча узоқ олишсалар икки паҳлавон
Исроф бўлар улардаги шунчалик куч ҳам
Ва ўртада ғолиб чиқар гижгижлаган зот.

Б о я з и д.

Муродингни айтгил менга.

Ўлдирсанг – ўлдир!

Т е м у р.

Билъакс, сени муҳофаза қилурман, Султон,
Турк элининг ноаҳиллик тарихига Сен
Тирик тимсол сифатида яшаб юргайсан.
Ҳурматинг ҳам шу қадарли бўлади, кўркма,
Илтимосу тилагингни Сен айтсанг – дуруст.

Б о я з и д.

Вайрон қилма Румо юртин.

Лашкарингга, айт,

Ҳеч бўлмаса, турк қавмига шафқат кўрсатсин.

Т е м у р.

Урушларнинг ўз даҳшатли низомлари бор,
Ғолиб аскар юрагида жўшгайдир ғурур.
Ғанимини мағлуб ҳолда кўрар экан у

Хаёлига нима келса – шуни қилгайдир.
Менга эса ҳар доимо зафар ёр бўлди.
Балки худди шу сабабдан лашкарларимни
Шафқатсиз деб атайдилар,
Сабаби – зафар.
Ҳа, гоҳида машъум ишлар бўлганлиги рост.
Сен маишат ишқибози, такаббур Султон
Бунёдкорлик нималигин қайдан биласан?
Мен курдирган шаҳарларни кўрмоғинг даркор.
Кафоратга юз бурган бу салтанатингдан
Олиб кетгум ёлғизгина Қуръони қаримни.

Б о я з и д.

Улуғ Темур, мен мағлубман
Ва лекин шу зум
Инсон сифат, падар сифат бир гапни айтай:
Исо, Мусо, Мустафо-ю Сулаймон деган,
Ўғилларим жанг қилдилар,
Қайдадир улар?
Аҳли аёл тақдири ҳам номаълум менга.

Т е м у р.

Менинг ҳам бор фарзандларим – Мироншоҳ, Шоҳрух.
Ана улар, рўпарангда қатор турибди.
Самарқанддан набирамиз Муҳаммад Султон
Лашкар билан етиб келди.
Ҳозир у бетоб.
Ҳа, падарлик баробардир барчага, Султон.
(*Шаҳзодаларга*)
Боязиднинг яқинларин топиб келингиз.

Ш о ҳ р у х.

Аълоҳазрат, асир тушган Султон ҳарамни.

Б о я з и д.

Аё, Темур, мардлик қилиб, афв эт уларни.

М и р о н ш о ҳ.

Улуғ жангни кузатмоққа атайин келган





Ўрусия, Оврупонинг элчилари бор,
Аълоҳазрат, қабулингиз кутар улар ҳам.

Т е м у р.

Ҳаммасини олиб киринг. Чодиримиз кенг.

Элчилар, ҳарам аҳли кирадилар.

Мен – Темурман!

Хуш келибсиз, дейман.

Марҳабо!

Ўйлайманки, мамнундирсиз жанг тинганидан.

Рум Султонин ўғиллари қайси бирингиз?

Ш о ҳ р у х.

Аълоҳазрат, ҳозирчалик биттасин тутдик,

Унинг исми Мусо экан.

Мана бу йигит.

Т е м у р.

Уни дарҳол кийинтиринг Шаҳзодага хос.

Б о я з и д.

Манов аёл Мариядир.

Бизнинг завжамиз.

Ожиз банда, бир замонлар ислом йўриғин

Шу жувон деб бузган эдим.

Иқрор бўламан.

Т е м у р.

Ўзинг ёзган мактубингга риоя қилсак

Сен учун у энди талоқ,

Кўнсанг-кўнмасанг!

Уни бирон насоронга ҳадя этгаймиз.

(Буқаламунни имлаб чақиради.)

Никоҳингга олгил буни.

Асраб-авайла.

Унинг-зарра гуноҳи йўқ.

У тутқун бўлган.

Б у қ а л а м у н.

Аълоҳазрат, миннатдорман.



Аммо менинг ҳам
Бир совғамни қабул қилинг.

Т е м у р.
Нечук совға у?

Б у қ а л а м у н.
(Кўйнидан буқаламун (хамелеон)ни чиқаради.)
Бу – буқаламун.

Т е м у р.
Ҳа, тушундим.
Сенмисан у устаси фаранг.

Б у қ а л а м у н.
Аълоҳазрат, Сиз буюрган барча юмушни
Адо этдим.

Неча-неча кибор элчилар
Сизнинг улуғ ғалабага гувоҳ бўлдилар.
Марияни қабул этмоқ мушкулдир аммо.
Одатим бор – бир юмалаб муслим бўламан.

Т е м у р.
Бу жувонни ўз юртига қайтаринг омон.
Аёлларнинг шўри курсин.
Тандирдир улар.
Энди эса тилга кирсин кўҳна Оврупо.

И о а н С у л т о н и й.
Мен Иоан Султонийман, фаранг элчиси,
Қирол Шарл дерлар менинг хукмдоримни.

Ш и л ь т б е р г е р.
Мен – Боварлар вакилиман,
Шильтбергер номим,
Менинг валинеъматимни Генрих дейдилар.

Т е м у р.
Шарлми у, Генрихми у – менга барибир,
Барчангизни атаганман фарангилар деб.
Сизнинг чалкаш исмлар ҳеч ёдимда қолмас,



Фармоним шул:

Етказингиз хонларингизга,
Парвардигор хоҳиши-ла омонлик бердим.
Унутмангки, дўстлашмоқчи бўлса инсонлар
Бир-бирларин феъл-атворин билмоклари шарт.
Бу дунёни бузадиган гумон, миш-мишдир.
Сиз ўйларсиз, Амир Темур бойликка ўч деб.
Менга етгай бир бурда нон ҳамда култум сув.
Тафтиш қилиб кўринг қани бор хазинамни,
Ортик ақча топармисиз.

Сабаби – аён.

Не орттирсам барчасини лашкарлариму
Мамлакатнинг манфаати учун сарфладим:
Шаҳар курдим,
Ариқ қаздим,
Ўйлар ўтказдим.

Мен – Амирман, жаҳонгирман!

Рақибларим-чи,
Чумолидек фаҳм этурлар улкан дунёни.
Ўзларидек майдагина манфаат учун
Оллоҳ берган буюк бахтни барбод қилурлар.
Бўйин товлар ҳамкорликдан, улуғ ишлардан,
Мен адолат ўрнатгани йўлга чиққанман.

Ш и л ь т б е р г е р.

Аълоҳазрат, Оврупони Боязиддан Сиз
Қутқаздингиз.
Олтин ҳайкал муносиб Сизга.

И о а н С у л т о н и й.

Худди шундоқ, Аълоҳазрат.

Т е м у р.

Аҳли Оврупо!
Мени содда осиелик дея ўйламанг.
Жуда яхши биламан мен муродингизни,
Рум Султонин менга қарши гижгижладингиз,



Окибатда қутулдингиз унинг зулмидан.
Худо ўзи инсоф берсин сенга, Овруро.
Олтин ҳайкал. Олтин ҳайкал.
Хушомадми бу?
Менинг қурган шаҳарларим – ҳайкалларимдир.
Тагин шуни билингки, мен бутпараст эмас,
Савдо-сотик деган гап ҳам бордир дунёда,
Не-не халқлар дўстлашгайдир тижорат боис.
Самарқандга ташриф этсин карвонларингиз.
Ҳиндистондан Болқонгача бирор болакай
Боши узра олиб ўтса лаган марварид,
Йиллар оша улғаяди болакай, аммо
Бир дона ҳам тўкилмагай ўша лагандан.
Уқдингизми, мен қандайин тартиб ўрнатдим?
Сиз фаранглар, йиғиштиринг қароқчиликни,
Бизлар каби ҳалолликка риоя айланг.
Сизлар хочга топинасиз.
Хоч кўриниши –
Бамисоли Шарқу Ғарбнинг қўшилувидир.
Иншооллох, мусулмонман, айтар гапим шу:
Ҳамкор бўлсин Оврурою улуғ Осие.
Ў р у с и я э л ч и с и.
Аълоҳазрат, мен ўрисман, Москов тарафдан,
Шарқу Ғарбни боғлайдирган бир худудданман.
Т е м у р.
Сиз улуғвор бир муҳитда яшайсиз, аммо
Ўзингизни эплломайсиз,
Парокандасиз.
Иқлимингиз ғоят совуқ, бунинг устига
Ўрусия тупроғидан бир карра ўтдим.
Сизнинг Елис деб аталмиш истехқомингиз
Эсда қолди.
Баҳодирлар бордир Сизда ҳам.
Улуғ эллар қўшни бўлиб яшар эканлар.

Унутмасин: то қиёмат тақдирлари бир,
Дарё тошса – офат етгай икки ёнга ҳам.

Ў р у с и я э л ч и с и.
Бизни озод этдингиз Сиз Олтин Ўрдадан.

Т е м у р.
Тўғрироғи – Ўрдани мен олдим ўртадан.

Я с о в у л.
Аълоҳазрат, ташриф этмиш йўловчи карвон,
Ҳофиз отлиғ бир элчиси қабулга келмиш.

Т е м у р.
Ҳофиз? Ҳофиз?
Ким у, Ҳофиз?

Я с о в у л.
Шерозий эмиш.

Т е м у р.
Наҳот ўша шоир бўлса,
Кўрмоқчи эдим.
(Чодирдагиларга)
Миннатдорман барчангиздан.
Жаноб элчилар,
Тилагимни етказингиз элларингизга.
Одатимча, Самарқандга таклиф этаман.
Сизга рухсат.
Қол мен билан, Султон Боязид.

Бошқалар чиқиб кетадилар.

Т е м у р.
(Боязидга)
Ташвиш тортма,
Сенинг ўша фарзандларингга
Бўлиб бергум Румнинг барча вилоятларин.

Б о я з и д.
Ўзимга-чи?

Т е м у р.

Ўзинг эса пойтахт шахринг Бурсага бориб
Мамлакатга валинеъмат бўлиб тургайсан.
Ишинг эса ўлпон тўлаш ва тавба қилиш.

Б о я з и д.

Чидолмасман, чидолмасман мағлубиятга!

Т е м у р.

Тингла, Султон! Подшоҳликлар алмашаберар
Қабулимга кирар ҳозир улуғ бир сиймо,
Буюк шоир, Яссавийдек беназир даҳо.
У – абадий фаҳри бўлғай Эронзаминнинг.
Фаҳм айлагил, музаффару мағлуб подшоҳлар
Мангуликнинг кўзгусида нечоғ камтармиз.

Б о я з и д.

Сени жоҳил дер эдилар.

Т е м у р.

Асли сен жоҳил.

Кишилиқнинг манглайига битган шоирни
Соҳибхирон Амир Темур қабул айлагай.
Сен-чи, Султон, ҳарам билан овора бўлиб,
Унутгансан ҳам ҳарбни-ю, ҳам шеъриятни.
(*Ясовулга*)

Боязидни кузатингиз,

Ҳурматин қилинг.

Шеър султони киргай энди қабулимизга.

Шерозийни таклиф этинг.

Ҳофиз Шерозий киради.

Ҳ о ф и з.

(*Таъзим ила*)

Ассалом, Амир!

Т е м у р.

Сиз, Ҳофизми?

Шерозийми?





Ўша шоирми?
Бунча озгин,
Бунча ночор,
Бунчалар юпун.
Нима билан исботлайсиз ўзлигингизни?

Ҳ о ф и з.
Қора Юсуф деб аталмиш сур бир қароқчи
Карвонларни талар экан Макка йўлида.
Бизни ундан қутқазишди сарбозларингиз.
Элчи бўлиб келдим Сизга раҳмат айтгали.

Т е м у р.
Қора Юсуф!
Қора Юсуф!
Азал душманам.
Ундайларга паноҳ берган Боязидни мен
Тор-мор этдим. Қўркмасинлар энди ҳожилар.

Ҳ о ф и з.
Энди мен ҳам ишондим, ҳа, Темур экансиз,
Шоир эса ўзлигини исботлаш учун
Шеърларидан бўлак бирор ашъё тополмас.
*“Агар он турки Шерозий бадаст орад, дили моро
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро”.*

Т е м у р.
“Агар кўнглумни шод этса ўшал Шероз жонони
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони”.
Шундоқми?

Ҳ о ф и з.
Ҳа, афсуски, шундоқ.
Ушбу байтим учун балки дорга тортгайсиз.
Демак, қисмат исбот қилур Ҳофизлигимни.

Т е м у р.
Самарқанду Бухоро деб дунёни олдим,



Бир хол учун Сиз уларни ҳады этмишсиз,
Шунчаликми?

Ҳ о ф и з.

Ҳазрат, ахир, кўриб турибсиз,
Бисотимни гўзалларга улаша бериб,
Шундоқ ҳолга тушиб қолдим,
Ночор, юпунман.

Оқибатда мажбур бўлиб, битта хол учун
Дунёдаги энг бетакрор икки шаҳарни –
Самарқанду Бухорони ҳады этганман.

Т е м у р.

(Қаҳ-қаҳ, уриб)

Ширин хаёл бандаси Сиз,
Эҳ, Сиз, шоирлар,

Мен ростини айтсам, агар ёр холи учун
Шаҳар эмас, жонни нисор айламоқ даркор.
Гапнинг асл индаллосин эшитинг энди:
Бизнинг улуғ шаҳарларни баҳолаш учун
Бундан ортиқ ташбих бўлмас, тасанно Сизга.
Энди бир байт ҳады килсин Сизга Темур ҳам:
Ўз лафзидан тинглаш учун Ҳофиз шеърини,
Қайта бошдан забт этардим Шероз ерини.

Ҳ о ф и з.

Минг ташаккур, аълоҳазрат, лутфингиз учун,
Аммо у пайт биронта байт айтмасдим, узр.

Т е м у р.

Бу мушкулни Тангри ўзи ҳал этди осон.
Ҳофиз билан суҳбатдошман бежанг, бекурол.
Самарқанду Бухорога ташриф буюринг,
Улуғ зотлар яшаб ўтган у жойларда ҳам.
Яссавийни эшитгансиз?

Ҳ о ф и з.

Султон ул Орифийн,
Туркистонлик авлиёдир.
Соҳиб ҳикматдир.





Т е м у р.

Шоир аҳли куйласа бас икки жиҳатни:
Яссавийдек ҳикматларин ёзсинлар ёки
Ёр жамолин васф этсинлар Сиздек – Ҳофиздек.
Сиёсатга аралашиб хазрат Фирдавсий
“Шохнома”да камситмишдир турк султонларин.
Шул сабабли, жаҳли чиққан Махмуд Ғазнавий
Фирдавсийга арзигулик олтинни эмас
Ҳады қилмиш бир кажава кумуш тангани.
Лекин шоир байтларида жаннат иси бор,
Икки олам шавкати бор дostonларида.

Ҳ о ф и з.

Шеърятун илму фанга Сиз каби жўмард,
Олиҳиммат ҳомий берсин доим Оллоҳим.
Ана шунда гуллаб-яшнар Эронзамин ҳам,
Ана шунда чарақлагай Турон ҳам абад.

Т е м у р.

(Қарс уради. Мулозим киради.)
Сиз шоирнинг елкасига зарбоф тўн ёпинг.
От миндириг,
Илҳомидек учкур, саман от.
Карвонини кузатингиз манзилигача.
Инъом беринг, икки шаҳар хирожи қадар.
(Ҳофизга)

Хайр, устоз!

Ҳ о ф и з.

Хайр, Амир! Оллоҳ ёр бўлсин!

Я с о в у л.

Аълоҳазрат, Самарқанддан чопар бор.

Т е м у р.

Кирсин.

Чопар киради.

Хўш, омонми ёру дўстлар, доруссалтанат?

Ч о п а р.

Бари омон!

Эрга-ю кеч фахру ғурур-ла,
Ҳақингизга дуо килиб яшар Самарқанд.
Сизни буюк зафар билан кутламоқ учун
Мунтазирдир йўлингизга каттаю кичик.

Т е м у р.

Қандай хабар келтирмишсан?

Ч о п а р.

Хитойдан мактуб,
Чин фағфурин элчилари олиб келмишлар.

Т е м у р.

(Чопарга)

Сен озодсан.

(Мактубни ўқий бошлайди.)

Бу қандайин кабоҳатким,

Чин ҳукмдори

Биздан ўлпон талаб қилмиш!

Сурбет, муттаҳам!

Бир замонлар шарқ ва шимол узра ястанган

Туркийларнинг худудларин забт этди улар.

Ҳатто Шошнинг тоғларидан маъдан конларин

Хонбалиққа ташиб кетди, еб тўймас юҳо.

Мўғулларнинг даштларин ҳам олдилар босиб.

Оёқости килди қанча мусулмонларни.

Мен дунёнинг тенг ярмини фатҳ этибману

Кенжа фарзанд эмишман у “осмон ўғли”га.

Тавба қилдим! Мантиқ қани? Адолат қани?

Мен уларни ўрнатгумдир Хитой ерида.

Ёраб, қандок яратгансан кажраф фалакни?

Мени кимдир айблайди-ю мен эса кимни...

Ҳали Миср тупроғида қилар ишим бор,

Тинчитмоғим, керак ҳали ўжар Қофқозни.

Иншооллоҳ, барчасини уддалайдурман,

Лекин шу зум нетмоқ керак?

Ясовул киради.



Я с о в у л.

Олампадох, шошилинич хабар.

Т е м у р.

Тагин не гап?

Я с о в у л.

Бандаликни бажо қилмиш Султон Боязид.

Т е м у р.

(Фотиҳага қўл тортиб)

Худо уни раҳмат қилсин.

Ўлим муқаррар.

(Ясовулга)

Етказингиз амирлару шаҳзодаларга,

Таъзияга кечикмасдан етиб боргаймиз.

Ясовул чиқади.

Ғалати бир ҳикмат бордир бу ходисада,

Иродасиз бўлар, демак, такаббур одам.

Такаббурнинг қуролидир, демак, ўжарлик.

Мағлубият юкини у кўтаролмабди.

Султонга хос ҳурмати қилгумдир лекин.

Я с о в у л.

Олампадох, чопар келди Қора Ҳисордан.

Т е м у р.

Кирсин дарҳол!

Тинчлик бўлсин, илойим, бу гал.

Чопар киради.

Саломатми амирзода Муҳаммад Султон?

Ч о п а р.

Олампадох, минг афсуски...

Т е м у р.

Тирикми ўзи?

Ч о п а р.

Умрлари узоқ бўлсин, амирзодамиз

Бетоб эрур, хийлагина бетоб ва лекин.



Т е м у р.

(Ясовулга)

Сен кетабер,

Етиб боргум.

У бемор эди.

Зора, юмшок об-ҳавоси шифо бўлар деб

Қора Ҳисор томонларга жўнатган эдим.

У суюкли набирамдир. Валиаҳдимдир.

Оллоҳ менга қаҳр ҳиссин қанча мўл берса,

Юрагимга ўшанчалик меҳр ҳам солмиш.

Мени енгса – меҳр ҳисси енгар оламда.

Азиз ўғлим Жаҳонгирдан айрилган чоғим

Фарёд солдим:

Тожу тахтни олгину, Худо,

Болаларим жонларини менга қолдир, деб.

Жаҳонгирдан набирам шул – Муҳаммад Султон

Наҳот унинг ҳаёти ҳам энди муаллақ,

Бу тахт нима?

Нима ўзи соҳибқиронлик?

Қуршаб олди бир-биридан нохуш хабарлар.

Кўлга олгин ўзингни эй, Темур Тарағай,

Барча ишга улгурмоғинг, енгмоқлигинг шарт.

(Қарс уради.)

Кунўғлонга эгар уринг! Отни ҳозирланг!

П А Р Д А

Тўртинчи саҳна

Бибихоним жоме масжиди олдидаги майдон. Бибихоним юксак курсида. Атрофида Девонбеги, Шаҳар доруғаси, аъёнлар, кўриқчилар. Ўртага Амир Темур тахти қўйилган.

Б и б и х о н и м.

Нусрат зафар Соҳибқирон қайтиб келмоқда

Пойтахтига – ўз муборак Самарқандига.

Ҳазратимнинг хоҳишларин сўзсиз бажариб
Мен ул зотни масжидимда кутиб олгайман.
Салтанатнинг аъёнлари – аркони давлат
Кешга кетди – Жаҳонгирга пешвоз чикмокка.
Ҳаётимнинг энг чароғон кунларидан бу,
Яна буюк бир зафарнинг шоҳиди бўлдим.
Зафар тўйи, набиралар тўйи кетма-кет
Давом этар Регистондан Конигилгача.
Етти иқлим элчилари етиб келмишлар.
Интиқ бўлиб кутаётир Жаҳонгирни халқ.
Девонбеги, биз курдирган бу жоме масжид
Соҳибқирон назарига лойиқ бўлурми?

Девонбеги.

Шоён лойиқ. Шоён лойиқ! Тенги асло йўқ!

Бибихоним.

(Рўбарўдаги кичикроқ масжидни кўрсатиб)

Олампаҳо номидаги у масжид эса

Бизникидан сал мўъжазроқ,

Хижолатдаман.

Девонбеги.

Иккиси ҳам мансуб ахир бир хонадонга.

Бибихоним.

Хожа Юсуф!

Самарқанднинг Сиз доруғаси,

Тантана-ю тўйлар учун шаҳар тайёрму?

Конигилда базм бўлгай қирқ кеча-кундуз.

Хожа Юсуф.

Маблағимиз сарф айладик, маликам, буткул,

Ташвиш тортманг, олампаҳо хушнуд бўлгайлар.

Ақча етмай, қийналишиб қолган фурсатда

Раийятга солиқ солдик.

Бибихоним.

Бемаъни бу иш!

Жаҳонгирни кутиб олиш кунлари атай
Чўп тикканга ўхшайсиз-ку ари инига.
Ер юзининг адади йўқ барча бойлиги
Самарқандга окиб турган шундай замонда
Раийятга Сиз ортиқча солиқ солибсиз.
Бир кори ҳол бўлмасайди, кўнглим сезмоқда.
Ана, майдон тўлаётир халойиқ билан,
Самарқанд хўб соғинибдир валинеъматин.
Карнай, сурнай, нағоралар шай бўлсин, Хожа.
Салтанатнинг тарихида улуғ кун бу кун.

Қ о р о в у л б о ш и.

Хоним ойим, Сизнинг берган буйруққа кўра
Келтирмишлар уч нафар ёш муллаваччани.

Б и б и х о н и м.

Олиб келинг, улар ғалат хаёлкашдирлар.

Уч муллавачча таъзим ила якин келадилар.

Кеча тунда, одатимча шаҳар айланиб,
Бир мадраса ҳовлисига ташриф буюрдим.
Бу – учовлон хужранишин, суҳбат қиларди,
Бири дерди: – Оҳ, имконим бўлсайди агар,
Ҳозир палов ошар эдим, тўйгунча роса.
Иккинчиси айтар эди: – Қўлимга тушса,
Ухламасдан ўқир эдим фалон китобни.
Ғоят қизиқ учинчисин армони эса,
У дер эди: – Қани, тақдир насиб этса-ю
Бибихоним висолига бир зум етишсам.

Д е в о н б е г и.

Чакки эмас хумпарларнинг иштаҳалари,
Аниқласак бўлар эди учинчисини.

Б и б и х о н и м.

Ошни орзу қилганингиз қайси бирингиз?

Б и р и н ч и м у л л а в а ч ч а.

У – мен эдим.



Б и б и х о н и м.

Девонбеги, бу йигитчага серёғ, сергўшт битта палов ясаб берингиз.

Илму фанга ружу қилган қайсингиз эди?

И к к и н ч и м у л л а в а ч ч а.

Китобни мен тилагандим, хазрат маликам.

Б и б и х о н и м.

Самарқанднинг улуғ, номдор бир олимига

Шогирдликка берилсин у.

Нияти қутлуғ.

(Учинчи муллаваччага)

Демак, сенсан ошиқ бўлган Бибихонимга?

У ч и н ч и м у л л а в а ч ч а.

Мен икрорман!

Жазо беринг, энг олий жазо.

Д е в о н б е г и.

Рухсат беринг, ўша гапни айтган тилини

Шу заҳоти таги билан суғуртирайин.

Б и б и х о н и м.

(Муллаваччага)

Мен – Темурнинг завжасиман,

Ҳой, муллавачча,

Жавобим ҳам, жазоим шул:

Етишолмассан!

(Девонбегига)

Девонбеги, Самарқанднинг энг гўзал қизин

Бу йигитга олиб беринг.

Тамом.

Вассалом!

Отлик жарчи майдонга шитоб билан кириб келади.

Ж а р ч и.

Соҳибқирон Самарқандга кириб келмоқда!

Соҳибқирон Самарқандга кириб келмоқда!



Халойикда улуғ бир жонланиш. Карнай-сурнай садолари. Амир Темур жоме масжиди олдида отдан тушади. Пойандозлар тўшалган. Бибихоним Амир Темурга нисор-сочкилар сочади.

Т е м у р.

(Халойиққа)

Салом бўлсин, фирдавсмонанд Самарқандимга.

Х а л о й и қ.

Салом бўлсин, Соҳибқирон Амир Темурга!

Салом бўлсин, Соҳибқирон Амир Темурга!

Зафар ва шон муборакдир Улуғ Темурга!

Зафар ва шон муборакдир Улуғ Темурга!

Б и р қ а р и я.

(Олдинга чиқади)

Салтанату мамлақату халқлар бахтига

Умрлари боқий бўлсин Соҳибқироннинг,

Илоҳи, омин!

Х а л о й и қ.

Омин! Омин! Илоҳи, омин!

Т е м у р.

Бизким, малики Турон,

Амири Туркистонмиз.

Бизким, миллатларнинг

Энг қадими ва энг улуғи

Туркнинг бош бўғинимиз!

Оллоҳимнинг ирода-ю инояти-ла

Ер юзининг тенг ярмини қўлга киритдик.

Забт айладик Румо юртин,

Мисру Шомни ҳам.

Яловимиз дини Ислом учун барқ уриб,

Шамширимиз адолатни ҳимоя қилди.

Не ботирлар ҳалок бўлди буюк жангларда.

Жаннат ато қилган бўлсин уларга Оллоҳ.

Илоҳи, омин!

Х а л о й и қ.

Илоҳи, омин!



Т е м у р.

Ер юзида енгилмас бир салтанат туздик,
Қовуштирдик бошларини не-не халқларнинг.
Самарқанднинг қутлуғ номи бизни ҳар қайда
Қўллаб турди, йўллаб турди ғалаба томон.
Қирқ кун зафар нашидасин сурсин Самарқанд,
Етти иклим тўй ўтказсин биз билан бирга.

Фармоним шул:

Зиндонларда банди ётганлар
Бугунданоқ афв этилсин,
Озод этилсин.

Х а л о й и қ.

Минг бор қуллук, олампаҳо марҳаматига.
Минг бор қуллук, олампаҳо марҳаматига.

Қ а р и я.

Аълоҳазрат, фармонингиз ғоят ўринли,
Шу тахлитда ҳиммат қилган пайғамбарлар ҳам.
Бордир лекин фармонгача банди бўлмаган,
Озод юрган турли-туман жиноятчилар.

Т е м у р:

Улар кимлар?
Айтинг менга Самарқанд аҳли,
Ер юзини олибмизу адолат учун,
Наинки, ўз юртимизда бепарво бўлсак?

Қ а р и я.

Эл-юрт тўйди доруғанинг қилмишларидан.

Х а л о й и қ.

Тўйдик! Тўйдик!

Т е м у р.

Қилмиши не?

Қ а р и я.

У порахўрдир!

У жарима ундиради бўлар-бўлмасга.

Текин бўлса, мушуги ҳам офтобга чикмас,
Фақатгина фикр қолди солиқдан холи.

Т е м у р.

Фуқародан уч нафари гувоҳлик берсин.

Х а л о й и қ.

Олампаҳоқ, биз барчамиз гувоҳмиз, гувоҳ!

Т е м у р.

Самарқанднинг доруғаси дорга тортилсин!

М у ҳ а м м а д Қ о в ч и н.

(*Олдинга чиқади*)

Аълоҳазрат, мен кулингиз Муҳаммад Қовчин.

Т е м у р.

Бир томчи қон кўзларига селдек кўринган,
Ғанимларнинг бошларига ачинган Қовчин,
Не иш билан машғулдирсен? Тилагингни айт?

М у ҳ а м м а д Қ о в ч и н.

Беҳушдекман мен саройдан кетгандан буён,
Навқарликка олмадилар, ёшинг ўтган, деб.

Эртаю кеч қушхонада жонлиқ сўяман.
Азбаройи, қалласини олганда молни,

Мен ўзимча, ёвингиз деб хаёл қиламан.
Аълоҳазрат, қассобларда инсоф қолмаган,

Мижозларни алдайдилар, худодан кўркмас.
Менинг ўзим гувоҳдирман, кўрдим барчасин.

Менинг ўзим гувоҳдирман, кўрдим барчасин.

Х а л о й и қ.

Ҳақ гап! Ҳақ гап! Қассоблар ҳам жазога лойиқ!

Т е м у р.

Ҳар даҳада бир нафардан ноинсоф қассоб

Ўзи қурган қанорага осиб қўйилсин!

Сен-чи, яна саройга қайт, Муҳаммад Қовчин.

Б и б и х о н и м.

Аълоҳазрат, пойингизга жонимиз нисор,





Сиз сафарда вақтингизда Самарқанд ичра
Бунёд бўлди неча сарой,
Неча-неча боғ,
Неча-неча мадрасаю
Не-не масжидлар.
Булар бари фармонингиз ижроси эрур.
Назар солинг масжидимга.

Т е м у р.
Муборак бўлсин!
Ғоят нозик ҳам мунаққаш.
Маҳобатлидир.
Безаклари хуснингиздан нусхадир гўё.
Ҳайбатию салобати Маликага хос.
Тарихда у Бибихоним масжиди дея
Алал-абад қолгувсидир.
Ғоят мамнунмен!
Рўбарўда турган анов нечук иморат?
Бул масжиднинг қошида у товуқ катаги...

Б и б и х о н и м.
Олампаноҳ, кечинг бизнинг гуноҳимизни,
Не аламки, ўша масжид Сизга аталган.
Маҳмуд Довуд деган ношуд бир вазиримиз
Бунёд этган уни маккор доруға билан.

Т е м у р.
Сизнинг улуғ масжидингиз унинг қошида
То хижолат чекмагайдир асрлар ўтгач.
Олам ахлин кўзи тушмай, бузингиз уни.
Вазир эса Самарқанддан кувғин қилинсин.
Маъзур тутинг мени, Биби, ҳатто арслон ҳам
Иллатлардан тозалармиш ўз ўрмонини.
Одамлар-чи, айбларини яширар мудом,
Оҳ-воҳ чекар бир кун келиб, қўлга тушганда.
Тили бошқа, дили бошқа лўттибоз зотлар
Подшоҳини алдамоқчи бўлар, ҳай, аттанг.
Мамлакатни бузадиган асли ўшалар.

Хукмдорлар сева туриб фукароларин
Умид ҳамда кўркув аро сақлаши даркор.
Биби, Сизнинг одамларга меҳрингиз чўнгдир,
Нобакорлар дуч келмаган ғазабингизга.
Шул сабабдан улар Сиздан чўчимай кўйган.

Б и б и х о н и м.

Олампанох, то одамзод яшар заминда
Ўтмагандир ва ўтмагай Сиздек хукмдор.

Т е м у р.

Афсуски, мен шамшир билан дўст бўлдим кўпрок,
Машъалага ўзин урган парвоналардек
Куйиб кетди қанча одам гуноҳ-беғуноҳ.
Иншооллох, ювгайдирман доғларим бўлса...
Мен ғолибмен!

Айни чоғда мағлубдирмен ҳам.

Қазо қилиб набирамиз Муҳаммад Султон
Букилмаган бу қаддимни букдию кетди.
Унинг учун бир макбара кургаймиз, балки,
Оллох билар, ётгайдирман унда ўзим ҳам.

Б и б и х о н и м.

Аълоҳазрат, йирок бўлинг ғамгин ўйлардан,
Мана баҳор авжга кирди, Сиз ҳам авждасиз.
Зафарингиз байрамига қўшалок қилиб
Ўтказурмиз набиралар никоҳ тўйларин.
Конигилда базм бўлар қирқ кеча-кундуз.
Меҳмонларни таклиф этдик етти иклимдан.
Тўйбоши Сиз, Сиз уларни кутиб олгайсиз.
Энг аввало, жуфт-жуфт бўлиб келин-куёвлар
Дуонгизни олмоқ учун саломга келар.
Ана улар фурсатингиз пойлаб турибди.

Т е м у р.

Тўйни бошланг! Сочқиларни ҳозирланг, Биби.

Бибиҳонимнинг ишораси билан келин-куёвлар яқин кела бошлайдир.
Мусиқа садолари. Ҳофизлар хониши. Ракқосалар хироми.



Кун ҳамалга кирди эрса келди олам наврўзи.
Кечди баҳман замҳарир киш, қолмади кори, музи.
Кун келу минг курки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бағирлаб нақши бирлан безанур бу ер юзи.
Кишани қор қани энглик боқса тоғлар сурати,
Тўнлиқи тангсуқ йипардин Рум, Хитой атлас чузи.
Кўкда ўйнар, қўл солишур қуғу қоз, қил, қарлуғоч,
Ерда югуриб жуфт олишур ос, тийинг киш, кундузи.
Лола сағроқин ичарда сайрар усруб сандувоч,
Турна ун тортиб ўтарда секрашур баклан кузи.
Хури ин ужмоқ ичинда енг солиб таҳсин қилур,
Ёз уза мундоқ ғазаллар аймишда Носир Рабғузий.

Сокин ва латиф мусиқа янграб туради. Бошлари узра сўзана соябон остида келин-куёвлар жуфт-жуфт бўлишиб, Соҳибқирон олдидан таъзим ила ўта бошлайдилар. Исириқлар тутатилади.

Б и б и х о н и м.

Аълоҳазрат, набирамиз Мирзо Улуғбек,
Амирзода Шоҳрухнинг ўғли.

Т е м у р.

(Сочқи сочади)

Бахтли бўлинг, қўша қаринглар.

Б и б и х о н и м.

Набирамиз Иброҳим Султон,
Амирзода Шоҳрухнинг ўғли.

Т е м у р.

(Сочқи сочади)

Бахтли бўлинг, қўша қаринглар!

Б и б и х о н и м.

Набирамиз Ижил Мирзо,
Амирзода Мироншоҳ ўғли.

Т е м у р.

(Сочқи сочади)

Бахтли бўлинг, қўша қаринглар.

Б и б и х о н и м.

Набирамиз Сиди Аҳмад,
Амирзода Умаршайх ўғли.

Т е м у р.

(Сочқи сочади)

Бахтли бўлинг, кўша қаринглар.

Б и б и х о н и м.

Жиянингиз Бойқаро Мирзо.

Т е м у р.

(Сочқи сочади)

Бахтли бўлинг, кўша қаринглар.

Б и б и х о н и м.

Аълоҳазрат,

Ваъдангизга риоя айлаб,

Набирамиз Зубайдани бунга узатдик,

Бу – Қосимбек.

Т е м у р.

(Сочқи сочади)

Бахтли бўлинг, кўша қаринглар.

Жуфти билан барқарордир Инсон боласи,

Сиз ҳам биздек ували-ю жували бўлинг.

Омин!

Ҳ а м м а.

Омин!

Б и б и х о н и м.

Конигилга йўл олғайдир келин-куёвлар,

Мунтазирдир Тўқал хоним, Боғи Дилкушо.

Д е в о н б е г и.

Муборакбод этмоқ учун ҳазратимизни

Яқин-йирок, ўлкалардан меҳмонлар келмиш

Олампаноҳ, шаҳри Кешдан – ота макондан

Қутлагали қариндошлар ташриф буюрмиш.

Олтин эгар-жабдуқли отни етаклаб кешликлар яқин келадилар.

Т е м у р.

(Улардан бирига)

Исминг недур?

Ш а р и ф.

Исмим Шариф, тағойингиз Жонузок ўгли,
Сиз от сурган у чўлларда йилқи боқаман.
Бу арғумоқ тулпорингиз Кунўғлонга хеш.

Т е м у р.

Кенг дунёнинг кадам етмас бир бурчагидан
Агар кўйиб юборсалар кўзимни боғлаб,
Ҳеч адашмай шаҳри Кешни топиб келардим.
У жойдадир ота-онам хоки поклари,
Мангу ором олар унда ўғлим Жаҳонгир.
Кечагина тавоф қилдим мозорларини.
Кешдан тортиб Занжир Сарой худудларида
Энг беғубор йилларимни ўтказган эдим.
Жанг-жадалдан ҳориб-чарчаб қайтган маҳали
Тушларимга кирар ўша осуда дамлар.
Хотирлайман пойгалару кўпқариларни.
Менинг асл зуваламни пишитган у юрт,
Икки дунё қарздорман унинг қошида.
Кешдан келган меҳмонларга тўн кийдирилсин!

Д е в о н б е г и.

Олампадох, сарандиблик элчи мунтазир.
Сарандиб элчиси яқин келади.

Т е м у р.

Сен кўзимга ғоят иссиқ кўринмоқдасан,
Исминг недур?

Б о р ч и қ.

Исмим Борчик.

Т е м у р.

(Қаҳқаҳа уради)

Ўша Борчикми?

Қабулимдан сени бир вақт ҳайдаган эдим,
Маъзур тутгин, хаёлимни банд этганди жанг.
Энди сенга, хуш келибсан, марҳабо дейман.

Б о р ч и қ.

Аълоҳазрат, шу бемаъни исмим туфайли,

Дакки едим.

Мени бу бор айбга буюрманг.

Сарандибдан ўрмон шоҳи – шерни келтирдим

Сизнинг қутлуғ тўйингизга тўёна бўлгай.

(Қафасда шерни келтирадилар.)

Т е м у р.

Бироз нохуш – ўрмон шоҳин қафасда кўрмок,

Сарандибнинг шоҳи лекин озод юрса, бас.

Ва албатта тўнга лойик ҳазрати Борчиқ.

Д е в о н б е г и.

Ифранж юрти – Испаниё элчиси келмиш.

Т е м у р.

Клавихо, бизнинг эски биродаримиз,

Айт-чи, ўғлим, киролингнинг аҳволи нечук?

Унга жамъи эзгуликлар ёр бўлсин, дейман.

К л а в и х о.

Қиролим ҳам Сизга мудом соғлиқ тилайди,

Карвон билан етиб келгай унинг тухфаси.

(Бир альбом узатади)

Аълоҳазрат, бул муракка дафтарда эса

Испан юртин жилолари тасвир этилган,

Шаҳарлари, қасрлари, манзаралари...

Т е м у р.

(Мураққани варақларкан)

Ғоят ноёб совғадир бу. Сенга ташаккур!

(Девонбегига)

Шоён ҳурмат кўргазингиз Клавихога,

Саруполар ҳадя этинг шоҳона, олий.

Д е в о н б е г и.

Аълоҳазрат, етиб келди Чин элчилари.

Х и т о й э л ч и с и.

Салом бўлсин Сизга Осмон мамлакатидан.

Бизнинг улуғ подшоҳимиз –





Чиннинг фағфури
Сизга мактуб йўллаганди.

Т е м у р.
(Асабийлаша бошлайди)
Олдим.
Ўқидим.
Жавобини ўзим бориб айтурман унга.

Х и т о й э л ч и с и.
Улуғ Амир,
Жавобингиз эшитдик, аммо
Совға билан келолмадик ҳузурингизга,
Чунки бизнинг фағфуримиз –
Чин ҳукмдори,
Сиздан ўлпон талаб қилиб юборган эди.

Т е м у р.
Кимки келмиш бизни дилдан қутламоқ учун
Барчасига хуш келибсиз,
Марҳабо деймиз,
Аммо ўша қароримни эслатиб қўяй
Мен ким – Амир Темур,
Иродам шул,
Қасамёдим шул:
Бўйсунмадим,
Бўйсунмасман боскинчиларга.
Жавобимда очик-ойдин айтган эдим-ку?!
Мен халқ билан подшоларни фарқлай оламан.
Менга совға-саломларнинг қиммати йўқдир.
Ҳой, сен элчи?!
Сен чинакам нодон экансан!

Э л ч и.
Буюрилган юмушни мен адо қиламан.

Т е м у р.
(Ўзини аранг тугиб)

Эшит, элчи:

Ҳар не бало келар кўлимдан,
Фармонимни олтин ҳарф-ла ўйиб танингга
Жўнатишим мумкин эди, сабр этдим бироқ,
Сира душман эмасман мен сенинг халқингга.
Конфуцийни биласанми?

Э л ч и.

(ҳайрат билан)

У – бизнинг пир-ку!

Т е м у р.

Шундай зотни етиштирган сизнинг Чинлар-ку?

Ул зот айтмиш:

Оддийгина кийик боласин

Асраб қолган

Ноил эрур

Жаннат васлига!

Билдингми сен?!

Э л ч и.

Бироқ, Амир,

Фағфуримга не деб айтайин?

Ўлпон беринг, ўз юртимга энди қайтайин.

Т е м у р.

Халқимизда бир муқаддас одат бор, яъни

Ким бўлмасин – меҳмон келса, озор берилмас.

Сиз, яхшиси, Конирилга – базмга боринг.

Бироқ менинг рухсатимсиз, шу зумдан бошлаб

Самарқанддан бир қадам ҳам нари жилмайсиз.

Хитой элчилари узоклашадилар.

Б и б и х о н и м.

Қандай журъат этмиш Сизга Чин ҳукмдори,

Бу қадарли сурбетликни жаҳон кўрмаган.

Не ҳайратки, аълоҳазрат, тоқат қилдингиз.

Д е в о н б е г и.

Бамисоли тиғи ўткир, кескир қиличга



Беш панжасин телбаларча урмоқчи улар.

Т е м у р.

Фағфур биздан ҳатто ўлпон талаб қилмоқда,
Аён гапки, қуни битмиш Чин ҳукмдорин.

Б и б и х о н и м.

Олампадох, наҳот яна бошланур уруш?!

Т е м у р.

Иблисдан ҳам баттар ахир гап укмас улар,
Истайдики, биз уларга қарам, кул бўлсак.
Истайдики, тобе бўлса аҳли мусулмон.
Менга фағфур мамлакатин тахти керакмас.
Лекин мазлум элатларни озод этурман.

Б и б и х о н и м.

Одамзодга раҳм айлагил, ё Парвардигор,
Инсоф бергил султонларга, ҳукмдорларга.
Ҳазратимнинг от устида ўтмоқда умри.
Бир инсонга шунча юмуш, шунча ташвишми?
Ҳаловатни қачон кўргай менинг Амирим?
Аълоҳазрат, ёнингизда бўлгум мен энди.

Т е м у р.

Сиз ҳозирок Кониғилга жўнанг, Малика,
Онагинам Некўзбегим мақомидасиз
Келинлару қуёвларга бош-қош бўлғайсиз.
Ортинғиздан етиб боргум мен ҳам албатта.

Бибихоним ва бошқалар кетадилар.

Буқаламун, сен қайдасан?

Буқаламун дафъатан пайдо бўлади.

Б у қ а л а м у н.

Лаббай, ҳазратим!

Т е м у р.

Кўзларингни қисиб, энди
Хитой бўлғайсан. Етиб боргин
Чин давлатин худудига сен.

Минглаб оту тойчоқларни харид килгину
Чегарага якин жойда шайлаб, бокиб тур.
Лашкар билан жуда узоқ йўл босиб боргач,
Ҳориб-толган отларни биз алмаштиргаймиз.
Иншооллох, тез орада чиккум сафарга.

Б у қ а л а м у н.

Аълоҳазрат, отам асли от жаллоб ўтган,
Йилки зотин мен танийман, йилки ҳам мени.
У жойларда падаримнинг танишлари кўп,
Ишончингиз ўзи менга омад бағишлар.

Т е м у р.

Балли, ўғлим, йўлинг кутлуғ, бехатар бўлсин.

Букаламун кетади.

Эвоҳ, мени авлодларим ким деб эслашур?!
Уришқоқ бир жаҳонгирми ё ҳақ посбони?
Не бўлса ҳам яшадим мен чигал даврда,
Ўлдирмасанг ўлдирурлар, тинчишга қўймас.
Адолат деб умрим бўйи курашдим, бироқ
Афсуски, у бўлмас экан жангу жадалсиз
Бир ёғини тикласанг гар дунё деворин,
Нураб кета бошлар экан иккинчи ёғи.
Асли нима етмайди бу ҳукмдорларга?
Унвонлари шоҳ бўлса ҳам, адоватга қул.
Тагин бир бор амин бўлдим, буткул жаҳонни
Бошқармоғи керак экан ягона бир зот.
Умр эса ўтаётир оққан дарёдек.
Ер юзини Чин хавфидан кутқазмоқ шартдир.
Ҳозир эса Конибилга бормоқлик лозим,
Тўй ҳам мени шошилтирар, ўй ҳам қўймайди.

П А Р Д А

Бешинчи саҳна

Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий макбараси. Тонг пайти. Макбара эшигидан Амир Темур хорғин холда чиқиб келади. Уни ояпоқ соқолли, нуруний бир дарвиш қарши олади.

Д а р в и ш.

Ассалому алайкум!

Т е м у р.

Ваалайкум ассалом!

Биздан олдин салом фарзин адо этдингиз,

Валлоҳ биздан улуғ эрур

Сизнинг ёшингиз

Сиз кимдирсиз, субҳидамдек нуроний бобо?

Д а р в и ш.

Мен бул жойга келиб-кетиб тургувчи дарвиш,

Сизни эса биз таниймиз.

Сиз – Амир Темур.

Аллоҳазрат, тунни яхши ўтказдингизми?

Т е м у р.

Бобомизнинг пойларида бедор ўлтириб,

Рухларига ором сўраб тиловат қилдим.

Д а р в и ш.

Гоят макбул!

Шод бўлғувси рухлари бешак,

Бизнинг улуғ хоҷамизда каромат бисёр.

Т е м у р.

Тонгга яқин бир дақиқа кўзим илинмиш,

Ўшал онда ҳазрат гўё намоён бўлди.

Д а р в и ш.

Бир султонга меҳмон бўлса иккинчи султон,

Мезбон томон илтифотлар қилгай, шубҳасиз.

Т е м у р.

Йўқ, илтифот қилмадилар, афсус, минг афсус,

Ҳолбуки, мен болалиқдан ўсиб-улғайиб

Бир нафас ҳам ул ҳазратга шак келтирмадим.

Боборакот сулукига содиқлигимдан

Қурган эдим маҳобатли бул макбарани.

Ёнларида тикдим, ана, чодиримни ҳам.

Темур макбарага яқин жойдаги чодирини кўрсатади.
Атрофимда минглаб эмас, юз минглаб лашкар
Хожа Аҳмад Яссавийга талпинмоқдалар.

Д а р в и ш.

Сиз қай томон отланмишсиз?

Йўлингиз қаён?

Т е м у р.

Ё, Оллоҳ деб қўшин тортдим Чин тарафларга.

Бул азиз зот руҳи мени кўлласа дердим.

Туни бўйи вужудимда сездим бир оғрик

Бунинг акси бўлмоқлиги керак эди-ку?!

Д а р в и ш.

Сўнги юз йил Туркистонда, Турон заминда

Бундай совуқ бўлмаган ҳеч, Даҳшатли совуқ.

Бир нафас ҳам кўз очирмас изғирин, бўрон.

Кўзда ёш ҳам тўнғиб қолар соққадан чикмай.

Илло, совуқ ғолиб келмиш вужудингизда.

Аълоҳазрат, мен фақирни маъзур тутгайсиз,

Сафар қилмоқ шарт эдими шул қаҳратонда?

Т е м у р.

Сиз билмайсиз, ғаниматдир ҳар бир фурсатим,

Лашкарларим эса обдан чиниққан, жасур.

Совуқни ҳам улар ёвдек енга олади.

Д а р в и ш.

Модомики, танангизга кирмишдир оғрик,

Саксовулнинг оловида тобланинг, Амир.

Т е м у р.

Саркарданинг таҳликаси – ожизлик демак,

Мен лашкарга ибрат бўлиб турмоғим шартдир.

Хайр, дарвиш!

Д а р в и ш.

Хайр, Амир!



Т е м у р.

(Дарвишга қўл узатиб хайрлашаётганда бирдан нидо қилади.)

Ё, кудратингдан!

Д а р в и ш.

Қўйворингиз қўлимни тез!

Т е м у р.

Йўқ, қўйвормайман!

Сиз Хизрсиз.

Бесуяк-ку бош бармоғингиз.

Д а р в и ш

Қўйвор, Амир!

Т е м у р.

Қўйвормайман! Оллоҳга шукур.

Тағин Сизга дуч келибман эллик йил ўтгач.

Ҳ а з р а т и Х и з р.

Ҳа, Хизрман.

Тилагингни эшитмоғим шарт.

Йигит чоғинг кўрингандим сенга илк дафъа.

Аммо энди нима етмас сенга, Жаҳонгир?

Яратганнинг ирода-ю инояти-ла,

Ер юзининг қок ярмини қўлга киритдинг.

Тоғу тахтинг, хонадонинг, ҳадсиз мулкинг бор.

Т е м у р.

Барчаси бор.

Ҳ а з р а т и Х и з р.

Унда яна нима истайсан?

Фақатгина, Темур, мендан умр тилама.

Т е м у р.

Яратганга шукур дейман барчаси учун

Қанча умр берган бўлса шунча яшарман.

Йиллар бўйи қийнаб келган саволларимни

Ечсам дейман суҳбат куриб бир Инсон билан.

Ҳ а з р а т и Х и з р.
Сен дунёнинг неча улуғ зотлари ила
Мулоқотда бўлдинг, ахир, шу етмадими?

Т е м у р.
Қовоғимга қарашарди, афсуски, улар,

Ҳ а з р а т и Х и з р.
Унда кимни хоҳлайсан сен, сўйла-чи.

Т е м у р.
Яссавийни кўрсатингиз, сўровим шулдир.

Ҳ а з р а т и Х и з р.
Аллақачон кетган ул зот боқий дунёга,
Олам бўйлаб кезиб юрар руҳлари лекин.
Подшоҳларни худойимнинг сояси дерлар.
Соҳибқирон истагини рад этмоқ мушкул.
Сен тасаввур айла, Темур, шу сониядан
Яссавий – мен! Мен – Яссавий!
Тайёрман, мана!

Т е м у р.
Тинсиз жангу жадал билан ўтди ҳаётим
Балки қанча умрларга зомин бўлганман.
Охиратда этагимдан тутмасми улар?

Я с с а в и й.
Оллоҳимнинг хоҳишига мувофиқ келса
Икки дунё савоб эрур ҳар қандайин иш.
Айт-чи Темур, сен бесабаб қон тўкканмисан?

Т е м у р.
Адолат ва дини Ислому ҳимояси деб
Ер юзини фатҳ айладим, тартиб ўрнатдим.

Я с с а в и й.
Улуғ, эзгу ниятларнинг рўёби учун
Жангу жадал, қон тўкишлик шартмикан, Амир?
Энг аввало, ҳар бир банда нафсини тийсин,
Бу дунёнинг неъматлари алдамчи, рўё,



Охиратни ўйлаганлар комил бўлгайлар.
Тотлик-тотлик еганлар, турлик-турлик кийганлар,
Олтин тахтда ўтурғонлар туфрок аро ётмишлар.
Мулло-муфти бўлғонлар, ёлғон даъво қилғонлар
Окни қаро қилғонлар ул томуғга кирмишлар.

Т е м у р.

Магар инсон ўз нафсини тия олмаса,
Уни мажбур қилмоқ лозим, чорадир бу ҳам.

Я с с а в и й.

Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур,
Қилич билан мурод ҳосил бўлмоғи гумон.
Сендан кейин билганини қилар одамзод.
Инсонларнинг шуурига муттасил, тинсиз
Қаноат ва инсоф ҳиссин сингдирмоқ керак.
Ураберсанг ғаюр тортар ҳаттоки ит ҳам.

Т е м у р.

Мен дунёда худди итдек талашиб ётган
Баднафс, юҳо кимсаларнинг оғзини ёпдим,
Ўзингиз-чи, ер тагига тириклай кириб,
Не каромат кўрсатдингиз? Нима ўзгарди?

Я с с а в и й.

Юзим ёруғ бордим Тангри остонасига,
Мўминларга сабрим билан ибрат бўлолдим.
Ҳикматларим ўлмаё яшар, инсофга чорлаб.
Ер остига қочиб кирдим нодонлардин,
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.
Ғариб жоним юз тасаддуқ донолардин,
Доно топмай ер остига кирдим мано.

Т е м у р.

Ҳа, инсонлар ер юзида комил бўлолмас,
Ахир нурдан яралмаган инсон боласи.
Исботи бул:
Шайтон хануз ишсиз эмас-ку!
Кўча-кўйда тўп-тўп бўлиб зикр тушишдан

Бир манфаат чиқармикан?
Не дейсиз, хазрат?

Я с с а в и й.

Нега алла айтишади оналар мудом,
Нега Куръон ўкилади кироат билан?
Улар таъсир этгай аввал Инсон қалбига,
Эзгуликка мойил қилар ёвузларни ҳам.
Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,
Ғарибларга аччиғланиб сўз қотмангиз,
Заиф кўриб ғарибларга сўз қотмангиз,
Бу дунёда ғариблиқдек бало бўлмас.

Т е м у р.

Ҳазрат,
Сизнинг ҳикматларни дилимга жойлаб,
Куч билан мен гап уқдирдим инсониятга.
Мана, ҳозир Чин томонга лашкар тортганман,
Агар уни маҳв этмасам, мени маҳв этгай.

Я с с а в и й.

Эвоҳ, яна нафс дунёда тантана қилмиш.
Нафснинг кучи ғолиб келмиш икки ёқда ҳам.
Шул сабабдан, тушингда мен намоён бўлдим
Рўйхуш бермай, безовта-ю тунд қиёфада.
Во ажабо, иккимиз ҳам битта элданмиз,
Тилимиз бир, динимиз бир, иймонимиз бир.
Бир хил юмуш юкланмишдир иккимизга ҳам.

Т е м у р.

Сиз ер ости, мен устида лашкар тузибмиз.

Я с с а в и й.

Сен тиғ билан, мен сўз билан бошқардик уни.
Бироқ сенинг йўригингни ёқлай олмайман.
Воз кеч, Темур, бу хатарли Чин сафаридан,
Ёш бир жойга бориб қолгач, узлат афзалдир,
У дунёнинг сафарига тадорик лозим.



Бу дунёда югрук отга мингучилар,
Ҳарб кунда муборизлик қилгучилар,
Олмос-пўлат қилич-қурни чолғучилар
Ажал келса бегу хонни қўймас эрмиш.

Т е м у р.

Мен умримда ғайридинлар баробарида
Қонин тўқдим балки қанча мусулмоннинг ҳам.
Буни талаб этар эди ахир адолат.
Энди эса, тўқилган у қутлуғ қонларни
Мажусийлар қони билан ювмоқчиман мен.
Мен уларнинг зуғумини бир ёқли қилмай.
Бу дунёдан кетолмасман, қатъий аҳдим шу!

Я с с а в и й.

Қайтгин, Амир!
Ҳар неки иш тақдирдан бўлгай.
Сени қисмат кутаётир, ўзингни урма.
Т е м у р.
Қуллук, ҳазрат!
Менга зафар тиланг, яхшиси,
Гадолик ҳам қисмат эрур, шоҳлик ҳам қисмат.

Я с с а в и й.

Бошинг тошдан бўлсин, Амир!
Қул Хожа Аҳмад сўзлагани Ҳақнинг ёди,
Эшитмаган дўстларига қолсун панди,
Гурбатланиб ўз шаҳрига қайтиб ёнди,
Туркистонда мозор бўлиб қолдим мано.

Яссавий ғойиб бўлади. Темур бетоб бир аҳволда тепаликка, чодир томон кўтарила бошлайди.

Т е м у р.

Ўнгимми бу ё иситма алангасими?
Аввал дарвиш, кейин Хизр, сўнгра Яссавий...
Биз билмаган сир-синоат кўпдир оламда.
Гоҳи-гоҳи айтар эди раҳматлик отам,
Менинг фотиҳ бўлишимни тушда кўрганин.

Кўп ғалати суҳбат қурди анави зотлар,
 Балки улар ростдан келди, балки хаёлдир...
 Не бўлса ҳам – Инсон зоти ёлғиз қолмасин,
 Ҳеч бўлмаса гаплашсин у ўз-ўзи билан.

(Темур оғир тин олади.)

Вужудимда кучаймоқда тобора оғрик,
 Шууримни қоплаётир нохуш хаёлот.
 Наҳот сўнгги сафарим бу! Сўнгги манзил бу?
 Йўқ!

Вужуднинг найрангига қулоқ солмасман.
 Менинг руҳим метин қўрғон, асло қуламас.
 Икки дафъа менга заҳар берган эдилар.
 Неча бора қўкрагимга қадалди найза.
 Бироқ ўлмай қолдим-ку мен,
 Ўлмай қолдим-ку!

Магар ажал келганда ҳам, Самарқандимда
 Болаларим қуршовида жон берсам дердим.
 Мендан кейин салтанатнинг ҳоли не кечар!
 Наҳот яна бошланади парокандалик?
 Ҳар бир ишнинг оқибатин ўйламоқ даркор,
 Фарзандларнинг укувига кўзим етарми?
 Барлос қони жўшармикан томирларида?!
 Жаҳонгирнинг ўғли Мирзо Пирмуҳаммад-чи?
 Бул набирам айни пайтда она томондан
 Олтин Ўрда тахтига ҳам ворис бўлолгай.
 Балки унга топширурман валиаҳдликни.
 Эҳ-хе, ҳали қанча гап у кунларгача.

Темур ўз чодирин олдиға чиқиб боради. Уни амирлар, саркардалар ва бошқалар қарши оладилар.

Сибириё совуғидан баттар бу совук,
 Лашқаримнинг ҳоли нечук? Тетикми руҳи?

Б а р л о с б а ҳ о д и р.

Олампаҳо, хуш кўрасиз рост гапни доим,
 Ланжлик бордир аскарларнинг кайфиятида.
 Қаҳратон қиш таъсиридан албатта, бу ҳол.

Т е м у р.

Сартарошни чорланг буён!

Ялангтепада

Лашкарларим кўз ўнгида соч олдираман.

Токи ҳамма амин бўлсин:

Совуқ писандмас

Темурга ҳам, унинг ёвқур қўшинига ҳам!

Биз ғалаба нашъасини сурганмиз ҳатто

Изиллаган Ўрусия ўрмонларида.

Сартарош келади.

Т е м у р.

(Сартарошга)

Ҳа, биродар, юрибсанми соғу саломат,

Сен билан биз кезиб чиқдик ярим дунёни.

Тошдан бўлган бу каллага назар ташла-чи.

Битта-ярим тола борми эрмагинг учун.

(Сартарош ишга киришади.)

С а р т а р о ш.

Олампадох, навкиронсиз, сочингиз ҳамон

Ўспириннинг сочи каби қоп-қора, қуюқ.

Т е м у р.

Куллуқ сенга, кўнгул учун айтган гапингга,

Ушбу бошдан ўсиб чиққан қора савдони

Ёлғиз ўзинг даф этгансан қиртишлаб, юлиб.

Сени кўрсам, гоҳо-гоҳо ўйлаб дейманки,

Сартарошга ўхшаб кетар шоҳлар ҳам асли.

Улар фақат қиртишлайди думалоқ ерни.

С а р т а р о ш.

Аълоҳазрат, Сиз ортиқча мўйларин қириб

Гўзал ҳусн бахш этдингиз ер деган бошга.

Т е м у р.

Иккиси ҳам ташвишлардан холи бўлолмас.

Ҳа, шоҳларга суянгайдир юртда фукаро,

Аммо кимга суянсинлар шоҳларнинг ўзи?

Магар ношуд фарзандини эплей олмаса,
Подшоҳ кимга дардин айтиб, кимга арз қилсин?!
Ногаҳонда ноҳақ ҳукм чиқариб кўйса,
Эл олдида у ўзини дорга тортсинми?!
Унинг ўзи танлаб олган маслаҳатгўйлар
Магар нобоп чиқиб қолса, кимни айбласин?!
Товонига кирса агар чақиртиканак
Аламидан экинзорни пайҳон қилсинми?!
Сиз тунлари ухлагайсиз оёқ узатиб,
Шоҳни эса тергаб чиқар уйғоқ виждони.
Ҳой, сартарош, имиллама, битказ ишингни,
Ногаҳоний оғриқ кирди бошимга шу кез.

С а р т а р о ш.

Қаҳратонда соч олдирманг демоқчи эдим,
Бироқ Сизнинг раъингизни ким ҳам қайтарур?
Ишим битди!

Т е м у р.

Битган каби менинг ҳам ишим...

(*Ясовулга*)

Чодиридан чақирингиз Бибихонимни,
Пирмуҳаммад ва Улуғбек бирга келишсин.

(*Амирлару саркардаларга*)

Менинг содиқ амирларим, саркардаларим,
Гапларимга кулоқ тутинг, ваҳима қилманг,
Умидворман, якдил бўлиб, мендан кейин ҳам,
Салтанатга садоқатни сақлаб қолгайсиз.

А м и р л а р, с а р к а р д а л а р.

Олампадох, салтанатнинг Сиз-ку таянчи,
Сизга боқий умр тилаб, камарбастамиз.

Т е м у р.

Ана, икки Мирзо билан келди малика
Бамисоли кўш юлдузни етаклаган ой.

Бибихоним, Мирзо Улуғбек, Мирзо Пирмуҳаммад таъзим ила яқин ке-
ладилар.





Б и б и х о н и м.

Аълоҳазрат, йўқламишсиз...

Т е м у р.

Безовта қилдим,

Безовталиқ таъқиб этар зеро бизни ҳам.

Б и б и х о н и м.

У қандайин безовталиқ?

Боиси нима?

Аълоҳазрат, юзингизда нечун ҳорғинлиқ?

Т е м у р.

Юрагимда томчи-томчи гаплар йиғилмиш,

Мен уларни тўкай дерман Сизга, Сизларга.

Сен ёнимга яқинроқ кел, Мирзо Улуғбек.

М и р з о У л у ғ б е к.

Аълоҳазрат!..

Т е м у р.

Ҳазрат эмас, бобо дегил, бобожоним де.

Сени тийрак набирам, деб суюб юраман.

Иштиёқинг бисёр эмиш илму урфонга.

Юлдузларнинг тилини ҳам уқар эмишсан.

Орзу этгум, пайти келиб, менинг наслимдан

Зора осмон илмининг ҳам сардори чикса.

Юлдузларинг яхши гаплар айтсин, илоҳи,

Улар сенга эзгуликдан берсин дараклар.

Ўша кезлар бобожонинг юлдузини ҳам

Назарингдан қочирмагин, Мирзо Улуғбек.

Мен-чи, осмон пештоқидан абадий бедор

Фахр билан кузатурман ҳар бирингизни.

Б и б и х о н и м.

Аълоҳазрат, бундай ғамгин ўғитлар нечун,

Гапларингиз юрагимни тилкаламоқда.

Т е м у р.

Ҳеч бир банда бу дунёда мангу қололмас,



Туғилмоқлик бор эканки, ўлмоқ ҳам бор гап.
Фоний дунё Искандарга вафо қилдими?
Ёки вафо қилганмиди Чингизхонга у?
Вужудимни мудҳиш оғрик тамом чулғади.
Бориб етди у миямнинг тубига қадар.
Ғоят аниқ кўринмоқда умрнинг шоми.

Б и б и х о н и м.

(Амирларга)

Табибларни чақиринг тез!

Т е м у р.

Шошманг, Бибижон,

Улгурамиз табибларнинг шифоларига.

Ахир мен ҳам шошмоқдаман, улгурай мен ҳам

Дилимдаги гапларимни айтиб қолишга.

Б и б и х о н и м.

Аълоҳазрат, бундай деманг.

М и р з о У л у ғ б е к, М и р з о П и р м у х а м м а д.

Бобо, бобожон!

А м и р л а р, с а р к а р д а л а р.

Олампаноҳ, Оллоҳ ўзи Сизни асрасин,

Толемиз офтобисиз, сўнмассиз асло!

Т е м у р.

Баландпарвоз хитобларнинг мавруди эмас,

Болаларим, хушёр бўлиб тинглангиз мени.

Руҳим қуши учишга шай, англаб турибман,

Фойдаси йўқ, обидийда қилманг бекорга.

(Бибиҳоним унсиз йиғлай бошлайди.)

Ҳаётимнинг чароғбони, азиз маликам,

Биби, Сиздан минг розиман, йиғламанг ортиқ,

Мендан сўнг ҳам ўктам бўлиб оналик қилинг

Салтанатга,

Фарзандларга,

Набираларга...



Гарчи қолиб кетаётир қанча ниятим,
Мен суронли ҳаётимдан розиман, рози...
Буюк давлат барпо этдим,
Тангрига шукур,
Қўриқлангиз, уни Сизга қолдирмоқдаман.
Золимларнинг тааррузли қўлларини мен
Мазлумларнинг этагидан юлиб ташладим.
Маслак ила тариқатни ҳимоя айлаб,
Моне бўлдим имонсизлик, зўравонликка.
Сиз миллатнинг дардларига дармон бўлингиз,
Йўқсулларни асло бойлар зулмига берманг,
Орангизга сира-сира тушмасин нифок,
Умр бўйи ҳазар қилинг мунофиқлардан,
Болаларим, хоинлардан бўлинг эҳтиёт,
Инсон зоти кўп нарсага чидайди, аммо
Гар адолат поймол бўлса – тоқат қилолмас.
Адолат ва озодликни муқаддас билинг.
Йўлдошингиз бўлсин доим ақлу тажриба,
Ҳар кимларнинг кутқусига дафъатан учманг.
Агар менинг гапларимга содиқ қолсангиз,
Иншооллоҳ, бошингизга тош тушмагайдир.
Пирмуҳаммад Жаҳонгирни шу кундан бошлаб
Тошу тахтим вориси деб эълон қиламан.
Ушбу кундан эътиборан Самарқанд тахти
Унинг амру фармонида, ҳукмида бўлғай.
Сизлар унга мадад бўлинг, қўллаб-қўлтиқланг,
Токи олам бузилмасин, тўзмасин дунё.
Энди эса менинг содиқ қўмондонларим,
Ёш амирга итоатнинг оминин айтинг!

А м и р л а р, қ ў м о н д о н л а р.

(Йиғлашиб)

Соҳибқирон фармонига итоат айлаб,
Йиғлай-йиғлай омин, деймиз, илоҳи, омин.

Т е м у р.

Жангу жадал орасида фурсат топган чок

Битик қилдим коида-ю амалларимни.
Мен уларни атаганман “Тузукот” дея.
Умидворман, келажакда бу тузукларим
Асқотгайдир салтанату авлодларимга
(Темур қўнидан “Тузукот” китобини чиқариб, Мирзо Пир-
муҳаммадга узатади.)

Тожу тахтни мендек узок сақлай десангиз,
Қиличингиз ўйлаб чекинг, бўлинг ҳамжиҳат.
Шунқорларим, адолатни дастур қилингиз,
Энг аввало, Ватан ила Миллатни асранг.

Қ о с и м б е к.

(Ўкраб йиғлаганча)

Ташлаб кетманг, олампаноҳ, ташлаб кетмангиз!

Т е м у р.

Сен, Қосимбек, нега бундай ўкраб йиғлайсан,
Ангорода айтганимнинг устидан чикиб
Мен набирам Зубайдани бердим-ку сенга.

Б а р л о с б а ҳ о д и р.

Олампаноҳ, мунгазирдир
Сизга табиблар.

Т е м у р.

Энди кечдир.

Мен чодирга кириб кетаман.

Ундан қачон қайтиб чиққум?

Билмасман ўзим...

Б и б и х о н и м.

(Фарёд солиб)

Олампаноҳ, ёнингизда бўлай то абад!

Темур, унинг изидан Бибихоним чодирга кириб кетадилар.

Б а р л о с б а ҳ о д и р.

Кўзимиздан ниҳон бўлди улуғ бир ҳаёт,

Унинг ёниқ нури эса ўчмагай асло.

Темур учун,



Миллат учун,
Ҳур Ваган учун,
Баҳодирлар,
Ҳамдаст бўлиб
Қалкинг оёкка!

ТАМОМ



Эркин САМАНДАР

(1935 йилда туғилган)

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА

Икки қисмдан иборат тарихий фоҳиша

Иштирок этувчилар:

Арабмуҳаммад Баҳодирхон – Хива хони, 50 ёш.

Абулғози Султон

Исфандиёр Султон

Ҳабаш Султон

Элбарс Султон

Қурбон Ҳожи – оталик (*вазир*).

Шамсиддинхожа – Пири Аъзам.

Малика Гулсимбону – 35 ёшларда.

Гавҳар хоним – Исфандиёр султоннинг аёли, 20 ёш.

Тождин – хон мулозими.

Канизак

Шайх

Мударрис

Мутавалли

Сардор

Исфандиёр султоннинг норасида икки ўгли, аёнлар, дин пешволари, пошшоблар, навкарлар, оналар, дехқонлар, хизматкорлар.

Воқеа 1623 йилда Хоразмда кечади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи кўриниш

Қорақум этагидаги сайхонликда хон чодир, шаҳзодалар, малика ва бошқаларнинг ўтовлари. Навкарлар, соқчилар. Саваш олди.

Ф И Ф О Н:

Г У Р У Ҳ.

Ўзимдан чиққан балога
Қайга борай даъвога?

Я К К А О В О З.

Йулбарс эдим ўкирик,
Дарё эдим югурик.
Фалаклар терс айланди,
Юрар йўллар бойланди.

Г У Р У Ҳ.

Ўзимдан чиққан балога
Қайга борай даъвога?

Арабмуҳаммадхон билан Гулсимбону киради. Уларнинг ичкарида бошланган мунозараси давом этади.

Г у л с и м б о н у.

Ҳали ҳам кеч эмас. Уруш олови
Ҳали ёнгани йўқ, муроса қилиб,
Найман уруғининг шартин бажаринг.
Ўлган сардорларнинг номларин оқлаб,
Тайинланг ўрнига ўғилларини,
Менинг ўғилларим Ҳабаш ва Элбарс
Лойиқдур энг олий мартабаларга.
Унутманг, сизнинг-да ўғлингиз улар.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Тўғри, улар менинг ўғилларимдур,
Пушти камаримдан яралгандурлар.
Аммо, аёндурки, олар менга ёв,
Фақат менга эмас, мен қурган маъво,
Салтанат, давлатга отмоқдалар тош.

Г у л с и м б о н у.
Найманнинг тарафин олурлар улар.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Найманни не учун жазоладим мен,
Нечун қатл айладим сардорларини,
Сен буни билурсен, яхши билурсен.

Г у л с и м б о н у.
Ўринли эмасдур шубҳаларингиз,
Даъвоси йўқ эрур найманнинг тахтга.
Бироз иззатталаб эди сардорлар,
Гурурнинг қурбони бўлдилар бари.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Сен ўз уруғингнинг ёнин олурсен,
Ёнин олиб келдинг уларнинг доим.
Энди бу ўйинни бас айла.
Айтгил,
Орқага қайтсинлар Ҳабаш ва Элбарс,
Бекор тўқилмасин одамлар қони.
Бор, ана, от-улов тайёр.

Г у л с и м б о н у.
Йўқ, бўлмас,
Тоқим бажарилмас экан шартлари,
Қўлдан қўймагайлар қиличларини.
А р а б м у х а м м а д х о н.
Сен билан бош қўйиб битта ёстикқа,
Дунёга келтириб икки ўғилни
Саодат топдим деб ўйлаган эдим.
Қўйнимда ўстирган эканман илон.
Қаҳру ғазабимга учрамай десанг,
Кўзимдан нари бўл, кет.
(жунбушга келиб)
Кет дедим!

Г у л с и м б о н у.
Демакки, уруш. Ў, қандайин даҳшат,
Отани маҳв этур ўз ўғиллари.



Тўғри, ишонурсиз бошка ўғлингиз –
Исфандиёр ила Абулғозига.
Бирин Ҳазораспга ҳоким этдингиз,
Бири Кот ҳокими. Иккалови ҳам
Шундоқ ёнингизда, қанотингизда.
Аммо менинг икки ўғлимни эса
Қўйдингиз Урганчда, кўздан йирокда.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Кўхна қалъамизга ҳокимдур олар,
Камми бу мартаба, камми ҳокимлик?
(сукут)

Энди найман шартин қўйиб ўртага
Устимга бостириб келаётирлар.
Сен бўлсанг...

(қўл силтаб)
Оларга ён босиб бунда
Қоним қайнатишдин лаззат топасен.

Г у л с и м б о н у.
Мен сизни офатдан огоҳ айладим,
Майли, не қилсангиз қилинг.
Сиз... хонсиз...

Кетади. Ҳарб кийимида Исфандиёр ва Абулғози султонлар киришади.

И с ф а н д и ё р.
Падари бузруквор! Фармони олий
Жо-бажо этилди. Бори черигим
Шай бўлиб амрингиз кутмоқда бунда.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Боракалло, ўғлим. Черик шайлиги
Паймон шайлигидур ва жон шайлиги.
Ўғлим Абулғози, сенинг черигинг
Нечун кўринмайдур, не хол юз бермиш?

А б у л ғ о з и.
Черигим қолдирдим Аму бўйида,
Аввал айтай дедим сизга бир ўйим.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Не ўйинг бўлса айт.

А б у л ғ о з и.

Черигимни мен

Бунда келтиргунча кетгувчи вақтни
Олға юрмоқликка сарф айламоқ,
Фурсатни бой бермай манзилга етмоқ,
Ўқдай отилмоққа изн сўрайман.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Якка чопмоқликдин мақсадинг недур?

А б у л ғ о з и.

Сизга итоатгўй халқ кўп ўбада,
Амрингиз оларга аён айласам,
Бори туғ остида бўлур жамулжам.
Бу ёқдан то етиб боргунча сизлар
Халойиқ савашга шай бўлиб тургай.
Баримиз бир бўлиб кирсак савашга
Ҳабашлар қочгайлар битта ўқ отмай.
Сўнг менга ижозат бўлса магарам
Қувиб етгайман-да нонкўрларни бот
Бошларин танидин жудо этгайман.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Буни ким ўргатди?

А б у л ғ о з и.

Ўз сўзим эрур.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Бир айтдинг бул сўзни, бошқа демагил,
Ини, ахир, сенга Ҳабаш ва Элбарс.
Менга ўғул бўлур не қилса улар,
Ота ўз ўғлини қатл айларми?

А б у л ғ о з и.

Ўлдирса майлими отани ўғул?



И с ф а н д и ё р.

Бизни ҳам осмокқа тайёрлаган дор.

А б у л ғ о з и.

Отланай йўлга мен, изн айланг, ота!

А р а б м у х а м м а д х о н.

Билурсиз, савашдан қайтмаганман ҳеч,

Отим тап тортмаган ёғийдан сира.

(Сукут. Абулғозига)

Сен онанг корнида ҳомила эдинг,

Мана-мана сени кутардик ҳамма.

Айни ёз, юрт обод, эл дориламон.

Тўйга ҳозирланиб турарди Хива.

Дафъатан Урганчга ёприлди ёғий,

Хивадан то Урганч етиб боргунча

Ўрус казаклари талаб кальани,

Қизлар номусига этмиш тажовуз.

Бир қувват бахш этди Худойим менга,

Темирни кесгудай қиличим дами.

Ер тишлар эди ёв беролмайин дош.

Тирик қолганлари қочгач сахрога,

Қувиб қатл айладим битта қолдирмай.

Сен зафар онида келдинг дунёга,

Шундан Абулғози қўйдим исмингни.

(Сукут)

Ҳозир ҳам қўл чўзса қай ёғий элга,

Ахволи шу бўлур, бунга шубҳа йўқ.

Аммо ёғий эмас Ҳабашу Элбарс.

И с ф а н д и ё р.

Тушуниб турибман. Оғир, кўп оғир,

Аммо савашмоқдин ўзга чора йўқ.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Оркага қайтиш... Йўқ, мумкин эрмас,

Бостириб олдинга юрмоқ ҳам мушкул.

Яхшиси, шу ерда турайлик пича,

Шу ерда жам этмок лозим кучларни.
Абулғози ўғлим, дарё сори бор,
Олиб келгил бунда черигинг буткул.
Шамсиддин хожа ҳам қайтар ул ёқдин...
Эҳтимол яхши бир хабар келтирар.

А б у л ғ о з и.

Бунга ишонмасмен, яраш ниятин
Қабул айламаслар ҳабашлар асло.

И с ф а н д и ё р.

Бекор борди асли Шамсиддин хожа,
Яраш таклиф этмок ўзи ғалати.
Буни кўрқокликка йўярлар албат.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Ўлимдин кўрқмоқлик менга бегона,
Буни билурсанлар, олар ҳам билур.
Аmmo бир кўркув бор менинг кўнглимда –
Ўз болам бошини кесмок кўркуви.

Ака ўз инисин, ини оғасин

Қатл айлаганин кўрмоқ кўркуви.

Буни кўрмоқликдин яхшироқ эрур

Қора кўзларимнинг оқиб тушгани.

(Сукут)

Энди сизлар боринг.

И с ф а н д и ё р.

Ўғилларимни олиб чиқай девди келинингиз.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Ҳа,

Олиб чиксин бунда ахтиқларимни.

Яхшиям оларни кўрмоқ бахти бор.

Шахзодалар чиқади. Икки ўғилчасини етаклаб Гавхар хоним киради. Болалар эркалаб бувасининг бўйнига осилади, тиззаларига миниб ўлтиришади. Арабмуҳаммадхонда маъюсликдан асар ҳам қолмайди.





А р а б м у х а м м а д х о н.
Менинг тойчоқларим, эркатойларим,
Кўрар кўзларимнинг оку қораси.
(Нурмухаммадга)
Полвон бўлибсан-ку сен-а.

Н у р м у х а м м а д.
(Уқасини кўрсатиб)
Мен буни
Курашда йикканман.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Сен-чи, полвонча,
Кучинг етмайдими акангга ҳечам?

Ш е р м у х а м м а д.
Мен кураш тушмийман. Мен шеър айтаман.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Қани айт, кулоғим буткул сендадур.
(Бола гаптини йўқотиб шошиб қолади.)

Г а в ҳ а р х о н и м.
Анавини айт-чи, бодом-бодомни.

Ш е р м у х а м м а д.
Оқ гулли бодом, бодом,
Шокила бодом-бодом.
Куз момо ҳовуч-ҳовуч
Обкелди бодом, бодом.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Боракалло, буни ўзинг ёздингми?

Н у р м у х а м м а д.
Билмийди, билмийди. Ойим ёзганлар.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Ойиси ёзганин айтса ҳам зўр-да.
Қани, айт-чи сен ҳам.

Н у р м у х а м м а д.
Шеър билмийман,
Кураш тушаман мен.
(Укасига)
Қани, кел бунда.

Г а в ҳ а р х о н и м.
Бўлди, бўлди, тойчоқ. Боринглар энди.
Канизак кириб болаларни олиб чиқади.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Болалик яхшидур, борлиқни олар
Топ-тоза кўрарлар. Осмон тиниғу
Ер чангу ғубордан бегона гўё.
Оламни бундаин нурафшон кўрмок
Ў, қандай саодат, бекиёс икбол.
Афсуслар бўлғайким, бундай ёруғлик
Кўз очиб-юмгунча бўлар зим-ғойиб.
Бирпасда болалик ўтар-да-кетар.
Кейин инсон кўзи кўради бир-бир
Олам ва одамнинг ноқисликларин.
Шундан тоза кўнглин ғуборлар қоплаб,
Ўзи ҳам ноқислик лойига ботар.

Г а в ҳ а р х о н и м.
Одам ноқис бўлса, айбдорми ҳаёт?

А р а б м у х а м м а д х о н.
Сен зукко жувонсен. Отанг улуғ шайх,
Онанг назмгўйдир. Оларнинг қони
Оқар, ахир, сенинг томирларингда.
Сен ила гаплашмоқ ўзи бир неъмат.
Саволинг ўринли. Одам қусрига
Ҳаёт айбдор деса кўринур ғалат.
Аммо шу аёнки, инсон камоли
Ҳаёт камолидин олур озуқа.
Лекин ким ҳаётни баркамол этур?
Равшанки, инсонлар, яхши инсонлар,
Афсуски, ёмонлар урчимокда кўп.





Г а в х а р х о н и м.

Бу яхши оналар камлигидандур,
Ёмонлиқ киради одам конига
Она сути билан дегансиз бир вақт.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Назарда тутганмен Ҳабаш, Элбарсни...

Г а в х а р х о н и м.

Бир ойча муқаддам... Ўғилларимни
Кўриб боғда Элбарс бокди ғалати.
Ва бирдан қутуриб, икки ўғлингни
Бўғиб ўлдирамен яқинда, деди.
Тинчим йўқ ўшандан бери.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Қуюнма,
Ҳасаддан айтганга ўхшар бу гапни.
Алами бор чиқар Исфандиёрда,
Ва битта ундамас...

Г а в х а р х о н и м.

Майли, мен борай.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Бор, қизим, кўнглингни хотиржам тут-у
Кўздан қочирмагил ўғилларингни...

Гавҳар хоним чиқади. Арабмухаммадхон чодирига йўл олади. Тун чўқади. Машғала ва шамлар ёқилади. Аллақайда ит хуради. Бўри увлайди. Мушук миёвлайди. Оёқ товуши эшитилгандай бўлади. Бировнинг бўғик йўтали, қоровулнинг хурраги эшитилади. Арабмухаммадхоннинг таҳликали овози келади.

А р а б м у х а м м а д х о н о в о з и.

Ў, алвасти, ў, жодугар!

Г у л с и м б о н у о в о з и.

Бўйнимни қўйиб юборинг. Ўлиб қоламен...



Ф И Г О Н:

Я К К А О В О З.

Қўйнимдаги илоним,
Йўлимдаги чаёним,
Ташна бўлиб конимга,
Ханжар санчар жонимга.

Г У Р У Қ.

Ўзимдин чиққан балога
Қайга борай давога

Иккинчи кўриниш

Ўша жой. Хон ўз ўрнида. Ёнида Исфандиёр ва Абулғози, Гавҳар хоним, маҳрам ва мулозимлар. Қаршида сочлари тўзғиган, қўли боғланган Гулсимбону.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Билардим мен сенинг жоҳиллигингни,
Қаҳринг қаттиқлигин дағи билардим.
Менга ёмонликлар тилаб ҳар куни
Куйиб-ёнишингни айтарди кўзинг.
Аммоки оқ-оппоқ қўлларинг сенинг
Қора бўлиб ҳатто зим-зиё тундан
Қўрғошин қуяр деб кулоқларимга
Ўйлаган эмасмен... Билган эмасмен
Сенинг қотилликка қодирлигингни.
Сен чаён экансен.

Г у л с и м б о н у.
Чаён бўлсам мен
Бўлдим олий даргоҳ захрини ютиб.
Аввал бир гул эдим, боғимда ўсган.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Эй, эси паст аёл, беақл вужуд,
Ҳеч қачон чаёнга айланарми гул.
Чаён чаён бўлиб туғилар.
Аммо





Гоҳи кирар гулнинг киёфасига.
Гулга ўхшаб нозу карашма килиб,
Қўйнингга кирар-да нишини санчар.
Кўрган кўзга бир гул, малика элга,
Аммо барг остида ниши яширин.
Менга-да у ҳозир кўринди бирдан.
Энди у ҳар қандай жазога лойиқ.

Г у л с и м б о н у.

Шундайми? Розимен не жазо бўлса,
Зиндон яхши менга бул тирикликдин.
Бундай яшамокдин ўлим яхшидур.
(Гавҳар хонимни кўрсатиб)
Ҳатто манавилар мандан юкори,
Эрка ҳам шулардир, тантик ҳам шулар.
Малика гўёки булар.
Мен эсам...
Битга канизакча кадрим йўқ.

Г а в ҳ а р х о н и м.

Тавба,
Ким сотиб олибди кадру кимматни?
Бозорда топилмас бундайин неъмат.

Г у л с и м б о н у.

Бир қарич келади буларнинг тили.
Мен ва менинг оқил ўғилларим-чи?
Яшармиз кўздан ва дилдан йироқда.
Менинг ўғилларим тож кийса арзир.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Сенинг хомхаёлинг кўп разил эрур
Мени ўлдирсангу хон бўлса боланг,
Сўнг ўғлинг гўрлигин айласангу пеш
Ўзинг салтанатга бўлаколсанг бош.

И с ф а н д и ё р.

Иймондин устунми тожу тахт ҳирси,
Бул ҳавас ортикми адлу инсофдин?!

Г у л с и м б о н у.
Сен-чи? Тожу тахтни истамасмусен?
Билурмен, тушингда хон кўриб ўзни,
Отангинг ўлимин тилаб юарсен...

А б у л ғ о з и.
Ё тавба, шуҳратли малика шуми?
Шуни биз ардоқлаб келдикми?

Г у л с и м б о н у.
Аввал
Ўзингга боккину сўнг ноғора коқ.
Менинг ўғилларим сенлардан авло.
Тахтга ўлтирурлар бугунми-эрта.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Кошки бўлса сенда қувваи салоҳ,
Кошки болаларда бўлса бир идрок,
Мен ўзим қўш қўллаб тожу тахтимни
Топширган бўлардим балки сенларга.
Бир улкан кемага ўхшар салтанат,
У сузиб боради тўлқинлар оша,
Магарам беақл бўлса дарғаси
Ё чўкиб йўқ бўлиб кетар бу кема,
Қирғоққа урилиб ё бўлар ҳалок.
Сен қайда эрурсен, ул кема қайда,
Қани уммон йўлин билгувчи ўғул.
Найманни пеш этиб, айрича мавқе,
Амаллар сўрашдур сенларнинг коринг.

Г у л с и м б о н у.
Худо назар солган уруғдир найман,
Онинг жасорати азалдан маълум.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Ўзни тарозига солиб бир вақтлар
Қипчоқлар биз зўрмиз ҳаммадан, деган.
Қипчоқ Туркон хотун буюк Хоразм
Шоҳи деб санаган ўзини-ўзи.



Синдирган ўз ўғли Хоразмшоҳни.
Чингизга ем бўлди шундан Хоразм.
Энди сен буюклик даъво этурсен,
Билмассен, сенинг бу телба даъвоинг
Эркин мамлакатнинг оёқларига
Кишанлар соладур.
Сенинг ўзингни
Жаханнам ўтига ташлар, унутма.

А б у л ғ о з и.

(Ўз-ўзига)

Бирикмас экан то уруғ-аймоқлар,
Бари бир оила фарзандларидек
Ахил, баҳамжиҳат яшамас экан,
Ором нималигин билмас салтанат.
Малика жадали эса...

Тузилган

Рубобнинг торларин узиш деган гап.

Г у л с и м б о н у.

Ким ёнар, ким ёнмас дўзах ўтида
Аёндур Худонинг ўзига ёлғиз.
Сен менинг йўлимни тўсма ва менинг
Иккала ўғлимнинг айтганини қил.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Сени ўлдирганга ёғилур раҳмат,
Аммоки, сени мен қатл этмасмен.
Банди айлагайман ҳамишаликка,
Ўзингнинг ёғингга ўзинг қоврулиб,
Умрингни зиндонда ўтказажаксен.
Олиб чиқинг буни.

Г у л с и м б о н у.

Билиб қўйгилки,
Ким банди бўлару зиндонда чирир,
Аён бўлажакдур кўз очиб-юммай,
Кўз очиб-юммасдан икки ўғлимнинг

Бири хон бўлажак ва бири вазир.
Ҳа-ха, хону вазир.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Олиб чиқинг тез!

Учинчи кўриниш

Ўша жой. Арабмухаммадхон ва Шамсиддин Хожа.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Қандай хабар олиб келдингиз, Хожа?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Кошки олакелсам эди хушxabар,
Нияти кўп бузуқ шаҳзодаларнинг.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Нуфуз тилармилар найманга ортик.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Билдикки, оларга найман баҳона,
Аслида оларнинг талаби бошқа.
Талабгор эрурлар тож-тахтга.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Яъни?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Топширар эмишсиз оларга тахтни.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Шундай дедиларми?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Минг афсус, шундай.
Бун эшитгандин кўра кулоғим
Кар бўлса эди кошки.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Ёраб! Шайтоннинг
Алдови сира ҳам ҳад билмас экан.





Оғзининг сариғи кетмаган бола,
Йўкса, пошшоликни даъво этарми?
Шайтон йўлдан урган буларни, шайтон.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Тилим бормай турар яна бир гапга.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Айтинг, Хожа, айтинг.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Ўшал ерда мен
Кўрдим нақ шайтонни. У аврар эди
Икки шахзодани жангу жадалга.
Тожу тахт сизники, дер эди нукул.
Гўё бир амаллаб шайтони лаин
Кирмиш Қурбон хожи киёфасига.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Не дерсиз, кулоғим эшитар нени?
Менинг оталиғим, менинг ўнг қўлим,
Вазир Қурбон хожи ўша ердами?

Шамсиддин Хожа надомат ила бош ирғайди.
Маълумингизким, мен уни пойтахтда
Ўзимнинг ўрнимда колдириб эдим.
Хивани сакла, деб эдим кўз янглиғ.
Ул эса... Ў, сотқин, ў, илон!!!

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Ўша
Бошлаб борган ўзи Хива черигин,
Кўш қўллаб топширган шахзодаларга.
Хива калитин ҳам берган.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Водариғ!
Мен онга ўзимга ишонган каби
Ишонар эдим-а!
Сизнинг сўзларни
Олмаган эдим-а инобатга.



Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Ул

Зимдан қазир эди, ахир,
Сизга чоҳ. Кўзим кўрар эди онинг ичини.
Сон мингта жаҳолат қуртлари унда
Гимирлаб ётарди кеча-ю кундуз.
Малика ила ул бириктирмиш тил.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Курбон оталиқки, қилмиш хиёнат,
Сотқинлик қилмишки, суюнган тоғим,
Энди мен саройда кимга ишонай,
Марҳамат кўрсатай қай бир аъёнга?
Гарчи садоқатдан қасам ичарлар,
Жонларин беришга турарлар тайёр,
Аммо пайти келса оталиқ янглиғ
Жонингни суғуриб олмоқ бўларлар.
Қандай разолат бу, қандай жаҳолат,
Қачон камолотга етур аҳли жоҳ?
Бу ёқда... ўз завжам қулоқларимга
Кўрғошин қуймоқчи бўлар. Ё Раббий!

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Тожу тахт ҳаваси бандаларини
Не кўйга солмайди, нелар килдирмас?
Оларга қолса тахт, юрт бўлур вайрон.
Булбуллар ўрнини эгаллар зоғлар.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Мўғул босқинидин кейин бул юртнинг
Тўрт юз йил устидан кетмади булут,
Тўрт юз йил бағридин отилди оҳлар.
Букилган қоматин тикламоқ бўлиб,
Жон фидо этдилар онга не эрлар.
Ўлса бири магар онинг ўрнида
Янгитдан ўн, юзи, минги тортди саф.
Элнинг ярасиға бўлдилар малҳам,
Гуллар яратдилар чангал ўрнида.





Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Шукур, шамол тегди элнинг кўксига,
Кўксин тиклаб олди ўксик Хива ҳам.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Эвоҳ, энди онинг кўксига ногоҳ
Пичок урмоқ бўлур бевош ўғуллар.
Ёғий этолмаган ишни ўз пуштим
Бажо айламоққа қасд этиб турар.
Бундин ортиқ бўлмас юзи қаролиғ,
Қасофат йўқ турур бундин ортиқроқ.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Олар отга минган, вақт ўтиб борур.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Мен йўлга чиқувдим урушмоқкамас,
Кўрқув солмоқликка олар кўнглига.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Худодан кўркмаган отадин кўркмас.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Шарманда уруш бу. Ў, қандай даҳшат,
Майдонга от солиб ота-ўғуллар
Қонини тўксалар бири-бирининг!!!
(Мулозимга)

Кирсин Абулғози, Исфандиёрлар.

Тўртинчи кўриниш

Ўша жой. Тун. Машғала кўтарган одамлар ундан-бунга югуриб ўта бошлайдилар. Жанг ноғоралари чалинади. Ўқ товуши, қилич саси, отларнинг кишнаши, бакирик-чакириклар борлиқни тутади. Машғала ёруғида уруш лаҳзалари акс этади. Хон чодири қулайди.

Олов. Тутун. Хотинларнинг, болаларнинг фарёдлари. Ҳарб кийимида Ҳабаш, Элбарс, уларнинг кетидан Қурбон ҳожи шиддат билан кириб келишади. Ён томонда Арабмухаммадхон. Унинг ёнида Шамсиддин Хожа.



Ҳ а б а ш.
Онамиз қайдалар?
Ғалаба они
Нечун чикмайдилар бизларга пешвоз.
Ичкаридан Гулсимбонунинг инграгани эшитилади.

Қ у р б о н х о ж и.
Волидангиз? Вожаб!

Ҳ а б а ш.
(Мулозимларга)
Имдод айланг тез.

Э л б а р с.
Юз берди не холат?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Суикасд айлаб
Ўлдирмоқ бўлди ул падарингизни.
Қўлига кишан солинган Гулсимбонуни олиб чикишади.

Г у л с и м б о н у.
Жўмард ўғилларим, шункорларим-ей.

Ҳ а б а ш.
Ечинг қўлларини.

Э л б а р с.
Бахти қаролар
Онамиз бахтига солишибди чанг.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Ўз ўғлин эрига қарши кайраган
Хотундан бахтсизрок хотун бўлурми?
Ҳали оқ-қорани билишдан ожиз
Ўғулни хон қилмоқ васвасасидан
Эсини йўқотган она ҳаёти
Ҳаётлар ичида энг бадбахтидур.
Элни расво этур чунки бу савдо.





Ҳ а б а ш.

Машмаша не ҳожат?

Бажарилсин шарт.

Нени талаб этдик, адо айлансин.

Э л б а р с.

Онамиз мутлақо айбсиз эрурлар,

Халққа етказулсин ушбу ҳақиқат.

Ҳ а б а ш.

Эътироф этулсин найман нуфузи.

Қатл айланган ул сардорлар бари

Оқлансун ва олар тутган маснадлар

Қайтариб берулсин ўғилларига.

Қ у р б о н ҳ о ж и.

Бу икки довюрак султоннинг бири

Хони аъзам дея эълон қилинсин.

Бирига Ҳазорасп этилсин ҳадя.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Ўзунгни унутиб қўйма, яхшимас,

Не керак, оғзингга сиққанини айт.

Маснад тарозуга қўйилган дамда

Доим оғир келган хиёнат тоши.

Ҳ а б а ш.

Унга мартабани ўзум берурмен.

Э л б а р с.

Жавоби айтилсун шартларнинг фақат.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Жавоб бермаслигим лозим шартларга,

Майли, мен айтайин.

Сенларнинг онанг

Суиқасд айлади менинг жонимга.

Эрининг жонига қасд этган хотун

Ўлумга лойиқдур, афвга эмас.

Дағи ул найманни бари уруғлар,

Барча кавмлардан кўяр-да устун,
Талаб айлар онга бўлак имтиёз.
Найманнинг ҳеч кимдин ортик жойи йўк,
Бари элу элат эрур теппа-тенг.
Қиёту кипчоғу кўнғирот, манғит
Ва бошқа уруғ-аймоқлар бари
Фарзанди эрурлар Одам Атонинг.
Хиёнат этгани учун сардорлар
Қатл айлаганмен, билур халойик.
Оларни оқламоқ уруғлар ичра
Адоват уйғотур, уруш кўзғатур.
Оқланмагай олар қиёматда ҳам.
Келгуси хон ҳақда эса гап аён,
Тахтнинг валиахди Исфандиёрдур.

Ҳ а б а ш.

У мендин енгилиб қочиб кетди-ку.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Қочиб кетди, аммо ўлгани йўктур.

Э л б а р с.

Ўлмаса ўладур, ўлдириладур.

Ҳ а б а ш.

Қочиб кетди, ахир, Абулғози ҳам,
Сўярмиз уни-да ҳўкиз сўйгандай.

Э л б а р с.

Эгаси йўқ тахтнинг бизлардан бўлак.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Турар қаршингизда тахтнинг соҳиби,
Арабмухаммадхон – сарватли тождор.
Узоғу яқинда маълум шуҳрати.
Падари бузруквор қўлларин ечиб,
Узр сўрамоқлик ондин жоиздур.
Ҳар неки гап бўлса айтилуру кейин.



Қ у р б о н ҳ о ж и.

(Тилёғламалик билан)

Пири аъзам айтган гапда жон йўқмас,
Хонга ҳали ҳам кўп озор етказдик.
Тили боғлиқ бўлур кўли боғлиқнинг.

Ҳ а б а ш.

Кўллари ечилсин.

Г у л с и м б о н у.

Айни пайтидур

Йиғилса шу жойга аҳли уламо

Ҳамда аҳли аъён. Шамсиддин Хожа

Мақсадни оларга ошкор айласин.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Не мақсадни айтурсиз?

Қ у р б о н ҳ о ж и.

Хожа,

Сиз зукко шайхсиз, пири аъзамсиз,

Сардори эурсиз уламоларнинг.

Олар гапингизни икки қилмаслар.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Ҳануз тушунмадим.

Аҳли уламо

Икки қилмас экан қайси гапимни?

Г у л с и м б о н у.

Оларга айтурсиз, мамлакат хони

Арабмухаммадхон ўз хоҳиши-ла

Тахтидин воз кечур.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Астағфируллоҳ!

Ишонгим келмайдур кулоқларимга.

Қандоқ шаккоклик бу, қандоқ бедодлик?!

А р а б м у х а м м а д х о н.
Борди-ю хонликдин воз кечар эсам
Тахтга ким ўлтирар?

Қ у р б о н х о ж и.
Бу кундай равшан,
Ёки Ҳабаш султон, ё Элбарс султон.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Аммо ондин олдин бор битта юмуш,
Шу ерда, шу дамда сенинг бижғиган
Бошинг кесилмоғи даркор аввало.

Қ у р б о н х о ж и.
Менингмас, бижғиган у сенинг бошинг,
Шундин қилар ишинг телба-тескари.
Бошга чиқардинг-ку уламоларни,
Юртни ҳам, ризкни ҳам оларға бердинг.
Иzzат ҳам, ҳурмат ҳам шуларникидур.
Элни боқадурган уламо эмас,
Неси бор оларнинг тилидин бўлак.
Элни боқар бойлар, мулкдор одамлар,
Асли эътиборга олар лойиқдур.
Сен эсанг... Э, сенинг йўлинг тескари,
Сенинг қанотингда юргандин кўра
Қирқилгани яхши қанотларимнинг.
Кўлингдин келса гар чақир жаллодни,
Иста – бошимни ол, иста – дорга ос.
Аммо сен на унга, на бунга кодир,
Сенинг энди фақат сувратинг қолган,
Ҳа, сен энди қуруқ сувратсен, суврат.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Сен мендин яшириб ичингни, демак,
Сиртингни силлиқлаб кўрсатибсан-да.
Магарам ичингни ошқор айласанг,
Каҳримга учрашдин кўрққансен, тулки.
Сен билмас экансен илм аҳлининг



Мўъжиза яратиш кучу кувватин.
Ер ва осмон сири, олам ва одам,
Ўтмишу ҳозир эртанги куннинг
Аслини кўргувчи аҳли уламо.
Сен айтган бойлару мулкдорларнинг ҳам
Кўрар кўзларидур, зиёларидур.
Илм ила маърифат топталган юртда
Топталмай қолмагай одамнинг кадри.
Ушбу ҳақиқатни билмаган вазир,
Аъёндин чўлдаги чўпон расодур.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Оталиқ оғзидин чиққан сўзларга
Ёқа ушламоқдин ўзга чора йўқ.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Мен бу қабоҳатдин таажжуб этмасмен,
Тўйдирган султонин сотган оталиқ
Қодирдур бундин-да ортиқ шумликка.
Мен таажжуб этамен, икки ўғлимнинг
Икки дилбандимнинг тўғри йўл қолиб,
Шайтонлар изидин юриб баногоҳ
Бадбахт бир кўчага кирганларига.
Мен таажжуб этамен, кеча бағримда
Ўйнатиб ўлтирган икки фарзандим
Бугун мўйлаблари чиқиб-чиқмаёқ
Менга мушт кўтариб, тахтга чиқмоқлик
Қасдида ақлини еганларига.

Қ у р б о н х о ж и.
Гап эмас, керакдур фармон.

Г у л с и м б о н у.
Ҳа, шул дам
Бошга тож киймоғи даркор бир ўғлим.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Тож сенга керакдур ва ана унга.
Тожни бола кийиб, айшни сен суриб



Юрмюкни кўзлабсен.

Эй, ношуд хотун...

Э л б а р с.

Онамга асло тил тегизилмасун!

А р а б м у х а м м а д х о н.

(Гулсимбонуга)

Сўзим эшитиб ол охиригача,

Ва сен ҳам эшитгил, эй, сотқин кимса,

Сенлар мендин фармон кутаяпсанлар.

Фармонни айтамен ҳозир. Унгача

Айтар гапларим бор ўғулларимга.

Холи қолдиринглар бизни.

Ҳ а б а ш.

Йўк, ёлғиз

Қолишлик ҳожатмас.

Э л б а р с.

Онамиздин ва

Оталиғимиздин асроримиз йўк.

Неки гап, фармон бор, оларсиз бўлмас.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Демак, дилимдаги дардли гапларим,

Юрагим тубида қолурлар пинҳон.

Мен хон можаросин қўйиб бир четга,

Оддий ота бўлиб оддий ўғулга

Айтайин деб эдим бир-икки калом.

Майлига... энди гап эса бундоғдур.

Розимен, йиғилсин уламолару

Аъёну катхудо, хўжа-саййидлар.

Тахтнинг тақдирини этсинлар ажрим.

Қ у р б о н х о ж и.

Оларнинг олдида тахтдин кечдим деб

Айта олурмилар ўзлари яккаш?





Гулсимбону.

Эълон этадурми Шамсиддин хожа
Янги хон номини ўша ондаёқ?

Шамсиддин Хожа.

Шукурким, хон тирик, соғу саломат,
Шуни кўриш бахтдур аҳли мўминга.
Бошга кўтарурлар олий ҳазратни.

Гулсимбону.

Демак, биз қолурмиз оёқ остида?

Шамсиддин Хожа.

Иншооллоҳ хонум...

Элбарс.

Аҳли уламо,
Хўжа-сайидларга бало борми?

Ҳабаш.

Хон ўз қарорини ҳозирок айтсин.

Арабмухаммадхон.

Қарор. Фармон... Аввал инсофга келиб,
Қон истар тигларни солинг қинларга.

Адоват уруғин қурутиб буткул,
Меҳр уруғини дилларга сочинг.

Тавба-тазарруни келтиринг тилга.

Гуноҳ қилиб қўйган фарзандга монанд

Олдимда тиз чўкиб сўранг узрлар.

Шул эрур сенларга охирги сўзим.

Ҳабаш.

Э, бўлди, қолмади сабру тоқатим,

Қуруқ гап, фалсафа тегди жонимга.

Узр сўранг эмиш...

Қаҳ-қаҳ қулади.

Элбарс.

Қачон ғолиблар

Узр сўраганлар енгилганлардан.

Ҳа, биз ғолиблармиз, фармонни умас,
Энди биз берамизда-ҳа, биз.

Ҳ а б а ш.
Жаллод!

Жаллод киради.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Охир замон яқин қолганга ўхшар,
Ўғул тиз чўқтирмак бўлса отани,
Отани жаҳолат лойига қорса,
Охир замондин бу эмасми дарак.
Хоразм ҳеч қачон, ҳеч бир замонда
Бундай касофатни кўрмаган, кўрмас!

Э л б а р с.
Хукм бундоғ эрур.
Музтар ва мағлуб,
Қайсар хон лойиқдур асли ўлимга.

Ҳ а б а ш.
Аммо тайин этдик унга ўлимдин
Оғирроқ бир жазо...
Амр этамен
Онинг кўзларига мил тортилсин тез.

Э л б а р с.
Кўзлари ҳозироқ ўйиб ташлансин.

ФИҒОН:

Г У Р У Ҳ.
Ўзимдин чиққан балога
Қайга борай даъвога?

Я К К А О В О З.
Эвоҳ, пушти камарим
Бўғзимдаги ханжарим.
Қўйнимдаги илоним,
Йўлимдаги чаёним.

Г У Р У Ҳ.



Ўзимдан чиққан балога
Қайга борай даъвога?

ИККИНЧИ ҚИСМ

Бешинчи кўриниш

Хива дарвозаси олди. Бир томонда уламолар, хунармандлар, дехконлар. Иккинчи томонда Арабмухаммадхон, Шамсиддин хожа, хизматкор ва соқчилар. Ўртадаги баландликда янги тайинланган найман амалдорлари, ясовулбоши ва унинг амалдорлари.

М у д а р р и с.

Бу не бедодликдур, бу не қабохат,
Отасин кўзини ўйса ўғиллар,
Ман этса Хивага кирмоқлигини.
Бундай ўғилларга лаънатлар бўлсин.

М у т а в а л л и.

Қалъа дарвозаси очилсин дарҳол,
Хони аъзам кирсин қароргоҳига.
Шаккок ўғилларга берилсин жазо.

Х а л о й и к.

Дарвоза очилсин, Аркка кирсин хон!

Ш а й х.

Фармон эълон этмиш кеча шахзода,
Унга кўра бори вакф ерлари
Масжид-мадрасадан олинаркану
Бўлиб бериларкан бойваччаларга.
Фармон чиқаришга фақат хон ҳакли,
Тахтига ўлтирсин хони муаззам.

Х а л о й и к.

Йўкса, синдирамиз дарвозаларни!

Я с о в у л б о ш и.

Сенларнинг қўлингни синдираман мен.

Ғала-ғовур авжига чиқади.

А р а б м у х а м м а д х о н .

Азиз элдошларим, тинчланинг, тўхтанг,
Мен сизнинг сўзларни эъзоз этурмен.
Юзингиз кўрмоқдин бўлсам-да маҳрум,
Сизнинг изтиробли чехрангизни мен
Қалбим кўзи ила турибмен кўриб.
Сизнинг дилингизда ловуллаган ўт
Тафтидин куймоқда киприк-қошларим.
Аммо бардошингиз чиқмасин издан,
Дарвоза қулфинмас, қабоҳат ва қин,
Жаҳолат уясин бузмагунча то
Ором билмас замин, ёришмас осмон.
Сабр ато этсин Оллоҳ муслимга.

М у т а в а л л и .

Бардошу чидамнинг чегараси бор,
Тўлиб кетди, ахир, сабр косаси.

М у д а р р и с .

Онасин бағридин юлиб қизларни
Олиб кетмоқдалар тинмай ҳарамга.
Оёкости бўлди номус, орият.

М у т а в а л л и .

Найман сардорлари чикдилар бошга,
Сув бошин бурдилар ўзлари томон.
Сўзлаган одамнинг тилин кесурлар.

Х а л о й и қ .

Йўқолсин найманнинг корчалонлари!

Н а й м а н с а р д о р л а р и .

Сенларнинг кунларинг битди, муртадлар!

Ш а й х .

Онҳазрат, изн айланг, Бухоро бориб,
Имомқулихондин сўрайлик мадад.
Амир ёрдам қўлин чўзмоғи тайин.



А р а б м у х а м м а д х о н.
Имдод сўрамангиз ўзгалардин йўк,
Дард берган берадур чорасини ҳам.

Х а л о й и к.
Савашмоқдин ўзга қолмади чора.

Я с о в у л б о ш и.
Халойик, айтурмен такрор, эшитгил,
Таслим бўлди жангда Арабмухаммад,
Олиб борилур у Қум қальасига.
Сенларнинг ғавғо-ю жанжалинг бекор,
Қани, тез таркал, бўл, қоним қайнатма.
Миршаблар, бос милтиқ тепкиларини.
Арабмухаммадхон хаяжон ичида ўртага чикади.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Ошма сен ҳаддингдин, ясовулбоши,
Бурнин қонатсанг гар битта одамнинг
Минглаган одамлар кўтаражак бош.

Я с о в у л б о ш и.
Кўтариб кўрсин-чи, кириб ташлайман!

А р а б м у х а м м а д х о н.
Тўхта, тўхта, каззоб! Амр этамен
Қайтар миршабларни орқага дархол.

Я с о в у л б о ш и.
Чакача қадри йўк амрингнинг менга.
Мен бажо этамен тахтда ўлтирган
Ҳабаш султонларнинг фармонларини.
Миршаблар, ақлини кирит буларнинг.

Одамлар ясовулбоши ва миршаблар устига тош ёғдира бошлайди.
Ғала-говурни ўк товушлари босиб кетади. Қуёш сўнади.

Ф И Ф О Н:

Ўзимдан чиққан балога,
Қайга борай даъвога?

Тонг ёришганида ён саҳнда Арабмуҳаммадхон ва унинг ёнидагиларгина қолгани аён бўлади.

Т о ж и д д и н.

(Сархумни Арабмуҳаммадхон қўлига яқин олиб боради)

Онҳазрат, бир қултум муздак сув. Олинг!

Арабмуҳаммадхон сархумни пайпаслаб олиб сувни узок ичади.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Бир дам тин олсангиз, ҳали йўл узок,

Қумқалъа йўллари кўп пасту баланд.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Энди тин қайдадур менга, эй, Хожа,

Умрим кечар энди ғам бўҳронида.

(Соқчилар сардори турган томонни чамалаб)

Қалъа дарвозаси очилмас экан,

Нечун олиб келдинг мени Хивага?

С а р д о р.

Аввал амр бўлди Хивага, дея,

Энди бошқа фармон.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

(Ўз-ўзига)

Хивада ўлсам

Тузук бўлур эди. Ўз тўшак-уйим.

(Шамсиддин Хожасага)

Неча одам ўлди олатасирда?

Неча бегуноҳнинг кесилди боши?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Ёстиғи қуриди кўпларнинг, эвоҳ!

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Оларни ким чорлаб келтирмиш бунда?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Фикри ожизимча, ҳеч ким, онҳазрат,

Сизни келур дея жам бўлган бари.





Меҳр изҳор айлаш пайида келиб,
Ажалнинг домига тушиб қолганлар.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Ё, Раб!

Не кунларга қолди салтанат!!!

Айтинг, менга, Хожа, шайх бошлиқ ўша

Аҳли уламодин ўлганлар кўпми?

Кўп нобуд бўлдими хунарманд аҳли?

Катхудо, улуғлар ҳоли не кечди?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Э, худо!.. Мударрис, мутаваллилар

Ҳақ йўлда жонларин қурбон этдилар.

Ҳибсга олдилар ҳазрати шайхни.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Эй, шўрлик бандалар, эй, шўрлик зотлар,

Қандай савдоларга қолди бошларинг.

Сизни ҳимоямга ололмаганим

Менинг энг охири бахтсизлигимдур.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Не ёруғ юлдузлар сўниб битдилар.

Оларни сўндирган зотлар тоабад

Иснод ботқоғидин чиқолмагайлар.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Кошки, кошки, Хожа, олар ўрнига

Мени ўлдирсалар эди бир йўла.

Мен, ахир, кўзлари ўйилган одам –

Тирик бир мурдага ҳаёт не даркор?

Тожиддин юм-юм йиғлайди.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Онҳазрат, бундаин сўзга ўрин йўқ,

Умри қисқа эрур макру хийланинг.

Қора булутларнинг чокини йиртиб,

Куёш, иншооллох, балкиб чижажак.
Сиз улуғ салтанат хонисиз ҳамон.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Сиз хон дедингизми мени? Эй, Хожа,
Мен хон эмасман, йўк, мен бахти қора,
Бечора бир одам.

Тожиддин ўзини тўхтатолмай хўнг-хўнг йиғлайди.

Ҳали халойик,
Бегуноҳ одамлар отилган чоғда
Не кўйга тушганим билдим бир ўзим
Ва бир Худо билди.

Разолатни мен
Тўхтата олишга ожизлигимдин,
Товоним ялашга кеча шай турган
Ясовулбошига тўхта, демоклик
Қурбидин маҳрумлик захрини ютиб,
Минг игна санчилди жисми жонимга.
Худога ёлбордим жонимни ол деб.
Ёрилса эди ер ва кошки мени ул
Қаърига олсайди, ютақолсайди.
Бироқ ютмади ер, ёрилмади ер,
Бегуноҳ одамлар ўлди, мен қолдим.
Қолди ер юзида сувратим, аммо
Хожа, ўлим тиланг сиз энди менга.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Оллоҳнинг бергани бўлур, онҳазрат,
Кам ё кўп бўлмағай умр ёзғитдин.
Илоҳи, умрингиз пойдор бўлға-ю
Бузилган бу юртни тузатмоқликни
Дағи ўзингизга айлағай насиб.
Анави ясовулбошилар учун
Шунда сичқон ини бўлғай минг танга.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Ким дон берса булар шунинг товуғи,
Буларда на ор бор, на дину мазҳаб.





Дарвоқе, айтинг-чи, қай ёнда Хива,
Қайси тарафдадур Кубро масжиди?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.

Бу ёқда, ҳазрати олий, бу ёқда.

Арабмухаммадхон ўгирилиб, хаяжон ичида узок туради.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Ўзим ҳам ўйловдим шул томонда деб.

Айни шу тарафдин мен сари тинмай

Окиб келур бир сас эрта сахардин.

Кулок тутиб сира илғай олмайман,

Не сирли товуш бу, не ҳазин нидо?!

Кубро масжидининг устида учган

Ғужғон каптарларнинг қанотларидин

Окиб келаётган маҳзун сасми бу!

Падари бузруквор хожи Муҳаммад

Руҳи поклари ё чинқирармиди?

Пойтахтни Хивага кўчириб ул зот

Кеча-ю кундуз кўп заҳматлар чекиб,

Қалъага бахш этган эдилар ҳусн.

Оламдин кўз юмар чоғида менга

Айтган эдиларким, Арабмуҳаммад,

Хивани ўзингга Она деб билгил,

Токи давлатинг бор, токи бор жонинг,

Инжитма Хивани, юртни инжитма,

Оқ ювиб, оқ тара, файзиёб айла!

Падари бузруквор ўгитларини

Жо айлаб қалбимнинг туби-тубига

Йигитлик кучимни бахш этдим элнинг

Тинчлиги, тўқлиги, озодлигига,

Салтанат равнақи йўлига буткул.

Йигирма йилдирки, алҳамдулиллох,

Хиванинг устидин учирмадим куш.

Энди-чи? Фалакнинг гардишин қаранг,

Хива дарвозаси бугун менга берк.

Бегона одамдай остонада мен

Турибмен ожизу нотавон. Ё, Раб!

Тепада Ясовулбоши пайдо бўлади.

Я с о в у л б о ш и.

Ҳой, сардор, ивирсиб турма бул ерда,
Жонинг керак эрса ҳайда отларни.

С а р д о р.

Намунча дағдаға, Ясовулбоши,
Жонинг керак бўлса эмиш-а...

Э, бор, буйруғинг бўлса бер миршабларингга.

Я с о в у л б о ш и.

Сен сўз қайтаришга журъат этдингми,
Бошингни узамен ҳозир сенинг, ит!

Ясовулбоши ҳамла қилмоқчи бўлганида сардор уни бошидан ошириб ерга уради. Тепада ваҳимали бонг урилади. Миршаблар қиличларини яланғочлайди.

Олтинчи кўриниш

Гавҳар хоним Аркдаги хонасида. Ёнида ўғилчалари Нурмуҳаммад ва Шермуҳаммад. Кўзларида ёш билан болаларига кийим танламоқда. Канизак унга дастёрлик қилиб турибди.

Г а в ҳ а р х о н и м.

(Нурмуҳаммадга)

Мана бу ярашар сенга, Нур болам,
Полвонга ўхшайсан кийсанг жуда ҳам.

(Шермуҳаммадга)

Сен эса кийиб ол манов камзулни,
Сипо бир шоирга ўхшаб кетасан.

Н у р м у х а м м а д.

Киймийман, киймийман.

Элбарс амакка бормийман...

У мени яхши кўрмийди.

Г а в ҳ а р х о н и м.

Кўй, ундай демагил,

Элбарс амакинг

Сени полвон деган, эшитгансан-ку.





Н у р м у х а м м а д.
Полвон деб, у мени масхара этган.

Г а в х а р х о н и м.
Қаёқдан билгансан?

Н у р м у х а м м а д.
Билганман-да.

Г а в х а р х о н и м.
Сен
Ундайин гапларни бошқа гапирма.
Қошига чорлаган, ахир, сенларни.

Ш е р м у х а м м а д.
(Камзулни томоша қилиб)
Бундай камзулларни кийса шоирлар,
Мен уни, онажон, жон деб кияман.
Шеър ўкиб бераман Элбарс амакка.
Сиз ҳам борасиз-а, онажон?

Г а в х а р х о н и м.
Мени
Амакинг қошига чорлаган эмас.
Кутиб ўлтираман сизларни бунда.

Н у р м у х а м м а д.
Нечун чорламаган сизни, онажон?

Г а в х а р х о н и м.
Гаплашмоқчидир-да йигитлар билан.
Четга хўрсиниб, кўзларидан дув-дув ёш тўкади.

Н у р м у х а м м а д.
Борарми у ерга полвон болалар?
Г а в х а р х о н и м.
Билмадим.

Н у р м у х а м м а д.
Борсалар агар барини йикитиб ташлайман.
Беринг, кўйлакни.



К а н и з а к.

Ўзим кийинтириб қўяман, юринг.

Канизак болаларни етаклаб ичкари киради.

Г а в ҳ а р х о н и м.

Нечун керак бўлиб қолди Элбарсга

Менинг норасида иккала ўғлим?

Наҳот бир ёвузлик пайида бехос

Саройга олдирар ўғилларимни?

Ахир, болаларда не айб? Ё Раббим,

Ўзинг инсоф бергил аҳли ноқисга.

Эндигина келиб ёруғ оламга

Қуёшга юзланган болаларимни

Оларнинг қаҳридин ўзинг асрагил.

Тукқан отасининг кўзин ўйдирган

Шахзода илгидин келмас бало йўқ.

Ўзинг асра, Оллоҳ, ўша балодин!!!

Канизак қумғонни кўтариб ичкаридан чиқади.

К а н и з а к.

Шапиллатиб ўйнаб сувни тўкишди,

Тўлдириб келаман қумғонни ҳозир.

Г а в ҳ а р х о н и м.

Тўхта, бирпас тўхта. Болаларимни

Чўмилтирган эдим ҳали эрталаб.

К а н и з а к.

(Кўз ёшларини яширишга уриниб)

Ортиқча бўлмас деб ўйловдим буни...

Г а в ҳ а р х о н и м.

Сен ҳам бир офатни сезмоқдамисен?

К а н и з а к.

(Ўпкаси тўлиб)

Йўқ, бекам...

Г а в ҳ а р х о н и м.

Йўқ эрса нечун йиғларсен?



К а н и з а к.

Ўзум шундок, бекам, эрта сахардин
Кемириб ётибди ичимни куртлар.

Г а в ҳ а р х о н и м.

Майли, бор, ювинтир яна бир карра.

Канизак кетади. Гавҳар хоним оғир хаёлларга толади. Канизакнинг тескари томондан қайтиб, ичкарига кириб кетганини ҳам пайкай олмайди.

Султоним, шунқорим, Исфандиёрим,
Сизга қанот ато этсин-да Оллоҳ,
Тезда етиб келиб, аждар илгидин
Қутқаринг, қутқаринг полапонларни.
Сизнинг дилбандларни, ахир, инингиз
Қатл айламоқни этгандур ният...

(Йигисини босиб)

Билурмен,

Сиз ҳозир кела олмассиз,..

Бир куни келурсиз, ўғулларимни

Кўрсат, деб сўрарсиз мен нотавондин.

Аммо ўша пайтда оларни сизга

Кўрсата олмасмен, сўзлай олмасмен.

Фақат сочларимни юлармен, бегим.

Кўз ёшлари юзларини ювганча ҳолдан тойиб ўлтиради. Ювиб-таралган, ясантирилган болаларни Канизак олиб киради. Болалар чопкиллаб оналарининг бўйинларидан кучишади.

Н у р м у ҳ а м м а д.

Сиз ҳам юрақолинг.

Ш е р м у ҳ а м м а д.

Юринг, онажон,

Кўрасиз мен қандай шеър ўқийман.

Н у р м у ҳ а м м а д.

Кураш тушганда мен чалиб оёқдан

Рақибнинг елкасин тегизиб ерга,

Бирпасда енганим кўрасиз.

Юринг!



Г а в ҳ а р х о н и м.

(Ўзини қўлга олиб)

Билурмен, зўрсизлар иккалангиз ҳам,
Менинг шербаччамсиз ўтиниб топган.
Мен Сизни шул ерда кутиб ўлтургум,
Қараб йўлингизга, кўзим тўрт бўлуб.
Бора қолинг энди.

Ҳар бирини узоқ бағрига босиб, жони оғзига келиб хайрлашади. Кани-
зак болаларни олиб чиқади. Гавҳар хоним тиз чўкиб чинқириб юборади.

Ў, чархи даввор,
Ағдарил бошимга, чилпарчин айла!!!

Голиб бир алфозда Гулсимбону киради.

Г у л с и м б о н у.
Ўтиб бораётсам кулоқларимга
Йиғига ўхшаган товуш чалинди.
Не кулфат юз берди, билайин дея
Кирдим ҳужрангизга.
Не бўлди, малак?..

Г а в ҳ а р х о н и м.

(Хотиржам)

Сени кулоқларинг адаштирибди,
Бу эски деворлар пинак бузмаслар.
Томоша кўрай деб кирган эсанг гар,
Кўряпсан, ҳеч қандай томоша йўқтур.

Г у л с и м б о н у.
Бундин ортик бўлмас фоже томоша,
Эринг Исфандиёр ўғри мушукдек
Калтак еб юрадур аллақайларда.
Сен эрса, шу тўртта девор ичра хор
Ва забун, чорасиз бир гадой янглиғ
Ўғлимнинг қўлига қараб ётурсен.
Агар берса ерсан, гар бермаса йўқ.





Г а в х а р х о н и м.

Сен тагин адашдинг.

Иккала ўглинг

Биров нари турсин, ҳаттоки сенга,

Яъни онасига бир тишлам нонни

Раво кўришмакка қодир эмаслар.

Ота хазинасин тополмай сарсон.

Саргардон эрурлар.

Томоша дея

Буни айтса бўлур.

Хунук томоша.

Г у л с и м б о н у.

Бундин чиқадики, анойимассан,

Хоннинг хазинаси балким сендадур.

Кўр хоннинг, ахир, сен тантиқ келини.

Г а в х а р х о н и м.

Кўр хон, дедингми сен?

Авалло билмак

Даркордур ким соғу ва кимлар кўр.

Сенинг кўзинг очик, аммоки кўрсан,

Ўз бахти кўзига мил торттирган кўр.

Г у л с и м б о н у.

Йўқ, бахтим кўзлари энди очилди,

Энди бўй кўрсатди ҳаёт гуллари.

Ўн йилча кўзларим бойлатган кўзни

Ўйдиргач, чарақлаб очилди дийдам.

Мени кўролмаган барча кўзларни

Энди мен ўяман битта қолдирмай.

Ўяман мен сенинг кўзингни аввал.

Узоқдан фиғон эшитилади. Бора-бора яқинлашади.

Ф И Ё О Н:

Ўзимдан чикқан балога,

Қайга борай даъвога?



Иккала кўлида икки боланинг дўпписи ва камзулини кўтарганча аранг кадам ташлаб канизак кириб келади.

Г у л с и м б о н у.

Вожиб бўлиб Элбарс ўғлимнинг амри

Икки болангнинг-да боши қирқилди.

Гавҳар хоним тош қотиб қолади. Сўнгра беихтиёр равишда дўппи ва камзулларни олиб, бир-бир кўзларига суртади. Бағрига босганича ҳушдан кетиб йиқилади. Гулсимбону унинг тепасига келиб қаҳ-қаҳ уриб кулади, кулаберади.

Еттинчи кўриниш

Арк. Саломхона. Ҳабаш тахтда. Ўнг кўлда Элбарс, сўлда Курбон хожи. Ҳабаш хомуш бир ҳолда тахтдан тушади.

Ҳ а б а ш.

Энди бу ёғига аралашмайман,

Шундоқ ҳам бўғзимга тикилди жоним.

Ўзи, кўп ишимиз нотўғри бошдан.

Э л б а р с.

Неси нотўғридир, айт, неси?

Ҳ а б а ш.

Аввал

Аҳли уламони, аҳли исломни

Оғдирмоқ шарт эди ўзимиз томон.

Мен буни айтдимми? Айтдим! Аммоки

Манави оталиқ нима деди, а?

Шамол қаён эсса аҳли уламо

Шу ён эгилади кунгабоқардай,

Дея инобатга олмади сўзни.

Кўрдикки, уламо кунгабоқармас,

Эгилмас ва синмас бир пўлат экан.

Хонни ёклагани ёклаган. Бизни

Ҳатто олгани йўқ сарик чақага.

Бўлди, бу ёғига мени тинч кўйинг.

Қ у р б о н х о ж и.

Беҳуда айблананг мени, онҳазрат.





Ҳ а б а ш.

Онҳазрат эмасман, Ҳабашман. Аввал
Қандай бўлган эсам ҳозир ҳам шуман.

Қ у р б о н ҳ о ж и.

Соҳиби давлатсиз, аҳли уламо
Монелик қилолмас сизларга ҳеч вақт

Ҳ а б а ш.

Соҳиби давлатмиш... Бундай пошшолик
Итга ҳам керакмас.
Бир ҳазинабон
Бермай ўтирса-я олтин, кумушни.
Гўё қайдалигин билмасмиш зарнинг.
Ўлиб кетди, аммо бермади каззоб.
Бундайин пошшолик ордона қолсин.
Элбарс чиқақолсин шип-шийдам тахтга.

Э л б а р с.

Чикурман.
Тоҷу тахт меники бўлур,
Олтин, кумушларни топмай қўймасман.
Кўқларга кўтаргум найман номини.
Буткул фориг бўлуб энамиз доғдан
Бутун Хоразмга Эна бўлурлар.

Ҳ а б а ш.

Э, қил нима қилсанг.
Менга тегинма.

Э л б а р с.

Магар керак эмас экан пошшолик,
Нечун тиғ кўтариб чиқдинг майдонга?
Ота кўзин, ўй деб жаллодга нечун
Амру фармон этдинг, не учун, нега?

Ҳ а б а ш.

Не қилсам қилдим мен қизиққонликда,
(Қурбон ҳожини кўрсатиб)
Бунинг гапларига кирдим, не қилай?



Айниқса, сен икки гўдак қонини
Бехуда тўкканинг кўрганимдан сўнг
Отимни тўхтатдим, толдим ўйларга.
Ахир, норасида болада не айб?!

Э л б а р с.

Шундоқ қиласан деб энамиз айтди.

Ҳ а б а ш.

Энамиз айтганин қилабер. Майли...
Кўтар-кўтар қил деб Найманни энам
Ҳоли-жонимизга қўйгани йўк.

Хўш,

Оқибат не бўлди?

Бошқа элатлар

Чикдилар майдонга бўҳронлар кўзгаб.

Бирини ўлдирсанг, юз ва минг одам

Кўзгалиб, Найманга этмоқда ҳамла.

Ёнғин қопламоқда бутун маъвони.

Мен они ўчирмоқ йўлин билмасмен,

Ва сен ҳам билмассен.

Гар шундоқ экан

Мен кетдим.

Қ у р б о н ҳ о ж и.

Йўк, кетманг.

Э л б а р с.

Қўйинг, оталиқ,

Кетса кетаберсин!

Қ у р б о н ҳ о ж и.

Ахир, бир ёқдан

Келур Исфандиёр кўшини ила,

Иккинчи томондан эса ҳадемай

Абулғози султон бостириб келур.

Ҳ а б а ш.

Не дединг?

Дағи бир такрорла сўзунг.





Қ у р б о н х о ж и.

Исфандиёр келур... кўшини лак-лак...

Ҳ а б а ш.

Нечун сир сақладинг буни сен каззоб,

Нечун сайраб қолдинг энди ногаҳон?

Қ у р б о н х о ж и.

Ўзум энди билдим, онҳазрат.

Ҳ а б а ш.

Йўк-йўк,

Ёғий қуш эмаски, учса-да келса,

Чанг чиқмай қолурми ёв юрган йўлдан?

Қайда изкуварлар, исковучларинг?

Етар шу дамгача алдаб келганинг,

Тупроқ сочганларинг менинг кўзимга. Етар!

Сен билгансен ёвнинг келишин,

Ёв ила тилинг бир сенинг, э, сотқин.

Қ у р б о н х о ж и.

Онҳазрат, ўлимдан хабарим бору

Аммо...

Ҳ а б а ш.

Йўк. Алдама. Сен-чи, илоннинг

Юрганин кўрасан ернинг остида.

Исфандиёр ила бириктириб тил,

Бизни йўқотмоқчи бўлгансан асли.

Заиф билиб бизни, бола деб бизни

Ёғий тарафига ўтиб кетгансен.

Энди кунинг битди сенинг.

Э л б а р с.

Оталик

Сотқинлик қилмагай бизга ҳеч қачон.

Ҳ а б а ш.

Шундай деб ўйлардим мен ҳам.

Ва лекин

Кўзларим очилди ҳозир.

Кўрдимки,
Бу нокас мени-да, сени-да сотган.

Қ у р б о н ҳ о ж и.
Заррача гуноҳим йўқтур, онҳазрат.

Ҳ а б а ш.
Гуноҳдан иборат бошдан-оёғинг.
Сен менинг отамни сотдинг аввали,
Энди эса бизга қайрайсан нишинг.
Э, шайтони лаин... сенга бир жазо
Тайин айлагум мен.

Э л б а р с.
Ҳабаш?

Ҳ а б а ш.
Сўзим – сўз.
Сенга бердим тахтни Элбарс...
Сен эса
Буни жазолашни менга қўйиб бер.
Жаллод!

Жаллод киради.

Қ у р б о н ҳ о ж и.
Гуноҳим йўқ, афв этинг, афв.

Ҳ а б а ш.
Олиб чиқ буни ва отга судрат-да
Элнинг кўз олдида терисини шил.

Қ у р б о н ҳ о ж и.
Бир қошиқ конимдан ўтинг.

Жаллод уни олиб чиқади.

Ҳ а б а ш.
Энди кетаман!
Мен жангга кирганман билибми-билмай,
Аммо энди билиб ўлурман жангда.

Кетади.

Э л б а р с.
Тавба... Жинни бўпти.





Билиб ўлармиш...
Майли, сен ўлабер, ўл, менинг эса
Ҳали қиладиган ишларим кўпдур.
Мулозим, чақир тез саркардаларни.

Саккизинчи кўриниш

Барханлар аро жойлашган Кумкалга. Кунгуралар унга маҳобат бағишлаб турибди. Хужра сўрисада Арабмухаммадхон ётибди. Унинг пойида Тожиддин мунгайиб ўлтирибди. Арабмухаммадхон кўзгалиб, ўрнидан турди.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Пешин яқин, чоғи?

Т о ж и д д и н.

Йўқ, олий ҳазрат,

Ёстиғидан энди бош кўтарди кун.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Куёш чикди, дегин, осмон тозами?

Т о ж и д д и н.

Кўкни босиб ётар булут дегани,

Унинг бир четини ёра олган кун.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Булутнинг бир чеки сўкилса басдур,

Куёшнинг тафтига бера олмай дош

Сўнг бир-бир сўкилиб кетар чоклари.

Офат булутларин ёра олмасдин

Қийналиб кетдилар Исфандиёрлар.

Т о ж и д д и н.

Ёриб чиқажаклар бир куни, албат,

Олис йўлнинг кўпдир машаққатлари.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

(Ўз-ўзига)

Анойи эмасдур шоҳ Аббос мозий,

Синовдин ўтказар Исфандиёрни.

Билса қизилбошга биродарлигин,
Кўшин, қурол берур.
Акс ҳолда у
Ўғлимни тескари миндириб отга
Хайдаши аниқдур Эронзаминдин.
Бухоро амири Имомқулихон
Бу бобда қолишмас шох Аббосдин ҳеч,
Чангалида ушлар Абулғозини.
Фақат Бухорога қулай келган дам
Панжаси очилур. Ўғлим ўшанда
Қушдай учиб келур шояд қошимга.
Иккови келса гар икки томондин
Менинг кўзларимга нур энгани шу,
Шунда осмон дағи бўлғай мусаффо.

Элас-элас сон-саноксиз қушларнинг сайрагани, отларнинг кишнагани эшитилади.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Кўпдин қулоғимга эшитилар бу,
Қушлар сайраши-ю отлар кишнаши.
Сен ҳам илғармисен бу ғалат сасни?

Тожиддин туйнукка қулоқ тутади. Олис товушлар тинади.

Т о ж и д д и н.
Менинг қулоқларим битганга ўхшар,
Эшитмас Сиз айтган от ва қуш сасин.

Арабмуҳаммадхон туйнукка қулоқ тутади. Ўша товушларни эшита бошлайди.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Мана, мен эшитиб турибман аниқ,
Энтикар юрагим эшитган сайин.
Бу отлар отлари эрур, хойнахой,
Ўғлим Исфандиёр, Абулғозининг.
Бу қушлар оларнинг тепаларида
Учиб келаётган Бахт қушларидур.
(Сукут)



Ё менинг ақлимга захм етибдур,
Ё сенинг қулоғинг чиндан ҳам битган.

Т о ж и д д и н.

Балким қулоқларимнинг бордур ишкали,
Аммо тинчлик бермас менга бошқа сас.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Не сасни айтурсен?

Т о ж и д д и н.

Анов кунгура
Ичидан вишиллаб келгувчи сасни.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Аждар вишиллашин айтадурсен сен,
Сезурмен, безовта сўнгги пайтда у.

Аждаҳонинг тахликали вишиллагани эшитилади.

Т о ж и д д и н.

Ёриб чиқмаса деб қўрқамен тошни.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Қўркма, бу кунгура тошлари метин,
Уни ёро билмас аждаҳо тугул
Панжаси тиғларга айланган дев ҳам.
(Сукут)

Эсингда бор чиқар, Ҳиндистон шоҳи
Совға этган эди они фақирга.
Хуштак чалар эди аждаҳо турфа.
Гох-гоҳ қулоқ тутиб хуштакларига
Кунгура ёнида ўлтириб узок
Англамок бўлардим чархи давворнинг
Сиру асрорини, баланд-пастини.
Энди турфа хуштак чалмай қўйди у,
Фақат вишиллади дилни оғритиб.
Кунгура ичида ётавериш ҳам
Жонига теккандир, онга-да оғир...
Аммоки йўл берсанг, захрини сочиб,





Дуч келган одамни ямламай ютар.
Ёмон ҳам худди шундай, каммас аждардин...

Оёк товушлари эшитилади.

Т о ж и д д и н.
Биров келди, чоғи?

А р а б м у х а м м а д х о н.
Қара, ким бўлди?

Шамсиддин Хожа киради.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Оллоҳга шукурким, ўт-олов ичра
Сизни омон кўрдим дағи, онҳазрат.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Фақат нафас олмоқ омонлик эмас,
Умр эмас фақат кунни ўткармак.
Сиз буни жуда ҳам яхши билурсиз.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Оллоҳнинг ҳар берган нафаси неъмат,
Ҳар он ғаниматдур! Аҳли уламо
Сизга сиҳат тилар, йўллар саломлар.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Қийналиб кетди кўп уламо, саййид,
Раият, деҳқонга ундан-да оғир.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Қоронғи кунларнинг умри қисқадур,
Иншооллоҳ, ёруғ кунлар нафаси
Дағи хушнуд этгай аҳли мўминни.
Хушхабар келтирдим Сизга, онҳазрат,
Қизилбошдин чиқиб лашқари ила
Исфандиёр Султон Дурун келубдур.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Дурун келибдурми?!
Шукур, Оллоҳга,

Ўғлим Исфандиёр, менинг шункорим
Шундоқ яқинимга келиб қолган-а!

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Тинчлик ўрнатажак элда шахзода,
Дағи қарор топура дориламонлик.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Аммо бу қимматга тушар мен учун,
Бир ўғлим иккинчи ўғлим бошини
Кесиши, конини тўкиши ила
Келган омонлик ҳеч татирми менга?
Мен учун бундан-да оғир ғам бўлмас.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Булутдай қолади бутун элни ғам,
Қутурган бекларнинг қиличларидин
Қон томар.
Қурилди ҳар кадамда дор.
Қон-қардош одамлар бир-бирига ёв,
Ёвдур бир-бирига ҳешу ақрабо.
Офат илдизин тез қирқмоқлик дарқор.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Офат илдизлари бизим илдиздур,
Янчурмиз ўзимиз ўзимизни-я.
Ўзимиз яратган гулу гулзорни
Ўзимиз топтармиз.
Ў, фалак, фалак!
Юртни хароб этди Ҳабашу Элбарс.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Олар бир-бирин-да чўқимоқдалар,
Ҳабаш тарк айламиш саройни кеча.
Лек кетар чоғида Қурбон хожини
Отга судратмишдур.
Оломон эса



Тошбўрон айламиш Гулсимбонуни.
Ал-қасос ул минал ҳақ!

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Шундоқ бўлди денг!
Экканин ўрдилар Қурбон ҳожилар.
Ҳабашга эса кеч кирди ақл, кеч...

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Мени маъзур тутинг, онҳазрат, билдук,
Машъум режа тузмиш шаҳзода Элбарс.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Мени ўлдирмоқ режаси! Хожа,
Билурмен мен бунӣ яхши билурмен...

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Онҳазрат! Дағи бир фожиа...
(Сукут)

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Сўйланг.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Икки набирангиз... Нурмуҳаммад ва
Шермуҳаммад....

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Давом айланг, хожа.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Аларни... Ўлтуртти... Элбарс!!!

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Ўлтуртти?!
(Шамсиддин ҳожи оғир бош эгади)
Қар бўлса кошкийди қулоқларим.
Ўвв!!!

Бунӣ эшитмасдин ўлақолсайдим.
Эҳ, Элбарс, нобакор...
Сен мансуб эмассен



Одам қавмига!!!

(Ўқирик)

Ўв, икки норасида,
Жигарпораларим!!!

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Онхазрат, тинчланинг.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Яшамокка ортиқ бардош қайдадир!

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
(Тиз чўкиб)

Сиздин ўтинурмен, Сизга тиз чўкиб,
Ёлборгаймен бирмас, юз ва минг карра,
Тиланг умрингизни Тангри таолодин.
Фақат ўзингизнинг ўғулларгамас,
Сиз, ахир, отасиз ғамгузор элга.
Сизга умр тилаб мен-да ушбу дам
Ижозат сўрармен фикр айтмоққа.

Хоннинг этагини кўзига суртади. Арабмухаммадхон унинг елкасига кўлини кўяди.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Туринг ўрнингиздин, химматли Хожа,
Не айтмоқ истарсиз?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Айтишдин аввал
Абулғози Султон сизга йўллаган
Мактубни ўқишга рухсат этгайсиз.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Мактуб? Қачон келмиш?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Бугун, онхазрат.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Тезроқ ўқисинлар пайсалламасдин.



Қиблагоҳ!

Сизнинг кўзингизга тортилган мил менинг кўзларимга урилса неткай эрди. Сизга еткарилган хорлигу ранжу балоларга менинг кўксим қалқон бўлолса неткай эрди. Неткай эрди кулоқларим кар бўлса-ю элимиз чекаётган оху нолаларни эшитмаса?!

Неткай эрди ўз отасига ўзи тош отган падарбезориларнинг кўллари шол бўлса. Олар ила ака-укалик иснодига фақир дохил бўлмасам неткай эрди!

Кошки эрди озод қушга айлансаму қошингизга учиб борсам, дийдангиз ярасига, дилингиз жароҳатига малҳам бўлсам!

Кошки эрди ҳаётбахш шамол янглиғ бошингиз устидаги қора булутларни қуволсам.

Остимда арғумоғим, илгимда ханжарим, қатимда черигим бўлса-ю пойдор салтанатни таназзулга гирифтор айлаганлар ила юзма-юз туриб олишсам, танларин бошларидин жудо этсам, магарким толе дағи юз ўгирса, бу оламдин кўз юмиб кетсам кошки эрди!

Ўзингиз, падари бузруквор, кўп айтгувчи эрдингизким, Хоразмни ёв олабилмас, магарким Хоразмни хароб этса ўз онкўр ўғлонлари хароб этурларким, онинг иснодини ҳеч нимарса ила ювиб бўлмағай! Қисмат бу исноду уятни айни бизнинг бошимизга солган эрканким, фақир шул замонда туғилганимдин пушаймондамен. Мусибатли дамларда кулаётган салтанат тождорига – Сизга, қиблагоҳ, қанот бўлолмаганимдин озурда ва армондамен!

Дағи айтур эрдингизким, Хоразм ўз оёғига урилган тушовларни ўзи ечмоққа қодир, ондинки, ёмонидин яхшиси кўпдур, ҳаромиси бир-икки эрса, ҳалоли лак-лак, тупроғи одатларга бардошли, эл-улуси сабр-қаноатли, жўмард, тилида Оллоҳ қаломи, дилида иймон-эътиқод қуввати бисёрдур.

Иншооллоҳ, падари бузруквор, дағи бахту тахтингиз устуворлари, дағи элимиз намудордағи, салтанатимиз дағи пойдор бўлғай! Они кўрмоқ ва онга етушмак йўлида Оллоҳдин марҳаматлар тилаб, белин қаттиқ боғлаган ўғлунгиз

Абулғози.





А р а б м у х а м м а д х о н.
Яратган ёр бўлғай Абулғозига!

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Салтанат пойдор бўлғай деб дағи
Абулғози Султон бежиз айтмамиш.
Давлат пойдорлиги Сизнинг биландур.
Сизни асрамоқлик бобида ўйлаб,
Бир чора изламиш аркони давлат.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Не чора эркан ул?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Сизни бул ердан
Бошқа хавфсиз жойга кўчирмоқликни
Ният айламишдур содиқ аъёнлар.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Қаёққа кетмоғим лозим?

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Шайхобод,
Яъни менинг кулбам Сизга мунтазир.
Билурсиз, Шайхобод авлок, дахлсиз,
Ёмон кўздин йироқ. Пана бир манзил.
У ерга етмагай шумлар қадами.
Рухсат айласангиз бугун оқшомда
Сизни ул масканга элтгай йигитлар.
Бир кадам жилмасмен мен Сиздин нари.
(Сукут)

Онҳазрат, ижозат айланг, вақт зиқ.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Аёнки, соқчилар, из қувгувчилар,
Ҳид олиб юрганлар сероб атрофда.

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
Ғафлатда қолдирур барин йигитлар,
Изн айланг, шоҳим!



А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
 Э, Хожа, Хожа,
 Мени қувлагувчи қотил ўғлумдин
 Қочиб юраинми жоним ҳовучлаб?!

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
 Ножоиздур бунӣ қочиш демоклик,
 Бу ўз элингизда битта ўбадин
 Иккинчи ўбага ўтишдек эрур.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
 Ўзни алдамоқлик азалдин бор гап,
 Ўзни алдайберсин кимлар истаса.
 Аммо мен ўзимни алдай олмайман,
 Чалғита олмайман ўзимни-ўзим.
 Мен чап беролмаймен барҳақ ўлимга.
 Бошимни олмоқчи бўлган ўғлимдин
 Бош олиб кетмоқлик ўлимдин ёмон.
 (Сукут)

Мени ўйлагувчи содик аъёнлар,
 Аҳли уламога ташаккур, Хожа.
 Мен ҳам кеча-кундуз оларни, элни
 Ўйлаш азоби-ла ўтгум дунёдин.
 Хайр, марҳаматли Хожа. Алвидо!

Ш а м с и д д и н Х о ж а.
 Иншооллоҳ, дағи дийдор кўришмоқ,
 Насиб айлагайдур, хайр, онҳазрат...

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
 Оллоҳнинг марҳамат нури ёғилса,
 Дийдор кўришгаймиз рўзи маҳшарда!
 Улар бир-бирини бағрига босиб узок туришади.

Тўққизинчи кўриниш

Ўша жой. Ташкаридан Арабмуҳаммадхон ҳузурига ташвишланиб ошиққан, аммо тўсиққа учраган халойикнинг ғала-ғовури, бўлаётган воқеаларга муносабати акс садоси эшитилиб туради. Элбарс ўз сокчилари билан кириб келади. Арабмуҳаммадхоннинг орқа томонида тўхтайтиди.



А р а б м у х а м м а д х о н.
Элбарсмусен?

Э л б а р с.
Ҳа, мен.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Нечун келгансен?

Э л б а р с.
Келишсак, деб келдим.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Келишсак? Нени
Келишурмиз?

Э л б а р с.
Сенга неки даркордур,
Барини муҳайё этиб берурмен.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Менга ҳеч ниманинг кераги йўқтур.

Э л б а р с.
Жонинг-чи? Жонинг ҳам керакмайдиму?

А р а б м у х а м м а д х о н.
Жоним ҳам керакмас.

Э л б а р с.
Ёлғон айтасен,
Кимга жон керакмас, ким ер устида
Юрмоқлик ва нафас олмоқлик, емок –
Ичмоқлик бахтидин воз кечур, ахир?

А р а б м у х а м м а д х о н.
Мен воз кечадурмен айтганларингдин.
Қадам ташламоқлик ернинг устида
Мен учун азобдур.
Қолганлари ҳам
Азоб-укубатдин бўлак нарсамас.
Магар азоб эрса турган-битгани
Яшамоқ не даркор?

Э л б а р с.

Бундок гапларни
Сен hozир деюрсен. Соғайиб кетгач,
Роҳат-фароғатда яшагач дағи
Бошқача сўзларни айтурсен, албат.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Мендин не истарсен?

Э л б а р с.
Биргина нарса...

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Хўш?

Э л б а р с.
Воз кечадурсен тожу тахтингдин,
Ўзунг топшиурсен хонликни менга.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Хонлик – ўт, тентакка бериб бўлмагай.

Э л б а р с.
Мени хафа этма, яхши бўлмагай...
Амр этсам ўйлашга қолмас фурсатинг.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.
Амр этасанму? Бундай ҳақ-хукук
Фақат подшоҳларда бўлур. Сен эсанг
Подшоҳнинг ўғлисен, норасо ўғил.
Амр айласам мен айлашим даркор,
Аммо ҳамон сенга ота эканмен,
Амр этмоқликни кўйиб бир четга,
Сенга буюрамен оддий бир ота
Ўз нобоп ўғлига буюрган каби.
Юрган йўлингдин қайт. Бу йўл муҳаккак
Мени кўзларимдин айирганидек
Сени жудо айлар охир жонингдин.
Тавба-газарру эт, гуноҳларингни
Кечишин ўтиниб Оллоҳдин сўра.
Оллоҳ раҳмдилдур, кечиргувчидур.



Э л б а р с.

Юрган йўлим тўғри, замон зўрниги,
Мен талаб қилурмен ҳақимни, холос.
Подшоҳлик менингдур, фақат менингдур,
Сен оч-да қўлингни, бергил фотиҳа.

Халойикнинг норози ғала-ғовури эшитилади. Аждаҳо вишиллади.

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Кўр, эшит, ловулар нафрат ўтлари,
Элнинг ғазабидин кўрк жилла курса.

Э л б а р с.

Эл ўзи ловулар ва ўзи куяр,
Одамлар бир кўйдир...

А р а б м у ҳ а м м а д х о н.

Бас, оғзингни юм

(Сукут)

Мени одам қилган ва подшоҳ қилган
Аввало Худодур, қолаверса халқ.
Меҳр берган сайин одам зотига
Меҳр кўрабердим узок-яқиндин.
Одамлар юзига меҳр кўзи-ла
Бокқаним сайин нур инди дилимга,
Кўзларим равшанроқ кўрди дунёни.
Қоронғи йўлларни нурафшон айлаб,
Зиёга чулғаган онимда элни
Менинг кўзларимни ўйдинлар сенлар.
Бир мени ташласанг зулмат қаърига
Чидар эдим, биллох, берардим бардош.
Лекин ташладинлар сенлар зулматга
Нурга ошно бўлган, нур эмган элни.
Қачон ёруғликка чиқар энди у,
Қачон, қачон?!

Э л б а р с.

Сен-чи, ўзингни ўйла,
Ҳозир жаллод, десам, тамом.

А р а б м у х а м м а д х о н.
Бўл, чакир,
Сен ила рўбарў тургандин кўра
Ажалга рўбарў бўлган яхширок.
Аммо яширмаймен, сўнгги онимда
Бағримни тиғ каби кесар бир армон.
Сенинг ва сенларнинг бадбахтликларинг
Юкини кўтариб кетмоқ армони.
Сенлар туғилганда нечун қувондим,
Нечун қувондим мен бўйларинг кўриб,
Шулар кўзларимни ўярлар дебми,
Жаллодга топширар дебми бир куни!!!
(Сукут)

Мабодо мен сенинг ўрнингда агар
Бир кучук боксайдим, улғайганда ул
Менинг кўзларимга урмас эди чанг,
Билъакс, вафолар кўргузиб менга,
Мадад берур эди кўнглимга шаксиз.
Бири кам дунё бу, бири кам дунё!

Э л б а р с
(Кинояомуз)
Армонинг дағи не?

А р а б м у х а м м а д х о н.
Оддий қишлоқда
Ўз ўғли узатган чойни ҳўплаб ва
Фарзандин мазали сўзини тинглаб
Ўлтирган оддий бир одам ўрнида
Бўлсайдим... Аслида пошшолик ўша!
Сен буни англашга қодир эмассен,
Нокис сенинг ақлинг. Йўқ эрса...
Менинг норасида набираларим,
Сенинг эрса ўз жиянларинг..
Нурмухаммад ва Шермухаммадни...





Э л б а р с.

Ха, мен ўлтурттим,
Исфандиёрнинг
Бу икки фарзандин гумдон айлаб мен
Пайғамбар қонини окизган каби
Аламимдин чикдим.

А р а б м у х а м м а д х о н.

Ақлдин озгансан сен,
Болада не айб?!
Олар худ беғубор чечаклар эрди,
Ўсиб борур эрди кўзим ўнгида.
Ў, сен бадбахт...

(Сукут)

Менинг нутфамдин –
Йирингдин дунёга келган эдинг сен.
Демакки, ўзимнинг йирингимга мен
Булғаниб ўлурмен.
Аммоки сени
Оқ этмоқ азоби бундин оғирроқ.

Э л б а р с.

Оқ этсанг, оқ эт-ей!
(Халойиқ акс садоси)

А р а б м у х а м м а д х о н.

Шундоқ де... Демак,
Сенларни қарғамок, оқ қилмоқликдин
Бўлак имкон йўқтур ихтиёримда.
Сўнгги ўқимдур бу илгимда қолган.
Бу ўқнинг захмидин жон берган фарзанд
Тоабад ёнгайдур дўзах ўтида.
Тинмай айланадур фалакнинг чархи,
Асрлар кетидин келур асрлар,
Аммоки ўчмагай бу ўқ товуши,
Ўшёр айлаб турғай бани одамни.
Оталар, оналар, боболарни у
Ўар дам уйғоқликка чақириб турғай.
Даъват айлагайдур фарзандларни у

Инсофу идрокка, мехру шафқатга.
Сенларнинг номларинг эшитганида
Жирканур авлодлар, замин-замонлар.
Сенларнинг руҳингга отиладурган
Нафрат тошларининг сўнги бўлмағай.
Омин, Оллоҳу Акбар!

Элбарс бир кадам орқага тисарилади. Қўллари қалтираб кетади. Сўнг ўзини тутиб, олдинга силжийди.

Э л б а р с.
Йўк, кўркмасмен!
Соқчилар, тез элтинг Хивага бунни.
Танини бошидин жудо эт, жаллод!

Аждаҳо вишиллайди. Халойиқнинг ғазабли акс садоси борлиқни тутуди. Шуъла сўнади.

Ф И Ғ О Н:

Г У Р У Ҳ.
Ўзимдин чиққан балога,
Қайга борай давога!

Я К К А О В О З:
Ёрил, дилим – вайронам,
Бўғзимда қотди нолам.
Бошим олур ўз болам,
Алвидо, маҳзун олам.

Г У Р У Ҳ:
Ўзимдан чиққан балога,
Қайга борай давога!

Х О Т И М А

Арабмухаммадхон қатл майдонида. Қаршисида кунда ва болта.

А р а б м у х а м м а д х о н.
(Муножот)

Парвардигоро, тилим сени зикр этмаган бадбахт дамларни, кулоғим сени эшитмаган, кўзим шуълангни, ақлим марҳаматингни илғамаган шўрийда онларни умрим дафтарида қора айлаб, ёлғиз сен бирла, сенинг муборак ёдинг бирла кечир-



ган саодатли кунларим савобини Рўзи Махшар ўзумга раво кўргайсен, нотавон жисмимни фано азобларидин фориг айлаб, бако оғушига олгайсен, меҳру шафкатингга ноил этгайсен!

Парвардигоро, ношукур ўғулларимни разолат боткоғидин чиқариб, диёнат йўлига бошлагайсен, олар жаҳолати ва жабридин пароканда бўлган юртимизни яккадам айлаб, жароҳатларига шифо бергайсен, саодатга ёр этгайсен!

Парвардигоро, кимга жабру ситам, озор ва укубат етказган эрсам, афв айлаб, жабрдийдаларни ғам-аламдин халос этгайсен, Ўзунг берган умрим интиҳосида Ўзунгга етишмоқ иштиёкимни мустажоб, илтижоимни қабул айлагайсен. Омин!

Арабмухаммадхон ўрнидан туради. Қаддини ростлаб, салобат ва виқор касб этади, сабр ва бардошнинг, ақл ва заковатнинг жонли ҳайкалига айланиб қолади. Узоқдан отларнинг кишнагани эшитилиб, тобора яқинлашиб келади. Сон-саноксиз қушларнинг ҳаётбахш сайрашлари борликни тутади.

ТАМОМ



Шароф БОШБЕКОВ

(1951 йилда туғилган)

ТЕНТАК ФАРИШТАЛАР

Мистик трагикомедия

Иштирок этувчилар:

Ш о к и р – мулойим, ширинсўз, доим қулоғига райҳон тақиб юради.

К а т т а – басавлат, оғир-вазмин, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапиради.

А м у д а р ё – хаёлпарастрок, чўзиб гапиради, юзи энди йиғлайман деб турган одамникига ўхшайди.

Л е н и н – хатти-ҳаракатлари, гапириш тарзи Лениннинг ўзи. Гоҳ-гоҳида бошқача одамга айланиб туради.

О ш и қ Ф а р и б – ёш, келишган, ҳаракатлари кенг ва сокин.

П а р а н ж и – чиройли, хуркак.

В о й б о л а м – тўладан келган, куйди-пишди, серҳаракат.

И н д а м а с – эҳтиёткор, йўталишдан олдин ҳам атрофга аланглаб олади, товуш чиқармай юради.

Г у л а н д о м – ёш ҳамширалардан, софдил ва зийрак.

Ҳ а к и м – бош врач.

Х о р м е й с т е р – дарвешрок, сочлари доим тўзғиб юради, ўз ишининг фидойиси, феъл-атвори шу ердагилардан деярли фарқ қилмайди.

Қ а й с а р, Б е м а з а, Т ў н к а

Воқеа тоғ орасидаги мўъжазгина саломатлик марказида бўлиб ўтади.

Озод Ватан соҳибини

Биринчи сахна

Икки қаватли бино. Олди майдонча. У деразадан бунисига сим тортилиб, консерва банкалари илиб ташланган.

Оқ халатли иккита йигит куршовида Катта киради. Кўкраги тўла орден-медал, қора пиджак кийган, бўйнида бўйинбоғ, қўлтиғида папка. Лекин бу ёғи – калта иштон-у, шиппак.

Б и р и н ч и й и г и т. Катта ака, мана, янги ишхонангиз.

К а т т а (у ёқ-бу ёққа алаглаб). Шунақа денг?

Б и р и н ч и й и г и т. Шунақа.

К а т т а. Майли, тепадагилар шуни лозим кўришибдими, бу ерни ҳам кўтариб берамиз. (Йигитлар бараварига уни қўлтиқлаб олишади.) Ия, справкаларинг борми ўзи? (Улар хужжатларини кўрсатади.) А, бу бошка гап. Кетдик.

Учовлон бино эшигига кирганда симлар силкиниб, консерва банкалари жаранглаб кетади. Деразалардан турли киёфадаги ғалати башаралар кўринади.

Б и р и н ч и б а ш а р а. Ура-а-а, янги жинни келди-и-и!..

И к к и н ч и б а ш а р а. Катта жинними дейман?

К а т т а (ёнидаги йигитларга). Булар нима дейишяпти?

И к к и н ч и й и г и т. Бакиришяпти, Катта ака.

К а т т а. Бакиришга справкеси бор эканми?

И к к и н ч и й и г и т (тепага). Эй! Справкаларинг борми?

Катта акам сўраяптилар!

Ҳ а м м а. Бор!!!

Улар деразалардан аллақандай қоғоз парчаларини кўрсатишади.

Катта (иккинчи йигитга). Ҳа, майли. Унда бакираверишсин.

И к к и н ч и й и г и т (тепага). Бемалол бакиравераркансизлар!

Катта акам рухсат бердилар!

Лекин энди ҳеч ким бақирмасди. Шокир исмли мўсафид чикиб келиб, томошабинга юзланади.

Ш о к и р. Ассалому алайкум, яхшилар! Қаерга келиб колдик, деб ҳайрон бўляпсизларми? Биринчи келган одам

доим шунақа бўлади ўзи. Хў-ўш, нима десам экан. “Жинни-хона” десам бу ердагилар хафа бўлишади. “Оддий касалхона” десам, ёлгон гапирган бўламан. Келинг, сал узунрок бўлсаям “Соғлар дунёсига кириш учун кўникма ҳосил қилинадиган Марказ” деб қўя қолайлик. Аслида булар даволаниб чиққан беморлар. Сал... колган-кутгани бўлса, шу ерда муолажа қилишади-да...

Менинг исмим Миршокир. Шокир ака десаларинг ҳам хафа бўлмайман. Ўттиз йилдан бери шу ерда ишлайман. Аввал завхоз бўлдим, кейин қоровул. Савоб учун бу ердагиларнинг соч-соқолиям киртишлаб тураман. Чой-хонага чиқсам, денг, кап-катта одамлар ўтган-кетганнинг ғийбатини қилиб ўтиришади. Менга ёқмайди. Бу ердагилар бўлса ниҳоятда беозор одамлар. Иғво йўқ, фисқу фасод йўқ, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Уйим ҳам, ишим ҳам шу ер бўп колган. Келинг, бу беозор, фариштасифат одамлар билан бир четдан таништирай.

Манави келаётган хотиннинг лақаби – “Войболам”. Шўрлик дори сепилган пахтазорда ишлайвериб бепушт бўп колган. Боласи туравермагандан кейин маҳаллада дастурхончилик, кейин гўяндалик қилган. Ичидаги дард-алам уни охири шу ерга олиб келиб қўйган. Суварак ўлсаям марсия айтаверади. Бунақа сўзларни қаердан топади, билмайман – йиғлаганниям йиғлатади, йиғламагани ҳам.

Войболам чиқади. Қўлида елим сурилган қоғоз, унга тўрт-бешта пашша ёпишиб колган.

В о й б о л а м (қуйлаб).

Қайрағочим қайрилди, вой болам,
Онанг сендан айрилди, вой болам...

(Шокирга) Қаранг, бештаси жувонмарг кетди...

Ш о к и р. Ҳа, жавр бўпти...

В о й б о л а м. Ёш кетди бечоралар... Илойим, жойлари жаннатда бўлсин.... (Яна қуйлайди.)



Нола қилдим – ғазал бўлди, вой болам,
Ётар жойинг асал бўлди, вой болам...

Чиқиб кетади. Калласини бир томонга қийшайтирганича, майда қадамлар билан пилдираб Ленин кириб келади. Кўринишдан Лениннинг ғирт ўзи: сокол-мўйлови, тепакаллиги, костюми ва хол-хол бўйинбоғи, шим ўрнига оқ иштон кийиб олган. Кўкрагида революция рамзи – қизил бантик.

Ш о к и р. Ассалому алайкум, Владимир Ильич!

Л е н и н. Салом, салом, салом! Сиз мабодо ўртоқ Фотиевани кўрмадингизми?

Ш о к и р. Йўғ-а, кўзим тушмади...

Л е н и н. Агар учратсангиз айтинг, мен Смольнийда бўламан. *(Тез юриб чиқиб кетади.)*

Ш о к и р. Смольний дегани ўзимизнинг ўтхона, кеча-кундуз кўмир ёнади. Ўша ерда ўтириб олиб, бир нималарни ёзгани-ёзган. Паравозга ўхшаса керак-да. Фотиева деяпти-ку, у фаррошимиз Фотима хола. Уни ўзига қотиба қилиб олган. Лениннинг асли исми нима – ҳеч ким билмайди. Шаҳардаги қайси бир техникумда “КПСС тарихи”дан дарс берган. Кейин, худога беадад шукурки, дориламон замонлар келиб, “кпсс-мпсс” деган нарсалар йўқ бўп кетди. Бир куни дарсга келса, денг, ҳамма ўтирибди. “Ўртоқлар” деб бошлабди-ю, бу ёғига нима дейишни билмай қотибди-қопти. Ўн дақиқа турибди, ярим соат турибди, икки соат турибди. Ўша турган жойидан бу ерга олиб келиб қўйишган. Ахир, ўзингиз ўйланг, шунча йил ишониб, эътикод қилиб келган фикрларидан воз кечиш осонми? Бунисидан кечиб, бошқа партияга ўтолмаган – жинни бўлган-қолган. Аммо Ленин бўлсаям бировга зарари тегмайди. Фақат, у палатадан бунисига ўтиб: “Келинлар, бир революция қилиб ташлайлик” деб беморларнинг бошини қотиргани-қотирган.

Ленин яна қайтиб чиқади. У энди мутлақо бошқа одамга айланиб қолган эди: анковроқ, ҳоқисор.

Л е н и н. Миршоқир ака-а...

Ш о к и р. Ҳа, Смольний берк эканми?

Л е н и н (*хижолатли*). Йўқ... Мени Ленин кип кўйинг, сочим ўсиб ўхшамай қоляпман-да...

Ш о к и р. Вей, жонининг ҳузурини билмаган! Мен сенга неча марта айтдим, кел, устарада ҳаммасини олиб кўяй, деб! Шабадагинада маза қилиб юрмайсанми, мусулмоннинг боласи!

Л е н и н. Йў...

Ш о к и р. Ҳа?

Л е н и н. Ҳаммасини опташласангиз, Хрушчёв бўп қоламан-да!..

Ш о к и р. Хрушчёв бўлсанг нима қилибди?

Л е н и н. Ия, жиннимисиз? Унда тандирингизнинг ичигача жўхори эктирвораман-ку!

Ш о к и р (*қулиб*). Ҳа, майли. Пешиндан кейин қоровулхонага кел.

Л е н и н (*дарров аввалги қиёфасига қайтиб*). Раҳмат, ўртоқ! Коммунистик салом билан, Ульянов-Ленин!

Ш о к и р. Ҳалиги, бошининг дохийга ўхшайдиган жойини қириб қўяман, қолгани тураверади. Шунга хурсанд. Э-э, бир тутам сочни олиб ташлаган билан одамзод улуғ бўлиб қолаверса экан!..

Манавилар Ошиқ Ғариб ва Паранжи. Болалиқдан бирга ўсишган. Боғчагаям қўл ушлашиб боришган, мактабгаям. Буларни ҳамма “келин-куёв” деб чақираркан. Катта бўлганларидан кейин, фалакнинг гардишини қарангки, унисини бошқага узатиб, бунисини бошқага уйлантириб қўйишибди. Лекин, шўрликлар бир-бирисиз яшай олмаган. Мана энди бу бахтиқароларнинг топишган жойи шу ер бўлди...

Паранжи ва Ошиқ Ғариб чиқадилар. Улар ёш ва гўзал. Йигит хром этик, яктак кийган, белида белбоғ, бошида дўппи. Қиз паранжи-чачвонда. Уларнинг бир-бирига муносабати ниҳоятда латиф ва ёқимли. Муҳаббатдан маст ошиқлар тўлиб-тошиб куйлашади.

П а р а н ж и. Боғбон экан бераҳм, вой,
 Гунча гулимни узди-ей.

Бемаҳал келган ҳижрон-а
Юрак-бағримни эзди-ей.

О ш и к Ғ а р и б. Ўтирганда тўр ярашган,
Юрганида йўл ярашган.
Ой тўлишган оқшомларда,
Қўллариға гул ярашган.

И к к а л а с и. Ошиқ сўздан адашади,
Адашгани ярашади.
Катта-кичик ҳавас билан,
Булар ким деб карашади.

Бир-бириға термилганча чиқиб кетадилар.

Ш о к и р. Мен одамни ақлдан оздирадиган, жинни қилиб
қўядиган муҳаббат ҳозир йўқ бўп кетган, деб юрардим. Қаранг,
бор экан... Ошиқ Ғариб билан Паранжи ҳам бизнинг замонда
ундай муҳаббат борлиғига ишонишмайди. Унақа эхтиросли,
бокира туйғу ўтмиш замонларда, ҳеч курса, Кумушу Отабек-
лар замонида қолиб кетган, деб ўйлашади. Шу сабабданми,
ким билсин, ўша давр либосида юришади, касалхонанинг
кийимини кийишмайди.

Бу келаётган – Амударё. Зўр муҳандис бўлган дейишади.
Қўлидаги ихтиросини идорама-идора кўтариб юравериб, тас-
диклатолмай шу кўйга тушган бечора. Бунинг ҳам дарди катта.

Амударё пайдо бўлади. Қўлида болалар ўйинчоғига ўхшаб кетадиган
жажжигина чархпалак.

А м у д а р ё. Қаранг, Миршокир ака, одамларда инсоф де-
ган нарса қолмабди: шундай ихтирони қабул қилишмаса-я!..
Озмунча меҳнатим кетганми бунга! Мана, қаранг. Буни Аму-
дарёга ўрнатдик, дейлик. Хўп деб туринг.

Ш о к и р. Хўп.

А м у д а р ё. Ҳар бир чўмичи нефть ташийдиган вагондай-
вагондай келади, дейлик. Хўп деб туринг.

Ш о к и р. Хўп.

А м у д а р ё. Шунда, биласизми, бир кеча-кундузда неча кубометр сув олиб чикса бўлади?

Ш о к и р. Йўк, билмайман.

А м у д а р ё (*алам билан, ўзига ўзи*). Ҳеч ким билмайди!.. (*Куюниб*) Миршокир ака, тушунсангиз-чи, ҳеч қанақа насослар керак бўлмайди, ёнилғи-понилғига ҳам зарурат қолмайди, унга қарайдиган одамлар ҳам керак эмас! Хўп деб туринг!

Ш о к и р. Хўп.

А м у д а р ё. Экологик жиҳатдан тозалигини айтмайсизми! Эҳ, бюро-кратлар!.. Сизлар билан ҳеч қачон иктисодий мустақилликка эришиб бўлмай-ди!

Ш о к и р. Йўк, мен розиман, ука...

А м у д а р ё. Хўп деб туринг!

Ш о к и р. Хўп, хўп.

А м у д а р ё. Чизмалар тайёр, макет тайёр, смета тайёр – факат буни тушунадиган одам тайёр эмас!

Ш о к и р. Ҳа энди, биров бўлмаса, биров тушуниб қолар, ука, ноумид бўлманг. (*Амударё бошини эгганича чиқиб кетади.*) Булар худо ярлақанган, фаришта одамлар. Ўзим ҳам, десангиз, шуларга ўрганиб қолганман, ташқарига чиксам зерикаман. Буларда ёлғон бўлмайди. Севгиси ҳам рост, нафрати ҳам. Баъзан, десангиз, ташқаридаги ҳаёт бу ердагига ўхшамаганидан афсусланиб ҳам қўяман...

Манави одамни ўзимам танимайман. Келганига олти ойча бўп қолди. Лекин у ким ўзи, нимага ётибди – ҳеч ким билмайди.

Секин, овоз чиқармай Индамас кириб келади. У қимматбаҳо пижамада. Индамай келиб Шокир билан қўл олишади-да, худди соядек сассиз чиқиб кетади.

Ие, ана, хормейстеримиз ҳам келиб қолди. Бу одам соғ. Энди, жа унчалик ҳам соғмас-у, касал ҳам эмас-да. Талай вақтлардан бери шу ерда ишлаётгани учунми, беморларнинг баъзи жиҳатлари юқиб қолган. Шунча йиллардан бери билиб олгани – алмисоқдан қолган битта ашула. Шуни айттиргани-

айттирган. Не-не жиннилар келиб кетди, лекин шу ашулани бирор марта эплаб айтишганини эслолмайман.

Ховлиқиб Хормейстер киради. Эшикдан кирар-кирмас чапак чалиб хаммани чакиради. Беморлар шошилмай чиқиб, илгаридан ўргатилгандай саф тортишади.

Х о р м е й с т е р. Қани, қани, ҳамма жой-жойига туриб олсин-чи! Овозларингга қараб турунглар! (*Ошиқ Ғарибга*) Сиз қаёққа кетяпсиз? Тенорсиз, бу ёққа ўтинг! Бўлинглар, бўлинглар, бўлинглар! (*Яна чапак чалиб*). Тез, тез, тез, вақт кетяпти!

К а т т а (*унинг олдига келиб*). Сиз кимсиз ўзи?

Х о р м е й с т е р (*айб устида қўлга тушиб қолгандай*). Менми?.. Мен бу ерда маданий-оқартув ишлари бўйича мутасаддиман. Нима эди?

К а т т а (*унинг қўлига ишора қилиб*). Мундоқ-мундоқ қилганингиз нимаси?

Х о р м е й с т е р. Чапак чаляпман...

К а т т а. Чапак чалишга справкангиз борми?

Х о р м е й с т е р (*нота варагини кўрсатиб*). Мана...

К а т т а. Яхши. Унда чалаверинг. (*Жойига бориб туради.*)

Х о р м е й с т е р. Сўзларини яхшилаб эшитиб олинглар: “Чўлларни бўстон этган қахрамонлар яшасин!” Тушунарлими? Қани, бошладик! И-и!..

Унинг ишорасига кўра барча баробар ашула бошлайди. Аммо ҳар ким ҳар хил кўшиқ куйлайди: Ошиқ Ғариб билан Паранжи “Отмагай тонг”ни, Войболам одатдаги марсиясини, Ленин “Интернационал”ни, Амударё “Сув келар лахта-лахта”ни айта кетишади. Жиннихонанинг гирт ўзи бўлади-қўяди. Фақат Индамас индамайди.

Стоп, стоп, стоп! Бу нима бозор?! Нима қияпсизлар ўзи?! Сенларда калла деган нарса борми, мен нимани айтинглар дедим? Хола, сиз нега дийдиё қияпсиз? Сўзларини қаранг: (*берилиб*) “Чўлларни бўстон этган қахрамонлар яшасин!” Сиз

марсия айтиб ўтирибсиз! Қахрамонларга марсия эмас, мадҳия айтиш керак, мадҳия!

В о й б о л а м. Ҳа-а, шунақа демайсанми, болам? Мен уларни ўлиб кетган деб ўйлабман. Тирикми ҳали?

Х о р м е й с т е р. Қахрамонлар ўлмайди, хола!

В о й б о л а м. Қаёқдан билай, қариллик курсин. Мен эсини еган, шўрликлар чўлларни бўстон қиламан деб ўлиб кетган, деб юрибман.

Х о р м е й с т е р. Бошидан бошлаймиз! Хаёлларингни йиғиштириб олинглар! И-и-и!.. (*Яна ҳамма аравани ҳар ёққа тортади.*) Сто-о-оп!!! Бунақада жинни бўп қолиш ҳеч гапмас! Э, сенлар билан ади-бади қилиб ўтирган ўзим аҳмоқман!

А м у д а р ё. Аҳмоқмас, жинниман денг. Нима қиласиз обрўйингизни ерга уриб?

Х о р м е й с т е р. Нима фарқи бор – аҳмоқми, жинними – бир гўр-да.

Ш о к и р. Фарқи бор, ука. Аҳмоқлик бандасининг иродаси, жиннилик – Яратганники. Булар учун жиннилик катта мартаба ҳисобланади.

А м у д а р ё. Миршокир акам тўғри айтяптилар. Мана, масалан, (*чархпалагини кўрсатиб*) манавинақа ихтиролар яратган одамни жинни дейишади, уни қабул қилмайдиганларни аҳмоқ дейишади. Энди фарқини тушундингиз-ми?

Х о р м е й с т е р. Ҳа, ақл ўргатмаган фақат сенлар қолувдинглар ўзи!..

Ҳамма таркала бошлайди.

К а т т а (*шахмат тахтасини олиб*). Юринг, справкангиз бўлмасаям битта эзиб кўяй.

А м у д а р ё. Йўғ-э, кечаги ўйиндан кейин қорним оғрияпти.

К а т т а. Юраверинг, юраверинг, бугун барибир сиз ютқазасиз, довуччани биз еймиз!

А м у д а р ё. Худо билади – ким ейди. Олиб келинг. Довуччадан борми? (*Шашка доналари ўрнига довучча теради.*)

Л е н и н (*уларнинг олдига келиб*). Ўртоқлар! Би-ир революция кип ташламаймизми? Барибир бекор ўтирибсизлар-ку.

К а т т а. Революция қилиш учун справкангиз борми?

Л е н и н. Мандат бор, ўртоқ, мандат! Юрақолинглар энди, революция бу – яхши ўйин. Биз Ўн еттинчи йилда қилиб кўрганмиз, ёмон чиқмаган.

А м у д а р ё (*тахтадан кўз узмай*). Э, бор-бор-бор! Нариги палатага ўтиб қилгин революциянгни! Нима қилишни билмай зерикиб ётишибди! (*Битта довуччани ютиб олиб, дарров еб кўя қолади.*)

Л е н и н (*оғриниб*). Сизларда социалистик онг етишмайди! Аччиқ бўлсаям айтиб кўяй, жаҳон революцияси барибир ғалаба қозонажак!

А м у д а р ё. Қаёқдан биласан?

Шу пайт кўлида ҳукна қилинадиган ичак билан хамшира Гуландом кириб келади. Уни фақат Ленин кўради, Катта билан Амударё шашкага махлиё.

Л е н и н. Биламан-да! Чунки касалхона бўйлаб бир шарпа кезиб юрибди! У – коммунизм шарпасидир! Ёмон азоб берадиган шарпа лекин!.. (*Қочиб чиқиб кетади.*)

Г у л а н д о м (*шашка ўйнаётганларга*). Э, ҳорманглар-ҳорманглар!

А м у д а р ё (*Ичакни кўриб ранги ўчади*). Бўлди-бўлди-бўлди, мана, энди курутдан ўйнаймиз! (*Довуччаларни бир четга суриб, қурут тера бошлайди.*) Довучча ёмон экан, чархпалаги синсин!..

К а т т а (*Гуландомга*). Айтинг-чи, бу савилни ишлатиш учун справкангиз борми?

Г у л а н д о м. Яхшилаб тиқиб қўйсангиз, бесправкаям ишлайверади бу савил! (*Чиқиб кетади.*)

А м у д а р ё. Э, клизмангнинг чархпалаги синсин! (*Камтага*) Курут қоринни оғритмасмикан?

К а т т а. Бу энди ютиш ёки ютқазинингизга боғлиқ.

А м у д а р ё. Фақат фирром ўйнаманг.

К а т т а. Биз ҳалол ўйнаймиз. Фирром ўйнашга справокмиз йўқ.

Шу пайт Индамас келиб, ўйинни бирпас кузатиб туради. Сўнг тах-
дан битта қурутни олиб оғзига ташлайди.

А м у д а р ё (*Каттага*). Сизникини олди.

К а т т а (*Индамасга*). Буни ейишга справкангиз борми?
(*Индамас бўзрайиб тураверади*). Бўлмаса катта холанга ол-
дингми?! Қани, чиқар бу ёққа! Чиқар, деяпман! (*Индамасни*
даст кўтариб, оёгини осмонга қилганича қоқа бошлайди.) Э,
ўргилдим сендака ўйинбузукидан! Ҳозир ичак-чавоғингни
оғзингдан булоқ киламан! Бер! Бер, деяпман!..

Г у л а н д о м (*чиқиб келиб, ўртага тушади*). Вой, нима
киляпсизлар?.. Туширинг... Энди гапиринглар, нима бўлди?

К а т т а (*болаларча араз оҳангида*). Манави справкаси йўқ
“дамка”мни еб қўйди!..

Г у л а н д о м. Беринг “дамка”сини!

Индамас “Энди иложи йўқ” дегандай қорнини силаб қўяди.

К а т т а. Хў, “дамка” кўр қилгур! Илойим, тешиб чиқсин!..

Г у л а н д о м (*Индамасга*). Сиз ўзингизнинг палатангизга
қараб бир йўрғаланг-чи! Боринг, буларга халақит берманг!

Индамас индамай чиқиб кетади.

К а т т а. Шу одамнинг умуман справкаси йўққа ўхшайди-
да! Бўпти, кетдик.

А м у д а р ё. Нега? Ўйинни давом эттирмаймизми?

К а т т а. А-а, иштаҳаниям белига тепди...

Чиқиб кетишади. Ошиқ Ғариб билан Паранжи куйлаганча кириб ке-
ладилар.

П а р а н ж и. Ҳайдар бўлдим тушларимни,
Киприқларим тош босса ҳам.
Шодланаман, кувонаман,
Кўзларимни ёш босса ҳам.

И к к а л а с и. Тубсиз жарлик – булоқдир кўз,
Булоқ кўзинг сўзласин менга.



Тил – маст-аласт, чўлоқдир – сўз,
Чўлоқ сўзинг суянсин менга.

О ш и қ Ғ а р и б. Икки юрак адашдилар,
Йўллар тушди айри-айри,
Шу маконда ярашдилар,
Беҳад шукур: майли-майли.

И к к а л а с и. Тубсиз жарлик – булоқдир кўз,
Булоқ кўзинг сўзласин менга.
Тил – маст-аласт, чўлоқдир – сўз,
Чўлоқ сўзинг сўзласин менга.

О ш и қ Ғ а р и б. Бу ердан чикканимиздан кейин, биласан-
ми, нима қиламиз?

П а р а н ж и (*Атрофга аланглаб олиб, чачвонини кўтариб
кўяди*). Йўк...

О ш и қ Ғ а р и б. Мактаб очамиз!

П а р а н ж и. Мактаб?

О ш и қ Ғ а р и б. Ҳа, жоним, мактаб очамиз!.. (*Овозини
настлатиб*) Муҳаббатдан дарс берамиз!.. Бу шўрлик одамлар
севишния, севилишния билишмайди.

П а р а н ж и (*зорланиб*). Ҳа, ҳа, унутиб юборишган!..

О ш и қ Ғ а р и б. Бизнинг мактабда “Садоқат”, “Вафо”, “Ҳиё-
нат”, “Ҳижрон” деган дарслар ўқитилади. Парталарда кўзларини
катта-катта очганча, юраги безовта тегиб турган, тиник ва соф
туйғуларга ташна ёшлар ўтиради! Иккимиз дарс ўтамыз! Улар
жон кулоқлари билан тинглайдилар. Сабоқларимизда ёлгон
бўлмайди, фақат ва фақат рост сўзлаймиз!

П а р а н ж и (*қасамёд қилаётгандай*). Фақат рост сўз-
лаймиз!

О ш и қ Ғ а р и б. Уларга тўғриси айтиш керак. Токи
муҳаббатнинг ранжли сўқмоқларида адашиб юрмасинлар!

Кўлида шприц билан Гуландом пайдо бўлади.

Г у л а н д о м. Ленинни кўрмадиларингми? Доим укол пай-
тида йўқолиб қолади-я!

О ш и қ Ғ а р и б. “Разлив”да. “Апрель тезислари”ни ёзаяпти.

Г у л а н д о м. Оббо, энди ҳожатхонага кириб укол қилишим
қолувди! (*Стулга ўтириб кута бошлайди.*)

П а р а н ж и ва О ш и қ Ғ а р и б.

Ошиқ сўздан адашади,
Адашгани ярашади.
Катта-кичик ҳавас билан,
Булар ким деб қарашади.

Улар куйлаганча чиқиб кетадилар. Ҳожатхона суви шалдираб тушади.
Ичкаридан нималарнидир ёзганича Ленин чиқади.

Г у л а н д о м. Владимир Ильич! Шу ёзув-чизувингизни
Кремлда ёки Смольнийда қилсангиз бўлмайдими?

Л е н и н. Конспирация, азизим, конспирация!

Г у л а н д о м (*шприцни кўрсатиб*). Владимир Ильич...

Л е н и н. Йўқ, йўқ, йўқ, азизим, яна бир карра йўқ! Яхши-
си, сиз бу муолажангизни Волга бўйидаги очлар учун асраб
қўйинг! Ҳа, ҳа, шундоқ қилинг! Мени маъзур тутасиз... (*Чиқиб
кетishга ҳозирланади.*)

Г у л а н д о м. Қаёққа кетяпсиз?

Л е н и н. Вақтим йўқ, азизим! Олтинчи палатани куролли
кўзғолонга тайёрлашим керак!

Г у л а н д о м. Владимир Ильич, тушунинг ахир, сизни бур-
жуазия инфекциясига қарши эмлашим керак! Йўкса, оқибати
нима бўлишини ўзингиз яхши биласиз!

Л е н и н. Ҳа, ҳа, ўта хавфли вирус... (*Ёнбошини очиб*) Фақат
тез бўлинг, мени мазлум халқлар кутмоқда! Ай!..

Г у л а н д о м (*укол қилиб бўлиб*). Лекин олтинчи палатада
мазлум халқдан ҳеч ким йўқ, ҳамма кино кўргани кетган.

Л е н и н. Майли, сабр қиламиз. Революциянинг эрта-кечи
йўқ! Ундан ташқари, санъатлар ичида биз учун энг муҳими –
кинодир! (*Чиқиб кетади.*)

Индамас киради. Гуландом янги шприц олиб, унга юзланади. Индамас бироз каловланиб туради-да, кимнидир имлаб чакиради. Шалвираганича Хормейстер кириб келади.

Г у л а н д о м. Янами? (Хормейстер “нашлож” дегандай елка қисади.) Сизга бунинг фойдасиям йўқ, зарариям. Майли, ўзингиз рози бўлсангиз, менга барибир... (Хормейстерга укол қилиб, сахнани тарк этади).

Индамас ҳамон афтини бужмайтириб турган Хормейстернинг қўлини сиқиб, чўнтагига қанчадир пул солиб қўяди ва мамнун чиқиб кетади.

Х о р м е й с т е р (орқасини силаб). Тавба қилдим, бу ерда касал ким ўзи?.. А-а, санъаткорнинг маоши қурсин!.. Учта жойда ишласам ҳам етмаяпти-да, нима қилай? Бу ёқда болачақа, ҳаммаси ейман-ичаман дейди... Э!.. (Оқсоқланганча чиқиб кетади.)

Чирок ўчади

Иккинчи сахна

Гуландом навбатчилар столида нимадир ёзиб ўтирибди. Паранжи кўринади.

Г у л а н д о м. Бировни қидиряпсизми?

П а р а н ж и. Йўқ, ўзим...

Г у л а н д о м (ёзишдан тўхтаб). Келинг, бироз гаплашиб ўтирайлик, зерикиб кетдим.

П а р а н ж и. Шу ердан ўтмадиларми?

Г у л а н д о м. Йўқ, кўринмадилар. Сизларга ҳавасим келади. Мениям биров Ошиқ акамдай яхши кўрганда эди!..

П а р а н ж и (севиниб). Чиндан ҳавас қиласизми?

Г у л а н д о м. Ҳа. Доим биргасизлар. Бир-бирларингни еру кўкка ишонмайсизлар. Эҳ, севги дегани жиннихонадаям севги экан-да...

П а р а н ж и. Ўзимниям ўзимга ҳавасим келади. Ишқилиб, кўз тегмасин-да...

Г у л а н д о м. Анави куни ракс тушаётганингизни кўриб колдим. Ўйинниям қотирвораркансиз!

П а р а н ж и (*қўрқиб кетгандай*). Вой, қачон?..

Г у л а н д о м. Кўрдим-да. Палатада. Ёлғиз экансиз. Радиони кўйволиб, а? Ҳа-а, ёмонси-из!..

П а р а н ж и (*уялиб*). Вой, кўриб қолдингизми?.. (*Аразли*). Мундоқ йўталиб ҳам кўймабсиз!

Г у л а н д о м. Ие, шундай чиройли ракс бўлаётганда йўталга бало борми?

Войболам кириб, уларни кўрмагандай ёнларидан ўтади.

В о й б о л а м (*ўзига ўзи*). Омбордаги қопқонга сичқон тушибди... Кичкинагина, боласи бўлса керак...

Г у л а н д о м. Келинг, хола. Манави дугонамни сира кўндирилмаяпман, сиз бир нима айтиб беринг, зора, ўйнаб берсалар. Келинлар, бироз ўйин-кулги қилайлик. Ҳеч ким йўк-ку.

В о й б о л а м. Менинг айтганларимга ўйнаб бўлмайди, фақат йиғлаш мумкин.

Г у л а н д о м. Майли, ўша йиғлатадиганингизни сал шўхроқ қилиб айтасиз. Майлими? Жон, холажон, айтақолинг.

В о й б о л а м. Кўймадинг – кўймадинг-да.

Аввалига яккаш доира чертилади. Паранжи бироз каловланиб туради-да, паранжи-чачвонини бир чекка кўйиб, тиллакош тақади ва чинакам раккосага айланади-колади. Секин ўртага келиб, атрофга хуркаклик билан аланглайди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч хосил қилгач, оҳиста ракс бошлайди.

В о й б о л а м. Гуллар тутдим кўлингга –
топганим шудиргина,
Орзулар дув тўкилди –
эканми тутунгина.
Дилимни бердим дилга –
вафоси бутунгина,
Айт, қисмат, не қасдинг бор
шивирлаб секингина!





Г у л а н д о м. Яшаб ўтдим оламдан –
камтарин, факиргина,
Гоҳида серсув бўлиб,
гоҳида такиргина.
Зерикдим бу дунёдан,
олдингга чакиргин-а,
Айт, қисмат, не қасдинг бор,
шивирлаб секингина.

Паранжининг рақси ниҳоятда жозибали эди. Берилиб, эхтирос билан ўйнарди у. Бу рақс севги ҳақида кўшиқдай туюларди.

Рақс асносида аввал бир деразадан, сўнг бошқаларидан беморларнинг каллалари кўринади. Улар бу қадар нафосатли, жозибали рақсни кўрмаган эдилар, шу сабабли ҳайратларининг чеки йўқ эди.

В о й б о л а м. Бўлсин, болам, ҳаётда
бардошинг метингина,
Бўрига ўлжа эмиш
қўзичоқ – текингина.
Бу эмас, у дунёдан
қидирай – бекингин-а,
Айт, қисмат, не қасдинг бор,
шивирлаб секингина.

Рақс тугаши билан кабристон сукунати чўқади. Кейин бирдан чапак, олқишлар янграб кетади. Паранжи уялиб, дарров паранжи-чачвонига ўралиб олади. Доимгидай ҳовлиқиб Хормейстер кириб келади.

Х о р м е й с т е р (*чапак чалиб*). Бошладик, бошладик, бошладик! Ҳамма жойига турсин! Жим, жим! Тартиб сақлансин!.. (*Барча настга тушиб, саф тортишади.*) Фикрингизни бир жойга тўпланг! Бир-бирингизни эшитиб айтинг!..

А м у д а р ё (*қўл кўтариб*). Кечирасиз, қорним оғрияпти. Ҳали шашка ўйновдик...

Х о р м е й с т е р. Яна ютқаздингизми?

А м у д а р ё (*афтани буриштириб*). Йўқ, аксинча, ютдим-да! Шунинг учун қорним оғрияпти, чархпалаги синсин!..

К а т т а. Ҳа, бугун омади келди. Икки партия ютиб, ярим килоча довуччани пок-покиза туширди.



Х о р м е й с т е р. Минг марта айтаман, довуччадан ўйнаманглар, деб! Ҳамшира қани? Қаёкка қараяпти ўзи! Бўпти, жойингизга бориб, ашулангизни айтинг!

А м у д а р ё. Ия, жиннимисиз? Қорним оғрияпти десам, ашула айт дейсиз! (*Жойига бориб туради.*)

Х о р м е й с т е р. Тўнғилламанг! (*Орқасини силаб қўйиб*)
Бизниям баъзи жойларимиз оғриб турибди, лекин чидаяпмиз!.. Биз қаҳрамонлар ҳақида кўшиқ айтяпмиз, шунинг учун оғриқларниям қаҳрамонона енгшимиз керак! Тушунарлими? Бошлаймиз! Сўзларини яна бир марта такрорлайман: “Чўлларни бўстон этган қаҳрамонлар яшасин!” Эсладиларингми?

К а т т а (*қўл кўтариб*). Узр, бу ерда қайси чўл назарда тутилган?

Л е н и н. Менимча, Мирзачўл бўлиши керак. Манави ерга Мирзачўлнинг харитасини осиб қўйсақ ёмон бўлмасди, ўртоқлар!

Х о р м е й с т е р. “Мирзачўл” мусиқага сиғмайди!

А м у д а р ё. Бўлмаса, мусиқага сиғадиган чўл топиш керак.

Х о р м е й с т е р (*портлаб*). Бошқа чўлни катта холаманкидан оламанми ҳозир?! Борини айтаверасизлар – гап тамом! Қани, бошладик: и-и-и!..

К а т т а. Кечирасиз, Америкадаги чўллар бўлмайдими? Масалан, Колорадо чўли, а?

Л е н и н (*кескин*). Йўқ, бўлмайди! Капиталистларнинг чўллари бизга керак эмас! Сизда социалистик ғурур йўқ, ўртоқ!

К а т т а. Сизнинг справкангиз йўқ, ўртоқ!

В о й б о л а м. Лелин укам тўғри айтаяпти. Уларнинг чўли бошидан қолсин! Ҳаммаёққа дори сепиб ташлашган, қўлинг сингурлар!

Бу баҳсга фақат Ошиқ Ғариб билан Паранжи аралашмас, бир-бирига термилгани-термилган эди.

Х о р м е й с т е р. Бўлди, бас қилинглари! Бугун шу ашу-



лани айтамизми-йўқми?! (*Севишганларга*) Сизлар нега валак-лайсизлар? Бас қилинглар гап сотишни!

О ш и қ Ғ а р и б. Эшитиб қолдингизми? Биз ичимизда гаплашаётувдик...

Х о р м е й с т е р. Ичларингдаям, ташларингдаям гаплашманглар! Бола боғча бўп кетинглар-э!..

К а т т а. Кечирасиз-у, ҳақорат қилинмасин! Нима, бизни ёш бола деб ўйлаяпсизми?

Л е н и н (*Каттага*). Мана бу гапингиз мутлако тўғри, ўртоқ! (*Хормейстерга*) Сиз унақа сиёсий хатога йўл қўйманг, ўртоқ! (*Ўзича*). Йўқ, революция қилмасак бўлмайди, одамлар айниб кетяпти! (*Хормейстерга*) Бўпти, ўртоқ, бошланг гегемонлигингизни! (*Жойига бориб туради.*)

Х о р м е й с т е р. Қани, бошладик! И-и-и!..

В о й б о л а м (*қўл кўтариб*). Болам, ашулангни айтгирсанг хаммага айттир-да. Нега анави ҳамшира қизим айтмайди?

К а т т а. Тўғри, уям айтсин-да. Справкаси бўлмасаям яхшигина овози бор экан, ўзим эшитдим.

Х о р м е й с т е р. Хў, инсонлар! Тушунинглар, ахир, у қиз соғ, сизлар эса сал... анақароксизлар!

А м у д а р ё. Соғлар ҳам айтсин-да, фақат жиннилар айта-верадими кўшиқни!

Л е н и н. Албатта, тенглик бўлмоғи лозим, ўртоқлар!

Х о р м е й с т е р. Мана шунақа гап сотиб тураверамизми?

В о й б о л а м. Худо хайрингни берсин, болам, айтсак айта қолайлик, оёғимда оёқ қолмади.

Л е н и н. Ўртоқ кампир...

В о й б о л а м. Кампир дема-э, худо кўтарсин!

Л е н и н. Яна такрорлайман, худо-пудо деган диний ташвиқотларни йиғиштиринг, гражданка! Дин – афюндир!

В о й б о л а м. Ўзинг афюнсан, билдингми?

Х о р м е й с т е р. Жим бўласизларми-йўқми?! Агар ҳозирок ашулани бошламасаларинг, бош врачга кириб, “Булар соппа-соғ, жинни эмас” дейман! Ўлай агар, шунақа дейман!

В о й б о л а м. Йў-йў-йўқ, унақа кила кўрма, болам! Айта-
миз ашулангни, айтамыз!

А м у д а р ё. Албатта, айтамыз! Бир умр айтиб келганмиз,
яна айтамыз!

Х о р м е й с т е р. Унда бошладик: и-и!

Хамма бараварига оғзини очади-ю, лекин... ҳеч кимнинг товуши
чик-майди. Худди телевизорнинг овозини ўчириб қўйгандай. Хормей-
стер аввалига хайратдан қотиб қолади, кейин ҳар бирининг нақ бурни
тагига бориб эшитиб кўради – жимжит. Кўзларини юмиб тинглаб кўради
– кабристон сукунати. Қўллари билан кулоғини очиб-ёпиб кўради – ҳеч
кандай ўзгариш йўқ.

Беморлар эса жон-жаҳдлари билан берилиб “куйлашар”, ҳатто туриш-
лари ҳам хофизларникига ўхшаб кетарди. Шўрлик Хормейстер кар бўп
қолдим деб ўйлади, чоғи, кулоқларини кавлаштириб кўрди. Сўнг ваҳима
босиб қора терга ботганча, телбанамо ҳолатда чиқиб кетади.

Беморлар қилган ишидан хурсанд, ашулани ванг қўйиб, рақсга тушиб
кетишади. Гоҳ “Интернационал” устун келса, гоҳ “Отмагай тонг” устун
келарди. Энди “телевизор”нинг овози бор эди...

Чирок ўчади

Учинчи сахна

Кечаси. Деразаларда чирок ўчган. Чигирткаларнинг чириллаши эшити-
либ турибди. Навбатчининг столида Паранжи йиғлаб ўтирибди. Ҳовлиқиб
Ошик Ғариб кириб келади.

О ш и қ Ғ а р и б. Э, шу ердამидинг, қидирмаган жойим
қолмади!.. Нима бўлди, жоним? Нега йиғлаяпсан? (*Паранжи
уни кўриб баттар йиғлашга тушади.*) Биров хафа қилдимми?
Ким? Гапирсанг-чи, ахир, менга айтмасанг кимга айтасан?
Нима, ё бегонаманми?

П а р а н ж и. Нега унақа дейсиз? Биласиз-ку, бу ёруғ олам-
да сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ!..

О ш и қ Ғ а р и б. Бўлмаса нега айтмайсан? Хўш, гапир,
ким хафа қилди?

П а р а н ж и. Лелин ака...

О ш и қ Ғ а р и б. Ленин?.. (*Паранжи йиғи аралаш тасдиқ*



маъносида бош иргайди.) Вой, аблах-ей!.. Ҳали шунақа ода-
тиям бор эканми?! Уни ҳезалак дейишувди-ю!.. Нима қилди?

П а р а н ж и. Ташқарига чиқувдим...

О ш и қ Ғ а р и б. Хўш?

П а р а н ж и. Қоронғи йўлакда пойлаб турган экан...

О ш и қ Ғ а р и б. Кейин-чи?

П а р а н ж и. Кейин... кейин шартта билагимдан ушлаб...

О ш и қ Ғ а р и б. Вой, падарингга лаънат-ей!..

П а р а н ж и. Билагимдан ушлаб тортди...

О ш и қ Ғ а р и б. Қаёққа тортди?

П а р а н ж и. Бурчакка...

О ш и қ Ғ а р и б. Қанақа бурчакка?

П а р а н ж и. Қизил бурчакка...

О ш и қ Ғ а р и б. Нимага?

П а р а н ж и. Билмайман... Нияти ёмонлигини сездим-у,
юлқиниб қочдим...

О ш и қ Ғ а р и б. Шу билан қутулдингми?

П а р а н ж и. Йўқ, эшикни ичкаридан кулфлаб олган экан,
чиқолмадим... (Яна йиглашга тушади.)

О ш и қ Ғ а р и б (этигининг кўнжидан пичоқ чиқариб).
Ҳозир бориб ўша даюсни сўйиб ташлайман – битта револю-
ционер кўп, битта кам! Кейин нима бўлди?

П а р а н ж и. Кейин... Кейин... (Хўнграб йиглаб юборади.)

О ш и қ Ғ а р и б. Хўш, хўш, хўш? Айта қолсанг-чи, одамни
қон қилмасдан! Нима қилди?

П а р а н ж и (Анча пайт пиқиллаб туради). Паранжини
ташла, деб ташвиқот қилди!.. Кейин сизниям гапирди...

О ш и қ Ғ а р и б. Нима деди?

П а р а н ж и. Менга бой-феодалларча муносабатда бўла-
ётган эмишсиз...

О ш и қ Ғ а р и б. Айтмадингми, биз бир-биримизни жон-
дилдан севамиз, деб! А-а, у хотинчалиш севгини биладими!
Боласиям йўқ. Юзингни очмадингми?

П а р а н ж и. Вой, очиб ўлибманми!..



О ш и қ Ғ а р и б. Тўғри қилибсан. Бошқалар юзингни очаверсин! Сочини қирқсин, калта иштон кийсин, билганини қилсин! (*Қизнинг юзларини оҳиста силаб*) Сен оламда ягонасан!.. Сен фариштасан!..

П а р а н ж и (*кўз ёши аралаш жилмайиб*). Ўзимнинг жиннигинам!.. (*Йигитнинг елкасига бошини қўяди.*) Биласизми, бир нарсани кўп ўйлайман...

О ш и қ Ғ а р и б. Нимани?

П а р а н ж и. Анови хўрмастерми, нима дейди... ўша кишининг ашуласини нега сира айтолмаймиз-а? Неча йиллардан бери уринамиз, ҳеч бўлмайди. Бечорага раҳмларим келиб кетади...

О ш и қ Ғ а р и б. Негаки, ҳамманинг юраги бир хил тепмайди-да, жоним! Ҳамманинг дарди бошқа, мақсади бошқа. Анави панжаралардан бошқа бизни бирлаштириб турадиган ҳеч нарса йўқ. Шунинг учун бараварига, бир хил куйлолмаймиз.

П а р а н ж и. Икковимиз бўлсак, туппа-тузук айтамиз-ку?

О ш и қ Ғ а р и б. Икковимизнинг юрагимиз бир хил тепада. Дардимиз ҳам бир, орзу-ўйимиз ҳам бир. Хормейстер акамиз бекорга овора бўляпти, барибир ҳеч бало чиқмайди. Қачонки юракларимиз бир хил тепса, ўшандагина ҳаммамиз бирга куйлай оламиз.

П а р а н ж и. Ўзимизнинг ашуламиз яхши-а?

О ш и қ Ғ а р и б. Бўлмасам-чи!

П а р а н ж и (*Секин хиргойи қилади*).

Ошиқ сўздан адашади,

Адашгани ярашади.

Катта-кичик ҳавас билан,

Булар ким деб қарашади.

Шу пайт мотоциклнинг овози эшитилади, чироғи саҳнани тартибсиз ёритади. Севишганлар кўзларини ёруғдан тўсиб, хайрон бўлганча атрофга аланглайдилар. Икки томондан иккита шарпа чиқиб, бири Ошиқ Ғарибнинг, иккинчиси Паранжининг оғзини бекитади. Бирининг қўлида пичоқ ялтирайди, бошқасида – қирқма милтиқ. Паранжининг қичкириғидан беморлар





уйғониб, деразаларда бирин-кетин чироқ ёнади. Аста-секин сахна ёриша боради.

Сахна ёришганда кўрамизки, Паранжининг бўғзига пичоқ тираб турган йигит – Қайсар, Ошиқ Ғарибнинг бикинига милтиқ қадаб тургани – Бемаза экан. Учинчиси – Тўнка – оғзига латта тикиб, кўллари орқасига боғланган Шокирни олиб киради. Ичкаридан биринчи бўлиб Гуландом чиқади.

Г у л а н д о м. Ҳа, нима гап?

Тўнка Шокирни қўйиб юбориб, Гуландомга ташланади ва қўлидаги занжир билан уни бўғиб олади. Чархпалагини кўтариб Амударё чиқади.

А м у д а р ё. Биров чақирдимми?..

Б е м а з а (*милтиқ ўқталиб*). Яна бир қадам боссанг, ажал чақирган бўлади!

Амударё ўша ерда котади. Ленин чиқади.

Л е н и н. Ўртоқлар! Асрлар бўйи интиклик билан кутилган куролли кўзғолон, ниҳоят, амалга ошди! Яшасин жаҳон революцияси! Эй, мазлум халқ! Қаддингни ростла, бошингни кўтар! “Ишчилар, уйғон, уйғон...”

Қ а й с а р. Кимирлама! Бўлмаса ҳозир уйғонмасдан, бир умрга ухлаб коласан!

У ҳам Амударёнинг ёнидан жой олади. Шошилмай, вазминлик билан Катта кириб келади.

К а т т а (*аҳволни кўриб*). Булар бизнинг штатдами?

Т ў н к а. Энангнинг штатида! Жойингга бор!

Войболам киради. Кичкина ёстикчани бола қилиб, бағрига босганча куйлайди.

В о й б о л а м. Кўзларини ўйдилар, вой болам,
Бирин-кетин сўйдилар, вой болам.
Шаҳид бўлиб кетганларни, вой болам,
Эсламай ҳам қўйдилар, вой болам.

Б е м а з а. Мунча кўп булар, а? Қараб туриб, дунёда соғ одам қолмабди, деган хаёлга борасан.

Қ а й с а р. Э, мингта бўлмайдимми! Юзта мушукнинг тириги-ю, битта арслоннинг ўлиги! (*Беморларга*) Ҳамманг мана бу

ерга ўт! (Кўрсатилган жойга ўтиб, гуж бўлиб олади. Қайсар пичоги билан уларнинг атрофини гир айлантириб чизиб чиқади.) Ким мана бу чизикдан ўтса, жонидан умидини уза-версин! Тушунарлими? (Жимлик.)

Тушунарлими, деяпман!

Л е н и н. Албатта тушунарли. Нима, бу “Антидюринг”-мидики, тушунмасак! Фақат илтимос, ўртоқлар, сиз куролингизни мазлум халққа эмас, бой ва помещчик, буржуйларга қаратинг!

Қ а й с а р. Бу демагог қаёқдан пайдо бўп қолди? (Гуландомга) Қани, ойимча, бери кел-чи!

Г у л а н д о м (жойидан қимирламай). Нимага?

Қ а й с а р. Бу ёққа кел, деяпман!

Г у л а н д о м. Манави чизикдан чикманглар, дединглар-ку!

Қ а й с а р. Мен рухсат бераман, келавер.

Г у л а н д о м (секин яқинлашиб). Нима керак сизларга?

Қ а й с а р. Как раз, ана шу масалада сен билан маслаҳат қилиб олмоқчиман, ойимқиз!

Г у л а н д о м. Бу ер дўкон бўлмаса, омбор бўлмаса, нима қидиряпсизлар ўзи? Бу ер касалхона!

Қ а й с а р. Э-э, касалхона эканми? Биз ЦУМ деб ўйлабмиз! (Шериклари хохолаб кулади.) Менга қара, сен яхши кизга ўхшайсан, кўзларинг айтиб турибди. Сизларда касалларга бериладиган дори бўлади. Морфий. (Қиз жим.) Бўладими?

Г у л а н д о м. Хўш?

Қ а й с а р. Нима “хўш”? Бўладими, деяпман!

Г у л а н д о м. Бўлади...

Қ а й с а р. Борми?

Г у л а н д о м. Билмайман...

Қ а й с а р. Бўпти. Дорилар қаерда туради?

Г у л а н д о м. Билмайман.

Қ а й с а р (Тўнкага). Кўрдингми, билмас экан. Нима қила-миз, шу чиройли кизчанинг гапига ишонамизми?



Т ў н к а. Битта ўптирса, мен жон-жон деб ишонардим!..
(*Беўхшов кулади.*)

Қ а й с а р. Ана, талабгорлар ҳам чиқиб қолди. Нима қилдик, айтамизми ё манави акангнинг талабини қондирамизми? Бу хумпар фақат ўпишга қаноат қилса экан! А?

Г у л а н д о м. Мен оддий ҳамшираман, менда дори бўлмайди! Қаерда сақланишиниям билмайман.

Қ а й с а р. Ким билади? Кимдир билиши керак-ку! (*Пичоқни қизнинг бўғзи олдидан ўйнатиб*) Менимча, биров билиши керак, нима дединг?

Г у л а н д о м. Бош врач билади...

Қ а й с а р. У қаерда?

Г у л а н д о м. Уйда...

Қ а й с а р. Уйи қаерда?

Г у л а н д о м. Ўрта кишлоқда...

Қ а й с а р. Дориларни кўтариб уйига опкетиб қолмагандир? Хонаси қаерда?

Г у л а н д о м. Айтмайман.

Б е м а з а. Уф-ф!.. Сиқилиб кетдим!.. Пачакилашиб ўтирасанми, нозик жойидан ушлаб шундоқ етакласанг, мулойим мушукдай бўлиб айтган жойингга олиб боради!

Т ў н к а. Биродарлар, шу ишни менга топширинглар! (*Хунук тиржасаяди.*)

Қ а й с а р (*шерикларига*). Сенлар анувларга кўз-қулоқ бўп туринглар. (*Гуландомга*) Қани, юр. Бир экскурсия қилиб келайлик-чи! (*Қизнинг қўлини орқасига қайириб, ичкарига олиб кириб кетади.*)

Беморлар бу ерда кечаётган воқеаларнинг моҳиятига тушунмайди. Амударё чархпалагини ўйнаб ўтирибди. Катта худди мажлисда ўтиргандай, ким гапирса ўшанинг оғзига қарайди. Войболам ёстикчасини аллалаш билан овора. Ленин зўр бериб нималарнидир ёзаяпти. Ошиқ Ғариб билан Паранжи бир-бирига термилгани-термилган. Уларнинг ичида фақат Шокир чинакамига қўркиб кетган. Ичкаридан қўланкага ўхшаб Индамас чиқади. Унга ҳеч ким аҳамият бермайди.

А м у д а р ё (иккилана-иккилана чизиқдан чиқиб). Менга каранг, оғайни...

Б е м а з а. Нима дейсан?

А м у д а р ё. Бу ерда сиз каттароққа ўхшайсиз... (Чархналагини кўрсатиб) Мана шуни Амударёга ўрнатсак, биласизми, нима бўлади?

Б е м а з а (милтиқ ўқталиб). Агар яна бир қадам боссанг, ўзинг биласанми нима бўлади?

А м у д а р ё. Ҳеч ким тушунмайди... (Жойига бориб ўтиради.)

П а р а н ж и (эҳтиётлик билан яқинлашиб, Тўнкага). Мулла ака, сиз қайси мактабда ўқигансиз?.. Севишни биласизми?..

Т ў н к а (оғзининг таноби қочиб). Ие, биз биламиз-да, жонидан!.. Ҳар хил севишларни биламиз! Қани, юзингизни бир очворинг-чи... (Қизнинг паранжисига қўл чўзади).

О ш и қ Ғ а р и б. Тегма унга!!! (Севгилисини тўсиб) Яна бир марта кўлингни чўзсанг, кекирдагингни узиб ташлайман, мараз!

Т ў н к а. Ия, буям ўзимиздан экан-ку... (Унинг қорнига туширади.)

Йигит букчайганча шерикларининг олдига бориб йикилади. Паранжи додлаб у томон шошади.

Ш о к и р. Ҳой, нима кияпсан? Ахир, булар худонинг суюкли бандалари-я!.. Инсоф деган нарса борми ўзи сенларда?!

Т ў н к а. Жойингизга бориб жимгина ўтиринг, бобой! Бўлмаса сиз ҳам насибангизни оласиз!

Ш о к и р (Бемазага). Болам, буларнинг ичида сен бамаънироққа ўхшайсан. Кўриб турибсан, бу ер оддий касалхона эмас. Булар ҳам оддий беморлар эмас, ақли сал... кетиб қолган. Булар милтиғингдан кўркмайди, пичоғингни тушунмайди. Замбаракка тутсанг ҳам, тўғри бостириб келаверади. Чунки кўркув нималигини билмайди. Мана, мен кўркаман. Нимага десанг, мен соғман – жоним ўзимга ширин. Нима десаларинг киламан. Лекин, бу шўрликларга тегманглар! Буларга қўл

кўтариш – бегуноҳ норасидага кўл кўтаришдай гап! Худодан кўрқинглар, гуноҳи азимдан нари юринглар, болаларим!

Б е м а з а. Э, кўп дийдиё қилаверманг, бобой! Биз ўзимизга керак нарсани оламиз-у, кетамиз. Жинниларингиз билан неча пуллик ишимиз бор? Фақат халакит бермай, жим ўтирса бўлди.

Ш о к и р. Ўзи сизларга нима керак? Айтинглар, мен шу ерда қоровулман, нима керак бўлса ўзим топиб бераман.

Т ў н к а. Бизга керак нарсаси қоровулда бўлмайди, бобой!

Б е м а з а. Бизга жинниларингиз эмас, жинниларга укол қиладиган дори керак! Бўлдими?

Ш о к и р. Укол қиладиган дори? Нима, сенлар ҳам жинни-мисанлар? Э-э-э, мен сенларни соғ деб, бутун дардимни айтиб ўтирибман-а!..

Т ў н к а. Бобой, ўчир! Бўлмаса ҳозир миянгни чайқалтириб кўяман – сен ҳам жинни бўласан!

Ичкаридан Қайсар Гуландомни олиб чиқиб, тўдага қўшиб қўяди.

Қ а й с а р (*шерикларига*). Дори сейфда экан. Жа мустаҳкам, қизталок. Очолмаймиз. Бўлмаса, гап мундок. Тўнка, сен ўша Ўрта қишлоққа ғизиллаисан. Ярим соатга қолмай бош врач шу ерда бўлсин. Ўзинг эплайсанми ё Бемазаниям қўшворайми?

Т ў н к а. Мени ким деб ўйлаяпсан!.. (*Кета туриб, Гуландомга*) Тагин буларга кўзингни сузиб юрма, ўзим келаман-а!

Г у л а н д о м. Тур-э, башаранг қурсин!

Тўнка беўхшов кулганича чиқиб кетади. Шоқир билан Гуландомдан бошқа ҳеч ким бирор хавфни сезмас, бамайлихотир ўз ишлари билан овора.

В о й б о л а м (*бироз яқинлашиб*). Ҳали дори дегандай бўлдиларингми?.. Дори ўлсиин, болам, дори ўлсин!.. Мен қоча-қоча ундан қутулолмадим, сенлар ўз оёқларинг билан қувиб юрибсанлар... Дори зўр, дори дев, аждаҳо... Унга ҳеч кимнинг кучи етмайди: дўхтирларниям, калхўз раисиниям, ҳукуматниям!.. Майли, қувинглар. Етиб олиб, ўша ер ютгур дорини бўғиб ўлдирилинглар! У девни сизлардай азаматлар ўлдирмаса, ким ўлдиради?

Б е м а з а. Аввал ўша дорини топиб олайлик, кейин нима қилишни ўзимиз биламиз!

В о й б о л а м. Баракалла, азаматларим!

Қ а й с а р. Хола, жойингизга бориб ўтиринг! Менга насиҳат қиладиган бувим аллақачон кўкариб чиккан! Боринг, боринг, боринг!

В о й б о л а м. Нима, бувинг ҳам доридан ўлганми? Эсизгина-я... (*Тўсатдан марсия бошлаб қолади.*)

Дорда рўмолим қолди, вой энам,
Дори жонингни олди, вой энам!..

Қ а й с а р. Хў, хола! Фақат филармония бўлмасин! Индама-санг, томга чиқиб азон ҳам айтади булар!

Л е н и н (*кутилмаганда*). Ўртоқлар! Эксплуататорлар мазлум халқнинг қонини зулук каби сўрмоқдалар! Бундай аянчли турмуш тарзидан халос бўлмоқ, озод ва хур жамият қурмоқ учун сўзсиз кўзғолон қилмоқ керак!

Б е м а з а. Бу “Жириновский” қаердан пайдо бўп қолди?

Л е н и н (*парво қилмай*). Руҳиятимиздаги мутелик, сўзсиз итоат этиш каби иллатлардан қутулмоқ вақти етди, ўртоқлар! Халқнинг аҳволини қаранг: оч-яланғоч, киймоққа кийими, емоққа бир бурда нони йўқ! Агар халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етмас экан, бу зулм давом этаверади! Ҳокимият – советларга, заводлар – ишчиларга, ер – деҳқонларга, касалхона – жинниларга! Миннатдорман. (*Дарров ёзишга тутинади.*)

Б е м а з а (*Қайсарга*). Жиннилар билан зерикмас экансан-ей...

Қ а й с а р (*беморларга*). Бўлди, бас қилинглр мажлисвозликни!

Л е н и н. Мажлисмас бу, революция...

Сукут чўқади. Бемаза билан Қайсар деворга суянганча ерга чўзилади-лар. Беморлар ҳамон хотиржам ўтиришибди. Жимликни чигирткаларнинг чириллашигина бузиб турибди. Ошиқ Ғариб ва Паранжи секингина хиргойи қилишади.

И к к а л а с и. Бўзтўрғайим, бўзтўрғай,
Суюклигим – сирдошим.



Ёр холини ёр сўрғай,
Бир умрлик йўлдошим.
Бўзтарғайим, бўзтўрғай,
Суюклигим – сирдошим.

Муҳаббат бор, ҳижрон бор,
Орасида бўзлайсан.
Чарх ишидан сен безор,
Армонлардан сўзлайсан.
Бўзтўрғайим, бўзтўрғай,
Бир умрлик йўлдошим.

Кайсар шарт ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа асабий юра бошлайди.

Қ а й с а р. Тўнкани талқон еб, сувга жўнатиш керак-да ўзи!
Шу пайтгача нима еб юрган экан у?!

Б е м а з а. Вақтнинг имиллашини қара! “Пак” этиб ёрилиб
кетай деяпти одам!

Тўдадан ажралиб, Катта ўртага чиқади.

К а т т а. Билишимча, ишларинг унча юришмаётганга ўх-
шайди?

Қ а й с а р. Нима, юриштириб бермоқчимисиз?

К а т т а. Ҳар бир ишда йўлбошчи битта бўлиши керак.
Қолганлар унга сўзсиз бўйсунуши лозим. Сизларга қараб тур-
сам, ҳар бирларинг ўзингизча раҳбарсизлар. Чўпон кўп бўлса,
қўй ҳаром ўлади, деган гап бор. Топиб айтилган гап. Шундан
келиб чиққан ҳолда, менда бир таклиф бор.

Қ а й с а р. Хўш?

К а т т а. Мен вақтида иши юришмай, ўтириб қолган не-
не қолок хўжаликларни кўтарганман! Худога шукур, тажриба
етарли. Хўп десаларинг, мен ўзимни таклиф қиламан!

Б е м а з а. Нимага таклиф қиласиз?

К а т т а. Раҳбарликка-да. Справкам бор.

Қ а й с а р (Ҳафсаласи тир бўлиб, “сен”лашга ўтади). Сени
бошимизга урамизми?



Қ а й с а р (*мудраб*). Раҳбарлар ўзимиздаям тиқилиб ётибди!
К а т т а. Тавба, қанақа одам ўзи булар? Теп-текин раҳбарга
йўқ дейди-я! (*Бемазага*) Хў, справкаси йўқ! Айтиб қўяй, мен-
дақа раҳбар кўчада ётмайди, ха!

Б е м а з а. Э, бор-бор-бор, тошингни тер!

К а т т а. Ҳа, майли! Менсиз бир адабларингни енглар! Э,
раҳбар кўр қилгурлар! (*Жойига бориб ўтиради*).

Бу гап-сўзларга фақат Индамас қўшилмас, бир чеккада хаёл суриб
ўтирарди. Энди Бемаза шарт ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа асабий юради.

Қ а й с а р. Ҳа, ўзларидан сўрасак?

Б е м а з а. Шу, бир куни Тўнкани шприцига керосин қуйиб
қўйиб, ўлдираман-да! Энасиникида юрибдими шу пайтгача!
Э, шунча вақтдан бери Тошкентга бориб, Соғлиқни саклаш ва-
зирини олиб келса бўларди!

Қ а й с а р. Асаб керак бўлади, оғайни, ўзингни бос. Ҳозир
кўнгилхушлик қиламиз. Хў, дохийча, бери кел!

Л е н и н (*Майда қадамлар билан тилдираб келади*). Қулоғим
сизда, ўртоқ?

Қ а й с а р. Қулоғинг ўзингга буюрсин. Сен кимсан?

Л е н и н (*қўл чўзиб*). Танишиб қўяйлик, Владимир Ильич
Ульянов-Ле-нин! (*Узатган қўлига Қайсар парво ҳам қилмагач,
ноилож қўлини туширади.*) Танишганимдан хурсандман...

Қ а й с а р. Сени Ленин деб ўйлаганлар ўзингдан ҳам баттар
жинни бўлади. Соғ одам бунга ишонмайди. Энди айт-чи, сен
ростдан ҳам Ленинмисан?

Л е н и н. Худди шундай! Жаҳон йўқсилларининг до-
хийсиман.

Қ а й с а р. Ана, жиннилигингни тан олдинг!

Л е н и н. Сиёсий карашларингиз ғалати, ўртоқ. Жуда
ғалати! Ким айтди сизга дохийларни соғ деб?

Б е м а з а (*Гапга қўшилади*). Ҳа, баракалла! Яхшиси, сен
Наполеон бўл, Гагарин бўл... фазоларда учиб юрасан! Нима
қиласан оғримаган бошингни оғритиб! Ўғри бўл, ғар бўл – ин-
софли бўл-да, инсон! Ленинга бало борми шу замонда?



Ленинга бу гаплар дахшатли зарба эди, попуги пасайиб чўкиб қолади. Ич-ичидан эзилаётгани кўриниб турарди. Ҳатто кўзларига ғилт-ғилт ёш келади.

Л е н и н (*ўпкаси тўлиб*). Сиз мени хафа қилдингиз... Жуда каттиқ хафа қилдингиз... Тўғри, доҳиймасман... (*Бирдан шериклари томон бақиради.*) Чунки сенлар мени мақтамайсанлар, худди асакаларинг кетиб қоладигандай! Мақтайверсаларинг, мақтайверсаларинг мен ҳам бир куни доҳий бўп кетардим! Мақташмайди... Одамни доҳий ўрнида кўришмайди...

Б е м а з а (*Қайсарга*). Э, қўйсанг-чи, хозир йиғлаворади. Тинч ўтирайлик. Топган эрмагингни қара-ю!

Қайсар ўз номи билан қайсар-да, гапга кулоқ солмайди.

Қ а й с а р (*Ленинга*). Нимага мақташмайди?

Л е н и н (*йиғламсираб*). Чунки... чунки социалистик онг етишмайди! Онги паст буларнинг!.. Эшитиб олинглар, менинг кадримга ўлганимдан кейин етасанлар! Ҳали ҳамманг мавзолейимда итдай бўлиб “очеред”да турасан!

Қ а й с а р (*ясама меҳрибонлик билан*). Майли, хафа бўлма. Ўзим айтиб қўяман, энди макташади. (*Беморларга*) Ҳў, эшитяпсанларми? Шу бугундан эътиборан, ҳамманг буни мақтайсан! Кимда-ким мақтамас экан, оёғидан осаман! Тушунарлими? (*Ленинга*) Ана, энди макташади. Газитдаям мактайтиди, журналдаям мактайтиди, радиодаям сени гапиришади, телевизордаям сени кўрсатишади! Мажлисларда-ку, минбар дегани тўлалигича сеники бўлади! “Ие, мен шунақа улуғ эканманми” деб ўзинг ҳам ҳайрон коласан! Керак бўлса-чи, боғча болаларигаям мактатамиз! Ҳали булар менинг совунимга кир ювмабди!

Л е н и н (*Бундай меҳрибонликдан кўнгли ийиб, баттар йиғлайди*). Раҳмат... Минг раҳмат!.. (*Ўпкаси тўлиб*) Яхшиям сизлар бор экансизлар!..

Қ а й с а р. Бўлди, бўлди, бўлди... Кап-катта одам ҳам йиғлайдимми? (*Лениннинг кўксидаги революция рамзи бўлган қизил бантикни олиб, унинг бурнини артиб қўяди.*) Қўй, хафа бўлма,



ҳали би-ир Ленин бўлгинки, кўрганлар куйиб ўлсин! (*Унинг бошини қучиб*) “Йўғлама, жигарим, сен етим эмассан!”

Л е н и н (*дарров доҳийга айланиб*). Раҳмат, ўрток! Аслида жаҳон революциясини сизлар билан амалга ошириш керак экан! (*Шерикларининг ёнига боради.*) Кўрдиларингми? Сизлар ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни билмай, молга ўхшаб юраверасизлар! Бунақада қачон халқ бўласизлар, билмадим! (*Доҳийчасига ўтириб олиб, қандайдир тарихий ҳужжатни ёзишга тутинди.*)

Г у л а н д о м (*ёнидаги Шокирга*). Шокир ака, нима, шундай қўл ковуштириб ўтираверамизми? Булардан-ку, умид йўқ, лекин биз соғмиз-ку?

Ш о к и р. Нимаям қилардик, уларнинг қўлида куроли бўлса... Тонг отсин-чи, бир гап бўлар.

Г у л а н д о м. Анависи Ўрта қишлоққа кетди, балки Ҳаким акани олиб келиб қолар.

Ш о к и р. Ана! Ҳакимбой келса бир йўлини топади! Акли бутун йигит у.

Қ а й с а р. Хў, нима деб шивирлашяпсизлар? Булар майли – касал. Лекин сизларни аяб ўтирмайман, айтиб қўяй!

Ш о к и р. Йўқ, шундоқ ўзимиз гаплашиб ўтирибмиз. Ухлаб қолмайлик деяпмиз-да...

Қ а й с а р (*Шапкасини бурнига тушириб, пинакка кетади*). Бемалол ухлайверинглар, сизлар керак эмассизлар.

Яна анча вақт жимлик ҳукм суради.

В о й б о л а м. Ҳай, Лелин ўлгур, намунча тикиласан, нарироқ ўтир – чизикдан чиқиб кетяпман!

Л е н и н. Кўп шовқин қилманг, ўрток кампир!

В о й б о л а м. Яна кампир дейди-я, тилингга чипкон чиқкур!

Л е н и н. Бун демократия деб қўйибди, онги паст! Ким нимани хоҳласа, шуни қилади, кимнинг оғзига нима келса, шуни гапиради!

Ш о к и р. Атрофингга чизик чизиб қўйибди-ю, “демократия”миш!

Шу пайт мотоциклнинг овози эшитилиб, ҳамма ўша ёққа қарайди. Тўнка оғзига латга тикиб, кўллари орқасига боғланган Ҳакимни олиб киради. У ичкийим – пижамада.

Т ў н к а. Юр, юр! Нима, кўтариб олиб киришим керакми? Қ а й с а р. Э-э, ал-ҳаким жаноблари! Келсинлар, келсинлар, кадамларига ҳасанот! (*Ҳакимнинг оғзидан латтани олиб ташлаб*) Шундай тоза оғизга ифлос латга! Ярашмабди.

Ҳ а к и м. Номардлар! Кучларинг шу ақли заифларга етдими!? Мен билиб турибман нимага келганларингни! Лекин чучварани хом санабсизлар, ҳеч нима ололмайсизлар!

Қ а й с а р. Секин, секин, секин... Жанжалнинг нима кераги бор? Яхшиликча гаплашса ҳам бўлади-ку. Биринчидан, биз беморларингизга айтарли текканимиз йўқ. (*Беморларга*) Тўғрими?

Л е н и н. Тўппа-тўғри! Азамат йигитлар экан! Булардан павел корчагинлар чиқади!

К а т т а. Бекорларнинг бештасини айтибсан! Буларингиз кип-кизил справкаси йўқ одамлар экан!

В о й б о л а м. Анависининг бувиси ўлиб қопти...

А м у д а р ё. Фирт бюрократ экан!

Қ а й с а р. Кўрдингизми? Иккинчидан, (*артистлик қилиб*) фақат бир илтимос, кўркам чаманда отиб гулғунчалар этганда ханда, биз бечорани ҳам ёд эт, сейф калитин бунёд эт!

Ҳ а к и м. Менда калит йўқ!

Қ а й с а р (*афтани буриштириб*). Нима?..

Ҳ а к и м. Менда калит йўқ, деяпман! Кармисан, нима бало?

Қ а й с а р. Сиз, ҳаким жаноблари, ўтакетган маданиятсиз одам экансиз. Мен ҳурматингизни жойига қўйиб “сиз”-ла япман-у, сиз “сен”-сирашга ўтиб кетяпсиз. Шу одобданми?

Ҳ а к и м. Сенлар “сиз”-лашга арзимаёсанлар! Нашаванд, бангилар ҳам одамми? Шундоқ борамиз-у, жинниларни кўрқитиб, оламиз-кетамиз деб ўйловдиларингми? Ҳозир тонг отади, одамлар кўчага чиқади, бизнинг ходимлар ҳам келиб қолишади. Ана ундан кейин кўрамыз ҳолларингни!..

Б е м а з а. Э, пачакилашиб ўтирасанми, узиб ташла кекирдагини! Ишга келган ходимлари кўрмай қўя қолсин!

Т ў н к а. Ие, эсинг борми! Унда сейфни катта холанг очиб берадими?

Қ а й с а р. Йў-ўқ, Ҳакимжон акамнинг ўзлари очиб берадилар!.. А? Кейин сейфни ўзларига уйча қилиб берамиз. Сал торроғ-у, лекин хавфсиз – ҳеч ким кекирдагини узиб ташлаёлмайти. Нима дедингиз, ҳаким жаноблари?

Ҳ а к и м. Кимни қўрқитмоқчи бўляпсан, ипирисқи?! Овора бўласан, сендақаларнинг кўпини кўрганмиз!

Бемаза унинг орқасидан келиб, бошига туширади. Уч киши бўлиб тепкилаб кетадилар.

Ш о к и р. Бўлди қилинглар, худо хайрларингни берсин! Ахир, ўлдириб қўясизлар-ку!..

Б е м а з а (*тиржасийб*). Хавотир олманг, бобой, ўлмайдиган қилиб ураяпмиз! (*Ҳакимга*). Хўш, жонингни калитга алмаштирасанми, йўқми?

Ҳ а к и м. Чинданам менда калит йўқ..

Қ а й с а р. Бўлмаса кимда?

Ҳ а к и м. Ахир, калитни чўнтагимга солиб ухламайман-ку! Кўриб турибсизлар, чўнтагим ҳам йўқ. Шу ҳолимча мотоциклга босиб опкелдиларинг-да, энди калит дейсанлар!

Қайсар Тўнкага еб қўйгудек ўкряди.

Т ў н к а (“қўрққан олдин мушт кўтарар” қабилда). Нима-нима-нима?! Бош врачни опке дединг, опкелдим! Тўғрими? Агар калитни опке деганинг-да, калитни опкелардим! Тўғрими?

Қ а й с а р. Э, ўл, “тўғрими”! Бефаросат, мол! Тўнка дега-нича бор экан, эшакмия!

Т ў н к а. Э, кўп тилингни бир қарич қилаверма! Илиб қўяман сенга ўхшаган кўмондонни, билдингми?!

Қ а й с а р. Майли. Аввал ишни бир ёқлик қилайлик, кейин сени бир ёқлик қиламан.

Т ў н к а. Э, ўв, қўлингдан келганини қилмайсанми!

Қ а й с а р. Қўлимдан келганини қиламан. Масалан, ҳозир

сени дўхтир билан қўшиб, калитга жўнатиш кўлимдан келади.
Қалай таклиф, а?

Тўн к а. Энди иложи йўк. Тонг отай деб колди.

Қ а й с а р. Менинг қайсарлигимни биласан-а?

Тўн к а. Қайсар бўлсанг, нима қилай? Мен Тўнкаман – га-
пинг таъсир қилмайди! Тушунарлими?

Б е м а з а. Кўйсаларинг-чи, вақт кетяпти! Бироздан кейин
ҳаммаёқни одам босиб кетади, бекорга аҳмоқ бўлиб қоламиз!

Тўн к а (*хоҳламайгина*). Бўпти... (*Ҳакимга*) Юр...

Ҳ а к и м (*Шоқир билан Гуландомга*). Хавотир олманглар,
биз... албатта келамиз!..

Иккаласи ниманидир тушунгандай билинар-билимас бош ирғаб
қўядилар. Тўнка Ҳакимни олиб чиқиб кетади. Кўп ўтмай мотоциклнинг
овози эшитилади.

Г у л а н д о м. Мен беморларга дори беришим керак.

Б е м а з а (*сергак тортиб*). Қанақа дори?

Г у л а н д о м. Йўк, унақа дори сизларга керак эмас.

Б е м а з а. Бўлмаса буларгаям керак эмас!

Г у л а н д о м (*уларга яқин келиб*). Тушунсаларинг-чи, ахир,
дўхтир буюрган эрталабки дорини беришим керак!

Қ а й с а р. Ҳали эрталаб бўлгани йўк.

Г у л а н д о м. Ҳар куни шу вақтда берилади. Сиз биласиз-
ми, мен биламанми?

Б е м а з а (*шеригига*). Сендан ҳам қайсар эканми! (*Қулади.*)

Г у л а н д о м. Ахир, булар оддий беморлар эмас, дори-дар-
мон ўз вақтида берилмаса бўлмайди!

Қ а й с а р. Жойинга бор! Анави чизикни энанга чизиб
қўйибманми?! Лик этади – у ёққа ўтади, лик этади – бу ёққа
ўтади! Индамаса жа...

Ш о к и р. Менга қара, болам, булар дорисини вақтида
ичиб турмаса, ёмон бўп қолади. Ўтган йилимиди, дориси сал
кечиброқ қолган экан, кўзига кўринган ҳамма нарсани ғажиб,
тишлаб узиб ташлашди. Одам-ку одам, буларнинг дастидан
на эшик қолди, на шкаф. Ташқарига чиқиб, симёғочларни ҳам
ғажиб ташлашди. Чирок ўчиб, уч кун қоронғида ўтирганмиз.

Тагин ҳам бўлса ўзларинг биласизлар, мен айтдим-қўйдим-да.

Бемаза (*Қайсарга*). Ичса ичсин дорисини захри-махрига!

Қайсар. Унда ўзинг бирга кирасан.

Бемаза. Хўп. (*Гуландомга*) Қани, олдимга туш-чи! (*Чиқиб кетишади.*)

Шокир. Чизигингни сал кенгрок қилиб чизмабсан-да, болам. Мундок оёкниям узатолмайсан...

Қайсар. Шунисигаям шукур қилинг, бобой! Ҳадеб бошни қотиравермасангиз, тарих китобида бўларди-ю – бир оёқлаб турган крепостной мужик – ўшанақа кип қўяман!

Шокир. Ҳалиям ўша мужигингдан фарқимиз қолмади...

Шу пайт ичкаридан, иккинчи қаватдан Гуландомнинг чинқириғи эшитилади. Ҳамма ўша ёкка қарайди.

Катта. Шеригинг нима қиляпти?

Қайсар. Нима қиларди, зўрляпти.

Катта. Кимни?

Қайсар. Кимни бўларди, анови оймчани-да.

Катта. Зўрлашга справкаси борми?

Қайсар. Бунақа ишлар бесправка қилинади, отес!

Катта. Шунақаи ҳали? Ҳозир текшириб кўрамиз-да!..

(*Бино томон юради.*)

Қайсар (*йўлини тўсиб*). Қаёкка?..

Катта. Қоч-э!.. (*Уни бир четга улоқтириб юборади.*)

Қайсар (*ўрнидан туриб*). Вой, падарингга лаънат-эй!..

(*Тепага*) Бемаза! Хў, Бемаза! Биттаси олдинга чиқиб кетди!..

Шокир. Исмни қаранг – Бемаза! Бизданам баттар жинни экан булар.

Қайсар. Қимирламанглар! Бир қадам босганинг ўлдим деявер! Энди жинни-пинни деб аяб ўтириш йўқ!

Шокир. Айтдим-ку, булар ёмон бўп қолади деб. Дори ичадиган вақти ўтиб кетяпти-да.

Войболлам. Бизнинг Катта ҳаяллаб қолди?.. (*Қайсарга*) Ким билсин, шеригингни ўлдириб, гўштини қиймала-аб ўтирган чиқар...

Қ а й с а р. Э, нафасингни иссиқ қил-э, касофат! У осонликча жон берадиганлардан эмас! Ундан кейин, Бемазанинг гўштиям бемаза – еб бўлмайди!

В о й б о л а м. Қўявер, хафа бўлма, ўртоғингнинг жанозасида ўзим марсия айтаман...

Қ а й с а р. Э, марсиянг бошингда қолсин! (*Юқори қаватга қараб*) Бемаза! Бемаза деяпман, чинданам ўлиб қолганмисан?!

В о й б о л а м. Ўлган, ўлган, ўлган...

Қ а й с а р. Ўчир-э!..

В о й б о л а м (*Қуйлай бошлайди*).

Гапида йўқдир маза, вой болам,

Очамиз энди аза, вой болам.

Зўрлайман деб бир кизни, вой болам,

Ўлиб қолди Бемаза, вой болам...

Қ а й с а р. Ўчир, дедим, хў, шумкампир! Ўчир, ялмоғиз!!!

Л е н и н (*кутилмаганда ўртага чиқиб*). Ўртоқлар! Бардам бўлинг, мен сиз томондаман! Оқ террорга кизил террор билан жавоб берамиз!

Ш о к и р. Ие, Лелинвой, хозиргина улар томонда эдингизку, энди дарров биз томон бўп қолдингизми?

Л е н и н. Э-э, сиёсатда бурд бўладими, Миршокир ака! Сиёсат ҳам суюкоёкликдай гап – бугун бу билан, эртага у билан! (*Тепага қичқиради*.) Террор, террор ва яна террор!

Қ а й с а р. Хў, жиннилар, сиёсатга тил теккизманглар! Тушунарлими?

Ш о к и р. Вой, қачондан бери сиёсатни кароқчилар ҳимоя қиладиган бўп қолди?

Ичкаридан узун енглари танасига ўралган жиннилар кийимдаги Бемаза, милтиқ ўқталган Катта ва Гуландомлар чиқишади. Бемазанинг пешонасидан қон сизиб турибди.

Б е м а з а (*Қайсарга*). Оркамдан келиб бошимга тушириб қолди, даюс!..

К а т т а (*ўзини оқлаб*). Бу аблахнинг справкаси йўқ экан! Борсам, манави синглимни зўрламоқчи бўп турибди... (*Гулан*

дом уялиб нари кетади.) Мен айтдим, агар справканг бўлса – майли, бемалол, ука, дедим. Мен халакит бермайман, дедим. Шунақа дедим. Ишонмасаларинг ўзидан сўранглар.

Б е м а з а. Э, унга тегмоқчимасдим! Ўзи кириши билан телефонга ёпишди!

Ш о к и р. Кейин сен унга ёпишдинг?

Б е м а з а. Нима қилишим керак эди? Орқасидан кучоклаб тортдим. Бу манжалақи худди биров уни бўғизлаётгандай чинкира бошлади. Кейин бошимга бир нима гурс этиб тушди-ю, кўз олдим қоронғилашиб кетди...

К а т т а. Йўқ, бошингга бир нима гурс этиб тушишидан олдин мен справка сўрадим. Справканг қани десам, “мана” деб манами милтиқни кўрсатди. Милтиқни олиб қарасам, справкага ўхшамаяпти. Шунча йиллардан бери не-не лавозимларда ишлаб келган одам – справкани билмайманми? (*Издихомга қараб намоёишқорона гапиради.*) Справка дегани қоғозда бўлади, ўргоқлар! Кейин справкаси билан бошига туширдим. Битта справкалик холи бор экан ўзи... Бор гап шу.

Қ а й с а р (*эхтиёткорлик билан*). Милтиқни бу ёққа беринг... Ака, у билан ҳазиллашиб бўлмайди... Қани, бу ёққа беринг-чи...

К а т т а. Ма-е!.. (*Милтиқни отиб юборади.*)

Л е н и н (*Милтиқни ҳавода илиб олади*). Эй, контра! Пролетариатдан кўлингни торт!..

Қ а й с а р (*капалаги учиб*). Э-э, отинг нимайди, Ленинмидинг, Марксмидинг?.. Унақа қилма, илтимос, у ўйинчок эмас... Масалан, Ленин овга чикқанда, ҳатто куённиям отишга кўзи киймаган экан... Мактабда ўқиганмиз...

Л е н и н. Революция душманларига аёвсиз бўлиш керак, деб ўқитилган дарсга қатнашмаган кўринасан. Нима, ўша куни тишинг оғриб қолганмиди? Мактабда яхши ўқиш керак, чаласавод!

П а р а н ж и (*Қайсарга яқинлашиб*). Мактабда, дедингизми, мулла ака? Қанақа мактаб?

Қ а й с а р. Қоч-э!..

У кизни Ленин томонга итариб юборади ва милтикка ёпишади. Ошиқ Ғариб киз томон шошади. Қайсар билан Ленин милтикни талашиб олишиб кетишади. Ошиқ Ғариб севгилисини тинчлантириб, кўнжидан пичок чиқарганича Қайсар томон интилади.

О ш и қ Ғ а р и б (*Қайсарга*). Ҳали сен, ифлос, аёл кишига кўл кўтарадиган бўп қолдингми?! А? Аёлга-я? Қани, қайси кўлинг билан урдинг, кесиб ташлайман!

Ш о к и р. Ҳай, ҳай, ҳай, Ошиқ болам! Қўй, бошингга бало орттирма! Бу ёкка бер!.. (*Пичогини тортиб олади.*) Кўлинг бор-ку, кўлинг билан уравер!..

Ленин билан милтикни тортишиш баробарида Қайсар Амударёнинг чархпалагини босиб олади.

А м у д а р ё (*Янчилган чархпалагига йиғламсираб қарганича, ўкириб юборади*). Нима кип кўйдинг, ит?! Мен сени бюрократ десам, кип-қизил фашист экансан-ку! (*Қайсарнинг орқасидан келиб, томоғидан бўға бошлайди*).

Ур-тўполон – ит эгасини танймайди. Қайсар билан Ленин ҳамон милтикни тортқилашарди. Кўкқисдан милтик варанглаб отилади. Ҳамма қотиб қолади. Анча вақт ўтса ҳамки, ҳеч ким йиқилмайди. Ниманидир кутгандай бир-бирларига қараб туришарди. Кутилмаганда Ошиқ Ғариб гурсиллаганча кулаб тушади. Гуландом додлаб юборади. Ленин энгашиб, унинг кўксига кўлини кўяди.

Л е н и н. Қон!.. Алвон байроқ рангидаги кип-қизил қон! Ўртоқлар! Бу – қутлуғ қон!

Ш о к и р. Ошиқ болам!.. Кўзингни оч, болагинам!.. Қани, менга қара-чи... А-ай, эсизгина-я!..

Йигитнинг боши шилк этиб ёнига тушади. Паранжи бўлса ҳеч нимага тушунмас, ёш бола ўйинчоғини томоша қилаётгандек, севгилисини бош-оёқ кузатиб ўтирарди.

Шу воқеанинг устига Ҳаким билан Хормейстер кўли орқасига боғланган Тўнкани олдиларига солиб киришади. Қайсар ҳам бошини чангаллаганча бир чеккада ўтириб қолади. Ҳаким Ошиқ Ғарибга кўзи тушиши билан одамларни ёриб ўтиб, унинг устига энгашади.

Ҳ а к и м. Нима бўлди? Қани нари туринглар-чи, тоза ҳавони тўсманглар!.. (Йигитнинг томирини ушлаб кўриб, бутунлай руҳи тушиб кетади). Тамом...

Г у л а н д о м. Вой, ўлай!..

Шокир юзига фотиҳа тортади. Кўл-оёғи боғланган боскинчилар мушукдай ювош тортиб, деворга суянганча қатор ўтиришибди.

Л е н и н. Меҳнаткаш халқ асрлар давомида орзу қилиб келган социалистик революция ниҳоят амалга ошди! (Ошиқ Ғарибга қараб қўяди.) Аммо бу ғалаба қурбонлар, мислсиз йўқотишлар эвазига амалга ошди! Қаҳрамонлар номи ҳеч қачон унутилмайди!

К а т т а. Орамизда ким йўқ? (Бир-бирларига қарашади.)

А м у д а р ё. Индамас кўринмайди.

Л е н и н (шерикларини юпатган бўлиб). Кўяверинглар, ўртоқлар! Ҳар қандай революциянинг қаҳрамонлари ва шу билан бирга, сотқин, хиёнатчилари ҳам бўлади!

А м у д а р ё. Вой ғаламис, вой ипириқ-ей! Бу ерда одамлар жон бериб, жон оляпти! Баъзилар ҳатто чархпалагиданам жудо бўлди! У кўрқоқ думини гажак қилиб қочворибди! Жинни деган номга доғ тушириб ўтирибди-я, номард!

Ҳ а к и м (ўйчан). У жинни эмас эди... Жиноят қилиб, камоқдан қутулиш учун ётувди...

К а т т а. Ҳа-а, унда бошқа гап! Биз уни жинни деб ўйлабмиз! Хафа бўлманглар, у жинни эмас экан!

В о й б о л а м. Худога шуқур-э!.. Сал қолди-я, уятдан ер ёрилиб кириб кетишимизга!.. Мен аҳмоқ уни туппа-тузук жинни деб юрибман-а!

Ошиқ Ғарибнинг тепасида кимдир ўтириб, кимдир тик турибди. Бошлар эгик. Улар шу кўйи, худди суратга тушаётгандек қотиб қолишади.

Шокир ўртага чиқиб, томошабинга юзланади. Ва худди асар бошидагидек, ҳикоя қилади.

Ш о к и р. Ана шунақа гаплар... Аслида бу воқеа анча аввал рўй берган. Сиз гувоҳ бўлган фариштасимон одамларнинг тақдирини ҳам турлича кечди. Паранжи қизимиз севгилисидан



айрилганидан кейин тузалмас бўлиб, шу ерда бутунлай қолиб кетди.

Катта соғайиб чиқди. Тоғда асаларичилик қиляпти, деб эшитаман.

Гоҳ-гоҳида ошхона томондан мунгли, ҳазин ашула эшитилиб қолса, ҳеч ким ажабланмайди. Чунки Войболам шу ерда ошпаз бўлиб ишлаяпти. Қўли жудаям ширин...

Ленин ҳам шу ерда. Соғайган ҳисоб-у, лекин раҳбарлар бу одамнинг халқ орасида юришини маъқул кўришмаяпти. Эҳтиёт шарт-да...

Амударё жажжи чархпалаклар ясаб, гузарда бола-бақрага сотиб ўтирибди. Аммо-локигин, қўли гул йигит. Соч олдиргани келиб туради...

Ҳа, айтгандай, Хормейстеримиз ишдан бўшаб, ҳозир шу ерда даволаняпти. Йигирма беш йил жиннилар билан ашула айтиш осонми...

Камина ҳалиям қоровул. Савоб учун беморларнинг соч-соқолини қиртишлаб турамиз...

Ҳа, эсимдан чиқай дебди. Ўшанда улар барибир бир ёқадан бош чиқариб ашула айтишди! Ҳа! Ошиқ Ғарибнинг гапи эсингизми? “Ашулани ҳамма биргаликда бир хил айтиши учун юраклар бир хил тепиши керак”, деган эди раҳматли. Жойинг жаннат бўлгур, ўз ўлими билан юракларни бир мақомга солиб кетди! Улар барибир ўз ашулаларини айтишди! Тентак Ғаришталарнинг биргаликда айтган сўнгги ашуласи эди бу!..

Ошиқ Ғарибни ўраб турганлар аста-секин жонлана бошлайдилар. Шокир ҳам улар орасига сингиб кетади.

П а р а н ж и. Ўлиб қолдиларми?.. А?..

Ш о к и р. Ҳа, қизим. Оллоҳнинг иродаси...

П а р а н ж и. Унда мен нега йиғламаяпман?.. Одам ўлса йиғлашади-ку?.. Ёки бизни аяб, ҳеч кимни йиғлатмай беозоргина кетдиларми? Қаранг, шундаям менинг ташвишимни қилганлар... Мен-ку – майли, ҳеч курса сизлар йиғланглар... Мен йиғлолмай, қийналиб кетяпман...



В о й б о л а м. Ҳозир йиғлайсан, болам... (Ошиқ Ғарибнинг бошини тиззасига олиб, оҳиста хиргойи қила бошлайди).

Таърифнингни дoston қилиб
ўқир бўлдим,
Алла қолиб, марсиялар
тўқир бўлдим.
Бош урарга тош тополмай
мен овора,
Ҳасратингда йиғлай-йиғлай
сўқир бўлдим.

Ашулага аста-секин Амударё ҳам қўшилади. Бора-бора Катта, сўнг Ленин ҳам жўр бўлади. Буни кўриб Хормейстернинг ҳайратдан оғзи очилиб қолади. Чунки шунча йиллардан бери буларнинг ҳамнафасликда, бу қадар силлик куйлаганини кўрмаган эди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда беихтиёр кўллари ҳаракатга келиб, дирижёрлик қила бошлайди. Ниҳоят, Паранжининг шахло кўзлари ҳам ёшга тўлади. У ҳам ашулага қўшилади:

Кўз олдимдан кетмас нари
юришларинг,
Савил қолди не-не қилар
юмушларинг.
Ёқа йиртиб, бўзлаб толди
Кумушларинг,
Менинг ҳам бор бир кун кўзим
юмишларим.

Ашула борган сари авжга минар, баралла, чуқур дард, чексиз изтироб билан куйлашарди. Соғлар ҳам чидаб турулмади: аввал Гуландом, сўнг Ҳаким ва Шокирлар ҳам қўшилиб кетишди.

Хормейстер кўлларини телбаларча ҳаракатлантирар, ҳам завқланар, ҳам азобланар, ҳам барча бир кишидек силлик куйлаётганидан фахрланар, юзини ювиб тушаётган кўз ёшларига парво қилмас эди.

Муҳаббат у – оғуланган
шароб экан,
Ичган борки, рўй-аҳволи
хароб экан.



Йўлларида ранжу алам
сероб экан,
Етдим деган манзиллари
сароб экан.

Ошик Ғариб ўртада ётибди. Қолганлар унинг атрофида бўзлаб-бўзлаб куйлапти. Бу гўё кўшик эмас, чорасиз кўнгилларнинг фиғонига ўхшаб кетарди...

Бор гап шу...



Рихсивой МУҲАММАДЖОНОВ

(1940 йилда туғилган)

ДАВЛАТ БОЛАЛАРИ

Икки пардали драма

Иштирок этувчилар:

Б у т и р – талаба йигит, 18-20 ёшларда.

Б а ҳ о р – талаба қиз.

Б а х т и ё р – талаба йигит.

Н а з и р а – талаба қиз.

Х у м о р а – Бахтиёр билан Баҳорнинг онаси.

Н а с л и д д и н о в – Бахтиёр билан Баҳорнинг отаси.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Хиёбон. Скамейка олдида у ёқдан-бу ёққа юраётган қизнинг тез-тез сотига қараб тоқатсизланишидан кимнидир кутаётганлиги сезилиб туради. Бироз ўтгач, сахнада ўта замонавий кийинган ва қулоғига мусикали плеер осиб олган йигит пайдо бўлади.

Б у т и р. Баҳор, узр, кечикканим учун узр! Кейинги гал учрашувга ўз вақтида келиш у ёқда турсин, бир кун олдин шу скамейкага келиб ётиб оламан. Скамейка ҳам менбоп экан, бемалол оёғингни узатиб ётаверишинг мумкин. Атроф гулзор, тоза ҳаво! Маза!

Б а х о р (*хафа*). Ўзим нима ташвишдаман-ку, сиз доим майнавозчилик қиласиз.

Б у т и р. Ташвиш?! Нима бўлди?

Б а х о р. Бизаникига совчилар келишди.

Б у т и р. Совчилар? Ие, жуда зўр-ку!

Б а х о р. Э, боринг-э! Сизга ўзи майнавозчилик бўлса, бўлди!

Б у т и р. Майнавозчилик? Аксинча мен совчиларга жуда хурмат билан қарайман. Биласизми, мен уларни кимларга ўхшатаман?

Б а х о р. Кимларга?

Б у т и р. Ҳақиқий разведкачиларга!

Б а х о р. Нима?

Б у т и р. Сиз ўзи кўрдингизми уларни?

Б а х о р. Кимларни?

Б у т и р. Совчиларни-да.

Б а х о р. Кўрдим.

Б у т и р. Хўш? Қанақа экан?

Б а х о р. Қанақа бўларди, оддий, бири кампир, иккинчиси ёшгина аёл экан.

Б у т и р. Так... так... кейин?

Б а х о р. Нима кейин?

Б у т и р. Кейин нима бўлди?

Б а х о р. Яна кулмоқчимисиз?

Б у т и р. Сираям кулмоқчи эмасман! Илтимос, сиз менга нима бўлганини гапириб беринг!

Б а х о р. Нима бўларди, ёш аёл мени кўриши билан худди минг йилдан бери танийдигандек, “вой, бўйгинангга қоқиндик!” дея айланиб, ўргилиб сўрашиб кетди.

Б у т и р. Ана! Хўш, кампир-чи? Кампир нима қилди?

Б а х о р. Кампир-ку, энди кўяверасиз. Кампир тушмагур, ўлдирди одамни! Ўзи тишлари тушиб кетганми-ей, кўзлари зўрға кўради-ю, лекин кучоклаб ёпишиб олса бўладими! Қани, энди кўйворса, бўйнимга осилиб опти! Ҳидлайдими-ей, нукул ўпаман деб бўйнини чўзади! Зўрға қутулдим.

Б у т и р. Ёшини билмадим-ку, лекин мана шу тиши тушиб кетгани ҳақиқий Штирлиц экан!

Б а х о р. Штирлиц?!

Б у т и р. Штирлицдан ҳам зўр! Кўпинча биз совчиларни эскилик сарқити деб куламиз-ку, лекин совчилик ҳам аслида катта бир фан. Фан бўлгандаям, ўта бир нозик фан. Хўш, ўша тиши тушиб кетган кампир нега бўйнингизга осилиб олганини фаҳмладингизми?

Б а ҳ о р. Мен қаердан билай!

Б у т и р. У сизни бирорта йигити борми-йўкми билиш учун шундай қилган!

Б а ҳ о р. Қўйинг-э!

Б у т и р. Ие, нима деб ўйловдингиз, бекорга бўлмаса, бўйнингизга осилиб оладими? Бегона эркакнинг ҳиди борми-йўкми билмоқчи бўлган-да. Ух, жуда нозик касб-да бу совчилик!

Б а ҳ о р. Ўзим ҳам ҳайрон бўлдим-а, нега бу нотаниш кампир ҳадеб ялаб-юлқаяпти деб...

Б у т и р. Мана кўрасиз, яна келишади улар.

Б а ҳ о р. Сиз қаердан биласиз?

Б у т и р. Биладан, биладан!

Б а ҳ о р. Чинданам аямларга яна келамиз дейишипти.

Б у т и р. Ана, айтмадимми! Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз.

Б а ҳ о р. Айбдор?!

Б у т и р. Айбдорсиз! Шунчадан бери танишмиз-у, бирор марта ҳатто кўлингизни ушлашга ҳам руҳсат этмагансиз. Мени ҳидимни сезишганида совчилар бошқа келишмаган бўлишарди. Энди ўзингиздан кўринг. Товба, худди мен еб кўядигандек доим икки метр нарида туриб гаплашасиз.

Б а ҳ о р. Аямларга айтдим, яна келишса, ҳайдаб юборинг дедим.

Б у т и р. Барибир келаверишади! Эшикдан ҳайдасанг, тешикдан кириб келишади. Ух, совчи халки ёмон айёр бўлади-да! Манаман деган қизлар ҳам уларнинг тузоғига қандай илиниб қолганини билмай қолишади.

Баҳор (*Секин Бутирнинг ёнига сурилади*). Э, кўрқитманг-э!

Б у т и р. Мен бор гапни айтаяпман.

Б а ҳ о р. Яна келишсин-чи, ўзим ҳайдаб юбораман.

Б у т и р. Нима деб?

Б а ҳ о р. Шартга айтаман, келманглар, мени йигитим бор дейман!

Б у т и р (*Кулади*). Ха-ха-ха! Барибир ишонишмайди!

Б а х о р (*Йигитга янада яқинроқ сурилади*). Ишонишади!

Б у т и р. Нима қилаяпсиз?

Б а х о р. Сизнинг ҳидингиз менга ўтсин деяпман! Совчи кампир шундоқ бўйнимга осилади-ю... (*Кулади*.)

Б у т и р. Совчи кампир бўйнингизга шундоқ осилади-ю, багтар меҳри ошиб кетади!

Б а х о р. Нега?

Б у т и р. Шундай чиройли қиз бўлгани билан тантиқ эмас экан, ҳатто кўмир ташипти, меҳнаткаш қиз экан дейди. Чунки мен ҳозир икки машина кўмир ташиб келаяпман.

Б а х о р. Кўмир?!

Б у т и р. Ҳа, кўмир. Нима, кўмир хиди келмаяптими?

Б а х о р (*Ҳидлаб кўради*). Келаяпти... Нима, сизларнинг уйларингиз газлаштирилмаганми?

Б у т и р. Газлаштирилган, лекин сизга нима десам экан? Сизни олдингизга шошиб келаётувдим, олдимдан бир кампир чикиб, “жон болам, шу кўмирни ҳовлига ташиб бер”, деб ёпишиб олса бўладими! Қари кампирга қандай қилиб йўқ дейсан, “Хўп, бувижон!” дедиму, энг шимариб кўмир ташишга тушиб кетдим. Кампир бечорани шу хурсанд бўлганини кўрсангиз! Атрофимда гиргиттон! Мен кўмир ташияпман-ку, кампири тушмагур, ҳали чой тутказади, ҳали сомса – қўйгани жой топа олмайди. Устига-устак, чўнтагимга шартга ўн минг сўм солиб қўйса бўладими! Аввало, олмайман дейман, қани кўнса, “хафа бўламан, меники табаррук, болам!” дейди. Энди кампирдан қутулдим десам, бир пенсионер чол, тез савзи учун ўра қазиб берасан, деб ёпишиб олди. Хуллас, бобойнинг ҳам ўрасини қазиб беришга мажбур бўлдим. У ҳам ҳай-ҳайлаганимга қарамасдан ёнидан ўн беш минг сўм чиқариб чўнтагимга солиб қўйди. (*Чўнтагидан пулларни олиб*) Нима қиламан, энди шунча пулни – ўзим ҳам хайронман?

Б а х о р. Очиғини айтсам, мен сизни умуман тушунмай қолдим.

Б у т и р. Нега?

Б а х о р. Кимсан, академикнинг ўғли бўлсангиз-да, мардикорлик қилиб юрсангиз...

Б у т и р. Қаердан ҳам академикнинг ўғли бўлиб туғилган эканман. Шу, ростини айтсам, баъзан хафа бўлиб кетаман. Яхшироқ кийинсанг ҳам бир бало. Академикнинг ўғли-да, босар-тусарини билмайди, дейишади. Мардикорлик қилиб бировнинг хожатини чиқарай десанг, яна бир бало. Академикнинг ўғли бўла туриб ўзгаларнинг хизматини қилиб юрибди, деб мазах қилишади. Нима қилиш керак, қандай яшаш керак, ўзим ҳам ҳайронман?

Б а ҳ о р. Оддий яшаш керак.

Б у т и р. Оддий?

Б а ҳ о р. Масалан, Бахтиёр акага ўхшаб.

Б у т и р. Бахтиёрга осон, дадаси академик эмас.

Б а ҳ о р. Ким?

Б у т и р. Мен билмайман.

Б а ҳ о р. Мен ҳам.

Б у т и р. Бахтиёр умуман ота-онаси ҳақида гапирмайди.

Б а ҳ о р. Чунки камтарин, камгап йигит.

Б у т и р. Мен ҳеч тушунмайман, нега бу ҳамма қизлар камгап йигитларни ёқтиришаркин-а?

Б а ҳ о р. Нимага шама қилаяпсиз, очикроқ айтаверинг!

Б у т и р. Мен ҳеч нарсага шама қилаётганим йўқ.

Б а ҳ о р. Маълумотингиз учун, Бахтиёр аканинг ўз севган қизи бор. Назира. Яқинда Бахтиёр ака шу қизга уйланадиган бўлаяптилар.

Б у т и р. Оббо, индамас-ей! Нима, Бахтиёр Назираларни-кига совчи юбориптими?

Б а ҳ о р. Ҳеч қанақа совчи-повчиларсиз ЗАГСга ариза бериб келишипти!

Б у т и р. Чакки қипти.

Б а ҳ о р. Нимани чакки қипти?

Б у т и р. Совчи юбормасдан чакки қипти.

Б а ҳ о р. Менга қаранг, сиз ҳам мундоқ жиддий гаплашасизми ўзи? Қачон қарамагин, майнавозчилик қилганингиз-қилган!

Б у т и р. Кечиринг, ўзим аҳмоқман, нуқул қовун тушириб юраман.

Б а ҳ о р. Сизни ҳечам аҳмоқ деб бўлмайди!

Б у т и р. Ким деса бўлади?

Б а ҳ о р. Сиз мени севмайсиз!

Б у т и р. Ие?!

Б а ҳ о р. Сиз мени лақиллатиб юрибсиз!

Б у т и р. Ана, халос!

Б а ҳ о р. Пишди гилос!

Б у т и р. Қадимги машойхлар айтган экан, ўт балоси, сув балоси, тухмат балосидан асрагин деб!

Б а ҳ о р. Ҳечам тухмат эмас! Ниятингиз жиддий бўлганида совчи келганини эшитибок ҳаракатга тушиб қолган бўлардингиз! Сиз эса, ҳазил-ҳузул қилиб одамни лақиллатишдан нарига ўтмаяпсиз.

Б у т и р. Мен лақиллатаяпманми?

Б а ҳ о р. Сиз лақиллатаяпсиз! Бўлмаса, аллақачон Бахтиёр ака билан Назирага ўхшаб ЗАГСга ариза берган бўлардик.

Б у т и р. Менга қаранг, нега икки гапни бирида нукул менга Бахтиёр акангизни пеш қиласиз! Жа, Бахтиёр акангиз оғзингиздан тушмай қолди?

Б а ҳ о р. Мен яширмайман, Бахтиёр акамларни ҳурмат қиламан. Ўз акамдек ҳурмат қиламан!

Б у т и р. Ие?

Б а ҳ о р. Нима “ие”?!

Б у т и р. Қизик?.. Бахтиёрни ўз акамдек дедингизми?

Б а ҳ о р. Нимаси қизик?

Б у т и р. Гап шундаки, мен сизни биринчи марта кўрганимда Бахтиёрнинг синглиси бўлсангиз керак деб ўйлагандим. Ҳатто дастлабки пайтлари акаси билиб қолса, тушириб қолмасин деб сизга гап ташлашдан ҳам кўрқиб юардим.

Б а ҳ о р (*Қулади*). Ростданми?

Б у т и р. Ўлай агар! Сизни тошкентлик, уни эса, бутунлай бошқа шаҳардан – самарқандлик эканлигини билганимдан кейингина сизга ботиниб гап ота бошлаганман.

Б а ҳ о р (*Қулади*). Ҳали шунақа кўрқокман ҳам денг?

Б у т и р. Сизга балким чиндан ҳам кулгилдир, лекин ўша Бахтиёр акангиз мени сал бўлмаса, ўтакамни ёрай деган. Ёмғир ёққан куни уйингизга кузатиб қўйганим эсингиздами?

Б а ҳ о р. Эсимда.

Б у т и р. Сизни кузатиб қайтаётсам, Бахтиёр шартга йўлимни тўсиб, “Тўғрисини айт, Баҳорни севасанми ёки шунчалик бошини айлантириб юрибсанми?” деб колса бўладими?

Б а х о р. Вой?! Ростданми?

Б у т и р. Нима, ишонмайсизми? Агар Баҳорни лақиллатиб юрган бўлсанг, ўзингдан кўр, бола, аяб ўтирмайман, деди.

Б а х о р. Қизик?!

Б у т и р. Нимаси қизик?

Б а х о р. Қизиклиги шундаки, мен ҳам бир пайтлари худди шунақа қилгандим.

Б у т и р. Нима қилгандингиз?

Б а х о р. Бахтиёр акамлар юрадиган қиз Назирани ҳеч ким йўқ жойда тутволиб, “Билиб кўй, Бахтиёр акамларни хафа қиладиган бўлсанг, мендан яхшилик кутма!” деб пўписа қилганман.

Б у т и р. Сиз-а?!

Б а х о р. Мен.

Б у т и р. Ана холос! Ўзим ҳам айтардим-а, бир балоси бўлмаса, шудгорда куйрук на килур, деб!

Б а х о р. Бу гапингиз билан нима демоқчисиз?

Б у т и р. Шуни демоқчиманки, мендан умуман режиссёр чикмас экан. Ўзи домламиз айтарди-я, ҳаёт ҳақиқатини билмаган режиссёр сахна ҳақиқатини ҳам билмайди деб. Мен аҳмоқ, мен лакма шундоқ кўриниб турган оддий бир ситуацияни тагида нима ётганлигини фарқига бора олмапман. Тагин Мейерхольд ёки Товстоногов каби режиссёр бўламан, деб орзу қилиб юрибман. Эҳ, Бутир, Бутир, сени кўлингдан кўмир ташиб, ўра казишдан бошқа ҳеч вақо келмас экан!

Б а х о р. Тўхтанг, бу гапларингиз билан нима демоқчисиз?

Б у т и р. Келинг, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қола қолсин! Мен гапирмадим, сиз эшитмадингиз!

Б а х о р. Э йўқ, раз бошладингизми, у ёғини ҳам давом этинг!

Б у т и р. Менимча, барибир фойдаси йўқ.

Б а х о р. Нима, кўрқдиларми?

Б у т и р. Кўрқмай бўларканми, худо кўрсатмасин, Бахтиёр акангиз эшитиб колгудек бўлса, тагин холимга маймунлар йиғламасин!

Баҳор. Сиз! Сиз!.. (Баҳор кўзларида ёш билан саҳнадан йиглаб чиқиб кетади.)

Парда ёпилиб, парда очилади. Хиёбон четидаги бошка бир ўриндикда Бахтиёр билан Назира ўтирибди.

Назира. Бахтиёр ака!

Бахтиёр (Хаёл билан қизнинг чақирганига эътибор бермайди).

Назира (Туртади). Вой, Бахтиёр ака?!

Бахтиёр. Кечирасиз, бирор нарса дедингизми?

Назира. Нима бўлди сизга?!

Бахтиёр. Узр, Назира, хаёл билан бўлиб эшитмай қолипман.

Назира. Вой, ҳозирдан хаёлпараст бўлсангиз, тўйдан кейин нима бўлади?

Бахтиёр. Тўй?! Қанақа тўй?

Назира. Вой, анувлани?

Бахтиёр. Ҳа, тўйми? Тўйимиз бўлади! Кимларни таклиф қиламиз? Кимларни таклиф қилмаймиз? Шу ҳақда бош қотираётгандим. Масалан, мен томондан битта дадамларни айтамиз, тамом! Ҳамма қариндош-уруғларни чакириб от бозор қилишни ҳечам кераги йўқ, тўғрими?

Назира. Вой, ҳамма кулади-ку! Нима, ҳатто курсдошларимизни ҳам таклиф қилмаймизми?

Бахтиёр. Нега энди, таклиф қиламиз. Биринчи бўлиб Бутирни таклиф қиламиз. Бўлажак режиссёр, гапгаям уста, ўртани олиб боришни қалпоқ қилиб кўяди! Кейин? Кейин албатта Баҳорни таклиф қиламиз!

Назира. Кимни-кимни?

Бахтиёр. Баҳорни.

Назира. Керакмас! Таклиф қилмайсиз!

Бахтиёр. Нега? Ахир Баҳор яхши қиз, менимча...

Назира. Нима?! Яхши қиз?!

Бахтиёр. Мен тушунмадим, нимаси сизга ёкмайди у кизни?

Назира. Тўйга айтмайсиз, тамом-вассалом!

Бахтиёр. Ана холос?!

Н а з и р а. Билиб қўйинг, агар шу қизни таклиф қиладиган бўлсангиз, тўйимиз ҳам бўлмайди!

Б а х т и ё р. Сизга нима бўлди, Назирахон? Тўхтанг, мени унга рашк қилаяпсизми?

Н а з и р а. Рашк?! Ҳечам-да! Нима, мен ундан камманми, рашк қиламан?

Б а х т и ё р. Нега бўлмасам, Баҳорни исмини эшитишингиз билан тепа сочингиз тикка бўлиб кетаяпти?

Н а з и р а. Чунки мен уни ёқтирмайман! Ёқ-тир-май-ман!

Б а х т и ё р. Кулгили.

Н а з и р а. Нимаси кулгили? Нима, мени бировни ёқтир-масликка ҳаққим йўқми?

Б а х т и ё р. Ҳаққингиз бор, лекин одам бировни ёмон кўриб қолиши учун қанақадир асос, қанақадир баҳона бўлиши керак-ку!

Н а з и р а. Маълумотлари учун менда асос ҳам, баҳона ҳам бор!

Б а х т и ё р. Йўғ-э!

Н а з и р а. Кесатмай қўяқолинг! Билсангиз, мен ўша боятдан берисиз ёнини олаётган Баҳорни жинимдан баттар ёмон кўраман! Мен буни сизга аввалроқ айтишим мумкин эди-ку, бироқ тўйимиз бузилмасин деб тишимни-тишимга қўйиб келаётган эдим. У бир куни йўлимни тўсиб, нима деганини биласизми?

Б а х т и ё р. Нима деганди?

Н а з и р а. “Бахтиёрни ўз акамдек яхши кўраман. Агар сен Бахтиёр акамни шунчалик вақтихушлик учун бошини айлан-тириб юрган бўлсанг, менадан кўрадиганингни кўрасан!” деди. Мана, нима деганди, у бетсиз!

Б а х т и ё р. Ростданми?!

Н а з и р а. Мени тухмат қилаяпти деб ўйлаяпсизми?

Б а х т и ё р. Йўқ. Лекин бу ёғи ғалати бўлаяпти-ку?! Мен-ку, майли... нега Баҳор бундай қилди экан?..

Н а з и р а. Ўзингиз яхши биларсиз негалигини!

Б а х т и ё р. Барибир, ақлим етмаяпти!

Н а з и р а. Нима қиласиз, ўзингизни гўлликка солиб?! У

сизни севиб қолган! Бу ҳаммаси кўриниб турган савдо-ку! Бўлмаса, ҳеч замонда қиз болаям мана шунақа хурмача қилик қиладимиз? Ўзингиз мундоқ ўйлаб кўринг, Бахтиёр ака?!

Б а х т и ё р. Биласизми, бир пайтлари мен ҳам худди шундай иш қилгандим.

Н а з и р а. Нима?!

Б а х т и ё р. Мен ҳам Баҳорнинг юрадиган йигити Бутирни тутволиб, “Билиб қўй, бола, агар Баҳорни шунчалик лақиллатиб юрган бўлсанг, терингни шилиб оламан”, дегандим.

Н а з и р а. Сиз?!

Б а х т и ё р. Мен!

Н а з и р а. Нимага?

Б а х т и ё р. Ўзим ҳам билмайман!

Н а з и р а. Билмайман?!

Б а х т и ё р. Илтимос, Назирахон, сиз ўзингизни босинг! Мен Баҳорни севмайман, фақат мен уни алданиб қолишидан кўрқаман! Ие, Назирахон, йиғлаяпсизми? Тушунсангиз-чи, мен фақат сизни севаман! Сизни!

Н а з и р а. Ўзи ўшандаёқ юрагим сезганди-я! Энди тушундим, ҳаммасини тушундим! Мени севаркансиз-у, уни рашк қиларкансиз-да! Шундайми?

Б а х т и ё р. Шошманг, Назирахон! Мен ҳаммасини тушунтириб бераман!

Н а з и р а. Керакмас!

Б а х т и ё р. Назира! Қаёққа?! Тўхтаг!

Н а з и р а. Бўлди, бошқа менинг орқамдан юрманг! Мен сизни танитайман, сиз мени! Билдизми?! Ҳеч қанақа тўй ҳам бўлмайди! Тамом!

Б а х т и ё р. Қанақасига?! Ахир эртага дадамлар келади-ку?!

Хиёбон. Бахтиёр ўриндикка бошини қўйганича ғамгин бир ҳолда ўтирибди. Унинг ёнига Баҳор келади.

Б а х о р. Бахтиёр ака, нима бўлди сизга? Нега бир ўзингиз ғамгин, хафа ўтирибсиз?

Б а х т и ё р (Бошини кўтариб бир зум Баҳорга индамай тикилиб туради). Нима, хурсанд бўлишим керакмиди?

Баҳор. Ҳар ҳолда, яқинда Назира билан тўйларингиз бўлади, деб эшитувдим.

Бахтиёр. Ҳеч қанақа тўй бўмийди!

Баҳор. Вой ўлмасам?! Нега? Ё Назира билан уришиб қолдиларингми?

Бахтиёр. Қилар ишни қилиб қўйиб, ўзингизни билмаганга олишингизни қандай тушуниш керак?

Баҳор. Нималар деяпсиз?! Қанақа иш? Очикроқ гапиринг!

Бахтиёр. “Очикроқ гапиринг”миш! Назирага нималар дедингиз? Ё бундан ҳам тонасизми?

Баҳор. Нега шунақа қилдим, ўзим ҳам билмайман. Мени назаримда, Назира ота-онасининг эркатойи, шўх киз, тагин сиздек бир йигитни бекордан-бекорга бошини айлантириб юрмасин деб огоҳлантирмоқчи бўлувдим, холос! Сиздан хавотир олганим учун шундай қилувдим! Мени кечиринг!

Бахтиёр. Мендан хавотир олганмишлар! Менга қаранг, марҳамат қилиб, ўнг қулоғингиз, чап қулоғингиз билан эшитиб олинг, мен сизни эмас, Назирани севаман!

Баҳор. Биаламан.

Бахтиёр. Ўша, сиз ота-онасининг эркатойи деб хавотир олган шўх кизни севаман!

Баҳор. Буниям биаламан.

Бахтиёр. “Биаламан”миш! Билсангиз, нега бизларнинг муҳаббатимизга аралашасиз? Мен сиздан шуни сўраганмидим? Гапиринг, сўраганмидим?!

Баҳор (*Йиғлайди*). Мени кечиринг!

Бахтиёр (*Қизга тесқари қараб ўтирган йигит қизнинг йигисига раҳми келганиданми, ўгирилиб юпатишга тушади*). Бўлди, Баҳор, йиғламанг! Йиғлаганингиз билан энди фойдаси йўқ!

Баҳор. Бахтиёр ака, ишонинг, мен фақат сизни алданиб қолишингиздан кўрққанимдан шундай қилгандим! Ишонинг! Мен ҳалиям Бутир акамни яхши кўраман!

Бахтиёр (*четга*). Қиз болаям шунақа беҳаё бўладими? Товба?! (*Баҳорга*) Ана ўша Бутир акангиздан айланиб-ўргилаверинг! Бошидан сув ўгириб ичасизми, билганингизни қилинг!

Баҳор. Бутир акамлар мени ташлаб кетди!

Б а х т и ё р. Назира мени ташлаб кетди!

Б а ҳ о р. Мен-ку, майли, нега ўзингиз Бутир акамларга дўк қилдингиз?

Б а х т и ё р. Мен аҳмоқ қаердан ҳам шу ишни қилдим, ўзим ҳам хайронман? Бутирингизга айтиб қўйинг, ҳеч нарсадан хавотир олмасин, менга Назирадан бошқа ҳеч ким керакмас!

Б а ҳ о р. Сиз Назирахонингизга айтиб қўйинг, мен ҳам Бутир акамларни ҳеч кимга алиштирмайман!

Б а х т и ё р (*четга*). Менга деса, қўшмозор бўл-э, Бутир аканг билан! (*Баҳорга*) Сиз Бутир акангиздан кўпам хавотир олаверманг, ўзи қайтиб келади ҳали.

Б а ҳ о р (*йиглаб*). Келмайди.

Б а х т и ё р. Келади! Қани, келмасин-чи, мен уни нима қиларканман!

Б а ҳ о р. Қани, Бутир акамларни чертиб кўринг-чи, мен сизни нима қиларканман?!

Б а х т и ё р (*четга*). Ие, бу қиз ғирт шаллақи экан-ку?! Мен аҳмоқ келиб-келиб шу қизнинг ёнини олиб ўтирибманми? Менга деса, Бутир аканг билан қўшмозор бўл-э! (*Баҳорга*) Мени кечиринг, бошқа бунақа аҳмоқлик қилмайман!

Б а ҳ о р. Йўк, мен аҳмоқман, сизларнинг ораларингизга аралашиб... Дадамларга ўхшаркансиз, яхши одам бўлсангиз керак деб...

Б а х т и ё р. Нима?! Дадамларга? Э, ўша, дадангниям!...

Б а ҳ о р. Дадамларни сўкишингизга йўл қўймайман! Билдизми? Дадамлар аллақачон ҳалок бўлганлар! Қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар! (*Титраб-титраб йиглай бошлайди.*)

Б а х т и ё р. Кечирасиз, мен бундан беҳабар эканман. Қизиқ?.. Мен ҳам сизни биринчи марта кўрганимда ўз онамга ўхшатгандим...

Б а ҳ о р. Онангизга жудаям ўхшар эканманми?

Б а х т и ё р. Худди қуйиб қўйгандай!

Б а ҳ о р. Шаллақиликларим ҳам ўхшайдими?

Б а х т и ё р. Илтимос, сиз онамга тил теккизманг! Онам бечора фариштадек покиза аёл бўлганлар. Мени тукқанлар-у, оламдан кўз юмганлар! (*Йиглайди.*)

Б а х о р (*ийглашда давом этаркан*). Биринчи бор мен сизни кўрганимда ҳатто кўркиб кетганман. Сиз хонамдаги дадамларнинг ёшликдаги портретига шунақа ўхшар эдингизки, ўз кўзларимга ишонгим келмасди.

Б а х т и ё р. Мен эса, сизни биринчи бор учратганимда, гўё ўлган онамни қайтадан топгандек бўлганман. Билсангиз, мен онамларни шунақа яхши кўраманки, сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Кейинги пайтларда тез-тез тушларимга кирадиган бўлиб қолдилар. Бир куни тушимда онамлар менга кулиб қараб турганмишлар. Мен эса, югуриб бориб маҳкам кучоклаб олганмишман-да, “Ойижон, ойижон! Қаерларда эдингиз? Мен сизни жудаям соғиндим! Энди сизни ҳеч қаёққа қўйвормайман!” дермишман. Онамлар бўлса, менинг сочларимдан силаб кулармишлар “Вой, мени тентагим-ей, мен сени ташлаб қаёққа ҳам кетардим? Мен ҳеч қаёққа кетганим йўқ”, дермишлар. Уйғонсам, тушим. Қизик, буни қанақа тушунса бўларкин?

Б а х о р. Сиз-ку, тушда экан-у, мен эса биринчи бор сизни кўрганимда, югуриб бориб бўйнингизга осилиб, “Дадажон! Дадажон! Мен сизни соғиндим!” деб қичқиришимга сал қолган. Энди тушунаяпсизми, нима учун ўзимни сизга яқин олиб юрганимни, Бахтиёр ака?!

Б а х т и ё р. Мен-ку, тушунаман-а, лекин Назира билан Бутир икки дунёдаям тушунишмайди!

Сахнада Назира билан Бутир пайдо бўлишади. Назира Бахтиёр билан Бахорнинг ёнма-ён ўтирганига кўзи тушиб, таққа тўхтаб қолади.

Н а з и р а. Вой, шармандалар?!

Б у т и р. Нима бўлди?

Н а з и р а. Вой, уятсизлар?!

Б у т и р. Мундок очикрок гапирсангиз-чи! Нима бўлди, ўзи?

Н а з и р а. Кўрмаяпсизми анувларни?

Б у т и р. Кимларни? Бахтиёр билан Бахорни айтаяпсизми? Кўраяпман. Чумчуқнинг болаларидек ўтиришибди чуғурлаши-и-б!

Н а з и р а. Куппа-кундузи-я! Ўзи юрагим сезувди!

Б у т и р. Жа, унақа ваҳима қилаверманг-э, унакамасдир-ов!

Н а з и р а. Мен сизга айтсам, булар иккаловимизни ҳам лақиллатиб юришибди.

Б у т и р. Ростданми?

Н а з и р а. Хафа бўлманг-у, ўзи иккаламиз ҳам ғирт лақма, ғирт аҳмоқ эканмиз!

Б у т и р. Бу гапингизга юз фойиз кўшиламан! Лекин энди нима қиламиз?

Н а з и р а. Сизни билмадим-ку, лекин мен мана шу ман-жалақининг адабини бермагунимча тинчимайман!

Б у т и р. Муштлашасизми? Тўппа-тўғри қиласиз! Фақат битта маслаҳат: зирақларингизни олиб сумкангизга солиб кўйинг.

Н а з и р а. Нега?

Б у т и р. Баҳорниям жаҳли ёмон. Бир юмдалашишга тушса, кулоқларингизга кўшиб зирақларингизни ҳам юлиб олиши мумкин. Кейин...

Н а з и р а. Нима кейин?

Б у т и р. Сумкангизда запас кўйлагингиз борми?

Н а з и р а. Йўқ. Нимайди?

Б у т и р. Эҳ, аттанг! Барибир ҳеч нарса чиқмас экан. Гап шундаки, мен Баҳорни яхши биламан, бир жаҳли чикса, устингиздаги кўйлақларингизни ҳам тилка-пора қилиб йиртиб ташлаши мумкин. Уйга яланғоч кетишингизга тўғри келади.

Н а з и р а. Тўхтанг, нега ўзингиз аммамнинг бузоғидек лаллайиб турибсиз? Эркакмисиз ўзи?!

Б у т и р. Ким деяпсиз мени?! *(Енгларини шимаришга туншади. Сўнг шошиб чўнтақларини кавлай бошлайди.)* Қанийди? Тўхтанг, сиз бўлажак врачсиз-ку, ёнингизда касалларни операция қиладиган анув, нимайди?.. Скальпел-пккалпел йўқми?

Н а з и р а. Бор.

Б у т и р. Борми? Э, яшаворинг-э! Беринг бу ёққа! Мен бу олифтани шартта қорнини ёриб, ичак-чавоғини бошига салла қилиб қўямасам, Бутир отимни бошқа қўяман! Ўзи анчадан бери отим ўзимга ёқмай юрувди. Бўлинг, тез! Скальпелни олинг!

Н а з и р а. Кимнинг қорнини ёрмоқчисиз?

Б у т и р. Кимни бўларди, Бахтиёр акангизни-да! Шундай қилайки, иккинчи бор бировнинг қизига кўз олайтирмайдиган бўлади. Эҳ, мени ҳам бир жаҳлим чиқса, ёмон жаҳлим

чиқади. Мана бундай, мана бундай киламану, асфаласофилинга жўнатвораман. Тезроқ беринг ўша матоҳингизни!

Н а з и р а (*қўрқиб*). Э, йўк, бермайман!

Б у т и р. Йўк?

Н а з и р а. Бермайман скальпелни!

Б у т и р. Қўркманг, жуда асфаласофилинга бўлмасаям, майли, сиз учун Бахтиёр акангизни чалажон қилиб бераман. Врачсиз, кейин ўзингиз бир амаллаб ремонт қилиб олаверасиз.

Н а з и р а. Йўк!

Б у т и р. Э, канақасиз ўзи? На иссикка кўнасиз, на совукка? Ие, Назираҳон! Қаёққа?

Н а з и р а (*ийглаб*). Куриб кетсин, севги дегани шунақа бўладиган бўлса!

Б у т и р. Назира! Тўхтанг! Ана ўзлариям биз томон келишяпти!

Н а з и р а. Кўргани кўзим йўк уларни!

Б а х т и ё р (*Ўртага чиқиб келади*). Назира! Тўхтанг! Мен хаммасини тушунтириб бераман!

Н а з и р а. Керак эмас! Йўлимни тўсманг! Сиздан нафратланаман!

Б а х т и ё р. Нафратланаман?!

Б а х о р. Назира, илтимос, сиз аввал эшитинг!

Н а з и р а. Эшитишни ҳам истамайман! Бўлди! Тамом! Хаммаси тамом! Бахтиёр ака, бугундан бошлаб орқамдан овора бўлиб юрманг! (*Назира хўнграб ийглаб чиқиб кетади. Хаммалари бир зум нима қилишларини билмай ҳайрон бўлиб туришади. Бахтиёр бошини икки қўли орасига олганча ўтириб қолади.*)

Б а х т и ё р. (*Баҳорга*) Мен боя айтмабмидим сизга, тушунмайди булар деб! Ота-оналарининг эркатойлари булар хаммаси! (*Бутирга*) Ҳа, академикнинг эркатойи! Нега сен нафратланмаяпсан? Нега жим турибсан?

Б а х о р. Бахтиёр ака!

Б а х т и ё р (*Ўрнидан туриб Бутирни туртади*). Бутир Давлатович, нега индамайсан?

Б а х о р. Бахтиёр ака, оталари академик бўлса, Бутир акамда нима айб?

Б а х т и ё р. Тўғри, болада айб йўқ. Кимдир академикнинг, кимдир министрнинг, яна кимдир кўча супурадиган фаррошнинг оиласида туғилиши мумкин. (*Бутирга*) Ё, гапим нотўғрими?

Б а х о р. Бахтиёр ака, илтимос, бас қилинг!

Б а х т и ё р. Болалар ўз ота-оналарини танлай билмайдилар. Болалар фақат туғиладилар. Фақат кейинчалик кимдир етимликда ўзгаларнинг қош-қовоғига қараб, камситиш ва хўрлашларга бардош бериб вояга етса, айна пайтда бошқалар, егани олдида, емагани ортида талтайиб катта бўладилар. (*Бутирнинг атрофида юриб*) Жарақ-жарақ пул, машина, гўзал қизлар... Ҳаммаси шулар учун. Қани, биров мушугини пишт деб кўрсин-чи, холи нима кечаркин шўрликни! Баҳор, нима дейсиз, бир мушт туширайми, ҳозир мана шу эркатойнинг тумшуғига?

Б а х о р. Жинни бўлдингизми, Бахтиёр ака!

Б а х т и ё р. Ҳазиллашдим. Қизикмисиз, жинни бўпманми буни уриб? Чертиб кўрай-чи, ҳолим нима кечаркин? Туришидан ҳам кўрмаяпсизми, қандай виқор билан турипти. Қарашларида ҳам истехзо! Нима бўлсаям биз етимлардан устунлигини сезади-да.

Б у т и р. Бўлдими?

Б а х т и ё р. Нима бўлдими?

Б у т и р. Гапнинг тамом бўлдими?

Б а х т и ё р. Тамом қилишни истамасам-чи?

Б а х о р. Бахтиёр ака! Бўлди қилинг! Бутир ака, илтимос, сиз Бахтиёр акамларнинг гапларига эътибор берманг. Ҳозир улар алам устида гапираяптилар. Мен кейин ҳаммасини тушунтириб бераман.

Б у т и р. Тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Шундок ҳам ҳаммасини ўзим биламан. Сўраганман, суриштирганман.

Б а х т и ё р. Албатта, академикнинг ўғиллари-да, ҳаммасини биладилар. Ҳей, менга кара, мунча катта кетмасанг. Қани, менга айт, олифтагарчиликдан бошқа яна нимани биласан? Ҳаётигда бирор кун оч қолганмисан? Болалигингда кўркинчли қоронғи тунларда уйда бир ўзинг қолиб кетган кезла-

ринг ёнингда меҳрибон одаминг йўқлигидан худога нола қилиб йиғлаганмисан? Ўз қирингни ўзинг ювиб, ўзинг тараш нималигини биласанми? Ёки байрамларда ҳамма болалар ўз ота-оналарини қўлларини ушлашиб, ясан-тусаниб, гоҳ морожний, гоҳ пирожний еб юрганларида чўнтагингда бир тийини йўқлигидан кўча-кўйда бутилка йиғиб пул топган пайтларинг бўлганми? Ёки кинога орқа эшиқдан яширинча кириб, сўнг қўлга тушиб қолиб шарманда бўлиш қанақалигини биласанми? Билмайсан. Умрингда ақалли бир марта кетмон чопганмисан?

Б а ҳ о р. Баъзида кўмир ташиб турадилар.

Б а х т и ё р. Шу-я? Академикнинг ўғли-я? Ишонмайман. Умуман, Баҳор, сиз хафа бўлманг-у мен бунни сизни севишига ҳам ишонмайман. Севган одам севгилисини ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмайди. Аяйди, асрайди, рашк қилади. Мана, ҳозир мен уни сизни севмаслигини исботлаб бераман. Ўзингиз гувоҳ бўласиз. *(Бахтиёр Баҳорнинг елкасига қўлини ташлайди.)*

Б а ҳ о р. Нима қиляпсиз?!

Б а х т и ё р. Қўркманг, у чертмайди ҳатто. Ана, марҳамат, без бўлиб тураверади. Эҳ, менинг содда сингилгинам! Шу бойваччанинг ёлғондан севаман деганига ишониб юрибсизми? Севгиси чин бўлганида рашкдан мен билан ёқа бўғишган бўларди. Ё нотўғри гапираяпманми?

Б у т и р. Тўппа-тўғри гапираяпсан.

Б а х т и ё р. Эшитаяпсизми, Баҳор?

Б а ҳ о р. Бутир ака! Шу гаплар ростми?!

Б у т и р. Чиндан ҳам мен сизларни бир-бирларингга рашк қилмайман.

Б а х т и ё р. Айтмадимми!

Б у т и р. Рашк қилмаслигимнинг сабаби, сен – Баҳорнинг туғишган акасисан!

Б а х т и ё р. Нима?!

Б у т и р *(Баҳорга)*. Сиз эса, мана шу ёнингизда икки соатдан бери сайраётган йиғлоқи йигитнинг туғишган сингилисиз!

Б а х т и ё р. Бўлмаган гап!

Б а ҳ о р. Нималар деяпсиз, Бутир ака?! *(Юрагини ушлаб ўтириб қолади)*

Б у т и р. Менинг ҳам авваллига ишонгим келмаган эди. Кейин...

Б а х т и ё р. Менга қара, йиғиштир сафсатагни! (*Бутирни урмоқчи бўлиб хезланади*) Эшитаяпсанми?!

Б у т и р. Торт қўлингни!

Б а х т и ё р. Биламан, сен, академикнинг эркатойи, яна бизларнинг устимиздан кулмоқчисан, мазах қилмоқчисан! Айтиб кўяй, агар шу қизга бир нарса бўладиган бўлса, қасам ичаман, мен сени тинч қўймайман!

Б а х о р. Бахтиёр ака! Наҳотки, шу рост бўлса?

Б а х т и ё р (*Бутирга*). Сен бола алаҳсираяпсан! Бизларнинг фамилияларимиз ҳам бошқа-бошқа.

Б у т и р. Бошқа бўлса нима қипти? Адашиб-улоқиб юрганлар озмунчами бу дунёда.

Б а х о р. Бутир ака, илтимос, ҳар галгидек майнавозчилик қилаётган бўлсангиз, очигини айтинг.

Б а х т и ё р. Э, мен бунга майнавозчилик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман ҳали! Айтиб қўяй, агар биз икковимизнинг акасингил эканлигимизни исботлай олмасанг, кейин ўзингдан кўр!

Б у т и р. Мен аҳмоқ қаердан ҳам шу гапни бошладим?

Б а х т и ё р. Ҳа, қўрқаяпсанми?

Б а х о р. Наҳотки, мана шундай муқаддас масала устида ҳазиллашган бўлсангиз. Ҳамма бўлмаса ҳам, сиз билардингизку, мени отасиз етим ўсганимни. Кўнглим яримталигини билардингизку!

Б у т и р. Бўпти! Исботлайман! Лекин битта шартим бор.

Б а х о р. Айтинг шартингизни!

Б у т и р. Шартим шуки, фақат менинг айтганимни қила-сизлар. Нима десам, сўзсиз бажарасизлар.

Б а х т и ё р. Шуми шартинг?

Б у т и р. Биринчидан, иккаловларинг ҳам ота-оналарингни чақирасанлар.

Б а х т и ё р. Кейин?

Б у т и р. Кейин... Кейин иккаловларинг севишганларнинг ролини ўйнайсанлар.

Б а х т и ё р (*Бош бармогини бармоқлари орасидан чиқаради*). Мана! Энди бир камим дадамларнинг олдида қийшонглаб артистлик қилиш қолувди!

Б у т и р. Ундай бўлса, мени кечиринглар, мен кетдим. (*Кета бошлайди.*)

Б а х т и ё р (*Унинг йўлини тўсади*). Ҳеч қаёққа кетмайсан!
Исботлайсан, кейин кетасан!

Б у т и р. Ота-онангларни чақирасанларми?

Б а х т и ё р. Чақирамиз!

Б а ҳ о р. Керак бўлса, чақирамиз.

Б у т и р. Йўқ, ўйлаб кўрсам, анча мушкул нарсага ўхшайди.

Б а х т и ё р. Кўрқаяпсанми?

Б у т и р. Гап кўрқишда эмас. Гап менинг мана шуларга аралашишга маънавий ҳуқуқим бор ёки йўқлигида.

Б а х т и ё р. Э, йўқ, энди бунақаси кетмайди!

Б у т и р. Фараз қилинглар, мен гапирмадим, сизлар эшитмадинглар. Тамом-вассалом!

Б а х т и ё р. Ҳов, менга қара, нима, сен бизларни лойдан бўлган хуштак деб ўйлаяпсанми?! (*Ёқасидан олади*) Мен сенга майнавозчилик қилиш қанақалигини кўрсатиб қўяман!

Б а ҳ о р. Бахтиёр ака! Нима қилаяпсиз?!

Б а х т и ё р. Исботлайсан! Қани исботламай кўр-чи!

Б у т и р. Бўпти! Қўйвор! Бўпти, деяпман-ку, э, қанақасан, одамни бўғиб қўяй дединг-ку!

Б а ҳ о р. Сизлар нима деб ўйласаларинг ўйлайверларинг-ку, лекин менинг сира ишонгим келмаяпти. Нахотки, мени онам... Мени шунча йил ота меҳридан мосуво қилиб юрган бўлса? Алдаган бўлса? Нима учун? Нега? Ҳеч замонда она ўз боласининг тирик етим бўлиб ўсишини истайдими? Ишонмайман. Мен ишонмайман!

Б у т и р. Нима, дунёда фақат ўзини ўйлайдиган худбин оналар, оталар камми?

Б а ҳ о р. Нахотки, шуларнинг ҳаммаси рост бўлса? Нахотки, ўз отам ҳаёт бўлатуриб, етимликда ўсган тирик етим бўлсам?! Бундан чиқди, Бахтиёр ака, сиз ҳам мен каби тирик етим экансиз-да? Бахтиёр ака, нега индамайсиз?

Б а х т и ё р. Э, мен барибир ишонмайман! Менинг отам унақа эмас!

Б а ҳ о р. Менинг аямлар ҳам унақа эмаслар!

Иккинчи қисм

Замонавий жиҳозланган кенг ҳовли. Баҳор, Бутир ва Бахтиёр меҳмонларни кутиб олишга тайёргарлик кўришмоқда.

Б у т и р. Шарт шу! Менинг рухсатимсиз ҳатто савол ҳам бермайсанлар. Тушунарлими?

Б а х т и ё р. Тушунарли, тушунарли! Фақат дадам мendan уйланмоқчи бўлган қизинг ким десалар, Баҳорни кўрсатаман. Тамом-вассалом!

Б а ҳ о р. Бахтиёр акамларнинг дадалари мабодо мени гапга тутиб қолсалар-чи?

Б у т и р. Бошингизни эгиб, уялганга ўхшаб миқ этмай ту-раверасиз.

Б а ҳ о р. Ие, келиним соқов экан, демайдиларми?

Б у т и р. Демайдилар. Қайнота ва қайноналар кўпроқ соқов келинларни орзу қилишади. *(Бахтиёрга)* Даданга адресни тўғри тушунтирганмисан? Қандай келишни биладиларми?

Б а х т и ё р. Биладилар. Тўғри аэропортдан таксига тушиб боравераман, дедилар. *(Автомашинанинг сигнали эшитилди.)* Ана, ўзлари ҳам келиб қолдилар, шекилли!

Б у т и р. Бўпти! Қани, бир-бирларингни қўлларингни ушлаб олинглар! Бахтиёр, ким айтади сени уйланаётган йигит деб! Мунча мотам тутмасанг. Сал ишшай жуда бўлмаса. Мана бу бошқа гап! *(Меҳмонга пешвоз чиқади.)* О! Келинг, келинг! Тортинмай кираверинг! Аслиддин Наслиддинович! Қадамларига ҳасанот! *(Ҳовлига замонавий кийинган, ёши 45-50 лар атрофидаги савлатли бир киши гилдиракли чамадонини судраганича виқор билан кириб келади.)* Менга беринг чамадонингизни. Қани, бу ёққа, тўрга ўтсинлар! Назира! Тфу! Баҳор! Бахтиёр! Қаердасанлар?

Бахтиёр билан Баҳор қўл ушлашиб уларнинг ҳузурига чиқиб келишади.

Б а ҳ о р. Ассалому алайкум!

Б а х т и ё р. Ассалому алайкум, дада!

Н а с л и д д и н о в. Ваалайкум ассалом! Ваалайкум ассалом! *(У галма-галдан Баҳор билан Бахтиёрнинг пешонасидан ўпади.)* Баракалла, баракалла! Бахтли бўлинглар! *(Бутир ёш-*

ларга “кетинглар” деган маънода қўли билан ишора қила бошлайди. Насриддинов Баҳорнинг ортидан тикилиб қоларкан) Бу киз?.. Ҳалиги?..

Б у т и р. Бу киз бўлажак келинингиз. Исми Баҳор.

Н а с л и д д и н о в. Баҳор?

Б у т и р. Нима, ёкмадими?

Н а с л и д д и н о в. Аксинча, жуда яхши киз экан. Бу, юра-диган қизининг исми бошқача эди, шекилли?

Б у т и р. Ҳа, энди ҳозирги ёшларни биласиз-ку, тўйгача бошқаси билан юришади-да, уйланишга келганда бутунлай бошқасига уйланишади.

Н а с л и д д и н о в. Кечирасиз, сўраганнинг айби йўк, ўзлари ким бўладилар?

Б у т и р. Менми? Мен куёвжўраман!

Н а с л и д д и н о в. Демак, Бахтиёр куёвтўра, сиз эса, куёвжўра! (*хандон отиб кулишади*) Қани, куёвжўра, танишиб кўййлик бўлмаса! Аслиддин Насриддинович!

Б у т и р. Бағоят, хурсандман! Бутир Давлатович!

Н а с л и д д и н о в. Ким? Ким?

Б у т и р. Бутир Давлатович Давлатов!

Н а с л и д д и н о в. Давлатович?.. Давлатович?.. Дадангизни танигандай бўлиб турибман.

Б у т и р. Дадамни танимаган одамнинг ўзи йўк бу дунёда!

Н а с л и д д и н о в (*Столга ўтираркан, хаёлга чўмганича бир нуқтага тикилиб қолади*). Да...

Б у т и р (*Чой узатади*). Марҳамат, чойга қаранг!

Н а с л и д д и н о в. Чой? Ҳа, раҳмат! Буни қаранг, инсон ҳаёти кўп қизиқ нарса-да, кўз очиб-юмгунингча умр ҳам оқар сувдек ўтиб кетаркан. Эҳ, ёшларни кўрдиму, ёшлигим эсимга тушиб кетди. Товба? Қаранг-а, ўғлимнинг ҳам диди худди менинг дидимга ўхшапти.

Б у т и р. Ҳа, энди ота ўғил-да!

Н а с л и д д и н о в (*хандон отиб кулади*). Ҳа-ҳа! Ота ўғил! Ота ўғил! Кечирасиз, исмингиз нима эди?

Б у т и р. Бутир.

Н а с л и д д и н о в. Букир?!

Б у т и р. Б-у-тир. Бутир!

Н а с л и д д и н о в. Хафа бўлмайсиз, қулоғимга шунака эшитилди. Кечиринг. Ўзи, исмингиз бироз ғалатирок экан.

Б у т и р. Ўзим ҳам ғалатирокман.

Н а с л и д д и н о в. Исмин жисмимга яраша денг! (*Иккови хандон отиб кулишади.*) Кечирасиз, сиз менинг ҳазилларимни кўнглингизга яқин олмаяпсизми?

Б у т и р. Асло! Ўзим ҳам хушчакчак одамларни ёқтираман.

Н а с л и д д и н о в. Худо ҳаққи, сиз менга ёқиб қолдингиз.

Б у т и р. Раҳмат, сиз ҳам. Энди, куда бува, сиз шу ерда бемалол ёнбошлаб дамингизни олиб туринг. Ҳали замон бўлажак қудангиз ҳам келиб қолсалар керак. Мен ёшларни олдига чиқай-чи, улар нима қилишаётган экан? (*Бутир ҳовлига чиқishi билан унинг ёнига Баҳор билан Бахтиёр югуриб келишади.*)

Б а ҳ о р. Бутир ака!

Б а х т и ё р. Дадамлар ҳеч нима демадиларми?

Б у т и р. Ҳовликмаларинг, ҳовликмаларинг, ҳаммаси қатъий сценарий бўйича кетаяпти! (*Кўчадан автомашинанинг сигнали эшитилади.*) Ана, сизнинг аянгиз ҳам келдилар, шекилли! Қани, қўлларингни ушлаларинг! Дадилроқ! Мундок севишганларга ўхшаб туриш ҳам қўлларингдан келмайдими? Намунча лаллаймасаларинг!

Б а х т и ё р. Нима, биз сенга артистмидик?

Б у т и р. Мен сенга айтсам, бу дунёда ҳамма артист. Фақат биров саҳнада ўйнайди, биров ҳаётда. Уфф! Ишшайларинг, жуда бўлмаса! Ҳа, ана, бу бошка гап! (*Эшикдан кириб келаётган меҳмон томон пешвоз чиқади.*) О! Келсинлар, келсинлар! Кираверинг, Хумора Ҳасановна! Тортинманг! (*Ҳовлига ўзига оро берган, замонавий кийинган, сатанг аёл кириб келади.*)

Х у м о р а. Вой, бу қурмагур ёшлар-ей! Тўсатдан телеграммани қўлимга тутқазишса, юрагим чиқиб кета ёзибди, бир нарса бўптими деб. Озиб-ёзиб бир марта Чимёнга чанғи учгани борувдим, ўшаям татимади. Баҳор! Баҳор қани?

Б у т и р. Шу ерда, шу ерда, хавотир олманг. Қизингиз соппа-соғ, ошхонада йигити билан ўтирибди.

Х у м о р а. Йигити билан?! Вой, қизи тушмагур-ей! Ҳой!

Баҳор! Қаердасан? Мен келдим! *(Баҳор билан Бахтиёр қўл ушлашиб Хуморанинг олдига келишади)*

Б а х о р. Ассалому алайкум, ая!

Б а х т и ё р. Ассалому алайкум!

Х у м о р а *(Бахтиёрга тикилиб ҳайрон бўлиб қолади)*. В-в... валайкум салом! *(Бутир ёшларга қўли билан “кетинглар” ишорасини қилади. Баҳор билан Бахтиёр яна ошхона томон қўлтиқлашиб қайтиб кетишади)*. Кечирасиз, нима десам экан? Ҳалиги... юрадиган йигитим академикнинг ўғли деганди. Ўша йигит шуми?

Б у т и р. Йўк, бу бошқаси.

Х у м о р а. Нима?! Буни қандоқ тушуниш керак?!

Б у т и р. Ўзингиздан қолар гап йўк. Ҳозирги ёшлар бугун биттасига ваъда беради-да, эртасига бутунлай бошқасига тегиб кетаверишади.

Х у м о р а. Оповси, тагин мен билан ҳазиллашаётган бўлманг. Мен ҳазилни ёқтирмайман.

Б у т и р. Асло ҳазиллашаётганим йўк. Ана, ишонмасангиз, бўлажак куёвингизнинг дадаси аллақачон келиб, ичкарида сизни кутиб ўтирибдилар.

Х у м о р а. Вой, ростданми?

Б у т и р. Ростдан, ростдан!

Х у м о р а. Бу қизи тушмагур, бир кун мени инфаркт қилиб ўлдиради-да, кейин тинчийди. Ҳой, Баҳор! Бу ёкка қара, қиз ўлгур!

Б у т и р *(Уялтирмоқчи бўлиб калласини қимирлатади)*. Ай-яй-яй! Яхшимас!

Х у м о р а. Нима яхшимас?

Б у т и р. Ичкарида қудангиз ўтирган бўлса-ю, сиз қизингизни қарғасангиз, ўзингиз ўйланг, шу яхшими?

Х у м о р а. Вой, менга қаранг, нега бу куёв бола бир кўринди-ю, қочиб кетди? Бундоқ афтини ҳам дурустроқ кўра олмадим.

Б у т и р. Куёвингиз уятчан, камтарин йигитлардан-да, опоки! Лекин...

Х у м о р а. Нима “лекин”?

Б у т и р. Лекин қудангиз зўр!

Хумора. Зўр?!

Бутир. Ҳа. Савлатидан от хуркади. Ундан кўра, чой-пойидан хабар олсангиз бўларди. Ҳар холда куда деган номи бор.

Хумора. Мен кийиниб чиқай бўлмаса. Бу ахволда қуданнинг кўзига кўринсам уят бўлар.

Бутир. Кираверинг, ҳеч нарса қилмайди. Қудангиз ҳам ўзингизга ўхшаган замонавий одамлардан. Кираверинг.

Хумора ичкарига кириб кетиши билан Бутирнинг олдига Баҳор билан Бахтиёр югуриб келишади.

Бутир. Бахтиёр!

Бахтиёр. Нима?

Бутир. Дарҳол Назирани чақиртирмасанг бўмайди.

Бахтиёр. Нега?

Бутир. Врач керак бўлади. Менинг ҳисоб-китобим бўйича ҳозир иккаловидан биттаси хушидан кетади. *(У соатиға тез-тез қараб ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди)*

Бахтиёр *(Шошиб Назирага телефон қила бошлайди)*. Алло! Алло, Назира! Мен Бахтиёрман! Илтимос, тезда Баҳорларникига етиб келсангиз! Елкамни чуқури кўрсин дейсизми? Ахир, сиз врачсиз-ку! Алло! Назира! *(Шу пайт аёл кишининг чинқириги эшитилади. Эшик очилиб остонада ранги оқариб кетган Наслиддинов пайдо бўлади.)*

Наслиддинов. Тезда докторни чақиртиринглар! *(У яна шошиб ичкарига кириб кетади.)*

Баҳор. Ая! Аямга бир нарса бўлди! *(Уй томон талтинади. Лекин уни Бутир ушлаб қолади.)* Нега мени ушлайсиз?! Мен аямларнинг олдига кирмоқчиман!

Бутир. Йўқ, ҳозир кирмайсиз. Аянгиздан хавотир олманг. Ҳеч нарса қилмайди аянгизга.

Бахтиёр. Наҳотки, мана шуларнинг ҳаммаси рост бўлиб чиқса?

Баҳор. Бутир ака, аямларга ҳеч нарса қилмайдими?

Бутир. Аянгизга жин ҳам урмайди. Менинг сценарийим бўйича, аянгиз ўзига келганларидан кейин иккаловлари ётиғи билан орани очик қилиб олишади.

Бахтиёр. Бу нима деганинг?

Б у т и р. Бу деганим шуки, иккаловлари биргалашиб, нима бўлмасин, сенларнинг тўйларингни йўққа чиқаришга ҳаракат қилишади.

Б а х т и ё р. Бизлар эса, йўқ, бир-биримизсиз тура олмаймиз, деб ёлғондан оёқ тираб туриб олишимиз лозим, шундайми?

Б у т и р. Молодец, сендан зўр артист чиқади!

Б а х о р. Қизик? Агар Бахтиёр акамларнинг дадалари менинг ҳам дадам бўлса, нега мени танимади? Тўғри, бироз ғалати тикилиб қарагандек бўлдилар. Лекин бирор нарса демадилар-ку.

Б а х т и ё р. Майли, ота ўз кизини танимади, дейлик. Лекин она ҳам ўз боласини танимайдими? Ҳар қандай манкурт она ҳам ўз боласини икки дунёда унутмаслиги лозим-ку!

Б а х о р. Лекин аямлар назаримда сизни кўрганда ғалати бўлиб кетгандай туюлдилар. Ўлай агар! (*Эшик очилиб останада Насриддинов пайдо бўлади.*)

Н а с л и д д и н о в. Куёвжўра!

Б у т и р. Лаббай, куда бува!

Н а с л и д д и н о в. Гап бор! (*Ичкарига таклиф қилади.*)
Марҳамат!

Б у т и р (*Ичкарига киради*). Ие, бу, ҳеч нарса емабсизлар-ку? Мана бу ноз-неъматлардан олиб ўтириш керак-да! Ёшлигимдан мураббога ўчман. Оҳ! Оҳ!

Н а с л и д д и н о в. Ука, кечирасиз...

Б у т и р. Қулоғим сизда!

Х у м о р а. Нима десак экан?..

Б у т и р. Гапираверинг, гапираверинг! Тортинманг!

Х у м о р а. Биласизми?..

Б у т и р. Биламан.

Н а с л и д д и н о в. Нимани биласиз?

Б у т и р. Анув... ёшларнинг муҳаббатига қаршисизлар.

Х у м о р а. Қаердан билдингиз?

Б у т и р. Дастурхондан. Ақалли қўл теккизмапсизлар-ку. Демак, ёшларнинг ниятларини эшитгансизлар-у, хиппа иштахаларинг ҳам бўғилган-қолган! Топдимми?

Н а с л и д д и н о в. Сизни бу ерга чақиртирганимиздан



мақсад, сиз куёвжўра сифатида ёшларга бизларнинг муносабатимизни етказсангиз. Биз уларнинг тўйларига қаршимиз.

Б у т и р (хурсанд). Ростданми?!

Х у м о р а. Ростдан.

Б у т и р. Хўп, нега?

Н а с л и д д и н о в. Бизлар қаршимиз. Тамом-вассалом!

Б у т и р (хурсанд). Эҳ, ўзим ҳам билувдим шундай бўлишини! Лекин мени кечирасизлар-у, сизларнинг топшириқларингни бажара олмайман.

Х у м о р а. Нега?

Б у т и р. Ие, ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳеч замонда ҳам севишганларнинг ўртасига тушиб бўладими? Э, йўқ! Марҳамат қилиб мени бу мушкул вазифадан озод қилинглар. Ўзларинг қаршимисизлар, ўзларинг хал қилларинг!

Наслидинов, Хумора ва Бутир ҳовлига чикиб келишади. Бутир югуриб севишганларнинг ёнига бориб туриб олади.

Н а с л и д д и н о в. Бахтиёр!

Б а х т и ё р. Лаббай, дада!

Н а с л и д д и н о в. Нима десам экан?.. Биз тўйларингни бўлишига рози эмасмиз.

Б а х т и ё р. Нега?

Х у м о р а. Рози эмасмиз. Тамом-вассалом! (Юзини тескари ўгириб олади.)

Б а х о р. Нега рози эмассизлар?

Б у т и р. Ростданам, нега рози эмассизлар? (Наслидиновга) Қаранг, шундоқ қиз ўғлингиз билан турмуш қуришга рози бўлса, қайтанга хурсанд бўлмайсизми? Бунақа чиройли, келишган қизни заказ қилиб ҳам топа олмайсиз. Ё бу қиз сизга ёқмадими?

Н а с л и д д и н о в. Ёқмади.

Б у т и р. Ие? Боя Баҳорни кўрганингизда оғзингиздан бол томаётган эди-ку!

Н а с л и д д и н о в. Боя ёққаниди, энди эса, ёқмай қолди.

Б а х о р. Мана шу гапларингизни кўзингизни олиб қочмасдан гапира оласизми? Мен кўзларингизни кўрмоқчиман!

Х у м о р а. Ҳой, киз ўлгур, нега беҳаёлик қилаяпсан? Уялмайсанми бегона эркакка тик қараб гапиришга?

Б у т и р. Маълумотлари учун айтиб қўяй: ўз севгисини химоя қилиш ҳеч қачон уятсизлик ҳисобланган эмас.

Х у м о р а. Сиз аралашманг. Сиздан ҳеч ким сўраётгани йўқ!

Б а х т и ё р. У ҳолда мен ҳам сизга ёкмапман-да?

Х у м о р а (*тескари қараб*). Ёкмадингиз.

Б у т и р. Шундоқ йигит-а?!

Н а с л и д д и н о в. Бўлди, тамом. Ортиқча сенлар билан тортишиб ўтиришга вақтим йўқ... (*Кетмоқчи бўлади.*)

Б у т и р (*Йўлини тўсади*). Э, йўқ, Аслиддин Наслиддинович, суҳбатимиз энди қизияпти, яхши эмас.

Б а х т и ё р. Дада!

Н а с л и д д и н о в. Нима дейсан?

Б а х т и ё р. Нима учун рози эмаслигингизни тушунтириб беринг.

Н а с л и д д и н о в. Норозиман, тамом-вассалом! Ортиқча саволлар билан мени қийнама, ўғлим. Шу қиздан бошқа истаган қизга уйлансанг, мен розиман. Фақат шу қизга эмас! Тушунаяпсанми, фақат шу қизга эмас!

Б а х о р. Нима, мен арпангизни хом ўрдимми?

Б у т и р (*ёшларнинг ёнига келиб*). Молодец! Бўш келмайсанлар! (*Сўнг Наслиддинов ва Хуморага*) Вей, канака қолоқ одамларсиз ўзи? Ахир, булар бир-бирларини севадилар! Севадилар!

Н а с л и д д и н о в. Севса, нима қипти?

Б у т и р. Ие, галстук таққанингиз билан ғирт феодал экансиз-ку!

Б а х о р. Ая, сиз ҳам қаршимисиз?

Х у м о р а. Қаршиман!

Б а х о р. Нега ахир?

Б у т и р. Сиз тўхтаб туринг, синглим, мен ўзим буларга тушунтирмасам, тушунишмайдиганга ўхшайди. (*Ҳовлига кириб келаётган Назирани кўриб*) Ана, Назирахон ҳам айни пайтда етиб келдилар! Кираверинг, Назирахон! Тортинманг!

Бахтиёр Назиранинг ёнига келади.

Б а х т и ё р. Назирахон, биласизми?

Н а з и р а (*совуқ*). Бемор қани?

Б а х т и ё р. Мен сизга қандай тушунтирсам экан?..

Н а з и р а. Ҳеч қанақа тушунтиришнинг кераги йўқ. Мен беморни кўргани келдим.

Б у т и р (*Бахтиёрга*). Сен боравер, мен ўзим тушунтираман. (*Бахтиёр ноилож Баҳорнинг олдига кетади.*) Назирахон, фақат сиздан битта илтимос, бу ерда бўлаётган хангомаларга эътибор берманг. Бахтиёр акангиз ҳозир кичкина роль ўйнаптилар.

Н а з и р а. Артистлигини авваллари ҳам сезиб юрардим ўзим. Мен бу ерга беморни кўргани келганман.

Б у т и р. Бемор дейсизми? Фақат бироз кутиб туришингизга тўғри келади. Ҳозир, ҳозир... (*Насриддинов билан Хуморага*) Шундай қилиб сизлар ёшларнинг тўйларига қаршисизлар, шундайми?

Н а с л и д д и н о в. Шундай.

Б у т и р. Минг афсус, минг афсус!

Н а с л и д д и н о в. Нимага минг афсус?

Б у т и р. Минг афсуски, кеч колдиларинг!

Н а с л и д д и н о в. Нима?!

Б у т и р. Шунақа. Тўйлари бўлмасдан ҳеч бир иложи йўқ.

Х у м о р а. Нега иложи бўлмас экан? Иложини топамиз!

Б у т и р. “Иложини топамиз”миш! Сал олдинроқ қаерда эдингиз, Ойша хола? Қандай қилиб топасиз иложини? Аллақачон ҳамма бўладиган иш бўб бўлган бўлса, бу кишим иложини топармишлар.

Х у м о р а. Баҳор! Шу гап ростми?!

Н а с л и д д и н о в. Бахтиёр! Гапир!

Б у т и р. Ие, нега сўроқ қиласизлар? Бир-бирларини севишса, бир-бирларини яхши кўришса! Тўйдан олдину тўйдан кейин нима фарқи бор?

Х у м о р а. Нималар деяпсиз? Ҳали тўй бўлмасдан туриб-а?! (*Баҳорга*) Ҳой, қиз ўлгур! Нималар қилиб қўйдинг?! Вой-дод! Энди нима деган одам бўлдим?!

Б у т и р. Кўп айюҳаннос солаверманг. Яқинда неварали бўлганингиздан кейин ҳаммаси унутилиб кетади.

Х у м о р а. Невара?! Йўк, йўк! Невара ҳам, тўй ҳам бўлмайди! Ундан кўра ўзимни ўзим ўлдираман! Йўк, аввал мана бу гўрсухтани ўлдираман! (*Наслиддиновнинг юзига тарсаки тортиб юборади. Наслиддинов қаршилиқ кўрсатмай жим тураверади.*) Ҳаммасига мана шу ярамас айбдор!

Б а ҳ о р. Ая! Нима қилаяпсиз?!

Х у м о р а. Мана шу гўрсухта сени даданг бўлади!

Б а ҳ о р. Дадам?! Ахир, сени даданг қаҳрамонларча ҳалок бўлган, дегандингиз-ку!

Х у м о р а. Ёнингдаги йигит эса, туғишган аканг бўлади!

Б а ҳ о р (*Наслиддинов томон талпинади*). Дада! Дада шу ростми? (*Наслиддинов юрагини ушлаб беҳуш стулга ўтириб қолади.*) Дада! Дадажон!

Б а х т и ё р. Ая! Аяжон!

Х у м о р а. Бахтиёр! Болагинам! Бахтиқаро онангни кечир! (*У ҳам беҳуш йиқилади.*)

Б а х т и ё р. Ая! Аяжон!

Б у т и р (*Назирага*). Ана, сизга қанча бемор керак?

Б а х т и ё р. Ая! Аяжон! Кўзингизни очинг! Энди топганимда яна мени ташлаб кетасизми? Назираҳон, илтимос, ёрдам беринг! (*Назира сумкасидан керакли асбобларини олиб Ҳуморга укол қила бошлайди.*) Аяжон! Кўзингизни очинг, мен ҳаммасини тушунтириб бераман!

Б а ҳ о р. Бахтиёр ака! Дадамлар нафас олмаяптилар! (*Назира билан Бахтиёр Ҳуморани ташлаб Наслиддинов томонга югуришади.*)

Х у м о р а (*ўзига келиб*). Бахтиёр!

Б а х т и ё р. Лаббай, ая!

Х у м о р а. Берироқ кел, ўғлим, ўлимим олдидан бир тўйиб кўриб олай!

Б а х т и ё р. Йўк, ая, сиз ўлмайсиз! Мен йўл қўймайман! Шунча йил онасиз яшаганим етмайдимиз?

Х у м о р а. Йўк, бунақа гуноҳлар билан бу дунёда яшаб бўлмайди! Кечир, ўғлим, бахтиқаро онангни кечир!

Ба х т и ё р. Нималар деяпсиз, ая?! Қанака гуноҳ?! Аяжон, Баҳор билан ўртамизда ҳеч нарса бўлган эмас!

Х у м о р а. Чинданми?

Ба х т и ё р. Ўлай агар!

Х у м о р а. Ўғлим! (Яна ҳушидан кетади.)

Ба х т и ё р. Ая! Аяжон! Кўзингизни очинг! Назира! (Назира Наслиддиновни ташлаб, Хумора томон югуради) Бутир, энди нима бўлади?

Б у т и р. Ҳеч нарса бўлмайди.

Ба х т и ё р. Ростдан ҳеч нарса бўлмайдимми?

Б у т и р. Менинг ҳисоб-китобим бўйича мана шу аёл сени аянглиги рост бўлса, асло қўркмасанг ҳам бўлади. Унга жин ҳам урмайди.

Ба х т и ё р. Кўзларини очмаяпти-ю?

Б у т и р. Очади. Сен ташвишланма. Назирахон, куда хола нафас олаяптиларми?

Н а з и р а. Нафас олаяптилар.

Б у т и р. Ҳали замон кўзларини ҳам очадилар, кейин йўлига бироз йиғлаб-сиқтаб оҳ-воҳ ҳам қиладилар, сўнг...

Ба х т и ё р. Нима сўнг?

Б у т и р. Сўнг ҳеч нарса кўрмагандек, яна Чимёнга чанғи учгани кетадилар. Менинг планим бўйича шунака, яна ким билсин. Бунақа оналардан ҳар нарса кутиш мумкин.

Ба х т и ё р. Нималар деяпсан?!

Б у т и р. Ўпкангни бос! Ундан кўра, онангга қара, ана кўзларини очаяптилар.

Ба х т и ё р. Ая! Аяжон! Кўзингизни очинг!

Б у т и р. Куда хола, очаверинг кўзингизни! Уялманг!

Ба ҳ о р. Бутир ака!

Б у т и р. Нима гап? Қаҳрамон ота ҳалиям кўзларини очмадиларми?

Ба ҳ о р (йиғлаб). Ҳалиям ҳушларига келмаяптилар.

Б у т и р (Наслиддиновга). Ҳов, куда бува, ётаверасизми, талтайиб! Бўлди, кўзингизни очинг! Бола бечоралар энди ота-онали бўлдик деганларида юракларини ёрдиларинг-ку!

Н а с л и д д и н о в (Кўзини очади). Ким бу?

Б у т и р. Ҳа, баракалла! Қаҳрамонларча ҳалок бўлган ота қаҳрамонларча тирилдилар ҳам!

Баҳор. Дада! Дадажон! Мени танияпсизми?

Наслиддинов. Қизим! Қизалоғим! Танидим. Нега танимас эканман? Қизим борлигини билардим-у, лекин мана шунақа гўзал қизим борлигини билмаган эканман.

Баҳор. Билсангиз нимага бирор марта бўлса ҳам қидирмадингиз? Ёки соғинмадингизми, дадажон?

Бутир. Ай-яй-яй! Баҳорхон!

Баҳор. Нима ай-яй-яй?

Бутир. Шунақаям савол берадими киз бола ўз дадасига! Нима, дадангиз сизни ўн саккиз йил кўрмаган бўлса, осмон узилиб ерга тушиптими? Шуни албатта шу бугун юзларига солиш шартми? Бутунлай корасини кўрсатмай кетганида нима қилардингиз?

Баҳор (*дадасининг ниманидир қидираётганини сезиб*). Дада, нимани кидираяпсиз? (*Наслиддинов жавоб бермайди.*)

Бутир (*Наслиддиновнинг ёнига келиб қулогига шивирлайди*). Кейин чапга, кейин тўғрига борасиз! (*Наслиддинов ўридан туриб тўғри ҳовли четидаги хужрага кириб кетади.*) Ҳа, баракалла! Мана бу бошқа гап!

Баҳор (*Бутирнинг ёнига келади*). Дадам қаёққа кетдилар?

Бутир. Лекин мен сизга очиғини айтсам, дадангизга нисбатан озгина бўлса ҳам хурматим ошди.

Баҳор. Мундок тушунтириб гапиринг, дадам сиздан нимани сўрадилар?

Бутир. Дадангиз арқон кидираётган эканлар, хужрани кўрсатиб юбордим. Ўша ерда арқон ҳам, чилвир ҳам бор.

Баҳор. Арқон?! Нималар қилиб қўйдингиз Бутир ака?! (*Жонҳолатда югуриб бориб хужрани эшигини тақиллата бошлайди*) Дада! Дадажон! Эшикни очинг! Мен қизингизман! Бахтиёр ака!

Бахтиёр. Нима гап?

Баҳор. Дадам! Дадам ўзларини осмоқчилар!

Бахтиёр. Дада! Эшикни очинг! (*У эшикни икки қўллаб тақиллата бошлайди. Очилмагач, елкаси билан уриб кўради. Эшик барибир очилмайди.*) Эшикни бузиш керак!

Бутир (*Бахтиёрга*). Мен сенга айтсам, даданг ёмон одамга ўхшамайди.

Бахтиёр (тушунмай). Нима?

Бутир. Озгина бўлсаям виждонли экан. Ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди ўзини-ўзи осииш.

Бахтиёр (Бутирнинг сўзларини эшитмай). Болта керак! Болта!

Назира. Бахтиёр ака! Баҳор! Аянгиз кўзларини очдилар!

Бутир. Молодец, куда хола! Мана бу бошқа гап! Очаверинг, кўзингизни! Уялманг!

Хумора. Бахтиёр билан Баҳор қани?

Бахтиёр (Ҳужранинг эшигини болта билан чопиб бузар экан). Ая! Биз бу ердамиз!

Хумора. Нега эшикни бузаяпсанлар?

Баҳор. Ая, у ерда дадамлар, ўзларини осмоқчилар!

Хумора. Эшикни бузма, пулга келган!

Баҳор. Ая?!

Хумора. Нима ая? Нима ая? Даданг ўзини осадиган бўлса, ўн саккиз йил бурун осган бўларди. Қизим, сен дадам топилди деб хурсанд бўлмай кўя қол. Даданг номард, даданг айёр тулки!

Бахтиёр. Ая, илтимос, бу ерда бегоналар бор, оғзингизга қараб гапиринг!

Хумора. Эшитишсин бегоналар ҳам!

Баҳор. Ая!

Хумора. Қани, менга айтинглари-чи, мана сенларни сарсону саргардон, адашиб-улоқиб юрганларингга ким айбдор?

Бахтиёр. Хўп, билдик дадам айбдор эканлар, бўлдим?

Хумора. Йўқ, мен айбдорман. Мана шу айёр тулкининг “сен менга тегмасанг, ўзимни осаман” деган найрангига ишониб мен катта хато қилдим.

Баҳор. Ая! Бас қилинг!

Хумора. Ҳамма найранглари уйлангандан кейин бошланди бу гўрсухтанинг. (Эшик тарақлаб очилиб, ҳужрадан бўйнида арқон билан Наслиддинов чиқиб келади.)

Наслиддинов. Тухмат! Аянг тухмат қилаяпти!

Бутир. Ие, осмаптилар-да ўзларини!

Наслиддинов. Сен гапни чалғитма! (Хумора томон юра бошлайди.) Нега тухмат қиласан? Кечқурунлари мени уйга киритмай, кўчага ҳайдаб қўйган ким эди?

Х у м о р а. Тун бўйи жазманларинг билан маст-аласт санғиб, оёқда тура олмайдиган бўлиб қайтганингда ҳам кучок очиб кутиб олишим керакмиди?

Б а ҳ о р. Ая! Илтимос, бас қилинглар!

Б а х т и ё р. Дада! Жуда бўлмаса сиз жим бўлинг!

Н а с л и д д и н о в. Нега мен жим турарканман? Тўғри, мен сенларнинг олдиларингда қисман гуноҳқордирман. Буни бўйнимга оламан. Лекин сенларни оталик меҳридан жудо қилган мана шу онанг бўлади. Ҳа, ха! Худди мана шу сатанг аёл мени ҳам, сенларни ҳам бахтсиз қилди. Мен унинг чиройига учибман-ку, лекин худбин аёл эканлигини билмаган эканман. Мана, ўғлим, сен менга жим бўл деяпсан. Онангга раҳминг келаяпти. Лекин шу сен раҳм қилаётган аёл мени уйдан ҳайдаб юборгандан кейин, сенларни болалар уйига топшириб юборган. Нега? Чунки ёш бўлган. Чиройли бўлган. Худбин бўлган. Тараллабедод яшагиси келган!

Х у м о р а. Ҳов, номард! Сенинг қайси ташлаб кетган бойликларингга тараллабедод яшабман? Сендан нима қолганди? Тешик тоғораям қолмаганди-ку!

Б а ҳ о р. Шарманда бўлдим! Бахтиёр ака, айтсангиз-чи, овозларини ўчиришсин мундоқ! Нега жим турибсиз?

Б а х т и ё р. Ўзингни бос, сингилгинам! Ўзингни бос!

Х у м о р а. Уйда хотиним, болаларим оч ўтиришибди демасдан, жазманларингни кетидан шаҳарма-шаҳар санғиб юрганингдадан кейин мен нима қилишим керак эди? Қанчалик оғир бўлмасин, Бахтиёримни болалар уйига топширдим. Жуда бўлмаса, давлатимиз боқиб олар дедим. Давлатимизга минг раҳмат, бахтиқаро боламдан бир бурда нонини аямади.

Б у т и р. Баҳор-чи? Нега Баҳорни топширмагансиз?

Х у м о р а. Баҳор у пайтларда эмизикли чақалок эди.

Н а с л и д д и н о в. Бўлмаса, уни ҳам болалар уйига топшириб юборарди.

Х у м о р а. Бўлмаган гап! Мен Бахтиёрни болалар уйига топширган бўлсам, у ҳам бўлса, фақат иккита бола билан қийналиб қолмай, оёққа туриб олай деган ниятда қилгандим. Яхшиямки, дунё фақат ёмон одамлардан иборат эмас. Яхши

одамлар ҳам бор. Ўшалар ёрдам беришди. Оёққа туриб олдим. Худога минг қатла шукур, ёмон бўлмадим. Мана кўриб турибсан – данғиллама участкалар қурдим. Аёл бошим билан. Бировдан камчилигим йўқ. Еганим олдимда, емаганим ортимда.

Бахтиёр. Мени, ўз ўғлингизни соғинмадингизми?

Хумора. Нега соғинмас эканман, болам, соғинганман. Лекин сени мана бу гўрсўхта даданг болалар уйдан ўғирлаб кетиб қолган экан.

Бахтиёр. Қидирмадингизми?

Хумора. Кошки даданг бир шаҳарда кўним топадиганлардан бўлса. Сени ўйласам, ичимни ит тимдаларди. Уйга келсам, синглинг Баҳор “Дадам қани? Дадам қани?” деб мени қийнади.

Бутир. Ва ўшанда мана шу қийноқлардан кутулиш учун “Даданг қахрамонларча ҳалок бўлган” деб алдагансиз, тўғрими?

Хумора. Нима, бўлмасам, қиз боланинг кўнглини чўктириб бор ҳақиқатни – дадасининг номардлигини, бошқа аёлларнинг кетидан илакишиб шаҳарма-шаҳар қочиб юрганини айтишим керакмиди?

Бутир. Аксинча, олижаноблик қилгансиз. Қандай чиройли ўлим! Ҳамманинг ҳам отаси қахрамон бўлавермайди. Мен сизга айтсам, собиқ эрингиз Наслиддинов ҳам бу масалада сиздан қолишмаган эканлар. Ҳойнаҳой, Бахтиёр ҳам “Аям қани? Аям қани?” деб қийнайверган бўлса керак, “аянг ўлган” деб осонгина алдаб қўя қолган экан.

Хумора. Вой, ярамас-ей!

Бутир. Ие, нега хафа бўласиз? Ахир аянг ундок эди, аянг бундок эди деб ёмонлагандан кўра, минг марта афзал-ку! Олижаноб одамларнинг садағаси кетсанг арзийди. Эр хотин тўғрисида, хотин эса эр тўғрисида бир оғиз ёмон сўз айтишмаган. Ўхшатмасдан учратмас, деб шуни айтсалар керак-да. Хўп ажойиб замонда яшаяпмиз-да. Замон тинч, турмушимиз фаровон. Одамзод дунёга нима учун келади? Ўйнаб-кулиш учун келади. Ёшликда ўйнаб қолган маъқул. Болаларни эса, давлатнинг ўзи боқиб олаверади. Ҳеч ким, ҳеч қачон оч-юпун қолмайди. Ё, гапим нотўғрими?

Х у м о р а (*Бахтиёрдан*). Ким ўзи бу?

Б у т и р. Мени сўраяпсизми? Куда хола, илтимос, яхшилаб қаранг, зора, мени ҳам таниб қолсангиз. Қаранг, қаранг, кўзингизга иссиқроқ кўринмаяпманми? Ҳеч кимга ўхшамаяпманми? Минг афсус! Ўртоқ Наслиддинов, сиз-чи? Сиз танимадингизми? Ҳар холда шаҳарма-шаҳар кўп юргансиз...

Б а х т и ё р. Академикнинг эркатойи бу, бизларинг устимиздан куляпти! Бугунги спектаклни ташкил қилган ҳам мана шу!

Х у м о р а. Академикнинг ўғли?!

Н а с л и д д и н о в. Спектакль?!

Б а х т и ё р. Лекин энди бизнинг устимиздан кулишингга йўл қўймайман! (*У важоҳат билан Бутирга мушт туширади. Бутир йиқилади. Бахтиёр йиқилган Бутирни тепа бошлайди.*) Наҳотки тушунмаяпсизлар? У боятдан бери бизнинг устимиздан куляпти!

Н а с л и д д и н о в. Ҳали шунақа дегин? (*Ерда ётган Бутирни тепади.*) Мана сенга, Букир!

Н а з и р а. Ҳой, нима қилаяпсизлар?!

Х у м о р а. Ур! Яхшилаб ур!

Б а ҳ о р. Қон чикмас жойига уринглар! Қон чикмас жойига!

Н а з и р а. Войдод! Бировнинг боласини ўлдириб қўясизлар! Қанақасизлар?!

Б а х т и ё р. Нега кулади бўлмаса? Нима ҳаққи бор унинг устимиздан кулишга? Ёмон бўлса ҳам менинг онам! (*Хуморани қучоқлайди.*) Мен онамнинг устидан кулишларига йўл қўймайман! (*Бутирни яна тепади.*) Мана! Мана!

Х у м о р а (*Баҳорга*). Академикнинг ўғли, академикнинг ўғли, дердинг. Шуми ҳали топганинг?

Б а ҳ о р. Шу.

Х у м о р а. Вой, ордона, менга деса худонинг ўғли бўлмай-дими, ким қўйипти унга бизларни мазах қилишга? Ҳов, Наслиддинов, урсанг-чи, тузукроқ, шу ердаям ўзингни олиб қочаяпсанми?

Н а с л и д д и н о в. Э, мен буни шунақа тепкилайки, чувалчанг қилиб чўзилтириб ташлайман. Мана! Мана!

Б а х т и ё р. Ҳой, нима қилаяпсизлар?! Ўлдириб қўясизларку, бировни боласини! Милиция! Милиция!

Озод Валиев сардари

Н а с л и д д и н о в. Милиция?! Ҳой, ўғлим, тўхта! Яна бир балога қолиб юрмайлик! Ўзингни бос, ўғлим, ўзингни бос.

Н а з и р а (*Бутирнинг устига энгашиб*). Бутир ака! Бутир ака! Тирикмисиз? Кўзингизни очинг! Ваҳшийлар! Номардлар! Ярамастар!

Х у м о р а. Ойимкиз, оғзингизга қараб гапиринг!

Н а з и р а. Бутир ака! Илтимос, кўзингизни очинг!

Б у т и р (*Қийналиб бошини кўтаради*). Бошқа уришмайди-ми?

Н а з и р а. Хайрият-э, индамай ётганингизга бир нарса бўптими деб юрагим чиқиб кетаёзди.

Б у т и р. Қўрқманг, Назирахон, мен бунақа калтакларни ея-вериб пишиб кетганман. Менга жин ҳам урмайди. (*Назира стул келтиради. Бутир сахнанинг ўртасидаги стулга ўтиради.*) Оббо, шоввозлар-ей! Қалай, хумордан чиқдиларингми? Ё яна дўппослайсанларми?

Н а з и р а. Қани, чертиб кўришсин-чи! Ўзим милиция чакираман!

Б у т и р. Уравериб соғ жойни қолдиришмапти-ку! Майли, тўйгача тузалиб кетаман. Молодец, Бахтиёр, ҳақиқий ўғил мана шунақа бўлиши керак! Қани энди ҳамма ҳам ўз ота-оналарини сенга ўхшаб ҳимоя қилса. Баҳор, сиз ҳам бир-икки туширдингизми? Ё юрагингиз бетламадими?

Н а з и р а. Урмасалар ҳам четдан туриб гиж-гижлаб турдилар.

Б у т и р. Чакки қипсиз, бир-икки боплаб оч биқинга туширишингиз керак эди.

Б а х т и ё р. Бу яна мазах қилапти! Кўраяпсанми, Баҳор, у яна кулапти! Хе, ўша, онангни!..

Б у т и р. Ие, нега тўхтаб қолдинг? Давом этавер болохонадор қилиб! Бўлмадими? Уялдиларми? Тўғри қиласан. Аёлларнинг олдида сўқиниш яхшимас. Лекин қани энди кимдир менинг ота-онамни болохонадор қилиб сўкса-ю, мен эса, ўша сўкканни у жағини бу жағига айлантириб юборсам-да, ўз фарзандлик бурчимни бажарсам. Минг афсуски, бу ҳануз орзу бўлиб қолмоқда. Эҳ, баъзан менинг ҳам қўлларим шунақа қичийди. Лекин иложим йўқ.

Б а х т и ё р. Мен сўксам-чи?

Б у т и р. Барибир фойдаси йўк. Чунки ота-онамнинг кимлигини ўзим ҳам билмайман.

Б а ҳ о р. Академикнинг ўғлиман дердингиз-ку?

Б у т и р. Қани ўша академик?

Б а х т и ё р. Кимнинг ўғлисан бўлмасам?

Б у т и р. Кошкийди билганимда.

Н а с л и д д и н о в (*Хуморага*). Бу бола бироз ҳалигинароққа ўхшайди.

Х у м о р а. Овсарми-ей, бир бало.

Б у т и р. Қуда хола, бирор нарса дедингизми?

Х у м о р а (*қўрқиб*). Йўк, йўк! Ҳеч нарса деганим йўк!

Н а з и р а. Ахир, кимдир сизни тукқандир? Майли отангизнинг тайини йўқдир, лекин бола онасиз умуман дунёга келмайди-ку, тўғрими?

Б у т и р. Тўғри, кимдир мени тукқан бўлиши керак. Лекин ким? Ҳеч ким билмайди. Қани мен ҳам онамни бир кўрсам эдим. Маҳкам оёқларига ёпишволиб қўйвормасдим. Кўксига бошимни қўйиб ёш боладек тўйиб-тўйиб ҳидлардим. Эҳ, билсангиз, шунақа соғинганманки онамни, сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз.

Х у м о р а. Нима деб ўйлайсан, қаерда бўлиши мумкин сени онанг?

Б у т и р. Қайдам. Балки сизга ўхшаб Чимёнда чанғи учиб юргандир. Ким билади? Мана, ўзингиз ўғлингиз борлигини билсангиз ҳам парвойингизга келтирмай юрувдингиз-ку шу кунгача, тўғрими? А, қуда бува, нима дейсиз? Ё гапим нотўғрими? Менинг ота-онам ҳам ёшлик пайтларида ўйнаб қолайлик, дейишаётгандир-да. Майли, мен уларга таъна қилмайман. Тараллабедод яшайверишсин. Давлатимиз бой, етимпарвар давлат. Қанча етим бўлса, боқиб олаверади. Оч колдирмайди, яланғоч колдирмайди.

Н а с л и д д и н о в. Ҳов, бола, боя танишганимизда Давлат Давлатовичнинг ўғлиман дегандинг-ку?

Б у т и р. Тўғри, менинг онам ҳам, отам ҳам давлат. Давлат мени кийинтирди, боқди. Мен ҳам ўйлаб-ўйлаб, охири

осонгина Давлат Давлатович бўлиб ола колдим. Ўз ота-онам қорасини кўрсатмай кетгандан кейин мен нима қилишим керак эди? Одам исм-фамилиясиз бўлмайди-ку. Исмимни ҳам ўзимга ўзим танладим. Бутир. Кўплар хайрон бўлишади, шунақаям исм бўладими деб. Б-у-тир – болалар уйининг тир-мизаги дегани. Ҳеч кимда йўқ, ягона исм!

Б а х о р. Демак, мени шу вақтгача лақиллатиб келган экансиз-да?

Б у т и р. Иложим қанча? Мана, Баҳор, сиз кўчада юрган дайди итларни кўрганмисиз? Бирор марта уларнинг кўзларини, одамлардан шафқат истаб мунгли боққан кўзларини кўрганмисиз? Йўқ, кўрмагансиз. Аксинча кўрққансиз, жирқангансиз ундан. Бошқалар ҳам худди шундай. Дайди ит ҳам етим боладай гап. Ҳамма ҳам раҳм қилиб уни ўзига яқинлаштиравермайди. Тўғри, дунё фақат худбин одамлардан иборат эмас. Болапарвар шафқатли одамлар ҳам кўп. Улар кўпинча болалар уйига келиб ота-онаси ташлаб кетган болаларни ўзларига бола қилиб олгани қилишади. Ана шундай пайтларда биз етимларнинг аҳволини кўрсангиз. Биров бола олгани келар экан деган гапни эшитиб қолгудек бўлсам, ҳаммадан олдин ясаниб-тусаниб шай бўлиб турардим. Зора мени ҳам ўзларига бола қилиб олишса деб бола танлагани келган эр-хотинлар олдида нималар қилмасдим – шеърлар ўқиб берардим, ашула айтардим, рақсга тушардим. Барибир нимагадир мени эмас, бошқа болани танлашарди. *(Бутирнинг болалиги тасвирланади. Онасини топиб олган болакайнинг унинг атрофида елиб югуришлари ва бошқа томонлари гавдаланади.)* Бир куни мени ҳатто бир эр-хотин чинакамига олишмоқчи ҳам бўлишган. Ўша пайтда менинг бахтиёрлигимни кўрсангиз эди. Эри юристларни чақириб ҳужжатларни расмийлаштиргунича хотини, яъни бўлажак аям мени “Луна-парк”ка олиб бориб ўйнатиб келадиган бўлди. Ўзимда йўқ хурсандлигимдан нима қилишимни билмай, худди эгасини топиб олган кучук боладай бўлажак аямларнинг атрофларида нукул ирғишлаб чопаман денг. Лекин бахтиёрлигим узоққа чўзилмади. Бўлажак аямлар болалар уйига қайтиб келганимизда мендан айниб қолдилар. Эр-хотин бир-бирларига нималарнидир шивирлашди-да, хайр-маъзурни ҳам

насия қилиб секин жўнаб қолишди. Мен эса, нима бўлганини тушуна олмай, хайрон бўлиб қолавердим. Кейин суриштириб билсам, битта қулоғим иккинчисидан каттарок экан. Бўлажак аямлар мени “Луна-парк”да айлангириб юрган пайтларида ана шу камчилигимни кўриб қолган эканлар. Ўша-ўша кўча-кўйда бирор аёл ёки эркакни кўрсам, секин билдирмай қулоғига тикиладиган бўлдим. Афсуски, шу маҳалгача менинг қулоғимга ўхшаган ҳеч кимни учратганим йўқ. *(Бутир Наслиддиновнинг девордаги кўзгуга ўғринча қараб, қулоқларини кўраётганини сезиб қолади.)* Қуда бува! Сизнинг ҳам қулоқларингиз ҳар хил эканми? *(Яқинлашади.)* Чинданам ҳар хил экан! Ўртоқ Наслиддинов! Дада! Дадажон!

Н а с л и д д и н о в *(қўрқиб)*. Э, бу ғалати бола экан-ку! Эси жойидами буни! Мана, қулоқларимнинг иккалови ҳам бир хил! Менинг қулоқларим чучвара қулоқ!

Б у т и р. Ана, кўриб турибман-ку! Биттаси сал каттарок! Худди меникига ўхшаган! Топдим дадамни! Дадажонимни топдим! *(Наслиддиновнинг ёнига бориб туради.)* Ахир, одамлар, ўзларингиз қаранглар! Наҳотки бир-биримизга ўхшамасак?

Н а с л и д д и н о в. Э-э! Нариги тур-э! Қанака бола бу ўзи? Чолни кўрсанг, бувам деб югураверасанми?

Б у т и р. Сиз кўркманг, мен сизга таъна қилмайман, нега мени ташлаб кетгансан деб! Кейин ўзи таъна қилишга ҳаққим ҳам йўқ. Боя куда холам айтганларидек, сиз шаҳарма-шаҳар кўп юрган экансиз. Озмунча аёлларнинг кўнглини олмагандирсиз, хойнаҳой...

Б а х т и ё р. Ўв, оғзинга қараб гапир!

Х у м о р а. Бахтиёр, сен дадангни ёнига тушмай кўя қол. Даданг ёшлигида ғирт Дон Жуан бўлган.

Б у т и р. Ана! Сиз кўркманг, менинг оғирлигим тушмайди. Меҳнатда пишиб кетганман. *(Хуморанинг олдига келади.)* Мана, сиз ҳидлаб кўринг!

Х у м о р а. Нега?

Б у т и р. Кўркманг, ҳидлаб кўраверинг! *(Хумора ҳидлаб кўради.)* Хўш, бирор ҳид сезаяпсизми?

Х у м о р а *(Наслиддиновни кўрсатади)*. Анавининг ҳиди келаётганга ўхшайди.

Б у т и р. Йўқ, адашдингиз. Кўмир хиди келаяпти. Чунки мен кўмир ташийман, ўра казийман. Меҳнатдан қочмайман. Чўнтагим тўла жарақ-жарақ пул. Сизга асло оғирлигим тушмайди.

Х у м о р а. Ҳов, галварс, хўп деяқол, оёқ-кўлли бола экан, сендан нима кетводти. Қариганингда боқади. Кейин кулоқларинг ҳам ўхшаб турипти ўзи.

Н а с л и д д и н о в. Эсинг жойидами? Менинг болам бўлмаса, нега хўп дерканман. Кейин девангидек эракни ҳам бола килиб оладими, ҳеч замонда, ие? (*Бутурга бақиради*) Йўқол! Ёнимда турма! Мен сени танимайман!

Б у т и р. Ҳар доим мана шунақа аҳвол. Энди ота-онамни топдим деганимда биттаси бўлмаса, биттаси айниб қолади. Баъзан ўйлаб қоламан – мени на отам, на онам бўлмаса, унда мен кимман? Балки, осмондан, бошқа планетадан тушган гуманоиддирман. Ундай бўлса, аллақачон ўша келган планетадан сигнал беришган бўлишарди. Шунча йил ташлаб кўйишмасди. Албатта ҳолимдан хабар олган бўлишарди. Хуллас, яна ким билади дейсиз, ўйлайвериб бошим қотиб кетади. Сезиб турибман, ҳозир шу пайтда кўпларингизнинг, “ҳеч замонда ҳам шунақа воқеа бўларканми”, деб энсангиз қотиб ўтирибди. Кўлига қалам олиб эътироз билдирмоқчи бўлган танкидчи ўртоқларга икки оғиз гапим бор. Қани айтинг-чи, нега француз ёзувчиси Ги де Мопассан акаси синглисини фоҳишахонада таниб колганини тасвирлаб ёзган ҳикоясидан таъсирланамиз-у, лекин ана шундай воқеа ўзимизда ҳам бўлишига ишонгимиз келмайди. Нега бевафо севги ва унинг оқибатида бир умр адашиб-улоққан етим болалар ҳақидаги ҳинд кинофильмларидан кўзларимиз ёшланади-ю, лекин мана шундай воқеалар ўзимизда, орамизда содир бўлаётганини тан олмаймиз. Нега севги, муҳаббат ҳақида оғиз кўпиртириб шеърлар ўқиймиз, дostonлар тўқиймиз-у, лекин мана шу муқаддас туйғуни оёқ-ости қилаётганимизни, пулга сотаётганимизни кўрмаймиз. Йўқ, кўрамиз-у, кўрмасликка оламиз. Ҳамма бало ана шунда. Болаларимиз – келажакимиз деб кўкрагимизга муштлаймиз-у, лекин минглаб болалар ўз ота-оналарининг

кимлигини билмай етимхонада яшаётганидан хабаримиз йўк. Яхшиям бағри кенг давлатимиз бор. Туғсанг, туғдирсанг бўлди, ялло қилиб юраверишинг мумкин. Давлат боқиб олаверади. Узр, кўп гапириб ваъзхонлик қилиб юбордим. Сизлардан фақат битта илтимос, уйга борганларингда секин ойнага қараб қулоқларингизга разм солиб кўринг. Йўк, йўк, бу ерда эмас, уйда, уйда қарайсизлар. Бу ерда биров кўриб қолиши мумкин.

П А Р Д А





Абдулла АЪЗАМ

(1947 йилда туғилган)



УСТАСИ ФАРАНГ

Пьеса

1990 йилларнинг ўрталари. Кичик шаҳарларга хос ҳовли. Айвонли қатор хоналар.

Уфқ ҳали оқармаган. Томнинг устида Чўлпон юлдузи чараклаб турибди. Хўроз қичкиради. Хоналарнинг бирида чироқ ёнади. Момо обдаста кўтариб чиқади. Ёши 90 ларда.

М о м о. Ё Халлоқ, имондан айирма. (*Ҳовлининг тўрига ўтади.*)

Хўроз яна қичкиради. Иккинчи хонадан Анваржон чиқади. 35 ёшларда. Озгин, кўзойнак таққан. Ювинади. Виолончелда азон қақирғини куйга солиб чалади. Кириб кетади. Учинчи марта хўроз қичкиради. Унга будильник кўнғироғи уланади. Яна бир хонада чироқ ёнади. 14 ёшлардаги ўсмир – Замон майка-трусиди қунишиб чикиб келади. Қўллари билан елкаларини ишқалаганча сакраб, югура бошлайди. Кейин апил-тапил юзини ювиб, артинади. Момо қайтади, айвоннинг чироғини ёқади.

М о м о. Ҳа, отагинам, намунча, тонг оқармасдан туриб олибсан?

З а м о н. Ассалому алайкум, моможон. Иш кўп.

М о м о. Сен ҳам саломат бўл. Ёш бошинг билан бунча ишинг кўп бўлмаса, а?



З а м о н. Ўзингиз айтасизу, иши кўпнинг омади кўп, деб.

М о м о. Ҳа, энди, катталарни назарда тутаман-да. Сен ҳали эрталаблари тўйиб ухлайдиган пайтинг.

З а м о н. Э-э, ҳозир тўйиб ухлайдиган замонми, моможон?!

М о м о. Отам-эй, катталардай фикр қиласан-а? Замонангга нима бўлибди?

З а м о н. Токарний станок учун маблағ керак.

М о м о. Дастгоҳ олиш ҳаракатида юрибман, де? Мехнаткашимдан ўргилай. Йиққан пулинг анча бўлиб қолди, етиб қолар, чамамда.

З а м о н (*бошини сарак-сарак қилиб*). Етмайди.

М о м о. Ҳаракатинг шунгами? Ҳа, баракалла. Қимирлаган кир ошар, деганлар. Ишқилиб, иш-пиш топилиб турибдими?

З а м о н. Учта заказим бор, моможон, битиришим керак.

М о м о. Ўқишингдан келиб қила қолсанг ҳам бўлармиди?

З а м о н. Улгурмай қоламан. Сўз берганман.

М о м о. Ишинга баракот. Тарақ-туруқ қилмай турасан-да, мен бомдодни ўқиб олай.

З а м о н. Бемалол ўқийверинг. Тарақа-туруғи кечкурун битган, камераларини солиб дамласам бўлди.

Момо хонасига кириб кетади. Замон хонасига кириб, комбинезон кийиб чиқади. Бошида бейсболка, тескари кийиб олган. Саҳнанинг четидаги айвонда слесарь столи. Бири катта, бири кичик кистирғич (тиски) ўрнатилган. Девордаги стенда турли асбоблар батартиб терилган. Шу ерда бутловчи қисмлар тахланган. Замон камераларни дамлаш билан шуғулланади. | Учинчи чирок ёнади. Тошмирза чиқади. 65 ёшларда. Ҳовли айланади.

Т о ш м и р з а (*Замонга яқинлашиб*). Ҳормасинлар, устаси фаранг.

З а м о н. Ассалому алайкум, отажон.

Т о ш м и р з а. Саломат, саломат. Бугун каллаи сахардан жуда астойдилмилар?

З а м о н. Қори амаки эрталаб келаман, дегандилар.

Т о ш м и р з а. Эшаги бузилиб қолибдими?

З а м о н (*қиқирлаб қулиб*). Велозшаги.

Тошмирза бирпас қараб тургач, гулларга сув қуйишга тутинади. Дарвоза тақиллайди.

О в о з. Уста, хў-ў, уста!

Т о ш м и р з а. Кираверсинлар, қори. Дарвоза очик.

Қори киради.

Қ о р и. Бисмиллоҳир-роҳманир-роҳийм. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ.

Т о ш м и р з а. Ваалайкум. Келсинлар. Қани, сўрига.

Қ о р и (*Ўтириб, фотиҳа қилади*). Саломатликми, партком, э-э, ошна? Хафа бўлмайдилар, шу тил курғур ўрганиб қолгандан кейин.

Т о ш м и р з а. Бундан хафалик йўқ. Партком эдик, парткомлигимизча ўламиз-да.

Қ о р и. Тўғри, хафа бўлиш ўринсиз. Мениям ҳеч ким дакументдаги отим билан танимайди. У ёғини сўрасангиз, ошна, лақаб ҳаммага ҳам юқовурмайди, ҳа, буюрганга юқади.

Т о ш м и р з а. Партком дегани бизга лақаб эмас, қори. Унвон, тақдир. Аммо гап бунда эмас, қори. Гина бошқа нарсадан, ҳа.

Қ о р и (*ажабсиниб*). Хў-ўш?

Т о ш м и р з а. Шу, охирги пайтлари фақат “уста, уста” деб чақириб келадиган бўлиб қолдилар?

Қ о р и. Ҳа, энди, узр. Таксирим дам олаётган бўлсалар, безовта қилмайлик, девдик.

Т о ш м и р з а. Бу хонадоннинг катталари ҳам бор, биладилар. (*Ноқулай сукунат.*) Бирга ўкиган эдик, ахир. Қолаверса, ўртада калинми-юпками – ошначилик, дегандай.

Қ о р и. Маъзур тутсинлар. Энди, кимди кимга иши тушса, шуни йўқлар экан-да одамизод.

Т о ш м и р з а (*бироз тажсанглашиб*). А-а, каранг-а. Гапнинг сираси бўлди.

Қ о р и (*вазиятдан чиқиш учун*). Аммо-лекин, кўз тегмасин, шу кенжангиз кўп абжир, одамоҳун йигит чикяпти, партком ошна.

Т о ш м и р з а. Устаси фарангни айтасиз-да?

Қ о р и. Устаси фаранг? Ҳа-я, устаси фаранг. Топибсиз.

Т о ш м и р з а. Ҳа, энди, ҳозирги замоннинг болалари туғилишидан “инга-инга” деб йиғламайди, “танга-танга” деб йиғлайди.

Қ о р и. Замон шулардики бўғандан кейин, тан олиш керак.
Т о ш м и р з а (*ранжиб*). Шундай, шундай... Биз энди – утил.
Қ о р и. Йўқ, йўқ, унақа тушунмасинлар.

Т о ш м и р з а. Тушунсак, тушунмасак, нафақага чикдигу,
ҳеч кимга керак бўмай колдик.

Қ о р и. Оширвормасинлар, партком. (*Ҳазилга бурмоқчи бўлиб*) Белда қувватлари бор ҳали. Анча-мунча йигитни йиқи-тадилар. Яна бирор минадиган амал-памал ҳам топилиб қолар. Нима кўп, ҳар хил идора, жамғарма, дегандай.

Т о ш м и р з а. Бэ-э... Кимнинг қовоғи учиб турибди?

Қ о р и. Қоловурса, нафақалари ҳам дурустгина бўса керак?

Т о ш м и р з а. Ҳм-м, колхознинг нафақаси қанча бўларди?

Қ о р и. Шунча йил парткомлик қиған, бир-икки йил раис ҳам бўған раҳбар нафақасидан нолийдими?

Т о ш м и р з а. Раис, партком эмиш. Бир умр колхозга қоровуллик қилган эканмиз, аслида. Колхозни бой қиламиз, колхозчиларни боқамиз деяверибмиз-у, ўзимизни ҳам ўйлаш эсимизга келмабди.

Қ о р и. Маъзур тутсинлару, ошна, жа унчалик эмас. Ўша йилларда обрў томдан баланд, анча-мунча одам салом берса, алик олгилари ҳам кemasди.

Т о ш м и р з а. Кесатмасинлар, қори.

Қ о р и. Кесатиб ўлибмизми. Ношукурлик қимасинлар, деяпмиз-да. Роса давр сурганларидан тонмаслар, ҳарқалай.

Т о ш м и р з а (*қовоқ уйиб*). Давр суриб нима қибман? Мана, шу кўриб турганингиз ҳовли-жой. Бошқа нима орттирибман? Йўқ, қори. Даврни, мана, ҳозирги раҳбарлар сураяпти. Биз ишлаган эдик. Халқни деб, давлатни деб кечаси-ю кундузи тиним билмасдик.

Қ о р и. Кўнгилга омасинлар-у, айтай. Эсимизди танибмизки, кулоғимиз “колхоз-колхоз” деган гапга роса тўйди. Кўйиб берса, боғча болаларди ҳам далага олиб чикди бу колхоз дегани. Қарияларди ҳам тинч кўймади, “райком, обком” билан кўрkitиб. Ўрисчадан таржимаси “одамларди ишлат-у, ҳақини берма, катталарга узат” дегани эканми, билмадим. Колхозди кетидан қанча одам сурди даврди, аммо деҳқонди бири икки бўғанини ким кўрди?

Т о ш м и р з а. Янглишасиз, қори. Биз ишлаганда колхоз ўзига бой эди. Намуна хўжалик эди. Қанчадан-қанча техника, юзлаб сигир. Қорамолни минг бошга етказиб байроқ олгандик. Кўзи-қўйнинг ҳисоби йўқ эди. Ҳар меҳмон келса, пойига... (Тилидан илинганини сезиб тутилади.)

Қ о р и. Тўғри, таксирим. Комиссия деб, мусобақадон деб, ҳатто мухбирларди пойига қўй думалатгансизлар, кетишида мошинигаям соб кўярдингизлар. Ўғрилиқди кони эди колхозингиз. Шунинг учун Яратганга маъқул бўлмаганки, тузум-пузуми билан қуриб битди.

Т о ш м и р з а (алам оҳангида). Ҳа, майли, омон бўлсак кўрармиз. (Ўртада совуқ сукунат.)

Қ о р и (яна вазиятни юмшатишга уннаб). Худога шукур, дейиш керак, ўзингиз саломат, хонадонингиз тинч. Мана, улларингиз. Каттаси топармон-тутармон. Кенжангизди, кўз тегмасин, мурти энди чиқаяпти-ю, ҳамма “уста” дейди.

Т о ш м и р з а (ўзини қўлга олиб). Ўзларидан сўрасак?

Қ о р и. Юрибмиз элди хизматини қилиб.

Т о ш м и р з а (кесатиб). Кунора хатми Куръон, амри маъруф, денг.

Қ о р и. Ҳа, очик амри маъруф қиладиган кунларга етказганига шукур. Қанақа замонларди кўрмадик. Эсларида бўса керак, отаси намозхон, ўзи эскича ўқишни ўргангани деб мактабдан ҳайдамоқчи бўлишгани? Айникса шўро замонини кун битиш арафасидаги динимизга қилинган хуружлар – бай-байбай. Ўзлариям жанозаларга қатнашолмай қоғанмидилар, а?

Т о ш м и р з а. Ҳа, энди, саллани ол деса, калла оладиган одамлар бўлган-да.

Қ о р и. Ундайлар доим бўган, ҳозирам бор. Лекин ана ўшаларга катта амал тегмасин экан. (Тошмирза жим, эзилади.) Ҳафа бўмайдилар, ошна. Гап кеганда айтдим-қўйдим. Уйда сикилиб ўтировурмай, бундай кўча-қўйга айланиб туринг, элга қўшилинг, ёзиласиз.

М о м о (Намозини тугатиб чиқади). Ассалому алайкум.

Қ о р и. Ваалайкум ассалом, Адолат ая. Сихат-саломат-мисиз?

М о м о. Раҳмат, қори болам. Ўзингиз тузукмисиз? Келин яхши юрибдими? Ўғил-қизлар омонми?

Қ о р и. Алҳамдулиллаҳ, ҳаммалари саломат.

М о м о. Мен чой қўйворай.

Қ о р и. Раҳмат, ая. Сира овора бўманг. Чойичарга ҳали бор. Тепақишлоққа бориб келишим керак. *(Момо ошхонага кириб қайтиб келади.)* Кўп табаррук онангиз бор-да, партком. Фаришталари бор. Ҳар кўрганда, кўнгил бир равшан тортади.

З а м о н *(Велосипед етаклаб келади)*. Ассалому алайкум, қори амаки. Мана, тайёр.

Қ о р и. Ваалайкум ассалом, ваалайкум ассалом. Битдими-а?

З а м о н. Мойлаб қўйдим. Бухорога бориб келсангиз ҳам ярайди.

Қ о р и. Боракалло. Бухорога боришга бу арава яраса ҳам, кет чидамайди-да, уста. Яқин-атрофга яраб турса бас.

З а м о н. Бирор ишкали чиқса, тузатиб бериш мендан.

Қ о р и. Кафолатиям бор, денг? Боракалло. *(Чўнтагини кавлайди)*

З а м о н. Йўк-йўк, қори бува. Сиздан ҳақ олмайман.

Қ о р и. Ана холос, нега?

З а м о н. Дуо қилсангиз бўлди.

Қ о р и. А? Эй, офарин. Олтин олма, дуо ол, экан-да. Отангизга раҳмат, уста. Биз момонгизди дуосини осак, дея орзумандамиз. Қани, Адолат ая, шу набирангиз ҳакига бир дуо қилинг, биз “омин” дейлик. *(Момо дуо қилади.)* Омин, Оллоху акбар. Энди менга рухсат. Биздикига ўтинг, ая. Ё ўзим об кетайми?

М о м о. Раҳмат, болам. Худо хоҳласа, ўтарман. Келинга салом денг.

Қ о р и. Партком, э-э, ошна, сиз ҳам зерикканда ўтиб турунг.

Т о ш м и р з а *(энсаси қотиброк)*. Намоз ўқишни билмасак...

Қ о р и. Ўқисангиз, ўқимасангиз, ўзимиздақа тенгқурлар, ёшини яшаб, ошини ошаётган. Одам одамга ғанимат, ҳа.

Т о ш м и р з а. Кўрармиз.

Тошмирза Қорини кузатгани чиқади.

З а м о н. Моможон, нега дадамлар мени “устаси фаранг” дейдилар? Мазах қиладиларми?



М о м о. Йўк, нега мазах қиларкан? Бунга хурсанд бўл, отагинам. Отамни – сенинг улуғ бобонгни, жойи жаннатда бўлсин, ҳамма “Устаси фаранг” дер эди. Ҳали Николай пошшо замонида Фарангистонга бориб, Жин мошина, Зингер мошина, Попоп мошина, яна алламбалоларни олиб келарди. Одамларни ўргатарди. Бузилса, ўзи тузатарди. Шунинг учун раҳматлини ҳамма “Устаси фаранг” дер эди.

З а м о н. Фарангистон дегани Франциями?

М о м о. Ҳа, Франсиями, Олмониями – ўша томонлар-да, болам.

З а м о н. Бобомлар катта одам бўлган эканлар-а, моможон?

М о м о. Ҳа, жуда тадбиркор одам эди, гўри нурга тўлсин.

З а м о н. Сўзлаб беринг, моможон.

М о м о. Ишингдан қолмайсанми?

З а м о н. Сиз сўзлайверинг. Мен эшитиб қилавераман.

М о м о. Ҳа, нимасини сўзлай, болам. Улуғ бобонгнинг ғайрати ичига сиғмас эди. Ишнинг кўзини биларди, раҳматлик. Оддий косибнинг ўғли бўлганига қарамай, катта сармояларга етган. Лекин тиниб-тинчиганини эсламайман. Бир умр мошин завод кураман деб орзу қилиб ўтди.

З а м о н. Зўр! Қанақа завод, моможон?

М о м о. Қайдан билай, отажоним. Ўзимиз мошин чиқаришимиз керак, бўлмаса ботқоққа ботганча қолиб кетамиз, дер эди, раҳматли. Аммо армони ўзи билан кетди.

З а м о н. Нега?

М о м о. Дастлаб ҳаракат бошлаганда инқилоб бўлиб, бошовойлар мол-мулкани мусодара қилишди. Кейин НЭП деган замонда сал эркинлик бўлувди, электрга ишлайдиган жувоз куриб тип-тиниқ зиғир ёғи чиқарди. Сармояси кўпайиб, яна завод куриш пайига тушди. Икки-уч Ўролга ҳам қатнади. Ўрис инженерларни бошлаб келиб, лойиҳа тузди. Аммо ҳукумат бу сафар ҳам мол-мулкани тортиб олди. Бу ҳам етмай, тинч қўймади. Отам бизни олиб Бўзга кўчиб кетди. Янги ер очиб, зиғир экди. Мехнат қилганга худо бераверар экан, отам яна бойиди. Шўро бойиганни кўролмайдиган тузум эди, “қулоқсан” деб, қамоққа олди. Раҳматли онам билан олти ой

турмага қатнадик. Бир марта ҳам кўрсатишмади, ноинсофлар. “Кулоқ” дегани ҳолва экан. Терговда жосусларни маблағ билан таъминлаб тургансан, деб айб қўйишибди. Улуғ бобонг тўғрисуз одам эди. Олмония банкида анча-мунча пули қолган, шуни ўқишга борган ўзбек йигит-қизларга хат қилиб берган экан. “Ҳа, берганман, аммо жосусларга эмас, миллатнинг асл фарзандлари ўқиши учун,” дебди. Кейин суриштирсак, “Миллатчисан, иттиҳодчисан”, деб отиб ташлашган экан. (*Кўзларини артади.*) Мен янги келин бўлиб тушган пайтим эди, отам билан хайрлашолмай, дийдорига тўймай қолдим.

З а м о н. Иттиҳодчилар ким бўлган, момо?

М о м о. Мен қайдан билай, отам. Мунаввар қори деган жаҳидларнинг сарқори бўларди, кўп тилга олардилар.

З а м о н. Йиғлаяпсизми? Йиғламанг, моможон. (*Келиб қучоқлайди.*) Энди биз мустақилмиз. Мен улуғ бобомнинг ниятини амалга ошираман. Ўқийман. Университетни тамомлаб, албатта завод қураман. Унга улуғ бобомнинг номини қўяман.

М о м о. Илоҳо, ниятингга ет, отабегим. Яратганнинг ўзи сени ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин.

Т о ш м и р з а (*Ўзича гўлдираб киради*). Фанимат эмиш. Одамнинг қадри қолдимиз ҳозир? Қорини айтаман-да. Мактабда аранг учга ўқиган. Энди имом бўлволиб, насихатгўйлик қилганига ўлайми. (*Замонга*) Нимага ҳақини олмадинг? Икки кун уринувдинг.

З а м о н. Ошнангиз-ку, қандай оламан?

Т о ш м и р з а. Ошна эмиш. Олиш керак эди. Ҳозир бир бурда нонни биров текинга бермайди.

З а м о н. Дуоларини олдим-ку.

Т о ш м и р з а. Ҳе, чаласавод қорининг дуосига қорнинг тўярмиди?!

М о м о. Унақа дема, ўғлим. Саводи борми, йўқми, аммо ўзи яхши одам, имонли. Отаси ҳам художўй киши эди, бир умр кетмоннинг кетидан кун кечирган. Қатағон пайтида ҳам эътиқодидан қайтмаган. Илми ўткир бўлгани билан унга амал қилмайдиган муллалардан шу қори минг марта афзал.

З а м о н. Қори амаки бир неча баравар қилиб қайтарадилар, дадажон.

Т о ш м и р з а. Қанақа қилиб қайтарар экан?

З а м о н. Эртадан-кечгача йиғинма-йиғин юрадилар. Қайга борсалар, гапирадилар. Бундан зўр реклама борми?

Т о ш м и р з а (*ҳайратдан жағи осилиб*). Реклама? Ё тавба, бу замоннинг зумрашалари.

Эшик тақиллайди. Бир киши пул тўлаб, велосипедни олиб кетади. Тошмирза кузатиб туради. Замон санайди. Дафтар олиб чиқиб ёзади. Пулни Тошмирзага узатади.

Т о ш м и р з а (*пулни санаб кўриб*). Нима қилай?

З а м о н (*Елкасини қисади*). Солиққа тўлаб кўярсиз.

Т о ш м и р з а. Сувга тўласанг, газга етмайди, газга тўласанг – чирокка. Телефонни “узаман” деб кеб қолади. (*Киссасига солади. Замон яна уннай бошлайди.*)

Т о ш м и р з а (*Момога*). Қизингиз турмадими? Чой-пой кўйсин.

М о м о. Кўювдим. Газ пастрок. Қайнаб қолар.

Т о ш м и р з а. Кеча анча кеч келдимми?

М о м о. Мен ҳам айтдим. Тирикчилик, дейди.

Т о ш м и р з а. Тергаб кўйинг. Бошқа қайтармасин. Бўлмаса йиғиштирсин ишини. Супермаркет эмиш. Кассирлик ҳам касбми? Эсиз олий маълумот.

Кетмон олиб ҳовлига ўтади. Момо тасбех ўгиради. Эшик тақиллайди. Йўлдошлари оқсоқланиб, пачағи чиккан велосипедни елкасида кўтариб киради. Боши боғланган.

Й ў л д о ш а л и. Замонбек, хў-ў, Замонбек.

З а м о н. Келаверинг, Йўлдош ака. (*Велосипедни кўриб*) Вой-бў-ў.

Й ў л д о ш а л и. Ассалому алайкум, Момо.

М о м о. Ваалайкум ассалом, пошта болам. Келин яхши бўлиб кетдимми?

Й ў л д о ш а л и. Худога шукур. Ҳовлига чиқишга яраб қолди. (*Момо бошига қараётганини сезиб*) Шу, денг, шошилиб кетаётувдим, бурилишда қўққисдан машина чиқиб қолса бўладими. Чап бераман деб, чинорга бориб урилганимни биламан. Ҳа, момо, болаларимнинг бахтига худо бир асради.

(*Кўча томонга қараб олиб*) Қочворди, номард, тўлатар эдим. Замонбек... ука, эплаб берасанми?

З а м о н (*Велосипедга тикилиб, қанишарини қашийди*). Янги олиб кўя қолмайсизми?

Й ў л д о ш а л и (*Бир силтаниб олади. Ўтинч билан*). Вой, нима деяпсан? Тузатиб бермасанг бўлмайди. Жон ука, бир бало қил. Ҳозир қандай оламан янгисини? Арзон бўлсаям гўрга эди.

З а м о н. Майли. Уриниб кўраман.

Й ў л д о ш а л и (*хурсанд*). Бор экансан-у! Худога шукур-эй. Роса бошим котаётувди.

З а м о н. Бош билан урилдингизми?

Й ў л д о ш а л и. Бошми? (*У ер-бу ерини ушлаб кўриб*) Бош – омон. Гапда бошда ҳам эмас. Бу бош ўзи нимагаям керак. Оёқдан сўра, оёқдан. Ўзингдан қолар гап йўқ, велосипед бўлмаса, почтальонлик қилиб бўладими?

З а м о н. Синган бўлмасин, тагин. Докторга кўрсатинг.

Й ў л д о ш а л и (*сапчиб тушиб*). Доктор? Йўқ-йўқ-йўқ. Ўзи битиб кетади. Уйга бориб тухум илитиб босаман. (*Нажот кўзи билан*) Неча кунда эплаб берасан?

З а м о н. Запчастлар ўзимдан топилади...

Й ў л д о ш а л и. Хўш-хўш?

З а м о н. Сварка керак бўлади. Кўшоқвой акага олиб бо-риш керак.

Й ў л д о ш а л и. Фойдаси йўқ – кўли синиб ётибди.

З а м о н. Унда аппаратини бериб турса...

Й ў л д о ш а л и (*бошини сарак-сарак қилиб*). Бермаса керак. Биласану, кўзини аямаса аямайди, аммо аппаратини ҳеч кимга ишонмайди. Бошқа иложини топ, ука. Бугунча бир амаллаб турарман. Аммо эртага нафақа тарқатмасам бўмайди. Бу, пенсионерларни биласан, роса тажанг халқ, бир кун кечиктирсанг, бир ой бошингни қотиради. (*Яна бошини пайпаслайди. Овозини пасайтириб*) Айниқса, Тошмирзака. Тажангларнинг тажанги.

З а м о н (*Қиқирлаб кулади*). Супертажанг. (*Ўзича*) Станок ўрнига аппарат олиб турсаммикан?

Й ў л д о ш а л и (*иши шунга боғлиқлигини сезиб*). Шундай қила қол, ука. Ўзингда йўқ – оламда йўқ. Оламан десанг, сотадиган бор. Омилхўжани танийсан – сервис очган. Қарзга ботиб, устахонасини ёпди. Асбоб-ускунасини сотаяпти. Аппаратиям бор. Омскиданми, Томскиданми обкелган. Қўшоквойникидака эмас. Ундан зўр. Харидор кидириб юрибди.

З а м о н. Ахборот учун раҳмат, Йўлдош ака. Қанча сўраркин?

Й ў л д о ш а л и. Обкелиши билан икки миллион деганди. Ярмига берар балки.

З а м о н (*дафтарини қўлга олиб, чамалаб кўриб*). Унда гаплашиб кўрайлик.

Й ў л д о ш а л и (*ҳадиксираброқ*). Бир қоп пул бўлса керак, қайдан топасан?

З а м о н. Бироз бор. Токарний станокка йиғаётган эдим.

Й ў л д о ш а л и. Дурустсан.

З а м о н. Етмаганига кредит оламан. Акам бериб турар. Жуда бўлмаса, рассрочка қилиб узиб юбораман. Сварка ҳам барибир керак-да.

Й ў л д о ш а л и. Тўғри, тўғри, керак. Ол, ука. Сигиримни сотворувдим-да, бўлмаса... Янганг касал бўлиб, операцияга тушувди. Ҳа, бус-бутун сигирнинг пули кетди, бир тийин ҳам қолмади, Замонбек.

З а м о н. Яхши бўлиб кетдиларми?

Й ў л д о ш а л и. Худога шукур, анча тузук. Тузатиб берсанг, роса дуо қиламиз эр-хотин. Ҳар эҳтимолга қарши Қўшоквойга бир учраб кўрай. Ошнам-ку, балки йўқ демас. Ҳа, айтмоқчи, мана буни... (*Чўнтақларини бироз кавлаб гижимланган пул чиқаради.*)

З а м о н. Пулни кўяверинг. (*Йўлдошали дудуқланади.*) Яна сигир олганингиздан кейин қаймоғи билан узасиз. Ҳозирча мана буни миниб туринг. (*Ўзининг велосипедини тутқзади.*)

Йўлдошали бироз анграйиб туради, кейин дастрўмол билан кўзини артади. Бир нималарни ғўлдираганча чиқиб кетади. Замон Йўлдошалининг велосипедини кавлай бошлайди. Четроқдаги хонадан Гулмира чиқади. 30 ёшларда.

Г у л м и р а (*норози оҳангда*). Устаси фаранг, наmunча азондан туриб олмасанг?

З а м о н. Кун чиққунча ётиш керакми?

Г у л м и р а. Кесатмаган сен колувдинг.

З а м о н. Кесатаётганим йўқ. Эрта ётиб, эрта турган соғлом, бой ва доно бўлур.

Г у л м и р а. Жа осон экану бой ва доно бўлиш. Қаердан топдинг бу гапни?

З а м о н. Инглиз тилида ўтдик. Франклиннинг гапи.

Г у л м и р а. Франклиннинг ким?

З а м о н. Олий маълумотли! Франклинни билмайсизми?

Г у л м и р а. Бизга ўқитишмаган.

З а м о н. Юз доллар бор-ку, ана ўшандаги сурат – Франклин-да.

Г у л м и р а. Юз долларингни ушлаб кўрибманми. Американинг президенти-да?

З а м о н. Йўқ. Сиз Вашингтонни айтаяпсиз.

Г у л м и р а. Нимага суратини солишибди бўлмаса?

З а м о н. Америкаликларни ишлашга, бой бўлишга ўргатган.

Г у л м и р а. Балосан. Устаси фаранг деганларича бор сени.

Гулмира ошхонага ўтади. Яна бир одам келади, велосипедини синчиклаб текшириб кўради, диққат билан пул санаб бериб чиқиб кетади. Замон дафтари очади. Пулни санаб, калькуляторда ҳисоб-китоб қилади, нималарнидир ёзади. Пулни иккига бўлиб, ярмини кассасига солади. Гулмира қайтади.

З а м о н. Бир нарса сўрасам, хафа бўлмайсизми?

Г у л м и р а. Нима экан?

З а м о н. Кеча кечқурун қаерда эдингиз?

Г у л м и р а. Нима, қайнонаммисан? Ишинг бўлмасин.

З а м о н. Нега бўлмас экан? Жуда бўлади-да.

Г у л м и р а. Ишда эдим.

З а м о н. Ишдан кейин?

Г у л м и р а. Ҳа, дугонамникида эдим.

З а м о н (*атрофга қараб олиб*). Мўйловли дугона!

Г у л м и р а (*овозини пасайтириб*). Вой, яшшамагур! Сен қайдан била колдинг?

З а м о н. Мендан яширолмайсиз. Шампан ичганингизгача
биламан.

Хонада Анваржоннинг шарпаси сезилади. Опа-уканинг сухбатига
кулоқ тутди.

Г у л м и р а. Ичганим йўқ.

З а м о н. Ресторандан чиқиб.

Г у л м и р а. Ўчир овозингни!

З а м о н (*овозини пасайтиради*). Видеозалда.

Г у л м и р а. Вой, ўлмасам. (*Қизариб*) Кўрганим йўқ, чиқиб
кетдим.

З а м о н. Биламан. Эротик фильм эди-да.

Г у л м и р а. Муштдай бошинг билан бунақа гапларни
кайдан ўргандинг, зумраша?

З а м о н. Марсдан тушганмисиз? Ёш болалар ҳам билади.

Г у л м и р а. Шунақа кинолардан ҳам қолмаяпман де?

З а м о н (*илжайиб*). Билиб қўйишнинг зарари йўқ.

Г у л м и р а. Вой-вой-вой. Уятсиз. Яна-чи?

З а м о н. Нима “яна”?

Г у л м и р а. Ўзингни гўлликка солма. Бузук қизлар билан
юриб-нетмадингми?

З а м о н. Аҳмоқ бўлибманми? Мендан хавотир олманг. Ни-
ма фойда, нима зарар – ажратволаман. Сиз ўзингизга эҳтиёт
бўлинг. (*Опасига пул беради. Овозини кўтариб*) Жиянчамга
туфли олиб беринг.

Г у л м и р а. Кўявермайсанми.

З а м о н. Ўзим олиб бермоқчийдим, вақт йўқ. Танлашни ҳам
билмайман. (*Гулмира ийманиб олади. Яна овозини пасайти-
риб*) Билиб қўйинг, ҳар бир қадамингиз – менинг кузатувим-
да. (*Опасига кўзини қисади. Овозини баландлатиб*) Нонушта
качон бўлади? Қорин очиб кетди-ку.

Г у л м и р а. Бундан ҳам эртароқ туриб ол. (*Ойхонага ўта-
ди. Замон яна уннай бошлайди. Анваржон чиқиб келади. Рухсиз.*)

З а м о н. Ассалому алайкум.

А н в а р ж о н. Салом. (*Бироз талмовсираб туради. Замон-
нинг ишини кузатади. Яна кириб кетади. Дарвоза тарақлаб
очилади. Қори Тўрабойни бошлаб киради.*)

Қ о р и. Уста, хов, уста! Яна юмуш билан келдик-да. (Тўрабойга) Уста – мана шу йигит. (Тўрабой ҳафсаласи тир бўлган одамдай саломлашгиси келмайди.)

З а м о н. Раҳмат, кори амаки. Нима иш экан?

Қ о р и. Тўрабойни танийсиз, шаҳримизди кўли узун йигитларидан. Отаси бизди кадрдон. Кириб ўтайин девдим, шу, аравачаси бузилиб қопти. Устасини мана биз биламиз-да деб, Тўрабойни бошлаб келовурдим-да. (Эшикдан Тўрабойнинг шофёри инвалидлар аравачасини кўтариб киради.) Тузатиб берсангиз, кўп савоб иш бўлади. Тўравой сизди рози қилади, албатта. (Энгашиб) Жа кўли очик йигит.

Т ў р а в о й (ишончсизлик билан). Ҳа, таъмир анса яхши бўларди. Янгисини олиб келгунча бобой қийналмай турарди.

Қ о р и. Тузалади, Тўравой иним, тузалади. Сиз бизди устани билмайсиз. Кўли гул. Устаси фаранг, ҳа.

З а м о н (аравачанинг у ёқ-бу ёгини кўриб). Уриниб кўриш керак.

Т ў р а в о й. Сервисдагиларга оборгандим, кўриб, японники экан, эпполмаймиз, дейишди.

З а м о н (Кувониб, қўлларини бир-бирига шиқалайди). Ундай бўлса, албатта, тузатаман.

Қ о р и. Ана, айтдим-ку сизга, Тўравой, кўлидан келади, деб. Қараб турасиз.

Т ў р а в о й (Замоннинг устахонасини кўздан кечиради. Сўнг пул чиқариб, Замонга тутади). Қачон хабар олсин?

З а м о н. Бу кўп.

Т ў р а в о й. Чўнтакка сол. Бонкка оборсанг, алмаштириб беришади. (Замоннинг тараддудланганини кўриб) Тузатмасанг ҳам майли. Шаҳримизда сендака мастер борлигидан мамнунман, уагинам. Тўғрилаб берсанг, хали алоҳида тақдирлайман.

З а м о н. Бугун улгуролмасам керак. Индин эрталабга биштириб берсам бўладими?

Т ў р а в о й. Бўлади. (Қорига қарайди.)

Қ о р и. Бу, партком ошнамнинг ўғли – зўр уста, ҳа. Аравамни шунақа созлаб бердики, Тўравой, кушдай енгил, денг, бир тепсангиз бир чақиримга ўзи ғилдира-аб кетовради.

Т ў р а в о й. Яхши. (Шофёрни кўрсатиб) Мана шу аканг келиб олиб кетади, укагинам.

Қ о р и. Партком кўринмайдими? Ҳа, майли. Бизга рухсат, уста, борайлик.

Чикишади. Жўнаётган машинанинг овози. Замон дафтарига нималар-нидир ёзиб, Момога олиб кириб беради.

М о м о. Хурсандсан, отам?

З а м о н. Қийин иш олиб келишди.

М о м о. Қийин бўлса, қийналиб қолма тагин.

З а м о н. Қанча қийин бўлса, шунча яхши-ку, моможон. Баҳонада анча нарсани ўрганиб оламан.

М о м о. Тиришқоғимдан ўргилай. Илоё, топганингга барака берсин.

Момо Замоннинг пешонасидан ўпади. Жавондан калит олиб, сандикни очади, ундан рўмол олиб ёзади-да, пулни кўшади, қайтадан ўраб жойига солади. Гулмира сўрига дастурхон ёзиб, нон-чой, майиз кўяди. Оила аъзолари келиб ўтиришади. Замон яна устахонасига киради. Уни нонуштага даъват қилишади. У ювиниб, артиниб келади ва апил-тапил овқатлана бошлайди.

Г у л м и р а. Намунча ютокмасанг? Шошилмай е.

З а м о н. Вакт йўк.

М о м о. Бугун эрталабдан уйимиз ободми?

Т о ш м и р з а. Ҳа. (Бузуқ араваларга ишора қилиб) Устахона бўлиб кетди-ку.

М о м о. Яратганга шукур.

Г у л м и р а. Тузукроқ пул тўлашадими, ўзи?

Т о ш м и р з а. Кимдир беради, кимдир – куруқ раҳмат.

М о м о. Ёш боши билан шунча одамнинг ҳожатини чиқар-япти – катта гап. Савоб.

Г у л м и р а. Савобнинг таги тешик, момо. Текинга мушук офтобга чикмаслиги керак ҳозирги замонда.

М о м о. Унақа дема, қизим. Ҳамма замонда ҳам барака одамгарчилик, имон-инсоф бор жойга ёғилади.

Г у л м и р а. Моможон-эй. Текинга ишлайдиган бўлса, йиғиштирсин. Эрталабдан тарақ-туруқ қилиб, ҳамманинг уйку-сини бузмай.

Т о ш м и р з а. Нега йиғиштирар экан? Озми-кўпми топиб турибди. Ўзинг эртарок турсанг бўлмайдимиз? (*Нохуш сукунат. Замон чойга тикилади*) Шошилмай ичсанг-чи. Бу боланинг бунча вақти тикилинч бўлмаса. (*Телефон жиринглайди*)

Г у л м и р а. Ким экан?

З а м о н (*Чопиб бориб дастакни кўтаради*). Ҳелоу. Йа. Файн. Энд ю?

Т о ш м и р з а. Ким? Афанди дейдимиз?

З а м о н. “Инглиз тили” семинарга кетган бўлса... хм-м, завучга айт, “ўзбек тили” кирсин... Яна-я? Тўйдан бошқа ҳам иши борми ўзи? “Рус тили”-чи? Ия, қачон? Ана холос! Спортсмен! Дарслар яна ўзимизга қолар экан-да. Ўзинг учун ўл етим. (*Момо бошини тебратади, Тошмирза қошини чимиради.*) Ўқитувчиси йўқ ўқувчи етим бўлмай ким?

М о м о (*Гулмирага*). Анваржон чиқмади?

Г у л м и р а. Дам олаяпти. Чикиб қолар.

Т о ш м и р з а. Чарчамаган бўлса... Чақирсанг бўларди. (*Гулмира чақиргани кириб кетади. Қайтиб чиқади.*)

Г у л м и р а. Мазаси йўқ эмиш. (*Момо билан Тошмирза бирига маъноли қараб олишади.*)

З а м о н (*ҳамон телефонда*). Йўқ, Диля, ўтмасак бўлмайди. Аввалги ҳафта ўн соат дарс бўлмади, роса ялло қилдик. Ферузкага айт, репетитордан билганини бизга ўргатсин. Ўзинг си-ди олвол. Янгисидан борми? Келишдик. Бай-бай. (*Жойига қайтиб тўнгилайди.*) Шуюм интизом бўлди-ю.

Т о ш м и р з а. Ҳа, тинчликми, “бай-бай” деб қолдинг?

З а м о н. “Инглиз тили” семинарга кетибди. Ҳар ой боради.

Г у л м и р а. Яхши-да.

З а м о н. “Ўзбек тили” тўйда. Ҳар ҳафта тўй.

Г у л м и р а. Моҳирами? Торт пиширишга уста. Ким тўй қилса, кўярда-қўймай олиб кетади.

Т о ш м и р з а. Дарсни ташлаб тўйга бориш – масъулиятсизлик.

Г у л м и р а. Маошига яраша-да.

Т о ш м и р з а. Нима деганинг бу? Озми-кўпми, ҳалоллаб олиш керак маош деганни.

М о м о. Муаллимлик – улуғ касб.

Г у л м и р а. Шунинг учун ҳамма ўзини тижоратга уряпти.

Т о ш м и р з а. Биттаси сен. Ҳайф диплом.

Г у л м и р а. Вой, дада-ей, қизиксиз-да. Тирикчилик қилиш керакми?

Т о ш м и р з а. Мактабдан кетмай қилса бўлмайдими ўша тирикчилик деганни?

Г у л м и р а. Дарс бир ставкага етмаса, ойлиги ҳам...

Т о ш м и р з а. Тирикчилик деб ҳар кўчага кираверса, оқибати яхши бўлмайди. *(Нохуш сукунат.)*

З а м о н. “Рус тили” Тошкентга жўнаворибди. Спортсмен-да. *(Бирдан жонланиб)* Опа, рус тилисиз қолмайлик. Ўзингиз кира қолинг.

Г у л м и р а *(хушламай)*. Не интересно. Айтдим-ку, қатнаганнинг кираси эмас.

З а м о н. Нега? Ўзингизнинг дарсларингиз турибди, ҳеч ким ўтаётгани йўқ. Спортсменнинг дарсларини ҳам оласиз, бир ставкадан ошиб кетади.

Г у л м и р а. “Инглиз тили”га ўхшаб репетиторлиги бўлса ҳам кошки эди.

З а м о н *(ичаётган чойига тиқилиб)*. Ўх-хў, репетиторлик... Бор. Биласизми, опа, учтамызга репетиторлик қиласиз.

Г у л м и р а. Рус тилидан-а? Кимга?

З а м о н. Менга, Сашкага, Полвонга.

Г у л м и р а. Инглиз тили-ку – мода. Рус тилини бошингга урасанларми?

З а м о н. Э-э, ўрни бор-да. Инглиз тили – бизнес учун, рус тили – техникани ўрганишга. Нега ҳайрон бўласиз? Кеча кутубхонадан китоб олдим: “История машин и механизмов” деган. Зўр китоб. Ўқишга қийналяпман.

Г у л м и р а. Келиб-келиб ўз укамга пулга репетиторлик қиламанми?

З а м о н. Нима бўлибди? Частный эмас. Мактабда. Репетиторлик курси очилган.

Г у л м и р а. Атиги уч киши, улардан ҳам биттаси...

З а м о н. Бошида-да. Эълон берамиз. Кимдир ўқишга ки-

ради, кимдигадир бизнес учун керак. (Гулмира ўйланади.) Директор билан гаплашамиз. Ҳозирча кўшимча олти минг оласиз.

Т о ш м и р з а. Ол-а! Нима бало, директорга маслаҳатчиси-мисан?

З а м о н. Илтимос қиламиз, йўқ демайдилар.

Т о ш м и р з а. Велосипедини тузатиб бераётгандирсан-да?

З а м о н. “Запорож”да юрадилар-ку. Сашка иккаламиз у ёқ-бу ёғига қараб турамыз.

Т о ш м и р з а. Ҳали мошина ҳам тузатяпман, де?

З а м о н. “Запорожец”ми? Мопеддай гап.

Т о ш м и р з а. Ҳа, унда “йўк” деёлмас экан.

З а м о н (хафа бўлиб). Унгамас, дадажон. Ўзлари синфимизни яхши кўрадилар. Комиссия келса, тўғри бизга олиб кирадилар.

Т о ш м и р з а. Нимага?

З а м о н. Билмадим.

Г у л м и р а. Айт, ўзингни камтарликка солмай.

З а м о н. Олдинги ҳафта комиссия босган экан. Бошлаб кирдилар. Вазирликданми, ҳукуматданми келган вакил: “Катта бўлгач, ким бўласиз, биласизларми?” деб сўрадилар. Полвон, “ҳозир ҳам кичик эмасмиз, биламиз”, деди. Ҳаммадан бирмабир сўраб чиқдилар. Полвон: “Шофёр бўламан, “КамАЗ” сотволиб одамларнинг узоғини яқин қиламан”, деди. Ўсар – компьютер жинниси – “Мен ўзбек Бил Гейтси бўламан”, деди. Диля: “Дипломат бўламан, Ватанимнинг халқаро мавкеини юксалтиришга хизмат қиламан”, деди. Сашка – инженер, Ферузка – таржимон, Сафар – жисмоний тарбия ўқитувчиси.

Г у л м и р а. Сен ким бўламан, дединг?

З а м о н. Мен менежер бўламан, дедим. Вакилнинг кўзлари олайиб кетди.

Г у л м и р а. Нимага олаяди?

З а м о н. Бизам ҳайрон бўлдик. Кейин билсак, ўйлабдиларки, бизга “шундай дейсанлар” деб ўргатиб кўйишганмиш.

Т о ш м и р з а. Тўғри, доим шундай бўлган. Комиссия келса, биз ҳам колхозчиларга нима жавоб беришни эринмай ўргатар эдик.

Г у л м и р а. Вой, дадажон-эй. Микрофонга гапиришса тўтикушдай сайрашлари шундан-да.

З а м о н. Биззи ҳам “тўти” деб ўйлаганларми, у ёқ-бу ёқдан роса айлангирдилар. Бир пайт, “Юрист бўладиган ҳам борми?” деб сўраб қолдилар. Битта Равшан қўл кўтарди. Ўзи ҳам доим шимини дазмоллаб галстукда юради. Болалар майна қилса ҳам ташламайди. Вакил бир нима топиб олгандай жилмайдилар-да, Равшанга тикилиб, “Хўш, юрист бўлиб нима иш қиласан?” дедилар.

Г у л м и р а. У нима деди?

З а м о н. У: “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат бўламан, Мамлакатимизда ривожланган демократик давлат қуришга ҳисса қўшаман”, деган эди, вакилнинг жағи осилиб қолди. Кейин беш минут “Баракалла!” деб мактаб-мактаб чиқиб кетдилар.

Г у л м и р а. Балки пичинг қилгандир?

З а м о н. Йўқ, пичинг қилмадилар. Кейин директор бошқарма бошлиғи билан қайтиб кириб, ҳаммамизга ташаккур айтдилар-ку.

Г у л м и р а. Шунга ҳам ташаккурми?

З а м о н. Вакил қайси мактабга борса, кўпчилик “юрист бўламан” деб жавоб берибди-да. Лицейда бутун синф ёппасига юрфакка кирамиз дебди. Комиссия биздан ҳам сўрагандай, “Юрист бўлиб нима иш қиласанлар?” деб кистовга олган экан, “терговчи бўламан”, “прокурор бўламан”, “судья бўламан” деб жавоб беришибди.

Г у л м и р а. Юрист бўлиш – престижно.

М о м о. Намунча одамни жазолашга ишқибоз бўлишмаса?

Т о ш м и р з а. Топиш-тутишлари яхши-да.

Г у л м и р а. Сен ҳам яхши ўқийсану, юрист бўлақолмайсанми?

З а м о н. Мен техникага қизиқаман.

Т о ш м и р з а. Ҳа, техникада гап кўп.

М о м о. Отам раҳматлининг орзулари шу эди.

Г у л м и р а. Дугоналарим ҳам буларнинг синфини мактайди, болаларнинг бари бир-биридан яхши деб.

З а м о н. Рус тилини оласизми?

Т о ш м и р з а. Ҳозирги ишингдан кўра тузук бўлар эди, кизим.

Г у л м и р а. Мактабда бир ойда берадиганини бир хафтада топяпман.

М о м о. Укангнинг раъйини қайтарма, болам.

Г у л м и р а. Ўйлаб кўрарман.

З а м о н. Ўйланг, ўйланг.

М о м о. Отагинам, поччангни сен чакира қол. *(Замон Анваржонни кўярда-қўймай бошлаб чиқади.)*

Т о ш м и р з а. Ўқитувчилар нолимаса ҳам бўлади. Маошларини канда қилмай олишади.

А н в а р ж о н. Яна ҳар байрам ота-оналар мажлисини чақириб, пул йиғишга ўрганишган.

Г у л м и р а. Сизларникини қачон берар экан? Маош олманингизга уч ойдан ошди, шекилли.

А н в а р ж о н *(елка қисиб)*. Ҳисобда пул йўк эмиш.

Г у л м и р а. Ҳайҳотдай маданият уйини ижарага бериб қўйибсизлару, унинг пули қаёққа гумдон бўляпти?

А н в а р ж о н. Ким билсин.

Т о ш м и р з а. Тинчитишади-да. Замон айниб кетган.

М о м о. Ўғлим, замонда нима айб?

Т о ш м и р з а. Хўп, ойи. Одамлар айниган. Розимисиз?

М о м о. Яхши одамлар кўп, ўғлим.

Г у л м и р а. Дадам тўғри айтяптилар, момо. Сиз беҳабарсиз. Роддомдаям пул, боғчадаям пул, мактабдаям. Қайга борсанг – пул, пул, пул.

А н в а р ж о н. Бозор иктисодиёти деганлари шу-да.

М о м о. Бозорда ҳикмат кўп.

Т о ш м и р з а. Қанақа ҳикмат, ойи? Пули борга – бозор, пули йўққа – мозор.

М о м о. Ота-боболаримиз минг йиллаб бозорни обод қилган, бозор эса – юртни.

З а м о н. Япония ҳам...

Г у л м и р а *(Замонга)*. Катталар гапирганда маҳмадоналик қилмай ўтирсанг-чи.

Т о ш м и р з а. Ҳа, ойи. Кимдир бозорнинг кетидан роса

бойияпти. Лекин қайси йўл билан? Бирор нарсани йўқдан бор қилибми? Экмайди, ўрмайди, янчмайди. Тайёр нарсани бир сўмга олиб, икки-уч сўмга сотиб бойияпти. Сиз эса ҳикмат дейсиз.

М о м о. Ҳикмати шунда-да, болам. Масжидда ҳамма муслмон. Бозорда эса одамнинг имони синалади. (Сукунат.)

Т о ш м и р з а. Э-э, ҳаммадан кўпроқ бозорнинг ўзи айниган. Тоши енгил, тарозиси ғирром. Сотувчиси олғир, назоратчиси таъмагир. Тепасида тургани ундан баттар.

А н в а р ж о н. Бу ёқда номус, ҳаё, виждон – ҳаммаси бозорга солинаётгани чаток.

Т о ш м и р з а. Тўғри. (Тажанглиги ошиб) Ҳе, бошқасини кўйинг. Мана шу ўзимизнинг идорани олинг. Ўтиришибди курсиларда пахта тиқилган қанордай бўлиб. Бир иш билан борсангиз, “шунча йил меҳнат қилган, хизмат қилган” дейиш у ёқда турсин, сен кимсан демайди. Катгаси ҳам, кичиги ҳам келганнинг қўлига қараб муомала қилади.

М о м о. Ўзинг тажангсан, ўғлим. Тажанглигингга яраша муомала қилишса, сенга шундай туюлган.

Т о ш м и р з а. Ҳе, ойи, ўзингиз бир бориб кўринг. (Сукунат. Ўзини ноқулай сезади. Оғзига нос ташлайди. Замонга) Сенинг ўқитувчиларинг пул йиғмай қўйдими?

З а м о н. Йўқ, йиғишмайди. Нима каму кўст бўлса, ўзимиз битирамиз.

Г у л м и р а. Синфнинг ременти-чи?

З а м о н. Синф нима? Спортзални ремонт қилдиг-у.

Г у л м и р а. Туғилган кунларга совғаниямми?

З а м о н. Совғаниям.

Г у л м и р а. Тўй қилса-чи?

З а м о н. Тўйга ҳам қарашамиз. Қараб турмаймиз.

Г у л м и р а. Ҳамманг ўқувчи бўлсанг, шунча пулни қаёқдан оласанлар?

Т о ш м и р з а. Устачилик қияпти-ку.

Г у л м и р а. Бошқаларни айтаман-да.

З а м о н. Синфимиз билан пул топишга келишганмиз. Тадбиркорликни ўрганишга қарор қилганмиз. Ҳеч ким ота-онасидан пул сўрамайди. Тақиқланган.



А н в а р ж о н. Тадбиркорлик?

Г у л м и р а. Осон эканми? Катталар эплэй олмаяпти-ю.

З а м о н. Осон бўлса, нима қизиғи бор? Лекин қийин ҳам эмас: бизнес-режа, менежмент, маркетинг. Ўрганиш мумкин.

Т о ш м и р з а. Ана сенга охирзамон болалари.

Г у л м и р а. Қаердан ўрганасан бу гапларни?

З а м о н. Ўқитишади. Яқинда Ҳайдаров деган домла келди. Ўзи дарслик ёзган.

М о м о (*Замоннинг бошини силаб*). Баракалла, ўзимнинг отамдан.

Г у л м и р а. Қани, сўзла-чи, ким қандай пул топаяпти?

З а м о н. Холмат кечаси чорраҳада ароқ сотади.

М о м о. Астағфуриллоҳ!

Т о ш м и р з а (*носини туфуриб*). Бу, директоринг қаёққа қарайди?

А н в а р ж о н. Ота-онаси борми?

Г у л м и р а. Онаси ётиб қолган, отаси – пиёниста.

Т о ш м и р з а. Боласига ҳам ўргатгандир-да.

З а м о н. Йўқ, унақа деманг, дада. Ўзи ичади, демадим-ку. Сотади, холос. Магазинчи тоғасига қарашади. Тунда савдо чаккон бўлади-да, ёрдамчи керак.

Т о ш м и р з а. Яхши эмас, ёш бола.

Г у л м и р а. Нима қилсин? Қийин бечорага, бутун бошли рўзғор шу Холматнинг гарданида бўлса.

З а м о н. Ўзи зўр бола.

М о м о. Зўр дегани ёмон дегани, отам.

Г у л м и р а. Вой, момо. Булар яхшини “зўр” дейишади, жуда яхши бўлса, “ёмон зўр” деб кўйишади.

М о м о. Тавба.

Г у л м и р а. Хўш, кейин?

З а м о н. Нормат нос сотади.

А н в а р ж о н (*қулиб*). Ҳа, буниси тузук.

Т о ш м и р з а. Униям отаси ичувчимми?

З а м о н. Йўқ. Умуман оғзига олмайди. Ишсиз.

Т о ш м и р з а. Мардикорлик қилсин, ўғлига нос соттириб тирикчилик қилгандан кўра.

Г у л м и р а (*тичинг билан*). Ҳаммаям эплейвермайди.

А н в а р ж о н (*бўйнини қисиб*). Мардикор кўп, харидор кам.

Г у л м и р а. Яна-чи?

З а м о н. Сотволди кечалари пивога сув қўшади.

Т о ш м и р з а, А н в а р ж о н. Нима? Қайси пивога?

З а м о н. Ҳаммасига. Пивофурушлар кечаси уйига бочкаларини судраб келишади. Сотволдининг ҳовлисида булоқ бор. Пивонинг устига сув куйиб тўлдириб беради.

Т о ш м и р з а. Айтдим-а, пиводан маза кетди деб.

А н в а р ж о н. Шунга қоринни оғритар экан-да.

М о м о. Ачиган арпа сувидан булоқ суви тузук-да.

Г у л м и р а. Вой, момогинам-эй. Қизлар-чи, қизлар нима қилади?

З а м о н. Майна гастрономда сарёққа маргарин аралаштиради.

Т о ш м и р з а. Оббо!

З а м о н. Қумри опаси тиккан қўлбола шимларга модний этикетка ёпиштиради.

Г у л м и р а. Ҳой, менга қара. Ҳаммангнинг бизнесинг шунақами?

З а м о н. Бизнесмисан-бизнес.

Т о ш м и р з а. Ҳозирдан шунақа ишга ўргансаларинг, катта бўлганда ким бўлишасан?

З а м о н. Вақтинча-да, дада. Уларгаям яхшироқ иш топиб берамиз.

Т о ш м и р з а. Яхшиси қанақа экан?

З а м о н. Ҳасан-Ҳусан заправкада машина артади.

Т о ш м и р з а. Тузук, тузук.

З а м о н. Тохир ресторанда дастёрлик қилади. (*Опасига маъноли қараб қўяди.*) Полвоннинг велосипедига прицеп қилиб берганман. Бозорда юк ташийди. Крутой. Якшанба кунлари ўн минггача туширади.

Т о ш м и р з а. Мен ҳам сабзи-пиёз олсам, ғириллаб ташлаб кетади, барака топгур.

З а м о н. Сашка менга қарашади – эски велосипедларни йиғиб, запчасть қилади.

Г у л м и р а. Қизлар-чи, қизлар?

З а м о н. Қизларнинг иши ундан ҳам зўр – биттаси дўппи тикади, яна биттаси – кофта. Раъно татар қўшнисидан қўл-коп тўқишни ўрганган. Чиройли қилиб гул босади. Янги ўзбекларнинг хотинлари оғзига сикқанини бериб олишади.

М о м о. Қара-я.

Г у л м и р а (эрига қараб олиб). Айт, менга ҳам тўқиб берсин. (Анваржон чойнакни кўтариб кириб кетади. Тошмирза қизига ўқрайиб қўяди.)

З а м о н. Тўқиб беради. Фақат шартим бор.

Г у л м и р а. Шарт? Ҳа-а, устаси фаранг! Ўйлаб кўраман, дедим-ку. Шу ёшингдан мунча елимсан-а? Билмадим, катта бўлганингда ким бўласан?

З а м о н. Айтдим-ку, менежер деб.

Т о ш м и р з а. Инжинир деганини билардик. Менижиринг ким?

З а м о н. Улуғ бобом зўр менежер бўлган эканлар. А, момо?

М о м о. Ҳа, отам. Улуғ бобонг камалганда, даданг ҳали туғилмаган эди, унча билмайди. (Анваржон қайтади.)

Т о ш м и р з а. Хўш, менижир деганингни нима каромат кўрсатар экан?

З а м о н. Завод куради, корхона очади.

Т о ш м и р з а. Директор экан-да?

З а м о н. У бошқа. Директорни тайинлашади. Менежер ўзи очиб, ўзи юритади.

Г у л м и р а. Сен қанақа корхона очмоқчисан?

З а м о н. Велосипед заводи.

Г у л м и р а. Хусусий заводми? Орзуинг чаккимас.

З а м о н. Биринчидан, хусусий эмас, ўртоқларим билан. Ҳиссадорлик асосида.

М о м о. Ҳа, аҳилликда ҳикмат кўп.

З а м о н. Иккинчидан орзу эмас, режа. Ўйланган. Мактабни битириб машинасозлик коллежида ўқийман. Кейин менежер факультетига ташлайман.

Т о ш м и р з а. Ташлайман?

З а м о н. Ҳа, шу... ўқишга кираман. Ўқиб юриб цех очаман, велосипед реставрация қиладиган. Дипломли бўлволгач, йиғув заводи кураман, кейин кенгайтириб бораман.

Г у л м и р а (эрмак қилгандай). Нега энди велосипед? Орзу қилганга яраша самолёт заводи кур.

З а м о н (жиддий). Кейинчалик кўрамиз-де. Автомобилга талаб ортиб боради. Ҳозир план реал бўлиши керак. Автомобиль заводида ҳар йили технологияни янгилашга тўғри келади. Конкуренция. Ундан кейин 20-30 йилларда нефть қазиб олиш камая бошлайди. Шунда автомобилга талаб тушиб кетади. Велосипедга эса, мана кўрасиз, йилдан-йил ортаверади.

Т о ш м и р з а. Ҳозир ҳам чакки эмас. Нархи новвоснинг пулига бориб колди-ёв.

Г у л м и р а. Ҳа, энди, орзу орзудай бўлгани яхши дейманда. Сенинг ёшингда биз тенгилар орзуга мойилроқ эди, шекилли.

З а м о н. Орзуми? Орзуим бор: велосипед билан делтапланни кўшиб велоплан ясаб учиш.

Г у л м и р а. Балосан, устаси фаранг. Мени ҳам заводингга ишга оласанми?

З а м о н. Шартим бор деяпман-ку.

Г у л м и р а. Кўймадинг, кўймадинг-да. Майли, ҳозирча фақат сенинг синфингга кириб тураман.

З а м о н. Вот, здорово. Келишдик. (Телефонга чопади.) Хелоу, Диля? Ми. Ноу проблем.

Г у л м и р а. Ҳой, ўзбекча гапир, биз ҳам эшитайлик.

З а м о н. Директорга учра. Опам рус тилини ўтадиган бўлдилар... Ўҳ-ўҳ, бугунданмас, кейинги дарсдан. Албатта... Йа. Окей! Си ю. (Қайтиб келиб) Диля сенга раҳмат айтди.

Г у л м и р а. Ҳокимнинг кизими? Дилдора, демайсанми. Соғ бўлсин. Айтганча, у ҳам ишлайдими?

З а м о н (ажабланиб). Нега энди ишламас экан?

Г у л м и р а. Ҳа энди...

З а м о н. Мобилний телефон олган. Бизга диспетчерлик қилади. (Телефон жиринглайди.) Ана. (Дастани кўтаради.) Вот из проблем? (Опасига қараб олиб) Қачон ётқизишибди? Диагности нима экан? Навбат билан... Яхши. Ҳозирча икки мингдан. Эгри.

Т о ш м и р з а. Нима “эгри”? Тинчликми?

З а м о н. Сашканинг ойиси касалхонага тушиб қолибди.

Г у л м и р а. Вой бечора-ей. Жа яхши аёл-да. Рус бўлсаям ўзбекча урф-одатларни ўрнига қўяди.

Т о ш м и р з а. Жуда ҳожатманд аёл. Қанча одамга нафи теккан.

Г у л м и р а. Хушмуомалалигини айтинг.

М о м о. Ҳа, мўмина аёл.

Г у л м и р а. Қийин бўлибди-да. Ўғлидан бошқа ҳеч кими йўқ.

Т о ш м и р з а. Ҳозир ҳеч кимни касалхонага тушгилик қилмасин.

М о м о. Иссиқ жон-да, болам. (Гулмирага) Бир хабар олиб қўярсан.

Г у л м и р а (эрига). Бозорга тушиб чиқарсиз? (Анваржон жим. Гулмира уф тортиб қўяди.)

М о м о (Тошмирзага). Толмасбекка айтсанг бўлармиди, ўғлим, дори-дармондан қарашворса. (Тошмирза гўлдиранади)

Г у л м и р а. Гапирасиз-да, момо. Жа Тоймасингиздан ёруғлик чиқади.

М о м о. Унақа дема, кизим, уканг.

Г у л м и р а. Биладан-да. Қишда қор сўрасангиз, оғринади, ойимчаси билан маслаҳатлашмасдан беролмайдилар.

З а м о н. Ўзимиз хабар оламиз. Икки мингдан йиғаяпмиз.

Г у л м и р а. Икки мингдан?

З а м о н. Олтмиш минг етармикан?

Т о ш м и р з а, А н в а р ж о н. Олтмиш минг?

Т о ш м и р з а. Ҳа, тузук, тузук. Одамгарчиликни билиш – яхши иш. Ўзбек – одамгарчилиги билан ўзбек, ҳа. Айтгандай, пул керакдир?

З а м о н. Ўзимда бор.

М о м о. Барака топ, отабегим.

Г у л м и р а. Тузуксан, устаси фаранг.

А н в а р ж о н. Тан олиш керак.

Т о ш м и р з а. Ўртоқларинг ҳам маладес...

М о м о. Ҳа, аҳилликда хосият кўп.

Замон кийингани кириб кетади. Анваржон ўғлини етаклаб чиқади. Гулмира уни ювинтириб, чой ичира бошлади. Эшикдан Тоймас кириб келади. Тўлишган йигит. Гулмирадани бироз ёш.



Т о й м а с. Саломалайкў-ўм. Ўтирибсизларми? (Сўрашадилар.)

Т о ш м и р з а. Кел, ўтир. Нонга кара. (Гулмира чой узатади.)

Т о й м а с (дастурхонга кўз югуртириб). Раҳмат, нонушта килувдим.

Т о ш м и р з а. Бир кўрай дебсан-да. Ўзи ҳозиргина йўқлаб турувдик.

Г у л м и р а. Анчадан бери дарагинг йўқ?

Т о й м а с. Иш кўп. Югур-югур.

М о м о. Келин тузукми? Болаларинг саломатми?

Т о й м а с. Яхши. (Анваржонга) Почча, ишлар зўрми? (Анваржон хижолатда, аранг бош силкийди.)

З а м о н (кийиниб чиқиб, томдан тараша тушгандай). Салом, ака. Менга бир йилга кредит бериб туролмайсизми?

Т о й м а с (энсаси қотиб). Кредит? Сенга кредитга бало борми?

З а м о н. Керак-да. Берасизми?

Т о й м а с. Пул керак деб қўя қол. Кредит эмиш. Неча сўм?

З а м о н. Миллион бўлса яхши бўларди.

Ҳ а м м а л а р и. Миллион?

Т о й м а с. Миллион? Ҳў, Замон, эс-песингни едингми?

З а м о н (ранжиб). Нега унақа дейсиз?

Т о й м а с. Сенга миллион нимага керак, деяпман?

З а м о н. Сварка аппарати оламан.

Т о й м а с (қўлини силтаб). Ҳали ёшлиқ қиласан.

Т о ш м и р з а. Ёш-ёш деб камситаверма укангни. Бинойидек устачилик қиляпти.

Т о й м а с. Шу устачилигидан қолмасин, сваршиклик қилишга ҳали ёш. Мумкин ҳам эмас.

М о м о. Мирзо Бобур ўн икки ёшда подшоҳ бўлган.

Г у л м и р а. Вой, момогинам-эй. Кенжа неварангизни жуда яхши кўрасиз-да.

З а м о н (опасига). Момом ҳаммага бирдайлар. (Акасига) Бир йилда қайтарар эдим.

Т о й м а с. Бир йилда? Миллион сўмни-я? Олиб қоч-а!

Г у л м и р а. Рост. Қайтариш осонми?

З а м о н. Ўртоқларим қарашади. Ҳар ой юз мингдан. Истасангиз фоизи билан.

М о м о. Фоизини қўй, болам, гуноҳ бўлади.

Т о й м а с. Айтяпман-ку, ҳали ёшсан деб.

З а м о н. Нега ҳадеб “ёш-ёш” деяверасиз? Ўзингиз ўн ёшдан сигарет сотган экансиз-ку? *(Тошмирза бир силкиниб қўяди.)*

Т о й м а с. Одамни сотма. Дадам пул бермасдилар-да.

Т о ш м и р з а. Пул ёш болаларни бузади.

Т о й м а с *(Замонга)*. Эшитдингми?

З а м о н. Ўн тўртга тўлганман, қонунга мувофиқ тадбир-корлик қилишгайм, кредит олишгайм ҳақим бор.

Т о ш м и р з а. Уканг-ку. Берсанг берибсан-да. Сенга миллион нима?

Т о й м а с. Пул босадиган цехим бордай гапирасиз-а, дада?

Г у л м и р а. Ҳа, бор деса ҳам бўлаверади.

Т о й м а с *(Гулмирага ўқрайди)*. Ўзим сизлардан сўрамоқчи бўлиб келдим.

Г у л м и р а. Биздан? *(Қулади.)*

М о м о. Ўзи тинчмисан, болам?

Т о й м а с. Тинч деса ҳам бўлади.

Т о ш м и р з а. Гапир чайналмай.

Т о й м а с. Бир зарурат чикиб қолди.

Т о ш м и р з а. Қанақа зарурат?

Т о й м а с. Айтдим-ку, пул керак бўлиб турибди.

З а м о н. Ие, ҳали мендан кредит сўрайдиганга ўхшайди-ку. *(Момосини ўпиб)* Мен кетдим.

М о м о. Яхши бориб кел, отагинам.

Г у л м и р а. Мундай одамга ўхшаб тушунтирсанг-чи?

Т о ш м и р з а. Бир-икки минг озлик қилар?

Т о й м а с *(“Нима деяпсиз” дегандай қараб қўяди)*. Бир-икки миллион. *(Ҳаммалари бир-бирларига маъноли назар ташлашади.)*

Г у л м и р а. Миллион сўмим бўлганда, ателье очволардим, ука.

Т о ш м и р з а. Миллион сабил топилганда, катта қилиб юбилей ўтказардим.

Г у л м и р а. Дада, хозир юбилей қиладиган пайтми? Ўзи аранг рўзгор тебратапмиз.

Т о ш м и р з а. Шунча йил ишладим. Қанча дўст-ёр ортгирдим. Олтмишга кирдим, ўтди. Пайғамбар ёшига кирдим, ўтди. Мана, етмишга қараб кетяпман. Менинг бошкалардан қаерим кам?

Т о й м а с. Юбилей қочмайди. Ўзим ўтказиб бераман. Хозир...

Г у л м и р а. Оғайниларингдан сўрамадингми?

Т о й м а с. Сўрадим. Улар ҳам қийналиб турган экан.

Т о ш м и р з а. Миллион – оз пул эмас-да.

Г у л м и р а. Ўлибди, топиб бера олишмаса.

Т о й м а с (қўл силтаб). Кўпликка кўп эмас-у, одамнинг бошига иш тушса, ҳамма ўзини панага олади.

Г у л м и р а. Нимага керак бўлиб қолди шунча зорманда?

Т о ш м и р з а. Участканггами?

Т о й м а с. Ҳа, йў-ўк. Участка қочиб кетармиди? Катта партия мол олиб келгандим. Божхонада тутиб туришибди.

Г у л м и р а. Дорими? (Тоймас бош силкийди.) Нега тутишади? Доим олиб ўтиб юргансан.

Т о й м а с. Бу сафар иложи бўлмапти.

Т о ш м и р з а. Нимага? Нима дейишади?

Г у л м и р а. Яна муддати ўтган доридир-да.

Т о й м а с. Ўтмаган. Ҳали бор, ярим йилдан ортик.

Г у л м и р а. Ярим йил? Аптекачилар сендан олиб сотгунича бир йил ўтиб кетмайдими?

Т о й м а с. Бу ёғи менинг ишим эмас.

Т о ш м и р з а. Ҳой, бола. Бунақа иш тутма деб неча марта айтганман сенга, иснодга қўясан.

Т о й м а с. Дада, ўйлаб гапирсангиз-чи. Нега иснодга қўяр эканман?

Т о ш м и р з а. Муддати ўтган дориларни олиб келиб сотиш – бу иснод бўлмай нима?

Т о й м а с. Мен нима ғамда-ю буларнинг дардини. Хотиржам бўлинг. Биринчидан, муддати ўтишига ҳали анча бор. Иккинчидан, янги дорилар киммат, одамлар барибир ололмайди, буни мenden ҳам яхши биласиз. Учунчидан, муддати ўтган

бўлса, бирданига, бир кунда яроксиз бўлиб қолмас, ахир. Телевизорнинг гарантияси бир йил бўлса, тугаши билан куйи-иб кетмайди-ку.

А н в а р ж о н. Дорининг муддати ўтса, заҳарга айланиши мумкин.

Т о й м а с (*ижирганиб*). Сиз биззи дориларни ичмай кўяверасиз, почча. (*Ҳамма жим. Анваржон мулзам, ўрнидан туради.*)

А н в а р ж о н (*Ўғлини кўтариб отланади*). Бугун мен кўйиб келаман.

Г у л м и р а (*кузатаётди*). Пул олволинг. Боғча опа-си кеча тайинловди. Байрам қилишармиш.

Анваржон иккиланиб тўхтади. Гулмира зарда аралаш пул гутади. Анваржон олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай туради. Сўнг маъюс чикиб кетади. Гулмира қайтиб ўтиради.

Т о й м а с. Зап эр топгансан-да. Латтанинг ўзи-я.

М о м о. Оғзингга қараб гапир, ўғлим. Почча, ахир, гуноҳ бўлади.

Т о ш м и р з а. Анваржон ҳақ гапни айтди.

Т о й м а с. Нимаси ҳақ экан? Буни ҳаёт деб қўйибдилар.

Т о ш м и р з а. Ҳаёт эмас, алдамчилик бу. Жиноят. Божхонадагилар ҳам бекорга тутиб қолишмагандир.

Т о й м а с (*қизишиб*). Хўп, унда нима қил дейсиз? Айримларга ўхшаб хотинимнинг топганига қара-аб ўтиришим керакми?

М о м о. Бугун сенга нима бўлди ўзи, болам? Почча деб хурмат қилмасанг, етим ўсган, олис юртларда ўқиб келган, шуни кадрла.

Т о й м а с. Опамга раҳмим келади-да.

Т о ш м и р з а. Раҳми келармиш. Раҳминг келса, сал бундай қайиш. Бир-бирингга ўгайдан баттарсанлар.

Т о й м а с. Ҳовлини шуларга бўшатиб, домга чикиб кетдим-ку. Бу камми?

Т о ш м и р з а. Бўшатиб бердим? Онанг ўтгандан кейин хотинингнинг қистови билан кетдинг. Биз малол келиб қолдик, ҳа. Ҳали ҳам шуларга раҳмат.

М о м о. Ўз ўғлимиздай бўлиб колди.

Т о ш м и р з а. Ҳа, битта одам бўлар, шунчалик бўлар-да. Беозор.

Т о й м а с. Беозор, мусича. Мусича ҳам боласини ўзи боқади.

Т о ш м и р з а (*қаҳр билан*). Ҳалол яшаётганларни каллоблар билан тенглаштира.

Т о й м а с (*иззат-нафси оғриб*). Ҳалол, ҳаром – бунака гапларнинг даври ўтди. Атрофга боксангизлар-чи. Одамлар қандай яшаётганини-ку билмайсиз. Аммо тўйларга бораётгандирсиз? Жилла курса янги иморатларни кўраётгандирсиз? Хусусий магазинларга кираётгандирсиз? Менинг ана шулардан қаерим кам, дада?

М о м о (*бошини тебратиб*). Ўйлаб гапиряпсанми, болам? Бу ёруғ дунёда энг бой одам – имони бутун одам.

Т о ш м и р з а. Қулоғингга қуйиб ол, ўша ўпкасини чўпга илган ҳамтовоқларингга ҳам айт: иморатингнинг пойдеворини ўғирликка курсанг, деворини порахўрлик билан тикласанг, томини қаллоблик билан ёпсанг, у барибир буюрмайди, бир кунмас-бир кун босиб қолади.

Т о й м а с. Шунча йил колхозни кемириб қурилган дангиллама уйлар турибди-ку, бирортаси эгасини босиб тушгани йўқ. Қанча одам давлатнинг мулкини ўмариб бойиди, лекин бирортаси тикилиб ўлгани йўқ. Битта сиз – раислигингизда ҳам шу эдингиз, хозир ҳам шу. (*Тошмирзанинг ранги ўзгаради, жаҳл билан тилининг остига нос отади.*)

Г у л м и р а. Ҳой!

Т о й м а с. Нима “ҳой”? Шунча мулк сотилиб кетди. Ҳатто юз йиллик чинорларгача кесиб пуллашди. Дадам қараб ўтирдилар. Алам қилар экан. Энди ҳамма нарсани нолдан бошлашга тўғри келяпти.

Г у л м и р а. Бас қил, деяпман сенга.

Т о й м а с. Тўғри гап тукканингга ёкмас.

Т о ш м и р з а (*қалтираб*). Ҳа, нима қилишим керак эди?

Т о й м а с. Олиб қолиш керак эди. Юлиб қолиш керак эди. Сизнинг бошқалардан қаерингиз кам, дада?

Т о ш м и р з а (*Жаҳлдан бўғриқиб, туфуради*). Ҳали шунақами? Сенларни едирдим, ичирдим, ўқитдим. Одам қилдим. Бу камми? Ҳали таънага ҳам қолдимми? Ҳе, ўша сени...

Шапалоқ тортмоқчи бўлади. Момо билан Гулмира ушлаб қолишади. Тошмирза туриб этагини силқийди. Жаҳл билан чиқиб кетади.

Г у л м и р а. Ҳаддингдан ошиб кетибсан, Тоймас. Ўзинг ҳар замонда бир келасан. Яна дадамнинг тажанглигини била туриб, асабига тегасан. Шундай ҳам ич-этини еб юрибдилар, ўзларини кўйгани жой тополмайдилар. Момо, насихат қилиб кўйинг бунингизга.

М о м о. Кўявер, кизим. Ҳозир насихатнинг бозори касод. Даданг ҳам ёшлигида отаси билан тортишгани-тортишган эди. У ёғини сўрасанг, раҳматли эримнинг қайнотам билан фикри бир ердан чикканини билмайман. Ўғли катта бўлганда, Толмасвой ўзи тушуниб олади. (*Тоймас бошини эгади*.)

Г у л м и р а. Ўша тижоратингни тўғрилиқча қилсанг-ку, олам гулистон-а. Божхонадан ҳам қулоғинг тинч бўларди.

Т о й м а с. Опа, сизлар билмайсизлар. Иложи бўлса кошкийди. Арзонини олиб келмасанг, фойда қолмайди.

Г у л м и р а. Гапир-а. Бир сўмлик дорини беш сўмга сотасизлару, фойда қолмайдими?

Т о й м а с. Ҳаммаси чўнтагига қолади, деб ўйлайсан-да, а? Йўлда ҳар қадам чиким – унга чўз, бунга қистир, унисини мойла, бунисининг оғзини ёп – бу билан ҳеч кимнинг иши йўк.

Г у л м и р а. Нолишини акамни. Ўттизга кирмай беш хона квартира. Евроремонт. Италиян мебели. Тагингда иномарка. Яна Амир Олимхоннинг саройидай иморатни бошлаб қўйибсан.

М о м о. Ҳа, болам. Ношукурлик қилма.

Т о й м а с. Момо, сизда йўкми мабодо?

Г у л м и р а. Тавба. Момомга кўйлак олиб кийинг деб бериш ўрнига, пул сўрайди-я. Бизнесмен!

М о м о (*Тоймас умидворлик билан Момонинг қулогига шивирлайди. Момо сесканади*). Келиб-келиб мендан порага пул сўрайсанми? Кўй, болам, охиратимни куйдирма.

Г у л м и р а. Жа зарур бўлиб қолган бўлса, машинангни сот, бундайроғида юриб турарсан.

Т о й м а с. Вақт йўқ-да. Бугун топмасам, кеч бўлади.

М о м о. Тоғанг билан маслаҳатлашиб кўр, кўпни кўрган одам.

Т о й м а с (*ғоя топгандай*). Бўпти, момо. Сиз ҳам бирга боринг. Ўзим олиб келиб кўяман.

М о м о. Майли, болам. Анчадан бери кўрмовдим, бир хабар олиб келсам, келайин. Қани, омин. (*Фотиҳа қилади. Туришади.*)

Т о й м а с (*чиқаётиб опасига*). Жилмай тур. Қайтиб келаман. Гап бор.

Момо ва Тоймас кетишади. Телефон жиринглайди.

Г у л м и р а. Алёв, ким керак? (*Ўзгаради. Беихтиёр атрофга аланглаб олади.*) Уйга телефон қилманг деб илтимос қилувдим. Йўқ, бугун чикмоқчи эмасман. Айтдим-ку, тушуншни хоҳламасангиз кераги йўқ. Ишни топшираман. Яхши. Ҳа, жуда яхшилаб ўйладим. Хайр.

Дастакни кўяди. Қўлига супурги олади. Ўтиради. Йиғлайди. Хонасига кириб пардоз кила бошлайди. Дарвоза тарақлаб очилади. Гулмира сапчиб тушади. Замон бўйи узун Сашка ва барваста Полвон билан аравачада сварка аппаратини судраб қиради.

З а м о н. Қани, мана бу ерга. Секин. Полвон, раҳмат, бўёғига ўзимиз. Сен ишингдан қолма. Давай, Сашка, раз, два, взяли. Эҳтиёт бўл. Уфф. Зўр иш бўлди-да.

С а ш к а. Қанчага тушди?

З а м о н. Арзон. Сенга бўлса, майли деб юз минг тушиб берди. Ҳозир ярмини бериб турадиган бўлдим. Қолганини – бир йил ичида.

С а ш к а. Зўр. Расчёт қилишга мен ҳам қарашаман. И болаларга айтаман. (*Гулмира чиқади.*)

С а ш к а. Здравстуйте, Гулмира Ташмирзаевна.

Г у л м и р а. Здравстуйте. Ҳорманглар, йигитлар. Сашка, Маша хола яхшимилар?

С а ш к а. Да, спасибо. Сразу уколы начали делать.

Г у л м и р а. Где лежит?

С а ш к а. Терапия, девятая палата.

Г у л м и р а. Пусть выздравливает. Навещу.

С а ш к а. Не беспокойтесь. Девочки навестят.

Г у л м и р а. Молодцы.

З а м о н. Опа, момом қайдалар?

Г у л м и р а. Тоғанникига боргиси келиб турган экан, Тоймас олиб кетди.

З а м о н. Қачон қайтар эканлар?

Г у л м и р а. Билмадим, лекин кўп ўтирмасалар керак. Кўриб, кўнгли тинчиб келадилар-да. *(Күриб кетади.)*

З а м о н. Ҳа, русчалаб қолдинг?

С а ш к а. Ўқитувчим-ку. Акцент билан гапиришга уяламан.

З а м о н. Ну даёшъ. *(Йўлдошали кириб келади. Қўлида пайвандчилар маскаси.)*

Й ў л д о ш а л и. Ҳорманглар, йигитлар. Аппарат келибди-ку. Қойил. Велосипедим тузаладиган бўлибди-да.

З а м о н. Тузалади, Йўлдош ака.

Й ў л д о ш а л и. Айтганимдай, Қўшоқвой аппаратини кизганди. Сени ёш дейди-я, қара. Бирор нарса бўлса, жавоб берармиш. “Сен ўзингни ўйла, мана, кўлинг синиб ётибди”, дедим. “Велосипедим пачоқ бўлди. Ўзинг тузатишга ярамансанг, аппаратингни аясанг, улфатмисан?” деб ёқасидан олдим. *(Маскани кўрсатиб)* Кўярда-кўймай “мана бунингдан биттасини берасан”, деб кўймадим.

З а м о н. Қизиқсиз-да, Йўлдош ака. Нима қилардингиз? Аппарат сотган одам маска-қўлқопини ҳам кўшиб беради-да.

Й ў л д о ш а л и. Ҳа, буни ҳам олиб кўяверсанг-чи, ортикчалик қилмас.

С а ш к а. Тўғри. Бир киши ушлаб турса, бир киши сварка қилади.

З а м о н. Раҳмат, Йўлдош ака. *(Йўлдошали кетади.)*

С а ш к а. Попробуешь?

З а м о н. Ишлашиб кўрганман. Все нормально.

С а ш к а. Менга ҳам кўрсат.

З а м о н *(бошини қимирлатиб)*. Пропустить лабораторную? Мое любимое занятие. Дарсдан кейин, хўп? *(Кетишади.)*

Тоймас кириб келади.

Т о й м а с. Опа?

Г у л м и р а. Келдингми? Тоғамлар яхшимилар?



Т о й м а с. Яхшилар.

Г у л м и р а. Момом қачон қайтадилар?

Т о й м а с. Кечкурун. Ўзим олиб келиб қўяман.

Г у л м и р а. Нима гапинг бор эди?

Т о й м а с. Бундай. Нима қилиб бўлса ҳам, молимни рас-
тамошка қилишим керак.

Г у л м и р а. Айтувдинг.

Т о й м а с. Гапни бўлмайд эшит. Агар мусодара қилишадиган
бўлса, чатоғи чикади.

Г у л м и р а. Чатоғинг нимаси?

Т о й м а с. Бор маблағимни сарфлаганман шунга.

Г у л м и р а. Мунча таваккал қилмасанг. Камтарроқ иш
юритсанг бўлмайдим?

Т о й м а с. Таваккалсиз иш – ишми? Буни босиб ўтганман.
Катта топиш учун катта қадам босиш керак. Агар молимни
ўтказиб олсам, бу ёғи зўр бўлади. Учаскам битади. Жиҳози
билан. Мўмай сармоя қолади. Яна ҳам каттароқ ишларга қўл
ураман. Тушуняпсанми?

Г у л м и р а. Йўқ, тушунмаяпман. Бу гапларни нимага мен-
га айтаяпсан?

Т о й м а с. Ҳа, тушунмаяпсан. Тушунишни хохламаяпсан.
Мана шунинг ҳаммаси арзимаган пулга такалиб турибди, опа.
Ё бўладиган, ё ўладиган аҳвол.

Г у л м и р а. Тоғамда йўқ эканми?

Т о й м а с. Э-э.

Г у л м и р а. Мен топиб беролмайман.

Т о й м а с. Биламан. Дадамда ҳам йўқ.

Г у л м и р а. Замондан қарз сўрамоқчимисан?

Т о й м а с. Ҳозир ҳазилнинг пайти эмас.

Г у л м и р а. Нима дейсан бўлмаса?

Т о й м а с. Мудирингдан сўраб кўр.

Г у л м и р а (қатъий). Йўқ. Худо олсин.

Т о й м а с. Тўғри, қурумсоқ, ёруғлиқ чикадиган одам эмас.
Бир имкон бор. Биласанми, момомда бўлиши керак.

Г у л м и р а. Момомда? Жинни бўлдингми?

Т о й м а с. Кўнглим сезиб турибди. Бор.



Г у л м и р а. Тавба. Бор бўлса, ўзларидан сўра.

Т о й м а с. Сўрадим. Тушунтиролмадим.

Г у л м и р а. Бўлса, йўқ дермидилар. Момомда пул нима қилсин.

Т о й м а с. Сен ўрисча ўқигансан, билмайсан. Кампирлар бой бўлади, бир умр бисот йиғади.

Г у л м и р а. Бисотмас, ўлимлик, ўзбекча ўқиган.

Т о й м а с. Ўлимлик бошқа. Дур, тилла. Бриллиант бўлиши ҳам мумкин.

Г у л м и р а. Бриллиантни билмадим-у, тақинчоклари бўлса бордир. Биттасини тўйимда менга совға қилганлар.

Т о й м а с. Ана. Келинингга ҳам таққанлар.

Г у л м и р а. Бўлса яхши. Нима, ўзлари билан олиб кетармидилар? Қолдирадилар барибир.

Т о й м а с. Менга ҳозир зарур.

Г у л м и р а (*шубҳаланиб*). Нима демоқчисан?

Т о й м а с. Қараб кўрайлик.

Г у л м и р а. Қараб кўрайлик? Ўғринча-я? Эсингни еб кўйибсан.

Т о й м а с. Қайтараман. Шундай гаровга кўйиб тураман, холос. Молимни сотаман-у, дархол ўрнига келтириб кўйиб кўяман. (*Гулмира анқайганча туради.*) Нега ишонмайсан?

Г у л м и р а. Устаси фарангни қаранглар. Ўйлаб-ўйлаб топган ихтиронг шуми?

Т о й м а с. Нима “шуми”?

Г у л м и р а. Ўзингни гўлликка солма.

Т о й м а с. Қайтариб кўяман, деяпман-ку.

Г у л м и р а. Мен ёш бола эмасман лақиллатгани.

Т о й м а с (*кўкрагига муштлаб*). Худо урсин, агар қайтармасам.

Г у л м и р а. Сени худо уриб бўлибди, Тоймас. Келиб-келиб момомнинг ўлимлигига кўз олайтирмоқчи бўлсанг.

Т о й м а с. Ҳой, инсон, вақтинча, омонатга деяпман, ахир.

Г у л м и р а. Ўлимликнинг вақтинчаси бўлмайди.

Т о й м а с. Нима, битта кампирни ўзимиз кўмиб ололмай-мизми?

Г у л м и р а. Нафасингни ел олсин. Сезиб қолсалар, нима деган одам бўламиз? Эшитганлар нима дейди?



Т о й м а с. Сен тушунтириб кўясан.

Г у л м и р а. Бекорларни айтибсан. Керак бўлса, ўзинг тушунтир.

Т о й м а с. Фойдаси йўқ. Дадамдан баттар қайсарлар.

Г у л м и р а. Йўқ бўлса – йўқ-да.

Т о й м а с. Опа, опажон. Хўп, де. Дўкон десанг, дўкон, ателье десанг ателье очиб бераман. Дадамнинг юбилейини ҳам кўтараман. Бир илтимосим, йўқ дема.

Г у л м и р а. Бошимни котирма. Момом қўйган исминг “Толмас” эди, вояга етиб амалга миндингу “Тоймас” бўлдинг. Энди бойиган сари “Тўймас”га айланяпсан.

Т о й м а с (*қаҳр билан*). Калитни топиб бер!

Г у л м и р а. Бекорларни айтибсан. Нима, мени ҳам ўғирлигингга шерик қилмоқчимисан?

Т о й м а с. Бермайсанми?

Г у л м и р а. Йўқ!

Т о й м а с. Пушаймон бўласан!

Г у л м и р а. Урасанми? Сўясанми?

Т о й м а с. Кеча кечкурун мудиринг билан дон олишганингни дадамга айтаман.

Гулмира (*Ранги қув ўчади*). Вой шарманда. (*Тарсаки туширади.*)

Т о й м а с (*Юзини силаб тиржаяди*). Рост эканми?

Г у л м и р а. Ука бўлмай ўл. “Дон олишган” эмиш. Билиб кўй, кўлимни ҳам ушлатганим йўқ.

Т о й м а с. Нима аҳамияти бор? Ресторанга бекорга пул сарфламагандир ўша курумсок?

Г у л м и р а. Аҳмок.

Т о й м а с. Калитни топ. (*Гулмира жавонга яқинлашади. Бироз иккиланиб туради, Тоймасга бош бармогини икки бармоғи орасидан кўрсатиб, шахд билан чиқиб кетади.*) Сен билан кейин гаплашаман.

Тоймас жавонни титади, калитни топиб, сандикни очади. Рўмолни олиб орқасига ташлайди. Бир кўлида сандикнинг қопкоғини тутиб, иккинчи кўли билан унинг ичини кавлайди. Нақшин кутича олади. “Топдим” дея, сандикни ёпиб, кутичани очади. Ҳафсаласи пир бўлгандай сандикқа ўтиради. Кутичадан бир нечта тилла танга олади. Айлантириб кўради.



Т о й м а с. Бори шуми? Юз мингга ҳам бормайди. (*Қутичани силкитади. Бироз ўйланиб ўтиради. Тангаларни чўнтагига солади, қутичани ўрнига жойлаб сандиқни қулфлайди. Қалитни жавонга қўяди. Орқага қадам босаётиб тугунга қоқилади. Пуллар сочилиб кетади. Тоймас анграйганча туриб қолади.*) Шунча пул? (*Кўзи долларга тушиб*) Ия! (*Кўлига олади, айлантириб кўради, ҳайрон.*) Бисот эмас. Ўлимликка ҳам ўхшамайди. Қизик. (*Кўйнига солади.*) Вой момо-ей. (*Пулларни териб чўнтақларига тика бошлайди.*) Шунча пулингиз бор экану... Майли. Қарзга. Вактинча. Бир йилга. Бир ойга. Қайтараман. Ҳа, кўрасиз. Кўрасизлар. Қайтармаган номард. Шунча пул-а! Оз эмас. Етиб қолади. Хайрият. Мухими, иш битди. Бу ёғи энди осон. Молимни сақлаб қолдим. Синишимга бир баҳя қолувди. Йўқ. Синмайман. Тоймас кимлигини кўрсатиб қўяман. Бойиш қанақа бўлишини томоша қилишсин. (*Кетади.*)

Аср пайти. Оёғини судраб Анваржон кириб келади. Бироз талмовсираб юради. Трюмо олдига келади. Синчковлик билан разм солади. Титрайди, аста ўтиради. Бошни айлантириб гаранг килувчи куй эшитади. Анваржон виолончелини қўлга олади. Чалишга уннайди. Куй чикмайди. Камон кўлидан тушади. Бирпас виолончелни кучоклаб ўтиради. Силтаб ташлайди. Торлари титраб ағанайди. Анваржон калтирайди. Бошни чангаллайди. Даст ўрнидан туради. Камарини суғуриб шифтга сиртмоқ оседи. Дарвозадан Замон кириб келади. Анваржонни кузата бошлайди. Портфелини ирғитади-ю, сакраганча келиб, Анваржоннинг оёғидан кучоклайди. У мувозанатини йўқотиб, қўли билан сиртмоқни чангаллаб қолади. Бирпас лапанглаб туришади.

З а м о н (*бақуриб*). Анвар ака! Нима қияпсиз?

А н в а р ж о н. Қўйвор!

З а м о н. Қўйвормайман. (*Анваржон типирчилайди. Кучи етмайди.*)

А н в а р ж о н. Қўйвор деяпман сенга.

З а м о н. Қўйвориб бўбман!

А н в а р ж о н. Қоч!

З а м о н. Нега қочар эканман?

А н в а р ж о н. Ишинг бўлмасин.

З а м о н. Жуда ишим бўлади-да!

А н в а р ж о н. Нега ишинг бўлар экан?

З а м о н. Опамнинг эрисиз.





Анваржон. Опангга эр керакмас.

Замон. Бекор айтибсиз.

Анваржон. Сен бекор айтибсан.

Замон. Хўп. Ўғлингизнинг тоғасиман.

Анваржон (*шалвираб*). Қўйворасанми, йўкми?

Замон. Айтдим-ку, қўй-вор-май-ман.

Анваржон. Бу хонадонда бемалол осилиб ҳам бўлмайди.

Замон. Демак, яхши хонадон экан-да.

Анваржон. Тўйдим. Яшашга грамм тоқатим йўк.

Замон. Мен топиб бераман. Бир тонна етадими? Тушинг.

Анваржон (*Ўзини кулишдан тиёлмайди, сиртмоқни қўйиб юборади. Икковлари думалаб тушишади. Ўтиргач*).
Кичкина бўлсанг ҳам балодай кучинг бор экан.

Замон. Ўзингиз кушдай енгиб бўлиб кетибсиз. Одам ҳам шунақа озадими?

Анваржон. Қаердан етиб кела қолдинг?

Замон. Лабораторияда эдим, бир фаришта қулоғимга “Чоп!” деди. (*Бироз сукунат.*) Эркак кишига яхшими шу иш?

Анваржон. Тирик мурда бўлиб юришдан нима фойда?

Замон. Тирик одам мурда бўлмайди.

Анваржон. Эҳ, Замонбек, Замонбек. Ҳеч кимим йўк мени, ошна. Қип-қизил етимман. Дунёда битта-ю битта ишонганим – шу, опанг эди...

Замон. Нега тирик одамни “эди” дейсиз?

Анваржон жим. Чўнтагидан сигарета пачкасини чиқаради, қавлаб яримта сигарета топиб, оғзига солади. Пачкани улоқтиради. Зажигалка чиқариб, қайта-қайта уринади, ёнмайди. Замон олади, ёнидан пакки чиқариб, қавлайди. Биринчи чакишдаёқ ёнади. Анваржоннинг сигаретига тутади.

Анваржон (*сигарета тортиб*). Сен тушунмайсан.

Замон. Тушунаман. Ёлғиз эмассиз. Сизни ўз акамдай биламан. (*Анваржон жим.*) Мени тан олмасангиз, момом-чи? Сизни жуда-жуда яхши кўрадилар.

Анваржон. Гапинг тўғри.

Замон. Дадам ҳам ҳурмат қиладилар. (*Анваржон бош силкийди.*) Ана. Хафа бўлманг-у, келиб қолмаганимда нима бўларди? Оиламиз ҳақида нима дейишарди?

А н в а р ж о н. Одамнинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетар экан, Замонбек. Дунёда битта-ю битта суянганинг, биттаю битта севганинг хиёнат қилса...

З а м о н. Хиёнат қилмаган. *(Анваржон ҳайрон бўлади.)* Ишонинг. *(У “Ишонмайман” дегандай бош чайқайди.)* Тўғри, опамдан ўтган. Лекин хиёнат қилмаган. Қилмайди ҳам. *(Ўрнидан туради. Қатъий)* Мен бунга сира-сира йўл қўйиб қўймайман.

Анваржон чуқур сигарет тортиб, тутунини паға-паға қилиб чиқаради. Қўл силтайди.

З а м о н *(Ёнига ўтириб тутунни қўли билан елтибди)*. Нега энди?

А н в а р ж о н. Барибир. Бугун бўлмаса эртага мендан воз кечади. *(Ўзича сўзлагандай)* Маданият уйда бу аҳвол. Ҳар штат қисқарганда жонингни ҳовучлайсан. Мусикадан бошқа нарса қўлимдан келмаса. *(Виолончелга назар ташлаб)* Бу кимга ҳам керак? Бош қотган. Умуман... Ҳеч нарсага кўнгил қолмади.

З а м о н *(унга тикилганча)*. Бетховен бўлиб кетинг-э.

А н в а р ж о н *(Таажжубда. Сигарет қўлини куйдиради)*. Бетховен? Бетховенни ҳам биласанми?

З а м о н. Бўмасам-чи! *(Олисдан бешинчи симфониянинг финал қисми эшитила бошлайди.)* Зўр композитор. Таржимаи холи ҳам ажойиб, а?

А н в а р ж о н. Ҳа.

З а м о н. Қирққа кирганда омади чаппасига кетади. Кар бўлиб қолади. *(Ўрнидан туриб ҳаяжон билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди.)* Тасаввур қилинг-а – композитор эшитишдан маҳрум бўлиб ўтирса.

А н в а р ж о н. Устига-устак, севгани бой зодагонга тегиб кетгани-чи.

З а м о н. Ўзиям роса қайсар одам бўлган экан-да. Зодагонларга араз қилиб ҳомийсиз қолади, қарзга ботади. Хуллас, ўзини...

А н в а р ж о н. Ҳа, васиятнома ҳам ёзган.

З а м о н (*Анваржонга таънаомуз қараб*). Лекин ирода-си кучли келади. “Мен кимлигимни кўрсатиб қўяман, ҳали”, дейди-ю энг зўр симфониясини қойил қилиб ташлайди.

А н в а р ж о н (*ҳайратда*). Бешинчи симфония! Эшитган-мисан?

З а м о н. Эшитганмиз. Синфимиз билан. Компакт диски бор. Шикарная музыка, а?

А н в а р ж о н. Ҳа, буюк асар. Айниқса, залда, оркестр ижросида эшитсанг... Яна қайси композиторларни биласан?

З а м о н (*қўлларини букиб*). Бах, Моцарт, Верди, Вивальди, Чайковский, Бизе, Равель, Гершвин, и-и... ўзимиздан, Мутал Бурхонов, Улуғбек Мусаев, и-и, яна... (*Чайналади*.)

А н в а р ж о н. Қойилман. Сенга нимага керак-а?

З а м о н. Қизикмисиз?

А н в а р ж о н. Ҳа, энди, классик куйларга ҳеч ким қизикмай кўйган-да. Эстрада бўлса бўлди ҳозиргиларга.

З а м о н. Эстрада ҳам ҳар хил-да. Мана, Луи Армстронг, Эдит Пиаф, Ботир Зокиров – булар ҳам классик.

А н в а р ж о н. Офарин. Мусикани яхши кўришингни сезмаган эканман. Ҳаммаларинг шундайми?

З а м о н. Қизикишга қараб-да. Синфимиз билан қарор қилганмиз. Ўнта энг машхур кўшиқчи, ўнта энг зўр композитор, ўнта энг зўр ёзувчи... ҳар соҳадан ўнтадан корифейнинг ҳаёти-ижоди билан танишиб чиқамиз.

А н в а р ж о н. Хўш-хўш?

З а м о н. Ўқиймиз, эштамиз, кўрамыз. Бўлиб олганмиз. Кейин йиғилишиб, бошқаларни таништирамиз.

А н в а р ж о н. Мусикадан ким мутахассис?

З а м о н. Ўзбек классикасига – Зухра, Европаникига – Земфира.

А н в а р ж о н. Сен-чи?

З а м о н. Менинг мавзуим – машхур ихтирочилар: Даймлер, Эдисон, Белл, Королев. Менга Генри Форд ҳақида китоб топиб беролмайсизми?

А н в а р ж о н. Форд? Биринчи эшитишим.

З а м о н. Қўйсангиз-чи. “Форд” – энг крутой тачка-ку.

А н в а р ж о н. Мен ихтирочи деб тушунибман.

З а м о н. Тўғри, ихтирочи, тадбиркор. “Форд” – у чиқарган машина.

А н в а р ж о н. Ҳа-а. Йўк, ўкимаганман эканман. Мендан Бетховенни сўра. “Шашмақом”дан сўра. Аммо-лекин яхши эслатдинг. Бешинчи симфония. Қойилман. *(Елкасидан қучиб, елкасига босади.)*

З а м о н. Анвар ака?

А н в а р ж о н. Нима дейсан, укажон?

З а м о н. Зўр куйдан бир чалиб бермайсизми?

А н в а р ж о н. Албатта-да. Шундай йигитга йўк деб бўладими. *(Виолончелни қўлга олади.)* Синмаган бўлса. *(У ёқ-бу ёғини айлантириб кўради.)* Хайрият. *(Созлайди. Мутал Бурҳоновнинг “Нега тарк этдинг мени?” романсини чалади.)*

З а м о н. Жа эворадиган куй экан. Бу, карғижжакда шўхроғидан ҳам чалса бўладими?

А н в а р ж о н. Қанақа ғижжак?

З а м о н. Карғижжак. Найнинг каттаси карнай бўлгандан кейин, ғижжакнинг каттаси карғижжак-да.

А н в а р ж о н. Яхшиям сурғижжак демадинг. *(Кулади.)* Шўхроғидан дегин. Кўнгил тортмай турганда-я?

З а м о н. Яхши куй бўлса, ўзи тортаверади.

А н в а р ж о н *(Замоннинг сочини ҳурпайтириб)*. Дурустсан. *(Брамснинг “Венгерча рақси”ини чала бошлайди. Бироз тинглаб, Замон рақсга тушиб кетади.)*

З а м о н. Топдим. Анвар ака, топдим.

А н в а р ж о н. А? Нимани?

З а м о н. Сиз камонни тортишингизга қара-аб туриб топдим. Биласизми, сиздан зўр сваркачи чиқади.

А н в а р ж о н. Сварка?

З а м о н. Ҳа, сварка. Пайвандлаш-да.

А н в а р ж о н. Умримда қўлимга ушлаган эмасман.

З а м о н. Нима бўлибди? Ўзим ўргатиб қўяман. Патент олволасиз.

А н в а р ж о н. Бе, мен каерда-ю, сварка каерда?

З а м о н. Сиз ҳам шу ерда, сварка ҳам. *(Аппаратга ишора қилади.)*

А н в а р ж о н. Кўйсанг-чи.

З а м о н. Нима, ирганасизми?

А н в а р ж о н. Гап ирганишда эмас. Эплотмайман. Техникага нолман.

З а м о н. Эплейсиз. Африкадаги ўрмон одамлари бошлашапти-ку. Телевизорда кўрсатди.

А н в а р ж о н. Қалай бўларкин?

З а м о н. Зўр бўлади. Классный сваркачи бўласиз. Заказга кўмилиб кетасиз, ҳали. (*Кўлини томогига олиб келиб*) Во топасиз.

А н в а р ж о н (*ишонқирамай*). Шунақа деб ўйлайсанми?

З а м о н. Ишонмаяпсиз-а? Ҳозир тушунтираман. Сварканинг сири нимада? Электродни чок устида теки-ис юргизишда. Камонни ғижжакка суйкагандай.

А н в а р ж о н. Барибир бекорчиман-ку. Майли, бир сенинг айтганингни ҳам қилай. Пайвандчилик бўлса, пайвандчилик-да.

З а м о н. Бор экансиз-у. Мен токарликни ўрганиб олсам, сиз сваркани – зўр бўлади. Айтгандай, опам билан Киевда ўқигансизлар-а? У ерда катта велосипед заводи бор. Запчасть олиб келишни йўлга қўйсақ, ўзимиз велосипед йиғишимиз мумкин. (*Куйлаб, яна рақсини давом эттиради.*)

А н в а р ж о н. Бўлди. Виолончелни Тошкентга обориб сотаману, сваркани ўрганаман.

З а м о н. Нега сотар экансиз? Сотмайсиз. (*Анваржон ҳайрон.*) Униси бунисига халаки қилмайди. Нима, эртадан кечгача ҳаммаёкни сварка қиламан дейсизми? Бўш вақтингизда карғижжакни ҳам қўймайсиз. Эҳтимол менга ҳам ўргатарсиз. Билиб қўйсам зарар қилмас.

А н в а р ж о н. Бу гапингда ҳам жон бор.

З а м о н. Пул тушгач, танловларга ҳам қатнашсангиз бўлади.

А н в а р ж о н. Қанийди.

З а м о н. Чўзиб ўтираммизми. Қани, бошладик бўлмасам. Мана буни кийинг. (*Анваржонга фартук беради, ўзи комбинезон кияди.*) Йўлдош аканинг велосипедини тузатамиз. (*Велосипеднинг рамасини пайвандлашга тайёрлайди. Маскани кийиб юқорига кўтариб қўяди. Қўлқоп кияди.*) Оёғингиз тахта-

нинг устида турсин. Мана бу электрод. Кийиб олинг. *(Поччасига маска кийдиради.)*

А н в а р ж о н. Хеч нарса кўринмайди-ку.

З а м о н. Ҳозир кўринади. Токни улаймиз.

А н в а р ж о н. Урмайдими? Минг вольт бордир?

З а м о н. Кучланиш паст. Ток кучли. Юз ампер. Кўрқиш керак эмас. Хавфсизлик техникасига амал қилинса бўлди. Рама – нулевой. Электродни бир теккизиб оламиз. Товуқ дон чўкигандай. *(Учқунлар сачрайди. Анваржон чўчиб тушади.)* Кўркманг. Маска тушиб кетмасин. Тўғрилаб олинг. Бошладик. Қисқа туташув-да. Ёйни кўраяпсизми? Раманинг қизиганиничи? Температура ўн минг градус.

А н в а р ж о н. Ўн минг? Вой-бў-ў!

З а м о н. Зўр-а? Маска бўлмаса, кўзни ишдан чиқаради. Учқуни хавфли эмас. Электродни қиялатиб, ўзимизга тортамиз. Уста сваркачилар исталган томонга юрдираверади. Мана бундай. Машқ керак-да. Гижжак чалгандай. *(Кулишади.)* Кўриняптими? Зазор бир хил тутилса, чок текис чиқади.

А н в а р ж о н *(кулиб)*. Камон торга тегмаса, куй чикмайди.

З а м о н *(пайвандлашни тўхтатиб)*. Тўғри. Бу ерда тегса, ўчиб қолади. Музикачиларда... нима эди? Слухми?

А н в а р ж о н. Ҳа, самоё қобилияти.

З а м о н. Самоё қобилияти зўр бўлади-а? Сварканинг овозига диққат қилинг. Қоғоз йиртгандай. Овоз текис чиқаяптими – демак, сварканинг зўр бўлгани. *(Яна пайванд қилади. Сўнг маскани кўтаради.)* Кўрдингизми? Қийин жойи йўқ.

А н в а р ж о н. Келишдик, укажон.

З а м о н. Албатта-да.

А н в а р ж о н. Сен қачон ўргангансан?

З а м о н. Кўп бўлгани йўқ. Ишим тушганда Кўшоқвой акага чопардим. Кўпинча ичволиб “эртага кел” дер эди. Эртага борсангиз яна кайф – хуноб қилиб ташларди. Заказчиклар қараб турмайди-ю. Ўзим ўрганмасам бўлмайди, деб шогирд тушдим. Бир ойгача якин йўлатмаган. Бир кун ичгани пули қолмаган экан, шартта “ўргатсангиз олиб бераман”, дедим. Дарров кўна қолди. Ёшсан дейиш ҳам эсига келмади. Лекин қўлимдан уш-

лаб турарди. Ишонмасди-да. Бир кун кийин заказ тушиб колган экан, роса уринди. Отволган, кўли калтираб, ҳеч чиқара олмади. Яна томоқ хўллагани кириб кетувди, қайтгунича котириб кўйдим. Анграйиб колди. Мақтаняпти демайсиз-а?

А н в а р ж о н. Йўғ-э, нима деяпсан?

З а м о н. Уч кунга қолмай ўрганиб оласиз, ҳали.

А н в а р ж о н (яна айниб). Ўрганган билан қачон...

З а м о н. Нима “қачон”?

А н в а р ж о н. Ким ҳам менга буюртма берарди?

З а м о н. Шуям ташвишми? Ўзим буюртмачи бўламан.

Ойига йигирма мингдан тўлаб тураман.

А н в а р ж о н. Йигирма минг?

З а м о н. Биладан, оз. Ҳозирча-да. Ишимиз юришиб кетса, юз минггача топасиз.

А н в а р ж о н. Нима деяпсан, укажон? Ўн мингга ҳам розиман.

З а м о н. Келишдик, ўн беш минг. (Ёнидан пул чиқаради.) Мана, аванс.

А н в а р ж о н (ҳайрат билан). Ҳали... стипендия ҳам берасанми?

З а м о н. Бўмасам-чи. (Анваржон Замонни кучади. Кўтармоқчи бўлади. Гандираклар ўтириб қолишади.)

А н в а р ж о н. Зўр йигитсан-да.

З а ф а р. Сиз ҳам чакана эмассиз, билмайсиз, холос. (Қулогига бир нима шивирлайди. Кулишади.) Давом эттираминг. (Пайванд қила бошлашади. Тошмирза кириб келади. Таажжуб билан бирпас уларни кузатади.)

Т о ш м и р з а (пайванд ёруғидан кўзи қамашиб). Ҳой, ҳой, устаси фаранг. Бу яна нима ҳунар? (Анваржон билан Замон бош кўтаришади.) Уйга ўт кўйворма тағин.

З а м о н. Ўт кўймаймиз, дадажон. Хавфсизлик техникасига риоя қиламиз.

Т о ш м и р з а. Кеч бўлиб қолди. Кундузи қилсаларинг бўлмайдимми?

З а м о н. Анваржон акамга ўргатайпман. Қоронғида яхшироқ кўринади.

Т о ш м и р з а. Бу болага сира гап топиб бўлмади, бўлмади-да. Опанг қаерда?

З а м о н. Мактабда кўрувдим.

Т о ш м и р з а. Момонг-чи?

З а м о н. Билмадим. Келсам йўқ эканлар.

Пайвандлашни давом эттиришади. Тошмирза чирок ёқади. Сўрига бориб ўтиради. Ёнидан газета чиқариб ўқийди. Бироздан сўнг уни отиб юборади. Ҳовуридан тушиб яна олади. Ўғлини етаклаб Гулмира кириб келади. Ўғли бобосига чопади. Тошмирза тиззасига олиб ўтказади, канд беради. Гулмира хайрон бўлиб Анваржон билан Замонни кузатади.

З а м о н. Энди сиз тирсагимдан тутиб туринг. Бошладик. Қайтадан. *(Гулмира ўтиб Тошмирзага салом беради.)*

Т о ш м и р з а. Қаерда юрибсан?

Г у л м и р а. Ўзим.

Т о ш м и р з а. Нима “ўзим”? Ишдамидинг? *(Анваржон қулогини динг қилади.)*

Г у л м и р а. Ҳа... йўқ. Ишдан бўшадим.

Т о ш м и р з а *(енгил тортиб)*. Яхши қилибсан, қизим. Ўзингнинг ишинг тузук. Маоши оз бўлса ҳам беғалва. Чой кўйиб юбор.

Г у л м и р а. Ҳозир. Нима овқат қилай?

Т о ш м и р з а. Палов қила қол. Паловдан яхшиси борми. Ҳа, ойим қанилар?

Г у л м и р а. Тоғамникига кетувдилар. Келиб колсалар керак.

Ташқарида келиб тўхтаган автомобиль товуши. Тоймаснинг Момо билан хайрлашган овози. Дарвозадан Момо киради.

М о м о. Ассалому алайкум.

Т о ш м и р з а. Ҳорманг, ойи. Яхши бориб келдингизми?

М о м о. Ҳа. Толмасвой узоғимни яқин қилди, барака топгур. Ҳаммалари тинч. Салом айтишди.

Т о ш м и р з а. Саломат бўлишсин.

М о м о *(Учқун сачраганига қараб)*. Почча-қайни бошларини бир қилиб нима қилишяпти?

Т о ш м и р з а. Индаманг. *(Гулмира дастурхон ёзиб, чой олиб келади.)*

М о м о. Дастгоҳ оламан деб ҳавас қилиб юрувди, шуми?

Т о ш м и р з а. Шунақага ўхшайди.

М о м о. Отагинамдан айланай. Жуда нурафшон аслаҳа экан. Ёруғ таратишини кара-я.

Т о ш м и р з а. Ҳа, темирни темирга улайди. Бусиз ҳозир уй ҳам, кўприк ҳам қуриб бўлмайди.

М о м о. Шунақа дегин. Яратганга маъқул иш экан-да.

Т о ш м и р з а. Савобликка савоб-ку. Аммо анча-мунча турса керак. Ўзбошимча бир оғиз маслаҳат қилай ҳам демайди. Қайдан топиб берамиз, ҳайронман.

М о м о. Ташвиш чекма. Ўзида бор. Ўн икки ойдан бери йиғиб юрибди.

Т о ш м и р з а. Йиғиб юрибди?

Г у л м и р а. Орттириб-а?

А н в а р ж о н (*Момонинг овозини эшитиб, ўрнидан туради*). Ассалому алайкум.

З а м о н (*шодланиб*). Ассалому алайкум. Моможон, дадажон, мени табрикланглар. Сварка аппарати олдим. Крутой. Уч хил режимда ишлайдиган.

Т о ш м и р з а. Арзонроғидан олиб турсанг ҳам бўларди.

М о м о (*дуо қилади*). Дастгоҳ оламан дер эдинг, шуми?

З а м о н. Дастгоҳ кейин. Бу бошқа – пайванд қиладигани. Анвар акам ўрганадиган бўлдилар. Оилавий корхона очамиз.

М о м о. Боракалло. Йиккан пулинг етадимми?

З а м о н. Етади. Ҳозирча ярмини бериб тураман, колганини бўлиб-бўлиб узадиган бўлдим.

М о м о. Худо омадингни берсин, отатойим. Юр, пулларингни олиб берай. Обориб бериб қутулиб кўя қол.

З а м о н. Майли, дадамга берсангиз, санаб кўрсинлар.

Т о ш м и р з а. Тавба! Менга берганидан орттириб яна йиғиб ҳам юрган экан-да?

Г у л м и р а. Менга ҳам бериб турарди.

Т о ш м и р з а (*Газетани хонтахта устига ёяди*). Қани, санасак санайлик-чи. Олиб келинг, устаси фарангнинг хазинабон момоси.

Гулмира ошхонага ўтади. Момо хонасига киради. Чирокни ёқади. Калитни олиб сандикни очади. Тек туриб қолади. Хонадаги чирок бир ўчиб, бир ёна бошлайди, сўнг аста бутунлай сўнади.

Т о ш м и р з а. Қизим, кара-чи, момонгинг чироғи куйди, шекилли.

Гулмира киради. Чирокни ёқади. Аланглайди.

Г у л м и р а. Момо! *(Айвонга чиқади.)* Дада, чирок куймабди. Момом хонасида йўқлар. *(Чақиради.)* Момо! *(Ҳаяжонга тушади.)* Дада, момом кўринмаяптилар.

Т о ш м и р з а. Нима деяпсан, ҳозир кириб кетди-ку. Тузукрок кара.

Г у л м и р а. Вой, дада, торгина катакнинг нимасини қарайман. Момо! Қайдасиз? *(Гулмира бошқа хоналарга кириб чиқа бошлайди.)* Йўқлар.

Т о ш м и р з а. Ваҳима қилма. Қаёққа ҳам йўқоларди. Ойи! Овоз беринг, қаердасиз? *(Жимжитлик.)*

А н в а р ж о н *(бошини кўтариб)*. Тинчликми? Нима бўлди?

Г у л м и р а. Момом йўқлар.

З а м о н. Нега йўқ бўладилар?

Г у л м и р а. Пуллларингни олиб чиқаман деб хонасига кирган эканлар... Йўқлар. *(Ҳовлидаги чироқлар пасая бошлайди.)*

З а м о н. Момо, моможон! *(Чироқлар кескин ёруғлашади, сўнг бутунлай ўчади. Бола йиғлай бошлайди.)*

Т о ш м и р з а. Чирок ўлгурга нима бўлди, шу етмай турувди. Шам ёқ.

Анваржон закигалкасини ёқади, ўғлини кўлига олади. Гулмира иккита шам ёқади, бирини ўзи кўтаради, яна бирини дадасига тутқазади. Замон электр қўлчироғини топади. Момони излай бошлайдилар. Чакириқлар. Гулмира томошабинлар оралаб югуради.

Г у л м и р а. Момо, моможон, қаердасиз?

З а м о н *(йиғлагудай бўлиб, аммо қатъий)*. Момом қанилар?

Тошиб беринглар.

Дарвозадан Қори кириб келади.

Қ о р и. Тинчликми, партком? Ўтиб кетаётувдим, чироқлар ўчганига...

Т о ш м и р з а. Ҳа, тинчлик, тинчлик. (Замонга) Ҳой, пиқиллама.

Г у л м и р а, З а м о н. Момом йўқлар.

Қ о р и. Астағфуруллоҳ!

Т о ш м и р з а. Ваҳима қилманглар, деяпман-ку. Топилади. Авваллари ҳам бирдан ғойиб бўлиб қолардилар-у, кейин ўзлари эшикдан кириб келардилар.

Г у л м и р а. Уйдан чиқмаган бўлсалар, қайдан кириб келадилар?

Қ о р и. Адолат ая фариштадай, (осмонга ишора қилиб) етишиб қолган зот. Бирор нарсадан дили оғримаган бўсин-да, ишқилиб.

Т о ш м и р з а. Қайдан етиб кела қолди бу ғурбат?

Шамол эпкини ҳамма чироқларни ўчиради.

З а м о н (йигламсираб, ўтинч оҳангида). Моможон!

Момо оппоқ кийимда томда ўтирган ҳолда бирдан пайдо бўлади.

М о м о. Лаббай, отагинам.

З а м о н (Момони кўриб йигиси шодланиш билан қоришади). Момо, моможоним. Қаерда эдингиз? Роса изладик.

М о м о. Сайр қилгим келди-да, отам.

З а м о н. Кетиб қолмайсиз-а?

М о м о. Вой, отагинам-эй. Сени ташлаб кетишга кўнглим бўлармиди.

Г у л м и р а. Замон, ким билан гаплашаяпсан?

А н в а р ж о н. Момо билан, шекилли. Овозлари қулоғимга чалингандай бўляпти.

Қ о р и. Ё, Оллоҳ! Мен ҳам нафасларини сезаётгандайман.

Т о ш м и р з а. Чироққа нима бўлди, чироққа?

З а м о н. Тушинг, моможон.

М о м о. Қўй, болам. Менга ерда иш қолмаганга ўхшайди.

А н в а р ж о н. Ана, ана, эшитяпсизларми?

Г у л м и р а. Ҳа-я.

Қ о р и. Нафасларини аниқ сезяпман.

Т о ш м и р з а. Нима деяпсизлар? Қанақа овоз? Қанақа на-

фас? Бу бола алахсираяпти. Кўрқди. Онаси ўлганда ҳам шунақа жовлиб чикқан. (*Замоннинг пешонасини ушлаб кўради.*) Ўғлим, устаси фаранг, ўзингни бос. Момонг топилади.

З а м о н (*томни кўрсатиб*). Ана, ўтирибдилар-ку. Кўрмаяп-сизларми? Моможон!

Момо бироз кўтарилиб, узоклашади, овози эса пасайиб, юқоридан келаётгандай эшитила бошлайди.

М о м о. Ёшини яшаб қариб қолган момонгни кечир, отагинам. Пулларингни топа олмадим. Жойида йўқ.

Г у л м и р а (*ўзича*). Вой, ўлмасам! Тоймас!

З а м о н. Керакмас. Пул керакмас, момо.

Т о ш м и р з а. Ўғлим, Замон, Замонжон. Ҳой, сув беринглар. (*Гулмира сув беради. Тошмирза ўғлининг юзига сув сепди.*) Алахсираяпти. Иситмаси борга ўхшайди.

А н в а р ж о н. Алахсираётгани йўқ, ота. Момонинг овозини мен ҳам эшитяпман. Ана, ана, тингланг.

М о м о. Эрталаблари уйқудан қолиб, кичик ёшинг билан уриниб, тиришиб топган пулингни, тийинлаб йиққан сармоянгни саклаб беришга ярамади момонг. Кимдир олибдими, каламуш-паламуш кемириб кетибдими, билолмадим, оташерим.

З а м о н. Моможон, пул керакмас. Керакмас. Оқ сочингизнинг бир толасига ҳам арзимайди.

М о м о. Улуғ бобонг ҳам шундай фикр қилгувчи эди. Бор мол-мулкени неча марта тортиб олишди, ҳар сафар “пул йўқолса топилади, имон йўқолса топилмайди” дер эди. Сен унинг зурёдисан. Лекин қарзингни беришинг керак-да. Қарз ёмон. Олган дастгоҳингни қайтариб беришингни мен истамайман, отабегим.

З а м о н. Қайтармайман, моможон. Сўрайман. Қарз оламан. Албатта узаман.

М о м о. Яна кўпроқ ишлашингга тўғри келади энди. Яна камрок ухлайсан энди, отам.

З а м о н. Ишлайман, моможон, керак бўлса, кеча-ю кундуз ишлайман. Сиз бор бўлсангиз бўлди.

М о м о. Бу сенга боғлиқ, оташер. Йўлингдан қайтмайсанми?

З а м о н. Қайтмайман, моможон, сира ҳам қайтмайман.

М о м о. Баракалла. Завод қуришинг керак. Албатта қуришинг керак. Улуғ бобонг орзу қилган, фарангларникидан қолишмайдиган завод.

З а м о н. Қураман, албатта, қураман. (*Момо яна кўтарилиб узоқлашади, овози яна ҳам олисроқдан, пичирлагандай эшитилади.*)

М о м о. Сен ҳали ёшсан. Жуда ҳам ёшсан. Махкам бўл, оташерим, астойдил бўл. Ҳали сенинг бошингда қанча синовлар бор. Ўн икки ой жамғарганингнинг топилмагани – бу бошланиши, холосми, деб кўрқаман. Ҳали ҳақингга хиёнат қиладиганларга кўп йўлиқасан. Ҳали йўлингда минг турли тўсикқа дуч келасан. Фақат чекинма, сира ортга қайтма, узокни кўзла, улуғ мақсадларни ният қил. Қоқилсанг ҳам тур, йикилсанг ҳам тур, фақат доим олдинга интил.

З а м о н. Хўп, моможон.

Момо яна юкорирок кўтарилади. Овози энди самодан таралаётгандай.

З а м о н (*бор овози билан*). Момо!

М о м о. Мен доим сенинг ҳақингга дуода бўламан. Улуғ боболаринг руҳи қўлласин, худо ёрлақасин сени.

Осмонда юлдузлар фонида Момонинг юзи ёришиб туради.

Юқоридан таралаётган нур Замоннинг бошида қуюклашади.

П А Р Д А



Усмон АЗИМ

Ўзбекистон халқ шоири

(1950 йилда туғилган)

БИР ҚАДАМ ЙЎЛ

Драма

Иштирок этувчилар:

Ч о л – 70 ёшларда.

Ж ў р а – Чолнинг катта ўғли, 40-45 ёшларда.

С а о д а т – Жўранинг хотини, 40-45 ёшларда.

Ш о к и р – Чолнинг ўртанча ўғли, 40 ёшларда.

Б е ғ а м – Шокирнинг хотини, 40 ёшларда.

Қ о с и м – Чолнинг кенжа ўғли, 30 ёшларда.

С а л и м а – 25 ёшларда.

Э ш м а т о в

Б о л т а б о е в

У ч у в ч и

I

Тонг чоғи. Саранжом-саришта ҳовли. Дабдабали эмас, лекин ҳамма нарса жойида эканлигиданми, ораста. Чап томонда кўча эшиги. Рўбарўда яна иккита эшик. Уларнинг биридан чолнинг хонасига кирилади. Уйнинг кенг айвонидаги столда телефон. Ўнг томондаги дарчадан бокка ўтилади. Ҳовлидаги дарахт тагига ёғоч каравот қўйилган. Каравотда бемор учун ўрин тўшалган. Қўш-қўш ёстиклар қўйилган. Сентябрь ойининг бошлари. Боғлардаги турфа дарахтлар девор оша тошиб ҳовлига энгашиб турибди. Айвонда Чол ва Қосим намоз ўқишяпти. Юзларига дуо тортиб бўлишгач, Қосим ўрnidан туриб, айвондан туша бошлайди.

Чол (ҳали ўрнидан қўзғалмаган). Қосим. (Қосим тўхтади.)
Йўл бўлсин?

Қ о с и м. Масжидга.

Ч о л. Мен касал билан бўлиб чиколмай қолдим. Устини
ёпиб олдиларингми?

Қ о с и м. Ёпиб олдик.

Ч о л. Мендан мулла Раҳматуллага салом айт.

Қ о с и м. Салом айтмайман.

Ч о л. Нимага?

Қ о с и м. Толибонларни мақтайди.

Ч о л. Ким улар?

Қ о с и м. Афғонистонда уришаётганлардан.

Ч о л. Бир хаёли кетиб мақтаган-да.

Қ о с и м. Уруш қўзғаганларни мақтаб бўлмайди.

Ч о л. Пайғамбаримиз ҳам уришганлар.

Қ о с и м. “Мен ҳақ” деб жанг қилмоқ учун пайғамбарларча
ҳақиқатни билмоқ керак.

Ч о л. Кечиримли бўл.

Қ о с и м. Хўп. Фақат айтиб қўяй, художўйларингизнинг
кўпи менга ёкмайди.

Ч о л. Художўйлар сенга нима қилди?

Қ о с и м. Менга ҳеч нарса қилолмайди. Эшагим бу дунё-
нинг сувларидан қарийб ўтиб бўлган.

Ч о л. Болам, оғзингга келган ҳар хил гапни тонг саҳардан
гапираверма. Яхши ният қил.

Қ о с и м. Парвардигорга таъмасиз кўнгили бермоқ керак.
Буларнинг кўплари дўконга кириб қолган одамга ўхшайдилар.
Мен сенга тоат-ибодат қиламан, сен жаннатингдан бер.

Ч о л. Кўнглингни кенг қил.

Қ о с и м. Ота, кўнглим кенг. Жуда кенг. Ичида шундай кат-
та дардлар ётибдики, айтсам...

Ч о л. Айт, болам, айт. Менга айт. Отанга айтмасанг, ким-
га айтасан. (Сукунат.) Болам, йўли йўқ одамдай гарангсиб
юрибсан. Мени сезмайди деб ўйлайсанми? Йўл топиш учун
ҳаракат қилиш керак. Кейин тихирлик қилаверма, пешонага
ёзилгани бўлади. Салима билан ораларингдан нимаики ёмон

гап ўтган бўлса, унутиш лозим. Аёл боши билан орқангдан эргашиб юрибди. Унга бир аниқ гапингни айт. Жоним болам, уйланмасанг, уят ҳам бўлиб кетди. Афғондан келганингдан буён жонсараксан, бир тўхтамга кел. Салиманинг отаси Чорибой билан деворма-девор ҳамсоя бўлсак. Бир тайин гапингни айтсанг, ҳозир ўзим Чорибой билан тўйнинг маслаҳатини қилиб чиқаман. Чорибойнинг уйи, ана, бир қадам йўл. Қизнинг номуси ёмон бўлади, болам. Чорибойнинг суягига пичок қадалиб юрибди. Сен – мўмин-мусулмон йигитсан.

Қ о с и м. Хўп. Яна бир гапим бор.

Ч о л. Гапир. Ҳаммасини гапир, болам.

Қ о с и м. Акам кеча анаву милисани – Болтабоевни меҳмонга чакираман деди. У милиса уйимизга келмасин.

Ч о л. Ҳали мен тирик эканман, болам, бу уй ҳаммаларингнинг уйларинг! Шоқиржонинг ҳам уйи.

Қ о с и м. Барибир! У одам келмасин.

У чиқиб кетади. Чол хонасига қиради. Боғдан бўйнига сочик ташлаб Жўра чиқади. Саодаг ошхонадан нонушга олиб қиради. Жўранинг олдига кўяди-да, эрига бир пиёла чой узатгач, устунга суяниб, қаршисида тик туради.

С а о д а т. Олинг.

Ж ў р а. Раҳмат.

Сукунат.

С а о д а т. Бугун бозордан у-бу нарса олиш керак, шекилли.

Ж ў р а. Нима олиш керак?

С а о д а т. Меҳмонлар келган. Меҳмонларга нима лозим бўлса-да.

Ж ў р а. Бўпти. Шофёр келиб, ташлаб кетади.

С а о д а т. Тошкентга, болаларга ҳам бироз пул жўнатиш лозим.

Ж ў р а. Пулинг бўлса, жўнатавер.

С а о д а т. Мен борини қоқиб, дўкондан уну ёғ олдим.

Ж ў р а. Яхши қилибсан. Аммо менда пул йўк.

С а о д а т. Шоқиржон Чаганадан борса, қўлига қарашади.

“Отанг бериб юборди”, деса, хурсанд бўлишарди-да.



Ж ў р а. Менда пул йўқ. Бўлса жўнатармиз.

С а о д а т. Нега пулингиз йўқ? Пулингиз йўқ бўлса, айб ўзингиз-да, ношудсиз. Ким айтади сизни колхоз раиси деб! Орқангиздан ҳамма кулиб юрибди. Латифа ҳам тўқишган. “Жўра раис-Марксдан ҳам ўтган” деб.

Ж ў р а. Қандай қилиб Марксдан ўтган эканман?

С а о д а т. Маркс ҳам Энгельсдан олган экан, сиз эса ҳеч кимдан олмас эмишсиз!

Ж ў р а. Э, лақиллама!

С а о д а т. Болалар Шоқиржонни қўлига қараб қолмасин дейман-да.

Ж ў р а. Эрталабдан бўғзимдан оласан. Майли, кечгача бирор иложини топармиз. (*Сукунат.*) Отам анча тузуқлар.

С а о д а т. Нимасини айтасиз! Самарқандга борадиган бўлганларидан кейин, чехралари бирам ёришди. Чой қуйиб берайми?

Ж ў р а. Шошма, ўтир.

Сукунат.

С а о д а т. Гапингиз борми?

Ж ў р а. Ҳа.

Сукунат.

С а о д а т. Айтинг.

Ж ў р а. Сен мендан хафа эмасмисан?

С а о д а т. Сиздан? Нега хафа бўлай?

Ж ў р а. Мендан хафа бўлма.

С а о д а т. Айтдим-ку.

Ж ў р а. Сен яхши аёлсан.

С а о д а т. Сиз ҳам яхшисиз.

Ж ў р а. Йиғлама. Йиғламасанг-чи!..

С а о д а т. Йиғламаяпман. (*Ўзини босиб*) Бошқа гапингиз йўқми?

Ж ў р а. Майли.

Телефон жиринглайди. Жўра телефонни олади. Ичкаридан Шоқир отилиб чиқади. Уни телефон кўнғироғининг овози уйқудан уйғотгани шундоқ сезилиб турибди.

Ж ў р а. Алло! Ким? Ассаломалайкум. Ҳа, ўзимман.

Ш о к и р (*ҳовлиқиб*). Кимни сўрашаяпти?

Ж ў р а. Мени. Мени. Алло, гапираверинг!.. Топширик бор? Айтаверинг, топшириқдан бошқа нарса йўклигига кўникиб қолганмиз. Хўш. Хўш. Хўш. Каллаларинг борми? Шу етмай турувди!.. Биз ҳаммамиз у ерда кун бўйи бўлсак, ишни ким қилади?. Бормайман! Кўрқитма!.. Билганингни кил! Бормайман!

Ш о к и р. Янга, менга кечаси ҳеч ким телефон қилмадимми?.. (*Саодат боши билан “йўқ” ишора бериб, оишхонага қараб кетади.*) Ака, ким билан тонгдан уришяпсиз?

Ж ў р а. Ҳоқимиятдан биттаси. Бугун туманда алламбало кўшиқ танлови ўтказилади, шунга туманнинг юз фоиз раҳбарлари иштирок этиши зарур эмиш. Пахта теришни бошлай деб турган пайтимиз. Яна “бу – сиёсат” деб кўрқитмоқчи-я!.. Кўркиб бўлганман. Московдан бир Гдлян дегани келиб, роса олти ой подвалга қамаб, кўрқитмоқчи бўлган эди. Кўрки-толмаган!

Ш о к и р. Гапни ўролини гапирдингиз! Ҳеч кимдан кўркманг! Сизларни кўрқитмоқчи бўлганни онасини Учқўрғондан кўрсатаман

Ж ў р а. Мен фақат худодан кўрқаман. Учқўрғонни эса ишбилармонлар учун куриб оласизлар. Менинг атрофимда ундай жой йўқ.

Ш о к и р. Ҳеч кимдан кўркмайсизми?

Ж ў р а. Жамоа хўжалигимизни шу йилнинг ўзида етти марта текширтиришди. Менга ёпиштиришга бир чанг топишолмади. Умидвор бўлиб ликиллаб кўришди. Бир тийин бермадим. Менинг принципим бор. Ҳаромхўрларга бир тийин ҳам бермайман!

Ш о к и р. Ўзингиз ҳам бир тийин емайсиз.

Ж ў р а. Емайман.

Ш о к и р. Бу тартибда ишлашингизда жамоа хўжалигидаги одамлар қочиб кетишгандир?

Ж ў р а. Менга маош белгиланган. Кейин, ука, ҳамманинг ўзининг қисмати бор. Мана, сен йигирма йил йўқ бўлиб кетдинг. Қариндош-уруғдан кечиб, ўзингга бир йўл излагандирсан-да!



Билишимча, топибсан ҳам! Московда бир уйинг бор, айтингча, хорижда ҳам ҳовлинг бор эмиш. Тошкентга келиб-кетарга бир уй қилиб қўйибсан.

Ш о к и р. Ака, мен бу кишлоқдан “бой бўлмасам, қайтмайман”, деб чиқиб кетганман. Бой бўлдим – қайтиб келдим. Бечорачиликнинг қамокдан фарқи йўқ. Ягона озодлик бор – пул. Мен пулга қулликка ёлланганларни ҳурмат қилмайман. Пул инсоннинг хизматкори бўлмоғи керак. Кечирасизу, ака, сизда ана шу хизматкорлардан жуда камчил. Мен хўжалигингиздаги пулларни айтаётганим йўқ. У кўпники. Ўзингизнинг шахсий хизматкорларингиз бўлиши шарт. Айниқса, Америкадан келган кўк хизматкорлар кўп бўлса, ундан ҳам яхши.

Ж ў р а. Мен эскича одамман. Ҳар ҳолда халққа, Ватанга хизмат қилиш керак деб ўйлайман. Бир одамнинг умри эса, очми, тўкми ўтади. Кўпчилик тирикчилик ташвишида изғиган ҳозирги шароитда эса, кекириб яшаш – уят!

Ш о к и р. Коммунизмни илк бор сизга ўхшаган уятчанлар орзу қилганлар, ака! Оқибати нима бўлганини кўрдингиз. Аввал кекирганларни отишди, сўнг “отма” деганларни йўқ қилишди. Кейин бир-бирларини камашди. Ортиқча фаришта ролига киришиб кетиш – аҳмоқликнинг ўзи! Сиз фариштасиз, аммо янгам чўрилигингизни қияпти, фарзандларингиз қийналяпти. Ўзи ҳаётни тушунмайдиган бефаҳм одамсиз, ака! Ҳозир бирламчи сармоя йиғиш даври келяпти. Эрта-индин сиз яратган умумхалқ мулкани пулдорлар таг-туғи билан сотиб олиб қўяди. Юрасиз кейин бир пулдорнинг қошу ковоғига қараб. Сиз-ку майли, аммо фарзандларингиз ҳам отасининг бугунги фаришталиги эвазига бировнинг хизматини қилиб ўтадилар. Сиз туфайли, сизнинг “халқ” деган аҳмоқона хомхалларингиз туфайли улар қайсидир бир бойваччага хизматкор бўлишади! Тушунинг, бугун ким бой бўлишга улгуриб қолса, марра ўшаники.

Ж ў р а. Бугунги ўзгаришлар бировни бой, бировни камбағал қилиш учун бўлаётганига мени ҳеч қачон ишонтиролмайсан. Ислоҳотларнинг манфаати бир кунмас-бир кун барчага баробар тегади. Мана бу йил – “Инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинганидан ўзинг хабардорсан.

Ш о к и р. Ака, сиз ва сизга ўхшаганлар манфаат ҳам кўр-масдан ўлиб кетасизлар. Кўзингизни каттароқ очиб қаранг! Катталар ҳам, кичикроқ укағар ҳам йўлини қилиб, молу давлат орттириш билан овора. Қанчаси хориждаги банкларига ақчаларини жойлаб қўйгани менга маълум! Халқни ким ўйла-япти? Тепада ҳам, пастда ҳам икки-уч Дон Кихотнинг пешо-насигина “хақу халқ” деб тиришган, холос! Ака! Бу мамлакат-нинг идоралари пора териб оладиган мосламага ўхшаб қолган.

Ж ў р а (*бирдан бақириб*). Сен менга маҳмадоналик қилма! Мени кўр деб ўйлайсанми? Мана, кўзим очик! Ҳаммасини кўриб турибман! Аммо бу одамларни ким ўйлайди? Сенми? Ўзинг отангдан йигирма йилда бир хабар олдинг! Шундан буён ҳар йил бир зипиллаб келиб, зипиллаб кетасан. Мамлакатни поражўр қилган менми? Сенлар-ку! “Фалончини сотиб олдим”, дейиш учун ҳам пул тикиштирасанлар! Одамларни ночорлиги-дан фойдаланиб, ҳамма нарсани нархлаб бўлдиларинг! Ор ҳам, номус ҳам, Ватан ҳам, халқ ҳам сотиладиган бўлди.

Ш о к и р. Ака, “Муштум” журнали ҳозир ҳам чиқадими?

Ж ў р а. Кўзим бир тушган эди. Нима эди?

Ш о к и р. Ўша журналга сизни муҳаррирликка жўнатиш керак.

Кулишадилар.

Ж ў р а. Ростини айтсам, ука, сендан хурсандман. Отам-ни Самарқандга зиёратга олиб бормоқчи бўлганинг зўр иш бўлди-да! (*Тўсатдан*) Самарқандга бормаганимга йигирма йил бўлибди. Институтни битирганимдан кейин кўрганим йўқ.

Ш о к и р. Йўлингизнинг усти, бир кўшиш қилсангиз, ту-шиб ўтасиз.

Ж ў р а. Боролмайман-да. Мен талабалик чоғимда Самар-қандда бировни яхши кўрганман. (*Ҳаяжонланиб*) Бир шахсий илтимос бор. Самарқандга борсанг, уни бир бориб кўр, туриб-дими.

Ш о к и р. Тушунаман. Бизнинг зотимизни ўзи худо урган! Бировни яхши кўрса, жони чиққунича яхши кўради.

Ж ў р а. Уни биринчи бор ўша қайрағочнинг тагида кўргандим. Охирги марта ҳам ўша жойда кўрдим. Эри билан машиналарида ўтиб кетишди. Ичим куйиб кетди. Шундан буён Самарқандга боролмайман. Борсам, сен айтгандек, жоним чиқиб кетадигандай туюлади.

Ш о к и р. Кечадан буён акам билан нимамиз ўхшайди деб ўйлаб тополмаётган эдим. Топдим. Сиз Самарқандга боролмайсиз. Мен эса... Мен ҳам ўзимнинг Самарқандимга боролмайман. Ака, Самарқандим мени ёмон кўради. Мен уни тавоф қилавераман, тавоф қилавераман, у нима қилаяпсан ҳам демайди.

Ж ў р а. Нима деганингни тушунмадим. Бугун меҳмонлар келадими?

Ш о к и р. Ҳа.

Ж ў р а. Кимлар келади?

Ш о к и р. Ҳожим билан милисанинг бошлиғи.

Ж ў р а (*ижирганиб*). Шулар билан олди-берди қилмасанг бўларди. Иккови ҳам ўтирган жойини бозор қилган муттаҳамлар. Ўткинчи одамлар.

Ш о к и р. Ака, биз ишбилармонлар одам танлаймиз. Заурият юзасидан гаплашаверамиз.

Шу пайт Шофёр киради.

Ш о ф ё р. Ассалому алайкум! Раис бобо, хизматга келдик. Тайёرمىсиз? Кетдикми?

Ж ў р а. Кетдик. Тикка Қўшқамарга жўнаймиз.

Ш о ф ё р. Идорага бир кирмасак бўлмайди, раис. Икки-уч одам зориллаб ўтирибди.

Ж ў р а. Нима ишлари бор экан?

Ш о ф ё р. Бировига пул керак экан, бировига ун. Салим кайнотасининг худойисини ўтказмоқчи экан. У ҳам шу ерда айланиб юрибди. “Қуп-курукман. Раис ёрдам бермаса, эл олдида шарманда бўламан”, дейди. Кечаги тентак бригадир ҳам кепти. “Икки йиллик ҳақимизни бергани йўқ. Агар ҳисобкитоб қилмаса, пахтани тердирмасдан, шудгорлатиб ташлайман”, деб бакираяпти.

II

Ҳовли. Саодат гоҳ пакир кўтариб, гоҳ супурги кўтариб у-бу ишни килиб юрибди. Кўча эшигидан югуриб Беғам киради. Кўлида бир даста кийикўт. У шашт билан бориб негадир телефон трубкасини кўтаради. Сўнг оҳиста жойига қўяди. Ичкаридан Саодат чиқади.

С а о д а т. Беғамхон, қўлингиздаги нима?

Б е ғ а м. Кийикўти, опагон, кийикўти. Бир хидлаб кўринг. Жаннатнинг хидидай!

С а о д а т (ҳидлаб кўриб). Рост айтасиз. Қаердан топдингиз, Беғамхон, бу атрофда битмасди-ку?

Б е ғ а м. Тоғнинг этагидан.

С а о д а т. Эринмаган овсиним-эй! Шундан-шунга бордингизми? Шаҳарликка ҳам ўхшамайсиз.

Б е ғ а м. Азонда жўнадим-да. Келиш эса осон – эниш. Қандай келганимни ҳам билмай қолдим.

С а о д а т. Биз шу ерда яшаб, шу кийикўтини теришга ҳам кунтимиз йўқ. Ҳозир ҳам кийикўти бор эканми? Бу пайтда молнинг жазридан тоғда бир хас қолмасди.

Б е ғ а м. Қидириб-қидириб топдим, опагон. Бир харсангнинг тагида шундай улуғлаб турибди.

С а о д а т. Антика аёлсиз-да, Беғамхон.

Б е ғ а м. Бобом хурсанд бўладилар.

С а о д а т. Кийикўтисиз ҳам хурсанд бўладилар! Самаркандга борадиган бўлиб турибдилар-ку.

Б е ғ а м. Тонгда ховлига чиксам, айвонда кушдай бўлиб ўтирибдилар. Галасидан ажралиб қолган кушдай. “Беғам, яна бир ёз ўтди-я”, дедилар. “Ўтди”, дедим. Қариликнинг ҳам бир армони бўлса керак-да, опагон, у кишига қараб юракларим эзилиб кетди. Кейин ўзлари билан ўзлари гаплашаётгандай: “Баҳор ўтибди, ёз ўтибди, шу йил кийикўтини ҳам хидламабман-а”, дедилар.

С а о д а т. Вой, Беғамхон-эй, омон бўлгур-эй. Кийикўти десалар, тоққа қараб чоғиб кетавердингизми? Тошкентдан ўзи ҳориб келган бўлсангиз. Тошкентлик келинга ўхшаб меҳмон бўлиб ўтирмайсизми? Ким айтади сизни Шокирбойваччанинг хотини деб!

Б е ғ а м. Бу ерларни яхши кўраман, опа. Куз кириб қолибди. Қирлар бирам хувиллаган. Тоғлар нима қиларини билмай гарнгираб турганга ўхшайди. Вой, опажон, тоғлар ғарибга ўхшаб кўринди кўзимга.

С а о д а т. Ўлманг, Беғамхон! Аллатовур гапларни айтасиз. Акангизнинг Афғон укалари ҳам шунақа гапларни кўп гапирадилар. Икковларинг тус ўхшайсизлар.

Сукунат.

Б е ғ а м (*шунчаки сўраётгандай*). Опа, телефон бўлмадимми?

С а о д а т. Бўлди. Сизларни раис сўрадилар. У кишининг шунақа ишлари кўп. Меҳмонлар билан ўтиришга ҳам вақт тополмайдилар. Рўзгорлари бўлса мана бу. Ўтни сувга уриб, сувни ўтга уравериб ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим. Шунча йил директорлик қилиб, раислик қилиб, уйга бир хас кўтариб келмаганлар. Иккита ўғиллари, ана, Тошкентда ўқишяпти. Шокиржон бўлмаса, сиз бўлмасангиз, шаҳри гулгулада болаларим, билмадим, кунларини қандай ўтказишарди? Қайнакангиз бўлса, ойлигини олиб келади, бўлди. Бир гап айтсанг, осмон ерга ўйилиб тушгандай сапчиб кетади. Ҳамма ҳалол ўлиб, дунёда бу киши қолганлар. Илгари “коммунистик виждонларини” рўқач қилардилар. Кўрдик, бу кишидан бошқа битта ҳам коммунист йўқ экан бу мамлакатда! Энди эса “Ваган” деб жонлари ҳалак. Кеча-ю кундуз югурганлари-югурган. Ана, ҳоким билан милисанинг бошлиғи Шокиржон билан бамайлихотир базм қилиб ўтиришибди. Бу киши бир коса ёвғонларини ҳам шошиб ичадилар. Бунни устига, катталар билан тортишганларини айтмайсиз. Рангларига қаранг, ичида ўт ёнгандай чурқаб кетган. Сочларида битта кораси йўқ. Бир очилиб қулганларини билмайман. (*Йиғлайди.*)

Б е ғ а м (*Саодатни бағрига босиб*). Йиғламанг. Опа, эрингиз ноёб одам. У кишидай одамлар бу дунёда жуда кам. Ўзи дунё юкини елкасига ортмоқлашни тақдир пешонасига ёзган одамлар бўлар экан, опажон.

С а о д а т. Ким билсин! Шу ерга келин бўлиб тушибманки, бир зум тинмайман. Нон ёпган ҳам мен, кир ювган ҳам мен.

Итда тиним бор, менда тиним йўк. Ана, ўнта қорамолни, йигирмата кўйни бўрдокига боқаяпман. Ким учун? Раис ҳолига бировдан кам бўлмасин дейман. Бу киши бўлса, биргадир-миргадириларга айтиб келтирганим емиш-пемишга ҳам, менадан яширин идоралари билан ҳисоб-китоб қилар эканлар. Билмадим, фаришта бўлиб осмонга чиқиб кетмоқчиларми? Менинг эса, бу уйнинг чўрилигини қилавериб, кўлларим тараша бўлиб кетган. Қаранг! Кечалари суякларим зиркирайди. Қисматим шунча шўр бўладими? Дўзахда яшаётгандайман. (Яна тўлиқиб, гандан тўхтайди.)

Б е ғ а м. Опажон, ҳамманинг бу дунёда ўз дўзахи бор. Тавба қилинг! Худо денг!

С а о д а т. Қайнатамга қараб туриб ўйлайман, хотин бошим билан аъмолим шу кишининг тақдирига ўхшади. Умр бўйи “Самарқанд, Самарқанд” деб орзу қилиб ўтдилар. Самарқанд дунёнинг бир четидаги шаҳар эмас-ку! Бир кадам йўл. Ташвишлардан қутулиб, ҳозиргача Самарқандга борганлари йўк. Тоблари қочгандан буён-ку, оғизларидан тушмайди. Кўрмаган Самарқандларини баъзан менга ҳикоя қилиб ўлтирадилар. Кимсан, фалончиларнинг отаси бўлсалар.

Б е ғ а м. Худо хоҳласа, энди кўрадилар. Шокиржон қайнағангиз атайлаб келганлар. Овга чиқиб қайтиб келганларидан кейин, бобомни олиб Самарқандга борамиз. Тўйгунларича томоша қиладилар. Шокиржон айтганини бажарадиган одам, опажон. Кейин биз Тошкентга ўтиб кетамиз. Бобом хоҳласалар, биз билан кетадилар, истамасалар, машинада бир зумда қайтариб ташлаб кетамиз. Ҳозирги машиналар олдида, Самарқанд, айтганингиздай, бир кадам йўл.

Телефон жириглайди. Беғам тахликада чўчиб тушади. Сўнг Саодатдан ўзиб, телефон трубкасини кўтаради.

Б е ғ а м. Алло! Алло. Қўйиб қўйди. (Бир яширин хавотирни ошқор этгудек ҳаракатда ўтириб қолади.) Опажон, соат неча бўлди?

С а о д а т. Ўн бир.

Б е ғ а м. Ҳеч ким телефон қилмадимми? Балки эшитмагандирсиз?

С а о д а т. Эшиттирмасдан кўядими! Бир жирингласа, ховлини бошига кўтаради. Беғамхон, шундай дам олгани келганларингизда, ҳамма телефон-мелифонни шаҳарга ташлаб келмайсизми? Шўрлик милиса бошлиғи Болтабоев ҳам ҳар соатда чикиб, телефончи кизлардан сўраб турибди.

Б е ғ а м (*кулишга уриниб*). Шахарликларнинг одати, опа-жон, телефон бўлмаса, кўнглимиз жойига тушмайди. (*Кўлидаги кийикўтига кўзи тушиб*) Вой, бобомга олиб келгандим-ку!.

Чолнинг хонасига караб юради.

III

Чолнинг боғи. Ниҳоятда чиройли бир тарзда тартиб берилган анвойи боғ. Боғни яхши кўрадиган одамнинг қўли текканлиги кўриниб турибди. Ҳовуз бўйида стол безатилган. Мебеллар жуда янги – атайлаб шу учун олиб келинган билиниб турибди. Стол шаҳардан келтирилган ва шаҳарликлар қишлоққа келганда кўнгли тусайдиган нозу неъматлар билан безатилган. Оппок фартук кийган ошпаз йигит хизматда. Дастурхон безашига қараганда, у катта шаҳарлару катта базмлар расм-русумларига қатъий риоя қилиши кўриниб турибди. У бу базм давомида гап-сўзсиз ва фақат Шокирнинг имоси билан хизмат қилади. Столнинг атрофидаги янги креслода Шокир милтиқ тозалаб ўтирибди. Эшмаматов билан Болтабоев меҳмону мезбонлик ўртасидаги бир ҳолатда базмда иштирок этиптилар.

Ш о к и р. Бир милтиқли бўлиш орзумиз бор эди. Йигитлар Англиядан келтиришди. У ерда ҳар хил клублар қадимдан расм бўлган. Овчи лордлар клубидан йигирма минг фунт стерлингга сотиб олдик. Эшмаматов, лордлар кимлигини биласизми?

Э ш м а м а т о в. Лордлар... бу....

Ш о к и р. Болтабоев, сен билмаган гап йўк. Лордлардан ҳам хабаринг бордир?

Б о л т а б о е в. Лордларданми? Биламан.

Ш о к и р. Йўк билмайсан, укағарди ули. Умрингда каллангни ишлатмагансан, Болтабоев. Ўриснинг замонида “Есть” дегансан, ўсгансан, ҳозир эса тўхтовсиз “хўп” дейсан – истанингга эришяпсан. Бошқа нимани биласан? Ҳозир “китоб топиб кел” деб буюрай, топиб келолмайсан, чунки китобни кўрмагансан. Газетани эса орқангни артиб турганинг учунгина билсанг керак. Э сен орқангни ҳам артмайсан.

Э ш м а м а т о в (*гапнинг мавзусини буришга ҳаракат қилиб*). Зато, бу киши яхши дўст.

Ш о к и р. Эшмаматов ака, ўзингиздан қолар гап йўқ. Пулдан олди-бердиси бор одамлар бир-бирига ҳеч қачон дўст бўлишмайди. Мана, сиз ҳокимсиз, эртага ишдан бўшанг, ҳозир чўнтагингизга пора солиб ўтирганлар эртага сизни танимаганга солиб ўтадилар. Чунки улар аллақачон янги ҳокимнинг “киёматли дўсти”га айланганлар. Агар пулингиз кўп бўлса, бошқа гап. Ҳа, айтгандай пулингиз бор. Бу каламушлардан сиз кўркмасангиз ҳам бўлади.

Э ш м а м а т о в. Бизда пул нима қилсин! Бор бойлигимиз – ўзингиз билан ҳамкорликда топган беш-тўрт сўм.

Ш о к и р. Камтарга камол! Сиз ҳам ўласиз. (*Сукунат*) Овга ҳам кечикиб кетаяпмиз. Болтабоев, милтиқни қара!

Б о л т а б о е в (*милтиқни букиб қарайди. Сўнг атрофдаги нималарнидир мўлжалга олиб чақитиб кўради*). Бешотар! Зўр! Бу билан қобон овига чикса кийратади!

Ш о к и р. Чўчкаҳўр! Овга кечикаяпмиз.

Б о л т а б о е в. Тоғ, ана, қочиб кетгани йўқ. Бир қадам йўл.

Ш о к и р. Шу бир қадам йўлни йигирма етти йилдан бери босиб ўтолмайман. Йигирма етти йилдан бери овга чиксам дейман. Мамади кал деган бир база мудури бўлгучи эди. Шунинг Толик деган ўғли мени эргаштириб овга олиб чиқарди. Оти Тўлқин бўлса керагу ўрисча ўқигани учунми, ҳамма – ҳатто отаси ҳам Толик дерди. Милтиғини қошки бир отишга берса деб, югургилаб хизматини қилардим. Эшагини орқасидан ҳайдаб, юқини кўтариб, сойма-сой, қирма-қир халиқлаб юрардим. Барибир милтиғини бермасди энағар. Кечалари худодан бир милтиқ сўраб, ухлай олмай чикқанларим бор. Худо насиб қилиб, милтиқ олсам, шу укағарни бир овга олиб чиқмоқчи эдим-да! Милтиқ қайда дейсиз! Отамизнинг топгани рўзғорга етмаса. Ўшанда “бой бўламан” деб қасам ичганман. Ўлай агар, шу бола менга милтиғини бир отишга бермагани умр бўйи алам қилди. Болтабоев, бор! Менинг “Мерседес”имга ўтир-да, Толикни машинага босиб олиб кел! Президентлар ўтирадиган машинада бир юриб кўрсин! Ов қандай бўлишини

укағарга кўрсатиб кўяй! Милтикни укағарни ўзига бераман – хоҳлаганича отсин. Нимага қакқайиб турибсан? Бор!

Б о л т а б о е в. Толик... йўк.

Ш о к и р. Сени мелиса бошлиғи қилганнинг падарига минг лаънат! Осмонга чиқса оёғидан, ерга кирса кулоғидан тортиб келмайсанми? Ё КГБдан олган эски таълимларинг эсдан чикиб кетдимми?

Б о л т а б о е в. Йўк одамни қаердан топаман?

Ш о к и р. Нима, бунча хотинга ўхшаб минғирлайсан? Агар ҳозир ўрнингдан кўзғалмасанг оғзингдан отаман! Ё биз беҳабар, у шунақа ҳеч кимни писанд қилмайдиган зўр бўлиб кетганми? Мен унақа зўрлар юзтасини ғижимланган қоғоз қилиб орқамни артаман! Бор деяпман!

Болтабоев довдираб ўрнидан кўзғалади.

Э ш м а м а т о в. Шокиржон, ҳақиқатан ҳам Толик йўқолди. Кеча кўп қаторига кўшдик.

Ш о к и р. Нима?! Ўлдими?

Э ш м а м а т о в. Ўзингиз биласиз, Шокиржон, замона қаттик. Ҳаётимизни тубдан ўзгартириш лозим бўлган ислохотлар ўз-ўзидан қурбонсиз амалга ошмайди.

Ш о к и р. Э, фалсафага бало борми! Нимага ўлади? Мен у билан овга чиқмоқчи эдим. Кеча ўлдими? Бир ҳафта олдин келай деб, қанча йўлга отлангандим-а! Кўнглим сезган экан. Бир армонимга етай деб турганимда... Нимага ўлади?!

Э ш м а м а т о в. Толик ишлайдиган идора янги шароитга мослашолмасдан тарқаб кетди. Ишсиз қолди. Ҳаракат қилдик, аммо ишсизлар муаммоси бир-икки кунлик эмас-да. Хуллас, айтишларича. *(Болтабоевга)* Абдуқаҳҳор Жабборович, сиз гапиринг, сиз текшириш олиб боргансиз.

Ш о к и р. Эшмаматов! Ака, шу пайт “вич-вич”ламай туринг! Болтабоев! Онанг анқовсираб туққанми? Гапир-э!

Б о л т а б о е в. Бола-чақаси сал қийналиб қолган, шекилли, кўшнилардан нон сўраб чиқиш зарурати туғилган. Бола-чақаси “Сўрайвериб, кўшниларни юзига қарай олмай қолдик”, деб туриб олишган дейишади. Толик хотинини бир шапалок

уриб, аччик билан ўзи кўшниларникига чиккан. Эшикни кўшнининг хотини очган. Толик кўшни хотинга илтимосини айтиб-айтмас, ранги оқаргану дарвозага суянган. Кўшни хотин сув олиб келгунча, жон берган экан. Э, одамнинг умри шу. Парвардигорга омонатни қачон топширади, билмайди.

Ш о к и р. Ўзингга ярашадиган ишни қил! Шайтондан бошқа ҳеч кимни танимайдиган одам Парвардигордан гапириб турса, одамнинг гаши келаркан. Болтабоев! Бу ерда ўлтирган ҳаммамиз муттаҳаммиз! Агар яна иккиюзламачилик қилиб, Парвардигор хақида валдирасанг, ҳар бир ёлгон гапинг учун улушингдан чегириб қоламан. Бизнинг ишни дўзахни бўйнига олганлар қилади. Индамасанг, ўғирлик қилиб, ҳажга ҳам бориб келаяпти булар, масжид ҳам курдираяпти. Толикнинг болалари борми?

Б о л т а б о е в. Саккизта бўлса кераг-ов.

Ш о к и р (чўнтагидан бир даста доллар чиқариб). Мана буни Толикнинг хотинига элтиб бер.

Б о л т а б о е в. Ў! Кўкидан-ку! Кўксултон! Тахи бузилмаган. Ҳаммаси яп-янги.

Ш о к и р. Огохлантириб кўяй, бирортаси аталган жойга етиб бормаса...

Б о л т а б о е в. Ким берганини айтайми?

Ш о к и р. Ҳа, укағарди ули-я! Ҳа, укағарди ули-я! Қалланг заррача ишламайди-я! Азага этиб, портретимни осиб кўй! Эшмаматов, шуни ишдан бўшатиб! (Болтабоевга) Умрингда хайри худойи қилганмисан? Ё фақат пора бериб, пора олишдан кўлинг бўшамаганма? Борасан-да, “бировни Толикдан қарзи бор экан” деб, хотинини кўлига тутқазиб келасан. Тушундингми? Соат неча бўлди?

Э ш м а м а т о в. Ўн бир ярим.

Ш о к и р. Ҳар ярим соатда телефондан хабар олиб тур, деб сенга айтганмидим? (Эшмаматовга) Шуни ишдан ҳайдаш керак, Эшмаматов. Ҳа, дарвоқе, ишдан ҳайдаш ҳам кўлингиздан келмайди. Тепадан рухсат олмасангиз, бирор иш қилолмайсиз. Ўзим бўшаттираман. Ҳозир вилоятларингда милиса бошлиқлигининг ўрни қанча бўлди? Икки барабар берман. Ўрнига, ана, ошпазни кўяман! Ҳар қалай сендан яхши

ишлайди. Бор! Бор! Телефончи қизларингга яна яхшилаб таъинла, телефон қилишса, дарҳол бу ёкка улашсин!

Болтабоев чикиб кетади.

Э ш м а м а т о в. Шокиржон, деловойлик шаҳарга ярашади. Бу ер кишлоқ! Иш эргашиб келган бўлса, Тошкентга қайтариб юборинг.

Шокир. Сафардаги оғайнилар олдинги кун “Қозоғистондан ўтамиз, Россияга етганимиздан телефон қиламиз”, дейишганди. Ҳисобимча, кеча кўнғирок қоқишлари керак эди. Негадир ҳаяллаб қолишди.

Э ш м а м а т о в. Ўрусияда нима кўп – арок кўп, нима кўп – қизлар кўп. Бирор хилватда жонон маишат қилиб ўтиргандир-да.

Ш о к и р. Маишат қилиб ўтиришган бўлса-ку яхши. Аммо оғайниларим аввал ишни ўйлайдиган одамлар. Мени ўйлантираётган жойи – ўғлим ҳам улар билан кетган.

Э ш м а м а т о в. Ўғлингиз нимага кетади? Йўлдан қайтармадингизми?

Ш о к и р. Эшмаматов, сизга осон. Мўмайгина пулни олиб бемалол ўтираверасиз. Экадиган биров, сотадиган биров, жонини жабборга берадиган биров. Ўғлимни ўзим жўнатдим! Ҳамкор оғайниларимиз билан ўртамизга озроқ шубҳа аралашгандай туюлди менга. Машинада, давлатнинг поезди-ю тайёрасида корин тўйдириш ғамида довдираган ғариблар молини олиб юради. Нима, мен шу ердан молларингни эшакка ортиб кетдимми?

Э ш м а м а т о в. Вертолётда.

Ш о к и р. У ёғига ҳам вертолётми, самолётми топилар. У сиз, тоғ ошириб Тожикистондан эшакда юк ташийдиган. Ҳа, ана дўстларингга бир гапини айтиб қўяй, шу сафарги қорадори тоза эмас экан. Бир бало аралаштирибсизлар. Йигирма фоиз ҳақларингдан чегириб қоламан. Болтабоевга айтинг ҳар бир одамдан синчиклаб текшириб олсин. (Тўсатдан) Аммо ўғлимга бир нарса бўлса, ҳаммасининг калласини узаман!

Э ш м а м а т о в. Хавотир олманг, худонинг буюргани бўлади.

Ш о к и р. Мана шу гап менга ёқди! Бандасининг буюргани бир тийин! Шунинг учун мен ҳар қандай бандасини буюр-

ганини бир тийинга олмайман! Қорни борнинг – лафзи йўк. Жони борнинг – жонидан умиди бор! Бу Оллохнинг бандаси-ман деган укағарни хаммасини сотиб олмоқ мумкин! Э қўйинг шу гапларни! Мен-мен деганларни кўрдим! Эсласам кўнглим айнийди. Айтгандай, Эшмаматов, шу келишда бир яхши ният билан келдим. Отамни Самарқандга зиёрат қилдириб келмоқчиман.

Э ш м а м а т о в. Яхши ният қилибсиз, Шокиржон! Самарқанд бир кадам йўл, кўз очиб-юмгунча...

Ш о к и р. Шуни айтаман-да! Юз эллик километрми?

Э ш м а м а т о в. Юз эллик беш!

Ш о к и р. Шунга боролмаганлар-да! “Кўлим тегмади” дейдилар! Ишонасизми, отам Самарқандни ёд биладилар. Гапиртириб бемалол Самарқанднинг харитасини чизиш мумкин. Бизларга ҳам болалигимиздан Самарқандни гапираверганлар, гапираверганлар. Калламизга сингиб кетган эканми, уч ака-ука ҳам Самарқандда ўқидик. Овдан қайтиб келамиз-да, “хаюхут” деб Самарқандга! Қани, Эшмаматов, энди бир қадах сўз айтинг! Юрагим ғаш бўлиб кетяпти, бир қизисин!

Э ш м а м а т о в. Авваламбор, бир муҳим нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Бозор иктисоди сари дадил бораётган мустақил Ўзбекистон иктисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошира бориб, катта ютуқларни қўлга киргизмоқда. Сиз каби, Шокиржон, ишбилармонларнинг пайдо бўлиши ҳам мустақиллик шарофатидан! Юртбошимиз бошчилигидаги ҳукумат, Ватанни гуллаб-яшнатиш йўлида...

Ш о к и р. Ҳай-хай-хай. Эшмаматов! Эсингиз жойидами? Атрофга қаранг! Неча киши ўтирибмиз? Минбардаги, ўзингизга ўхшаган ёлғончилар даврасидаги курук гапларингизни менга ҳам ҳар эҳтимолга қарши ўқийсиз-а! Инсоф қилинг! “Юртбоши”, “Ватан”, “халқ” билан қачон сизнинг ишингиз бўлган? Бечора Шўро даврида ҳам гапни кўпиртириб, ўзингизнинг ишингизни битириб юравергансиз. Сизнинг шиорингиз зўр: лўлининг эшагини суғор, пулини ол! Ҳеч бўлмаса, менинг олдимда уялинг! Иккаламиз қилаётган гапларни она-Ватан билиб қолса, пешонамиздан отади-ку!

Э ш м а м а т о в (иккиланиброқ). Мен барибир Ватанимиз
Ўзбекистон учун ичаман!

Ш о к и р. Э, одамни сиз билан ичгиси ҳам келмайди. Сиз-
лар билан ўтирсам худди шайтон билан ўтирганга ўхшайман!

IV

Ҳовли. Чол каравотда ёнбошлаб Беғам билан суҳбат қиляпти.

Ч о л. Келин, худди фариштага ўхшайсан. Одамнинг ўнг ел-
касида жами яхшиликка “омин” деб турадиган фаришта бўлар
экан – худди ўшанинг ўзисан. Нима истасам, “омин” дейсан –
мухайё бўлади. Мана, кийикўтига ҳам етказдинг. Тоққа бориб
келибсан-а! Чарчамадингми?

Б е ғ а м. Аксинча, чарчоғим чиқди, бобожон. Қирларда бир
яхши шамол. Тоғлардан арчанинг, яна аллақандай гиёҳларнинг
бўйи гуркираб турибди. Ҳаво бирам тоза!

Ч о л. Болалигимда, олти-етти ёшлар эдим чамаси, Наврўз
ўтар-ўтмас қаттиқ касал бўлиб қолдим. Иссиғим баланд.
Ташқарида момагулдирак гуриллайди, чакмок чақади. Ака-
укаларим кечкурун уйга устлари шалаббо бўлиб келишади.
Қўлларида гоҳ кўзикорин, гоҳ бойчечак. Уларга ҳавасим кела-
ди, уларга кўшилиб, югуриб дала-даштга чиксам дейман. Бир
кун чидай олмадим. Тонг сахар, энам сигирни подага кўшгани
кетганларида, гандираклар турдиму далага чиқдим. Ипор из-
лаб, адирнинг этагига жўнадим. Боришга бордиму келишда
мадорим қуриб, калтирай бошладим. Уйдагилар йўқлигимни
пайқашиб, излашга тушишган экан. Олиса энамнинг корасини
кўрган заҳоти йиқилдим. Кўтариб уйга элтишди. Ҳамма гап-
ни эшитиб турибман, ҳамма нарсани сезиб турибман, лекин
кўзимни очолмайман. Кўшни кампир кириб, “болани тамом
килибсизлар”, деб чиқиб кетди. Аммо Ўзи шифо берса, ҳеч
гап эмас экан, икки ҳафтада оёққа туриб кетдим. Раҳматли
энам ипорга бориб касал бўлганим учун ният қилганлар экан-
ми, бир кун “юр, ипорга борамиз”, деб қолдилар. Бошига дард
тушса, бола ҳам аллатовур бўлиб қолар экан. Ўшанда ипорларни
узгим келмади. Бир гуллаб турган ипорга энгашдим-у, хидладим.

Шунда агар ўлиб кетганимда, бу ипорларнинг бўйини ҳеч қачон тўйиб ҳидлаёлмаслигимни тасаввур қилдим. Ўша йил баҳор ҳам баҳор бўлганди-да! Ўту ўлан айқашиб ётибди. Жами гуллар худо яратган барча рангларда гуллаган. Шамол турса, дашт тўлқин отади! Ҳалиги тасаввурдан кўзим ёшланиб, ипорнинг баргла-рига лабимни босдим. Энам ҳаммасини кўриб, тушуниб турган эканлар. Югуриб келиб, тиз чўкдилар-да, маҳкам кучоқладилар. Раҳматлик йиғлайдилар – ўпадилар, йиғлайдилар – ўпадилар.

Беғам Чолнинг гапини тинглаб, ховли ўртасида котиб туради. Чол ха-ёлга толади.

Сукунат.

Б е ғ а м. Яхши одам эканлар.

Ч о л. Ким?

Б е ғ а м. Онангиз-да.

Ч о л. Табаррук эдилар.

Б е ғ а м. У киши сизни ҳеч урганмилар?

Ч о л (*қулимсираб*). Китоб ўкиган келинимнинг саволини қаранг! Урганлар. Икки марта урганлар. Ўзимдан ўтган. Икки марта ҳам укаларимни урганим учун “ўзингдан кучсизни яна урасанми”, деб роса орқамга туширганлар. Ўзидан кучсизни хафа қилиш гуноҳ эканлиги ўшанда бир умр ёдимда қолган. Э, ҳаммаси ўтди-кетди.

Б е ғ а м. Мени болалигимда ҳеч ким ургани йўқ. Аммам “акамдан қолган ёдгорим”, деб эркалаганлари-эркалаган эдилар.

Ч о л. Беназир аёл.

Сукунат.

Беғам кўзгалмоқчи бўлади.

Ч о л. Шошма. Агар менга бир гап бўлиб қолса, сен “отам” деб йиғлагин, нордай уч ўғлим-ку сўнгагимни ерда қолдирмайди, аммо қизим йўқ. Отанинг азасини қизи обод қилади. Тушундингми? Саодат келинга ҳам тайинлаганман.

Б е ғ а м (*овозини титратмасликка тиришиб*). Ҳа. Тушун-дим, бобожон! Фақат ундай деманг! Тузалиб кетасиз.

Ч о л. Ўлим ҳар бир кишининг бошида бор, қизим. Кези келганда айтдим қўйдим-да. Насиб қилса, Самарқандга бир бориб келсам. Кейин омонатимни топшириб кетавераман.

Б е ғ а м. Насиб қилади, бобожон, насиб қилади.

Ч о л. Айтганинг келсин.

Саодат чиқади.

Ч о л. Саодат, чарчамадингни, кизим? Чой-пой ичиб ол. Ўзингни кўп ҳам уринтирма.

С а о д а т. Хамир қориб ташлай, кейин бир йўла ўтирарман.

Ч о л. Ҳозир хамир қормоқчимисан? Қўй, шу хамирингни. Бир-икки кун дўқондан нон олиб келиб турсаларинг ҳам бўлади.

С а о д а т. Уйнинг нони бошқача бўлади, бобо. Меҳмонлар келган. Жайдари нондан тотиб кўришсин.

Ч о л. Нон ёпаман дейсан, кир юваман дейсан, умрнинг ўтганини билмай қоласан, кизим. Мен сенга айтсам, одам бола-си булок бўлиб дунёга келар экан. Булоқман дер экану, қараса, жилға эмиш. Булоқман дер экану, бундоқ қараса, денгизга – умрнинг сўнгига ҳам етиб келибди. Шунда икки соҳил орасидан чикмасдан, нимагадир орзикиб, ниманидир кутиб, фақат югурганини сезиб қоларкан. Армон деган ҳасрат ўшанда пайдо бўлади, болам! Орқага қайтиб бўлмаса – умр ўтган-кетган. Шуларни ўйлаб баъзан сизларга бир гапларни айтгим келади. Аммо ичдаги дард сўзга айланавермас экан. Кейин айтган билан тушунасизларми, йўқми. Инсон зоти борки, ўзи бошини деворга урмагунча, бировдан ўтганини англамайди.

Б е ғ а м. Сиз ўксинманг, бобожон. Сизнинг умрингиз бекор ўтмаган.

Ч о л. Ҳамма одамни ҳам етмаган нарсаси бўлади-да. Мен бу жойга кўчиб келганимда, қорайган бир дарахт йўқ эди. Боғ қилдим. Чагананинг атрофидаги чексиз-чегарасиз боғларнинг ҳаммасини мен бош бўлиб эқтирганман, кўкартирганман. Илк мевасини татиб кўрганда қувонганларим!.. Шу жойларни обод қиламан деб, туман марказини ҳисобга олмасак, ҳеч жойга чиққаним йўқ. Мана, Самарқанд. Бир қадам йўл. Ишдан қутулиб шуниям кўролмадим-э!

С а о д а т. Худо хоҳласа, энди кўрасиз! Кеча ўғилларингиз. ака-укалар ўтиришиб роса маслаҳат қилишди. Раис ўғлингиз Жаҳонгаштани роса мактади. “Яхши ният қилибсан. Отамдан биз ололмаган дуо, худо хоҳласа, сенга насиб қилади”, деб алқади.

Ч о л. Жўрабойнинг дарди кўп. Умри узун бўлсин.

С а о д а т. Жаҳонгаштани айтмайсизми? Самарқандда сизни энг кимматбаҳо, четдан келадиган пошшолар турадиган меҳмонхонага жойлаштирармишлар.

Б е ғ а м. Нимага жойлаштирмас экан, жойлаштирадилар. Ҳеч бўлмаса, оталарини дуоларини олишлари керак-ку!

Ч о л (*хаёлланиб*). Барака топишсин. Самарқандга бориб, яхшиларнинг кадамгоҳларини бир зиёрат қилсам, бу ёруғ дунёда армоним қолмасди.

С а о д а т (*беихтиёр*). Самарқандларни мен ҳам бир кўрсам. Телевизўрда кўрсатишади. Бирам чиройли. Байрамларида осмонларга шундай мушаклар отишади. Осмонга гулдасталар сочиб ташланганга ўхшайди...

Чол Саодатни биринчи кўргандай аллатовур бўлиб қарайди.

Ч о л. Ичкарига кириб, биров дам олай.

Икки келин Чолнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, эшиккача борадилар.

Б е ғ а м. Опа, Самарқандни кўргингиз келаётган бўлса, юринг эртага биз билан. Кейин Тошкентга борамиз. Тошкентни роса томоша қилдираман.

С а о д а т. Айланай, Беғамхон! Бу рўзгорни кимга ташлаб кетаман. Бу рўзгорнинг ғори мени ютиб юборган, эгачим.

Сукунат. Иккаласи бир ҳолда турадилар.

Б е ғ а м. Бу телефон курғур ҳам гунг бўлиб қолди. Опа, ичимга чирок ёкса ёришмайди.

С а о д а т. Нима гап ўзи?

Б е ғ а м. Мен ўзим бесабр аёлман. Биров бир хабарни кеча етказмоқчи эди. Дараги бўлмапти. Сиқилганимдан юрагим ёрилиб кетай деяпти.

С а о д а т. Беғамхон! Ойэгачим! Хавотир олманг! Дараги бўлади! Ё бир мушкулкушод қилиб юборайми? (*Бирдан телефон жиринглайди.*) Айтмадимми! Мушкулкушодбимдан айланай, номларини тилга олганимдан.

Беғам югуриб бориб телефонни олади.

Б е ғ а м. Алло! Алло! Ҳа, Жўра аканинг уйлари... (*Бўшашиб*) Опа, Бўри акани сўрашяпти.

С а о д а т. “Йўк” денг. Адашиб тушишибди.
Б е ф а м. Кечирасиз, бу бошқа кишининг уйи.

Болтабоев боғ эшикдан киради.

Б о л т а б о е в. Телефон бўлмадим, янгалар?
Б е ф а м (*ийглаб*). Бўлмади! Бўлмади!..

V

Боғ. Базм давом этмоқда. Энди Учувчи ва Хорижлик ҳам ўтирибдилар.

Ш о к и р. Бу чаганаликларнинг илдиз отмаган жойи йўк. Америкада ҳам томир отишибди-я. Мен сиз сўраган отанинг ўғиллари бўламан. Исминим Шокир. Бу киши туманнинг ҳоқими Эшмаматов ака. Америкачасига айтсак, губернаторми, мэрни, шунга ўхшаш катга одам.

У ч у в ч и. Мен Самарқанддаги авиаотрядда вертолёт учувчисиман. Мен ҳам чаганаликман. Шу ерда мактабни тугатганман. Кориз гузарданман. Америкадан келган меҳмон билан биз икки ака-уканинг неваралари эканмиз. Топишганимиздан кейин, суриштиришиб, шу қарорга келдик. Исмү шарифлари Муҳаммад Чагана.

Х о р и ж л и к (*У аллақандай шарқ тилининг нуқси урган ўзбек тилида салмоқлаб, ҳар бир сўзида тўхтаб сўзлайди*). Отамиз қишлоғимизнинг номини фарзандлар унутиб юбормасинлар, ниятда исмү шарифимизга Чаганани ҳам қўшганлар.

У ч у в ч и. Бу кишининг қишлоғимизга келаётганларини эшитиб, мен ҳам ҳамма ишни йиғиштирдим-да, эргашиб келавердим. Отангизни бир кўрмоқ ниятим бор эди.

Ш о к и р. Бизнинг ота машхур-да, учувчилар ҳам осмонларини ташлаб, хузурларига ташриф буюрадилар.

У ч у в ч и. Отангиз табаррук одам. Менга бир яхшиликлари ўтган. Ана шунгаям ўттиз йил бўлибди! Вактнинг ўтишини қаранг! Амакини бир кўриб, кўнгилларини олай деб юраман. Охир мана, Муҳаммад ака билан топишганмиз-да, насиб қиладиган бўлиб турибди.

Х о р и ж л и к. Биз асли чаганаликмиз. Ота-боболаримиз киндик қони тўқилган тупроқ шу жой. Мен Афғонистонга кетганимда уч ойлик чакалоқ эканман. Отамни шўролар қамашган.

Ўшанда “тилло топ” деб ўзбекни қама-қама қилишган экан. Қариндошлар маслаҳатлашиб, Афғонга кетишмоқни ихтиёр этишган. Кечаси битта-битта “Ё Афғонистон қайдасан?” деб кетишаверишган. Мен ҳам онамнинг қўлида мусофир бўлиб кетганман. Аввал Афғонистонда яшадик. Кейин Маккада ўн беш йил бўлдик, хозир Америкада истикомат қиляпмиз.

Э ш м а м а т о в. Ватанни соғиниб келибсиз-да. Мустақиллик шарофатидан.

Х о р и ж л и к. Соғинчдан гапирманг. Ҳамманинг Ватани бор, бизнинг Ватанимиз йўқ эди. Фарангистон бир қадам йўл, Жапон бир қадам йўл. Фақат бизнинг Ватанга йўл йўқ. Умр бўйи юр – етолмайсан. Қанчадан-қанча одам “Ватан, Ватан” деб қон йиглаб, ўлиб кетди. Маккада бир Музаффар маҳдум деган одам бор эди. Ўша “Шўро барибир йўқ бўлади. Одамларга шунча жабр-зулм ўтказганни Парвардигори Эгам соғ қолдирмайди. Агар Ватан озодликка эришганини эшитсам, оёқ-қўлим шол бўлиб ётган эрсам ҳам, Ватан сари ўн қадам ўрмалаб, сўнг ўламан”, деб ғурур билан лутф этардилар. Истиклолни мен Америкада эшитдим. Маккалик биродарларимизнинг айтишларича, бу мужда етганда, Музаффар маҳдум жон узаётган эканлар. Қулоқларига кичкириб айтишибди. “Жон бераётган бечоранинг кўзи ярк очилди, худди пайғамбарни кўрган одамнинг кўзидай яраклаб кетди”, дейишади.

Э ш м а м а т о в. Шу гапингиз тўғри эмас. Одамлар Маккага бориб ўлишни орзу қилишади.

Ш о к и р. Муҳаммад ака, мана шу Эшмаматов жуда мусулмон одам. Куни тоат-ибодатда ўтади. Бировни ҳақиқага хиёнат қилмаган. Тумандаги одамларни мурод-мақсадига етказиб, коммунизмни, кечирасиз, Америкадан ҳам ўтказиб бозор иктисодини бошлаб юборди. Энди бир орзуси қолган. Маккага бориб ўлмоқчи.

Х о р и ж л и к (*Шокирнинг оҳангини англамай*). Муродларига етсинлар. Одамнинг кўнгли худога яқин бўлса, Макка ҳамма жойда бор.

Ш о к и р. Қишлоққа меҳмонга келиб яхши қилибсиз.

Х о р и ж л и к. Онам раҳматлик Чаганадан кўп ҳикоя қилар эдилар. “Чагананинг тўрт тарафини тоғ ўраб турибди.

Ҳовлимиз Чаганани кесиб ўтган катта сойнинг ёқасида. Уйимиз Чаганадаги энг кўркем уй. Ҳовузи бор. Тегараси тол”. У-бу жойга кириб чиқдик, ҳеч ким билмади. Одамлар, билса, сизнинг отангиз билишини айтишди.

Ш о к и р. Бизнинг ота ҳамма нарсани билади!

Эшиқда Чол кўринади. Бошдан-оёқ оқ кийимда. Қўлида ҳасса. У шу туришида, пайғамбаргами-ей, авлиёгами-ей ўхшайди. Чолнинг ортидан Болтабоев хозиргина халқни қойил қилган сеҳргардай, икки қўлини ёйиб, қувонч билан юриб келяпти. Ҳамма ўрнидан туради.

Б о л т а б о е в. Мана, бобой соғ-саломатлар! Бир “куф-суф” дедим-да, касалларидан фориғ қилиб, меҳмонлар истикболига олиб чиқаяпман!

Ш о к и р. Э, худога шукур, ота! Ўзингиз юриб боққа чиқибсиз-а! Келинг! Келинг!

Чол бирин-кетин ҳамма билан қўл олишиб, Хорижлик ва Учувчи билан кучоклашиб кўришади. Кейин стол атрофига ўлтирмокчи бўлади, аммо дастурхондаги ичимликларга кўзи тушгач, нарирокка стул қўйишни ишора қилади. Учувчи чаққон туриб икки стулни олиб, нарирокка қўяди. Бирига Чол н и ўтказиб, иккинчисига ўзи ўтиради.

Э ш м а м а т о в. Ҳеч касалга ўхшамайсиз. Туманимизнинг пешқадам меҳнат фахрийси “касалман” деб ётаверса, ислохотларни амалга оширишда раҳбариятга ким ёрдам беради! Бу ёшларни сизга ўхшаган фахрийларимиз бошқариб турса, бозор иқтисодига тезроқ кириб борамиз. Доим соғ бўлинг!

Ч о л. Куллуқ, райкум улим, куллуқ!

Б о л т а б о е в. Эшмаматов акамлар райком эмас, туманимизнинг ҳокими бўладилар. Райком энди қолиб кетди!

Ч о л. Майли, ким бўлсалар ҳам райкумлар-да! Бугун тузукман. Самарқандга сафарга боришимизни эшитиб, бирдан енгил тортдим. Меҳмонлар йўқлаган эканлар, ўзим юриб чиқмасам, уят бўлади деб... (*Хорижликка*) Хуш келибсиз!

Х о р и ж л и к. Хушвақт бўлинг! Бу Самарқандга дам олиш кунлари тушиб турсаларинг керак-да?

Ч о л (қулиб). Бир умр меҳнат қилиб, дам олиш куним энди келганга ўхшайди, меҳмон. Насиб этса, Самарқандга биринчи боришим бўлади.

Х о р и ж л и к. Тушунмадим? Қайси Самарқандни айтаяпсиз?
Ш о к и р. Меҳмон, ажабланманг, ўша Амир Темурнинг
пойтахти Самарқандни айтаяпмиз.

Х о р и ж л и к. Самарқанд бир қадам йўл-ку! Наҳотки?!
Баракалла-е сизларга!

Ш о к и р. Э, бизнинг халқ, меҳмон, қўйдаг гап. Қорни тўйса,
иссиқда эриб ётаверади. Фақат сўйишаётганда бир “ба-а” дей-
ди, холос. Оёқ-қўлини боғлагунча ҳам индамайди. “Мени оёқ-
қўлимни боғляпти-ку” деб ўйлаб ҳам кўрмайди. Фақат бўғзи
шартта кесиб ташлангандан кейин жон ҳолатда типирчилайди.
Мен Америкага ҳар борганимда қойил қоламан. Битта хўжайин
бор. Қонун! Бизда қонунни ёзганларнинг ўзи бузади. Мана, ик-
кита қонунбузар ўтирибди! Халқининг бошида нима савдо бор-
лиги билан бир тийинлик ишлари йўк! Чўнтақлари тўлса, бўлди!

Э ш м а м а т о в. Сиз ўзингиз халқни кўп ўйлайсиз-да, Шо-
киржон! Бошқа ишингиз йўк, топ-тоза имонингизни устида
ястани-и-иб, фақат халқни ўйлайсиз!

Ш о к и р. Сен итдан таркаганлардан менинг фарқим шуки,
мен ўзимни кимлигимни яширмайман. Ичим билан ташим
бир. Сен укағарларга ўхшаб артист эмасман! Болтабоев! Сени
нимага юборган эдим! Телефон қилишдими, йўкми?

Б о л т а б о е в. Сўрадим. Қилишмабди.

Ч о л. Шокир! Сен бегона юртларда юравериб, ўзингни сал
ташлаб юборибсан. Меҳмонларнинг олдида оғзингга қараб га-
пир, болам.

У ч у в ч и (*гапни чалгитиб*). Ота, акам сизни йўқлаб кел-
ганлар.

Ч о л. Нима хизматлари бўлса, бош устига.

Х о р и ж л и к. Биз ғамхона юртларга кетишимиздан ав-
вал шу Чаганада ҳовлимиз бўлган экан. Худо соҳиб, агар омон
қолган бўлса, бир кўриб, тавоф қилсам деган ниятда...

Ч о л. Кимларнинг авлодидан бўласиз?

Х о р и ж л и к. Бобомни Абдусамад тўқсабо дер эканлар.
Падари бузрукворим Тангриқулибек.

Ч о л. Ана гапу мана гап! Тангриқулибекдан туёқ қолган
экан-да! У билишимча, ўттиз биринчи йил йўқ бўлиб кетган.

“Отишибди” деб гапириб юришди. Йигирма бир ёшларида кетди валлакат! Мен у кишидан етти ёш кичикман. Суюнчини хозирлай беринг, меҳмон! Сизларнинг ҳовлингиз бор!

Х о р и ж л и к (*ҳовлиқиб ўрнидан туради*). Қаерда?

Ч о л. Ўтиринг! Ўтиринг.

Б о л т а б о е в. Чаганада қадимги уйлар қолмади ҳисоб.

Ч о л. Абдусамат тўксабонинг ҳовлилари қолган. Раҳматлик боболари ҳавас билан курдирган эдилар. Раҳмат калнинг улининг идорасини оти нима?

Э ш м а м а т о в. “Заготзерно”ни айтаяпсизми?

Ч о л. Худди шу идора жойлашган иморат – Абдусамат тўксабонинг ҳовлиси!

Х о р и ж л и к. Ҳовузиям борми?

Ч о л. Бор!

Х о р и ж л и к. Теграсида толлари?

Ч о л. Қучокка сиғмайдиган толлари бор!

Х о р и ж л и к (*кўзи ёшланиб*). Етказганига шукур! Энамнинг орзуларини ўнгимда кўрадиган бўлдим. Бизга узр! (*Учув-чига*) Бўлинг, кейин келиб ўтирамиз. Ота, дастурхонга бир фотиҳа ўқинг!

Э ш м а м а т о в. Меҳмон, шошманг. Бу, қизик бўлди-ку! Янги тижорат бозори қурамиз деб...

Х о р и ж л и к (*чўчиб*). Ҳоким ака, биз борайлик.

Э ш м а м а т о в. Қаёққа борасиз? Янги тижорат бозори қурилишини бошлаганмиз. “Заготзерно”нинг иморати шу бозор қуриладиган жойда экан. Ўн беш кун бўлди – бузиб юбордик.

Х о р и ж л и к. Ўн беш кун! Парвардигор! Кароматингдан!

Сукунат.

Ш о к и р (*хоҳолаб қулади*). Меҳмон, Эшмаматовдан хафа бўлманг. Бу киши одамларнинг орзусини бузиш бўйича мутахассис. Коммунистлик чоғларида “коммунизмга элтамиз” деб одамларни эргаштириб жўнаганлар. Кейин халққа шаматалокни кўрсатдилар-да, “мамлакатни қайта қурамиз” деб енг шимариб ўртага тушдилар. Ҳамма ишониб, ширин орзу-хаёллар сураётган пайтда, “бозор иктисоди сари олға” деб югурдилар. Энди Абдусамат тўксабонинг ҳовлисини бузиб, роҳат қилиб ўтирибдилар.

VI

Ховли. Қосимни Салима суяб киради.

Қ о с и м. Барибир касал бўлиш яхши! Ҳеч бўлмаса, суяб юришади. Меҳрибонликлари учун раҳмат.

С а л и м а. Юринг, каравотга ётинг.

Қ о с и м. Энди бошимда алла айтиб турадиган энага топиб берсангиз. Худди Пушкиндай ухлаб қоламан. Пушкиннинг худди ўзидай. Тушимда “узок сохил ва ўзга ҳаёт”ни ҳам кўришим мумкин. Тушимда “узок сохил ва ўзга ҳаёт”нинг коқ ўртасига бориб, барча дарду ташвишлардан фориғ бўлганимча, осмонда кушдай учиб юришим мумкин. Аммо мана бу – сизларнинг сохилларингизга қайрилиб қарамайман. Чунки қайрилиб қарасам, бир томчи ёшга айланиб, Салима, сенинг ёнокларинга томаман.

С а л и м а. Мени юрагимга аллақачон ёш бўлиб томгансиз. Менга қаранг, кўз ёшдан нима фарким бор?

Қ о с и м. Иккаламининг ҳам кўз ёшдан фаркимиз йўқ, Салима!

С а л и м а. Илоё, хор бўлманг, аммо мени хор қилдингиз!

Қ о с и м. Сен мени хор қилдинг, Салима! Сен мени хорликдан ҳам хор қилдинг. Юрагимга кара, зўриққанидан парчаланиб кетай деяпти. Парвардигордан кейин энг яхши кўрган одамим – сен! Ҳар кун намоз ўқиётганимда сени ҳаққинга ҳам дуо қиламан. Қодир Эгам, дейман, шу аёлни бахтиёр қил дейман! Мен уни яхши кўраман дейман! Мени бандам деб билсанг, шу аёлни ўксинтирма дейман! Ҳар бир заррам билан, ҳар бир хужайрам билан, руҳимнинг ҳар бир тола ёруғи билан сени алқайман! Яна нима қилай, Салима?

С а л и м а. Мен сизни деб уят-ҳаёни йўқотдим! Тўққиз йил бўлди – оромим йўқ! Сизни деб ҳамма нарсамдан кечдим! Отаонамни юзини ерга қаратдим! Оиламдан воз кечдим! Эримдан ажралдим! Мана, оркангиздан шармандаликни бўйнимга олиб, эргашиб юрибман! Ёлвораман, бандимдан узилай-узилай деб турибман, тўкилмасимдан олинг мени! Хотинликка олмасангиз, канизликка олинг! Чўрингиз бўлай!

Беғам ва Саодат кирадилар.

Қ о с и м. Ана, янгалар келишди! Энди тўйни бошласак ҳам бўлади.

С а о д а т. Афғон, сизга нима бўлди? Нега рангингиз оппок? Салимахон, тинчликми?

С а л и м а. Ўзларидан сўранг! Қон берганмишлар! Қизлар мени чакириб чиқишди. Борсам, қон топширган сахий йиқилиб ётибди. “Ҳам қўшнисисан, ҳам ҳамширасан – қарайсан”, деб мени ҳамроҳ қилиб юборишди.

С а о д а т (Қосимга). Акангизни чакиртирайми?

Қ о с и м (Саодатга). Янга. Шаҳарлик келинойимни кўрkitиб шовқин солманг-да!

С а л и м а. Сиз ҳам ҳаммани кўрkitиб юрманг!

Қ о с и м. Гуноҳқормиз!

Б е ғ а м. Нима бўлди ўзи? Тушунтиринглар! Қалтираб кет-япман.

Қ о с и м. Э, келинойи, нимага қалтирайсиз? Янга, тинчланинг. Ҳозир бир бошидан гапириб бераман! Факат гап ўртада – акаларим билмай кўя қолишсин. Мен қон бердим.

Б е ғ а м (ҳаяжонланиб). Кимга?

Қ о с и м. Билмайман кимга.

С а о д а т. Афанди Афғон қайноғам.

Қ о с и м. Кўчадан ўтиб кетаётиб, симёғочга ёпиштириб қўйилган: “Азиз фуқаролар! Донорлик эзгу ишдир. Ҳар томчи конингиз кимнингдир ҳаётини сақлаб қолади”, деган эълонни ўқидим-да, қон топширдим. Менга бу эълондан икки жумла ёқди. “Азиз фуқаро!” деб ўқидиму мурожаатнинг самимийлигидан кўзларимга ёш келиб кетди. Чиндан “азиз фуқаролар” қаторига қўшилгим келди. Кейин “Ҳаёт” сўзи. Ҳаёт! Қандай – буюк сўз! Мен – Қосим энди ҳаётни асраб қоламан!

С а о д а т. Афғон, ўзингиз аранг юрибсиз, сизда ортикча қон нима қилади?

Қ о с и м. Чиндан исталса қон топилади. Аммо энг муҳим гап бошқа жойда. Энди мен мангу яшашим мумкин! Масалан, Навоийдай, Бобурдай. Улар одамларнинг юрагида яшасалар, мен томирларида яшайман.

Б е ф а м. Сиз томирларида?..

Қ о с и м. Ҳа, мен! Янга! Келинойи! Билиб қўйинглар, бу Афғоннинг қони тоза! Мени ҳеч кимнинг олдида уялтириб қўймайди. Тасаввур қилинг, менинг қоним махсус жойларда авайлаб сақланади. Масалан, олтинни қандай асрашса – шундай. Кейин бир кечаси, менга бу воқеа негадир кечаси бўладигандай туюлаяпти – консираб ётган беморга қонимни қуйишади. Менинг қоним, тушунаюпсизми, менинг қоним беморнинг вужудига янги ҳаёт олиб киради! У яшайверади, яшайверади! Мен ўлиб кетсам ҳам у яшайверади! Қоним ундан фарзандига ўтади. Фарзандидан неварасига ўтади, неварасидан чеварасига, эварасига. Хуллас, мен мангу яшайман! Устидан кулган айёр дунёдан Қосим афғон шу тарзда ўч олди! Боппладим уни! Мени енголмади – бировга бир кун бахт берса, ўн хафта бебахтлик улашадиган дунёларинг.

Б е ф а м. У ҳаммамизнинг дунёмиз, Афғон, ҳаммамизнинг дунёмиз. *(У беихтиёр телефонга қарайди. Бориб телефонни ушлайди. Шу ҳолда қотиб туради-да, йиглаб юборади.)*

VII

Бог. Эшмаматовдан бошқа олдинги сахнадагиларнинг ҳаммаси шу ерда. Шокир билан Хорижлик боғнинг тўрида гаплашиб туришибди. Болтабоев уларнинг суҳбатига қўшилолмасдан, нарироқда айланиб турибди. Чол, Жўра ва Учувчи алоҳида гурунглашаяпти.

Ж ў р а. Ота, бу киши сизни танир эканлар!

У ч у в ч и. Амаки, мен сизни танийман.

Ж ў р а. Бу кишини танидингизми?

Ч о л. Қарилик-да, болам, кўз курғур...

У ч у в ч и. Мени танийсиз, амаки кўргансиз.

Ч о л. Шошма, шошма...

У ч у в ч и. Танидингизми?

Ч о л. Ёшлар тез ўсади, болам. Ойда, йилда кўзим тушиб турганларни танийман.

У ч у в ч и. Менга кўзингиз тушмаганига ўттиз йил бўлди. Мени отмиш еттинчи йил, қовун пишиғида – бозорда кўргансиз.

Ч о л. Э, шунақами?

Ж ў р а (қулиб). Яқинда танишган экансизлар.

У ч у в ч и. Энди эсладингизми?

Ч о л. Кечирасан, болам...

У ч у в ч и. Менга қовун олиб бергансиз.

Ч о л. Эллиқ саккизинчи йил... Эллиқ саккизинчи йил...

У ч у в ч и. Қовун сотувчини эсланг. Ориқ, кўзлари нурсиз одам эди. Танимадингиз, амаки, танимадингиз. (Жўрага) Олтмиш еттинчи йил баҳорда отам казо қилган эдилар. Беш бола онам билан қолдик. Болаларнинг энг каттаси мен. Мен ҳам нечага кирганман? Ўн тўртга! Отамизга суяниб яшаганмиз – ўзимизни бу ёққа урамиз, у ёққа урамиз. Онам бирдан чўкиб, камгап бўлиб қолдилар. Баъзан қилаётган ишларидан тўхтаб, бир нуктага тикилиб қолардилар. Кўзларига қарасам, жикка ёш. Қовун пишиғига келиб, отамнинг ғуссаси онамни йикитди. Тушунарсиз бир касалга мубтало бўлдилар. Бир кун ётган жойларидан қўлимга бир сўм тутқаздилар-да, “Қовунга кўнглим кетаяпти, болам, бозорга чиқиб кел”, дедилар. Ҳозир ҳам эсимда, гижимланган, эски бир сўмлик. Тернинг ҳиди келарди. Хуллас, бозорга бордим. Кўзимга яхши кўринган битта қовунни танлаб, бир сўмни сотувчига узатдим. Сотувчи кўзимга бир қараб: “Бор, тошингни тер”, деди.

Ж ў р а. Вой, уйинг куйгур-эй! Ўша пайтда ҳам бор эканда! Буларнинг уруғи қачон қуриydi.

У ч у в ч и. Савдолашган ҳам бўлдим, ялиндим ҳам – бермади, номард. Хўрлигим келиб кетди. Йиғлаб юбордим. Отангиз четдан бу машмашани кузатиб турган эканлар. Шитоб билан келиб, сотувчининг қўлидан қовунни шартта юлиб олдилар-да, менга тутқаздилар. Худди совук қотгандай қалтирайдилар денг. Бир даста пулни ҳалиги шўрликнинг тумшуғига тикиб уриша кетдилар, уриша кетдилар. “Қанча пул керак сенга! Инсофинг борми? Кошки шу гўдакнинг бир қатра ёшига арзисанг...”

Ж ў р а. Бизнинг ота молодец!

У ч у в ч и. Энди танидингизми, амаки?

Ч о л. Эсим қурсин, болам, эсимда қолмапти. (Гапни буриб) Хизматлар қаерда?

У ч у в ч и. Самарқандда.

Ч о л. Ана холос! Мен ҳам Самарқандга кетяпман, болам. Барака топгур Шокиржон, “бўлинг, тез кетдик”, деб турибди. Улуғларнинг қадамгоҳларини зиёрат қилмоқчиман.

У ч у в ч и. Эшитдим, ота, эшитдим. Яхши ўйлабсизлар! Самарқанд зўр жой! Бизнинг тирик тарихимиз!

Ч о л. Регистонни, Гўри Амир, Шоҳи Зиндани, ҳаммасини бир айланиб кўрмоқчиман.

У ч у в ч и. Амаки, уларни юриб эмас, учиб томоша қилмоқ керак. Қадимги бинолар осмондан жуда гўзал кўринади. Атрофда кўп қаватли, замонавий иморатлар, асфальт кўчалар, машиналар... Улар қажимий обидаларнинг салобатларидан, залворларидан ўзларини ноқулай сезаётгандай хомуш турадилар. Шошманг, кўнглимда бир яхши ният туғилди. Ҳозир туғилди! Амаки, сизни ўзим Самарқандга олиб бораман. Кейин сизни вертолётимга чиқараман-да, осмондан туриб, Самарқандни томоша қиласиз! Ўшанда осмондан Самарқандни кўриш бошқача эканлигига ўзингиз ҳам амин бўласиз. Ерда юргингиз келмай қолади.

Ч о л. Қуллук, болам, куллук! Ҳимматли йигит экансиз! Аммо Шокирнинг иши битиши билан жўнайдиган бўлиб турибмиз.

Ж ў р а. Дўстим, ҳақиқатан ҳам учувчи экансиз. Мен ҳам бу дунёнинг ишларига бир осмондан туриб қарашим керак. Жуда ичида яшаяпман-да! Хоҳламасам ҳам тегиб кетаман, истамасам ҳам устимга ўзи бостириб келади.

У ч у в ч и. Биз ҳам ерга тушиб турамиз. Фақат осмонда яшашга керосин ҳар сафар етмай қолади. Осмоннинг ҳам нархи баланд. Хуллас, амакини ўзим олиб кетаман.

Ж ў р а. Отам бу сафар Шокир билан бормаса бўлмас.

Ч о л. Шокир оғринади. Болам, ҳали Самарқандга кўп бораман. Сенга ҳам навбат тегиб қолар.

У ч у в ч и. Фақат ваъдангизда турунг, сизга Самарқандни осмондан кўрсатаман. Худо хоҳласа, атайлаб бир келаман. (Кўзгалади.)

VIII

Беғам телефоннинг ёнида ўтирибди. Боғдан Шокир чиқади.

Ш о к и р. Беғам. Нега кўзларинг кизарган? Йиғладингми?

Б е ғ а м. Йиғладингми?

Ш о к и р. Нега йиғлайсан?

Б е ғ а м. Мен сизга турмушга чиқаётганда, бир умр йиғлашни бўйнимга олиб чиққанман.

Ш о к и р. Беғам, сени яхши кўраман. Сен эса менга йигирма йилдан буён ёвга қарагандай қарайсан. Мен билан пинҳона жанг қиласан. Ўзингнинг бир чегараларинг бор. У жойга мени яқинлаштирмайсан ҳам.

Б е ғ а м. Дадаси, эски гапларни кўзгаманг.

Ш о к и р. Тошдан қаттиқ экансан. Бировни шунча ёмон кўриб, ёнида ҳар кун яшашни сендан бошқа ҳеч ким удалай олмайди. Бир қарашда шундай мўмин-қобил аёлсан. Аммо ичинг. Тош!..

Сукунат.

Б е ғ а м. Огоҳлантириб қўяй, сафарда ўғлимга бирор зиён етадиган бўлса!..

Ш о к и р. Етмайди!

Б е ғ а м. Икки қўлим ёқангизда бўлади. Ўзим билан бирга сизни гўргача олиб кетаман.

Ш о к и р. Беғам! Оббо!..

Б е ғ а м. Энди сиздан бир илтимосим бор. Ўғлим эсон-омон қайтиб келса, иккаламизни алоҳида яшашимизга рухсат беринг.

Ш о к и р. У менинг ҳам ўғлим!

Б е ғ а м. Ўғлингиз нашафурушликдан нарироқда ўссин.

Ш о к и р. Беғам, сенга ҳеч қачон рухсат бермаслигимни биласан-ку!

Б е ғ а м. Биламан.

Ш о к и р. Сени яхши кўришимни биласан-ку! Воҳ, укағарнинг кизи! Сендан бошқа ҳаммани енгдим. Дунёнинг қайси четига бормай, кўзимга мўлтираб қарашади. Фақат сен таслим бўлмадинг.

Б е ғ а м (*овози титраб*). Бирор ҳаракат килинг! Ўғлимдан нега хабар йўқ. Одам ҳам ўз боласини корадорифурушларга ишонадими? Сизда юрак қолмаган ўзи.

Ш о к и р. Мен ўғлимни ҳақиқий йигит бўлмоғини ис- тайман. Исроилнинг ўз ҳаракати бор. Каратэдан учинчи қора белбоғ соҳиби, боксдан, ўзбекча курашдан спорт уста- си, милтиқ отишдан ҳам шундай. Бировга бурнини қонатиб ўтирмас. Яна бир гап – ҳамма жойда мард ютади.

Б е ғ а м. Сизми мард?

Ш о к и р. Мардлигим учун ҳам мендан нафратланадиган аёлни бир умр хотин қилиб юрибман.

У боққа кириб кетади. Тоғора кўтарган Саодат сахнага киради.

С а о д а т. Беғамхон! Жаҳонгашта билан уришдингиз-а. Уришманг. Шундай одам билан ҳам уришасизми? Еганингиз олдингизда, емаганингиз орқангизда, устингизда кийимларнинг асли, бунинг устига, эрингиз кош-қовоғингизга қараб турса.

Б е ғ а м. Опажон! Опа!.. (*Титраб-қақшаб ўзини Саодат- нинг елкасига ташлайди. Саодат Беғамни бир ажиб меҳрда овутади.*) Мен уни ёмон кўраман, опа!

С а о д а т. Нега ёмон кўрасиз? Хотин ҳам эрини ёмон кўрадими? Яхши кўришиб, Самарқанддай шаҳарларда ўйнаб- кулиб юриб турмуш қилган бўлсаларинг.

Б е ғ а м (*ўзини босиб олиб, ўзини тартибга солар экан*). Қанақа севги, опа. У бир ҳайвон-ку!

С а о д а т. Ойэгачим. Ойэгачим! “Астағфируллоҳ”, денг!

Б е ғ а м. Самарқандда ўқиб юрганимда мени бошқа яхши кўрган одамим бор эди. Қайнағангиз орқамдан эргашиб олди. Яхши гапни ҳам тушунмайди. Ҳеч нарса кўринмайди кўзига. Менинг одамим билан муштлашиб ҳаммани безор қилди. Ётоқхонадан чиқолмай қолдим. Бир кечаси хонамда бир ўзим қолганимда кириб келди. Кучим етмади... “Энди менга тегмасдан иложинг йўқ”, деди кейин. Мен шу илож- сизликнинг орқасидан эргашдим. Ҳозиргача эргашиб юриб- ман. Яхши кўрган йигитим эртаси келди. Мен Шокиржонни яхши кўришимни, унга турмушга чиқишимни айтдим. Ҳозир

хам эсимда турибди: менга тикилиб, кўзидан ёши оқаяпти, оқаяпти... Мен ҳам йиғладим. Шу туришимда билмадим қанча турдик. Сўнг бир оғиз сўз демасдан чикиб кетди. Ўн йиллардан кейин ўлганини эшитдим. Ичиб-ичиб, жигарини ароққа едириб-едириб ўлибди.

С а о д а т. Худо раҳмат қилсин.

Б е ғ а м. Менинг бир аммамдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Дардимни кимга айтаман? Исроилжонга бошқоронғи бўлиб қолган эканман. Тўй ҳам қилмасдан яшаб кетавердик. Хуллас, шу, опа. Юрибман қандай яшаётганимни билмасдан.

Саодат билан Беғам жим қоладилар. Сукунат.

С а о д а т. Бу дунё савдосининг охирига етиб бўлмайди. Ана, Афғон ҳам юрибди – “ох” урса, ўт пурқаб.

Б е ғ а м. У кишига нима бўлган, опажон?

С а о д а т. Афғон бола Самарқанддан ўқишини битириб келган йили қўшнимизнинг қизи Салимага ошиқ бўлиб қолди. Салима мактабни эндигина тамомлаган – гулдай очилган пайти. Бир қариндошларига унаштирилиб қўйилган эди. Афғон бўлса, Мажнунни ўзи – тоғни талқон қиламан, дейди. Салима эса ёш – ота-онасининг этагидан чиқолмади. Гапи ерда қолганини сезган Афғон Афғонистонга урушга кетишга ариза ёзди. Айни Салиманинг тўйи кунни армияга кузатиб келдик. Афғонистондан урушни тугатиб чиқар кунни, Афғон Амударёга етай-етай деганда, ярадор бўлибди. Уруш тугагандан кейин озиб-тўзиб кириб келди. Салима бир кун Афғонни кўчада кўриб қолибди. У ёғи менга қоронғи. Салима эридан ажралди. Отасиникида яшаяпти. Иккови ҳам бир-бирини яхши кўради, аммо билмасам, нимага турмуш қилмайдилар. Бир-бирини азоблаб юришибди-да. (*Кўзгаларқан*) Худо инсофларини берсин.

У ташқарига чиқади. Шокир қайтиб киради.

Ш о к и р. Беғам.

Б е ғ а м. Ҳа.

Ш о к и р. Мен сени яхши кўраман.

Б е ғ а м. Барака топгур, менга ўғлимни соғ-саломат қайтариб беринг.

IX

Боғ. Эшмаматов билан Жўра боғда ниманидир кизгин баҳс қилиб, ай-ланиб юришибди. Қосим билан Болтабоев столнинг атрофида.

Б о л т а б о е в. Ука, сенга акаларингнинг хурмати – тегин-май юрибмиз. Ўзинг бўлсанг афғончи аскарларнинг йиғинида мени, “нашафурушларнинг бошлиғи – мафия”, дебсан-а! Қисиб юр! Мен сендай афғончиларни кўпини кўрганман!

Қ о с и м. Мен нашаванд эмасман, яхши биласан. Аммо Афғонистондаги ифлос урушда бўлганимда, фақат нашани эмас, бутун дунёни чекиб юборардинг. Буни сен тушунмайсан.

Б о л т а б о е в. Сизлаб гапир.

Қ о с и м. Ҳозир ҳам худди урушдагидек. Ҳеч кимнинг бу дунёга кераги бўлмай қолди. Одамнинг кадри йўқ. Сенга ўхшаган нашафурушлар эса мендай хасталарни кўпайтирмоқчи бўляпсанлар. Чунки сизларга соғ одам керак эмас. Соғ одам ноқулай: ҳуқуқини талаб қилади, озодлик бер дейди, нон бер дейди, камчиликларингни гапиреди. Бизни эса бошқариш осон: бир фасл бўлса ҳам озодлик берадиган оғу-га – игнанинг учидек қорадорига бор топганимизни бериб, имонимизни топтаб, ору номусимизни сотамиз. Аммо биз, ўзимизга ўхшаганлар кўпаймасин, деймиз.

Б о л т а б о е в. Мен бор гапимни айтдим. Афғон бўлсаларинг ҳам қисиб юринглар. Қўлларингдан ҳеч нарса келмайди!

Қ о с и м. Сен, ҳаромни еявериб семирган чўчка, тилингни тий. Ҳаммаёқни сотиб ололаман, деб мактанаяпсанми? Дунёда ҳақиқат бўлмаса ҳам, бир сен учун ҳақиқатни кўрсатиб қўйиш қўлимдан келади. Пешонангдан отаман!

Б о л т а б о е в. Сенми? Ҳезалак! Икки сонингни ўртасига кара, ҳеч нарса йўқ! Отиш йигитларнинг қўлидан келади.

Қ о с и м. Нима дединг?!

Б о л т а б о е в. Рангинг оқариб кетди-ку! Яширин сиринг ошқор бўлиб қолдими? Мен билмаган гап йўқ. Шунинг учун айтаяпман, қисиб юр. Менинг ишимга бурнингни тикма.

Қ о с и м. Болтабоев! Иблис экансан!

Б о л т а б о е в. Қосим! Мен ҳақимда яна бир гап айтсанг, сенинг бу сиринг ҳамма жойга тарқайди.



Қ о с и м. Болтабоев! Буни тупрок қилиб, устидан ғарчиллатиб босиб юраман, деб ўйлашинг хато. Шу гапларингни бекор гапирдинг. Воҳ, бекор гапирдинг!

Жўра билан Эшмаматов баҳслашиб столга келиб ўтиради.

Ж ў р а. Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, ҳокимликдан бўшаб, бошқа ишимни кўрардим.

Э ш м а м а т о в. Жўрабой. Бир пуфласам учиб кетадиган одамсан. Аммо Шокирбойнинг ҳурмати – аяб юрибман. Ўчакишма.

Ж ў р а. Шокирни бунча ҳурмат қилиб колдиларинг.

Э ш м а м а т о в. Шокиржон туманга катта ёрдам бермоқчи. Мармар заводини ҳамкорликда қурмоқчимиз. Фабрикани хорижлик дўстлари билан бирга қайта жиҳозламоқчи. Режалари кўп. Сизга ўхшаб фиску фасод қилмасдан, укангиз амалий иш билан туманимизга ёрдам беряпти. Яқин келажакда – мустақиллик шарофати билан, Шокиржонга ўхшаб элим деб, юртим деб ёниб яшаётганларнинг саъй-ҳаракати туфайли туманимиз иқтисоди беҳад юксалиб кетади.

Ж ў р а. Бу ишларинг-ку яхши, аммо.

Қ о с и м. Ака, содасиз, шу гапларга ишониб ўтирибсизми? (Шокир боққа қиради. Бир четга бориб ўтиради, унга ҳеч ким эътибор бермайди.) Акам билан булар шерик.

Б о л т а б о е в. Оғзингни юм!

Қ о с и м. Булар ҳамма ишларини юз қилиб бўлишди! Забт этмаган қасримиз қолмади, деб юришибди ўзларича бу ботирлар. Ҳозир наша бозорининг ишларини йўлга қўйишмоқчи. Бу иккаласи (Болтабоев билан Эшмаматовни кўрсатиб) тоғда кўкнори-ю наша эктиришади. Етмаганини Тожикистондан тоғ ошириб олиб келишади. Шокир акам эса харидор!

Б о л т а б о е в. Қанжик, сенга ҳозиргина нима дегандим! Оғзингни йиртаман!

Ж ў р а. Ўв милиса, онангни!..

Б о л т а б о е в. Сен аралашма! Агар Шокирнинг ҳурмати бўлмаса.

Ш о к и р (*даврага яқинлашиб*). Нима бўларди? Айт, мени ҳурматим бўлмаса, нима килардинг буларни! Ҳе, тукқанингни!.. (*Болтабоевни ёқасидан ушлаб турғизади-да, қорнига бир уради.*) Беш грамм наша билан икки гильза ташлаб бажарадиган ишларинг буларга ўтмайди.

Ж ў р а. Ука! Шокир! Қосимнинг гапи тўғрими?

Ш о к и р. Ака, Қосим нимани билади? Оғзига келганини валдираяпти-да.

Ж ў р а. Ҳали отам тирик. Мен ҳам ўлганим йўқ. Агар бу гаплар рост бўладиган бўлса, хафа бўламан. Ака-укачиликдан ажралиб кетамиз, Шокир!

Б о л т а б о е в. Қосимнинг боши наша чекавериб, айланиб колган.

Ш о к и р. Сен қўшилма. Ҳали алоҳида гапим бор сен билан. Овга боргим келмай колди бу машмашалардан сўнг. Толикнинг ҳам бемаҳал ўлганини қаранг! Толга осиглик милтик сенга, ҳар хил майда гапларга кулоқ тутгунча, овга чик. Кўнглингни ёз. (*Милтиқни Қосимга тутқзади.*) Зўрми?

Беғам эшикдан югуриб киради.

Б е ғ а м. Телефон! Телефон! (*Шокирга*) Сизни сўрашаяпти!

Қосимдан бошка ҳамма ҳовлига йўналади. Қосим қўлидаги милтикка тикилиб тебранганича ўтиради. Унинг ўйлари узун. Бокка Чол чиқади. Қосимга кўзи тушади. Аммо унга бирдам тикилиб тургач, боғнинг тўрига караб юради. Бир фаслдан сўнг Салима киради.

С а л и м а. Милтиқ куллуқ бўлсин.

Қ о с и м (*тебраниб*). Куллуқ, куллуқ, куллуқ, куллуқ.

С а л и м а. Яна келдим.

Қ о с и м. Келавер, бу дунёда фақат сенинг келишинг учун яшайман.

С а л и м а. Мен бу дунёда фақат сизнинг борлигингиз учун яшайман!

Қ о с и м. Мен сенинг кўзларингга термилиш учун яшайман!

С а л и м а. Мен сизнинг овозингизни эшитиш учун, ёнингизда бир лаҳза мана шундай тик турмоқ учун, каршингизда

дакикада гуллаб, дакикада хазон бўлишим учун! Фақат сиз, сиз, сиз, сиз, сиз, сиз учун яшайман!!!

Қ о с и м. Йўк! Мен сен учун яшайман. Менинг орзуим, аъмолим, армоним, қисматим, бору йўғим – сенсан!

С а л и м а. Фақат мени кечиринг! Унутинг ҳаммасини! Нахотки, ёшлигимда ота-онам раъйини қайтаролмаганим учун шунча жазо берсангиз!

Қ о с и м (*ғайритабиий овозда*). Мен сенга уйланолмаيمان.

С а л и м а. Нимага? Ғурур – иккаламининг ҳаётимиздан азизми? Мана, мен ҳамма нарсага тайёр турибман! Мени бағрингизга боссангиз-чи! Суякларимни синдириб, бағрингизда эри-тиб юборсангиз-чи! (*Бирдан овози пасайиб*) Сизга нима бўлган?!

Қ о с и м. Менга... ёмон бўлган. Урушда Афғонистонни ташлаб чиқаётганимда, Амударёнинг кўпригига етар-етмас мина парчаси теккан.

С а л и м а. Бунга тўккиз йил бўлди! Худога шукур, туппа-тузуксиз.

Қ о с и м. Мен сени яхши кўраман, Салима! Ҳозир сенга бир гап айтаман, шу билан...

С а л и м а. Нима “шу билан”? Нима “шу билан”?!

Қ о с и м. Шу билан ёнимга қайтиб келмайсан. Ўша ярадор бўлганимда. Хуллас – эрлик қилолмайман! Ҳеч кимга – дунёдаги бирор-бир аёлга ҳам эрлик қилолмайман! Кечириб ҳам, кечирмасдан ҳам эрлик қилолмайман! Яхши кўрсам ҳам эрлик қилолмайман, ёмон кўрсам ҳам эрлик қилолмайман! Салима! Кет энди! Худо ёрлакагур, тўрт тарафинг қибла!

С а л и м а (*орқага чекинарган*). Алдаманг, жон Қосим ака! Алдаманг!

Қ о с и м. Бор! Бор!

С а л и м а (*ундан чекина бошларкан, Қосимга бемажолликда қўл чўзиб*). Ўзимнинг бебахтим! Бахтиқаром! Бахтиқурбонликка сўйилган Қосим акам! Мен туфайли бахтини урушларда ёкиб келган, суйганим. Бу дунёда сен ҳам, мен ҳам хор бўлдик! Хазон бўлдик. Иккаламиз ҳам очилмасдан тўкилдик. Боғларимиз ёнди. Тоғларимиз кесик бўлди. Бирга юрай десак, ҳатто саҳромиз ҳам йўк. Ўзимнинг бебахтим.

Бахтиқаром. Ўн гулидан бир гули очилмасдан сўлган баҳорим!
Дунёнинг ҳамма кузлари жамланган баргихазоним! Мен бир
бўйларингга тўймасимдан тўкилдингми? Бу хазон бўлгур дунё
сени ҳам хазон қилдимми? Воҳ! Куйиб кетдим! Дўзахларингни
ўти ёндирди мени! Ўзимнинг бебахтим!.. Бахтиқаром.

У чекина-чекина, Қосимга қўл чўза-чўза талпинганича чикиб ке-
тади. Қосим тирик-ўлик бир тарзда қолади. Чол ҳаммасини эшитган. У
Қосимнинг ёнига келади.

Ч о л. Қосимжон, тур, болам! Ғам ичида ўтирма! Ўзингни
силкиб ўрнингдан тур.

Қ о с и м (*ўрнидан туриб*). Ота!

Ч о л. Гапирма, болам, гапирма! Эшитдим, ҳаммасини
эшитдим... (*Бирдан Қосимни қучоқлаб*) Воҳ, болам! Мен гум-
роҳни кечир! Нимага мен сени урушларга юбордим! Нега
йўлларингга тоғ бўлиб ётиб олмадим, болам! Сенга ота
бўлиб, бу дунёда сабру тоқат қилганингга нега тушунмадим.
Қосимжон! Кенжатойим! Сени бу кунларга қолдиргунча,
ўлсам бўлмасмиди? Сени урушга олиб кетаётганларида нега
мен қараб турдим? Ўша урушда мен ўқларга учрасам армон
қолмасди! Воҳ болам! Воҳ ёруғ дунёдан бетуёқ кетадиган
тансиқ фарзандим!

Қ о с и м (*титраниб*). Ота! Мен бу дунёдан изсиз кетмай-
ман. Ишонинг, ота, менинг изим қолади. Мен қон бердим!

Ч о л. Қанақа қон, болам, қанақа қон? Қонинг сени шунча-
лар кўпми ҳамма жойга тўкиб ташлайдиган?

Қ о с и м. Ота, мен... Дўхтирга қон бердим. Энди мен ўл-
майман. Қонимни бир беморга қуядилар. У тузалиб кетади.
Қоним ундан фарзандига ўтади.

Ч о л. Бечора болам. Бек болам! Хон болам!

Қ о с и м. Фарзандидан неварасига ўтади, неварасидан че-
варасига ўтади.

Ч о л. Болам, гапирма.

Қ о с и м. Чеварасидан эварасига ўтади.

Ч о л. Хаёлкаш болам! Армонли болам!

Қ о с и м. Мен беиз кетмайман! Мен беиз кетмайман!

X

Ховли. Чол, Қосим ва Салимадан бошқа ҳамма шу ерда. Ошпаз ҳам тик турибди. Энди у чарм куртқада.

Ш о к и р. Алло. Гапир! Гапир! Эшитаяпман! Сен гапир-равер, аҳволимни сўрамасдан! Хўш хўш, яна нима гаплар? Бўлдимиз? Энди мендан эшит. Мен етиб бораман. Молнинг икки баравар ҳақини берамиз, деб ушлаганларга катъий сўз беринглар! Ишонтиринглар! Қолганини ўзим тўғирлайман. Тушундингми? Тушундингми, деяпман! (*Трубкани зарб билан қўйиб*) Кўлга тушибди, ношудлар! Тезлик билан етиб бориш керак. (*Ошпазга*) Тумандан чиқаверишда Телпакли деган яйлов бор. Ўша жойга вертолёт чақир. Мен фақат иккита йигитинг билан учаман. Қолганларни Москвадан оламан.

Э ш м а м а т о в. Мен энди борай, Шокиржон, ишлар кўп, бугун кўшиқ танловимизнинг якуни.

Ш о к и р. Бораверинг, Эшмаматов, бораверинг. Чўкаётган кемани тарк этишга мудом ҳозир каламуш эканлигингизни яхши биламан.

Э ш м а м а т о в. Болтабоев, шляпам қаерда?

Б о л т а б о е в. Ўтирган жойимизда. Боғда. Юринг, бирваракайига ўша ёқдан сизни кузатиб қўяман.

Ш о к и р. Шошманг. (*Ичкарига кириб дипломат кўтариб чиқади.*) Эшмаматов! Болтабоев! Мана сизларники. (*Жўрага тушунтириш бериб*) Дўстларни сийлашни яхши кўраман. Болтабоев, олинг! (*Гўё ҳазилдай*) Ўзи шу совғани бермасам кетмасдиларинг. Ичида эллик минг кўк қоғоз бор. Биздан розимисизлар?

Э ш м а м а т о в (*шошинқираб*). Раҳмат, раҳмат.

Ш о к и р (*уларни бог эшиги томонга кузатиб юраркан, фақат иккаласига эшитиларли қилиб*). Эшмаматов, иштонингизни хўл қилиб қўйдингиз-ку! Бундай ишлар кўп бўлиб туради. Фақат ўғлимнинг борлиги озгина кўнгилни ғаш қилди. Мен икки ҳафтада келаман. Мол тайёр турсин.

Б о л т а б о е в. Омонлик бўлса, мол тайёр.

Ш о к и р. Болтабоев! Қаллангни узаман! Нега омон бўлмас эканмиз? Ҳа, сизларга ёқадиган гап. Мен ўша молларни ушла-

ганлар билан бирга икки ҳафтадан кейин меҳмонга келаман.
Россиялик меҳмонларни бир яхшилаб меҳмон қиласизлар.

Э ш м а м а т о в. Улар танишларингизми, Шокиржон?

Ш о к и р. Пул ҳаммани танийди. Яхши боринг. Болтабоев, сен Эшмаматовни кузатиб, қайтиб кел. (Уларни кузатиб орқага қайтади. Беғамга кўзи тушиб тўхтайдди.) Сен ҳам кетасанми? Жўнайдиган бўлсанг, “Мерседес”да борасан.

Б е ғ а м. Исроил... тинч эканми?

Ш о к и р. Тинч. Озгина... Хуллас, қўлга тушишган.

Б е ғ а м. Мен ўғлимни сўраяпман?!

Ш о к и р. У қочибди. Бу яхши. Уларнинг кўлига тушгандан кўра. Сен кўркма. Ўғлинг уч кундан кейин бағрингда бўлади. Мен сени бирор марта алдаганманми?

Б е ғ а м. Менга қаранг, сочим бирдан оқариб кетяпти.

Ш о к и р. Ҳаяжонланма!

Б е ғ а м. Худо кечирсин, ҳозир сизни қандай қилиб ўлдиришни билмаяпман. Агар боламга бир гап бўлса...

Ж ў р а. Нима гап ўзи? Ҳеч тушунмадим.

Ш о к и р. Россияга жуда кўп миқдорда мол жўнатгандик. Бир-икки шўх божхона ходимлари йўлда ушлашибди. Бориб, бир кунда тўғрилаб келаман.

Ж ў р а. Ҳеч гап эмас экан-ку. Келин, бекорга асабийлашмаяпсиз.

Б е ғ а м. Ўғлим!..

Ж ў р а. Божхонада ўғлингизни божга олиб қолишмас. Айтгандай, Самарқандга бориш нима бўлади?

Боғ эшикдан Чол чиқади.

Ж ў р а (нимадир бўлганини сезиб). Ота!

Чол тўғри хонасига қараб юради.

Ш о к и р. Ота! Биласизми, ҳозир Ўрусиядан қўнғирок қилиб қолишди. Мен тезлик билан кетишим керак. Икки ҳафтадан кейин келаман. Келаману дарҳол ҳаялламай сизни Самарқандга олиб кетаман.

Ч о л. Қаерга олиб кетасан?

Ш о к и р. Самарқандга.

Ч о л. Ҳа, Самарқанд... Боролмайдиган бўлдикми?

Ш о к и р. Икки ҳафтадан кейин борамиз.

Ч о л. Агтанг. Шу сафар астойдил йўлга отланган эдим.

Ш о к и р. Мен ҳозир жўнайман.

Ч о л. Самарқандга йўлда кириб ўтолмайсанми?

Ш о к и р. Йўк, мен учиб кетаман.

Ч о л. Мен сенинг ўрнингда бўлсам, Самарқандга ҳамиша тўхтамасдан ўтмасдим. Шундай жойни кўрмасдан қандай ўтиб кетасан?.. Кетмоқчи бўлсанг, бир фасл шошмай тур. Мен ичкарига кириб бироз дам олай. Кейин сенларга айтадиган бир оғиз гапим бор. Хўпми?

Ш о к и р (*соатиға қараб*). Хўп.

Чол хонасига киради. Орқасидан хавотирланиб, Жўра киради.

Ж ў р а (*хонадан чиқиб*). Отамдан хавотир олаяпман. Ука, шу ваъда деган қурғурни ўйлаб берсанг бўлмайдимми?

Ш о к и р. Бунақа бўлишини ким билибди?

Ж ў р а. Камида бешинчи марта ваъда беришинг.

Ш о к и р. Дунёнинг иши тескари бўлса, мен нима қиломан! Мен ваъдани ўйламай берган бўлсам, сиз ўзингиз ўйлаб ваъда беринг-да, отангизни Самарқандга элтинг.

Ж ў р а. Мен сенга эрталаб нима дедим!?! Самарқандга боролмайман дедим-ку!?

С а о д а т (*ошхонадан чой кўтариб чиқиб*). Уришманглар.

Чолнинг хонасига кириб кетади. Бирпасдан кейин қайтиб чиқади. Ғалати сукунат.

Ж ў р а. Тинчликми?

С а о д а т. Бобомни кўп қаторига кўшибмиз. (*Йиглайди.*) Отажон!

Б е ғ а м. Ота! Отажон!..

Шу пайт боғдан ўк овози эшитилади. Оғир жимлик чўқади. Анчадан сўнг, боғ эшиги ғижирлаб очилиб (у балки илғари ҳам ғижирлагандир, аммо ҳеч ким эшитмаган), милтикни судраганича Қосим киради.

Қ о с и м. Болтабоевнинг пешонасидан отдим.

Ҳамма жой-жойида қотиб қолган. Парда шу ҳолатда ёпилади.

XI ХОТИМА

Ховли. Эндигина Чолнинг маъракаси ўтган. Бир четда дошқозонлар тўнтарилиб ётибди. Поёндозлар, идиш-товоклар тартибсиз сочилган. Стол атрофида Саодат ва Жўра ўтирибди.

Саодат. Чой ичинг.

Жўра. Раҳмат.

Сукунат.

Саодат (*тўсатдан йиғлаб*). Тумонат одам келди-я.

Жўра. Отам одамларга фақат яхшилик қилган эдилар.

Саодат. Яхши эдилар. Самарқандни бир кўришни орзу қилардилар.

Сукунат.

Саодат. Бечора Афғон! Оталарининг қабрларига бир сиким тупроқ ташлай олмади.

Жўра. Пешона-да!.. Энди тақдирида борини кўради.

Сукунат.

Саодат. Молларга қарай.

Жўра. Ўтир. Самарқандга этсам, борасанми?

Саодат. Этсангиз бораман.

Жўра. Бўлмаса тайёргарлигингни кўравер. Қиш ҳам келиб қолди. Менга таътил беришса керак. Иккаламиз тўғри Самарқандга борамиз.

Саодат. Рўзғорга ким қарайди? Моллар бор.

Жўра. Бир гап бўлар.

Кўча эшиги очилиб, Учувчи кириб келади.

Учувчи. Кечирасизлар, яна тўғри бостириб келаяпман. Бой қалай? Самарқандга бориб келдиларми? Яна Самарқандга олиб кетмоқ ниятида келдим. Нима бўлди? (*Жўра ва Саодатга, ховлига синчиклаб қарайди-ю, нима бўлганини тушунади. Секин чўккалайди*) Яхши одам эдилар. Мен у кишига Самарқандни осмондан кўрсатмоқчи эдим. Самарқанд осмондан бошқача кўринади. Қани, бир тиловат қилиб юборинг.

Ҳамма Куръон ўқилишига ҳозирланиб, бош эгади. Шу пайт, қайлардандир олисдан – эҳтимол, фалақдан, эҳтимол, бошқа бир муқаддас олисдан Куръон тиловати эшитилади. У аста-аста садоланиб, баланглашиб сахнани, зални тутди. Бу ёғи режиссёрнинг ихтиёрида – балки шу тиловат остида сахна ёпилар, балки қаҳрамонлар фотиҳа ўқишгач, тинмай жаранглаётган тиловат остида томошабин рўпарасига таъзимга чиқарлар.

П А Р Д А



Эркин АЪЗАМ

(1950 йилда туғилган)

ЖАННАТ ЎЗИ ҚАЙДАДИР

ёхуд Жийдалидан чиққан Жўракул

*ва унинг хонадонида кечган савдолардан нақл этувчи
икки қисмли драматик қисса*

Иштирок этувчилар:

Домлаёки Устоз – собиқ марксчи олим, академикликка даъвогар, эътикодидан қайтмайдиган одам, 60-65 ёшларда.

Хонимёки Янгамулло – Домланинг хотини, “оёқ чиқарган” тижоратчи, орзуси – яна-яна яхши яшамок, 55-60 ёшларда.

Турсунийёки Шогирд – Домланинг шогирди, “қирк йиллик” аспирант, энди фан номзоди, докторликка ҳавасманд, 35-40 ёшларда.

Раҳматуллоҳ Жийдалиёки Бойота – америкалик ўзбек, “ватанпарвар”, хонадоннинг доимий меҳмони, роса тетик кўринса-да, 60-65 ёшларда.

Клараёки Комилахон – Домланинг қизи, аридек чақишга уста, ҳаётдан норози, аросатда, 35-40 ёшларда.

М э л и с ёки М е л и в о й – Домланинг асл меросхўри, лекин “Капитал”ни кўлига ҳам олиб кўрмаган, “тинғир-тинғир” мусикачи, “дарвеш”, 28-30 ёшларда.

А с а л х о л о ёки А м м а ш к а – бенаво оқсоч кампир, тили заҳар, ўзи меҳрибон, 70 ёшларда.

“О қ к а п т а р” ёки О п е р а ч и к и з – Мэлисга тегиб олишга қаттиқ аҳд қилган, бу йўлда мошинанинг юкхонасида димикиб ўлмоққа ҳам тайёр унвонпараст қайлик, 25-26 ёшларда.

С а р д о р – “отаси депутат бўлса-да”, ўзи репетитор йигит, 22-23 ёшларда.

Л у и з а х о н ёки “А й л а в ю” – Кларанинг эркатой қизи, ўзбек бўлмоққа орзуманд, 17-18 ёшларда.

Э р х о т и н – буларнинг кимлиги ҳали номаълум, 35-40 ёшларда

“Любовь Андреевна! Агар яна Парижга боргудек бўлсангиз, мени ҳам олиб кетинг, барака топкур. Мен асло бу ерда қололмайман. Ўзингиз кўриб турибсизки, бу юрт ғирт қолоқ, халки нодон, тўпори, бунинг устига – жуда зерикиб кетди одам, овқатлари ҳам жонга теккан. Мени албатта бирга олиб кетинг, худо хайрингизни берсин!”

А.П. ЧЕХОВ,
“Олчазор”

Бу манзаралар янги аср бошидаги таҳликали кунларда Тошкент ва шаҳар атрофидаги соя-салкин чорбоғлардан бирида кечади.

БИРИНЧИ ҚИСМ
ТАЛВАСА
ёхуд шаҳарда нима шовкин?

МУҚАДДИМА

Саҳнанинг парда олдидаги хилват бурчаги. Енгил ҳалинчак – курсига ястаниб олган Хоним, бурнининг учида жимжимадор кўзойнак, кўлида калькулятор, алланимани ҳисобламоқда. Оёғининг тагида сандикдек келадиган баҳайбат жомадон. Ундан олинган кийим-кечак, лаш-лушлар емак столининг устида уйилиб ётибди.

Х о н и м. Тўртта “буклэ” костюмчик – етмиш олти доллардан – уч юзу тўрт доллар. Олти жемпер – йигирма саккиз баксдан – бир юзу олтмиш саккиз кўқонга тушди. Беш жуфт “лодочка” туфли – олтмиш олти. Қимма-ат. Қирк дона колготка, йўғ-а, қирк тўрт дона – йигирма икки доллар. Тузу-ув. Ҳалиги савиллар қаёкка кетди экан-а? (*Энгашиб жомадонни титкилайди, ниҳоят бир тўп ялтироқ гилофли сийнабанд чиқади. Бирини гилофидан сузуриб томоша қилади.*) Зўр кетади аммо! Неча баксдан десамикин?

Ташқарида машина келиб тўхтагани эшитилади. Эшиги карсиллаб ёпилиб, зум ўтмай М э л и с пайдо бўлади. Ғирт маст, оёғида туролмайди.

М э л и с. Ма-а-ма, привет!

Х о н и м (*кўлидагини апил-тапил жомадонга ташлаб*). Мэлисчик, жоним, қаёқларда юрибсан? Аэропортга чикиб бизларни кутиб оладими десам. Соғиндим! Ке, бир ўпай!

М э л и с (*гандираклар унинг бошига келади*). Ма-ма!

Х о н и м (*таънаомуз оҳангда*). Ойи!

М э л и с (*баттар гашиқиб*). Мама!

Х о н и м (*койиниб*). Энди “ойи” бўлади, жиннивой! Биров эшитса нима дейди? Булар ҳалиям. (*Ўптиришига энгашган ўглининг гарданига лаб уриб қўяди.*) Энди у ёғидан. Мэлиси-нам, эркатойим!

М э л и с (*зўддайиб*). Меливой! Энди Меливой бўлади, ойивой!

Х о н и м. Ҳа, майли-майли. Меливой, вой-вой!

М э л и с. Ва-абше, энди Меливой бўладими, Мэлискул бўладими – бари бир гўр! Бой отам ҳам келдиларми?

Х о н и м. Келган. Ҳамма шу ерда, Мэлисчик. Кутгани чиқмадинг?

М э л и с. Бу ёқда нима гап-у. Яна хотин овлаганими? Ёки бу гал ҳовли кўрганими?

Х о н и м. Унақа дема, тойчок! Қандоқ мировой одам! Бизларга қандоқ ёрдамлар қиляпти!

М э л и с (*стол устидаги лаш-лушни титиб кўриб*). Вой-бў, Туркияни кўчириб келмадингизми ишқилиб? Кожинка қани? Камера қани?

Х о н и м. Келаси сафар-да, Мэлисчик. Бу гал харажат кўпайиб кетди. Хўпчик?

М э л и с. Хўпчик! Папам қани?

Х о н и м. Папанг. Дада дегин, уят бўлади! Домла-а ишла-яптилар. Қаттиқ ишляяптилар! Муҳим макола устида! (*Кимгадир, афтидан, Домлага тақлидан.*) Устида, билдинг! Ўзинг менсиз қийналиб қолмадингми? Клара, ия, Комила опанг овқат-повкатингга қараб турдими ишқилиб? Униқиям бир каша-пашадир-да? Маза-матрасиз ўрисча алламбалолар дегин! У кишимнинг ўй-хаёллари ҳалиям ўша ёқда, Ленинградда! Петербургми энди? Ер ютсин! Балога йўлиққур Виктор! Гулдек боламни. Шуни анови Раҳматжонга бир.

М э л и с. Қўйсангиз-чи, мама! Бой отам нақд ўн етти яшарини кўзлаб юрибдилар. Ўн саккиз яшари бўлса ҳам – кампир! Ўзлари айтган. Шахсан менга!

Х о н и м. Ҳазилингни қўй, жоним. Ранг-рўйингга нима бўлди, тузукмисан ўзи?

М э л и с. Расво!

Х о н и м (*ташвишиланиб*). Нима бўлди, жужунчик? Йўлда мелиса-пелисага тушдингми? Нима деди, нима қилди?

М э л и с. Нима қиларди, честь берди! Кўзи кўр эмас, кўриб турибди – “иномарка”!

Х о н и м. Ҳа-а, тузу-ув. Тагин нима деди?

М э л и с. Миллионер мамашкангга салом айт, деди! Айтгинки, бу арава уриниброк қопти, дурустроғини олиб берсин, “вольво”сидан бўлса, яна яхши, деди! Шундай деди, честний

пионерски, шундай деди! (*Кафтининг қиррасини пешонасига тираб “салют” ясайди.*)

Х о н и м. Майли-майли, майнавозчиликни қўй. Қорнинг очдир? Аммашканг бир бало килаётувди, жизза-пиззасидан татиниб турасанми? Асал хола-а, хув Асал хола! (*Бўйинини чўзиб чақира бошлайди.*)

М э л и с. Керакмас! Шу тобда овқат ўтадим томоқдан!

Х о н и м. Бунақа одатинг йўқ эди-ку, жужук! Яна денг – рулда! Шунақа килаверсанг, кожинка ҳам йўқ, “Вольво” ҳам йўқ, билиб қўй, бола!

М э л и с. Мен ичмай ким ичсин, мама! Ҳаммаси расво, ҳаммаси!

Х о н и м (*жонсаракланиб*). Нима қилди, болам?

М э л и с. Нима қиларди, ўша – папамнинг.

Х о н и м. Ўзингдан кўргин-да, жоник! Униси – ўпок, буни-си – сўпок, дейсан. Папангнинг ҳам жони ачийди-да. Ёшинг ўттизга қараб бораётган бўлса!. Чарчабсан. Кир, ётиб дамингни ол. Аммашкангга айт, ичкари уйга жой қилиб берсин.

М э л и с. Ётаман! Уйғотганни – отаман! (*Кетади.*)

Х о н и м. Хўп, хўп, боракол. (*Яна буюм титишига киришади.*) Шаҳарда тинчиликми? (*Шунчаки*) Аэропортдан тўппатўғри бу ёққа келавердик. Шаҳарда нима бор!. Ўттизга лозимча. Қанчадан олинган эди?

М э л и с (*ичкаридан*). Шаҳарда шовқин, тўполон! Эҳ, ҳаммаси кетди! Ҳам-маси! Мустақиллик ҳам! Эркинлик ҳам! Орзу-умидлар ҳам! Ҳаммаси барбод бўлди! “Оқ каптар, оппоқ каптар”миш! “Кел, севгилим”миш! Мана сенга! Ҳаммаси остин-устун! Аммашка! Аммаш!..

Х о н и м (*машгулотига шўнғиб кетганидан унинг гапига нарво қилмай, хаёл билан*). Шаҳарда шовқин, шаҳарда шовқин. Қанчадан олинган эди бу савил? Ҳаммаси кетди, ҳаммаси кетди. Икки долларга биттаданми, бир долларга иккитаданми? (*Хиргойи қилади.*) “Кетди, кетди, ке-етди. Ҳаммаси кетди. Мустақиллик, эркинлик... кетди, кетди, ке-етди”. Мустақиллик... Неча доллардан эди? Ҳа-а, эсладим, эсладим, бир доллардан! Мустақиллик... Бир доллар! Эр-

кинлик... Бир доллар! Ҳаммаси бўлиб қанча? “Кетди, кетди, ке-етди”. Ўтгизта лозимча – ўтгиз доллар! “Кетди, кетди, кетди”. (Кўққисдан ўзига келиб) Нима?! Мустақиллик дедими боя? Кетди? Вой! Қаёққа кетади? Вой, вой! Энди нима бўлади булар? Ҳаммаси?! (Жонҳолатда стол устидаги нарсаларни шипириб жомадонга тикади ва йиғламсираб чинқиради.) Домла-а! Хув, домла-а! Бу ёққа қарасангиз-чи, ахир! Куйдик, адо бўлдик!

Қаёқдандир кимнингдир бўғиқ овозда хиргойиси эшитилади. Кимдир Муяссар Раззоқованинг овози билан “Оқ каптар, оппоқ каптар” кўшиғини куйлаётир. Бир лаҳза талвасада қолган Хоним апил-тапил антика тагкурсида турган телефонга ёпишади. Гўшакни бўйни билан қисиб, рақам теради.

Х о н и м. Бўсто-он! Ҳой Бўсто-он! Алё! Ал-ё! (Гўшакни қарсиллатиб жойига қўяди.) Ҳе, падарингга лаънат! Саккиз хонадонга – битта телефон! Буям бир кун ишласа, бир ҳафта ғинғиллаб тургани-турган. Ҳе, топилмай кет! Домла-а! Бормисиз, ахир! (Баҳайбат жомадонини зўрга судраб, ён тарафга кириб кетади.)

Биринчи манзара

Шаҳар яқинидаги чорбоғ – дача. Қўшқават иморатнинг фақат бикини кўринади. Ҳовли ўртасида каттакон жимжимадор чорпоя. Хонтахтанинг гирд-атрофи кўрпа-кўрпача, ёстиклар. Тўрда, бизга кўриниб-кўринмай бир киши ёнбошлаб ётибди. Ухлапти, чамаси. Иморат дарахтзор бокка қараган. Бериокда – тепаси рангдор шифер билан ёпилган омонат ўчоқбоши. Ўша тарафда – дарвозахонадан нари хилватроқ жойда тизза бўйи мрамор қопланган иншоотнинг бир бурчаги кўзга чалинади. Бассейн, кўм-кўк суви мавжланиб турибди. Дарвозахона устидаги бежирим панжарали кўшксимон шийпонда Домламиз макон қурган. Стол-стул, чойнак-пиёла. Бир ёнда саватдан ясалган тебранма курсида Домла кўзойнагини пешонасига кўтариб девор оша кўча томондаги ким биландир сўзлашмоқда. Қўшни шекилли.

Қ ў ш н и (овози). Ёғи чиқиб қолгандир, домла? Қачон қарасам.

Д о м л а (ҳафсаласиз). Ҳай энди, эрмак-да. Бекорчиликдан.

Қ ў ш н и (овози). Фойдаси йўқ, фойдаси йўқ. Кўриб турибсиз-ку!

Д о м л а (олдидаги ёзиб ўтирган каттакон дафтарига

ишора қилиб). Буни биров мендан тортиб олармиди? Ўзим учун-да. Ўтган-кетганни хотирлаб дегандай.

Қ ў ш н и (*овози*). Сўнгра бир кун опкетасиз-да, ўша ёкка? Сизнинг ўтган-кетганларингизни нашр қилиб бўлмас, домла!

Д о м л а (*паришон*). Қайдам. Шундай бўлади шекилли. (*Дафъатан илжайиб*.) Тайёр ёстик-да. У ёкда ёстик бўлмасмиш-ку. Чикинг бу ёкка, чой куйиб бераман.

Қ ў ш н и (*овози*). Уйга борай. Шеригим келди. Навбатчиликка. Эртага институтда йиғин. Ростми, ёлғонми, академияга сайлов бўлармиш, деган гап чикиб турибди.

Д о м л а (*беихтиёр жонланиб*). Йўғ-э? Зўр-ку! Анчадан бери пайсалга солиб келинаётувди ўзи.

Қ ў ш н и (*овози*). Яна бир уриниб кўрмайсизми, домла? Қилинган хизматлар етарли бўлса! Гардкамига-да!

Д о м л а (*иккала қўлини таслимона кўтариб*). Бас энди, иним! Тавба қилдик! Ўзингиз айтасиз-ку, “фойдаси йўк, фойдаси йўк” деб. Шу гап-да. Бир ёзувчимиди, “Энди мени букаман деб, синдириб қўйманлар тагин” деган экан. Яхши айтган! Ўзимизни кўчқор санамасак ҳам, шохлар синиб тамом бўлган, ука!

Қ ў ш н и (*овози*). Қўй бўпқолганмиз денг?

Д о м л а. Ундан ҳам баттари! Энди ёшлар кўрсин бу ёғини. Мана, ўзингиз ҳаракат қилинг. Фан дўхтири, профессор!

Қ ў ш н и (*овози*). Ҳазиллашяпсизми, домла? Шунча фан дўкайлари турганда бизга йўл бўлсин! Фойдаси йўк, фойдаси. Сиз билан бизнинг анови бассейндан топиб турганимиз ўзи ганимат. Қўйинг! Келиб туришгандир?

Д о м л а (*ўнгайсизланиб*). Э, йўғ-э. Кечамиди, уч-тўрттаси адашиб кепқолган экан, ҳайдаб юбордим. Ановинақа кизлар билан келишибди, бор-э, дедим. Сувни наҳсга ботириб.

Қ ў ш н и (*овози*). Тирикчиликнинг айби йўк, домла. Чўмилиб бўлиб уч-тўрт сўм ташлаб кетади, ҳарна-да. Сув-ку, сув, ювиб кетар. Нима қилай, уй тўла бола-бақра, ейман-ичаман деб турибди! Ҳа, ўшаларнинг орасида анови академик ошнангизнинг неварасиям бор экан. Хув анови, ўтган галги сайловда сиз билан тушган. Мустақил домла дейсизларми?

Д о м л а (*ижирганиб*). Мустафоқулов. Мухбир денг! Газетани тўлдириб ҳар ҳафта мақола чиқаради-ку. Маддох!

Мустақилликни хусусийлаштириб олган у! Ўзиники! Кечаги замондаги ўйинларини биларсиз?

Қ ў ш н и (овози). Қўяверинг, домла, фойдаси йўқ. Охиратда жавобини берар!

Д о м л а. Содда бўлманг, укам! Жавоб-павоб бермайди – атеистларнинг пешвоси у!

Қ ў ш н и (овози). Чорбоғингизда ўтиравериб замондан орқада қолибсиз, домла! Ҳозир ошнангиз – маънавият ва маърифатнинг пешвоси! Беш маҳал намозни канда қилмайди деб эшитаман.

Д о м л а (бўшашиб). Ҳай, шундай бўптими? Майли, иймонини берсин. Замон шуники бўлиб қолди, начора!

Қ ў ш н и. (овози) Хоним келдиларми, домла? Кеннойимиз? Сафарда эдилар чоғи?

Д о м л а (истар-истамас). Келгандай. Биттаси ивирсиб юрувди, ўша бўлса керак.

Қ ў ш н и (овози). Ҳа, яхши, кўнглингиз энди хотиржам. Шу дейман, домла, хотин-қизларимиз дунёга чиқиб кетди-я! Сиз билан биз бу ерда бассейн кўриқлаб, жўхори қайириб.

Д о м л а. “Эрлари уйда туриб, хотинлари савдо қилур”. Эшитганмисиз? Охирзамоннинг аломатларидан бири шундай эмиш-ку.

Қ ў ш н и (овози). Астафуруллох денг, домла! Охирзамонга ҳали анча бор!

Д о м л а. Мен ўзимни айтяпман, иним. Ҳар банданинг охирзамони ўзи билан экан. Майли, йўлдан қолманг сиз. Чақирса – чикмадингиз. Эртага бирор янгилик бўлса, келганда айтиб берарсиз.

Қ ў ш н и (овози). Индинга келаман. Навбатим – индин.

Д о м л а. Индингача биз ҳақ деб жўхори қайириб ўтирар эканмиз-да?

Қ ў ш н и (кетаётиб, ҳайқирган овози). Глобаллашув замонида яшаяпмиз, домла! Дунёда бир гап бўлса, зум ўтмай эшитасиз – радио бор, телевизор!

Д о м л а (кўзойнагини пешонасидан тушириб, ишига киришаркан). Майли, иним, яхши боринг.

Уйдан югуриб чиққан Хоним ҳовли ўртасида бир зум тўхтаб, кўкрагига

туф-туфлайди. Сўнгра агрофга аланглаб, ўчокбошида куйманиб юрган Асал холага кўзи тушади.

Х о н и м (*зарда билан*). Амма! Қулоқларинг том битганми, нима бало?

А с а л х о л а. Ҳа, ҳа, хонимжон? Мен бу ёқда эканман-да.

Х о н и м (*энсаси қотиб*). “Хонимжон, хонимжон”! Мен сизнинг хотинингиз эмасман-ку, амма! Неча йилдан бери айтаман-а: Роза Ҳасановна, тамом!

А с а л х о л а (*туси ўзгариб*). Ҳай, нима фарқи бор? Хўп, ана – Рўза Ҳасан.

Х о н и м (*ижирганиб*). Заҳар хола! Домла қанилар деяпман?

Асал хола тумшайиб, кўлидаги капгир билан шийпонга ишора қилади. Домла кўзойнагини пешонасига суриб, панжарадан пастга энгашади.

Д о м л а. Ҳа, хоним, тинчликми? Дунёни бузвордингиз-ку шовқин солиб!

Х о н и м (*бўшашиброк*). Ўзингиз-чи! Боядан бери чинқираман. Ким билан бунча гўнғир-гўнғир қилдингиз?

Д о м л а. Ҳе, қўшни. Уйига кетаётган экан. Прокурорнинг ховлисида турадиган-чи!

Х о н и м (*беписанд*). Ҳа-а, анови қоровулми? Ўша билан шунча гаплашадими одам? Э, қойилмасман сизга, домла!

Д о м л а. Билсангиз, хоним, у одам – физика-математика фанлари дўхтири, профессор! Худди эрингизга ўхшаган, керак бўлса! Соҳаси бошқа, холос.

Х о н и м. Вой-вой, шу киши-я?! Кўйсангиз-чи, домла! Бир жулдурвоки-ку! Дўхтир бўлса, профессор бўлса, бировнинг ховлисида қоровуллик қилиб юармиди?!

Д о м л а. Аввало, бегона эмас, туғишган жияни. Прокурор! Ҳафтада икки-уч бор келиб жиянининг ховлисини кўриқлаб кетса нима қипти? Прокурорнинг ўзи бу қошонага келиб туролмайди-ку, тўғрими? Қолаверса, илм одами, қўли калтарок. Бунинг устига, бола-чақаси кўп эмиш.

Х о н и м. Мана, сиз ҳам илм одамисиз – кўлингиз узунми?

Д о м л а (*ҳазилга буриб*). Менинг кўлим ҳам, оёғим ҳам узун! Хоҳласам – Туркияга етади, хоҳласам – Деҳлию Дубайга!

Х о н и м. Кесатяпсиз-а? Ўзингиз ҳам роса кезгансиз Москва-ю Ленинград қилиб!

Д о м л а. Сизниям армонингиз колмаган, хоним! Сочи-ю Кримлар эсларидан чикдими? Кейин-кейин ундан ҳам нари – Болгария, Ўрта Ер денгизи бўйлаб саёхатлар! Мазохўрак бўлганлар-да, ўшаларни хумор қилибми, мана, уйда ўтиролмай колдилар. Ўрганган кўнгил...

Х о н и м (*наст тушиб, ҳам қофиясига*). ...ўртанса қўймас! Ўзингиз оборгансиз-ку!

Д о м л а. Ана шунисига доғман-да. Бизга келсак, бизники илмий кенгаш, конференция ё семинар деб аталгучи эди. Яланг сайру саёхат эмас!

Х о н и м. Бизники ҳам саёхат, ҳам тижорат деб аталади! Чидайсиз-да, хўжайин! Чидаёлмасангиз, сиз шўрликда прокурор жиян ҳам йўқ!

Д о м л а (*ночор илжайиб*). Бизга унақа дахмаза жияннинг кераги ҳам йўқ, хоним афандим, ўзингиз борсиз, етиб ортади!

Х о н и м (*ҳалиги таҳликада бу гапнинг тагига етмай*). Э, худога шукур-э! Шундай деб туринг. Айтгандай, эшитдингизми?

Дарвозахона тарафдан яна “Оқ каптар” кўшиғи янграётир.

Д о м л а. Эшитдим, эшитдим. Боя ҳам эшитгандай бўлудим. Шу кўшиқни яхши кўраман-да, хоним. Худди оппоқ гуллаган олчазорда сайр қилиб юргандек бўлади одам. Сизни кўлтиклаб! Хув бир вақтлардагидек! Ён-верингизда оқ каптарлар чарх уради, жаннатнинг ўзи! Саодат Қобулованинг кўшиғи.

Х о н и м. Шоир бўлкетинг-э! Мен бошқа гапни айтяпман, домла.

Д о м л а. Кулоқ солинг, кулоқ солинг! (*Бош тебратиб*) Шундай ашулалар ҳам бор-а дунёда! Эҳ, қани менинг ёшлигим?!

Х о н и м (*қулоқ тутиб*). Анови мошинадан келаётганга ўхшайди. Радиосини ўчириш эсидан чиқибди-да.

Д о м л а. Ия, сўтакўзингиз шу ердами? Қачон келдилар?

Х о н и м. Хув, қачон эди! Ижодга шўнғиб, мошинанинг ҳам товушини эшитмагандирлар-да?

Д о м л а. Балки, балки. Чақиринг, ўчириб қўйсин.

Х о н и м. Чарчаб келган эканми, ичкари кириб тарракдай котиб колди!

Д о м л а. Ўлгудай уриб келган денг! Шу ахволда мошинага ўтириб. Одам бўлмади бу бола!

Х о н и м. Кўйсангиз-чи, хўжайин, ким одам экан шу замонда!

Д о м л а. Кларангиз кўринмай колди?

Х о н и м. Пастда, подвалда. Дам оляпти. Қизи билан. Муздеккина! Каранг, бу иссиққа чидаб бўладими? Битта сизга билинмайди. Хур-хур шийпонда ўтирибсиз-да.

Д о м л а. Зерикяпти-я шу қиз? Шаҳри шовкинга ўрганган.

Х о н и м (хўрсиниб). Э-э, гапирманг. Ҳой, тушиб ановининг радиосини кўрсангиз-чи энди!

Д о м л а (шўхчанлик билан). Хўп бўлади, хоним! Хўп бўлади, Роза Ҳасановна! Ҳозир-да.

Домла ёғоч зинапоядан тушиб келади ва шийпоннинг оркасида – бизга кўринмай турган мошинанинг эшигини очгани эшитилади. Ул-бул мурватини текшириб чиққан бўлса керак, эшик яна қарсиллаб ёпилади. Бу вақт бояги кўшиқ ҳам тинган.

Д о м л а (шийпон тагидаги чорқирра устунга суяниб турган хотинининг олдига қайтиб). Э, кўча-кўйдан келяпти, шекилли. (Ўчоқбоши тарафга қараб.) Амма! Бирор нарсангиз борми? Қорин пиёзнинг пўстлоғи бўпкетди-ку!

А с а л х о л а. Бирпасгинада бўлади, айланай, сабр қиласиз.

Х о н и м (энсаси қотиб). Айланай, ўргилай. Бу киши – домла!

А с а л х о л а. Хўп, хўп, хоним. Рўза Ҳасан. (Бирдан захри кўзиб.) Ўзингиз уйга кириб андаккина дамингизни олсангиз-чи, айланай! Йўлдан келган одам! Бу хотин чарчамайдиам!

Х о н и м. Чарчаб бўпти! Заҳар хола! (Домлага юзланиб, бирдан паст овозда) Ҳеч гапдан хабарингиз йўқми, домла? Мустақиллик кетганмиш-ку!

Д о м л а (беихтиёр, ажабланиб). Мустақиллик?! Қаёққа кетади? Нега? Алаҳсирамаяпсизми ишқилиб?!

Х о н и м (ўзини оқлагандек). Ким билсин, боя ўғлингиз шундай деб тўнғиллагандек бўлувди. Ўзим ҳам яхши англаёлмай колдимми.



Д о м л а (*бесаранжомликка тушиб*). Эси жойидами ўзи?!
Бор, уйғот!

Х о н и м. Ухлаяпти бола. Туролмайди.

Д о м л а (*даргазаб*). Уйғот деяпман ҳозир!

Х о н и м. Вой, вой! Ўзингизни босинг, хўжайин! Ундай бўлса, куйиб қоладиган мен-ку! Шунча мол, сармоя! Сизга, қайтага, яхши бўлмайдимиз? Ишларингиз яна юришиб, академия, сайлов.

Д о м л а (*хезланиб*). Ўв, хотин, эс-песингни едингми?! Нахотки, мен. Кир, уйғот!

Х о н и м (*дафъатан чатнаб*). Уйғотмайман! Керак бўлса, кириб ўзингиз уйғотинг! (*Йўлни тўсиб*) Уйғотиб бўлсиз! Мен бу одамни суюниб кетадими десам.

Домла. “Суюниб кетади”? Оббо-о! Менинг, мендакаларнинг иши юришиши учунгина кечаги замон қайтиши керак эканми? Буни хаёл қилмоқнинг ўзи бориб турган телбалик, разиллик-ку!

Х о н и м. Хув бирда ўзингиз ижтимоий адолат, тенглик ғоялари яна қайтиб майдонга чиқиши мумкин, дегандек бўлудингиз, шекилли?

Д о м л а (*бир зум гангиб, сўнг ётиги билан, сабоқ марамид*). Айтгандирман. Чунки бу – орзу, инсониятнинг ўлмас орзуси! Одамзод бор экан, бу идеал яшаб қолаверади. Шу гапларни ўзингиз ҳам биласиз-ку, хоним – фан номзоди деган хужжатингиз бор қўлингизда! Лоақал, қадимги Рим демократияси, Форобий бобонинг одил жамият ҳақидаги орзуларини эсланг!

Х о н и м. Эсладик, эсладик, домлаи калон! Лекин – хаёт бошқа, орзу-хаёллар бошқа!

Д о м л а (*фикридан чалғимай*). Йўк, хоним, сиз гапни чалкаштиряпсиз. Мустақиллик бошқа, озодлик тушунчаси бир бошқа, ижтимоий адолат, тенглик ғоялари – бошқа! Ахир, миллий мустақил мамлакатда ҳам адолатсизлик, бедодлик ҳукм суриши мумкин-ку. Мисол керакми сизга? Билгингиз келса, мен ижтимоий адолат, инсоний тенглик тарафдориман, холос. Зинҳор-базинҳор кечаги истибдоднинг эмас!

Х о н и м. Қачондан бери, домлажон?!

Д о м л а (*бирдан бўшашиб, чўнқайиб қолади*). Робия! Шун-

ча йил бирга яшаб, нахотки, мени билмасанг?! Нахотки мен...
Аттанг, аттанг!

Х о н и м (*йигламсираб*). Билганим учун айтяпман-да!
Шундай одам, шунча меҳнат қилган олим, бугунги кунга ке-
либ аҳволингизни қаранг! Мен ҳам куюман-да! Куйганимдан.

Д о м л а (*вишиллаб ўрнидан қўзғалади*). Аҳволимга нима
қипти, мочағар, оғзингни юм-э!

Х о н и м (*гезариб, “озод Шарқ аёли” қиёфасига кириб*).
Менга бақирманг, хўпми! Мени сиз боқаётганингиз йўқ! Сиз-
нинг даврингиз ўтди энди, домла! Ҳозир – демократия замони!

Д о м л а (*қувлагудек талпиниб*). Ҳе, ўша демократия-пемо-
кратияннга кўшиб сени!..

Ўчокбошидан Асал хола, қўлида капгир, саросимада эр-хотин томон
йўрғалаб келади.

А с а л х о л а. Иби, айланайлар, сизларга нима бўлди? Уят
бўлади-я, домлажон! Уят-а, хонимжон! Сиз бир гапгинадан
қолиб уйгинага кирсангиз-а!

Чорпояда ётган меҳмон – Раҳматуллоҳ Жийдалий ёстикдан бош
кўтариб, бу машмашани таажжуб билан кузатади.

Ж и й д а л и й. Э-э, домулло! Овозларингиз баланд-баланд
чиғди, янгамулломизга ҳазил қияпсизми дейман?

Д о м л а (*ҳовридан тушиб, хижолатомуз, аммо заҳарханда
билан*). Янгамуллонгиз бизга хотин бўладилар, Раҳматвой! Сиз
аралашманг, баҳузур дамни олаверинг. Сиз айтган ҳазилни биз
хў бир замонлар чимилдиқда қилганмиз, укам!

Ж и й д а л и й. Хўп, хўп, домулложон, узр. (*Кейин бамай-
лихотир, мароқ билан давом этади.*) Бизга денг, домулложон,
чимилдиққа кирганда келинчакни аввал бир шапати урганлар,
“вой” деса – бир тепганлар. Ана сўғра ўла-ўлгунча бош кўтариб
бетингизга қарасин-чи! Ё бир оғиз сўз айтиб кўрсин-чи!

Д о м л а. Американи айтяпсизми, Раҳматвой?

Ж и й д а л и й. Йў-ўқ, домулло, Афғонни, шимолий Афғонни.
Амриқода келин сизни уради, сизни тепади-я! (*Кулади.*)

Д о м л а. Биз ҳам Америкадай бўпқопмиз-да унда?

Ж и й д а л и й. Йўғ-э, домулложон, ундай деманг. Худо

сакласин! Сизлар, хаёлимда, Амрико билан Афғоннинг ўрта-сида ҳозир. Мўътадил.

Д о м л а. Мўътадил бўлгани курсин денг! (Ҳамон сerratийб турган хотинига қараб, одатдагидек юмшоқлик билан) Сиз кириб бундай бир радио-телевизорни кўйиб кўринг-чи, ростдан ҳам нима гап экан?

Х о н и м (тумшайиб уй томон буриларкан). Эркак зотининг бари – бир хил: Америкада ҳам, ўша Афғонида ҳам! Феодал!

Ж и й д а л и й (Хонимнинг ортидан). Янгамулломиз кўп ўкиган, кўп доно аёл-да, домулло! Барака топсинлар.

Д о м л а (паршонлик билан). Э, сўраманг, Раҳматвой! Илму амалларини намоиш қилдилар-ку боя, кўрдингиз!

Домла чорпоянинг бир четига ўрнашади. Ҳар эхтимолга деб қапгири-ни ўроқ мисол кўтариб олган Асал хола ўчоқбошига қайтиб кетади.

Ж и й д а л и й. Домулло, сиз ҳали янгамулломизга ҳамма тенг бўлмоғи лозим, дегандай гап қилдингиз-а? Қандоқасига тенг бўлсин, ахир? Мана, беш панжа баробар эмас-ку!

Д о м л а. Беш панжа баробар эмас, тўғри. Аммо ҳадеб шу нақли одамга ишқайвериш ҳам нодуруст-да, Раҳматвой. Ахир, инсон деганингизнинг беш бармоқдан бошқа аъзолари ҳам бордир? Яна бир қўл, икки оёқ, елкасида калла, калласида мия! Ия, кўнгли-чи, кўнгли?! Беш панжа дейсиз, шунинг қай бирини тишланганг – бирдай оғрийди-ку! Демак, зоҳиран узун-калталигига қарамай дарди, ботини бир хил экан-да, тўғримми? Бандалари ҳам Оллоҳга ана шу йўсин боғланган, унинг олди-да ана шундай тенг, баробар эмасмикан? А, лаббай? Эски китобларингизда ҳам ёзилган-ку!

Ж и й д а л и й. Локин бу дунёда аҳвол бошқачароқ-да, домулло! Мана, масалан, ман мулкдору сармоядор. Сиз бўлсангиз, тенглик, баробарчилик қиламан деб, шуни олиб йўқсилларга тақсимлаб бермоқчисиз. Йўқсил деганингиз рўйи жаҳонни канадай босиб кетган, эҳ-хэ! Уни барибир тўйдириб бўлмайди, ишонинг! Ҳов кечаги замонда ҳам ота-бобомнинг бор сарватини бир сидра шундай ғорат қилиб эдилар, энди келиб яна. Инсофдан эмас-да бу ишингиз, домулло!

Д о м л а (беғубор кулиб). Йўк, йўк, Раҳматвой, мол-давлатингиз ўзингизга буюрсин, укам. Уни энди ҳеч ким сиздан тортиб ололмайди, кўркманг. Дунё бугун сизларнинг кўлингизда-ку! Мана, сиз инсоф-инсоф деяпсиз, нима, инсоф деганлари фақат бечораҳол йўқсилга тегишли матоҳми? Тўғри, бу нафсу манфаат дунёсида ҳамма бир хилда бой-бадавлат бўлмоғининг иложи йўк. Лекин худо барчани тенг қилиб яратгани ҳақиқат-ку! Ҳар кимнинг феълига яраша бергани ҳам ҳақиқат. Дейлик, сизга насиб этгани – менда йўк, менда бори – сизда бўлмас. Олий адолат дегани мана шу эмасми?! Мен боя шундай тенглик, умуман, асл моҳият ҳақида гапирган эдим, дуруст англамасиз, биродар. Эшитгандирсиз, қадимда бир доно дарвеш подшоҳнинг хузурига иккита бош чаноғини кўтариб келиб, қайси бири шоҳниқию қайсиси гадоники эканини ажратиб беришини сўраган экан.

Деразадан Хонимнинг чийиллагани эшитилади.

Х о н и м. На радиоси ишлайди, на телевизор ўлгур! Тўк йўк, яна ўчириб кўйишибди. Сахро бу, сахро! Саҳройи Кабирда ҳам телефон-пелефон бўлар! Бўстондан сўраб билай десам, соткамни ановинда Луизага берган эдим, йўқотиб кўйибди касофат. Раҳматжон, телефонингиз ёнингиздами, ука?

Ж и й д а л и й. Маникининг қуввати ўлган, янгамулло. Чироқ келса, қизитиб оламиз ҳали, ташвиш қилманг.

Шу чок дарвозахона тагидаги машинадан яна ўша кўшиқ эшитилади.

Ж и й д а л и й. Мелибой укамиз бир кўшиқни қайта-қайта ёзиб олган эканлар. Лекин оҳанги кўп мусаффо-я, домулло?

Иккинчи манзара

Ўша кун, ўша манзара. Кечга яқин палла. Кўшксимон шийпон. Домла тебранма курсида ўтирибди. Рўпарасида – “оқпадар” шогирди Турсуний.

Д о м л а. Қани, гапирсинлар, Турсуний жаноблари, оламда нима гап?

Т у р с у н и й. Ўша-ўша, устоз. Ҳаммаси ўзингиз билгандек. Буюк келажак сари интилиб ётибмиз!



Д о м л а. Яшанг, интилинг! Шахарда тинчликми ишқилиб?

Т у р с у н и й. Тинчлик бўлмаи нима бўларди? Ҳар кадамда – посбонларимиз! Ҳаммаёк сув куйгандек. (*Таажжуб ара-лаш*) Боя ҳам сўрадингиз-а шу гапни, домла, тинчликми ўзи?

Д о м л а. Мен қайдан билай, укам? Биз мана шу хилват-гина Астрободда, дунёдан беҳабар, ҳақ деб ўтирибмиз-да. На телефон ишлайди, на телевизор. Дашти биёбондай гап!

Т у р с у н и й. Унақа деманг-э, устоз! Боғингиз нақд жан-натнинг ўзи-я! Айниқса, ҳозиргидек ёз кунлари! Мана, ўзимиз ҳам югуриб-ютоқиб келиб ўтирибмиз-ку!

Д о м л а. Сиз-ку, укам Турсуний, бекорга келмагандирсиз?

Т у р с у н и й. Нега, устоз? Сизни бир кўрай дедим-да. Ин-найкейин, сюрпризимиз ҳам бор – мошинани янгиладик! Шуни бир кўз-кўз қилиб, дуонгизни олиб, ювиб бермоқчи эдик-да.

Д о м л а. Э, муборак бўлсин, муборак бўлсин! Мошинан-гиз ҳали бежиримгина эди-ку, Турсуний?

Т у р с у н и й. “Волга” деганларининг замони ўтди энди, домла! Ўзиям кўп хизмат қилган эди.

Д о м л а. Ҳа-а, кўпларга хизмат қилди, кўпларга.

Т у р с у н и й (*пинак бузмай*). Раис бува – дўстингиз тагин бир мардлик қилдилар-да.

Д о м л а. Омон бўлсинлар! У кишининг касблари – мард-лик! Бизга ҳам кўп химмат кўрсатганлар.

Т у р с у н и й. Э, сизга ҳар қанчаси оз, домла!

Д о м л а. Кўпирманг, укам, кўпирманг. Раҳмат.

Т у р с у н и й. Бир маслаҳат билан ҳам келувдим, устоз. Дўхтирликни бошласамми деб турибман.

Д о м л а (*ошқора таажжуб билан*). Дўхтирлик?! Оббо, сиз-эй! Зўр-ку!

Т у р с у н и й. Бу гал ҳам ўзингиз бош бўлсангиз.

Д о м л а. Шошманг, мавзу-павзу тайинми ўзи? Тасдиқлатиб олганмисиз?

Т у р с у н и й. Бу ёғини ўзингиз тасдиқлаб берасиз-да, домла! Мавзумиз шу, замонавийроқ бўлсами девдим. Ҳар жи-хатдан қулай-да.

Д о м л а (*дангалига*). Яъни? Қайси жиҳатдан?

Т у р с у н и й (*қизариб-бўзариб*). Ўзимнинг устозимсиз, домла, айтаверай: ўсмоқчиман, карьера қилмоқчиман! Доцент аталиб шўлтиллаб юравериш ҳам жонга тегди. Бугунги замонда ўзагидан олмасангиз, оёқ остида қолиб кетар экансиз. Ҳар ҳолда, анкетага фан номзоди дегандан кўра фан дўхтири деб ёзилгани зўр-да, домла! Лавозимга танланаётганда шунисига ҳам қаралар экан.

Д о м л а (*ўзини гўлликка солиб*). Оббо, Турсуний, Турсуний! Буни қаранг-а, илм-фан деганлари ўша ерда ҳам асқатар экан-да, а? Хайрият! Лекин – ўзими ёки куруқ номми? Ҳай, майли, мавзудан гапиринг!

Т у р с у н и й. Айтдим-ку, мавзу – ўша мустақиллик, мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз. Янги тарих-да!

Д о м л а. Номзодлигингиз ўн тўққизинчи аср тарихидан эди-ку?! (*Ғижиниброқ*) Гап бундай, укам: шу мавзуни танлаган бўлсангиз, Мустафоқулов домланинг олдига борганингиз маъқул. Бунақа мавзуларнинг пири – ўша одам! Бунинг устига, менга ўхшаб пўпанак босган бир профессор эмас, кимсан – академик! Ўзингиз айтгандай – ҳар жиҳатдан қулай! Кейинги вақтда давраларинг, гап-гаштак ҳам бир эмиш-ку.

Т у р с у н и й (*ерга қараб*). Дадам, дўстингиз “Бу ёғига ҳам устозингнинг этагидан маҳкам тутасан!” деганлар.

Д о м л а (*бирдан бўшашиб, мунгайиб*). Ҳай, бир гапи бўлар. Ўйлаб кўрайлик-чи. Дарвоқе, академияга сайлов эълон қилинармиш, хабарингиз бордир?

Т у р с у н и й (*жонланиб*). Ростданми? Бир қалла қилиб кўраимизми яна? Мана, бу ёқда биз турибмиз!

Д о м л а. Сиз?!

Т у р с у н и й. Югур-югурига-да! Бусиз битармиди унақа ишлар?!

Д о м л а (*эрмакка киришиб*). Мен нима қилишим керак бўлади унда, хўш?

Т у р с у н и й. Уч-тўртта долзарброқ мақола ёзасиз, тамом!

Д о м л а. Макола?! Қанақа макола? Нега?

Т у р с у н и й. Мустақиллик ҳақида-да, домла!

Д о м л а (*ошкора масҳарага ўтиб*). Шунақами? Нима деб ёзамиз, қани?

Т у р с у н и й. Устимдан қуляпсиз-а, домла? Ўзингиз биласиз-ку ҳаммасини! Мана, масалан: “Ажойиб замонда яшамокдамиз. Мустақиллик шарофати билан халқимиз.” Ва ҳоказо.

Д о м л а. Ва ҳоказо денг? Ўқиган одам қулмайдими? Кеча-ги замонда бошқа ашулани айтарди, домласи курғур энди бу ёққа ўтибди-да, мунофик, иккиюзламачи экан, демайдими?!

Т у р с у н и й. Ҳаммаси шундай қиялпти-ку, домла! Бир оғиз кечирим сўраб, бошлайверасиз-да. “Замон шунақа эди, начора” дегандай.

Д о м л а. Кечиримни кимдан сўраймиз, сизданми?

Т у р с у н и й (*хижолатомуз*). Халқдан-да, устоз.

Д о м л а. Келинг, шуни сиздан сўрай қолайлик. Сиз ҳам халқнинг бир вакилисиз-ку! Фақат битта шарт бор: шу мақолани сиз ёзиб берсангиз, қалай? Биз ҳам ўзларига ёзиб берганмиз-а, эсларидадир? Хўш?

Т у р с у н и й (*ерга боқиб*). Одамни ёмон оласиз-да, домла!

Шу чоқ шийпондан пастда сув шалоплайди – кимдир бассейнга калла ташлайди. Ноқулай вазиятдан қутулган Турсунийга жон кириб, панжарадан ўша ёққа эгилади.

Т у р с у н и й (*қувноқ оҳангда*). Ия, Мэлисбой, маза-ку! Чақирмайсиз ҳам одамни.

М э л и с (*сувнинг шалоплаши орасидан овози*). Ҳа, Тўлик домла, салом! Келинг, пажалиста.

Т у р с у н и й. Калла қизиганми дейман? (*Домлага ўгирилиб*.) Ҳалиям уряптиларми? Диссертацияни ташлаб қўйди-я шу бола?

Д о м л а. Ким билсин, балки тўғри қилгандир. Униси-ку майли, ўттизга бораётган одам, уйланмаяпти. Юрибди.

Т у р с у н и й (*тап тортмай*). Осилтириб денг!

Д о м л а (*ўқрайиб*). Ўзидан сўрарсиз у ёғини! (*Кейин эзгин бир қўйда*) Турсуний, гапни эшитинг. Бундан бу ёғига академиклик ҳам, укадемиклик ҳам – сизларга сийлов! Энди, ет-

мишга қараб кетаётган мендай одам, академик бўлди нима-ю бўлмади нима! Анови Чигатойга кўмилиш мартабасини айт-маса! Ўлгандан кейин қаерга кўмилиш-кўмилмаслик бари-бир эмасми? Менга деса, ўт кўйиб ёқиб юборсин! Мусулмон кавмидан бўлганимиз билан, суяк савил шўро замонида қотган, начора! Ҳай, ўлигимиз кўчада қолмас.

Т у р с у н и й (*шоша-пиша*). Йўғ-э, домла, қолмайди, қолмайди! Сиздай одамни албатга.

Д о м л а (*ўзи билан ўзи, хаёлчан*). Тобутнинг бир ёғидан сиз – вақт топсангиз-да, бир ёғидан, кайфи бўлмаса, анови ка-софат кўтариб, бирор ерга элтиб ташларсизлар. Ўзимга қолса-ку, хўв олис Жийдалимга бориб, ота-онамнинг ёнида ётсам! Во дариғки! (*Бирдан шўхчан тус олиб*) Йў-ўқ! Бир шоиримиз айтибмиди, “лекин ҳали-вери ўладиган тентак йўқ”! Нима де-дингиз, Турсуний?

Т у р с у н и й. Домла-а, кўнглингизга келмаса, бир гап айтсам?

Д о м л а. Биздаям кўнгиладан қолган экан-да, қаранг!

Т у р с у н и й. Ия, домла, нима деяпсиз! Устозимизсиз ахир, улуғ олим!

Д о м л а. Шу улуғ-пулуғингизни кўйсангиз-чи, Турсуний! Қани, гапиринг, нима демоқчисиз?

Т у р с у н и й. Мен шоир-поир эмасман-ку, энди ановинақа демасангиз, илтимос!

Д о м л а. Ҳамма соҳанинг ҳам шоири бўлади, укам. Сиз ўзингизнинг соҳангизда шоирсиз!

Т у р с у н и й. Менинг соҳам. нима у?

Д о м л а. Гапни чувалтирманг, Турсуний, балогинани би-либ турибсиз! Ажабо, шу вақтгача сира малол келмаган бир ҳазилимиз энди... Ёки “иномарка” минган одам бирдан ўзгариб қоладими?

Т у р с у н и й (*ўпкалаб*). Биз ҳам энди ёш эмасмиз-ку, домла!

Д о м л а (*бу ёғини ҳазилга буриб*). Ҳа-а, тагингизда – “ино-марка”! Фан номзодисиз! Мана, энди дўхтир бўлмоқчисиз!

Шу вақт чой кўтариб Хоним келиб қолади.

Х о н и м. Устоз-шоғирд яна топишибсизлар-ку! Кўринмай кетдингиз-а, Турсунбой, бизларни унутиб? Келинни опкелмабсиз-да?

Т у р с у н и й. Сизларни унутиб бўладими, янгамулло!

Х о н и м (*хушламай*). Э, кўйинг шу янгамулло-пангамулло-ни! Сизам анови Раҳматжонга ўхшаб. Улар-ку энди эскичарок. (*Домлага юзланиб*) Хўжайин, кечга бир ош қилсакми девдим?

Д о м л а (*беихтиёр*). Яъни, масалан?

Х о н и м. Биз сафарлардан соғ-саломат келдик! Нозик меҳмонимиз бор – Раҳматжон. Мана, бу ёқда Турсунбой кептилар. Хуллас, жамоат жам. Бугун шанба, дам олиш кун. Ким билади, яна биров-ярим кепқолар.

Д о м л а. Бозорга чикиб келиш керак эди-ку?

Т у р с у н и й (*эжон кириб*). Ташвиш қилманг, домлажон, ҳаммаси есть! Ўзим сизларга бир ош ясаб берай. Қўлбола қилиб! Бўптими, кенной. Роза Ҳасановна? (*Панжарадан ҳовли томон эгилиб ҳайқиради.*) Асал хола-а! Қозон-товоқни тайёрланг, ош!

Турсуний эр-хотиннинг кўзини шамғалат қилиб, ёнидан олган ок конвертни стол устидаги қоғозлар орасига тикиб қўяди-да, шахдам ўрнидан туриб, зинапоя ҳатлаб ҳовлига тушади. Ҳовлида ковушмайгина чорпояга жой ҳозирлаётган Кларага дуч келади.

Т у р с у н и й (*эски қадрдонлар мисол дали-гуллилик билан*). О-о-о! Клара Цеткинга саломлар! Как жизнь, дорогая? Не скучаем?

К л а р а. Ия, қирк йиллик аспирантимизми? Салом, салом.

Т у р с у н и й. Какой аспирант! Керак бўлса – кандидат наук, доцент! Яна керак бўлса – будущий доктор, профессор!

К л а р а. Буни каранг, аломат-ку! Форсларда бир накл бор: “Аз зоғ андалиб пайдо шудаст”. Тушундингиз-а?

Т у р с у н и й (*сув юқтирмай*). Э, менинг форсча-морсчаси билан ишим йўқ! Ўзингиздан гапиринг. Нева бўйларини соғинмаяптиларми?

К л а р а. Худди Нева бўйларида мен билан қўлтиклашиб юргандек гапирасиз-а, Турсунбой!

Т у р с у н и й. Ҳавасимиз келади-да, Кларахон, ҳавасимиз!
К л а р а (*чўрт кесиб*). Ош қилмоқчисиз шекилли, шундай-
ми? Нима ёрдам керак сизга?

Т у р с у н и й (*хижолатомуз*). Йў-йўк, ҳаммасини ўзимиз
есть қиламиз! Сизлар шакароб-пакароб дегандай.

Турсуний ўчокбошидан болтани олиб, бизга пана боғ этагига тушиб
кегади. Қарс-курс ўтин ёраётгани эшитилади. Иморат бикинидаги дераза-
дан Луизанинг боши кўринади.

Л у и з а (*ҳовлида юрган Кларага*). Ма-а-м! Купаться хочу!

К л а р а. Иди искупайся! Чўмилавер!

Л у и з а (*тантиқлик билан*). А там – дядя!

К л а р а. Ну подожди тогда. Тоғанг сени еб кўядими?!

Кўшксимон шийпон. Хоним Домлага чай қуйиб узатади.

Х о н и м. Яна искаланиб қолибдими бунингиз? Бир қоп
наrsa кўтариб кепти-я: гўшту ёғ, арағу коньяк!

Д о м л а. Дўхтир бўлмоқчилар укажонингиз!

Х о н и м (*кўзлари ола-кула бўлиб*). Дўхтир?! Вой-вой, уш-
лчғ, йикилиб тушаман ҳозир! Фан дўхтири-я! Яна шўрлик до-
млажони ёзиб берсалар керак-да, а?

Д о м л а. (*таассуф билан*) Ким ёзиб беради бўлмаса? Ма-
нови ҳовли-ҳарам, анови бассейн ўз-ўзидан бино бўптими?
Қаёққа караманг, раис буванинг мўйлови кўринади! Туриб-ту-
риб, барига ўт кўйгинг келади-я!

Х о н и м. Вой-вой, ўзимиз-чи? Ўзимиз қараб турибмизми?!

Д о м л а (*зарда аралаш*). Э, хоним, сизнинг анови мозор-
босди колготкаларингиздан колган чақа-чука урвоқ ҳам
бўлмасди бунга!

Х о н и м (*қўлларини белига қўйиб*). Бундан чикди, биз
фақат сайру саёҳат қилиб юрган эканмиз-да, а?

Д о м л а (*икки қўлини баланд кўтариб*). Бўлди, бўлди, шу
ерда тўхтанг! Бу жангноманинг адоғи йўк, биламиз!

Х о н и м. Ёзмайсиз, тамом! Кечагина кетингиздан “дом-
ла, домла”лаб чопган Мустафокулов ана – академик, директор
бўлиб олиб даврини суриб юрибди! Сиз бўлсангиз бу ёқда, би-
ровларга.

Д о м л а (овозини пасайтириб). Хўш, айтинг-чи, сизга ким ёзиб берган? Сизни олим қилган ким?!

Х о н и м. Менга? Мени? (Бўшашиб) Ўзингиз кўймагансиз мени! Зиёлининг хотини зиёли бўлиши керак деб сиртки ўқишга жойлаган ким? Мэлисгинамни манови Заҳар холангизга ташлаб, мени кутубхонама-кутубхона югуртирган ўзингиз эмасмидингиз? Топганим – мана нима! Қайтага, уйда жимгина тикув-бичувимни қилиб ўтирсам бўларкан ўшанда. Битта кўйлак тикдириш неча пул ҳозир, биласизми?

Д о м л а (ўйчан). Ҳаётимдаги энг катта хато шудир балки.

Х о н и м (Домлага энгашиб, пичирлаб). Жа-а қўлингиз кичиётган бўлса, ана, Бўстонга ёзиб беринг! Дўхтирский ёздиргани одам қидириб юрибди. Сокқаси тайёр. Ўнта бермокчи! Кўкидан!

Д о м л а (анграйиб). Бўстонга?! Унга нима керак экан илм? Ҳаммаёғи тўлиб-тошган, дейсиз-ку!

Х о н и м. Номи-чи, номи?!

Д о м л а. Номи? (Энсаси қотиброқ) Куруқ номни нима қилади? Агар шугина керак бўлса, мана, келиб меникини олсин. Теп-текин! Худо ҳаққи, бервораман – безорман ўзи!

Х о н и м (ўзиникини кўймай). Бугун бўлмаса, эртага бир кун керак бўпқолармиш. Бурун борида симириб қол дегандай-да.

Д о м л а. Эй хотин, сени адо қилган шу Бўстон бўлди аслида. “Бўстон ундоқ деди”, “Бўстон бундоқ қилди”. Бўстон, Бўстон. Шунинг номини эшитсам, кўнглим айнийдиган бўлган, худо ҳаққи. Бу ёқда – манови, укажонингиз!.

Х о н и м. Ўша Бўстоной дугонам бўлмаганда, менга бизнес сирларини ўргатмаганида, сизу биз бу ерда очимиздан...

Д о м л а. Рози эдим! Минг бора рози эдим! (безор бўлиб.) Энди бирпасгина ишимни қилай, илтимос. Ҳай, шошманг, телефон ишладими?

Х о н и м. Қаёқда!

Д о м л а (бирдан жонсаракланиб). Эркатоингиз турди-я уйқудан? Ҳа, чўмилаётувди боя. Чақиринг бу ёққа! Нима деб валдираган эди ўзи у?

Х о н и м. Ҳозир ундан ҳеч гап ололмайсиз барибир! Кўйинг,

яна бирпас сув ўйнаб ўзига келсин, кейин сўрарсиз. Шунчаки бир ваҳимадир-да. Ҳаммаёқ жимжит-ку. Бир гап бўлса!.

Д о м л а. Астаъфуруллоҳ деб гапиринг, хоним!

Х о н и м (*кетатуриб*). Ўйлаб кўринг, эй – ўнта! Кўкидан-а!

Домла бошини чангаллаб ўтирибди. Яна аллақаёқдан бояги кўшиқ эшитилгандек бўлади.

Д о м л а (*қалласини сарак-сарак қилиб*). Қаёқдан келяпти бу? Ё мияга ўрнашиб қолганмикан?

Учинчи манзара

Боғ этагидаги олма соясида – бир учига болта санчиб қўйилган узун кунда устида ёнма-ён Турсуний билан Раҳматуллоҳ Жийдалиий сигарет тутагиб ўтиради. Олдиларида “яримта”, тарелкада парракланган бодринг-помидор.

Ж и й д а л и й. Турсуний укажон, сўрайман деб доим фаромуш қиламан-а. Бу, Турсун дегич манзил қай вилоятда ўзи?

Т у р с у н и й. Турсун – менинг отим-ку, қанақа манзил?! Унақа жой борлигини билмайман мен.

Ж и й д а л и й. Ахир, сизни Турсуний демайдиларми?

Т у р с у н и й. Домлам шундай дейдилар-да. Ҳазиллашиб. Ўзим – Турсунбой, Турсунали.

Ж и й д а л и й. Э-э, шундай денг. Билмаб эдим, укажон, ўтин, ўтин.

Т у р с у н и й (*орқага шиора қилиб*). Ана, ёриб қўйдим, етар.

Ж и й д а л и й. Йўқ, айбимдан ўтинг, гуноҳимни ўтин қилинг, деёпман. Билсангиз, Ватандан ташқари биз ўзбакларнинг ҳар биримизда таҳаллус бор. Бирларимиз – Туркистоний, бирларимиз – Бухори-ю Андижоний. Яна бирлари – Бойсуний, Ғузорий ва ҳоказо. Мани, масалан, мени Жийдалиий деб атайдилар. Раҳматуллоҳи Жийдалиий! Ўзим кўрмаганман ҳали у ерни.

Тоғ этагида жойлашган кўп зебо манзил деб таъриф этадилар. Бобо-ю бобокалонларимизнинг ватани-да. (*Узрхоҳлик асноси у таржимаи ҳолининг шарҳига тушиб кетади.*) Биз бўлсак, Афғонистонда таваллуд топдик. Оллоҳнинг ҳукми билан. Ота-энамиз ямоннинг зулмидан қочиб, Амударёдан гупсарда су-

зиб ўтган эканлар, каранг! Етти пуштимиз дўкончи-ю сармоядор бўлган-да. Боз устига, бобомиз Бухор мадрасасини хатм қилган, нафаслари кўп ўткир мулло ўтганлар. Янги ҳукумат исми мулло-ю дўкондорга душман чикибди. Нима қиласиз – кочасиз-да! Э, укажон, (*калласига муштлаб*) бу сабил бош нималарни кўрмади дейсиз! Бегона юрт, ғарибчилик, хору зорлик! Охири Амрико бордик денг. Мамлакат бой! Қимирлаган жон нонсиз қолмайди. Биз ҳам шуларга қўшилиб елдик, югурдик, сармоя топдик. Мана, одам бўлдик. (*Илжайиб*) Бугун кимсан – миллионер Раҳматуллоҳи Жийдалиий! Бу орада Ватан озод бўлди. Келдик чопиб. Фобрик, дав-дастгоҳ олиб келдик. Цех очдик, корхона очдик. Совун чиқарамиз, қандолат чиқарамиз. Энди мана шу жойлардан бир ватан сотиб олиб, обод қилмоқ ниятимиз бор, укажон.

Т у р с у н и й (*мамнун-маҳлиёга ўхшаб*). Яшанг! Яшанг, Раҳматжон ака, қойил! (*Атай меровсираб*) Нима, у ёқда, Америкада дейман-да, уй-жой йўқми?

Ж и й д а л и й (*зурур-қаноат билан*). Бор! Бир эмас, бир нечов! Бола-чакамиз ўша ёқда. Локин, ман сизга айтсам, укажон, Ўзбекистондай юрт дунёда йўқ! Жаҳонгашта акангизнинг гапига ишонинг! Бу бир тайёр жаннат-ку! Қаранг, ҳамма нарса арзон, бемалолчилик! Бу жойларнинг сафосини, мана шу ором ўтиришимизни айтинг! Амрикода бундай бахузур гурунг куриб, чакчақлашиб бўпсиз! Икки кунда хонавайрон бўлиб кетасиз! Бой мамлакат бўлгани билан жаҳаннамнинг ўзгинаси у! Масалан, мана шу (*қўлидаги сигаретни кўрсатиб*) бир қутича тамаки у ёқда, биласизми, неча пул туради? Беш доллар! Бу ерда-чи, шунга яна беш доллар қўшиб, бир ой тирикчилик қилсангиз ҳам бўлади.

Т у р с у н и й. Бизда ойликни доллар қилиб бермайди-да, ака!

Ж и й д а л и й. Бу бир мисоли гап-да, укажон.

Т у р с у н и й (*қувлик аралаш*). Узр, Раҳматжон ака, айбга буюрмайсиз. Доллар деганлари ўзи канақа матоҳ, бир кўрсатмайсизми?

Ж и й д а л и й (*ранжиброқ*). Сиздан ёшим улуғ, укажон, мани майна қилманг.

Т у р с у н и й (*гирт қасамхўрлик билан*). Худо ҳаққи, кўрмаганман сира! Ҳамма “доллар, доллар” дейди.

Ж и й д а л и й. Хўш, қандоқа бўлади деб ўйлайсиз?

Т у р с у н и й. Ҳув мактаб дарсликларимизда шундай бир расм бўларди: қорни семиз, шляпали бир жаноб оғзи очик копнинг олдида ҳассасини ўйнаб турибди. Қоп тўла танга-чақасимон нарса. Шу бўлса керак-да доллари? Расмнинг таги-га “Миллионер капиталист” деб ёзилган эди.

Ж и й д а л и й (*астойдил қаҳ-қаҳлаб*). Манга ўхшармиди? Қаранг, манда ундока қорин ҳам йўк, асоча ҳам! Локин ман ҳам миллионерман. Шундоқ бўлганим билан сармоямдан бир танга ҳам сарфламайман. Тушган фоизига тирикчилик қиламан фақат. Бўлмаса, қандок миллионер бўласиз, укам! Мана шу хонадонни айтаман-да, “қийналяпмиз, қийналяпмиз” дейдилар-у, бундаги келди-кетди, сарф-харажатни кўриб ёқа ушлайсиз!.

Т у р с у н и й. Раҳматжон ака, булар билан, янгамулломиз билан-да, қанақа танишсиз ўзи?

Ж и й д а л и й (*завқ билан*). Э, бунинг тарихи кизик, ука-жон! Биларсиз, Амрикодан чиққан тайёра гоҳида Истанбулда бир-икки соат тўхтаб, сўғра бу ёққа қараб учади. Булар – икки дугона тижорат қилгани борган эканлар. Тайёрада учовлон бир жойда ўтириб қолибмиз денг! Бўстонай дегич шериклари бор экан. Э, аломат! Бало, бало! Туркон Хотун-а дейсиз! Гапдан гап чиқиб, янгамулломиз манинг Жийдалиий эканимни билдилару апок-чапок топишдик-қолдик. Воқеан, домулломизнинг ўзлариям аслан Жийдалидан бўладилар, биласиз-а? Шу ҳисобда биз бу хонадон билан ҳамватан, ҳамюрт, қариндошдай гап. Локин домулломиз юртни зиёрат қилмаганларига кўп замон бўлибди. Ман-ку бир мусофиру муҳожир, бу киши нега туғилган ватанларига бормадилар экан? Икковлашиб бир ўтиб келамиз деб ваъдалашиб қўйганмиз ҳали, худо хоҳласа!

Т у р с у н и й (*куйиниб*). Устознинг ишлари орқага кетиброқ кўйди-да. Эрта-индин академик бўламан деб турганларида бирдан мустақиллик келиб қолди.

Ж и й д а л и й (*таажжуб билан*). Ия, қайтага зўр бўлибди-ку! Мустақиллигу озодликка нима етсин! Энди икки қарра академик бўлсалар ҳам кам!

Т у р с у н и й (энсаси қотиброқ). Энди бўлмайдилар. Замон ўзгариб кетди-да, ака! Устоз ўша замоннинг одами эдилар. Бўлганда ҳам энг зўри, энг номдорларидан! Манаман деган алломалари ҳам устозимизнинг оғизларига қараб турарди!

Ж и й д а л и й (астойдил афсус чекиб). Чаток, чаток бўлган экан. Ҳай, бу замонга ўтсалар нима қилади? Домулломиздан бошқалари ўтгандир? Ёки улар ҳам четда қолиб кетдиларми?

Т у р с у н и й (диққати ошиб). У ёғини ўзларидан сўрарсиз, ака!

Ж и й д а л и й. Локин ўзлари кўп улуг одам. Авлиё, авлиё! Бир уй китобни хатм қилиб эканлар-а, офарин! Янгамулломиз ҳам сўйлаб эдилар. Тағин денг, ўша китобларнинг бир қанчасини ўзлари ёзиб эканлар. Мана, энди ана шуларнинг бари хатога чиқибди! Буям бир фалокат-да, укам. Ман ҳам денг, бундан кўп йиллар бурун Покистонда бир дўкон очиб эдим.

Шийпон тарафдан Домланинг хайқириғи эшитилади.

Д о м л а. Қозонга ўт қаландими, Турсунбой?

Турсуний бир хатлаб ўчокбошига боради-да, ўтинга олов ёкиб, жойига қайтади.

Т у р с у н и й (хайқириб). Гуриллаб ётибди, устоз, зўр!

Жийдалий ховли бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юмуш қилиб юрган Кларага суқ билан тикилади.

Ж и й д а л и й. Бу, Килорахон синглимиз кўп барно, кўп хушрўй эканлар-а, Турсунбой! Энди кўриб туришим! Ўтган сафар келганимда йўқ эдилар. Лекин тиллари аччикрок.

Т у р с у н и й (эски армон билан). Эй-й, ёшлигида кўрсангиз эди бу кизни!

Ж и й д а л и й. Қўлдан чиқариб юборган экансиз-да, укам! Оталарингиз қалин дўст эмиш-ку.

Т у р с у н и й. У вақтларда бу жонон бизни назарига ҳам илмасди, ака! Ленинградларда ўқиб, ўрисча гапириб! Бунинг эри – ўрис, биласиз-а? Ўша ёқларда шаркшуносликка ўқиб, топишиб қолишган. Лекин ўзи яхши йигит, ўзбекка ўхшаб кетади. Мусулмончиликка ҳам ўтган, дейишади, ким билсин. Эшитишимча, куёвимиз нима баҳона биландир чет элга кетиб

қолганмиш. Бу энди аразлаб бу ерда юрибди. Барибир, аслига тортар экан-да, ака, нима дедингиз?

Ж и й д а л и й. Жигар – жигар, дигар – дигар, дейдиларку! Бир саройга малика бўлгудек аломат жувон-а! Ўзи буларнинг бари кўзга яқин, истарали. Томирлари тоғдан-да! Мелибой ҳам. Ҳай, Мелибой – ўзимизнинг улфат. Исmlарини ўзим қўйганман. Булар Милисми-пилисми дейишар экан. Тилим келишмади. Чўмилиб чиққанмиканлар, нима дейсиз? Ана, бояги ялла яна бошланди!

Турсуний, кулоғи динг, кўрсаткич бармоғини лабига босиб “тишш!” дейди-да, икки ҳатлаб дарвозахонага етади. Машинанинг атрофини айланиб, искалана кетади. Бир маҳал кўшик тиниб, машина орка юкхонасининг копкағи аста кўтарилади. Ундан бир сохибжамол кушдек сакраб чикиб, у ер-бу ерининг чангини кока бошлайди.

Т у р с у н и й (эси оғзудек бўлиб). Кимсиз, синглим? Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Қандай келиб қолдингиз ўзи?

Қ и з (елкасини қисиб, қўлларини ёзиб). Билмайман.

Д о м л а (шийпондан овози). Ашулани ким ўчирди, хей?

Тўртинчи манзара

Оқшом чоғи. Ҳовли ўртасидаги чорпоя. Ёстиғу якандозлар жой-жойида – зиёфатга шай. Хонтахта устида дастурхон тузалган; бир четда арағу коньяк ҳам терилиб турибди. Домладан бошқа ҳамма шу ерда. Аммо ҳеч ким чорпояга чиқишга ошиқмайди. Раҳматуллоҳ Жийдалиий билан Турсунийгина чорпоянинг кирғоғига омонатроқ ўрнашган. Олдиларида – бояги шиша, “отган”лари сезилади. Қолганлар – Хоним, Клара, Асал хола ва Луиза чорпоя панжарасига суянганча тизилиб туришибди. Нарирокда яланғоч баданига каттакон сочик ташлаб олган Мэлис ерга чўнкайиб ўтирибди; сочлари ялтирайди – ҳали ҳўл. Ҳамманинг кўзи бир четда ерга қараб турган нотаниш киз – “Ок каптар”да. Гўё уни сўзсиз-унсиз муҳокама қилишяпти. Зинапояда Домла кўринади.

Д о м л а (яқинлашаркан). Ўҳ-ў, жамоат жам-ку! Чикиб ўтирмайсизларми? (Мэлисга кўзи тушиб, Жийдалиийга юзланади.) Раҳматуллоҳ иним!

Ж и й д а л и й (Кўлини кўксига қўйиб ўрнидан туради). Лаббай, домулложон!

Д о м л а. Фарзандлардан нечов эди?

Ж и й д а л и й (*ҳозиржавоблик билан*). Учовгина, домулложон. Учови ҳам ўғил. Сизга айтиб эдим чоғи.

Д о м л а. Умрларини берсин! Қайси бири ўзингизга ўхшайди? Хўш?

Ж и й д а л и й (*ўйланиб, кулимсираб*). Бирининг кўзи ўхшайди, домулложон, бирининг – сўзи, бирининг қилиғи.

Д о м л а. Ҳеч бир жойи ўхшамаса, ундай ўғилни нима қилардингиз?

Ж и й д а л и й (*довдираброқ*). Ҳеч жойи ўхшамаса. унда бизники бўлмайди-да, домулло!

Д о м л а. Отангизга раҳмат, Раҳматуллох! (*Мэлисга бармоқ нуқиб*) Бундан чиқадики, мана шу яримяланғоч ўтирган беҳаё укангиз бизга фарзанд эмас экан!

Х о н и м (*чийиллаб*). Вой-вой!

Ж и й д а л и й. Иби, домулло, астафзуруллох десангиз-чи!

Д о м л а (*бўшаширмай, бояги пардада*). Бола бўлиб бу менинг йўриғимга юрмади сира. Ўттизга бораётган одам, бўйнида бир тинғир-тинғир асбоб, касб-кори – ялло! Ўттизга бораётган одам, уйланишдан сўз очсангиз – тиржайгани тиржайган: кейин, кейин! Қачон? Пенсия ёшига етгандами?! Мана, кўриб турибсиз, янги қилиқ чиқарибдилар бугун! Ўзи ўлгудек маст, бир балоларни валдираб, боядан бери ҳамманинг кўнглига ғулғула солиб ўтирибди.

М э л и с (*инграгандек*). Папа!..

Д о м л а (*даргазаб*). Ҳе, папаларингга лаънат сени! “Мустақиллик кетди! Озодлик кетди!” деб алахлармиш нукул. Қаёқдан топдинг бу гапни, гапир!

М э л и с (*алам билан*). Кетди! Ҳаммаси кетди! Мустақиллик ҳам, озодлик ҳам!

Д о м л а. Эсинг жойидами ўзи? Йўқ, бу болага бир бало бўпти. Аник!

Кўмак сўрагандек, бошқаларга ўтирилган Домла ҳамма бир тарафга қараб турганини кўради. Нотаниш кизга шундагина кўзи тушади унинг. Сўнгра ҳаммага бир қур саволомуз, таажжуб аралаш назар ташлаб чиқади. Барча сукутда.

Д о м л а. Меҳмонимизни таниёлмадим.

“О қ к а п т а р”. Ассаломалайкум. (*Барчага бир-бир артистона таъзим қилиб чиқади.*)

Д о м л а. Келинг, қизим. Ким бўласиз?

“Оқ каптар” ияк қоқиб Мэлисга ишора қилади: “Ўғлингиздан сўранг!”

Д о м л а. Қаёқлардан сўраймиз? Бу ерга қандай кеп-қолдингиз? Нима деб?

“Оқ каптар” яна ияк қоқади: “Ана, сўранг!”

Т у р с у н и й (*ширакайфроқ*). Э, домла, уни-буни қўйиб, тўйни бошлайверайлик! Боя укамизни изза қилаётувдингиз, мана – келин ўз оёғи билан кепти! Маладес Мэлисвой! Горько!

“О қ к а п т а р” (*дарвозахона томон ишора қилиб*). Мошинада!

М э л и с (*тўнгиллаб*). Юкхонасида!

А с а л х о л а (*бармоғини чаккасига босиб*). Иби-и, шарм эмасми?

Х о н и м (*жержиб*). Шундай пайтда жим турсангиз-чи, амма!

А с а л х о л а. Хўп, хўп, айлан... Рўза Ҳасан.

Х о н и м (*мулойимгина*). Кимнинг қизи бўласиз, қизим?

Т у р с у н и й. Энди сизники бўладилар-да, янгамулло!

К л а р а (*қўшиқ оҳангида*). Замон, замон, янги-и замон.

Л у и з а (*онасига қараб*). А чё, красивая! Правда, мамуль?

Д о м л а (*Жийдалиёга*). Қани, Раҳматуллоҳхон, сиз гапиринг!

Ж и й д а л и й. Биз нимаям дердик, тақсир? Борига барака. Ўзлари ойдаи эканлар. Хуш кептилар.

Д о м л а (*ҳоргин бир қониқиши билан*). Мустақиллик, озодлик. Гап бу ёқда экан-да. Ҳе, касофат! Нима деймиз, унақа мустақиллик, унақа озодликнинг бас бўлгани ҳам маъкул. Ҳай, чикинлар бўлмаса чорпоёга. (“Оқ каптар”га қараб) Келинг, қизим. Сизни энди Озодой деймиз-да, манов боланинг эркини олиб қўйибсиз-ку. (*Мэлисга*) Тур энди сенам. Масхарабоз! Эгнингга бирор нима илиб кел. Амма, ош тайёрми?

А с а л х о л а. Тайёр, тайёр, айланай. Сузаверайми? (У тил-дираб ўчоқбоши томон юради.)

Домла чорпояга чиқишдан олдин, бир нима эсига тушгандек, шимининг чўнтагини кавлаб, оқ конверт олади.

Д о м л а (у ёқ-бу ёққа аланглаган бўлиб). Манови кимники? Менинг столимда ётибди.

Домла ижирғаниб конвертни хонтахтага ташлайди. Хонтахта узра сирғалган конверт ерга тушиб очилади-ю ичидан доллар сочилиб кетади.

Ж и й д а л и й (кўзининг пахтаси чиққудек олайиб). Доллар-ку бу, домулло! Доллар-а! Ўбол, ўбол! (У апил-тапил ерга энгашиб, пулни териб конвертга жойлайди-да, Хонимга тутқасади.) Бунни олиб кўйинг, янгамулло! Сизларга керак бўлмаса, манга берасизлар кейин! Ҳаммаёқда бекордан-бекор сув оқиб турса, доллар ерларга сочилиб ётса, бу мамлакат – мамлакат бўладими, айтинглар! (Кейин Турсунийга қараб) Доллар деганлари мана шу, укажон, кўриб олинг!

Т у р с у н и й (ўзини қаёққа қўярини билмай). Ўзимиз билган оддий бир қоғоз экан-ку буям, ака!

Ж и й д а л и й (беихтиёр маънодор қилиб). Ҳа-а, укажон, ўша ўзингиз билган қоғоз!

Ҳамма жой-жойини билиб чорпояга ўрнашади. Луиза “Оқ каптар”ни кўлидан ушлаб даврага бошлаб келади. Янги меҳмон Клара билан Луизанинг ўртасидан жой олади. Йўл-йўлакай кўйлагини тугмалаб Мэлис кўринади. Ҳамма жам.

Д о м л а. Қани, Раҳматуллохон, бирор нима деб юборинг!

Ж и й д а л и й (дуога қўл очиб). Ўзбекча бўлсинми, араб-часигами?

Д о м л а. Фарқи бор эканми?.

Шу маҳал кутилмаганда, бузук ётган телефон чўзиб-чўзиб жиринглайди. Хоним шоша-пиша ўзини чорпоядан ташлаб, уйга югуради. Дуога очилган кафтлар туширилади.

Х о н и м (ичкаридан овози) Бўсто-он! Бўстон, ўзингизми? Ҳа, ҳа. Нима-а? Нима бўпти? Алё! Ал-ё! Э, падарингга лаънат! Тағин ишламай қолди-я! Уй эмас бу, сахро! Сахройи Кабир!

Шу замон ховлида чироклар порлаб, ичкарида эргалаб кулоғи бураб кўйилган радио-ю телевизор бараварига шовкин солиб гапира бошлади. Лаҳза ўтмай уйдан Хоним югуриб чиқади.

Х о н и м (*ваҳима билан*). Вой, бу ёкка келинлар, бу ёкка! Яна портлаш! Тоғларни террорчилар босиб кетганмиш! Сурхондарёми, Қашқадарёми – ишқилиб, қайсидир “дарё”да! Ўтган йили Тошкентда портлатган эди-я! Вой, тинчлик бўладими-йўқми бу мамлакатда, айтинглар!

Асал хола лаганда ош кўтариб чорпояга яқинлашади.

А с а л х о л а (*ҳамма жойидан тураётганини кўриб*). Иби, ош-чи? Ҳай, кейин эшитарсизлар шуни.

Х о н и м (*жигибийрон*). Э-эй, кўйиб тулинг шу ошингизни! (*Жийдалига интилиб, ялингансимон*) Раҳматжон! Кўриб турибсиз, бу юртда яшаб бўлмай қолди. Қачон қарасанг – бир ғавғо! Олиб кетинг бизни ўша Американгизга! Жон ука, илтимос!

Ж и й д а л и й (*пароканда даврага қараб, тантанавор*). Амриқонинг эшиги бутун дунёга очик, биродарлар!

Ҳамма ҳар ёкка тумтарақай бўлади. Ўртада лаган кўтарган Асал хола ёлғиз қолади.

А с а л х о л а. Иби, ош-чи, ош нима бўлади, яхшилар?..

П А Р Д А

ИККИНЧИ ҚИСМ

ВАСВАСА

ёхуд Америка, қайдасан?

Бешинчи манзара

Орадан бир йил ўтган. Домланинг шаҳар квартираси. Каттакон меҳмонхона. Одатдаги жиҳозлар: стол-стул, диван, сервант, юмшоқ курсилар, бурчакда телевизор. Гилам осилган ён тараф деворда Домла билан Хонимнинг ёшликда олинган сурати. Чап томонда даҳлиз, ўнг томон – ошхона ва ҳоказо. Тўғрида – қатор кетган уч эшик – ётоқ бўлмалар. Энг четдагисининг эшиги кия очик. Даҳлизга яқин бурчакдаги оромкурсига ястаниб олган Хоним телефонда сўзлашаётир. Уни деярли таниб бўлмайди. Ўта замонавий, гўё “американча” либосда. Кўлида сигарет, кулини пастак столчадаги ғаройиб кулдонга чертиб-чертиб кўяди.

Х о н и м (гўшакка). Хуллас, ҳаммаси окей!.. Ҳа-ха, Рах-матжон кузатиб кўйди. “Жип”ида. Барака топсин. Ие, у ёғини ўзи пишириб, менга телефон очади. Шундай деб келишдик. Ҳозирча қаерданлиги номаълум. Кўрамиз-да. Кейин гапла-шамиз. Олду тамам, жоним, бай-бай! Ўпдим! (Гўшакни жой-ига қўйиб, у қия очик эшикка қарай-қарай маъни қила бош-лайди.) Бўстон Пенсильвания деган жойдан уй олганмиш. Вилла! Ҳовлисидаги газон компьютер билан суғорилармиш. Зўр-а? Ўша ёқдаги агенти гаплашиб қўйибди. Бало бу хотин! Йўк жойдан эрли ҳам бўлиб олдилар. Тўйида кўрувдингиз-а? Ёшгина, укасига ўхшайди. Лекин роса келишган! Якка-ю ёлғиз ўғлини уйлаётиб, элнинг кўзига бошини пана қилгандек бўлди-да. Бўлмаса, элликдан ошган аёлга эр нима керак денг! Тўғрими? Ҳай, бўлдингизми? Намунча? Вой-бў!..

Қия очик эшикдан Домланинг овози эшитилади.

Д о м л а. Ҳозир, ҳозир, хоним. Ўзингиз қўймадингиз-ку!
Бу шими ўлгур торроқми, белни сикворди-я!

Ниҳоят, Домланинг ўзи кўринади. Аммо бу киши биз билган Дом-ла эмас, гўёки ажабтовур бир кекса жаноб! Ажи-бужи расм солинган олабайрок майка, жун босган эгри оёқларга “роса ярашган” калта шим – шорти, бошда – тумшуғи бир қаричли бейсболка!

Д о м л а (қип-ялангочдек қимтиниб). Одамни истеъфога чиққан Санта-Клаусга айлантирдингиз-қўйдингиз-а, хоним!

Хоним ўрнидан туриб, қўллари белида, бошини бир ёнга солинтириб синовчан тикилади унга.

Х о н и м. Ўхшадингиз! Худди ўзи! Вери гуд!

Д о м л а (хавотирда). Кимга ўхшадим? Кимга?

Х о н и м. Америкалик жанобларга-да!

Д о м л а. Шу рўдаполарсиз қўймас эканми Америкасига?

Х о н и м. Сиз, домлагинам, анови советча костюм-шиму бўйинбоғларга ўрганиб қолгансиз-да! Ҳозир бутун дунё мана шундай юради. Эркин дунёнинг либоси бу!

Даҳлиздан югуриб кирган Луиза бир зум хайратда қотиб қолади-ю ўзини чапдаги эшикка уради.

Л у и з а (*ичкаридан овози*). Мам! Смотри, дедуль как настоящий клоун!

Ўша эшикдан чикқан Клара ҳам донг котади.

К л а р а (*ғижиниб*). Дада! Ярашмабди сизга!
Д о м л а (*ерга киргудек*). Ана, мамангдан сўра!

Клара боя Домла чикқан хонадан тезгина бир чопон келтириб, отасининг елкасига ташлайди.

К л а р а. Ойи, кўрган одам нима дейди!

Х о н и м. Э, бор, бор, аралашма! Американи кўрибсанми сен?!

К л а р а (*қайтиб хонасига кираркан*). Як чизро донем – аз худро худо ронем. (*Билганимиз бир нарсагина-ю, ўзимизни худо чоғлаймиз.*)

Х о н и м. Нима деяпти бу? (*Домлага юзланиб*) Бошқа тилга ўкитсак бўларкан шуни. Форсчани биламан деб, чулдирагани-чулдираган!

Домла елкасидаги чопонни ростакамига кийиб, диванга чўкади. Хоним ҳам беихтиёр унинг ёнидан жой олади.

Д о м л а (*ўйчан*). Бирга бориб келсак бўларди-да, кампир?
Х о н и м (*энсаси қотибброқ*). Қаёкка, чол? Жийдалингизгами?

Д о м л а. Жийдалимизга! Ҳарнечук, Тўйтепага кетаётганимиз йўқ-ку. Дунёнинг нариги чеккаси бўлса – Америка деганлари! Шу кетиш билан қачон келамизу қачон кўрамиз Жийдалини! Ёшимиз ҳам бир жойга боряпти. Насиб қиладими ҳали, йўқми.

Х о н и м. Э, кўйсангиз-чи, домла! Аввал борайлик, жойлашайлик. Балки бирдан бойиб кетармиз! Америкада шундай эмиш-ку: бир гўрлардан келармишу тезда бойиб кетармиш одам!

Д о м л а. Афсонангизни кўйинг, хоним! Хазинасининг оғзини очиб ўтирмагандир сизга? Жаннат ўзи қайда экан? Ҳар ерни қилма орзу – ҳар ерда бордир тошу тарозу!

Х о н и м (*қатъият билан*). Ишонинг, хўжайин, жаннат дегани худди ўша ерда! Ўзим кўриб келдим-ку, ахир!

Д о м л а (*ночор*). Майли, майли, ишондик. Лекин ит жонивор ҳам бирор ёққа жўнаганида ялоғига бир қайрилиб қарайди-ку! Сизу бизнинг ота-онамиз ўша ерда ётибди. Қавм-

қариндош ўша ерда. Бормаганимизга неча йиллар бўлди. Уларни бир зиёрат қилмасдан, “Қайдасан, Америка?” деб индамай жўнайверсак, арвоҳлар чирқиллаб қолмайдими? Улар ҳам йўл бермас.

Х о н и м (қатъий). Сиз – ўзингиз биласиз, хўжайин. Мен бормайман. Боролмайман. Бу ёқда шунча ташвиш, югур-югур! Харидорни зўрға кўндириб турибман ўзи. Бу уйни тезроқ гумдон қилиш керак. Раҳматжон у ёқда кутиб ётибди-я! Уларда биздагига ўхшаб чўзиб юрилмайди. Уй керакми сизга? Қанақасидан бўлсин? Қаердан бўлсин? Компьютерни босасиз – тамом! Қолаверса, виза-миза дегандай ғавғолар. Олти одамнинг ташвиши – бир ўзимнинг бўйнимда! Мэлиснинг аҳволи маълум. Тинғир-тинғирдан бўшамайди ҳеч.

Д о м л а. Олти киши дедингизми? Кимлар?

Х о н и м. Ким бўларди, шу ўзимиз! Сиз, мен, Мэлис, хотини, Клара, кизи билан.

Д о м л а. Ҳамма кетадими? Бирданига-я?

Х о н и м. Вой, ҳа! Бу ерда қолиб нима қиларди?

Д о м л а. Кларангизни айтаман-да, кетармикан? Эри нима дейди хали?

Х о н и м. Балоба йўлиққур Виктор! Ўзлари чет элма-чет эл изгиб юрибдилар, кизим шўрлик бу ерда эзилиб кетди. Эрми шу? Боради! Балки ўша ёқларда бахти очилиб...

Д о м л а. Бошқалар-чи? Ўғлингиз, келин.

Х о н и м. Вой, ҳаммаси жон-жон деб қанот чиқариб ўтирибди-ку! Америка бўлади-ю, бормайдими?!

Д о м л а (хаёлчан). Ҳаммаси-ку майли-я, шу, аммамизни норози қилиб жўнатганимиз чатоқ бўлди-да, хотин! Сизнинг қистовингиз билан кўнишга-кўндим-у, лекин ўша кундан бери ўзимга келолмайман, тўғриси! Худди бир жойим камдай, ни-мадир етишмаётгандай.

Х о н и м. Амма, амма! Э, кўйинг ўша Заҳар аммангизни!

Д о м л а. Заҳарми, Асалми, шунча йил хизматингизни қилди, болаларингизга қаради, рўзғорингизга чўри эди! Шу ишимиз ноинсофлик бўлди, хотин. Йўқ, нокаслик! Охири кўчага ҳайдагандай қилдиг-а! Э, аттанг!..

Х о н и м. Шунча йил кимсасиз бир кампирни едирдик, ичирдик денг! Энди у кишимни Америкага ҳам опкетиш қолувди! Ўзи бир қари кампир бўлса! Инглизчани билмаса!

Д о м л а (*диққати ошиб, бўзилгудек*). Хони-им!

Х о н и м. Тўғриси керакми? Тўғриси – аммангиз Америкага ярашмайди, конец!

Д о м л а. Оббо-о!

Х о н и м (*ҳеч гап бўлмагандек*). Қачон кетмокчисиз?

Д о м л а. Эрталардан жўнасамми деб турибман.

Х о н и м. Паспортигиз менда-ку, визага берганман. Автобус-павтобусда бориб келарсиз?

Д о м л а. Ҳай, бир гапи бўлар. Уч-тўрт кунда кайтаман.

Телефон жиринглаб, Хоним ўша ёкка чопади.

Х о н и м (*гўшакка*). Ким? Эълон бўйича? Қанақа эълон? Ҳа-а, репетиторман денг? Жуда яхши-да. Отингиз нимаиди, укам? Гап бундай, Сардорбек! Биз Америкага кўчиб кетаётувдик. Кўпчиликмиз, ҳа. Шунга инглизчадан уч-тўрт соат дарс олмокчи эдик-да. Пулини ўйламанг, оласиз. Ўзим-ку, кечагина келдим, беш-ўнта сўзини биламан. Хелло, хау ар ю, хау мач, вери гуд, бай-бай. Қалай, ўхшайдими? Кечкурунлари-да. Майли, майли, эртадан бошлаб. Ие, йўк, шошманг, эртага биз жаноб посолнинг олдига боришимиз керак. Ҳа-ҳа, суҳбатга. Индин бўлақолсин. Адресни биласиз-а? Бўпти, кутамиз. Окей! Бай-бай, жоним. Ўпдим.

Хоним гўшакни жойига қўйиб, “бопладим-а” дегандек диван тарафга қарайди. Домла, кўзи юмук, оғзи очик, пинакка кетгандек. Мэлис, унинг ортидан хотини – “Ок каптар” кўринади.

М э л и с. Ия, папашамизми? Культур-ку! Америкага тай-ёргарлик!

“О к к а п т а р” (*ҳавас билан термилиб*). Майечкалари чиройли экан. Модный!

М э л и с. Ухлаб қоптилар-да.

Д о м л а (*бир кўзини очиб, Мэлисга, муғамбирона*). Сенам кетяпсанми? Бор, бор. Маманг ҳаммангга мана шунақа модний майка, шортилар олиб беради! “Кока-кола” ичасан, хай-хай, бай-бай деб юрасан, маза! Жийдали Америка!

Домланинг гапларидан ҳамма хангу манг, бир-бирига қараб қолади: “Чолга бир бало бўлмадимикан?”

Олтинчи манзара

Домланинг уйи. Ўша кўриниш. Хона ўртасидаги узунчоқ столнинг бир бошидан репетитор Сардор, бир бошидан Луиза жой олган. Хоним ўртада. Инглиз тилидан сабоқ.

Ичкаридан элас-элас “Бу кўнгилдир, бу кўнгил” кўшигининг хиргойиси эшитилиб туради.

С а р д о р (*дона-дона қилиб*). Вау, ит из вери экспенсив!

Х о н и м. Нима дегани эди бу, Сардоржон?

С а р д о р. “Вой-бў, жуда қиммат-ку бу!” Қани, такрорланг-чи.

Х о н и м (*тили келишмай*). Вой-бў, итиз бери экспансив!

С а р д о р (*қулиб*). Мана бундай: ит, из, вери, экспенсив. (*Луизага қараб*) Теперь ты повтори. Қани, такрорлагин-чи?

Л у и з а (*айнан*). Вау, ит из вери экспенсив!

С а р д о р. Отлично! Зўр!

Х о н и м. Бу ҳали ёш-да, Сардоржон. Калласи свежий. Ҳам мактабда французчани ўрганган.

С а р д о р. Опа, сиз бирор қоғозга ёзиб олсангиз бўларкан.

Х о н и м. Вой, ана-а, шундай демайсизми! Иди, Луизахон, из дедушкин кабинет листок бумаги принеси. Мои очки тоже, қизим.

Луиза сакраб туриб, энг четдаги эшикка кириб кетади. Икки варак қоғозу калам ва кўзойнакни олиб чиқиб, бувисининг олдида қўяди.

Х о н и м. Бу инглиз тили ўлгур роса қийин экан-ку, Сардорбек? Кечадан бери тўрттагина сўзни ҳам ёдлаёлмаётибман-а! Мана бу бижилдоқ (*Луизага ишора қилиб*) эса сайрагани-сайраган! А, ну-ка, қизим?

Л у и з а (*Сардорга типпа-тик қараб*). Ай лав ю!

Х о н и м. Ана! Нима деяпти ўзи?

С а р д о р (*ўнгайсизланиброқ*). Сизни роса яхши кўрарканлар!

Х о н и м. Вой, менам бунни яхши кўраман-да. Битта-ю битта неварам бўлса! Бунинг устига, “Алавию” дедими? Бизларнинг ёшлигимизда шундай бир қўшиқ бўларди, “Алавию, алавию” деб айтарди. Эсизгина!

Ёшлар зимдан бир-бирига тикилиб ўтиради.

Х о н и м (*бирдан шовқин солиб*). Ҳей, бошқалар қани? Бу савил колгур инглизчаси битта менга керак экан-да, а! Кла-а-ра! Кели-ин!..

Ўнг тарафдан сумкачасини елкасига осиб олган башанг “Ок каптар” чикиб келади.

Х о н и м. Ия, йўл бўлсин?

“О к к а п т а р”. Спектаклга. Бугун “Дилором” эди.

Х о н и м. Инглизчани ким ўрганади?! Мана, Сардорбек аzza-баzza келиб ўтирибдилар.

“О к к а п т а р”. “Самоучитель” китобим бор, мама. Антракт пайтлари ўтириб ёдлаяпман.

Х о н и м. Мэлисингиз қани?


“О к к а п т а р”. Клип олгани кетишган. Тоққа. Клара опамнинг эса бошлари оғриётганмиш.

Шу чоқ телефон жиринглаб қолади-ю, фурсатдан фойдаланган “Ок каптар” дахлиз томон ўтиб кетади.

Х о н и м (*гўшак қулоғида*). Бўсто-он! Ўзингизмисиз, жоним? Хелло, хелло! Ҳа, нима бўлди, ўртоқжон? Нега йиғлаяпсиз? Нима-а? Тушунтириброқ гапиринг! Вой-й! Вой ярамас, вой ифлос-эй! Ростданми? (*Кўли билан “чиқиб туринглар” деган-дек ишора қилади, ёшлар қанот қоқиб Домланинг бўлмасига кириб кетишади.*) Кейин нима қилдингиз? Кетига тепдингиз? Вой, мелисага бериб юбормайсизми, ўртоқ! Намозхон эмиш-а тагин! Одамзодни билиб бўлмас экан-а, Бўстонай! Бўлгани бўпти, садқай сар! Ўғлингиз билмадими ишқилиб? Ҳа, тузук, тузук. Ўзингизни қўлга олинг, жоним. Бир ҳисобда, шу ердаёқ кутулганингиз яхши бўпти. У ёкқа борганда бошингизни қай деворга урардингиз? Вой эшак, вой тўнғиз-эй! Майли, жоним, эртага ўтарман. Бафуржа. Бай-бай! Ўпдим. (*Гўшакни жойига олиб, дик этиб ўрнидан туради. Тантанаворлик билан кафтини кафтига уради.*) Ҳа-а, ана шундай бўлади, жонгинам! Ўтники – ўтга, сувники – сувга! Кўзингизни ёғ босиб, жа-а шишиниб кетувдингиз! Ажаб бўпти, хўб бўпти! Мана, энди мактаган Пенсильваниянгизга сўппайиб битта ўзингиз кетасиз!

Ўртадаги эшикдан бошини пешонабоғ билан танғиб олган Клара кўринади.

К л а р а (*оғриниб*). Ойи, намуноча? Бирпасгина бош қўйгани тинчлик йўғ-а!



Х о н и м (ўзини диванга ташлаб, ёнидан жой кўрсатади). Бу ёкка кел. Ўтир бундай. Гап кўп! Бўстон опанг адои тамом! Анови янги эри бор эди-ку, ёш, келишган? Ўша келинига тегишиб кўйибди! Шармандалик! Ўзи аллақайси бир вилоятдан экан. У ёқда бола-чақалариям бормиш. Бўстон уни бойвачча қилиб “иномарка” миндириб кўювди. Ҳеч жойда ишламасди. “Алфонс” дейдими бунақасини? Эрта-ю кеч уйда намоз ўқиб ўтиради, деб мақтардилар бойвуччам! Ўл бу кунингдан! Кўзинг кўрмиди?!

К л а р а (бу гапларни асло эшитмагандек). Ойи, аммашкамни соғинибман. Бир олдиларига бориб келсаммикан? Келин адресни биледи-я? У ерни ўзи топиб, ўзи гаплашиб, бечора аммамни ташлаб келди-ку! Ўшандан бери кўзимга балодек кўринади. Тошбағир! Амма бизники-ку! Ўзи кеча келган бу ойимча нега аралашади оилавий ишларга?!

Х о н и м. Амма, амма! Ҳаммангнинг дардинг – ўша амма! Бир сассиқ кампир-да, намунча!

К л а р а. Ойи! Нега унақа дейсиз, ахир, ўзингизнинг қариндошингиз, аммангиз-ку?!

Х о н и м (ижирганиб). Қанақа қариндош?! Ҳу-ув гўрдаги аммамми? Шунчаки чатишган жойи борми, йўқми, узок бир уруғ бўлса керак-да. Бўзнинг учидек гап.

К л а р а. Бўз? Нима у?

Х о н и м. Эски замонларда шундай бир мўрт, ҳилвиллаган мато бўлган. Учидан ушлаб сал тортилса йиргилиб, титилиб кетган.

К л а р а. Аммашкам унақамаслар-ку, ойи, йиртилиб, титилиб кетадиган.

Х о н и м. Э, ким билсин! Шу кампирнинг аслида кимлиги эсимдан ҳам чиқиб кетган. Балки папангга нимадир бўлар.

К л а р а. Америкага бориб жойлашгач, балки келиб опкертармиз, а?

Х о н и м. Бошингга урасанми? У ёқда негрлар хизмат қилади-ку!

К л а р а. Ойи! Э-э! (У ўрнидан туриб кетмоқчи бўлади-ю, тўхтаб қолади.) Ие, Луизами? Ўзбекча гапиряпти. Қизиқ!



Х о н и м (*қулогини динг қилиб*). Ўшанинг овози! Қизинг ўзбекчани билмасди-ку? Ё булар инглизчани қўйиб, ўзбекча ўрганяптими?

Л у и з а н и н г о в о з и (*ичкаридан, узук-юлуқ*). Нимага? Кетаман... бораман... кураман...

Х о н и м. Ғалати бола экан. Ўзи ҳали ёшгина-ю, гап-сўзлари бирам бамаъни, оғир-босиқ, ёкимтой. Отаси каттакон депутат эмиш. Қаранг, депутатнинг боласи репетиторлик қилиб юрса-я! “Сардоржон, дадангизга айтиб кўрмайсизми, виза масаласида бизга қарашворсалар?” десам, “Дадам бунақа ишларга аралашмасалар кераг-ов”, деб қўяди. Шунақа болалар Америкага борсами!

Л у и з а н и н г о в о з и (*ичкаридан*)... Мен... кураман... сени... нимага... яхши... йок...

Х о н и м (*қошини чимириб*). Клара, кара-чи, булар яна бир бошқа тилга ўтганга ўхшайди.

Клара Домланинг бўлмаси томон қадам босганида телефон чўзиб-чўзиб жиринглайди. Хоним илдам бориб гўшакни олади.

Х о н и м. Алё! Ал-ё! Бўсто-он! Вой, Викторжон, вы? Извините, пожалуйста. Да, не узнала я вас. Откуда? Из Петербурга? Почему? Хорошо, хорошо, сейчас! Клара! Вот она! Тез! Эринг.

Турган жойида қотиб қолган Клара бир-бир босиб телефонга яқинлашади-да, аппаратни олиб даҳлиз тарафга ўтади.

К л а р а. (*даҳлиздан овози, узук-юлуқ форсча сўзлар*). Худи шумо... на, на... бовари на... фиреб, фиреб... гўш кунед... на, на... духтарак... пазмон, пазмон... рўзики ду чашми ман намегирад... хо, хо... бале... худо ҳофиз...

Хоним икки чаккасини чангаллаб стулга ўтириб қолади.

Х о н и м (*ўзича*). Ярашмоқчими булар? Ярашса, Клара кетади-да Петербургига. Ия, Викторниям кўндириб, Америкага олиб кетса-чи? Ўзи жаҳонгашта-ку у!

Клара ажиб бир кайфиятда хонага қайтиб киради.

Х о н и м. Ҳа? Нима дейди? Тинчликми?



К л а р а (ўйчан). Келмоқчи.

Х о н и м (ҳовлиқиб). Вой, келсин, келсин, айт! Кейин ҳам-мамиз биргаликда.

К л а р а. Бутунлай келмоқчи у! Дунё кезиб чарчабди. Қидирганини тополмаганмиш. Бизсиз яшаёлмасмиш. Келиб ўзбекчани ўрганмоқчи, шу ерда яшаб қолмоқчи. Полиглот-ку у киши, ўнта тилни биладилар!

Х о н и м. Вой-вой, ўрис бўлатуриб-а? Сен-чи? Америка нима бўлади?

К л а р а (ҳолдан тойгандек). Билмадим, оёи, билмадим. Бошим қотиб қолди. Бунисини кутмаган эдим ўзим ҳам. У келадиган бўлса, қолсам керак-да. Луизаси бор ўртада.

Шу вақт ўзларича ўзбекча сўзлашиб, эшиқдан Луиза билан Сардор чиқади.

Х о н и м (бирдан Кларага жаҳл қилиб). Қолсанг қолавер сен! Мана, Луизочкам кетади биз билан! Кетасан-а, жоним? С нами поедешь, да?

Л у и з а (гангиб). Чего? (Сардорга кўз ташлаб олиб, чучук бир талаффузда.) Ни-ма? Правильно, да?

Х о н и м. С нами поедешь! В Америку! Я, ты, дедуль.

Л у и з а. Ни-ма? Йок. Я никуда не хочу.

Хоним Луизани кучоқлаб олади.

Х о н и м. Поедешь, жоним, поедешь!

Кутилмаганда, жини кўзибми, қиз бувисининг кучоғидан юлқиниб чиқади-да, аллақандай жазава ичида эғнидаги кийимларини ечиб ота бошлайди. Ҳамма хангу манг.

Х о н и м (ваҳима аралаш, Сардорга). Нима бўлди ўзи бу кизга?

С а р д о р (елка қисиб). Билмасам. Ўзбекчани ўргат, деди. Ўргатдим. Бўлди.

Л у и з а (чинқириб). Не хочу! Йо-ок! Йо-ок!..

К л а р а. Перестань, дура!

Луизани жазавадан тўхтатиш кийин – Сардор бориб чирокни ўчиради.

Еттинчи манзара

Ўша кўриниш. Хоним, Клара, “Ок каптар” кечки таомдан сўнг чой устида. Мэлис ҳали ишидан қайтмаган. Луиза ичкари хонада ўзбек тилидан сабоқ олаётир, гоҳ-гоҳ овозлари кулоққа чалинади.

Ўтирганлар олис Америкадан туриб “телефон очган” Раҳматуллоҳ Жийдалининг пастак столчадаги кучайтиргич ускунадан чиқаётган овозига диққат билан кулоқ тутган. Биз ҳам унинг сўнгги сўзларини эшитиб қоламиз.

Ж и й д а л и й (*овози*). Уйнинг сотилгани яхши бўлибди, янгамулло. Домулломуз ҳали Жийдалидан қайтмагандирлар. Майли, майли. Килорахон синглимиз яхши юрибдиларми? Лўйзахон-чи? Ман у кишига кўп савғолар олиб кўйганман, келганда кўрадилар. Ҳаммага мандан дуои салом бўлсин, янгамулло! Сизларга интизорман.

Х о н и м (*ўтирган жойидан телефон тарафга талпиниб*). Раҳмат, раҳмат, укажон! Сиз ҳам уйингиздагиларни сўраб кўйинг! Келаси ҳафта билетларимиз тайёр бўлади. Худо хоҳласа, тез кунда кўришамиз. Хайр! Хайр! Ўпдим.

Алоқа узилиб, телефон чўзик ду-дудлашга тушади. “Ок каптар” туриб уни ўчириб қўяди.

Х о н и м. Мана, уй тайёр! Энди бизнинг Америкада ҳам уйимиз бор! Қанақа жой деди? Оклахомами? Оклахома. Номи мунча хунук! Қишлоқ-пишлоғимикан ё? Ҳозирча бўптурар-а, кизлар?

К л а р а. Нима фарқи бор? Америка бўлса бўпти-да сизга!

Х о н и м. Вой, анов Бўстон ўлгур Пенсильванияга кетяпти! (*Ҳавас билан*) Пенсильвания!

“О к к а п т а р”. Нью-Йоркнинг ўзидан бўлмабди-да, мамуль? Эсизгина. У ерда Ҳиллари хоним сенатор-а!

Х о н и м. Нью-Йорк деганлари – марказ, жоним! Прописка масаласи қийинроқ бўлса керак-да.

“О к к а п т а р” (*бетоқатлик билан*). Қачон кетарканмиз-а, э худо? Калифорнияга Голливуднинг суперзвездаси Шварценеггер губернатор бўлармиш.

Ишдан қайтган Мэлис кириб келади.

М э л и с (*хотинининг гапини эшитган, шекилли*). Йўл бўлсин, йўл бўлсин?

Х о н и м (*суюнчилаб*). Раҳматжон аканг телефон килди хозир. Уй масаласи ҳал бўлганмиш! (*Хушламайроқ*) Ок... Ок-лахома деган жойданми?..

М э л и с. Сизга колса – Филадельфия, Флорида, Виржиния деган жойлардан бўлсин-да, а?

Х о н и м. Пенсильвания.

М э л и с. Бориға – барака демайсизми, мамуль!

Хоним телефонни кўтариб дахлизга чиқади.

Х о н и м (*овози*) Бўсто-он! Ўзингизмисиз, жоним? Хелло, хелло.

Мэлис дастурхон бошига ўтиради. “Оқ каптар” ошхонадан таом келтириб, унинг олдига қўяди: “Ош бўлсин!”

К л а р а (*ташвиш билан*). Ойим илгари бунақа эмасдилар-а, Мэлис? Қандайдир ғалатироқ бўлиб қолгандайларми.

М э л и с (*овқат еятуриб*). Энди сезибсиз-да, опагинам! Бозорчими, Бўстончими бўлганларидан бери шунақа.

Клара билан “Оқ каптар” ниманидир пичир-пичир қилиб ошхона томон чиқади. Телефонда сўзлашиб бўлган Хоним келиб Мэлиснинг рўпарасига ўтиради.

М э л и с (*овқатини еб бўлган*). Мамуль, ўша ёққа кетиб нима қилдиг-а? Тошкентимизнинг ўзи яхши эмасми?

Х о н и м. Вой, эндими? Ҳаммаси тайёр бўлганда-я?! Бунинг гапини қаранг! Дача сотилган бўлса! Бу уйни ҳам эрта-индин бўшатиш керак бўлса! Нима деб валдираяпти ўзи бу бола, тавба! У ёққа бориб, вой, нима қилардик? Мухаббат Шамаевалар неча-неча йил олдин кўчиб кетган. Ҳамма ўша ёққа кетяпти-ку! Бутун дунё!

М э л и с. Бутун дунё борса сиғармикан? Мол-матоҳи ҳаммага етармикан? Умуман, ўша ёққа боришдан мақсад нима ўзи? Кўрмоқчи эдингиз – бориб келдингиз, кўрдингиз!

Х о н и м. Мақсад? Мақсад – яхши яшаш!

М э л и с. Нима, ёмон яшаяпсизми? Масалан-да, сиз ўзингиз ёмон яшаяпсизми?

Х о н и м. Бундан ҳам яхши яшагим келади! Билдингиз, Мэлисвой! Бу ерда кундан-кун нон қиммат бўлиб кетяпти!

М э л и с. У ёкда арзон эканми, мамуль! Бу ёғи ёшингиз ҳам...

Х о н и м (*бирдан портлаб*). Гапир, гапир! Сиз энди ёшингизни яшаб бўлдингиз. Шундай демокчимисан? Хўп, шунча яшаб нима кун кўрдим? Умргинам сенларнинг ташвишингда ўтди! Ҳар гал тукканимда тўрттадан тишим тўкилган! (*Оғзини очиб ясама тишларини кўрсатади.*) Бу ёғига хув Дубайдан тортиб Дехлию Истанбулларгача қатнаб... Шуми ҳаёт?! Шунинг учун туғилганмиди онанг, хўш? Ёки яна қайтиб келманми бу дунёсига?! Одамлар қандай яшаётганини мен кўриб келдим! Нима, бизнинг ҳаққимиз йўқми? Бизам одам, инсон фарзанди! Ростини айтсам, биласанми, нима учун текканман папангга? “Аспирант эмиш, катта олим бўлармиш!” деб овозаси Жийдалини тутган эди. Шунисига учибман мен аҳмоқ! Раиснинг ўғли орқамдан соядек эргашиб юрарди-я!

М э л и с. Шукур қилинг, эна, шукур!

Х о н и м (*сескангандек*). Эна?! Бу нимаси энди?

М э л и с. Жийдалингизда “эна” дейди-ку, эсингиздан чикдими? Ўша ёкда туғилганимда, мен ҳам Мэлис-пелис эмас, Менглиқул ё Маматқул бўлармидим балки. Кларангиз – Кароматми, Каримами.

Х о н и м (*совуққина*). Ҳай, майли, майли. Нимасига шукур қилай, қани, айт? Академик бўладиган одам мана шу уйини анови Раҳматжонга ижарага бериб, ўзи неча йил шаҳардан узок бир яйдоқликка чиқиб яшади. Билсанг, куни ўтмай қолганидан қилди бу ишни! Ёзганларини мошинкалатишга ҳам пули йўқ эди ўшанда. Нимасига шукур қилишим керак? Папанг.. Даданг дўхтирлик ишини неча марта қайтадан ёзганини биласанми?! Бошида “Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан истило қилиниши” деб ёзган – ўтмаган. Сўнгра “қўшиб олиниши” деб ёзди – яна ўтмади. “Қўшиб олинишининг ижобий аҳамияти” деганидан кейингина иши қабул бўлди. Неча-неча марталаб Москваларга қатнади, эх-хэ! Мана, бугун энди босиб олинишининг салбий оқибатларини ёзиб ўтирибди! Нима қилсин шўрлик? Яна ўзгариб қолмасмикан деб ҳозиргача қалтирагани-қалтираган. Юрак олдирган-да. Бирортаси ана ўшаларни титқилаб қолса, юзим шувут бўлади деб кўрқади.



М э л и с. Шуни текшириб ўтирадиган аҳмоқ бор эканми, эна! У замонда ҳамма шундай ёзган-ку! Текширса, унвондор одам қоладими Ўзбекистонда?! “Ёклайсиз-а, ёклайсиз! Фалончидан қаерингиз кам?” деб ўзингиз ҳам дадам бечорани эговлаб туриб олгансиз-да!

Х о н и м. Тўғри-да. Қўймадим! Лекин шунча қилган меҳнати эвазига бугун нима топди? Мана, қирк йил бўладики, эрхотин илҳақ яшаймиз: эртага яхши бўлқолар, индинга яхши бўлқолар. Қани, қани?! Сезиб тураман-да, гоҳида ҳатто анови Турсунбой билан ҳам хуркиброк муомала қилади даданг.

М э л и с. Йўғ-э! Ғалати гапларни гапирасиз-а, эна! Бугун энди нимадан, нимасидан кўркиш керак экан? Кўркса, ана, Ватанни сотганлар кўрксин! Халкнинг пулини ўмариб, хў-ўв чет эл бонкаларига жойлаб ётганлар кўрксин! Дадам нимадан кўркадилар? Умуман, нега бунча ваҳима, дод-фарёд киласиз, эна? Сиз айтаётган ўша яйдоқлик баҳонада обод бўлди. Қўшқават иморату бассейнлар! Мана, элликка уриб, анови устонмон укажонингизга элтиб ҳам бердингиз!

Х о н и м. Вой, осонликча бўптими у? Менинг юртма-юрт сарсон кезганларим-чи! Яхшиямки, бахтимга Раҳматжон бор экан, барака топсин.

“Дарсхона” эшиги очилиб, Луиза билан Сардор чиқади.

С а р д о р (*Мэлисга*). Ассаломалайкум.

Л у и з а (*таталай-таталай*). Бувиджон. Биза кучага чиксак хоп?

Х о н и м. Иди, жоним, иди. (*Мэлисга*) Бинойидек ўзбекчалаб қолди буям, тоғаси!

Ёшлар чиқиб кетади.

М э л и с. Куёв ҳам тайёр денг жиянчамизга? Қутлуғ бўлсин!

Х о н и м. Бу нима деганинг? Яхши бола у. Отаси – депутат!

М э л и с. Айни муддао экан-да!

Х о н и м (*ўқрайиб*). Ҳой, бола, бугун сенга бир бало бўлганми ўзи? Гапирган гапи захар, илмоқли-я! Ё кайф-пайфинг борми?

М э л и с. Кайф? Бир мартагина оғзимизга олиб, тавба



қилганмиз, биласиз! Эна, шу Американгизда неча йил яша-моқчисиз ўзи?

Х о н и м. Неча йил деганинг нимаси? Яшайверамиз-да. Доимий.

М э л и с. Кейин деяпман, хув кейин? Ё ўша ерларда?

Х о н и м. Нафасинг бунча совуғ-а! Худо сақласин! (*Бирдан ўйчан*) Қара, шунисини ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Ҳай, пешона-да, худонинг айтгани бўлар. Нимага сўраяпсан бунини?

М э л и с. Шу, менинг оёғим тортмаяпти-да сира. Дарахт ҳам бир жойда кўкаради, эна!

Х о н и м. Кўкармай кетсин! Биз дарахт эмасмиз-ку! Бормай бўпсан! Ана, хотининг канот қоқиб турибди.

М э л и с. Кетса кетаверсин! Бу йил ҳам унвон тегмай қолди – аламзада у. Бориб Америка Қўшма Штатларида хизмат кўрсатган артист бўлмоқчи, шекилли. Майли, ўзи билади. Муҳаббат Шамаева Нью-Йоркда миди ресторан очган деб эшитаман. Ўша ерда тунги мижозларнинг кўнглини овлаб юрар.

Х о н и м (*аччиқланиб*). Оғзингни юм-э, шарманда! Одам ўз хотинини ҳам...

М э л и с. У менга хотин эмас. У сизнинг келинингиз! Чала академикнинг келини! Мақсади шу экан, мана, етди. Илашиб келган у менга! Мошинанинг юкхонасида! Хотин бўлса, ҳозиргача бола-пола туғарди – қани?! Унвон-унвон деб ўлган бунингиз! Ахир, унвонли бўлиш учун бирор соҳада, аниқроғи, бирор кишига яхшилаб хизмат кўрсатиш керак.

Х о н и м. Бас қил энди! Сени бугун жин чалгани аниқ экан! (*Бир нафас сукут сақлаб*) Боя телефонда Раҳматжон укам сенга...

М э л и с. Акам денг! У одам етмишга қараб кетяпти, эна!

Х о н и м. Вой, ёш кўринади-ку? Ўзи “опа-опа” деб юради доим.

М э л и с. Керак бўлса, дадам тенги одам, мендан ҳам ёш кўринади. Керак бўлса! Бой отамга шу керак-да!

Х о н и м. Нимага керак экан? Намунча?..

М э л и с. Эна, ўзингизни гўлликка солманг!

Х о н и м. Майли, майли. Ишқилиб, шу опагинангнинг бошини пана қилсами, девдим-да. Майли, иккинчи хотин бўла-

дими, учинчими. Хотини касалмандрок экан ўзи. Бадавлат одам. Бу ўлгуринг эса анови саривойи билан қайтиб ярашмоқчи!

М э л и с. Опамни қўйиб туринг. Бой ота неварангизга харидор!

Х о н и м (*таажжуби ортиб*). Вой, келин қилмоқчидир-да? Ўғиллари уйланган-ку! Ё бирортаси ажрашибдими?

М э л и с. Ўғлини бошига урадим, ўзи турганда!

Х о н и м. Вой, вой, нималарни валдираяпсан-а, Мэлис! Эс-песинг жойидами ўзи? Бу гўдак-ку ҳали, энди ўн саккизга киради-я?!

М э л и с. Укажонингизнинг назарида мўлжалдан икки ёш ўтибди. Эна! Бу ёғини эшитинг бўлмаса! Мен ўзимни мастликка уриб ётганман, саудиялик ошнаси Дониёр хожига айтган: “Оталари ўрус экан-у, аммо ўзлари жаннати бир пари, кўзлари кўкимтир! Ҳайфки, ёшлари ўтиб қоляпти-да. Эрта-индин ўн саккизга чиксалар керак”. Бу гапни мен ўзим тўқийманми?!

Х о н и м. Ҳой, ҳой, бас! Юм оғзингни! Шундоқ олижаноб, покдомон одамни сен бола...

М э л и с. Ифлос, иймонсиз одам денг! Расво бир бузуки денг! Хайрият, жазосини олди – синди, корхона-порхонаси билан кўшмозор бўлди! Мана шу уйни сотиб яхши қилдингиз, эна, наҳс босиб кетган эди ўзи. Эҳ-хэ, кимларни қўлдан ўтказмади бу ерда!..

Х о н и м (*ўзини йўқотиб қўйган*). Ҳой, бўлди, бўлди! Сен қаёқдан биласан, ахир? Тухмагчи!

М э л и с (*шартта ўрнидан туриб*). Ўзим шерик эдим десам, ишонарсиз?!

Х о н и м (*телбаланиб, бошига “тақиб” олган кўзойнагини ўглига отади*). Йўқол, ифлос! Ҳе, башаранг курсин! Борманг борма, лекин бир мўмин-мусулмонни бундай маломат қилмагин-да, ҳайвон! (*Баттар жазавага тушиб*) Қол! Менга деса – ҳамманг қол! Ўзим кетаман! Битта ўзим кетаман!

М э л и с (*онасининг вазоҳатидан чўчиб оишона томон чекинарган*). У ёқлар ҳам сиз ўйлаганчалик жаннат эмасдир, эна! “Америкада яшайман деган одам Кеннеди аэропортига бориб тушган заҳоти кўкрагидан юрагини юлиб олиб, оёғи

остида эзғилай-эзғилай, шундан кейингина доллар юртига қадам босмоғи керак. Жаҳаннам, жаҳаннам!” дерди-ку укажонингиз! Эсингиздан чиқдими шу гаплар?

Х о н и м (*эсини йўқотиб*). Бораман! Жаҳаннам бўлса ҳам – бораман! Юракни олиб эзғилаш керак бўлса, эзғилайман! (*Сапчиб туриб депсинади, оёғи остида гўё ниманидир эзиб-янчади.*)

Сўнги манзара

Шип-шийдам хона. Деворлар яланғоч. Гилам қоқилган жойи оқариб турибди, унда-бунда козикларнинг ўрни кўзга ташланади. Тўрдаги девор этагига қаторлаштириб катта-кичик жомадонлар териб қўйилган, ҳар хил кути-қутичалар. Уй сотилган, Америкага жўнаш тараддуди. Номозшом палласи. Ўртадаги стол атрофида Хоним билан Сардор. Луиза бир четда китоб ўқиб ўтирибди. У ҳар замон ер остидан Сардорга қараб-қараб қўяди. Хонимнинг аввалги шашти йўқ, сўлғин, касалнамо. Бошини саватдек қилиб дурра билан танғиб олган.

Х о н и м (*қўлидаги “сабоқ дафтари” – ўша бир варақ қозғонни тапиллатиб столга уради, қозғоз учиб ерга тушади*). Қуриб кетсин инглизчасиям! Қанақа тил экан-а бу, сира каллага кирмайди-я! Ўзингиз биз билан бирга кетсангиз-чи, а, Сардорбек?

С а р д о р (*Луизага бир назар ташлаб*). Магистратурага бориш ниятим бор ўзи. (*Бир ўйланиб олиб*) Лекин гап қаерда ўқишдагина эмасдир. Ана, Кембрижу Оксфорд дипломларини қўлтиқлаб бекор юрганлар қанча!

Х о н и м. Мендаям уч-тўрттаси ётибди. Ҳов сандиқда, моғорлаб. Бугун, мана, кўриб турибсиз – опангиз бизнесумен!

С а р д о р. Замон доим шундай бўлиб қолавермас, опа. (*Одатдагидек жиддий маромда гапга киришади.*) У ҳам бамисоли бир кема. Тўфон туриб чайқала бошласа ё бирон жойи тешилса, унга қарши чораси ҳам топилар. Акс ҳолда, ағдарилиб кетади, ғарқ бўлади-да. Худо кўрсатмасин – яна Нух пайғамбар замонидаги тўфон денг! Тарихда неча бор такрорлангандир бунақаси.

Х о н и м (*таажжуб билан*). Нух пайғамбар, тўфон. Бунча гапни қаёқдан биласиз-а, Сардоржон?

С а р д о р (*ажабланиб*). Китобларда бор-ку бу!

Х о н и м. Китоб, китоб. Шунинг ўзи билангина иш битмас экан-да, укам! Ана – домлангиз, умрлари китобнинг орасида ўтган.

Клара киради. Оёк остида ётган халиги қоғозни олиб, у ёк-бу ёғига қарайди-да, орқа томонини ўгириб ўқий бошлайди. Ўқиб бўлгач, онасига узатади.

К л а р а. Ўқидингизми? Сизга-ку. Дадамдан. (*У бармоғи билан кўзёшини артиб, ошхона томон юради.*)

Х о н и м (*ҳанг-манг, қоғознинг орқа-ўнғига тикила-тикила, уни Сардорга тутқазади*). Сиз ўқиб беринг, Сардоржон. Қурғур кўзойнагимни синдириб қўйибман денг, кўзим ўтмаяпти. Бу менинг инглиз тили қоғозим эди-ку, орқасига карамабмиз-да.

С а р д о р (*ўқий бошлайди*). “Хоним”. Ўчирилган. “Азизим Роза Ҳасан”. Ўчирилган. “Бибиробия! Мен бу гапларни сенга кўпдан бери айтолмай келардим. Жийдалига жўнашдан олдин хат қилиб ёзишни маъқул билдим. Хотин! Мен сенинг олдингда, фарзандларимнинг олдида беҳад айбдорман. Ўйлаб кўрсам, умрим хатоларга тўла экан. Шу хатолар...” Ўчирилган. “...адашувлар орқасида, билиб-билмай, сизларнинг ҳам ҳаётингизни барбод қилибман. Роза Люксембургга ҳавасан мен сени – Роза, Клара Цеткинга ўхшатиб қизимни – Клара, ёлғиз ўғлимни эса, биласан, ўзим умримни бағишлаган ғоя йўлбошчиларини эслаб – Мэлис деб атадим. Шу Рухда тарбияладим. Бўлмаса, менга ким қўйиб эдики. Ўзим бир Жийдалидан чиққан Жўракул бўлсам! Кўрмаганнинг кўргани ёмон экан, Бибиробия! Замонни айбламоқ энди бефойда. Бари-барига ўзим айбдорман. Сени – биппа-бинойи муслима аёлни ўзимча замонавийлаштирмоқчи бўлдим-а! Бунинг оқибатини билганимда, худо ҳақки, уйдан ташқарига чиқармасдим сени!” Ўқийверайми? (*Сардор Хонимга қараб олади. Хоним қарахт – миқ этмайди.*) “Албатта, мен ҳам кўп қатори янги замондан хурсандман, лекин ошқора рижкорлик, таъма билан уни олқишлаш қўлимдан келмади. Номус қилдим! Хатолар-

дан иборат умримда яна гуноҳга ботмайин дедим-да. Қўй, хув доно Ялангтўш айтганидек, “Шу йўлдан келдим, шу йўлдан кетай!” Сени эса тутган йўлингдан қайтара оладиган зот йўк бу дунёда. У – ўлган. Ўша – менман! Майли, билганингни қил! Мен энди Жийдалида қолсам керак. Отам-онамнинг хоку суяги ўша ерда! Етти пуштим ўша ерда! Бир куни келиб казом етганида бегона юртларда гўрма-гўр кўчиб юрмайин, қўй! Кларанг...” Ўчирилган. “Комилангга айт, иложи бўлса, қизини бирор мусулмонга узатсин, у ёқларда ҳам топилар. Мэлис мендан ранжиб юрмасин. Уни йўриғимга солишга беҳуда уринган эканман. Мусикачи бўлса – бўлар, Жийдалидан ҳам шунақаси чиқса чиқибди-да! Робия, сендан илтимос, кетишларингдан олдин бир бориб анови жафокаш аммамиздан хабар олинглар, хўпми? Эҳтимол, кейинрок ўзим келиб у кишини кишлоққа олиб кетарман. Яна бир гап. Турсунбой кўриниб қолса айтарсан. Менинг умидимда бўлмасин. Мен энди унака номаъкулчиликка боролмайман. Бошида отасининг – пахта терими мавсумида Мирзачўлдан топган раис биродаримнинг юзидан ўтолмаганман. Иложини топиб пулини қайтариб берсанг. Охирги гапим: анови Раҳматуллоҳдан хушёр бўл, Робия! Кўнгли тоза эмас у одамнинг. Билишимча, Жийдалига ҳам алоқаси камрок. Унинг ватани – бошқа. Бибиробия! Худо ёр бўлсин сизларга, хотин! Биз энди учрашолмасак керак. Дийдор қиёматга қолмаса деб кўрқаман. Яна бир ўйлаб кўрарсан. Балки... Бор айбим учун сенинг, жигаргўшаларимнинг олдида тиз чўкиб узр сўрайман! Рози бўлинглар! Алвидо! Гуноҳкоринг Жўракул”. Бўлди.

Х о н и м (аянчли бир ҳолда). Қачон ёзилган экан, қаранг-чи?

С а р д о р. Икки минг биринчи йил тўртинчи сентябрь!

Х о н и м. Бугун нечанчи?

С а р д о р. Бугун. Ўн биринчи эди, шекилли.

Х о н и м. Бир ҳафта! Бу одамдан нега шу кунгача дарак йўк десам... Васият, худди васиятномага ўхшайди, тавба! Столларига ташлаб кетган эканлар-да. Қарамабман ҳам. Луиза, мано-ви қоғозни қаердан олувдинг?

Шу маҳал эшик қўнғироғи жиринглаб қолади. Клара даҳлиз томон ўтиб, эшикни очади.

К л а р а (*севиниб*). Аммашкам! Аммажоним келдилар!

Клара Асал холани қўлтиклаб хонага бошлаб киради. Одатдаги саломалик, ачом-ачом. Бу орада Сардор билан Луиза аста сирғалиб ичкари хонага кириб кетади.

А с а л х о л а. Кеча бир туш кўриб эдим, қўнглим алағда бўлиб, сизлардан хабар олгани келдим, айланай.

Х о н и м (*сипогарчилик юзасидан*). Хуш кепсиз, амма. Зерикмаяпсизми у ёқда? Ўрганишиб кетгандирсиз?

А с а л х о л а. Мен ҳозир бошқа жойдаман, Рўза. Робияжон! Худди мана шу сизларникига ўхшаган бир уйда давру даврон қилиб ўтирибман, айланай.

Х о н и м. Вой, нега?! У ер-чи? Нима бўлди?

А с а л х о л а (*мароқ билан*). Э, сўраманг, айланай, бу ёғи қизиқ бўпкетди! Яллаци келинимиз, Мэлисжоннинг аёли-да, мени элтиб қўйган курорт жойда бир ҳафтами, ўн кунми турдим-да. Ҳаммаёғи дарахтзор, каттакон боғ денг! Бари ўзимга ўхшаган қари-қури. Ўшалар билан галалашиб юриб эдим, бир куни ёш бир эр-хотин келиб, мени уйларига олиб кетди. Катталарим билан гаплашган бўлса керак-да, фаҳмимча. Ўзлари олис бир юртга послами, нима дейди?

К л а р а. Элчидир-да, элчи!

А с а л х о л а. Ҳа-а, шундай бўлиб кетаётган экан. Уч йилгами, тўрт йилга. Эр-хотин. Қизчалари ўзлари билан бирга. Ўғиллари эса бу ерда институтда ўқийди. Ўшанга қараб туриш керак экан. Ҳам денг, уй-жойга эгалик қилиб. Бирам ювош, бирам батартиб болаки.

Х о н и м. Қаёққа кетишди дедингиз? Америкага эмасми?

А с а л х о л а. Шунисини сўрамабман-а, Робияжон. Ишқилиб, жуда олис бир жой. Шухратжон, ўғиллари-да, янаги йил ўқишини битирса, келиб бизниям опкетишармиш ўша ёққа.

Х о н и м (*бетоқат бўлиб*). Амма, сизлар мана, Кларахон билан гаплашиб ўтиринглар. Кечадан бери менинг сал мазам йўқрок. Кириб бирпас чўзилай. (*У ётоқ бўлмага қараб юради.*)

К л а р а. Амма, доим шуни сўрайман деб юраман: сиз бизларга қандай амма бўласиз? Ўзингиз Асал хола-ку!

А с а л х о л а. Асал бўлмайлар кетай, болам! Отим шундай бўлгани билан, Робияжон тўғри айтади, ўзим бир захар, қатрон! Пешонам ундан баттар шўру шўрон! Иби, шу вақтгача билмасмидинг, Киларажон? Мана шу энанг – Бибиробия менга тус жиян! Раҳматли бобонгнинг кенжа синглисиман-да. Даданг ҳам менга қариндош, айланай. Тўғри, узоқроғ-у, лекин хеш, чагишлигимиз бор. Она томондан. У ёғини сўрасанг, отанг билан энанг ҳам бирига бегона эмас. Айтгандай, Домла кўринмайдилар?

К л а р а. Бугун-эрта келишлари керак. У ёққа жўнаш олди-дан кишлокларини бир кўриб келмоқчи эдилар.

А с а л х о л а. Ҳа-а. (У ёқ-бу ёққа аланглаб) Тайёр бўп-копсизлар ўзи. Ҳай, колганини эшит бўлмаса! Бу шўрпешона амманг икки қатла эр қилди – иккови ҳам ўлди. Худойим биргина тирнокни ҳам раво кўрмади-я! (Узоқ тин олади.) Энанг Домладан қолишмайин дедими, мен ҳам олим бўламан, деб туриб олди. Бу ёқда Мэлисжон ҳали гўдак, унга қарайдиган одам йўк. Шуйтиб кепколганман-да мен бу ёқларга, болам. Мана, энди Шухратжонга қараб ўтирибман, бегона бўлсаям. Ҳай, ўзингдан гапир. Зерикмай-торикмайгина ўтирибсанми?

К л а р а. Ўзим... (Аламнок жилмаяди.) Туғилган ватанимда чет эллик бегона бўли-иб ўтирибман, аммажон. Беватандек гап-да!

Ташқари эшикнинг кулфи шикирлаб, хонага “Оқ каптар” отилиб қиради. Рангида ранг йўк. Асал холани кўриб, вой, бу кампир яна нима қилиб юрибди дегандек, такқа тўхтайтиди.

“О қ к а п т а р” (жонҳолатда чинқириб). Мамуль! Маму-уль!

Ётоқ бўлмадан кўзлари кизарган Хоним чиқиб келади. Сардор билан Луиза ҳам кўринади.

Х о н и м. Ҳа, жоним, тинчликми? Нима бўлди?

“О қ к а п т а р” (ваҳима билан). Эшитмадингларми? Вой, даҳшат, даҳшат! Америка портлабди! Портиллаб кетибди, мамуль!

Х о н и м. Бу нима деганингиз? Вой, нега портлайди Америка? Тушунтириб гапирсангиз-чи, жоним! Ўзингизни босиб олинг бундай.



“О к к а п т а р” (ўзини босолмай). Шу, портлабди! Театрда хамманинг оғзида шу гап! Телевизорда кўрсатганмиш!

Х о н и м. Телевизор... йўқ. Сотилган. Ростми шу гап ўзи? Алахсирамаяпсизми ишқилиб?

“О к к а п т а р”. Рост! Рост! Ўлгур террорчилар портлатибди! (Йиғламсираб) Энди нима қиламиз-а, мамуль? Қаёққа кетамиз?!

К л а р а (чимчилагандек). Кетмайсиз. Қоласиз шу ерда.

Х о н и м (Шилқ этиб стулга ўтириб қолади. Алам-изтироб билан). Да! Шунча чопачоп, шунча тараддуд! Шу-унча харажат! Энди нима қилдим-а?! Уй-жой сотилган, пул йўқ.

К л а р а (совуққина). Қўнғироқ қиласиз Америкага! Раҳматжон ака анови виллани сотиб, пулини жўнатади. Уй-жойимизни қайтариб оламиз. Шу!

Х о н и м. Америка портлаган-ку! Пул қоладими?! Пул йўқ энди, пулларим йўқ!

К л а р а. Америка катта мамлакат, ойи, катта мамлакат!

Х о н и м. Йўқ, қизим, кўчада қолдик, кўчада! Бошпанасиз, куп-курук! Қаерда, қандай кун кўрамиз-а энди?

А м м а (қўрқа-писа). Бизларникида туриб турарсизлар. Кенг-мўлгина. Беминнат.

К л а р а. Жийдали-чи?! Жийдалига борасиз! Дадамнинг ёнларига.

Х о н и м. Вой! У ерда уй-жойимиз йўқ-ку? Ҳамма ҳар ёкка тўзғиб кетиб, у ердаям одам қолмаган деб эшитаман.

К л а р а. Бирор вайрона топилиб қолар.

Х о н и м. Вайронада яшайманми хали, вой!

К л а р а. Ҳаммаям кошонада яшамапти-ку, ойи!

Х о н и м (алаҳлаётгандек). Жийдали узо-оқ! Қандай борамиз?

К л а р а. Америка яқин эканми?!

Х о н и м. Америка? Америка портлаган. Шошма, Бўстон нима қилаётган экан, сўрай-чи? Ие, айтгандай, унинг ҳам эри кетиб қолган. Ҳамма-ҳаммаси кетган-а, тавба! У нима қиларкан энди? Во-ей, шундоқ чарчадимки! Қаёққа қараманг – портлов! Қаёққа қараманг – портлов! Шуларга кўшилиб мен ҳам портлаб кетсам қанийди!

Шошилиб хонага Мэлис кириб келади. Бежо, безовта.

М э л и с. Эшитгандирсизлар?

“О к к а п т а р” (бесабр). Эшитдик, эшитдик. Портлабди. Америкада.

М э л и с. Жийдалида портлади. (Хоним ногаҳон ўзига келиб, кўзини очади.) Бўлинг тезрок, энажон, жўнаш керак! Жийдалига!

Х о н и м (хушёр тортиб). Нима қиламиз у ерда?

М э л и с (базўр ўпкасини босиб). Эрингизнинг жанозасига бормайсизми?!

Х о н и м (ваҳима ичида). Нима?! Нима деяпсан?!

М э л и с. Дадам оламдан ўтибдилар! Тўсатдан! Ҳалигина хабар келди. Дадажон! (Хўнграб юборади.)

К л а р а (укасига кўшилиб). Вой, дадажони-им!

Х о н и м (эси оғиб қолган). Ия, нега, қачон, қандай? Вой, шўрим! Энди нима бўлади?!

М э л и с (йиғи аралаш). Бўлинглар, бўлинглар! Тез! Ҳозир Турсунбой келади, жўнаймиз!

Ҳамма йиғи-сиғи билан хоналарга тарқаб кетади. Ёлғиз Асал хола қолади. У таппа ерга ўтириб олади-да, беихтиёр кафтларини бир-бирига уриб гўянда бошлайди.

А с а л х о л а. Ҳаҳ, домлажон, домлажон-а! Бир келдингизу бир кетдингиз-а, домлажон-а! Сиздай одам бормиди-я, домлажон-а! Сиздай олим бормиди-я, домлажон-а! Бир авлиё, бир доноси сиз эдингиз! Бу уйларнинг подишоси сиз эдингиз! Жаннатлардан ато этсин, домлажон-а!

Энг сўнги манзара

Ўша таниш бўм-бўш хона. Икки томондан икки киши кириб келади. Булар – ёшгина эр-хотин.

Х о т и н. Яхши, менга ёқди. (Қатор эшикларни бир-бир кўрсатиб.) Мана буниси – Зилолангизники, униси – Фаррухбекка, хув анови бўлса... Ким яшаган бу ерда олдин? Қанақа одамлар экан? Америкага кўчиб кетишди, деганмидингиз? Биз эса у ёқдан қайтиб келдик, кизиг-а? Ўзимизнинг юртимиздан қўймасин, тўғрими?

Э р. Ке, шуларнинг ҳақкига бир дуо қилиб қўяйлик.

Эр-хотин ёнма-ён чўнқайиб ўтиради.

Э р. Аузи биллоҳи минаш шайтони рожийм. Бисмиллоҳир
Раҳмонир Роҳийм.

П А Р Д А

Томоша тугаб, парда ёпилганидан кейин ҳам тиловат садолари эшитилиб туради.



Шухрат РИЗАЕВ

(1958 йилда туғилган)

ДИСКОТЕКА

*Замонавий ёшлар ҳаётидан икки қисм,
етти кўринишли драма*

Иштирок этувчилар:

Ойбек – иқтисодиёт коллежининг охириги курсини битириш арафасида турган жисмоний бақувват, кўркам йигит.

Сабоҳат – Ойбекнинг собик синфдоши – тиббиёт коллежи битирувчиси.

Дилбархон – 42-43 ёшларда. Ойбекнинг онаси. Мактабда муаллима.

Шавкат – 46-47 ёшларда. Ойбекнинг отаси. Университет доценти, филолог.

Зорота – 80 ёшларда. Шавкатнинг отаси. Ёшига муносиб, озода кийинган.

Мастурахон – 40-42 ёшларда. Сабоҳатнинг онаси. Одми киёфада.

Малоҳат – 14-15 ёшларда. Сабоҳатнинг синглиси. Мактаб ўқувчиси.

Гулнора – 36-38 ёшларда. Сабоҳатнинг холаси. Замонавий дид билан кийинган.

С а н ж а р – Ойбек ва Сабоҳатнинг синфдоши.
Р а в ш а н }
Ф е р у з а } – коллеж, академик лицей талабалари.
К у н д у з }

Барчалари кўп қаватли уйларнинг бир ҳовлисида яшашади.
Воқеа шу кунларда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи кўриниш

Театр саҳнаси тўлик дискотека шаклида жиҳозланган. Овоз кучайтиргич аппаратлари ўрнатилган. Кичик саҳна – эстрада. Диск-жокей эхтирос билан бугунги дискотека репертуарини тушунтиради, сўнг навбати билан саҳнада 17-19 ёшлар чамасидаги бир неча йигит замонавий эстрада кўшиқларини куйлайдилар. Гоҳи машҳур чет эл хонандалари ижросидаги энг янги эстрада кўшиқлари ёзилган дисклар кўйилади. Дискотекага келган ёшлар – спектаклга келган олий ўқув юртлири, коллеж ва академик лицейлар талабалари, юқори синфлар ўқувчилари. Ҳамма росмана дискотекада бўлганидек ўзини хис этиши, ўйин-кулги билан машғул бўлиши лозим.

Пьеса қаҳрамонлари Ойбек, Сабоҳат, Равшан, Феруза, Санжар атрофдаги тенгқурлари билан берилиб рақсга тушмоқда. Ойбек гоҳи ажралиб, ўртоқларига поп ёки рок, данс ва ҳоказо ўйинларини намойиш этиб, улар ҳақида айрим маълумотларни ҳам гапириб туради, керакли ҳаракатларни аввал ўзи кўрсатиб бериб, қолганларни ҳам шу ундай қилишга ундайди. Барча кўшилади. Юқорироқда бар, турли спиртсиз ичимликлар, сок кутилари билан безатилган. Қуйироқда мўъжазгина столлар ва стуллар. Даврага чикмаганларнинг айримлари сув, кола, турли соклар ичиб, айримлари энгил бутерброд, гамбургерлар истеъмол қилиб ўтиришибди. Дискотека ниҳоятда қизгин давом этади. Мусиқа ва рақслар авжига чикканида рақсга тушаётганлар орасидан Сабоҳат ажралиб чиқиб, чеккароқ столда якка ўзи “Кола” ичиб, рақс тушаётганларни диққат билан кузатиб ўтирган Кундузнинг олдига яқинлашади.

С а б о ҳ а т. Кундуз, томоша қилиб ўтираверасанми?!
Рақсга тушмайсанми?

Қ у н д у з. Нима, халақит беряпманми? Маза қилиб томоша қиляпман ўйинга тушаётганларни. Ана, ана, қара, Ойбекни, роса келиштириб ўйнайди-да. Эҳтиёт бўл, йигитингни тортиб олишмасин, атрофидан қизлар кетмай қолди.

С а б о ҳ а т. Нима қилибди? Чиройли ўйнаган одамга ҳамма эътибор қилади-да.

Ойбек ҳам рақсга тушяпти, ҳам бошқаларга ҳаракатларни ўргатиб турибди. Диск-жокейниям бир чеккага чиқариб қўйди.

Қ у н д у з. Рашк қилишниям билмайсан-а, Сабо?!

С а б о ҳ а т. Рашк, шубҳа ишончсизликдан келиб чиқади. Мен Ойбекка ишонаман.

Қ у н д у з. Жуда соддасан-да! Ҳозирги йигитларга ишониб бўларканми?! Бойваччароқ ликилдоқларни кўрса, оғиб кетаверади ўшаларнинг кетидан. Ана, биттаси келяпти, бўғриқиб.

Санжар шодон ҳолда ўйноқлаб келиб, Қундузнинг яримлаган коласини олиб, бутилкадан кўтаради.

Қ у н д у з. Бунча ютоқмасанг, тикилиб қолмагин тағин. (Шу тобда Санжар қалқиб кетиб, Қундузга оғзидаги “Кола” сини пуркаб юборади. Сабоҳат кулади.) ...Э-эй, жиннимисан, Санжар?!

С а н ж а р. Сув ичаётганда илон ҳам чакмас экан. Сен бўлса “вишиллаб” турасан. Мана ўзингга-ўзинг қилдинг. Сабога ўхшаб жим турсанг, ҳеч нарса бўлмасди. Юрларинг, рақсга тушамиз. Нимага келгансанлар бу ерга ўзи?

С а б о ҳ а т. Санжар, беодоблик қилиб қўйиб, бир оғиз кечирим ҳам сўрамайсан-а?

Қ у н д у з. Шу кечирим сўрайдими?! Калламни олиб ташларман.

С а н ж а р (сурларча). Нима ман, парот қилдимми? Ҳаммадаям бўлади-ку, тўсатдан.

Қ у н д у з. Ойбек тўсатдан акса урсаям узр сўрайди.

С а н ж а р (жаҳл билан). Ман Ойбек эмасман!

Қ у н д у з. Бўлолмайсан ҳам!

С а б о ҳ а т. Қўйинглар, болалар.

Шу сонияда уларга шодон ҳолда ўйноқлаб Феруза яқинлашади.

Ф е р у з а. Эй, ўйнаб олсаларинг-чи мазза қилиб. Бирпасдан кейин дискотека ёпилади-ку! Санди, Сабо, Қундуз, юрларинг.

Қ у н д у з. Э, сан бормидинг энди. Бор, сакрайвермайсанми?!



С а н ж а р. Бўпти, жириллайверма! Бошқа кола оберсам кутуламанми?!

Ф е р у з а. Ҳаммамизга, гамбургери билан. Ўзи нима муносабат билан зиёфат қиляпмиз?

С а н ж а р. Кундузнинг қовоғи очилсин, чакаги ёпилсин деб. *(Бар томонга кетади.)*

Қ у н д у з. Ўв, оғзингга қараб гапир! Зормасман ўша сан олиб берадиган “Кола”га.

С а б о ҳ а т. Кундуз, қўйсанг-чи, ҳозир бир ишқал чиқарасан!

Қ у н д у з *(зарда билан)*. Ўзини кўрмайсанми, қўполлигини!

С а б о ҳ а т. Сенга эркалик қилди-да. Ҳаммамиз ахир бир-миз-ку! Бир-биримизга ҳаддимиз сикқанидан шунақа қилди. Хафа бўлма!

Ф е р у з а. Қизлар, ўйнайлик, юрийлар.

Р а в ш а н *(Даврадан чиқиб, қизларга қараб келади)*. Эй, ҳозир бирпасда тугайди дискотека, мазза қилиб олсаларинг-чи!

Ф е р у з а. Мен ҳам шуни айтяпман-да.

Бир кўлида гамбургерлар тахланган тарелка, иккинчи кўлида учта “Кола” кўтариб олган Санжар столга яқинлашади. Феруза қийқириб юборади.

Санди, даҳшат-ку, зўрсан-да ўзинг!

Қ у н д у з *(Ферузага зарда билан)*. Очингдан ўлиб қол-япсанми, намунча ютоқасан?!

Р а в ш а н. Э-э. “Пир” экан-да бугун.

С а б о ҳ а т. Ойбекниям чақирайлик.

Р а в ш а н. Ойбексиз ҳеч нарса ўтмайди-а, томоғингиздан?!

Ф е р у з а. Тўғри-да, ҳаммамиз бирга ўтирайлик деяпти Сабо.

Ойбекни чақиришади. Олтовлон стол атрофида жам бўлишади. Айримлар тик, баъзилари ўтирган ҳолатда.

Р а в ш а н. Дискотека деган нарсани чиқарган одамга қойилман-да!

О й б е к. Ҳа, ўзиниям унутмаган, ўзгаларниям.

Ф е р у з а. Бу нима деганинг?

О й б е к. Айтмоқчиманки, дискотекани ўйлаб топган одам

аввало чўнтагини ўйлаган. Ўзи бошида энди-энди грампластинкалар чиқа бошлаган пайтда пластинкалар сакланадиган жавонни дискотека деб аташган. Ресторан, барларда шунақа жавонлардан пластинкаларни олиб, кўйиб турадиган махсус одамлар бўлган.

Р а в ш а н. Чойчақаси тузуккина бўлган бўлса керак-де, а?

С а н ж а р. Албатта, нима сенга текинга кўядими! Кейин, дуч келган музикани кўявермайди-ку! Одамларни хохишига, дидига қараб танлаб кўйган-да пластинканиям.

О й б е к. Тўппа-тўғри. Худди ўшанақа одамларни диск-жокей дейишган. Қараса, одамларга шу нарса ёқяпти. Улар бир жойга йиғилиб олиб, ўйнайди-кулади, мазза қилади. Мазза килиш эса пул туради, тушундингми?

С а н ж а р (*маъноли кулиб*). Мазза учун доим пул тўлаш керак, шунақами?

Қ у н д у з. Нима, олган нарсаларингни миннат қиялсанми?

С а н ж а р. Сасима, ўв! Нима, бугун чап томонинг билан турганмисан?

С а б о ҳ а т. Боллар, урушаверманглар ҳадеб!

О й б е к. Лекин Санжар тўғри айтяпти. Мазза учун доим пул тўлаш керак. Ҳеч ким бекорга иш қилмайди.

Қ у н д у з. Нима деясан, Ойбек? Ҳовлимиздаги чол-кам-пирларни қандай иши бўлса, югуриб-елиб бажариб юрасан-ку! Ё улар ҳам бекоргамасми?

О й б е к. Чол-кампирлар бошқа. Улар қариб, куч-қувватдан колган одамлар. Қарашадиган кишиси йўқ қарияларга раҳмим келади.

Р а в ш а н. “Ҳамма ҳар куни савоб иш қилиши керак”, тўғрими?!

О й б е к. Тўғри, савоб иш қилиш керак. Шиорлар ҳам бекорга ёзилмайди-ку! Бир нарсага эътибор қилганмисизлар, болалар? Кўчаларда энг кўринадиган жойларга ҳар хил шиорлар осиб ташланган. Шуларнинг олдидан ҳамма бепарво ўтаверади. Қизиғи шундаки, кунига ўн марта ўтсак, ўн марта кўз киримизни ташлаб, ўқиб кўямиз-у, барибир аҳамият бермаймиз. Қачонки ҳаётингда шиорда айтилган гапга мос воқеа

юз берса, шунда унинг кадрилини ҳис қиласан. Шир шунчаки сўзлар эмас, энди у ходисага айланади, сен учун маъно-мазмун касб этади. Шунинг учун қачон ўша ширни ўқиб қолсам, бирдан ўзимга савол бераман, бугун нима савоб иш қилдим, деб. Кейин ўша ховлимиздаги қариялардан бир хабар олиб қўяман.

Ф е р у з а. Ана, беминнат, бекорга иш қиларкансан-ку!

О й б е к. Очиғи, буниям бекорга деб бўлмайди. Савоб иш қилиб ҳам мазза қилиш мумкин. Бечора одамларга ёрдамим тегса, ич-ичимдан хузур қиламан.

С а б о ҳ а т. Қанийди, ҳаммаям шунақа хузур қилса?!

С а н ж а р. Бечора одам бу қўлидан бир иш келмайдиган, ношуд одам дегани. Бунақаларга ачиниш керакмас.

Қ у н д у з. Эшиттингларми, бу олдига қўл чўзиб келса, га-дойгаям бир тийин бермайди.

Ф е р у з а. Жуда оширвординг.

С а н ж а р. Тўғри, бермайман! Нега берар эканман?! Га-дойларни дастидан на кўчада бемалол юроласан, на машинада бирор светофорни олдида тўхтаётган оласан.

Р а в ш а н. Машинада-ку эшик ойнасини ёпиб олиб, без бўлиб ўтираверасан, охири тоқати тоқ бўлиб, ўзи кетиб қолади. Катта кўчадаги, парклардаги гадой қизча, болачалар ёмон. Искирт қўлини оёқ-қўлларингга теккизиб, ўпиб, хиралик қилаверади.

О й б е к (Сабоҳатга маъноли қараб қулиб). Айниқса, қизи билан кетаётганлар бўлса, ёмон ёпишади-а?

Ф е р у з а. Уялганидан ҳам бериб юборади, дейди-да. Улар ҳам анойимас. Болачаларнинг орқасидан оналари ўргатиб туради.

С а н ж а р. Хўш, шулар бечорами?! Шуларга ёрдам бериш керакми?!

О й б е к. Йўқ, булар бечорамас, ғирт текинхўр! Уларга садақа берган одам нотўғри иш қилади. Биологияда ўқитишган-ку, ҳар қанақа микроб текинхўрлик ҳисобига урчиб кетади. Шулардан қутулай деб ўша ёш болача-ю оналарига садақа бердингми, тамом, улар текинхўрлигини давом эттираверади. Билиб-билмай ўзимиз айбдор бўлиб чиқамиз шунақа ишларда.

Қ у н д у з. Қизиксан-а, Ойбек! Бир бечора дейсан, бир текинхўр. Қайси гапингга ишониш керак?

О й б е к. Менинг ҳамма гапимга ишонавер.

Ф е р у з а. Нима, гадойларни муҳокама қилишга келганмизми?! Бўлди, туринглар, рақсга тушамиз. (*Санжарнинг кўлидан тортиб, иккови рақс тушаётганлар даврасига қўшилишади*).

Р а в ш а н (*Ойбекка қарата*). Анаву кунги учрашувда ҳазиллашмадингми, Ойбек?

О й б е к. Ахир, кўл ташлашдик-ку!

Р а в ш а н. Тўғрику-я, лекин... Уйингдагиларга нима дейсан?

О й б е к (*ўйланиб*). Билмадим, энг қийини – адамлар. Ойим тушунадилар, уларни кўндирса бўлади. Аммо адамга тушунтириш оғир. Бирдан ёниб кетадилар.

Қ у н д у з. Нима ҳақида гаплашяпсизлар? Биз ҳам билсак бўладими?

Р а в ш а н (*ҳазил билан*). Болатой, ҳар нарсани вақти-соати бор. Кўп билсанг, эрта қарийсан.

Қ у н д у з. Вой савил эй, жуда доно бўлиб кетибсизларми?!

С а б о ҳ а т. Бир-биримиздан ҳеч нарсани яширмаймиз, деб келишувдик-ку!

О й б е к. Йўқ, сир эмас, қизлар. Фақат ҳали хом гап. Шунинг учун очик айтмай турибмиз.

Р а в ш а н. Тушунмаяпман, Ойбек! Бир кўл ташлашдик дейсан, бир хом гап дейсан?

О й б е к. Ўрток, гап битта, ниятимдан қайтмайман! Фақат уйдагилар билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш керак дедим-ку. Шунинг учун ҳозирча очик айтолмаяпман.

Қ у н д у з. Ҳамонки гап бошладингми, айт!

Р а в ш а н (*кулиб*). Бўлмаса Қундуз “тарс” ёрилиб кетади.

С а б о ҳ а т. Қўй, Қундуз! Айтиб бўлмайдиган гапдур-да. Вақти билан билиб олармиз.

Қ у н д у з (*Сабоҳатга*). Ҳа, писмиқ. Сени ҳам тилинг бир. Ҳаммасини биласан-у, сир сақлайсан.

О й б е к. Сир эмас дедим-ку, Қундуз. Шунчаки пишмаган бир гап – ман мустақил бўлмоқчиман.

Қ у н д у з (*энсаси қотиб*). Нима, канақа мустақил? Қулоғимга лағмон осмоқчимисан?!

Р а в ш а н (*истеҳзо билан*). Нега тушунмайсан?! Мустақиллик деган сўзни бир кунда юз марта эшитасан-ку, шу-да!

Қ у н д у з. “Сиз давлат жуни билан шахсий жунингизни аралаштирманг”. Биз ҳам жуда тупой эмасмиз!

О й б е к (*кулиб*). Прикол! Ясадинг Қундуз!

Қ у н д у з (*жаҳл билан*). Борларинг-э, ман сенларни одам десам. (*Ўрнидан туриб нари кетади.*)

С а б о ҳ а т. Жуда оширворасанлар-да. (*Қундузни юпаташи учун туриб кетади.*)

Р а в ш а н. Хафа бўладиган гап қилмадик, шекилли?

О й б е к. Қундузнинг жаҳли бурнини учида туради. Лекин юрагида кири йўқ. Кўнглидагини шартта айтади-кўяди.

Р а в ш а н Шунинг учун уни кўпчилик “ҳазм қилолмайди”-да. Биласан-ку, мактабда уришмаган ўқитувчиси қолмаган эди.

О й б е к. Тўғри, лекин шу характери учун ҳам ҳурмат қилса арзийди. Эсингдами, кураторимиз ҳадеб бўлар-бўлмасга пул йиғаверганда, фақат шу қиз туриб, “Сиз ўқитувчимисиз ё пул йиғадиган инкассатормисиз?” деб айтганди. Биз бирор-тамиз журъат қилолмасдик. Фақат норози бўлиб, ўзимизча минғирлаб қўярдик.

Р а в ш а н. Нега энди, сен ўшанда унинг ёнини олгансан-ку! Лекин эртасига у ҳам, сен ҳам ҳамма қатори пул олиб келиб бергансизлар.

О й б е к. Ор-номус деган гаплар бор-да ўртоқ, пасткаш деган ном олгим келмасди.

Сабоҳат яқинлашади.

С а б о ҳ а т. Қундузнинг феълини биласизлар-ку! Шунга қараб муомала қилсанглар бўлмайдимиз?! Болалар мени мазах қияпти деб, жуда хафа бўляпти.

Р а в ш а н. Бўлди, ўзим юпатаман уни. Даврага тортиб, бир ўйнатай. (*Туриб кетади.*)

О й б е к. Сен билан ҳам ёлғиз қоладиган пайт бўларкан-ку, Сабо. Бирпас ўтир.

С а б о ҳ а т. Ҳа, нима дейсан, гапинг бормиди?

О й б е к. Сенда қачон гапим бўлмаган?!

С а б о ҳ а т (*Қизариб ерга қарайди*). Жуда қизиксан-да.

Яхшиси кетайлик. Ойимларга икки соатда келаман дегандим.
Уч соат бўлиб кетди.

О й б е к. Бироз тўхта! Борасан ўша томи қийшиқ уйингга.

С а б о ҳ а т. Ўйлаб гапиряпсанми?! Худди ойимни феълларини билмайдигандайсан-а?!

О й б е к. Биламан, (*кулиб*) бошингда ёнғок чақадилар, лекин ойинг менга ишонадилар-ку!

С а б о ҳ а т. Ҳа, ишонадилар. Лекин бу кеч келганим учун, менга индамай қўя қоладилар, дегани эмас-да.

О й б е к. Ҳа, бўпти, кетамиз. Фақат бир саволимга жавоб бер.

С а б о ҳ а т (*хайрон бўлиб*). Нима савол экан у?

О й б е к. Нега ўзингни билмасликка соласан?! Кечаги гапчи?! Ахир, ўқишлар тугашига бир ҳафта колди-ку!

С а б о ҳ а т (*Ерга қараб, ўйланиб қолади*). Тўғри-ку, аммо у гапни ойимдан сўраш даҳшат. Сен ҳатто тасаввур ҳам қилмайсан.

О й б е к. Эрта-ю кеч тиним билмай, қизларининг дардида ёниб-куйиб юрган ойинг, унақа, жуда қисти-бастига олмасалар керак?!

С а б о ҳ а т. Шундай дейсан-у, лекин сира журъатим етмаяпти.

О й б е к. Ўзинг, холам бор, шуларни баҳона қиламан деб, жуда пухта режалар тузиб қўювдинг-ку!

С а б о ҳ а т. Тўғри, ҳалиям ўша режадан воз кечганим йўк, бироқ канақадир бир далда, туртки керак бўляпти-да.

О й б е к. Мана, мен-да далда. (*Бегараз қувлик билан*) Мени ўйлаб турсанг, журъат ўз-ўзидан келади. Ёки мени ўйласанг, тилинг айланмай қоладими-а?!

С а б о ҳ а т (*енгил киноя билан*). Жуда ўзингизга ортикча баҳо бериб юбормаяпсизми?!

О й б е к. Ҳа, нима, ойинг мени яхши кўрадилар.

С а б о ҳ а т (*бегубор истеҳзо билан*). Яхши кўрадилар эмас, ҳурмат қиладилар. Сени жуда ақлли бола дейдилар. Аслида эса томинг кетганлигини билмайдилар.

О й б е к. Нима, нима! (*Ёлгондан хезланиб*) Умуман олганда, тўғри, сизларнинг уйда мени яхши кўрадиган одам бит-

та, (жиддийлашиб, ҳаяжон билан) фақат битта. (Маъноли жилмаяди.)

С а б о ҳ а т (қизариб, кўзини ерга қадайдди, бир-икки сониядан сўнг). Бўпти, энди кетайлик.

О й б е к. Савол жавобсиз колди-ку?!

С а б о ҳ а т (ташвишланиб ва қизариб). Бугун-эрта айтишга ҳаракат қиламан, бўлдими, кетдик. Мен болаларни чакирай.

Шу тобда музика тинади. Диск-жокей дискотека тугаганини эълон қилади. Сахнада пайдо бўлган икки-уч катгарок ёшли бақувват кўриқчи йигитлар дискотека тамом бўлганини эслатиб, болаларни сахнадан чиқара бошлайди.

П А Р Д А

Иккинчи кўриниш

Парда очилади. Кўп қаватли уйнинг ўргача таъмирланган квартираларидан бири. Тўрда китоб билан тўла жавонлар, стол-стуллар, диван, кресло. Бу домла Шавкатнинг хонадони. Сахна чеккароғида яна бир кичикрок стол. Пешбанд боғлаб, бошидаги турмагини рўмол билан енгил танғиган Дилбархон тахтакачга қулчатоёларни тахлаб, кесиб, норин хамирини тўғрамоқда. Гоҳ-гоҳ тахтадаги тўғралган хамирни олдидаги тоғорага бўшатиб туради. Радиомагнитофондан Юлдуз Усмонованинг “Болажон” кўшиғи майин таралмоқда.

*Умр оқиб кетар экан тез кунда, ҳей,
Фарзанд катта бўлар экан бир зумда, ҳей,
Тушунмас экансиз уларни
Кунда бир эсланг ёшлик даврини
Сақланг оқибатни.*

Эшик кўнғироғи чалинади. Дилбархон магнитофон овозини пастла-тиб, бориб эшикни очади. Мастурахон – Сабоҳатнинг онаси кириб келади.

Д и л б а р х о н. Келинг, келинг, кўшни, бормисиз?

М а с т у р а. Ўзингиз бормисиз? Қачон Мастурахон хабар олар экан деб, кутиб ўтирмай, чиксангиз бўлмайдимиз? Узокдаги қариндошдан яқиндаги кўшни афзал, деган гаплар бор-а, ўргилай.

Д и л б а р х о н. “Дом”чилигам бор бўлсин, Мастурахон. Эрта кетасиз, кеч келасиз. Келдиз, овкатга уннайсиз, кир-чир, уй юмушлари дегандай.

М а с т у р а. Ҳа, Унсинхонни узатиб, бор уй юмушлари ўзингизга қолиб кетди, шекилли. Бунақа десам Ойбек ҳам эркакман деб қараб турадиган боллардан эмас-ку. Ош-овқат, кир-чирга қарашиб кетаверади, шекилли, барақа топкур.

Д и л б а р х о н. Ҳа, нимасини айтасиз. Ҳар ишга моҳир. Бугун ҳам ўқишидан келди-ю, хамирларни пиширишиб, олдимга қўйиб, гўштини, совиб турсин, келиб ўзим тўғрайман деб, жавоб олиб, чиқиб кетди. Ҳа, айтмоқчи (*савол оҳанги билан*), Сабоҳатлар билан бирга нариги мавзедаги дискотекага бориб келамиз деб айтганди-ку?

М а с т у р а. Шундан хавотир олиб чиқдим-да, кўшни. Сабоҳат икки соатларда келамиз деган эди, уч соат бўляпти, дараги йўк. Сиз билмадизми, келиб қолишармикан?

Д и л б а р х о н. Келиб қолишади. Эсли-хушли болалар.

М а с т у р а. Эсли-хушлигу, барибир бола-да. Булар тег-маса, буларга келиб тегинадиганлар бўлар. Бу дискотека деганларида бир кўча ёш-яланг йиғилиб олгандан кейин, худо билади, не шайтонлар ораламас экан. Ўша ажралмас олтовлон борамиз деганига, қатордан қолмай қўя қолсин девдим-да. Бунақа ҳаяллашларини билсам, сира йўлатмасдим.

Д и л б а р х о н. Хавотирланаверманг, худога шукур, тинчлик-омонлик, ёшлар бари кўчада, вақтларини хуш ўтказишга не-не шароитлар бор. Ҳаёт яхшики, одамлар иш, ўқишдан кейин кўчага чиқади, сайр қилади, сайилгоҳларга боради. Ҳар даврнинг ўз хислати, ўз фазилати бор-да. Келинг, ундан кўра менга қарашинг. Бир дунё хамирни қачон тўғраб улгураман. (*Мастура ҳам столча олдига келиб, норин тўғрашга киришади.*)

М а с т у р а. Бунча кўп? Шу илиғ-иссикда бунча норин шартмиди? Ё лозиманда борми?

Д и л б а р х о н. Ўзбекчилик ҳам бор бўлсин. Ҳеч лозиманда камаймайди. Қиз узатиб, тинчийман деган одам чучварани хом санаркан. Қудамизнинг ҳали у опаси, ҳали бу яқини “*келин салом*”га чақириб чарчашмайди. Иш десанг, баҳона қияпти дейди, бормасанг бўлмаса.

М а с т у р а. Ўртоқжон, емоқнинг қайтмоғи бор дейдилар. Чақириб-чаллаб, ўтқазиб қўйгандан кейин қиласиз-да. Бошқа

не иложингиз бор. Куданда, орзу-ҳавас шу-да! Тагин ҳам яхши одамлар экан, ҳайит-байрам қилмаймиз десангиз, индамай кўнишди-ку!

Д и л б а р х о н. Вой, вой, вой. Нима деганингиз у?! Мана шунақа маломати ёмон-да! Ахир, таклиф қудаларнинг ўзидан чиқди-ку! Аёл қудамиз қутлуғ сафарга бораман дедилар. Келиним уриниб қолади. Битта катта бош бўлиб турмаса, “ҳайит” қилишнинг ўзи бўладими?! Бу ёқда Шавкат акангиз ҳам, қолаверса ўзим ҳам шу фикрда эдик. 50-60талаб тоғора қилиб, 3-4 кун эскитиб уларни, кейин ҳузурини ариғу зовур кўрадимиз?! Бу исрофгарчиликлар ўрнига, уч-тўрт сўм жамғармаси бўлса, жўяли жойига сарфлаган маъкулмасми?!

М а с т у р а. Удум, ўргилай, удум. Урф-одатимиз ота-бобомиздан ўтиб келаяпти. Ахир, ўзинглар ҳам мактабингларда қадрият, урф-одат деб, ўқитиб ётасизлар-ку! Шу-да қадрият. Ўлиб-тирилиб мол-ҳол қилиб, қизни узатсангизу, унинг сепи, зеби-зийнатини дўст-душманга кўз-кўз қилмасангиз ҳайит-байрамларда, қадрият бўладими, оқибат бўладими?!

Д и л б а р х о н. Ёлғон дабдаба-ю кўзбойламачиликлардан кимга зиёну, кимга фойда?! Бир сўм пулни пешона тери билан топсангиз, албатта, уни нимага сарфлаяпман деб ўйлаб қоласиз. Мана ўзингиз, ахир, туни билан қўйлақ тикиб, тонг саҳар касалхонага бориб, супуриб-сидириб, не азобларда топган маблағингизни сувга окизиш алам қилмайдими?!

М а с т у р а. Нега окизарканман?! Нукул исроф дейсиз. Ҳайит-байрам ўтганидан кейин қариндош-уруғ, кўни-қўшнига улашиб беради.

Д и л б а р х о н. Мастураой, бугун ҳеч ким очидан ўлиб, қорин илинжида эшикма-эшик юргани йўқ. Биров бировга зор эмас. Ўзини ҳурмат қилган одам эскиб, бузилган таомни емайди. Шундай экан исрофгарчилик бўлиши аниқ.

Эшик қўнғироғи жиринглайди.

М а с т у р а (чехраси ёришиб). Болалар келишди, шекилли. Дилбархон бориб эшикни очади. Хонага кириб келаётган Шавкатнинг ҳазил аралаш товуши эшитилади.

Ш а в к а т. “Дилбар – давр қизи”, қалайсиз? О, бугун жуда

очилиб кетибсиз. “Ғозадин юзларда тобу, кўллар хинодин лоларанг” (*Фузулий сатрини ўқийди шўх-шаън ва туйқус Мастурага кўзи тушиб, ўзи ҳам қизарганча қўшни аёл билан сўрашади.*) Э-э, Мастурахон, яхшимисиз, болалар дурустми? (*Шошиб ўз хонасига ўтиб кетади.*)

М а с т у р а. Шавкат ака жуда ажойиблар-да. Гоҳо телевизорларда чиксалар, суюниб кетаман шундай одамга қўшнилигимдан. Ишхонада мактаниб ҳам юраман ҳавасланиб.

Д и л б а р х о н. Раҳмат, раҳмат, Мастураой. Акангизнинг топган-орттирганлари шу курук обрў, озгина шон-шуҳрату бир уй китоб.

М а с т у р а. Вой, нима камми бу? Шуларни орқасида дабадаба-ю асъаса билан тўй қилдилар. Қаёққа борсангиз сизларнинг тўйинглар овозаси. Ўша Шавкат акани Сиз айтган “курук” обрў-ю шон-шуҳратларидан шунчалик бўлса, бошқасиники қанақа бўларкин? Орзу-ҳавас ҳам жуда ошиб кетаяпти-да, (*Чуқур хўрсиниб*) Илоё, менинг қизларимгаям шундоқ тўйлар насиб қилсин.

Д и л б а р х о н. Худо хоҳласа, насиб қилади. Қизларингиз попукдай. Хулқи, одоби, меҳнаткаш “лочин”лигини айтмайсизми буларни. Сабоҳатингиз келин бўлиб тушса, ҳар хонадонни яшнатади, барака топкур.

М а с т у р а. Жуда одамнинг кўнглини кўтарворасиз-да, ўргилай... (*Шу пайтда хонага аста томогини қириб, уй киймида Шавкат қириб келади.*)

Ш а в к а т. Ҳорманглар, ҳорманглар! Хирмонга барака (*дея ваннахонага ўтиб боради. Мастура довдираб, салобат босиб, яна салом беради.*) Ваалайкум ассалом.

М а с т у р а. Хўжайинингиз жуда салобатлилар-да. Одам ғалати бўлиб кетади... Олим одамни ўзиям, сўзиям қизик, хали шеър ўқидиларми, ғоз, ғўза деб? Нима дегани у? Кейин нега Сизни доим “Дилбар – давр кизи” дейдилар?

Д и л б а р х о н (*қулиб*). Ғўза эмас, ғоза, қадимгилар упаэлик соладиган қутини шундай деркан. Акангиз ойбекшунос олимлар. Умр бўйи шу ёзувчининг ижодини ўрганадилар. Номзодлик ишлари ҳам Ойбекдан. Ўрганавериб, ҳаммамизга

Ойбек асарларидаги кахрамонлар исмларини кўйиб олганлар. Мениям исмим Ойбекнинг “Дилбар – давр кизи” деган достонида биринчи марта қўлланган экан. Шундан хазиллашиб, менга “Давр кизи” деб лақаб кўйиб олганлар.

М а с т у р а. Э-э, ўғлинглар Ойбекнинг исмиям шундан эканда-а?

Д и л б а р х о н (кулиб). Қизимиз Унсинхонникиям.

М а с т у р а. Ҳа-я, “Қутлуғ кон” китобида Унсин деган Йўлчининг синглиси бўлади-ку, а?

Д и л б а р х о н (хандон ташлаб кулиб). Топдингиз, топдингиз. Бу ёғини суриштирсангиз, менинг ҳам исмимни эшитиб, ўзимни ҳали кўрмаслариданок “шу қизга уйланаман” деб туриб олган эканлар.

М а с т у р а (ҳам кулиб, ҳам ҳайратланиб). Ростданми, вой тавба, Шавкат ака шунақамилар ҳали? (Хонага яна томоқ қириб Шавкат кириб келади.)

Ш а в к а т. Шавкат акангларнинг роса кулоғини кизита-япсизлар, шекилли. Тинчликми?

Д и л б а р х о н. Мастурахонга сизни ойбекшунослигингиз сабаб менга уйланганингизни гапириб бераётувдим.

Ш а в к а т. Ҳа, ҳа, яхши. Ойбекшунослигим туфайли нафақат сизга уйланганман, Мастурахонни синглисига ҳам исми Гулнор бўлгани учун репетиторлик қилганман. Айтиб берманми?

М а с т у р а. Ҳа, ҳа, айтган. Дастлаб шу уйга кўчиб келганимизда, сизни учратиб қолиб, Шавкат ака мани тил-адабиётдан ўқишга тайёрлаганлар деганди.

Ш а в к а т. Тўғри, шундай бўлган. Яхши юрибдими Гулнор, ўзидан кўпайиб? Ишлари дурустми? Нима қиляпти ҳозир, врач эди, шекилли?

М а с т у р а. Дўхтир, тиш дўхтир. Ишини давом эттираяпти. Аммо ҳозир у ҳам бизнесмен бўлиб кетган.

Ш а в к а т. Савдогарчилик қиляптими?

М а с т у р а. Йўғ-э, дўхтирхона очган, “часный”. Ўзи билан бирга ўқиган кашқадарёлик бир йигитга турмушга чиқиб, ўша ерда бола-чақа, уй-рўзғор қилиб, яшаб юрибди. Эпчилгина, тишли-тирноқли эмасми, замонага қараб уям эрини ишга

солди – тиш даволайдиган клиника очишибди. Бийдай дала-ю даштларда бунақа нарса фойда берармикан десам, йўк, бинойидай дейди. Тез-тез кўнғироқ килиб туради, ишидан хурсанд, тирикчилик яхши, дейди-ку! Ҳатто Сабоҳатниям юборинг, бир-икки йил бизга ёрдам бериб юрса, келинлик мол-ҳолини килиб оласиз дейди. Бе, қиз бола нарсани чўлу биёбонга юбориб бўларканми, дедим.

Д и л б а р х о н. Буни, ўртоқжон, бизнесмен эмас, ишбилармон, тадбиркор дейди, тушундингизми?

М а с т у р а. Ҳа, энди, шу-да, барибир эмасми? Мақсад пул топиш-да!

Ш а в к а т. Тўғри, лекин пул топишдаям топиш бор. Меҳнат билан топса, ҳалоли бўлсин.

Д и л б а р х о н. Рост-а, Мастурахон, Гулнорой шунақа ишлар бошлаб юборган бўлса, жўнатинг Сабоҳатни. Ахир, борса, ўз холасиникига боради-ку, бегонамас-ку! Сиз ҳам ўзингизни ўтга-чўкка уришдан сал енгиллашармидингиз?! Қачонгача иш-иш деб, ўзингизни қийнайверасиз?!

Ш а в к а т. Ўйлаб гапиряпсанми? Қиз болага чўлда нима бор?

М а с т у р а. Ҳа-я, нариги кўчага кетиб, бир соат хаяллаганига ўзимни кўярга жой тополмай, сизникига хавотир олиб чикдим-ку, Қашқадарё деган жойларга юбораманми қиз нарсани?

Ш а в к а т. Нега хаяллайди? Бориб кела қолмадингизми ўша ерга?

М а с т у р а. Аник жойини билмайман. Кейин, Ойбек – бош, ҳаммалари бирга кетгани учун сал хотиржамман.

Ш а в к а т (*Дилбарга қараб*). Нима, Ойбек ҳам кетганми? Қаёкка кетишган ўзи?

Д и л б а р х о н. Дискотекага. Нариги мавзеда янги дискотека очилибди. Шунга борамиз девди.

Ш а в к а т. Ўзинг жавоб бердингми?

Д и л б а р х о н. Ҳа, бесўроқ кетмайди-ку ўғлингиз, нима килибди?! Бир яйраб келсин дедим, ўртоқлари билан.

Ш а в к а т. Ўйлаб гапиряпсанми хотин?! Ҳеч иккиланмай болангни жанжалхонага юбордингми? Ўқитувчи, тарбиячи

бўла туриб, ўзинг тарбиясизликка бошляяпсанми?!

Д и л б а р х о н. Нега унақа дейсиз? Ойбек анча эсини йиғиб олган йигит. Оқ-қорани фаркига борадиган бўлиб қолган. Ўқишидан келиб, менга қарашди, кейин жавоб олиб, ўртоқлари билан дискотекага кетди. Нимаси ёмон буни?

Ш а в к а т. Ҳамма бало “нимаси ёмон?” деб бепарволик қилишдан бошланади. Кўчада нима кўп – маза-бемаза кўнгилочар бар-клублар, ҳар хил ўйинлар кўп. Буларни жозибаси шундоқ ёмонки, одамни сеҳрлаб қўяди. Ақлини таниб улгурмаган Ойбекка ўхшаш ўспиринлар бунақанги ўйин-қулгиларга тез берилиб кетади. Қарабсанки, уч-тўртта такасалтангга қўшилиб олиб, енгил-елпи ҳаётга ўрганиб қолади. Ҳаётдан мақсади йўқолади. Ичкилик, сигарет, нарироқ бориб бошқа ҳар хил банг килувчи нарсаларга ружу қўяди. Оқибатда бола-бола эмас, умрингнинг азобига айланади. Ўттиз ёшга бориб-бормай, касалванд, текинхўр, пиёниста, дайди бир маразга айланади.

М а с т у р а. Худо асрасин, бунақаларни кўпини кўриб, эшитиб юрибмиз.

Ш а в к а т. Ҳа, кўриб, эшитиб юрибсиз. Эрта бир кун ўз оилангизда шундай аҳвол рўй берса-чи? Унда нима қиласиз? Унда кеч бўлади. Шунинг учун ҳозир бепарво бўлмаслик керак. Ёмон хулқ-атворнинг бошланиши ана ўшанақа дискотека, бар-клублардан бўлади.

М а с т у р а (ўта хавотирланиб). Вой, ўла-а-й! Бораман деса, индамай “хўп” деяверганимни қаранг, мен аҳмоқ. Бунақа оқибатлари бўлиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмабман.

Д и л б а р х о н. Ҳай, ҳай, ҳай. Жуда оширвормайлар бунчалик, адаси. Сиз айтган гаплар бир вақтлар капитализмни ёмонлаш учун тарих дарсларида ўқитилар эди. Ахир, замон ўзгарди-ку?! Бунақанги қарашлар ёлғон эканлиги маълум бўлди-ку?! Ўша клубу барлар билан тўлиб-тошган хорижнинг олди мамлакатлари тўқликдан гуллаб-яшнаб кетаяпти-ку! Дискотекаларда ўсган йигит-қизлар мамлакатининг ривожини учун зўр ишлар қилиб юрган бўлса, не ажаб?! Болаларга ундай қил, бундай қилма, деб ўргатавериш яхши натижага олиб келмайди. Мактабда йигирма йилдан бери ишлаб, не ҳолатларни

кўрмадим! Ҳар йилги битирувчилар ҳар сафар ҳар хил. Йилдан-йилга қарашлар, муносабатлар худди либослар каби, балки ундан ҳам тезроқ ўзгариб, янгиланиб бораёпти. Албатта, ҳаммаси ҳам бизларга маъқул эмас. Лекин маъқул эмас деб сунъий тўсиқлар яратиб бўлмайти-ку! Балки тушунмаётган нарсаларимизни номаъқул деб қабул қилолмаётгандирмиз?! Асли барча иллат-катта ва кичик авлодларнинг бир-бирини тушунмаётгани ёки тушунишни истамаётганлигида. Ёшлар бизни тушунмаса, бу улар учун оламшумул муаммо эмас. Ўз йўллари, ўз ўзанларида кетаверадилар. Аммо биз уларни тушунишга интильмасак ва билиб ёндошиш ўрнига ё тўсиқ қўйиб, ё куруқ насиҳатбозлик қилсак, мана бу ёмон. Шунинг учун биз дискотекадан эмас, аксинча болаларимизни тушунмай қолиб, йўқотиб қўйишдан кўркишимиз керак.

Ш а в к а т (овозини сал баландлатиб жаҳл билан). Ваъз-хонликни бас қил! Ҳали уйингга чайқалиб, қийшайиб кириб келса, шунда тушунасан болангни тушунмаслигингни.

М а с т у р а. Худо асрасин-а!.. Ювиб, тараб, катта қилиб, энди орзу-ҳавасини кўраман деганда ёмон йўлларга кириб кетса, бўям бир бало. Ўзи асрасин. (Каловланиб) Хавотирланиб кетяпман. Мен, яхшиси, кўчага чиқиб, бир хабар олай. (Чиқиб кетади.)

Д и л б а р х о н. Кўрқитиб юбордингиз бечорани.

Ш а в к а т. Сенга ўхшаб бепарво ўтиргандан, шунисиям маъқул. Мен ҳам кетдим кўчага, ўзим топиб келмасам арзандангни, ҳаливери келмайди, шекилли. (Чиқади.)

П А Р Д А

Учинчи кўриниш

Мастуранинг квартираси. Магнитофондан баланд овозда ёш эстрада хонандасининг шовқинли қўшиғи янграмоқда. Сабоҳатнинг синглиси Малоҳат китоб-дафтарларини стол устига ёйиб олганича, стулда оёқлари-елкаларини мусиқа оҳангига мос ликиллашиб, алланарсаларни ёзиб ўтирибди. Хонага қувалашиб кетма-кет Сабоҳат ва Мастура кириб келадилар. Малоҳат магнитофон овозини пастлатади. Сабоҳат Малоҳат ўтирган стул ортига ўтиб, гўё онасидан муҳофазаланади.

С а б о ҳ а т. Жуда кизиқсиз-а, ойи. Синфдошларим олдида

шарманда қилдингиз. Қўлингиз ҳам омбурга ўхшайди. Чимчилаган жойингизни узиб оламан дейсиз.

М а с т у р а. Бу ҳам кам. Пишириб қўювмиди сенга шунча ўғил болалар билан бошлашиб тансахонама-тансахона юришга?!

С а б о ҳ а т. Ахир, ахир, ўзингиз рухсат бердингиз-ку! Сўраб кетдим-ку!

М а с т у р а. Сўрасанг икки соатга деб сўрадинг. Ўғил болалар билан қийшонглашиб ресторанма-ресторан юраман демардинг.

М а л о ҳ а т (*масхараомуз*). Тўппа-тўғри, ойижон. Ҳамма ишни менга ташлаб, юрибди кўчада ўйнаб.

М а с т у р а. Сен жим ўтир, тирмизак. Ҳали сениям ақлингни киргизиб қўяман.

М а л о ҳ а т. И-и, “прикол” Менда нима айб?!

С а б о ҳ а т. Ойижон, тухмат қилманг. Ресторан деб ким айтди сизга. Нариги мавзедаги дискотекага борамиз дедим-ку, ахир. Тўғри, бироз кеч қолдик. Сал ўйинга берилиб кетибмиз, кечиринг.

М а л о ҳ а т (*қизиқиб*). Қаерда экан у дискотека? Роса кайф килибсизлар-де, а!

М а с т у р а. Мана, кўрдингми, синглинг ҳам сендан ўрناق оляпти. Қиз бола деган бўй-баста етдими, бўлди, уйда ўтириши керак, қозон-товок, уй юмушларини қилиб. Бу ёғи “дом”чилик. Ҳар эшикнинг тешиги бор мўралайдиган. Бўй етган қизга ҳамма кизикади. Худа-беҳуда кўчага чиқаверсанг, эрта бир кун эшигингга келадиган совчилар қўни-қўшнидан суриш-тирса, ҳа, оёғи олти, боши сайли-байли, кўчахандон қиз деса, нима бўлишини ўйлайсанми?! (*Йиғи аралаш*) Ўзи шундоғ ҳам оталаринг туфайли исноддан ҳалигача бошимни кўтаролмай юраман. Нима, биратўла маломатга кўммоқчимисанлар?!

Икки қиз икки томондан келиб, оналарини кучиб, овутомқчи бўлишади.

С а б о ҳ а т. Қўйинг, ойижон, шунга шунчами?! Борма десангиз ҳеч каёққа бормайман. Фақат, (*ўйланиб, маънодор оҳангда*) фақат, дугоналаримдан қолиб кетмай дейман-да.

М а л о ҳ а т (*қувлик билан*). Дугоналаримданми ё Ой-

бекданми?! Жа-а “шумний” бола Ойбек, қизингиз ўлгудей шайтон-да, ойижон.

С а б о ҳ а т (*қизариб, синглицига хезланиб*). Ҳозир кўрасан мендан. Бўлар-бўлмас гаплар қилмай, дарсингни тайёрласангчи. Сенга ким кўйибди, ҳалитдан бунақа гапларни, э “сопляк”.

М а с т у р а (*Сабоҳатга маъноли тикилиб*). Тўхта, тўхта. Ростми шу гап?

С а б о ҳ а т. Ойижон, кўйсангиз-чи. Биласиз-ку, олтита синфдош доим биргамиз. Тўққизинчи синфдан кейин ҳамма ҳар хил коллеж, лицейларга тарқаб кетган бўлса ҳам, бир-биримиздан ажралмаймиз. Болаликдаги дўст-дугоналар барибир энг кадрдони бўларкан.

М а л о ҳ а т. Ойбек-чи, Ойбек? Уям дугонайизми? Бутун ховлидагилар билади-ку, юришилани.

С а б о ҳ а т (*енгил жеркиб*). Ўчир овозингни. Ким бирга юрса пешлайверар экан-да. Ойбек ўша ўртоқларим қаторида энг яқин дўстларимдан. Биз бир-биримизни бошқаларга қараганда кўпроқ тушунамиз. Шунинг учун икковимиз гоҳо алоҳида гаплашиб қоламиз. Нима қилибди, буни нимаси ёмон?!

М а с т у р а. Ёмон ери йўқ. Лекин бўй етганда қиз билан йигит алоҳида гаплашиб юрса, ким ишонади буни фақат дўстлигига. Эркак билан аёлнинг ўртасида дўстлик бўлмайди, билиб кўй.

С а б о ҳ а т. Нима бўлади, бўлмаса?

М а л о ҳ а т. “Прикол!” Вой муғомбир-ей, нима бўлишини билмасмишлар. (*Секингина*) Бола бўлади, бола.

М а с т у р а. Юм, оғзингни, тирмизак! Қани, чик бу ердан! Бор, ошхонага чиқиб дарсингни қил!

М а л о ҳ а т. Бўпти, чиқаман, лекин билиб кўйинг, Сабоиз лағмонни чўзиб, кулоғизга осиб қўйса, мани чакириб юрманг.

С а б о ҳ а т. Чик, чик, бор ошхонага.

Малоҳат кетгиси келмай, аста китоб-дафтарини олиб, чиқиб кетади.

М а с т у р а. Кўряпсанми, сендан нима ўрناق оляпти синглинг?

С а б о ҳ а т. Ойижон, Малоҳатиз ўзи шунақароқ, бировлар-



нинг гапини эшитишни яхши кўради. Мендан уч ёш кичкина бўлсаям, мен хаёлимга келтирмаган гапларни билади.

М а с т у р а. Синглингни қўй, ўзингдан гапир. Жон қизим. биласан не азобларда сенларни катта қилдим. Отанг бегона хотинга илакишгандан кейин, ҳаром бетиниям, ҳаром пулиниям кўрмай дедим. Бўлмаса, ҳали-ҳануз ёрдам бераман дейди. Ўзингниям неча бор йўлингни пойлаган. Йўқ, дедим, мен ёқмас эканман, нега мен туғиб ўстирган болаларим ёқиши керак унга? Мени суймаса, болаларимниям суймасин. Ўлсам ҳам ўзим боқиб катта қиламан, дедим. Мана, худога шукур, бировдан кам, бировдан ортик, вояга етдинглар. Ўзимни ўйламадим, нима топсам, шу икковингга бўлсин дедим. Менга ҳам оғиз солганлар йўқ эмас эди. Болаларим шумшук бўлиб, бегона отанинг кўзига жовдираб юрмасин, дедим.

С а б о ҳ а т. Ойижон, дадам ўша аёл билан бирга ўқиган эканлар-ку! Севишиб юришган экан.

М а с т у р а (бирдан овозини баландлатиб). Ким айтди сенга? Ким сенларни фикрингни бузаяпти? Гапирма у тошбағир ҳақида менга. Бу уйда унинг номиниям тилга олмаларинг, укдингми?!

С а б о ҳ а т. Бўлди, бўлди, ойижон.

М а с т у р а. Ким айтди сенга бу гапни? Қаердан эшитдинг?

С а б о ҳ а т. Кичкинагина ҳовлида юзлаб одам турса, гап турадим, ойижон?

М а с т у р а. Биламан ким айтганини. (Йиғламсираб) Уззукун келинидан ҳасрат қилиб, болаларига кун бермайдиган Ҳатиба холадан чиққан бу гап. Отангнинг опаси қайсидир уруғига қуда бўлган. Ўшанақа бекорчи ғийбатчилардан чиқади бундай гаплар. Қулок солма уларга сира. Эшигингга совчи келса, йўқ ердаги айбларни топиб, ёмонлаб юборишдан ҳам тоймайди булар.

С а б о ҳ а т. Хафа бўлманг, ойижон. Одамларни биласиз-ку.

М а с т у р а. Ҳа, биламан, шунинг учун хафа бўламан-да. Бўлса, кўролмайди, йўқ бўлса, беролмайди. Не машаққатларда эрта-ю кеч меҳнат қилиб, сенларни оёққа турғазганимни гапирмайди, йўқ, уларга факат фитнес-фасод бўлса. Шуларни ўйлаб

сенларнинг номинг ҳам ёмонга чиқмасин дейман. Ойбек билан дўстлигингни ҳам эртага ўзини қаричида ўлчаб, оламга “дос-тон” қиладиганлар ўшалар. Уларни кўзидан нарироқ бўлиш керак. Худо-беҳуда кўчага чиқавермай, ўғил болалар билан керак-нокерак гаплашавермаганинг маъқул, қизим. Сенларнинг бахтинг, келажагинг мен учун ҳар нарсадан муҳим.

С а б о ҳ а т. Тушундим, ойижон, тушундим.

М а с т у р а. Тушунган бўлсанг, бўпти, билиб ишингни қил.

С а б о ҳ а т (*иккиланиб, журъатсизлик билан*). Ойижон. Сиз билан яна бир нарса ҳақида гаплашиб олмоқчи эдим.

Телефон тинимсиз жиринглайди.

М а л о ҳ а т (*шошиб кириб*). Ойижон, телефонни олинг, межгород, Қашқадарёдан Гулнор холам, шекилли.

П А Р Д А

Тўртинчи кўриниш

Шавкатнинг уйи. Хонага Шавкат ва Ойбек кириб келадилар.

Ш а в к а т. Бир-икки ҳафтада ўқишларинг тугайди, коллежни битирасан. Наҳотки тайёрлайдиган дарсинг, қиладинг юмушинг бўлмаса?! Эртами-индин бўладиган битириш имтиҳонлари арафасида қандай қилиб кўнгилларингга ўйин-кулги сиғади. Жиддийроқ карасанг бўлмайдимиз?!

О й б е к. Дада, нима “прикол” қилдим мен, нега ташвиш чекасиз? Дарсларни тайёрлаб бўлганман. Битириш имтиҳонларидан ҳеч хавотирим йўқ. Йил давоми синов рейтингларим нормальный.

Ш а в к а т. Жуда ўзингга ишонаверма, сендақаларнинг кўпини кўриб юрибмиз.

О й б е к. Дада, балки Сиз ўқитаётган болалар “дебила” дир. Мен причём?!

Ш а в к а т (*жаҳл билан*). Гапингни тузат. Э валакисаланг. Ким билан гаплашаяпсан?! (*Шу пайт хонага Дилбархон кириб келади. Шавкатнинг авзойи бузилганини сезиб, ўглини койийди.*)

Д и л б а р х о н. Ойбек, даданг гапирганларида эшитгин.
Сени ёмон бўлсин демайдилар-ку, ахир.

О й б е к. Ойижон, мен ортикча ҳеч нарса деяётганим
йўк. Дарсларимни, ишларни килиб, кейин ўзингиздан сўраб
кетувдим-ку!

Д и л б а р х о н. Тўғри, дадаси, айтдим-ку сизга.

Ш а в к а т. Айтдинг, айтдинг. Аммо минг сўраб кетганда
хам, хозир шу кунларда битирув имтиҳонлари топширадиган
ўқувчига ўйин-кулги керакми?!

Д и л б а р х о н. Ахир, дарсларини тайёрлаб бўлган-да!

Ш а в к а т. Дарсларини тайёрлаб бўлган бўлса, инглиз ти-
лини ўқисин.

О й б е к. Инглиз тили репетиторига борадиган куним эртага.

Д и л б а р х о н. Ҳа, хафтани ток кунлари боради, репети-
торига.

Ш а в к а т. Бўлмаса, бўлмаса жуда билими ошиб кетган
экан, ана, бадий китоб ўқисин, кинога ё театрга борсин. Ал-
батта, бўш вақтини дискотекада ўтказиши шартми?!

Д и л б а р х о н (*Ойбекка қарата*). Бор, ўғлим, қўлингни
чайиб чиқ, овқатланамиз. (*Ойбек чиқади.*)

Ш а в к а т. Жуда ўғлингизни ёнини оласиз-а?! Нега гап-
ни тўхтатасан! Нима, мен ўз боламга душманманми?! Хўш,
ўғлинг шунчалик бекорчи бўлиб қолган экан, китоб ўқисин,
бўш вақтини кино, театрда ўтказсин. Ҳарқалай, у ерда маъри-
фати, маънавияти ошади. Биз ҳам хотиржамрок бўламиз.

Д и л б а р х о н. Гапни гап кавлайди-да, қўйинг дадаси,
тинчгина овқатланайлик. (*Дастурхон тузашини бошлайди.*)

Ш а в к а т. Мени мазах қиляпсанми?! Мен тоғдан келсам,
сен боғдан келсан. Овқатланайлик эмиш. Вей, боланг эртага
бир такасалтангга айланиб, банги-безори бўлиб кетса, ўшанда
хам овқатни ўйлаб ўтирасанми?! Худо кўрсатмасин-у, шундай
хол юз берса, ичганинг кўз ёш, еганинг заҳар бўлмайдими?!
Гапирсам, гапни бурасан. Ёмон бўлсин дейманми?! Ўн беш
йилдан бери репетиторлик қиламан. Докторлик ишимниям
йиғиштириб қўйдим. Нега? Шу болалар бир нарсага зорик-
масин, ўксимасин деб. Кечалари билан кўр бўлиб ҳар хил

олди-кочди китобларни таҳрирлаб, таржима қилиб чиқаман. Пули, амали бор пайтда “қора кун” учун илмий даражали бўлиб қолай деб юрган, худо билсин, эрта бир кун ўзимга хўжайинлик қилиши мумкин бўлган чаламулла олифталарни диссертацияларини ёзиб бераман, оилам, болаларимни ризқи бутун бўлсин учун. Охир-оқибат барчаси зое кетса, буғдой экиб, арпа ўрсам, алам қилмайдими?!

Д и л б а р х о н (*дастурхон тузаида давом этиб*). Ношукур бўлаверманг! Вақтида дарсини, ишини қилса, вақтида ўйин-кулгисини, нимаси ёмон?! Бола боладай яшасин-да!

Ш а в к а т. Нима, мен ўйнаб-кулмасин деяпманми?! Китоб ўқисин, бўш вақтини театр, кинода ўтказсин, деса ношукурчилик бўладими?!

Д и л б а р х о н. Шавкат ака, нукул кино, театр дейсиз, ўзингиз мени ясантириб, олдингизга солиб, якин ўртада бирор кино ё театрга олиб бордингизми?

Ш а в к а т. Нега яна гапни бурасан?!

Д и л б а р х о н. Йўқ, жавоб беринг, қачон мени кино ё театрга олиб бордингиз охириги йилларда?

Ш а в к а т (*қўлини силкиб*). Дурустроқ бирор асар бўлмаса, нимасига борасан!

Д и л б а р х о н. Ҳа-а, яшанг! Дурустроқ спектакль йўқ, деб ўзингиз театрга бормайсизу, нега ўғлингизга беҳуда вақт ўтказишни раво кўрасиз?! Болалар дискотекага чопаётган бўлса, бу бугунги кунни ҳис қилмаётган сизу мени айбим. Сиз Йўлчинойларга махлиё бўлиб, ўн беш йил ичида дераза ортида нималар юз бераётганини тушунолмайд қолдингиз. Ҳеч бўлмаса саксон ёшли отангизчалик ҳам бўлолмаёпсиз.

Ш а в к а т. Нима?

Ойбек киради.

О й б е к. Бугун овқатланамизми ё йўқми?

Д и л б а р х о н. Ҳа, ҳа, ҳозир. Ўтиринглар. Қазии қайнаган шўрвада бир хўл норин қориб берай. (*Чиқади.*)

Ш а в к а т. Ўв, бойвачча!

О й б е к. Нима дейсиз, дада?

Ш а в к а т. Қазининг шўрвасини ичиб, яна дискотекага чопасизми?

О й б е к. ...

Ш а в к а т. Гапир, нега индамайсан? Ахир, ғирт бекорчисан-ку! Дарсингни тайёрлаб бўлгансан, қиладиган бошка юмуш йўк, тўғрими?!

О й б е к. Дада, мен ҳеч нарса деяётганим йўк-ку!

Ш а в к а т. Ҳа, бирон нарса айтолмайсан ҳам. Агар вақтинг мазмунли ўтганида, гапирадиган гапинг, таассуротларинг кўп бўларди.

О й б е к. Таассуротларим оз эмас. Сиз Дискотека бу шунчаки бемаъни сакраш деб ўйлайсиз. Балки Сизларни ёшлигиларда шундай бўлгандир. Лекин ҳозир ундай эмас. Дада, агар дискотека фақат ҳориб-чарчагунча маъносиз сакрайвериш бўлса, ўттиз-қирк йилдан бери бу соҳа ривожланиб кетмас эди.

Ш а в к а т. Соҳа? Ҳали сен бу от ўйинларни касб деб, хисоблайсанми?!

О й б е к. Албатта. Касб бўлганда ҳам энг гуркираётган жуда зўр бизнес.

Ш а в к а т. Сакрайвериб миянг суйилиб кетибди.

О й б е к. Йўк, дада. Айтсам ишонмайсиз. Дискотека очган ишбилармонлар “иномарка” машиналар миниб, дангиллаган участкалар куриб юришибди.

Ш а в к а т. Бўлса бордир. Сенлардақа тентакларни топиб олиб, бор пулини шилиб, иморат кураётгандир-да.

О й б е к. Нимаси ёмон буни?! Бозор иктисоди шу-да! Фойда кўриш мумкин бўлса, нега фойдаланмаслик керак?

Ш а в к а т. Фойда кўраман деб, ҳар қандай бемаънилик, бузукликни касб қилиб олса бўлаверар экан-да, сенингча?!

О й б е к. Йўк, дада, бузукликни ёйишга ҳеч ким йўл қўймайди. Тўғри, маъно-мазмунли йўк, шунчаки кўнгилхушликлар ҳам кўп. Лекин бу нарса узокқа боролмайди. Ҳамма касбда ҳам узокни кўзлаб иш тутмаса, банкрот бўлиш аниқ.

Ш а в к а т. Яхши гап. Фақат касбдагина эмас. Ҳар бир акли-хушини таниган одам эртасини ўйлаб яшаши керак. Бунинг учун аниқ мақсад, ғоя керак. Сенинг ёшингдагиларнинг зўр ғояси бўлиши учун яхши ибрат керак. Чунки ин-

сон ўспирин палласида жуда ишонувчан бўлади. Уни турли томонга оғдириб олиш мумкин. Мана шу пайтда йўл-йўрик кўрсатмаса, ўз кетидан эргаштирадиган идеаллар бўлмаса, нотўғри кўчаларга бурилиб кетишинглар аниқ. Шунақа бўлди ҳам. Мисол кидириб узокка бориш шарт эмас. Сени ёшингдаги канча болалар акидапарастларнинг таъсирига тушиб қолди. Уларга ваҳхобийлар идеал топиб берди. Оқибат нима – сароб, фожиа; канча умр, оилалар барбод бўлди. Маънисиз ўйин, дискотекаларингнинг охири ҳам яхшилик билан тугамайди. Одамда интиладиган маёқ, ўрناق оладиган идеал бўлиши керак. Бунинг учун китоб ўқиш керак. Инсонга оқ-қорани танитадиган нарса – китоб. Ирода, матонатга ўргатадиган, улуғ ишларга бошлайдиган адабий қаҳрамонлар акс этган асарларни ўқиш керак. Мана (*жавонлардаги китобларни кўрсатиб*), ҳаммаёқ китоб. Нима, мен бунга фақат ўзим учун сақлаб ўтирибманми?! Бўш вақтинг бор экан, нега шуларни ўқимайсан? “Ажойиб кишилар ҳаёти” ҳақидаги китобларни биз кечалари билан ухламай ўқиб чиқар эдик.

О й б е к. Ўқиганман буларнинг кўпини.

Ш а в к а т. Хўш, нима, ибрат бўладигани йўқми? Дискотека булардан кўра қизиқроқ эканми? Нахотки ўз қаҳрамонингни топмаган бўлсанг?!

О й б е к. Топдим, дада. Нега бунчалик Ойбекни яхши кўрасиз деб, ўша ёзувчининг китобларини ўқидим.

Ш а в к а т. Хўш, ёқдимми?

О й б е к. Ёқди, зўр ёзувчи экан Ойбек, жуда қизиқиш ўқидим. Айниқса “Қутлуғ қон” романи ёқди.

Ш а в к а т (*шодланиб*). Ия, ия, қизиқ-ку. Демак, демак танлаган қаҳрамонинг Йўлчи экан-да.

О й б е к. Йўқ, Йўлчи вообщё ёқмади. Қетмон кўтаришдан бошқа нарсани билмайдиган, ландавур, ҳасадгўй бир “дерзила” униз.

Ш а в к а т. Ўчир овозингни!

О й б е к. Ўзингиз сўрадингиз-ку, ахир.



Ш а в к а т. Тушунмаган нарсангни гапирма! Романни ўқибсан-у укмабсан.

О й б е к. Уқдим, дада. Баъзи жойларини ҳатто икки-уч қайтадан ўқидим.

Ш а в к а т (*таажжуб билан*). Хўш, унда қахрамонинг ким? У ерда Йўлчидан ўктамрок бошқа ижобий образ йўқ-ку!

О й б е к. Бор! Мирзакаримбой. Зўр чол экан.

Ш а в к а т. Нима, ўйин қиялсанми?

О й б е к. Йўқ, дада, чиндан ҳам Мирзакаримбой ўрناق олса бўладиган ҳақиқий қахрамон!

Ш а в к а т. Ё тавба!

О й б е к. Нега хайрон бўласиз? Китоблардан ҳадеб ижобий, салбий образлар қидиртиравериб, тўғриси, ўқитувчимиз ҳаммамизни адабиёт дарсидан бездириб юборган. Ҳатто тест саволларимизда палон асарда нечта салбий ва нечта ижобий қахрамон борлигининг аниқ сонини кўрсатинг деб ёзишади. Шунақа қилиб китоб ўқиб бўладими?! Мана ўша ижобий деганингиз Йўлчи. Бировларнинг қўлида роса ишлайди, ишлайди-да, кейин нуқул ўзига ўхшаганларни орасига кириб, бойларни ёмонлаб ўтиради. Шунинг учун мардикорлигича ўтиб кетади. Мирзакаримбой эса, маҳалла баққолининг ўғли Карим чит-такдан тadbиркорлиги, ақллилиги, узоқни кўра биладиганлиги учун кимсан Мирзакаримбойга айланади.

Ш а в к а т. Нега энди? Дастлаб соддагина Йўлчи асар охири-ларида қахрамон бўлиб, халкни зулмга қарши курашга бошлаб, мардларча жонини қурбон қилади-ку!

О й б е к. Хўп, бундан кимга фойда эди? Пушка, милтиқлари бор армияга қарши ўқлов, кетмон кўтариб чиққан ўша халқ-қами?! Ахир, уларнинг ҳаммасини Йўлчи ўлимга бошлаб боради-ку! Шунинг учун ҳам Ойбек асар охирида Йўлчининг ўзини ҳам ўлдиради. Катта бир халкни Йўлчига ўхшаган илм-сиз қарол, мардикорлар озодликка олиб чиқолмас эди. Буни китобда зиёли Абдишукур ҳам айтади.

Ш а в к а т. Сан иктисодчи бўляпман деб ҳар нарсадан фойда қидираверма. Йўлчи “халқ учун, юрт учун, жамики аламзадалар, аламдийдалар учун қон тўқади. Бу қон энг қутлуғ қон” эди.

О й б е к. Тўғри, махсидўз чол Шокир ота охирида Йўлчининг синглиси Унсинни шунақа деб юпатади. Лекин нега булар ўзини аламзадалар дейишади? Карим читтак удадубронлиги учун Мирзакаримбойга айланиб, Йўлчилар ношудлиги, жохиллиги учун қароллигича қолиб кетган бўлса, алам қилиб қўзғолон кўтариши керакми?! Шуми аламзадалиги?! Бу, тўғриси, ҳасадгўйлик эмасми?!

Д и л б а р х о н (*патнис кўтариб киради*). Овқат тайёр, қани, ҳамма дастурхонга.

Ш а в к а т. Ойбек, сен ноҳақсан. Асарни (*дастурхонга яқинлашиб*) тушунмабсан.

О й б е к. Мен адашимни – ёзувчи (*у ҳам дастурхон атрофига ўтириб*) Ойбекни тушуняпман, дада.

Д и л б а р х о н. Бўлди қилинглар! Овқат совийди.

Барчалари овқатланишга ўтирганларида эшик қўнғироғи жиринглайди. Ойбек бориб эшикни очади ва қувонч билан “Буважон” дея кичқиради. Хонага Шавкатнинг отаси Зоир ота қўлида папка ва елим халта сеткаси билан кириб келади. Шавкат ва Дилбархон ўринларидан туриб, салом бериб, оталарини кутиб оладилар.

З о и р о т а. Ваалайкум ассалом! Бормисизлар, яхши ўтирибсизларми? Чол-кампирни эсдан ҳам чиқариб юбординглар, шекилли. Бормайсизлар ҳам.

Ҳаммалари қўл очиб, Қария дуо килади.

Ш а в к а т. Тинчмисизлар, дада? Ойим яхшимилар? Ҳар куни ойим билан телефонлашиб турибмиз-ку.

З о и р о т а. Ҳа, онанг ҳар куни ҳаммангга бир-бир телефон қилиб, ҳол-аҳволларингни билмаса, хотиржам ўтира олмайди.

Д и л б а р х о н (*Ойбек билан дастурхонни қайта тузата туриб*). Соғлигингиз яхшими, дада? Ойимлар, Нусратжонлар уй-ичи билан соғ-саломатми?

З о и р о т а. Соғлиқ бир нави. Юрибмиз тупроқдан ташқари. Соғлиқни ўйлайверса, одам уйда ўтириб колар экан. Бирор юмуш билан чалғимасанг, ҳали у еринг, ҳали бу еринг оғриётгандек туюлаверади.



Ш а в к а т. Ҳа, энди ёшингиз саксонга борди. Ҳалиям юмуш қилиб юрсангиз уят бўлар. Маҳалла-қўй нима дейди?

Д и л б а р х о н (чой узатиб). Олинг, дастурхонга қаранг. Норин қилган эдик. Шўрвалаб чиқайми?

З о и р о т а. Йўқ, йўқ, раҳмат! Биласиз-ку олтидан кейин овқат емайман. Бизни кечки норма – бир пиёла катик. Уйга бориб, ётишдан аввал озроқ катик ичаману, эрталаб яна отдек бўлиб тураверамиз. Йигирма йилдан бери шу одат. Худога шукур, қон босим ҳам жойида, юрак ҳам соатдай ишлаб турибди.

Д и л б а р х о н. Ҳа, сизни билган таниш-билишларимиз ҳавасланиб юришади. Саксонга бордилар десак, сира ишо-нишмайди.

О й б е к. Бувамларни ўзлариям ёшлар, қилаётган ишлариям ёшларникидек. “Ништяк” ишлар қилиб ташлабсиз-ку маҳаллада, бува!

З о и р о т а. Ҳа, тойчоқ. Сен ҳам эшитдингми?

Д и л б а р х о н. Ойимлар телефонда айтувдилар. Жуда катта ишлар бошлаб юборибсиз.

Ш а в к а т. Тинчликми, дада? Яна нима бошладингиз?

З о и р о т а. Э, қариганда биз ҳам қуюлмадик. Биласан, 5-6 йилдан бери ҳеч кимни тинчитмай, маҳаллага янги гузар қурдик. Ҳайҳотдай бинода биргина маҳалла идораси-ю бешўнта нафақахўр бекорчилар чойхўрлик қилиб ўтирадиган чойхонадан бўлак нарса йўқ. Раисга икки-уч айтдим: хой, бу бинодан яхшилаб фойдалансанг-чи. Тўрт-беш минг аҳоли яшайдиган маҳаллада тайинли нонвойхона, дўкон йўқ. Яна маҳалла йўлнинг устида бўлса. Раиснинг парвойи палак. Кундуз ўзининг хизматига бориб келгач, кечқурун бирпас маҳалланинг у-бу ишини қилган бўлади, вақти – фурсати йўқ. Кел, ўзим шу ишга бир уннай дедим. Қараб турсам, маҳаллада ўн-ўн беш Ойбек қатори ўспирин болалар ҳам бекор қолиб, чойхўрларни қаторига қўшиляпти. Секин-секин карта-қимор деган нарсалар оралаб қолди. Шу болаларниям ишга солай, савоб бўлади дедим. Нусратда машина бор, яна битта машина нимага керак дедиму, шартта ўзим миниб юрган “Жигули”ни сотдим. Гузарни орқа томонидаги учта-тўртта хонани мослаб

жихозлаб, нонвойхона, сартарошхона, дўкон, аптека килдим. Йўл усти эмасми, ижарага олишни хоҳлаган талабгорлар ҳам дарров топила қолди. Маҳалла болаларини ишлатиш, шогирд қилиш шарти билан ҳалиги жойларни ишга тушириб юбордик. Фойдасидан менга ҳам бўлади, маҳаллага ҳам. Ҳозирча ишлар ёмон эмас. Гузарнинг ён томонида уч-тўрт сотихча яйдоқ ер бор. Шу жойдан ҳам яхшигина фойдаланса бўлади. Укангни қурилиш идораси ҳам ўтириб қолган. Тирикчилигининг тайини йўқроқ. Биласан, машина устачилигига унча-мунча қўли келади. Ўша ерга машина тузатадиган устахоналар курсак. Уканг бош бўлади, ҳам маҳалланинг яна беш-ўн боласи ишли бўлиб қолади. Шунга ёзув-чизувни биласан, ўша ерни хат-хужжатини қилишга ёрдам берасанми деб келиб эдим.

О й б е к. Вой, буважон-эй. Зўрсиз-ку! Мана замонавий (*бу-васини орқасидан қучиб олиб*) Мирзакаримбой, дада.

Ш а в к а т. Тек ўтир, ҳовликаверма! Дада, зарурми шу сизга, қариган чоғингизда, оғримаган бошингизга ташвиш орттириб.

Д и л б а р х о н. Вой, нима деганингиз бу? Дадам укангизни, жиянларингизни ўйлаяптилар. Яна қанча маҳалла болалари ишли бўлиб қоляпти. Яхши-ку бу!

Ш а в к а т. Вей, ўйлайсанларми сенлар?! Маҳалла-қўй, қариндош-уруғ айтмайдими, иккита ўғли бор одам қариганда идорама-идора сарсон, дўкон очиб, автосервис қуриб, кўчадан бери келмай юрсалар.

З о и р о т а. Ҳа, нима қилибди?! Кўролмайдиган бекорчилар гапираверади-да. Агар ўшаларнинг гапи билан ўтираверсам, ҳалигача соғ-омон юрмасдим.

Ш а в к а т. Дада, ҳар ишнинг вақти-соати бор. Ёшингизга ярашмайди бу ишлар. Ёшлар қиладиган ишларга уннаб, бирор қор-қол юз бермасин дейман. Фарзандларнинг роҳатини кўриб, дуоғўй бўлиб ўтирадиган пайтинглар ҳозир сизларни.

З о и р о т а. Умрингдан бир кун қолса ҳам дарахт эк, деган машойихлар. Ўзинг роҳатини кўрмасанг, бола-чақанг кўради-ку! Ҳар замонани ўзига қараб иш тутиш керак. Буни тушунмаган одам ношуд одам. Нукул ҳасрат, шикоят қилиб, замона ундок бўлиб кетди, одамлар бундоқ деб вайсақдан нарига ўтмайди.

Ш а в к а т. Шунчалик замонавий экансиз, нега энди ёшлигингизда давлат ишида ишлаб, ойликни кутиб, эрта кетиб, кеч келиб юрардингиз? Номингиз магазинчи эди. Уч-тўртта нон дўконининг мудури эдингиз. Қўша-қўша иморатлар солиб, янги-янги машиналар минмадингиз. Ҳатто кўркиб, дўконингиздан битта нон ҳам кўтариб келмасдингиз. Махаллага яқин келиб, атрофдаги дўконлардан нон сотиб олиб, уйга кирардингиз. Нега ўшанда шу тадбиркорлигингиз кўринмаган эди?

З о и р о т а. Ўв, бола, айтяпман-ку сенга, замонага қараб иш қилиш керак деб. У вақтларда тузукрок бир нарса орттирмаман десанг ўғирлик қилишинг, бировнинг ҳақкига хиёнат қилишинг керак бўларди. Чунки ҳамма нарса давлатники эди. Давлат берса ейсан, бермаса ўласан эди. Ҳозир ҳаммаси хусусий мулк. Бойийман десанг, ана, ҳаракат қил, йўл-йўригини топ, миянгни ишлат. Ана Президентимиз телевизорда ҳар сафар мавриди келганда айтадилар-ку, бекор ётган корхонани текин бўлсаям, укувли тадбиркорнинг қўлига бериш керак, деб. Ҳамма гап интилишда, гайратда.

О й б е к. “Прикол”, яшанг бува! Мен дадамларга Мирзакаримбой зўр чол экан, ишбилармонлиги туфайли оддий баққолдан заводчи бойга айланган экан, десам жаҳллари чикапти. Нуқул Йўлчини пример қиладилар манга.

Д и л б а р х о н (қоса-товоқларни йиғиштира туриб). Сизлар гаплашиб ўтира турунглар. (Чиқади)

Ш а в к а т. Мана кўрдингизми, дада, ҳозирги замонавий қарашларни. Диёнатли меҳнаткаш Йўлчи ландавур, ичи қора экан-да, “илоннинг ёғини ялаган” Мирзакаримбой яхши эмиш. Мана бу валаки-салангларга ибрат, идеал эмиш.

О й б е к. Ибратлиги рост, лекин жуда идеал деганим йўк-ку! Ахир, ер сотма деса, “сандикда чириб ётган молдан ердаги ахлат аъло” деб, капитал доим оборотда бўлиши керак деса, шу ибратмасми?! Ҳа, энди чол Гулнор-Пулнор деб Йўлчининг “чувиха”сига осилиб, сал ошириб юборади-да. Бир ёғи уни ҳам тушунса бўлади, одам-да барибир, яна пули ҳам бор.

Ш а в к а т. Ана сизга замонавий ёндашув!

З о и р о т а. Жуда ваҳималанаверма, Шавкат! Нима, ўглинг ўзини фикрига эга бўлса ёмонми?! Мирзакаримбойларни жуда фаришта деяётгани йўк-ку! Ишбилармонлигидан ибрат олса

бўлади, деяпти. Нафсиламрини айтганда, ўғлинг ҳақ. Шўро замонида бойларни ёмонлайвериб, уларни олабўжи кўрсатиб қўйган. Аслида ўша бойлар бўлмаса, ўтмишдан нима мерос коларди ҳозир? Макбара-ю мадрасаларни ким қурган, ким сув олиб келиб, боғ яратиб, кўприк солган. Ҳеч нарсаси йўқ, мардикор, каролларми ё сармоялик бойларми? Буни тушуниш учун жуда ақлли бўлиш шарт эмас.

Ш а в к а т. Тўғри, дада, бойларни ҳам маърифатлиси бўлган, жоҳиллари бўлган. Хўжа Аҳрори Валий, Алишер Навоийга ўхшаган зиёли зотлар катта-катта мол-мулкларини хайрли ишларга, бунёдкорликка сарфлашган. Лекин Мирзакаримбойларни булар билан бир қаторга қўйиш керакмас-да.

З о и р о т а. Э, ўғлим! Ҳеч ким буларни бир деяётгани йўқ. Фақат бойлар ёмон, камбағаллар яхши деган бемаъни замонлар ўтиб кетди. Энди ақл-тафаккур замони. Ёмондан ҳам, яхшидан ҳам бир сабоқ чиқарса бўлади. Ўғлингни шунга ақли етган экан, суюнмайсанми бунга? Қўй ўз холига уни, замонасига қараб яшасин! Аммо вақти-вақти билан назоратингни бўшаштирма. Нима бўлгандаям ёш, ҳаётнинг баланд-пастини кўрмаган.

Ш а в к а т. Ҳа, яшанг! Мен ҳам шунинг учун Ойбекни беҳуда вақт ўтказмасин деяпман. Бу бўлса бемаъни оёқ ўйинлардан бўшамайди.

З о и р о т а (*неварасига кўз қисиб*). Тойчоқ бўлгандан кейин сакрайди-да. Нима ўйин экан у ўзи, Ойбек?

О й б е к. Дискотека, бува, дискотека. “Классный” техника, светомузыкалар билан жиҳозланган ёшлар йиғиладиган жой. Энг охирги модадаги “шик” музыка-ашулаларни записларини қўйиб беради. Гоҳи ўзимизни популярний эстрадник болалар келиб, янги қўшиқларини айтади. Ким рақсга тушади, ким бир четга ўтиб напитоклар ичиб, мороженоселар еб, музыка, қўшиқ эшитади. Албатта, ким нимани хоҳласа шунақа бўлавермайди. Дискотекани диск-жокей – ўртакаш олиб боради. Диск-жокей “классный” бўлса, янги-“хит”лар ҳақида, ҳозирги чиқаётган модадаги группалар, уларни дунёдаги рейтинги, умуман, замонавий музыка турлари, йўналишлари тўғрисида олдин га-

пириб беради. Болаларга шуларни гапириб бериб, керак бўлса, янгича ўйинлар, ҳаракатларниям кўрсатиб беради. Кейин жуда қаттиқ тартиб сақлайди. Битта-яримтаси яширинча ичса, бировларга халақит бериб, тўполон қиладиган бўлса, дискотекани икки-учта штатний “дерзила”лари (қўриқчилари) тинчитиб ташлайди. Так что, дискотека дегани жуда культурний, ёшлар йиғиладиган, дам оладиган жой.

Ш а в к а т. Ҳа, аравани курук олиб қочишга жуда устасанлар.

О й б е к. Дада, балки жуда шумний, жанжал бўладиган дискотекалар ҳам бордир. Аммо биз борадиганимиз жуда тартибли, яхши жой. Хоҳласангиз ўзингиз бориб кўришингиз мумкин.

Ш а в к а т (жаҳл билан). Бекорчи вақтим йўқ мени!.

З о и р о т а. Қани, тойчоқ, дискотеканг яхши ўйинларни ўргатаётган бўлса, биттасини кўрсатиб бер-чи. магнитофонинг борми?

Ойбек шартта ўрнидан туриб, магнитофонни кўяди ва замонавий кўшиқ оҳангига мос ёқимли ҳаракатлар қилади. Ўйнаб туриб, бувасини ҳам тортади ва улар завк билан ҳар бири ўз билганича раксга тушадилар. Зоир ота ўзбекча қилиқлар қилиб, неварасини янада завқлантиради. Шавкат ўйин охираганда шартта бориб магнитофонни ўчиради. Шу ҳолат устига Дилбархон кириб келади.

Д и л б а р х о н (ҳайратланиб). Тинчликми?.

Ш а в к а т. Бўлди, бас! Дада, ярашадиган иш қилсангиз-чи!

З о и р о т а (қула-қула). Нима, ярашмаяптими? Ўзингизнинг ёшлигингиз эсингиздан чикдимми? А? Почаси катта клёш шимларни кийиб, вечерма-вечер югирардингиз-ку, ярим кечагача санғиб.

Ш а в к а т. Ҳа, энди... У пайтларда анча маънилироқ бўларди. “Битлз”, “Абба”, “БониМ” деган яхши ансамбллар бўларди. Ёқимли кўшиқлар айтарди. Ҳозир нуқул шовқин. Аслида биздаям аҳмоқликлар бўлган. Кейин билдик, вақтни анча фойдалироқ ўтказиш мумкин экан. Китоб ўқиб, ўз устимизда ишлаб.

З о и р о т а. Йўқ, ундай эмас. Ҳар даврни ўз завқи, таровати бўлади. Баҳор айни қийғоч гуллаган вақтида қор-совуқ бўлиб, қанчалик нохушлик келтирса, инсон умрининг ҳам баҳори

кексалик юмушлари ё фақат ташвиш билан ўтиши керак эмас. “Дискотека” дегани ёшларнинг йиғилиб, кўнгилахушлик қиладиган жойи экан-да. Шунга шунча ваҳимами? Бунга ортикча аҳамият қилмаган маъқул. Одам тафтини одам кўтаради, дейишади-ку! Инсон табиатан мулоқотга интилади. Рўзгор, уй, бола-чақа ташвиши ёки куни узок ишхонада тер тўккандан кейин бирон жойда ҳордиғини ёзиб, ўзига тенгкурлар билан гурунглашишга мойил бўлади. Ўзбекнинг чойхонаси, оврупаликларнинг бар-кафелари, ўриснинг пивононалари – барчасининг моҳияти шу – дилтортар суҳбат, вақтни хушҳол ўтказиш, кўнгил чигилини ёзиш учун восита. Чойхоналаримизда кўрасан-ку, қари-қартанг гурор-гурор йиғилиб, оғиз қўлларга битта чойнак, битта пиёлани кўйиб олиб, кун бўйи дунёнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқади. Қизик одамлар бор-а. Уйига фақат кечаси ётоқхонага киргандек думалагани кириб чиқади-ю, қолган вақтини тамом чойхонага бағишлайди. Иложи бўлса, уйдаги насиба-таомини ҳам чойхонага олиб чиқиб, кўпчилик билан баҳам кўради. Ўрта ёшдаги одамлар аксар ошхўрлик, пивохўрлик шаклидаги улфатчиликка танда кўяди. Гап-гаштак қилади. Уларни хумори ё қозоннинг “жаз-биз”и ёки пивобоп газакларни териб кўйиб, боксчини кўлкопидек кружкалардан сариқ суюкликни хўплаб ўтириш билан ёзилади.

Ёш-яланғи бўлса завқи-шавқи баланд бўлади. Улар кўним билан ўтириб олиб, бамайлихотир суҳбат қилолмайди. Юраги тошиб туради. Сабри чидамайди. Тизгинлаб бўлмайдиган завқи-шавқини гоҳо қора терга ботгунча сакраб, ўйноқлаб босади. Оёқ ўйинларининг бор мазмуни шунда. Бўлмаса ҳар жойини ҳаракатга солиб, қилпиллайверишдан нима маъно топасан. Мана шуларнинг барчаси инсон феълидаги жамоага, ёш-аҳволига муносиб гурун-воситага мойилликдан. Буларнинг бари навбати билан келаверади. Бугун дискотека, эрта ошхўрлик, улфатчилик, хўв нарирок бориб эзма чойхўрлигу шакаргуфторликлар. Мухими, инсон ўз-ўзига нега бу дунёга келдиму нега кетаман, бу осмону замин орасида нима қилиб юрибман, деган саволларни бера олишида. Ўзидан из қолдира

билишида. Майли, у из оламшумул ишларда бўлмасин, балки махалла-кўй, балки кариндош-уруғлари, балки ўғил-қиз, оила аъзолари калбида мухрлансин. Шунда ҳаёт мазмунли ўтади, худо берган умрдан наф бўлади. Гоҳо айрим давра-тадбирларда узок умр тилаб, юзга киринг, юз элликка киринг деб хушомад қилиб қолинса, ансам қотади. Эй, бемаъни, бекор ўтган узок умрнинг кимга кераги бор? Ҳаётинг шундай мазмунли ўтсинки, ҳар бир кунинг ойларга – йилларга татисин. Шунда умрингни кун санаб, кўринганга ўзинг амал қилмаган ҳислатлардан насиҳат сўқиб ўтирмайсан. Ҳали мени айтди дерсан. Балки ўша ўйинхона – дискотекаларда болангни, унинг тенгқурларини кўнглига катта орзулар тушаётгандир. Ўша ердаги гурунг-мулоқотларида нималаргадир ҳавасланиб, нималарнидир инкор этиб, ўз келажакларининг суратини чизаётгандирлар. Ажабмаски, бугун сену биз назар-писанд қилмаётган ё келгусидан хавотирга тушаётган шу енгилтак, ўйинқароқлар эрта бир кун оламни яшнатувчилар бўлса. Илоҳо, шундай бўлсин! Омин, Оллоҳу акбар!

Д и л б а р х о н (*чойнакни ола туриб*). Ойбек, буванглар ҳам жуда романтиклар-а! Чойни янгилаб келай. (*Чиқади.*)

О й б е к. Рост, бува. Сиз романтиксиз. Доим ёш бўлганга ўхшайсиз.

З о и р о т а. Э, тойчоқ. Ўзимизни шунақа тутиб, овутиб юрганмиз. Бўлмаса, биз кўрган азобу қийинчиликларга темир ҳам дош беролмасди. Илоё, сизлар кўрманглар у азобларни.

Ш а в к а т. Қийинчилик дейсиз, булар қийинчилик нима-лигини тасаввурига ҳам келтиролмайди. Жўмракни бураса иссиқ сув, совук сув; ош-овқати тайёр, қийим-кечак бисёр, нима ғами бор. Эрта-индин коллежни битиради. Кейин олий мактаб. Ҳаммаси рисоладагидек.

О й б е к. Дада, очиги, мен бу йил институтга ҳужжат топширмайман.

Ш а в к а т. Мана, навбатдаги эркалик. Албатта, сиз топширмайсиз. Сиз учун мана биз топширамиз, биз. Шунга ҳам жонингизни қойитасизми?!

О й б е к. Дада, мен чиндан айтяпман. Бир-икки йил ишла-моқчиман.

Ш а в к а т. Э-э, йиғиштир олифтагарчиликни! Ким сени ишга оламан деб ўлиб турибди.

З о и р о т а. Шавкат! Ўғлингни эшитсанг-чи! Униям бир ўйлагани бордир. Ойбек енгилтак бола эмас, худога шукур.

Ш а в к а т. Дада, манаман деган хорижнинг катта универ-ситетларини, ўзимизнинг энг зўр дорилфунунларни битириб, тайинли иш тополмаётганлар қанча-ку, коллежни битирган иқтисодчига жой қайда?!

З о и р о т а. Ҳа, нега унда институтга кириши керак Ойбек?

Ш а в к а т. Олий маълумот олса, ҳар қалай касби тайин, ишга жойлашиш имконияти нисбатан кўпроқ. Яна орқадан бир туртки бўлса, у ёғи ўзига боғлиқ.

О й б е к. Дада, мен умуман икки-уч йил бу ердан четроқда ишламоқчиман.

Дилбархон чой кўтариб киради.

Ш а в к а т. Хориждами?

О й б е к. Йўғ-эй. Вилоятда, масалан, Қашқадарёда.

Д и л б а р х о н. Ўйлаб гапиряпсанми, ўғлим?

О й б е к. Ҳа, ойи. Жуда пухта ўйладим.

З о и р о т а. Хўш-хўш, гапир-чи, ўғлим. Нима режалар тузиб ўтирибсан?

О й б е к. Бува, ҳозир нима кўп – банк кўп, ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари кўп. Вилоятлардан келган кўп болалар ўқишларини битириб, Тошкентда қолишга ҳаракат қилишади. Балки шунинг учун ҳам иш топиш қийиндир. Тошкент – катта шаҳар. Тирикчилигини бир амаллаб ўтқазса бўлади. Лекин қишлоқларда ҳаёт ўзгармаса, жонланиш бўлмаса, тўла ривожланиш ҳам бўлмайди.

Д и л б а р х о н. Қишлоқларда ўзгариш йўқ деб ким айтди сенга? Ўзингча тахмин қилаверма! Ўйлаб, ўлчаб гапиргин.

О й б е к. Майли, ойи. Балки ўзгариш бордир, лекин бир нарса аниқки, қишлоқларга биз керакмиз, жуда керакмиз. Ҳеч

бўлмаса, ўзимизни ҳам бир синовдан ўтказиб олармиз. Одам мустақил бўлиши керак-ку, ахир!

Ш а в к а т. Мана сизга романтика! Мустақил бўлармишлар. (Истеҳзо билан) Қани, қани, эшитайлик-чи. Қишлоққа бориб олиб нима каромат кўрсатмоқчилар?

О й б е к (баланд, ўқтам оҳангда). Дискотека очаман!

Ш а в к а т (хезланиб Дилбархон йўлини тўсади). Ҳозир шу болани бир нарса қилиб кўяман! Нукул ўйин қилади, мазахлайди одамни.

О й б е к. Дада, ўйин қилаётганим йўқ. Жиддий айтаяпман. Бир ойча аввал коллежимизда Сангин ака деган қашқадарёлик бир фермер билан учрашув бўлди. Хўжалиги зўр, йилдан-йилга кенгайиб, даромади анча-мунча бўлиб қолибди. Қишлоқдаги эллик-олтмишта одамни иш билан таъминлабди. Ишларини яна кенгайтирмоқчи. Ўша атрофди банкрот бўлган консерва заводини ҳам сотиб олаётган экан. Менга ғайратли, ёш мутахассислар керак дейди. Иқтисодчига ҳам иш бор экан. Ўзимиздаги ёшлар энгил пул топаман деб шахарга кетиб қолган дейди. Аслида ёшларни қишлоқда ушлаб турадиган бирор кўнгилтортар жой ҳам йўқ экан. Клуб-маданият уйи бор экан-ку, аммо жуда ташландик ҳолда экан. Учрашувда унга қандай маблағларни жалб қилиб, ўша клубни ишга тушириш мумкинлиги ҳақида ўзимча таклифларимни айтган эдим, кизиқиб қолди. Ўзинг келиб бирор йил ишлаб берсанг-чи, таклифларингни бирга амалга оширамиз, деди. Мен иккиланган эдим, ҳаммининг олдида “прикол” қилди. Сенлар фақат гап биласанлар, оғизда ботирсизлар, дейди. Тўғриси, чидолмадим, бўпти, бораман дедим. Қўл ташлашдик. Нима қилибди?! Аввал-аввал ўша фермер хўжалигига ўз соҳам бўйича ишга кираман. Секин у ёқ-бу ёқни қараб, маблағ жалб этишга ҳаракат қиламан. Балки кредит олармиз банклардан. Сангин ака пул топамиз, деди! Ахир, хўжалик ёшларни қишлоқда ушлаб қолишни хоҳлайди-ку! Мана, кўрасизлар, бир йил, узоғи билан икки йилда ўз ишимни – дискотекани очаман, ҳамманларни чақираман. Бува, биринчи меҳмон сиз бўласиз.

З о и р о т а. Ҳа, ҳа, умрингдан барака топ, албатта бораман, албатта.

Ш а в к а т. Дада, ростдан ҳам бунинг гапларига ишона-яписизми?! Бу, бу хаёлпараст тентак-ку! Бу кишлокни, ўзбек кишлогининг қандайлигини умуман билмайди. Кўрган бўлса, бир-икки Паркентдаги кишлокларни кўрган, дам олишга чиқканимизда. Қашқадарёнинг чўлларида ҳеч бир шароитсиз, яқин кимсасиз ёш бола бир ишнинг бошини тутиб кета олар эканми?! Бу романтикамас, ғирт аҳмокона фикр, тентакликдан ҳам багтар.

З о и р о т а. Шавкат, ёшинг элликка қараб кетяпти. Айтчи, сўнгги йилларда бирор марта ўз манфаатингдан нарига ўтиб, ўзгалар учун ҳам бир иш қилдингми? Дунёда фақат ўзим бўлай, мендан бошқаси бўлганча бўлар деб яшаб бўлмайди. Ёшлик – бир асов дарё. Юрагида ўт қайнаган пайтда инсон унча-мунча қийинчиликка қарамайди. Муаммо-ю мушкилотларни осон ҳал қилади. Муҳими – мақсад аниқ бўлсин, танлаган йўли тўғри бўлсин, куч-ғайратини жўяли сарфлай билсин. Шунда қилган ишдан ўзигаям, ўзгагаям манфаат тегади. Катта ишлар қилишни замон сўраб турибди. Мана шу тойчоқлар келажак учун ишламаса, интилмаса, бу юртни ким обод қилиб, ким жаҳонга кўшади. Ота-боболарнинг буюк ишларини гапириб мақтанишни яхши кўрамиз. Ўзинг ҳам телевизорга чиқсанг Имом Бухорий, Накшбандий, Амир Темур деб оғзингнинг таноби қочади. Хўш, инсон ўтмиш билангина тирикмас-ку?! Бугунни, эртаниям буюкларни чиқиши керак-ку! Токайгача улуғ тарих, шонли тарих деб ётасанлар! Кўй болангни ўз холига, сен белгилаган йўлдан эмас, ўз йўлидан борсин!

Д и л б а р х о н. Дадажон, Ойбек ёш бола-ку, ҳали.

З о и р о т а. “Бўлар бола ўн бешида бош бўлади, бўлмагури элликдаям ёш бўлади”, деган экан бурунгилар. Шунақа режалар тузишга акли етиптими Ойбекни, демак, у ёш бола эмас. Ота-онага бола ҳамиша ёш туюлаверади. Ҳамонки ўз ақлим билан яшаб, ўз меҳнатим билан бир нарсага эришаман деяптими, демак, у ўз ҳаёти учун ўзи жавоб бера олади. Фикрлайдиган одам ҳар нарсага ўз ичида, “нега” деган сўрокни бериши керак.

Ҳар ишни англаб, моҳиятига етиб бажариши керак. Ҳар нарсага мустақил ёндашув керак. Шунда фикр ҳам, ҳаёт тарзиям ўзига хос мустақил бўлади. Шунда ўсиш, ўзгариш, таракқиёт бўлади. Фикр ўсмаса, кимнидир дегани ёки қилган иши кўр-кўрона так-рорланаверса, ҳаётни не маънисини-ю, не чиройи қолади?! Беринглар ўғлингнинг эркини ўзига! (Ойбекка кўз қисиб) Тойчок дала-ларда бир яйрасин. Иродасини, ақл-заковатини синасин. Агар ўша кишлокларда набирам йўлини топса, мен фақат хурсанд бўламан, бугинамас, фахрланаман ҳам.

Ш а в к а т. Дада, нималар деяпсиз?! Ўзингиз пул топаман деб саксонга борганингизда тадбиркор бўлиб юрибсиз-у, мени ўзинг учун яшайсан, худбинсан, дейсиз. Яна шу ёш боланинг энгилтак хоҳишларига ён берасиз. Тушуна олмаяпман сизни.

З о и р о т а. Ўғлим, сен ўқидинг, китобга берилдинг, олим бўлдинг, худога шукур, тўғри юриб, тўғри яшадинг. Дунё ўзгариб, баъзи қийинчиликлар пайдо бўлди. Вақт бир жойда қотиб турмас экан. Аммо сен бир жойда туриб колдинг. Қирққа кириб-кирмай юрагингдаги олов сўнди. Тинчгина бола ўқитиб, институтга тайёрлаб, бировларни хат-хужжати кўриб бериб, топган беш-ўн сўминг қора қозонингни қайнатганига шукур қилиб, четга ўтиб олдинг. Ўғлинг буни хоҳламапти. У эл-юртга ҳам нафим тегсин, ўзим ҳам бировдан кам бўлмай деяпти. Яхши еб, яхши қиймоқчи. Орзу-ҳавасли дунёда бой-бадавлат бўлиб яшамокчи. Тўғрими, тойчок?! Нимаси ёмон буни?!

О й б е к. “Прикол”! Тўппа-тўғри, бува.

Ш а в к а т. Дада, сиз айтаётганингиз хомхаёл. Бой бадавлат яшашнинг ўзи бўлмайди.

З о и р о т а. Албатта, ким сенга барчасини тайёр қилиб беради? Шунинг учун ҳам умр берилган. Барини ўзинг, ўз кучкуватинг, интилишинг билан яратгин деб. Худога шукур, юрт тинч, ҳар қанча интилсанг-йўлинг очик. Яна айтаман, катта ишлар замони ҳозир. Мўлжални ҳам катта олиш керак. Ойбек узоқни кўзлаётган экан, йўлини тўсма! (Ҳазил аралаш) Қани, тойчок, ўзимизни ўзбекчасидан ҳам қўй-чи, мен сенга болельшик. Биз даданг билан қоғозларимизни таҳлаб олайлик. Кабинетингга ўтаимизни, Шавкат?

Шавкат гарангсиз, ўйланиб, отаси билан иш хонасига кириб кетади.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Бешинчи кўриниш

Мастуранинг квартираси. Радиода сокин куй таралаяпти. Ошхонада “жиз-биз” овозлар. Сабоҳат бир нима пиширяпти. Эшик кўнғироғи қайта-қайта жиринглайди. Уйкудан энди турган Малоҳат эснаб чиқиб, эшик томон йўналади.

М а л о ҳ а т. Сабо, эшикни очсанг бўлмайдими? Эшитма-япсанми?

Малоҳат эшикни очади. Замонавий тадбиркор аёллардай ўзига караб, дид билан сипо кийинган, бир қарашда ёқимли таассурот қолдирадиган киёфада Гулнора кириб келади. Кўлида чоғроқ жомадон.

М а л о ҳ а т (шодон). Вой, Гулнор хола! *(Кучоқлашиб кўришадилар. Ошхонадан фартук таққан Сабоҳат ҳам чиқиб келиб, холаси билан кўришади.)*

С а б о ҳ а т. Гулнор хола, яхшимисиз? Поччамлар, Гули, Нигора кизлариз яхшими? Рустам катта йигит бўлиб қолдими?

Г у л н о р а. Ўзингизлар қалайсизлар? Тинч-омон ўтирибсизларми? Ҳалиям ухлаб ётувмидинг, Малоҳат? Ўқиш йўқми бугун? Сен дурустмисан, Сабоҳат, ўқишлар тугаб қолдими? Ойинг қани?.. Ҳа-я, ишдадир, ҳойнаҳой?

С а б о ҳ а т. Ҳа, ишдалар... Келиб қоладилар... Холажон, келинг, ўтиринг. *(Учовлари стол атрофига ўтириб, дуо қилишади. Сўнг Сабоҳат Малоҳатга)* Сен бориб ўқишга кетишни ҳаракатини қил! Мен ҳозир... Блинчик пишираётувдим. Сиз ўтира туринг... *(Малоҳат дастурхон ёзиб, сервантдан қанд-қурслар олиб қўя бошлайди.)*

Г у л н о р а. Малоҳат, сен ўқишингдан кеч қолма, кириб кийинавер... Айтмоқчи, Сабоҳат ҳам ўқишга бориши керак-ку?

М а л о ҳ а т. Йўқ, Саболарни ўқиши тугаб қолган. *(Дастурхон тузашда давом этиб)* Битириш имтиҳонларини топширяпти.

Г у л н о р а. Сен-чи? Мактабни қачон битирасан?

М а л о ҳ а т. Бир йил бор-ку, ҳали. Бу йил тўққизга ўтаман.

Г у л н о р а. Ҳа-я, ҳали бироз бор-ку, сенга. Аммо кўрган одам сени мактаб боласи демайди...

М а л о ҳ а т (қувлик билан). Тўғри, хола, мактабга бориб,



дарс тайёрлайвериб эзилиб кетдим. Боғча боласига ўхшаб қолибманми?!

Г у л н о р а (*хандон ташлаб кулиб*). Вой курмагур-эй, жуда аломатсан-да, Мало... Очилиб кетибсан, деяпман. Бўйбастингни қара. Ҳойнаҳой, битта-яримта йигитинг ҳам бордир?

М а л о ҳ а т (*тап тортмай ҳазил билан*). Яримтамас, манга бир яримта келадиган “додахўжа” йигитим бор эди. Жа “шумний” бола. Мактабда бировни яқинлаштирмасди. Олдин синфда ҳамма болалар Мало, Малошка деб атрофимда ўралашиб юрарди. Бу “дерзила” ҳаммасини тинчитди. Қарасам, яккамохов қилиб қўйяпти, рейтингим тушиб кетяпти. Шартта бордим-да, “ўв, пацан, дедим, чочиб ташайман, ўт бу ёққа” дедим. Мани Мало-бало дейдилар, сандақа чурвақаларни копейкага олмайман, ман независимий қизман дедим, “ўч” дедим. Ўчди. Ўшандан бери рейтинг яна кўтарилган. Ҳамма болалар менга парвона. Так што, битта-яримтамас, целий мактаб йигитим бор. Ҳозир кириб, “шик” кийиниб чиксам, янаям очилиб кетаман.

Г у л н о р а (*кулиб*). Вой курмагур, Мало-ей-й... Мало-бало деганча борсан-да!

Сабохат бир қўлида блинчик тахланган лycopчa, иккинчи қўлида чойнак суҳбат устига кириб келади.

С а б о ҳ а т (*енгил койиб*). Ҳали шу ердамисан?! Бор тезроқ ўқишингга, кеч колдинг-ку!

М а л о ҳ а т (*йўлакай тарелкадан битта блинчикни илиб олиб*). Бораман-да, ўқитувчилар барибир мени кутиб туради дарс бошламай...

Г у л н о р а. Ия, бу қанақаси бўлди?! Сенлар ўқитувчини кутиш ўрнига, у сенларни кутадими?

М а л о ҳ а т. Ҳамманимас, битта мени кутади. Хола, ким билан гаплашаётганингизни биласизми? Мен авторитетман синфда. Мен бориб синфни тинчитиб берганимдан кейин, ўқитувчи дарс бошлайди...


Г у л н о р а. Ростданми, ҳали мактаблар шунақа бўлиб кетганми?!

С а б о х а т. Бор, бор, лағмон илавермай, ўқишингга бор, тезрок. (*Малоҳат чиқади.*) Сиз ҳам соддасиз-да, хола, ҳамма гапига ишониб ўтирибсиз-а?!

Г у л н о р а. Ким билади, биз содда кишлокилар ўн-ўн беш йилдан бери шаҳар ҳаётидан узоклашиб, бу ерларда нималар бўлаётганлигидан беҳабармиз-да. Келсак, битта-ярим қариндош-уруғникига тўй-ҳашамга ров келиб, ров кетамиз. Шаҳар болалари, мактаблар бунақа бўлиб кетганини билмай-миз ҳам, очиғи, ишимиз ҳам йўқ. Бизни болалар ёш, балки ҳали кичкина синфларда бўлгани учун ҳам сезилмас. Лекин дарс бўлмади, муаллим шаҳарга пул ишлагани кетиб қолибди, ремонтга пул беринг, синфни жиҳозлаб беринг, деган гапларни тез-тез эшитамиз. Аммо ўқитувчи дарс бошламай, ўқувчисини кутиб ўтириши... ақл бовар қилмайдиган иш...

С а б о х а т. Хола, қизикмисиз, Малони ўнта гапидан биттаси рост бўлса бор, бўлмаса унисигаям ишонч йўқ. Ҳамма билан шунақа ҳазил-ҳузул қилиб, қулишиб кетаверади. Сиз-ниям бир қулдирай деган-да!..

Г у л н о р а. Вой, қурмагур Малоҳат-ей. Жуда шўх киз бўлибди-да бўлмаса, менга тортиб. Мен ҳам шунақа, ерга урса кўкка сапчирдим. Ойинг ҳалимдеккина бўлиб, бир гап гапирса уялиб, қизариб ўтирарди. Сен ҳам онангга ўхшадинг. Уй иши, майда-чуйда юмушлар билан куймаланишаверасан... Майли, бу гапларни қўяйлик. Сабоҳат, сен ақлли, мулоҳазали қизсан. Ўқишинг ҳам битиб қолибди. Келажагингни ўйлаяпсанми?! Тўғриси... мен сени олиб кетгани келдим. Бу ерда ҳамшираликка жойлашиш жуда қийин. Жойлашган тақдирингда ҳам топганинг ўзингнинг юриш-туришингдан ортмайди. Ойинг айтгандир, биз поччанг билан хусусий стомотологик клиника очганмиз. Мен тишларни даволайман, поччанг эса ортопед-коронка, протезлар ясаб, тиш қўяди. Беш қўлни оғизга тикмай, ўша ернинг, одамларнинг шароитига қараб инсоф билан ишласа, кам бўлмас экан одам. Даволанувчилар кундан-кун кўпайиб, иш қизиб кетяпти. Клиникани кенгайтирмасак, мижозларни йўқотиб қўямиз. Шу келишда яна битта стомотологик стол-комплект олиш масаласини ҳал қилиб



кетишим керак. Демак, унда ишлайдиган врачлар, хамширалар муаммосиниям ҳал этиш лозим. Табиий, ойлик маош ишига қараб, плюс жой-шароитига қараб, давлатни клиникаларидан беш-олти баробар кўп бўлади. Сен мана тайёр хамшира бўлсанг, нима қиламан мўмай ойликни бировга бериб? Бу ёқда ойингнинг аҳволини сал енгиллатармидик... Айни орзу-хавас кўраман деганда, сахармардондан пол ювиб, фаррошлик қилиб келиб, яна игна-ипга кўз нуруни тўкиб, емай-ичмай сенларнинг мол-ҳолингни қилиб, умрини шундай ўтказаверадимиз?!

С а б о ҳ а т (*суюниб, сўнг суюнганини яширишга уриниб, сиполик билан*). Холажон, тўғри ҳамма гапларингиз. Мен ҳам ойимга жуда ачинаман. Нима кўрдилар ҳаётда? Дадам билан турмушлари ўхшамади. Улар ёрдам бераман десалар, ёрдам у ёқда турсин, ҳатто номлариниям тилга олдирмайдилар. Ўзлари эса меҳнат-машаққатдан бўшамайдилар...

Г у л н о р а. Нима, даданг билан кўришиб турасанларми?

С а б о ҳ а т. Фақат мен яширинча учрашиб тураман. Гоҳо ўқишимга келиб, аҳволимдан хабар олиб кетадилар. Малоҳат яқинлаштирмайди. Ойимга ўхшаб “гордий” уям. Ё ойимлардан чўчийдимиз, ҳар қалай мактабига уч-тўрт борсалар, кўзларига кўринмай, қочиб кетибди. Мен дадамни ҳам тушунаман. Суймаганга суйкалма дейишади-ку! Балки ойим бечора фақат уй, иш-юмуш деб юравермасалар, ҳаётлари бошқачароқ бўлармиди...

Г у л н о р а. Майли, қўй бу гапларни, вақти келиб ҳаммалари тушунишар – ким ҳақ, ким айбдор... Сен бу томонини ўйла. Дипломингни қачон оласан? Мен беш-олти кун шу ерда бўламан. Ҳалиги масалаларни ҳал қилишим керак. Рози бўлсанг, ўзим билан олиб кетаман...

С а б о ҳ а т (*ўйланиб ер қизиб*). Ўзимга қолса, йўқ демасдим, хола. Меҳнатдан сира қочмайман. Аммо-лекин...

Шу пайт ичкаридан башанг кийинган: тор шим, енгил кизил кофтада, пардоз-андоз қилиб олган, қўлида сумкача Малоҳат чиқиб келади.

М а л о ҳ а т. Ўтирибсизларми, компания бўлиб?

Г у л н о р а (*ҳайрат билан*). Вой, Мало-о... Жуда бошқачасан-ку, а?! Бу ерда мактабга шунақа аҳволда борса бўладими?



С а б о ҳ а т. Форманг қани, Мало? Мактабга кетяпсанми ё ўйнаганими?

М а л о ҳ а т. Ишинг борми, менда... Сиз кечаси билан дискотекада юрсангиз майли-ю, мен ўтираверайми кўмилиб... Мактабда барибир тайинли дарс бўлмайди. Чораклар якунланган, эрта-индин каникулга чиқамиз. Номига бориляпти... Синфдош болалар билан бир-икки соат мактабда бўлиб, кейин “Рандеву”га бормокчимиз. Жа класний ўйинлар бор, нарёғи фонтан...

Г у л н о р а. “Рандеву”йинг нимаси?

М а л о ҳ а т. Билмайсизми, хола? Сайилгоҳ бор-ку, кечаси-кундузи одам қайнаб ётади, ўйинлар, караоке, хоҳласангиз ашула айтасиз, хоҳласангиз расмингизни чизиб ташайди, бедний художниклар... вообщем зўр... ҳеч зерикмайсиз...

С а б о ҳ а т. Ойим биладиларми? Сўраганмисан?

М а л о ҳ а т. Ойимларни бугун ҳали кўрмадим-ку, қандай қилиб сўрайман?!

С а б о ҳ а т. Сўрамаган бўлсанг, мактабга бориб, сўнг тўғри уйга келасан, тушундингми?

М а л о ҳ а т. Ақл ўргатаверма, ўзим ҳам биламан. Ойим келиб қолсалар, сўрайман деб турибман-да сани олдинда, кўзингни мазолит қилиб.

Г у л н о р а. Катта кўчаларда шунақа аҳволда юришга кўркмайсанми, ёшгина киз?

М а л о ҳ а т. Нимадан кўрқаман? На аборот, болаларнинг ўзи кўрқади бизлардан. Мен қаратёга қатнийман. Ужe белбоғим бор. Қани биттаси яқинлашсин, “тўқвораман”, мана бунақа “приём” қилиб ташлайман! (*Қаратё машқларини кўрсатиб беради.*) Тамом, секундда ўчади...

Г у л н о р а. Вой Мало-ей-й... балосан-да, бало...

С а б о ҳ а т. Бўлди, бас қил совук қилиқларингни... Мактабингга бор, кеч қоласан ойимни кутсанг. Дарсдан кейин келиб, сўраб кетасан...

М а л о ҳ а т. Бўпти, мен кетдим бўлмаса, хэлло май френ, хэлло. (*Инглизча хиргойи қилиб чиқиб кетади.*)

Г у л н о р а. Синглинг ҳеч зериктирмайдиган киз бўлибти-да, бировга тил бермаса керак, сира...

С а б о ҳ а т. Малони кўнгли жуда тоза, хола. Бир иш қилса, ёпишиб қилади, охирига етказмагунча кўймайди. Кейин жуда киришимли, ҳамма даврага кириб кетаверади ва бирпасда даврадагиларни ўзига қаратиб олади. Гапга ҳам уста. Шунинг учун синфдошлари ҳам, кўшнилари ҳам яхши кўришади уни. Ўқишлари ҳам ёмонмас. Яна, ҳали кўрдингиз-ку, қаратэга қатнаб, мусобақаларда қатнашяпти. Фақат ўйинқарокрок. Бир жойда кўп туролмайди.

Г у л н о р а. Ҳа, тегирмонга тушса, бутун чиқади Малоҳат. Бировга ҳақини осонликча бериб қўядиганлардан эмас. Ўзи асли ҳаётда шунақа бўлиш керак. Ушлаган жойингни кес. Мақсадни аниқ қўйиб, шунга жадал интилиш керак. Бизни ўзбекчиликда нима кўп, беҳуда, кераксиз уринишлар, одамни чалғитадиган майда-чуйда юмуш, ташвишлар кўп. Ҳар хил лозимандалар, лагта-путталарга ўралашиб, умрни арзимас нарсаларга сарфлаб юборамиз. Мана, ойинг. Сенларни мол-ҳолингни бут қиламан деб тиними йўқ. Зарурми шунчалик десам, қизларимнинг бахти тўқис бўлсин дейди... (Ўйланиб қолиб бир зум хўрсиниб) Кошки бахт шу лагта-путталарда бўлса... Майли, нима бўлгандаям онангнинг оғирини енгил қилиш керак... Хўш, кетасанми мен билан?

С а б о ҳ а т (яна ўйланиб). Ойимлар кўнмайдилар барибир.

Г у л н о р а. Ўзинг рози бўлсанг, онангни мана, мен кўндираман!..

Эшик кўнғироғи жириглайди.

С а б о ҳ а т (эшикка йўнала туриб). Вой, ана ойимнинг ўзлари келиб қолдилар, шекилли...

Олтинчи кўриниш

Дастлабки саҳнадаги дискотека. Ҳали эртароқ бўлгани учун шовкин йўқ, шўх ўйинлар бошланмаган. Сокин куй таралаяпти. Лотин Америкаси оҳанглирида. Саҳнада мўъжаз стол-стуллар. Томашабинга ганиш чехралар. олти синфдошдан учтаси кола ичиб, суҳбатлашиб ўтирибди

Ф е р у з а. Ойбекнинг кетиши аниқ бўлдими, болалар?

С а н ж а р. Аниқ! Бугун хайрлашув кечаси.

Р а в ш а н. Ойбекка қойилман. Дадасини барибир кўндирибди.

С а н ж а р. Буvasига раҳмат дейиш керак. “Миравой” чол экан.
Ф е р у з а. Энди нима бўлади?

С а н ж а р. Нима бўлади, кетади энди!

Ф е р у з а. Тўғри, кетади, лекин бу ёғига нима бўлади?
Сўппайиб қишлоқда ўтирмайди-ку!

Р а в ш а н. Нега сўппайиб ўтираркан? Ишлайди. Фермер хўжалигида экономист бўлиб ишлайди. Сенга хатлар ёзади, “шаҳардаги дугонамга” деб.

Ф е р у з а. Ойбекни ўзини хат ёзадиган дугонаси бор. Зор эмас менга.

С а н ж а р (*маъноли қилиб*). Сенгаям зорлар топилиб колар.

Р а в ш а н (*бироз қизариб, ҳаяжонланиб*). Ҳа, ҳа, тўғри.

С а н ж а р (*Равшанга*). Лавлагиз чикиб кетди.

Ф е р у з а. Жиннимисан, Санди?! Равшаннинг Ойбекка хаваси келяпти.

Р а в ш а н. Очиги, ростдан ҳам хавасим келяпти.

С а н ж а р. Э, буларнинг ҳаммаси уч-тўрт кунли кислород. Кислород балонни кўрганмисан? Сваркага ишлатади-ку. Бўшагандан кейин алмаштиришади. Ойбекниям пари чиккандан кейин, милликый бўлиб қайтиб келади.

Р а в ш а н. Қайтмайди. Ойбек ориятли бола. Ўлса ҳам ғурури синадиган иш қилмайди.

Кундуз кириб келади. Ўзига жуда оро берган – очилиб кетган.

Қ у н д у з. Қалайсизлар!

Ҳамма Кундузни кўриб, бир муддат тикилиб қолади.

Ф е р у з а. Дахшат, “дуз”! Вообщем “шик”!

С а н ж а р. Тахта қилиб қўйдинг-ку, вей!

Р а в ш а н. Эҳтиёт бўл, юрагингдан уриб қолмасин.

Кундуз ўзини кўз-кўз қилгандай беғубор жилмайиб туради.

С а н ж а р. Йикиламан ҳозир!

Кундуз столда очик турган қоладан хўплаб, Санжарнинг юзига пуркайди.

Ф е р у з а. Прикол!

С а н ж а р (*ўзига келиб*). Ўв, томинг кетдими?



Қ у н д у з. Мени эмас, сенинг томинг кетди. Йиқилиб тушмагин дедим. Биру бир.

Равшан, Феруза хандон ташлаб кулиб юборишади.

Р а в ш а н. Бопладинг. Аёл кишининг макридан кўрк, деб бекор айтишмаган, оғайни. Барибир ўчини олади. Шунинг учун уларни фақат яхши кўриш керак.

Қ у н д у з. О, донолар доноси. Бу гапларни, албатта, ёзиб кўйиш керак. Феруз, дафтарингни ол.

Ф е р у з а. Ростдан, Қундуз. Жуда очилиб кетибсан.

Қ у н д у з. Ўзинглар хайрлашув куни дединглар-ку! Шунга бироз ўзимга қараб кўйдим-да.

Р а в ш а н. Бирозгинаси шунақа бўлса, росманаси қанақа бўлади? Қара, Санжар бечоранинг ҳалиям тили айланмаяпти.

С а н ж а р (қизариб). Бўлди, лағмон қилаверма!

Ойбек кириб келади. Болалар билан ҳавода қўл уриштириб сўрашади.

О й б е к. Зўрмисизлар, болалар? О, Қундуз, Қундуз! Санди, мени чимчилаб кўй! Дахшат-ку! “Ништяк” бўлиб кетибсан. Қойилман. Сабо келмадимми?

Ф е р у з а. Ойбек, Қундузни мақтайсан-у, Сабохатни сўрайсан-а?!

С а н ж а р. Сени ҳам юрагингда “дирка” бўлса, ўша юрагингни тешганни ўйлайсан.

Р а в ш а н. Демак, хозирдан бошлаб Санжарниям юраги “дирка”.

С а н ж а р. Писта қил, ўв. Тўкиб қўяман хозир.

Шу пайт Сабохат кириб келади.

С а б о ҳ а т. Бизниям даврага қўшасизларми?

Қ у н д у з. Худди келишиб олгандай-а?

Ф е р у з а. Сабо, бормисан! Намунча ҳаялладинг? Вактлик учрашамиз деб келишувдик-ку!

С а б о ҳ а т. Эй, ойимларга бир соат тушунтиришга тўғри келди. Дискотеканг ёмон жой экан, болалар бузилиб кетар экан деб, сира юборгилари келмади. Борасану хайрлашиб тезда қайтасан деб, бир соатга зўрға жавоб бердилар.

Р а в ш а н. Мана, Ойбек, эшитдингми, бўлғуси қайнонангни

дискотекага муносабатлари қандай экан. Сен бўлсанг Қашқадарёга бориб дискотека очаман деб юрибсан.

С а н ж а р (*ҳазилга буриб*). Ҳа, нима, жуда аҳдидан қайтмаса, кизларини бермай қўя қоладилар-да.

С а б о ҳ а т (*қизариб*). Жиннимисизлар, болалар. Оғизга келган гапни айтавериш экан-да!

О й б е к. Гапирларинг, гапираверларинг дадамга ўхшаб. Сизлар ҳам барибир тушунмайсизлар.

Қ у н д у з. Тушунтир биз омиларга! Мактабни битираётганда бир-биримиздан ҳеч нарсани яшириш йўқ, деб ҳаммамиз келишгандик-ку! Сен бўлса кеча кўришганимизда ҳам кўнглингдагини очик айтмадинг. Орқаваротдан эшитиб юрибмиз. Яна бирдан бугун “хайрлашув куни” дейишди.

О й б е к. Нега энди? Ахир бир проект бор, яхшилаб пиши-тиб олгандан кейин ўзим айтаман деган эдим-ку!

Р а в ш а н. Пишдими, ишқилиб?

О й б е к. Ҳозирча икки киши мен томонда. Дадамни кўндириш қийин бўляпти.

С а н ж а р. Тўғри-да! Ёлғиз ўғил, эрта-индин институтга кирадиган “каллали” бола, ҳаммасини ташлаб, чўл-биёбонга кетаман деса, ким тушунади, оғайни?!

О й б е к. Қарши ҳозир жуда гўзал шахарга айланган.

Қ у н д у з. Да-а, омиларни лол қолдиришга жуда уста бўлиб кетяпсизлар, жаноби ўғил болалар! Марҳамат қилиб бизларга ҳам тушунтирсанглар, бўлмаса биз...

О й б е к. Бўлмаса, биз акли нокислар хайрон бўлиб ўтира-верамиз, демокчимсан?

С а б о ҳ а т. Ойбек, жуда ҳаддингдан ошма!

О й б е к. Ҳазил! Болалар, мен Қаршида дискотека ташкил килмоқчиман. У дискотека бутунлай бошқача бўлади. Менинг дискотекамда ҳамма учун мусиқа бўлади: ўзбек эстрадаси, классик мусиқа, шашмақом, чет эл, рус эстрадаси, классикаси, 60-, 70-, 80-йиллар мусикаси, кексалар учун ретро мусиқа. Ашула айтмоқчи бўлганларга караоке. Албатта у ерда, рубоб, дутор, ғижжак, доира, аккордеонга ўхшаган асбоблар бўлади. Кимнинг қўлидан келса, олиб чалаверади. Хуллас, одамларнинг хоҳишидан келиб чикадиган дискотеклар бўлади.

Қ у н д у з. Нимага Қаршида, Тошкентда эмас?

О й б е к. Яхши савол. Авваламбор бундай ишни Тошкентда бошлаш учун менда етарли маблағ йўк. Кейин эса...

С а н ж а р. Қаршида бошлашинг учун маблағинг борми?

О й б е к. Йўк. Бир ойча аввал коллежимизда қашқадарёлик бир фермер билан учрашув бўлганини айтувдим-ку, эсингдами? Хўжалиги зўр, жуда гуриллаётган экан девдим. Хуллас, ўша фермер хўжалигига ишга бораман. Кейин маблағ топишга ҳаракат қиламан. Кредит оламан банклардан. Ўша фермер Сангин ака ёрдам беради! Қолаверса, мана сен борсан Санжар, ёрдам бермайсанми?

С а н ж а р. Менми... мен...

Қ у н д у з. Санжар, йўк деб кўякол. Ойбекка катта пул керак.

С а н ж а р (*Қундузга*). Сен даллолик қилма. Мен, Ойбекдан ҳеч нарсамни аямайман. Лекин Бек, бу ишинг хом иш. Реал эмас. Хомхаёл. Романтик хаёлларга эса маблағ сарфлаш бу – аҳмоқлик.

О й б е к. Майли, хомхаёл бўлсин. Мен ўша хомхаёлни ҳақиқатга айлантирмоқчиман.

Р а в ш а н. Нима учун сен?

О й б е к. Нима учун мен? Яхши савол. Мен яқинда телевизорда бир лавҳани кўриб қолдим. Риштонда бир йигит бор экан. Телемастер. У йигитнинг қўллари йўк.

С а б о ҳ а т. Вой! Қандай, қўллари йўк?

О й б е к. Шундай. Ампутация қилинган.

С а б о ҳ а т. Қўллари бўлмаса қандай ишлайди?

О й б е к. Оёқлари билан ишлайди. Отверка, паяльник, ҳамма нарсани оёқлари билан бажаради.

Ф е р у з а. Вой, мен ҳам кинода кўрганман. Биттаси оёқлари билан бутилка очади, пиво қуяди, милтик отади, расм чизади. Кулиб қотган эдим.

Қ у н д у з. Майли, буни сенга нима дахли бор? Ахир, сен соппа-соғсан-ку!

О й б е к. Ҳамма гап шунда-да. Соппа-соғман. Каллам жойида. Қўл-оёғим бутун. Лекин ногиронга ўхшаб яшайман. Да-

дам ёрдам беради, онам қўлтиклайди, тоғам ўрнимни топиб ўтказиб қўяди, холам жойлаштириб қўяди. Мана шу ногиронлик эмасми?! Ҳамма нарса олдиндан белгиланган, худди трамвай изидагидек бекатлар аниқ: мактаб, институт, сердаромад жой, ҳашаматли уй, уйланиш, бола-чака, карьера... Бир кадам у ёк-бу ёкка ўтиш имкони йўк. Фақат рельс бўйича.

Р а в ш а н. Сен трамвайда эмас, таксида юрмоқчисан, шундайми?

О й б е к. Мен ўзимни нимага кодирлигимни билишни истайман. Ўша сизлар айтган хомхаёлни ҳақиқатга айлантира оламанми-йўқми, умуман, бирор нарсага ярайманми-йўқми? Шунини билишни истайман.

С а н ж а р (*истеҳзо аралаш*). Болалар, тост! Мен мана шу колани ширин ва гўзал орзулар учун, дўстимиз Ойбек мисолида зўрға жон сақлаётган романтиклар учун ичишни таклиф қиламан. Бек, сен бизнинг фахримизсан, Ойбек учун! Унинг “Дискотека”си учун!

Ҳамма ичади.

С а н ж а р. Хонимлар ва жаноблар! Дискотека, бу – ёшларнинг эркинлик зонаси. Биз бу ерда барча нарсалардан озодмиз. Бугунги кеча дўстимиз Ойбекка бағишланган экан, значить гуляем! Сокқаси биздан!

Ф е р у з а (*ўйноқлаб*). Мана буни сахийлик дейдилар!

Қ у н д у з. Ойбек, яна битта савол берсам, майлими?

О й б е к. Марҳамат!

Қ у н д у з. Қароринг қатъий, шекилли? Ота-онангни ҳам кўндирдинг дейлик, лекин ундан кейин нима бўлади? Улар ўз холича, сен ўз холингча бошқа-бошқа яшайсизларми?

Р а в ш а н. Биз туғилганимиздан то ҳаётимизнинг охиригача ота-онамиз билан боғланганмиз, улардан ажралиб чикиб кетиб, мустақил яшашимиз қийин.

О й б е к. Бизнинг ота-оналаримиз – ўз даврларининг одамлари. Улар шундай яшаб келишган. Уларнинг тушунчасида болани катта қилиш, уни ўқитиш, уй-жойли қилиш, уйлантириб қўйиш – фарзандлари олдидаги бурчлари.

Р а в ш а н. Тўғри, биз ҳам бу бурчни бузилмас конун деб би-
либ, ота-онамиздан умидвор бўлиб турамиз. Бундан ташкари
яна, ўзимиз ҳам вақти келиб шундай қиламиз. Демак, бу бизни
конимизга жуда қаттик сингиб кетган. Ундан қутулиш мумкин
эмас. Бу – абадий анъана!

О й б е к. Тўғри, лекин шу тарзда яшайверамизми? Ахир
дунё ўзгарди-ку! Бизнинг ўз йўлимиз, ота-оналаримизники-
дан бошқача, ундан афзалроқ йўлимиз бўлиши керак эмасми?
Олдимизга аниқ максадлар қўйиб, уни рўёбга чиқариш учун
ҳаракат бошлаш зарур.

Қ у н д у з. Ойбек, ниятларинг жуда яхши-ю, гапларинг
ниҳоятда баландпарвоз-да, ўрток. Худди Олий Мажлис мин-
баридан айтилаётгандай. Қарсак чалиб юборгим келаяпти.

О й б е к. Чал қарсагингни! Ниятлар юксак бўлгандан кейин
унга баландпарвозлик ярашади-да, мен сенга айтсам!

Қ у н д у з. Ойбек, сен ўша азалий анъаналарни инкор қилиб,
ота-онанг хоҳишларини рад этиб, нимага эришмоқчисан?
Кимга нимани исбот қилмоқчисан?

О й б е к. Ҳеч кимга, ҳеч нарсани исбот қилмоқчи эмас-
ман. Мен ота-онамнинг хоҳишларини рад этиб, умуман бош
олиб чиқиб кетмоқчи ҳам эмасман. Мен фақат ўзим мустақил,
ҳеч кимнинг “поддержка”сисиз, ўз кучим билан ўз “ишим”ни
бошламоқчиман. Мен ўзим учун жавобгарликни ўз бўйнимга
оладиган пайтим етиб келди деб ўйлайман.

Р а в ш а н. Ҳаёт учун жавобгарлик? Бундай жавобгарлик
ҳаммамизнинг зиммамизда бор. Фақат бу жавобгарликни ота-
оналик бурчидан ажратиб, улардан бошқа-бошқа тушуниш ке-
рак эмас.

О й б е к. Худди шундай! Биз ўша жавобгарлик борлигини
билаемиз, лекин уни ўз вақтида бўйнимизга олишдан қўрмаемиз.
Ёки уни кераклича хис қилмайемиз. Бундай жавобгарлик анча-
гача ота-оналаримиз елкасида бўлади ва биз шунинг учун ҳам
узок вақт уларнинг қарамоғида яшайемиз.

С а н ж а р. Жуда қизиқ гаплар бўлаяпти-ку! Нима, мен ота-
онамнинг айтганини қилмаслигим, улардан бўлак яшашим ке-
ракми?

О й б е к. Менинг, сенинг ёки унинг, мустакил бўламан деганимиз, ота-онасидан буткул бўлак бўлиш дегани эмас, ҳар бир инсон ота-онаси билан умрбод боғланган.

Қ у н д у з (*Санжарга тикилиб, истеҳзо билан*). Айникса, “баъзилар”.

С а н ж а р. Тушунмадим?

Қ у н д у з. Ўзингни гўлликка солма, Санжар.

С а н ж а р. Гўлликка солаётганим йўқ. Нима демокчисан сен ўзи?

Қ у н д у з. Бу гапларнинг сенга ҳеч қандай дахли йўқ демокчиман. Сен ота-онангнинг пинжидан нари кетолмайсан. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Улар сен учун ҳамма нарсани тайёр қилиб беришади...

С а н ж а р. Нима, бунинг учун мен айбдорманми?

Қ у н д у з. Ҳеч ким сени айбдор деяётгани йўқ. Фақат бу ерда сенга дахлдор бўлмаган масала тўғрисида баҳс борапти. Сен бориб бемалол ўйинга тушаверишинг мумкин.

С а н ж а р. Сен ҳаддингдан ошаверма, мен...

С а б о ҳ а т. Бўлди қилинглар, нима кераги бор ҳозир бу тортишувни... Баҳс қилишни билмаймиз. Бирпасда мана бунақа уришиб кетамиз. Келинглар, яخشиси....

С а н ж а р. Яخشиси, рақсга тушамиз! (*Қундузнинг рўпарасига келади.*)

Қ у н д у з. Ҳа, гапинг борми менда?

С а н ж а р. Бор! Юр, рақсга тушамиз!

Қ у н д у з. Сен биланми?

С а н ж а р. Мен билан, нима қипти?

Қ у н д у з. Сен билан бир усулга тушолмайман-да. Оёғингни босиб оламан!

Ф е р у з а. Мен билан тушақол рақсга.

С а н ж а р. Э, борларинг-э!

О й б е к. Қундуз, сенга нима бўлди?

Қ у н д у з. Мени бирор марта рақсга тушганимни кўрганмидиларинг? Рақсга тушмайман дедим, бўлди-да!



С а б о ҳ а т. Бас қилинглар, болалар! Мен бошқа чидаёл-майман! Кетайлик. Ойимдан балога қоламан яна.

Р а в ш а н. Шошмай тур, Сабоҳат! Ойинг биладилар-ку, сен бугун Ойбек билансан. Бугун эса Ойбекнинг куни.

С а н ж а р (*Унинг ишораси билан бармен бу сафар шампан винолари қуйилган бокалларни олиб келади*). Мен яна бир бор Ойбек учун ичишни таклиф қиламан. Бек, сен мард йигитсан, ҳақиқий дўстсан. Мен сен билан фахрланаман. Сенинг бошлаган ишинг ҳақиқий йигитнинг иши. Бўш келма, дўстим! Билиб қўй, Тошкентда сенинг дўстларинг бор ва улар сени ёлғизлатиб қўйишмайди. Ёрдам керак бўлса – тортинмасдан сўра. Ҳар доим тайёрмиз. Гапим тўғрими, болалар?!

Ҳ а м м а. Тўғри!

С а н ж а р. Бек, сен учун! Сенинг орзуларингни рўёбга чиқиши учун!

Кундуздан бошқа ҳамма ичади.

Р а в ш а н. Кундуз, нима, шампан виноси ичмайсанми?

Қ у н д у з. Йўқ, ичмайман. Носамимий гапларни эса сира ёқтирмайман.

С а н ж а р. Тушунмадим?

Қ у н д у з. Нега тушунмайсан? Мен сенинг иккинчи мартаба қайтарган қадах сўзингни назарда тутяпман.

С а н ж а р. Мен Бекни ҳурмат қилишимни айтдим, холос. Буни керак бўлса – учинчи марта ҳам қайтаришим мумкин.

Қ у н д у з. Ўн марта ҳам қайтаришинг мумкин. Бироқ гап билан амалий ёрдам – бошқа-бошқа нарсалар.

С а н ж а р. Нима, ишонмайсанми?

Қ у н д у з. Очиги, йўқ!

С а н ж а р. Сен бугун мен билан бутунлай юзкўрмас бўлмоқчимисан?

Ф е р у з а. Кундуз, мен ҳам ҳеч нарсага тушунмаяпман. Нима демокчисан ўзи?

Қ у н д у з (*Ферузага қарата*). Нимага тушунмайсан? Ойбек қаерга кетаяпти?

Ф е р у з а. Қаршига, дискотека очиш учун. Хўш нима қилибди?!



Қ у н д у з. Биз унга нима билан ёрдам беришимиз мумкин?
Ф е р у з а. Мен йўлга тухум қайнатиб беришим мумкин.

Товуқ қовурибми...

С а н ж а р. Феруза, бор, бориб ўйинга тушиб тур! Оёғинг каллангдан яхшироқ ишлайди сени. Бор!

Ф е р у з а. Беҳазил, йўлга эрмак учун бирон нарса олса зўр бўлади. Бек, чипсини яхши кўрасанми?

С а н ж а р (*бақириб*). Феруза!!! Бас қил!

Қ у н д у з. Нега ўшқирасан? Феруза Ойбекни бошқа бегона шаҳарга бориб, дўстларисиз, ёлғиз қолишини тасаввур қилмаяпти. У ерда яшаши учун, ўз ишини йўлга қўйиши учун анча-мунча пул кераклигини билмаяпти. Ҳар хил чипсилар билан ёрдам бериб бўлмаслигини тушунмаяпти.

С а н ж а р. Бек, сенга пул керакми?

О й б е к. Керакликка керак, лекин мен ҳеч кимдан пул сўраганим йўқ.

С а н ж а р. Сўрашнинг хожати йўқ. Пул тўғрисида муаммо йўқ деб ҳисоблайвер, дўстим.

О й б е к. Раҳмат, Санжар. Мен... мен сизлардан...

С а н ж а р. Бўлди, бўлди. Сабо, тезроқ ўйинга таклиф қил, бўлмаса, йиғлаб юборадим.

С а б о ҳ а т. Мен ўйинга тушмайман, мен кетаман.

О й б е к. Тўхта, Сабо! Нимага кетасан? Сенга нима бўлди?
(*Сабоҳат жавоб бермайди.*) Гапирсанг-чи?!

С а б о ҳ а т. Нимани гапирай? Сен гапираяпсан-ку, бўлади-да.

О й б е к. Мендан хафамисан?

С а б о ҳ а т (*кесатиб*). Йўқ, хурсандман. Сен ўзинг ҳаммадан билагонсан, ҳамма нарсани якка ўзинг ҳал қилаверасан. Мен билан нима ишинг бор сени...

О й б е к. Бу нима деганинг, Сабоҳат? Ахир, келишганмиз-ку!

Ф е р у з а. Вой, писмиклар-эй!

С а б о ҳ а т. Мени тўғри тушун, мен сен билан кетишни истаганимда ҳам барибир боришим гумонга ўхшайди.

О й б е к. Нега, нима, ваъдалар ёлғонмиди? Ёки... ёки бошқа биронтаси билан...

С а б о ҳ а т. Аҳмоқ!

О й б е к. Бўлмаса, нима бўлди? Гапирсанг-чи!

С а б о ҳ а т. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Факат мен ойим билан гаплашиб олдим.

О й б е к. Сабоҳат, сен дунёдаги энг яхши кизсан. Ойинг, сира хавотир бўлмасинлар. Сен бахтли бўлишинг учун ҳамма ишни киламан. Факат... факат ёнимда бўлсанг бас!

С а б о ҳ а т. Мени кечир, Ойбек, ойимни ташлаб кетишга ҳеч кўзим қиймаяпти.

С а н ж а р. Қани, Бек, наҳотки сен шундай кизни ташлаб кета олсанг? Наҳотки сени дискотеканг мана шу, сени севгувчи гўзал қалбдан афзалроқ бўлса?

О й б е к. Санжар, мен хали охирги гапимни айтганим йўқ.

Қ у н д у з (*истеҳзо билан*). Гапир, Ойбек! Қароринг ўзгармадими? Ўз сўзида турадиган эркакмисан ёки?..

С а н ж а р. Ҳа, Қундуздан кўркиш керак... Ҳадисларда, Бек, отанинг ўз боласига тарбия бериши, бирор хунарни ўргатиши, уйли-жойли килиб қўйиши унинг бўйнидаги қарзи, деб ёзилган.

Қ у н д у з. Қойилман. Ўзингни манфаатингга бўлса, ҳадисларниям эслаб қоларкансан-а?! Ўша ҳадисларда отанинг бўйнидаги қарзини бажаришини кутиб, боласи оғзини очиб ўтириши керак деб ёзилмаганми?!

Р а в ш а н. Мусулмончиликда “сендан ҳаракат, мenden баракат” ҳам дейилган.

С а н ж а р. Бек, сен бир нарсани эсингдан чиқариб қўйяпсан.

О й б е к. Нимани?

С а н ж а р. Оилани. Оила мустаҳкамлиги – унинг бирлигида. Мустаҳкам оиладан бутун бир эл, миллат, мамлакат пайдо бўлади. Қадимдан маданий давлатларда ҳар бир оила аъзоси унинг бирлиги учун, демак, миллатнинг, давлатнинг бирлиги учун жавобгар бўлган.

О й б е к. Демак, сенингча, мен давлат бирлигини бузаётган эканман-да?

С а н ж а р. Сен давлат бирлигини бузолмайсан. Лекин ўз оиланг бирлигини бузишинг мумкин. Ота-оналаримиз бизни катта килиб, вояга етказиб, оёққа турғазганларида, бизга суянишга ҳақли бўлмайдиларми?

О й б е к. Ҳақли! Фақат мен айнан ўзим оёққа турмоқчиман. Ўзим, тушунасанми, ўзим.

С а н ж а р. Ўзим, ўзим. “Ўзим”лайверасанми?! Ҳозир гап сенда эмас. Азалдан ота-она ўз ўғлининг касб ўрганишига, тўғри йўлни топиб олишига ёрдам берган. Ўз хунари сирларини ўғлига ўргатган ва ҳоказо...

Қ у н д у з. Айнан мана шу одат ноёб касбларнинг, нозик хунарларнинг сир-синоатлари буткул йўқолиб кетишига ҳам сабабчи бўлган.

С а н ж а р. Бу нима деганинг? Аксинча, хунар авлоддан-авлодга ўтиб борган.

Қ у н д у з. Ўзинг айтаяпсан-ку, оталар ўз касблари сирларини фақат ўғилларига ўргатишган, холос. Боласи отасига ўхшаб иқтидорли чиқмаганда эса, касбнинг сири ўша бола билан биргаликда... кўмилган. Кўпгина хунарлар шу тахлит йўқ бўлиб кетган.

С а н ж а р. Нима, сен анъаналарга қаршимисан?

Қ у н д у з. Асло! Мен фақат ҳар бир нарсада маъно бўлиши, ҳар бир нарсага ақл билан англаб ёндашиш керак демоқчиман, холос.

С а н ж а р. О-о-о! Энди мен қолиб, урф-одатларимизга хуруж бошланди, шекилли. Қундуз ота-боболардан қолган анъаналаримизни ўзгартирмоқчи! Қундуз, сени ақлли қиз эканлигинга шубҳамиз йўқ, лекин бу ерда ақл ортиқча. Сендан олдин ҳаммаси ўйлаб, аниқлаб бўлинган, энди ундан фақат фойдаланиш керак, холос. Ўйлашнинг кераги йўқ.

Қ у н д у з. Аксинча, ўйлаш, фикр қилиш ҳар доим керак.

С а н ж а р. Ўйласанг-ўйламанг, ҳеч нарсани ўзгартиролмайсан.

О й б е к. Йўқ! Ўзгантириш керак!

С а н ж а р. Чепуха! Гапларингни ҳаммаси чепуха! Бўлмаган, бекорчи гаплар.

О й б е к. Тушунмадим. Менга гапираяпсанми?

С а н ж а р. Ҳа, сенга! Умуман ҳаммаларингга.

Р а в ш а н. Қани, қани, эшитайлик-чи...

Қ у н д у з. Керак эмас, Равшан, қўй уни. Ундан яхши гап чиқмайди.



Р а в ш а н. Нимага? Санжар айтганидай, бу ер дискотека – эркинлик зонаси. Бугун бу ерда ҳамма ўйлаганини, нима хоҳласа шуни гапириши мумкин. Гапир, Санди.

С а н ж а р. Балки ҳожати йўқдир?

Р а в ш а н. Нимага, жуда ҳожати бор-да.

О й б е к. Сўзла!

С а н ж а р. Сўзлаганим билан сен ҳеч нарсани эшитишни хоҳламаяпсан-ку! Ҳали ҳеч бир нарсани уддасидан чиқмай туриб, ўзингни ҳамма ишни қойилмақом қилиб қўйган қахрамон қилиб кўрсатаяпсан! Сизлар эса, унинг бурни қонашини кўриш учун бу авантюрага гиж-гижляяпсизлар.

Р а в ш а н. Сенингча, биз Ойбекни калака қилиб ўтирган эканмиз-да?

С а н ж а р. Бўлмасам-чи! Фақат аҳмоқ, калласи йўқ одамгина бундай афсонага ишонади. Фақат аҳмоқ одамгина ис-сиккина уйини, унинг учун ҳамма нарсага тайёр турган ота-онасини қакшатиб, севган қизини, дўстларини ташлаб, қандайдир дискотека учун бир ёқларга кетади. Одамнинг қилаётган ишида мантиқ бўлиши керак. Сени ўша дискотеканг шунча қурбонликка арзийдимми?!

Қ у н д у з. Жиддий айтяпсанми?

С а н ж а р. Албатта. Бу ҳаммаси туш! Сароб! Хўш, ўша томонларда дискотека барпо бўлди деб ҳам фараз қилайлик, гарчи бунга мен мутлако ишонмасам ҳам. Хўш, нима бўлади? Кимга керак ўша жойларда дискотека? Ҳеч кимга! Ҳозир бошқа замон. Мақсад – пул қилишми? Бунинг йўллари жуда кўп. Бозор, савдо сотик, уй-жой олиб сотиш, хуллас, ақлни ва оёқни ишлатсанг, бас! Сўм, бакса, евро – келаверади. Сенинг дискотеканг, кечирасану, қуруқ гап. Дискотекангга борадиган аҳмоқ топилармикан ўша сен айтган ерларда? Бир ойдаёқ банкрот бўласан-қоласан. Янгитдан велосипед ихтиро қилишнинг нима кераги бор?

Р а в ш а н. Ҳали жуда оғиз кўпиртириб, “дискотека бу ёшларнинг эркин зонаси, улар бу ерда ҳамма нарсдан озодлар” деб катта гаплар қилаётган эдинг-ку, нега энди бирпасда фикринг ўзгариб қолди?

С а н ж а р. Фикрим ўзгаргани йўк. Ҳамма ишнинг ўз ўрни бор. Ана, кўряпсанми, анаву ёшларни? Бориб сўрагин-чи, каярлик эканлар улар? Қаршидан, Намангандан, Бухородан... Булар Тошкентда жойлашиб олганлари. Қолганлари эса, Россияда, Қозоғистонда мардикорлик қилишаяпти. Так что, сени дискотекадангга келадиган ёшлар қолган эмас ўша ерларда.

О й б е к. Балки гапингда жон бордир. Лекин бундай аҳволни ҳозир ҳамма ерда кузатиш мумкин. Ўша Қозоғистону Россиянинг ўзидан ҳам қанча одамлар яхшироқ ҳаёт илинжида чет элларда сарсон бўлиб юрибди. Агар ўз жойида дурустроқ иш, даромад топса, ким бошқа юртларда сиғинди бўлиб яшагиси келади? Сенга ўхшаш пулдорлар маблағини кераксиз орзу-ҳавас деб ҳавога сарфламай, ё хасислик билан ёстикни ичига йиғмасдан, ўша чекка жойларда кичик корхоналар очса, ё бирор жўяли ишларга сарфласа, янги иш ўринлари яратилиб, ёшлар ҳам ўз ерига қаттикроқ боғланиб қолармиди?! Сангин аканинг ҳам, мени ҳам мақсадимиз шу аслида.

С а н ж а р. Ҳар ернинг тулкисини ўз лочини билан овлайдилар, оғайни. Қашқадарёда ҳам, қачон Ойбек акамиз келиб, бизга дискотека очиб берарканлар деб, оғзини очиб ўтиришмагандир. Сенга ўхшаган удабурон ўша жойда ҳам бордир? Ҳар жойни ўз қонун-қоидалари бор. Улар қонларини туя қилишинга қараб туришмаса керак? Бу ерда ҳазил кетмайди. Шундай экан, Бек, бизнесинг ҳали бошланмасдан туриб, энасини кўради деявер!

О й б е к. Бизнес? Ким айтди сенга буни фақат бизнес деб?

С а н ж а р. Нима бўлмаса, оммавий-маданий тадбирми? Ёки гуманитар ёрдамми? Балки хайриядир?! А?

О й б е к. Сенинг тилингда буларнинг ҳаммаси ҳақоратга ўхшаб эшитилаяпти.

С а н ж а р. Ҳақорат эмас, Бек, бу ҳақиқат. Бундай хайрия ишларни қилишдан аввал, яхшигина маблағ тўплаш керак бўлади.

О й б е к. Қанақа маблағ? Сен ўйлагандай, бирини дўпписини бошқасига кийдириб, алдаб пул топишми?

С а н ж а р. Кечирасан, дўстим, киноянгни ножўя ишлатдинг. Мен алдаб деганим йўк, ишлаб топиш керак дедим.

О й б е к. Қандай қилиб?

С а н ж а р. Қўлидан келганича. Масалан, бизнес орқали.

О й б е к. Бизнес дегани нима ўзи? Мен омига тушунтириб берсанг. Бизнес дегани фақат муттахамликми?

С а н ж а р. Бизнес бу ақлни, каллани ишлатиш дегани. Агар ақл бўлмаса, унда эшшакдай ишлайвериш дегани.

О й б е к. Равшан, эшитаяпсанми? Сен ғирт аҳмоқ экансан. Курувчи бўлиб ишлаб юрибсан. Курилиш материалларини жойига ишлатдим деб, бир қисмини мўмайгина сотиб юборишинг мумкин. Сабоҳат, сенинг онанг ҳам нотўғри иш тутадилар. Эрта-ю кеч ишлаб, клиентлардан кўпроқ материал талаб қилиш, кўпроқ пул ундириш хаёлларига ҳам келмайди. Менинг ота-онамчи, о-о-о! Ўта содда одамлар. Бутун умр ўқувчилару студентларнинг куруқ раҳматиға ишлаб келишади. Бир жавон қоғоз – раҳматномалар, фахрий ёрликлар, откритка-ю телеграммалар.

С а н ж а р. Худо ақл бермаса, шунақа-да!

О й б е к. Нима дединг?

С а н ж а р. Эшитганинг...

Ойбек Санжарга ташланади. Равшан, Қундуз, Сабоҳат уни ушлаб қолишади.

Ф е р у з а (*чинқириб юборади*). Болалар уришманглар, илтимос...

О й б е к. Сен, ифлос, менинг ота-онамга тил теккизма! Сен хали ўша бизнесингда бирор тийин ҳам ишлаб топмагансан. Сен меҳнат нима эканлигини биласанми? Отангни пулига қариллаб юрибсан.

С а н ж а р. Нега бўлмаса гадойга ўхшаб мендан пул сўраб юрибсан?

О й б е к. Сенданми? Мен пул сўрадимми?! Тупураман сени пулларингга!

С а н ж а р. Пулларимга тупурсанг, дискотеканг нима бўлади?

О й б е к. Бу сенинг ишинг эмас.

С а н ж а р (*Сабоҳатни кўрсатиб, масхаралаб*). Мана, тикувчи қайнанангдан сўрасанг, ёрдам қилади.

Равшан Ойбекни қўйиб юбориб, Санжарга бир мушт туширади.

С а н ж а р. Айтдим-ку, ақл ишламаганда, қўл ишлайди деб.
Р а в ш а н. Яна керакми?!

Қ у н д у з (*Равшаннинг йўлини тўсади*). Керак эмас, Равшан. Қўлингни ҳаром қилма. Бу...

С а н ж а р. Ҳозир мен сенга кўрсатиб қўяман. (*Телефон қила бошлайди*.) Алло! Милициями? Мени кўпчилик бўлиб...

Қундуз Санжарнинг қўлидан телефонни тортиб олиб, батареикасини чиқариб олади.

Қ у н д у з. Кечирасан, телефоннинг батареикаси тугади.

С а н ж а р. Қўрқоклар! (*Қулиб турган Қундузга қараб*) Нега ишшаясан?

Қ у н д у з. Ниҳоят асл башарангни кўрганимдан қувонаяпман. Яширишга кучинг етмади. Жуда зўр бериб уриндинг, бўлмади. Чидолмадинг. Ўртага пул аралашгандан сўнг, чидаёлмадинг.

С а н ж а р. Сенлар мен билан фақат пулим борлиги учун дўст тутиниб юрасанлар. Ҳа, менда бор, менда ҳамма нарса бор! Мендаги бор нарса сенларда ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди ҳам!

Қ у н д у з. Ниманг бор сени? Пулингми? Сенда бир тийин ҳам йўқ. Пул ҳаммаси отангники. Отангнинг чўнтагидаги пул билан гердаясан сен. Бугун ҳам ўзингни кўрсатиш учун Ойбекка пул бермокчи бўлдинг. Мақтанишга мақтандингу, кейин, пулни қаердан оламан, деб кўркиб кетдинг.

С а н ж а р. Келиб-келиб сенларга бераманми? Пул ҳайф сенларга!

Қ у н д у з. Аввалига Ойбекни табриклаётган, ёлғон ваъдалар бериб, унинг дискотекаси учун кетма-кет қадаҳлар кўтараётган эдинг. Масала жиддийлашганини сезгач, шартга “кассета”ни ўзгартирдинг. Зўр бериб уни қоралай бошладинг. Хўш, сен “бизнесмен”нинг қайси гапингга ишониш керак? Қайси бири сенинг ҳақиқий башаранг?!

С а н ж а р. Сен ўзинг-чи, ўзинг фариштамисан? Зўр бериб ўзингни Ойбекка хайрихоҳ кўрсатмокчимисан? Аслида Ойбек ҳам, унинг осмондаги орзулари ҳам сени заррача

кизиқтираётгани йўқ. Сени фақат мен кизиқтираман холос. Пайти келганда, мендан ўз қасдингни олиш ниятидасан. Шундай эмасми?

Қ у н д у з. Сендан? Қасд олиш? Бу нима деганинг? Очикрок гапир!

С а н ж а р. Айтардим-ку, бироқ ўзингга ёмон бўлади-да...

Қ у н д у з. Йўқ, айтасан! Мард бўлсанг, айтасан!

С а н ж а р. Хафа бўлмайсанми?

Р а в ш а н (*чидай олмасдан*). Гапир гапирадиганингни, олифтагарчилик қилавермасдан!

С а н ж а р (*Равшанга*). Бўлмаса кулок солинглар! Қундуз, мактабдалигимизда менга ёзган ишқий хатларинг эсингдами? Ҳаммасини сақлаб кўйганман, хоҳласанг қайтариб беришим мумкин. Хўш, бунисига нима дейсан?

Қундуз юзларини қўллари билан тўсиб, йиғлаб юборади.

Ф е р у з а. Санди... Санжар, шу қадар пасткашмисан-а? (*Йиғлаб юборади.*)

Равшан Санжарга ташланади. Ойбек унинг йўлини тўсиб, тўхтатиб қолади. Ўзи Санжарга яқинлашиб, қутилмаганда бир зарб билан уни кулатади.

О й б е к. Аблаҳ! Йўқол!

Санжар ҳам муштлашишга шайланади. Сабохат билан Равшан тўсиб оладилар, сўнг Қундуз яқинлашади.

Қ у н д у з. Тўғри, мен сенга ишқий хатлар ёзганман. Кейин ҳам ёздим. Фақат кейингиларини сенга беришни лозим топмадим. Шу бугунги кунгача ҳам сенга бефарқ эмас эдим. Сени ҳуснинг, қадди-қоматинг, кийинишинг, ўзингни тутишинг ёқарди менга. Озгина мактанчоқлигинг, ғуруринг, жасурлигинг ҳам ўзингга ярашарди. Байрамларда кимматбаҳо совғалар улашишинг, ўтириш-учрашувларда ҳаммадан олдин пул ташлаб, хотамтойлик қилишларинг ҳам ёқимли эди. Аммо ана шу фазилатларинг секин аста худбинлик, гердайиш, манманлик, ясамалик, шафқатсизлик билан алмашиб бораётганини ҳам сезардим. Барибир кўнглимининг қаеридадир Санжар жуда тамом бўлган эмас, у самимийлигини сақлаб қола олади

деб ишонардим, ҳатто умид килардим. Ферузага муносабатинг эрмак эканлигини сезсам-да, рашк қилардим. Бугун эса энг тубан аблаҳга айланганлигингни тўла ҳис қилдим.

С а н ж а р. Сенлар... сенлар менга доим ҳасад қилиб келгансанлар. Мени кўролмайсанлар. Тупурдим ҳаммангга. Тупурдим ўша дискотекангга! Мустақил бўлмоқчимишлар! Бўлиб бўпсан! Бир умр гадой бўлиб ўтиб кетасан. Менда эса ҳамма нарсам бор! Қолгани ҳам бўлади! Мен қаерда ўқишимни, қандай кизга уйланиб, қачон қайси “кресло”га ўтиришимни ҳам яхши биламан. Шунинг учун менга ҳасад қиласанлар. Ҳа, ҳаммаси дадам туфайли. Дадам қилиб беради ҳаммасини! Нима бўпти? Менда бор ўшанақа дада, сенларда эса йўк! Йўк... Юр, Феруз, кетдик бу ердан.

Ф е р у з а. Ўзинг кетавер!

С а н ж а р. Ия, сиззиям тилиз чиқиб копти-ку! Ҳали кетимдан итдай ялиниб келасан...

Ф е р у з а. Ҳеч қачон!

О й б е к. Йўкол, мараз!!!

Қ у н д у з. Йўк, тўхта Санжар! Мана бу хатни ол! (*Чўнтагидан хат олиб узатади.*) Бу менинг сенга ёзган сўнгги ишкий мактубим. Буни кеча ёзган эдим. Ол!.. Энди кет!

Санжар каловланиб, бироз туриб қолади. Сўнг чиқиб кетади.

Р а в ш а н. Яхши иш бўлмади, болалар.

Ф е р у з а. Бети курсин, у ҳақда ўйлашни ҳам истамайман.

Р а в ш а н. Балки вақти келиб у ҳам тушунар. Мен Санжарни яна даврамизга қайтишини хоҳлардим.

О й б е к. Болалар, тушунинглар! Бировни қўлига қараб, текинтомоқ бўлиб ўтириш ҳам ёки ҳаммага ўхшаб бир хил ҳаёт кечиришга мажбурлаш ҳам онгли инсонни таҳқирлаш билан баробар. Гўё қандайдир бир куч тажриба ўтказаетгандек. Тажриба муваффақиятли тугагач, минглаб, миллионлаб нусхалар кўпайтирилгандек, умр такрорланиб ўтаверади. Менимча уни фақат кашф этиш, ўзгартириш, ўз ақлинг, ўз кўллари билан яратиш иштиёки завклантиради. Ўтаётган кунларингга мазмун, ранг беради. Мен балки ўзим орзулагандек дискотека

қуролмасман чекка ерларда. Ундан бир дунё пул топиб, бойиб ҳам кетмасман, балки. Ёки аксинча ҳам бўлар. Ҳарқалай, мен аклим етган ва қўлимдан келадиган ишга уннаб кўрмоқчиман. Мен учун муҳими – натижаси қанақа бўлишидан қатъий назар, ўз ишимни очиб, ўз йўлимдан юриш. Керак бўлса, бировларникига ўхшамайдиган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ўз хаётимни яратмоқчиман. Мени хаёлпараст дейсизларми, тен-так ёки ҳатто аҳмоқ дейсизларми, ўзларингиз биласизлар. Барибир фикримдан қайтмайман!

П А Р Д А

Еттинчи кўриниш

Ёпик парда олди, гўё вокзал томон йўл. Саҳнадан Мастура, Гулнора чамадони билан, Сабоҳат йўл халтаси кўтарган холда ҳамда синфдош дугоналар Феруза, Кундуз ўтиб борадилар. Орадан бир ҳафта вақт ўтган.

Г у л н о р а. Бизники купейний... Поездни бошроғида, тезроқ юрайлик, кизлар...

М а с т у р а (*йиғламсираб*). Гулнор, нақ бағримни шилиб кетяпсан-да! Ёши ўн саккизга етиб, бирор кун кўзимдан нари бўлмаган эди. Қандоқ чидарканман-а?! Ишкилиб яхши бўлармикан?!

С а б о ҳ а т. Ойижон, бегона юртга, бегоналарнинг олдига кетаётганим йўқ-ку! Холамникида яшасам, холам билан ишла-сам, нимасидан хавотир оласиз?!

Г у л н о р а. Опа, обидийдангни бас килгин! Мунча ташвиш чекмасанг?! Жуда ичиксанг, уч-тўрт ҳафтадан кейин бир борарсан Малоҳатни олиб. Баҳонада ҳаво алмаштириб, уйингдан бошқа жойлар борлигини ҳам билиб, кўриб келасан. (*Ўтиб кетадилар. Улардан кейин синфдош дўстлар. Санжар, Равшан, сумка кўтариб олган Ойбекни қуршаганча саҳнадан ўтиб борадилар.*)

О й б е к. Болалар, мана кўрасизлар, бир йилдан кейин сизларни Қашқадарёга, дискотекага чақираман.

Р а в ш а н. Нима деяпсан? Нима биз бир йил қачон Ойбек чақирар экан деб кутиб ўтираемизми?

Ф е р у з а. Бир ойдан сўнг бизни кутавер. Бир Қарши томонларни гулладиб келамиз...

О й б е к. Бўпти, бўпти, болалар, кутаман...

Йигитларнинг ортидан Шавкат ва Дилбархон ўтиб борадилар.

Д и л б а р х о н. Адаси, бундай шошила қолмайсиз-а! Болалар илгарилаб кетишди, йўқотиб қўймайлик, тагин.

Ш а в к а т. Йўқотиб бўлдинг ўғлингни, яна нимасини йўқотасан...

Д и л б а р х о н. Ахир ўзингиз ҳам розилик бердингиз-ку!

Ш а в к а т. Эрта-ю кеч мингиллайверганларингдан кейин, хўп дедим-да. Қани, кўрамиз, бузоқни югургани сомонхонага-ча... Бир-икки ҳафтада бурнини оқизиб, “ойижон, қийналиб кетдим” деб йиглаб келмаса, отимни бошқа қўяман.

Д и л б а р х о н (*ҳазилнамо*). Ҳай-ҳай, ҳай, адаси, бу гапингиздан қайтинг. Яна сизни Шавкатилла номингиз қолиб, Йўлчивой ака деб юрмай...

Ш а в к а т (*жиддий*). Ҳали кўрасан “йўлчи” кимлигини!

Ўтиб кетадилар. Поезд юриши эълон қилиниб, вагонлар силжиган овозлар эшитилади. Саҳнага синфдошларини кузатиб, Феруза, Қундуз ва Равшан кириб келадилар.

Ф е р у з а. Болалар, Сабоҳат билан Ойбекка жуда ҳавасим келяпти.

Р а в ш а н. Ҳа, улар ҳақиқий романтиклар...

Қ у н д у з. Жа ичидан пишган экан икковиям. Гапни бир жойга қўйиб, йўлини топганини қаранглар, буларни.

Ф е р у з а. Нима, сениям ҳавасинг келяптими? Ё ҳасад қилаяпсанми?

Қ у н д у з. Унисиям, бунисиям...

Р а в ш а н. Қизлар, ичинглар қуримасин. Хўп десанглар, бир-икки ойдан кейин бориб келамиз.

Ф е р у з а. Иккаласи бир жойга бормаса керак. Айтган туманлари бошқа-бошқа-ку! Вагонлари ҳам бири бу бошда, иккинчиси охирроғида.

Қ у н д у з. Феруз, жуда соддасан-да... Вагони бошқа бўлгани билан, поезди бир-ку!




Р а в ш а н. Туманлари ҳам бошқа-бошқа бўлгани билан, манзиллари бир. Энг муҳими, юраклари яқин, кўнгиллари бир. Мана шуниси зўр-да!

Ф е р у з а. Боллар бугун коллеж битирувчилари учун марказдаги дискотекада “шик” “хит”лар бўлар экан. Крутой эстрадниклар ҳам келаркан... Кетдикми?!

Б а р ч а с и. Кетдик...

Ҳаммалари югуриб кетадилар. Шўх шовкинли замонавий мусика са-долари янграйди.

Т А М О М



Эркин ХУШВАҚТОВ

(1959 йилда туғилган)

ЧИМИЛДИҚ

Икки пардали фольклор-этнографик томоша

Қурбоной момомга бағишладим.

Дилбар Икромова, Мадина Мухторова ва

Абдураим Абдуваҳобовларга атаб ёздим.

Қатнашувчилар:

Момо
Келин
Куёв
Ўланчи
Амма
Қайнона
Овсин
Хола
Қайнопа
Бува
Қайнота
Тоға
Амаки
Янга
Қиз

Озод Валиев сардашти

Куёвжўралар, келиннинг дугоналари, кўни-кўшнилар, мехмон ва мезмонлар тўйда қатнашади.

Радио орқали “Чимилдик” ашуласи кетади.

*Чимилдиқда кўз очиб кўрган ёрим, ёр-ёр,
Тақдир чархи пешонамга ёзган ёрим, ёр-ёр.
Чимилдиқда бошимга қўнган қушим, ёр-ёр,
Тангрим менга буюрган ҳалол жуфтим, ёр-ёр.
Чимилдиқда нур сочган ой юзлгим, ёр-ёр,
Субҳидамда очилган гул юзлгим, ёр-ёр.
Чимилдиқда тугилган муҳаббатим, ёр-ёр,
Йиғламаган юлдузим, менинг бахтим, ёр-ёр.
Чимилдиқда бўз тўрғай бўзламасин, ёр-ёр,
Суйганидан айрилиб, йиғламасин, ёр-ёр.
Чимилдиқнинг боғлари узилмасин, ёр-ёр,
Яратган қурган уя бузилмасин, ёр-ёр.
Чимилдиқнинг чоклари сўқилмасин, ёр-ёр,
Боғланган дил риштаси узилмасин, ёр-ёр.*

Ҳамма мезбонлар мехмонларни кутиб олиш учун парда ортидан чиқиб кела бошлайди. Парда очилиб, Момо чиқиб келади.

М о м о. Куёв-келин келгунларича мен чимилдикни осиб олай. (Тугундан новвот бўлагини олиб, чимилдиққа илади.) Турмушлари новвотдай ширин бўлсин. (Иккинчи учига қошиқ илади.) Илоҳим, ризқли-насибали бўлишсин. (Чимилдиққа исириқ илади.) Келин-куёвнинг бахтига кўз тегмасин. Қўшгани билан кўша қарисин.

Ўланчи билан қизлар келинни олиб, “ёр-ёр” айтиб кириб келишади.

*“Ёр-ёр”нинг аввал боши ё бисмиллоҳ, ёр-ёр,
ё бисмиллоҳ.
Ўртамизда келаяпти каломуллоҳ, ёр-ёр-а,
каломуллоҳ,
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан-о, ўланчи қиз, ёр-ёр-а,
ўланчи қиз, ёр-ёр.
Ваъдасида турмаган ёлгончи қиз, ёр-ёр-а,
ёлгончи қиз, ёр-ёр.*



М о м о. Холаси-ю, холаси, келинингиз ўтирмаётибдилар.
Сиз ҳам бирон нарса деб юборинг!

Х о л а. Келинимдан айланай, бемалол ўтирабергин. Курок-
курок кўрпача-ю, кўрпаларни ўз қўлларим билан тикиб кел-
ганман. *(Келин ўтирмайди.)*

М о м о. Қайнопаси, сиз ҳам бирон нарса деб юборинг!
Келинингиз ўтирмаётибди.

Қ а й н о п а. Вой, келинимдан айланай, мен ҳам ўз қўлларим
билан сизга атаб иккита духоба кўрпа, иккита духоба кўрпача
тикиб келганман. Ўтира қолинг, келинжон, ўтира қолинг. *(Ке-
лин ўтирмайди.)*

М о м о. Овсин-ю, сиз ҳам бирон нарса деб юборинг, қолиб
кетманг.

О в с и н. Менми, мана шу кенг ховлини супургиси би-
лан бердим, ўчок бошини идиш-товоғи билан бердим, ўтира
қолинг, овсин, ўтира қолинг! *(Келин ўтирмайди.)*

М о м о. Қайнонаси келинингиз ўтирмаётибди. Яна бирон
нарса деб юборинг.

Қ а й н о н а. Нима десам экан. Оҳ, болам, кенг ховлининг
катта келини бўлинг. Қозон-товокни, эчки-улоқни бердим. Ет-
са молим, етмаса жонимни бердим, Ўтира қолинг, айланай!
(Келин ўтиради.)

Ў л а н ч и. Келин, ўтирди, ўтирди!

М о м о. Ош тайёр бўлса олиб кининглар, “Келин ош ема-
ди” деган урф-одатимизни қиламиз. Куёвнинг қариндош-уру-
ғига айтинглар, тайёр туришсинлар. *(Янга лаганда ош олиб
келиб, келиннинг олдига қўйилади.)*

М о м о. Куёвнинг тоғасини чақиринглар, келин ош емаяпти.

Т оғ а. Келин ош еяверинг, мен Сизга атаб ўғилларингизнинг
тўйига иккита хўкиз бокиб бераман. *(Келин ош емайди.)*

М о м о. Куёвнинг амакисини чақиринглар, келин ош емаяпти.

А м а к и. Келин ош еяверинг, мен сизларга болалик сиги-
римни бераман. Сут-қатик ичиб маза қиласизлар! *(Келин ош
емайди.)*

М о м о. Куёвнинг укасини чақиринглар, келин ош емаё-
тибди.



У к а. Келинойи, ош еяверинг. Мен ҳам сизларга атаб икки-та кўчкор бераман. (*Келин ош емайди.*)

М о м о. Куёвнинг буvasини чақиринглар, келин ош емаётибди. Сиз ҳам бирон нарса денг.

Б у в а. Келин, ош еяверинг, мен сизларга битта сандик тўла сарпоси билан бераман. (*Келин ош емайди.*)

М о м о. Қайнотасини чақиринглар.

Қ а й н о т а. Келин, ош еяверинг. Мен ҳам сизларга атаб уч хонали уй куриб бераман. Насиб этиб ўғилли бўлсанглар, ўғил тўйини ҳам қилиб бераман.

М о м о. Келинжон, уй-жойли бўлдингиз, кўй-кўчқорли, сизгир-бузоклик бўлдингиз, энди ош еяверинг! (*Келин ош ейди.*)

Доира чалиб куёв навкарлар кириб келишади.

К у ё в ж ў р а.

Беда берсанг тойга бер, ёр-ёр, ёрон-ей,

Касир-кусир чайнасин, ёр-ёр, ёрон-ей.

Қизни берсанг ёшга бер, ёр-ёр, ёрон-ей,

Ишқи билан ўйнасин, ёр-ёр, ёрон-ей.

Томга сепдим седона, ёр-ёр, ёрон-ей,

Териб есин бедона, ёр-ёр, ёрон-ей.

Ишқингда куя-куя, ёр-ёр, ёрон-ей,

Юрагим бўлди адо, ёр-ёр, ёрон-ей.

Томда товуқ ётади, ёр-ёр, ёрон-ей,

Оёқи шамдай қотади, ёр-ёр, ёрон-ей.

Қўшимизнинг қизини, ёр-ёр, ёрон-ей,

Калампирга сотади, ёр-ёр, ёрон-ей.

Оқ гардиши айлана, ёр-ёр, ёрон-ей,

Онанг бўлсин қайнона, ёр-ёр, ёрон-ей.

Отанг сени бермаса, ёр-ёр, ёрон-ей,

Олиб қочай том оша, ёр-ёр, ёрон-ей.

Куёвнинг оёғи остига поёндоз ташлаб, кутиб олади.

М о м о.

Офтоби анбарим, хуш келдингиз

Юртимнинг сарвари, хуш келдингиз.



Йигитлар поёндозни талашиб олишади.

М о м о. Омин, кўшгани билан кўша қариб, ували-жува-ли бўлишсин. Омин, Оллоху акбар. (*Ҳамма чиқиб кетади.*) Айланай, тўрга ўтинг. Қадамингиз теккан жой гулга, нурга тўлсин. Эй, тўхтанг, вой, эсим курсин, бу ўрис замонида урф-одатларимиз ҳам эсдан чиқиб кетяпти. Одатимиз бўйича куёв келиннинг қўлидан рўмолчани олмагунча ўтирмайди. Куёв тўра! Келиннинг қўлидан рўмолчани олинг. Мен чой дамлаб келаман.

Куёв ташнобнинг олдига чўнкайиб, келиннинг сув куйишини кутади. Келин сув куймайди. Куёвнинг ўзи сув куйиб, қўлини ювади. Белбоғини олиб, қўлини артади.

К у ё в. Охулардек ҳай-ёҳут деб тоғ-у тошларга учиб кетгим келади. Кетолмайман. Бўйинларда занжир, оёқларда кишан. (*Туфлисини ечади.*) Ризқимиз бут бўлсин деб буғдой солиб куйишибди. Бут бўлармикан?!

М о м о (*чай олиб киради*). Ўргилай, келинжон! Кўп йиғламанг. Бу кун йиғлайдиган кун эмас. Буғдой тўла уйни бердик, ғижинглаган тойни бердик, думбалари селкиллаган кўчқорни бердик, йиғламанг келинжон. Куёв тўра сиз ҳам ширин гаплар билан овутиб ўтиринг. (*Чиқиб кетади.*)

К у ё в. Овутишга тилим лол. (*Келинга чай узатади.*)

К е л и н. Масхара қилманг.

К у ё в. Чой куйиб узатарсиз деб кутдим...

К е л и н. Чой куйиб узатадиганингиз бошқақадир?

К у ё в. Сиз-чи?

К е л и н. Мен... (*Момо кириб келади.*)

М о м о. Яхши ўтирибсизларми, ўргилайлар? Куёвтўра! Мана бу асални “Турмушимиз асалдек ширин бўлсин деб, хазинабон бармоғингиз билан ўзингиз яланг, сўнгра келинга ҳам ялатинг. Кейин мана бу новвот сувини ўзингиз хўплаб, сўнг келин боламга ҳам хўплатинг. (*Чиқмоқчи бўлади.*) Нега ёмғирда қолган мусичадек қунишиб ўтирибсизлар? Келинжон! Очилиб ўтиринг, айланай. Куёвжон! Сиз келинга ҳар хил матал айтиб

бериб, ичини қизитманг. Мен сизларга афанди айтиб бераман. “Афандининг уч қизи бор экан, учовининг ҳам тили чучук экан. Бир куни Афанди бозорга кета туриб, қизларига тайинлаб, мен келгунча совчи келса, сизлар гапирманглар, деб ўзи бозорга кетибди. Шунда тўсатдан уйга совчилар келиб қолибди. Қизлар индамай ўтираверишибди. Совчилар хайрон эмиш. Шу пайт уйнинг тўридан сичқон ўтиб қолибди. Қизларнинг каттаси “ана чичон”, деб гапириб юборибди. Ўртанчаси “тани-тани?” дебди. Шунда энг кичиги “сен дапирсаларинг ҳам мен дапирмайман”, дебди. (*Кўёв билан Момо роса қулишади, Келин индамай тура-веради.*) Ана шундай матал айтиб беринг.

К у ё в. Маталингиз нима?

М о м о. Матал матал-да, айланай! Ҳа, латифа дегани.

К у ё в. Мен қизик қилиб айтолмайман-да.

М о м о. Айтаверинг.

К у ё в. Ўзимдан бошкаси кулмайди.

М о м о. Келин кулади, кулмаса китиклаб кулдилинг. Айтаверинг, мен чойни янгилаб келай. (*Чиқиб кетади.*)

К у ё в. Қанақа матал айтсам экан. Эсимга келмаётибди. Бир вақтлар “Муштум”да бир латифа ўқиган эдим. Афанди билан ўғли бир куни тўйга боришибди Дастурхон нозу неъматларга тўла экан. Ўғли меҳмонлардан уялмай тарвузда “Т” витамини бор, ковунда “Қ” витамини бор, узумда “У” витамини бор, бодомда “Б” витамини бор, деб, мева-чеваларни пакқос тушираверибди. Афанди меҳмонлардан изза бўлиб, ўғлининг юзига бир шапалок тушириб, шапалоқда “Ш” витамини бор, дебди. (*Ўзи кулади.*) Айтдим-ку, кулдириш қўлимдан келмайди, деб. (*Кўғирчоқни қўлига олади.*) Сени ким бу ерга кўйиб кетди? Қайси гуноҳларинг учун, нечун бошларинг эгик? Нечун жимсиз? Дард эшитадиган одам тополмаган бўлсангиз, менга сўйланг, дардкашингиз бўлай! Дардимни эшитиб, калака қилади, деб кўрқяспизми? Кўрқманг! Менинг забоним йўқ. Недандир вайрон бўлган кўнглингизни қандай кўтарсам экан?.. Мен сизга таъзим қиламан:

Кўёвини хушламаган,

Новвот сувини хўпламаган.

Келинойимга салом.
 Мажнун толдек эгилган,
 Мусичадек қунишган,
 Келинойимга салом.
 Таъзим солиб эгилдим,
 Камон ёйдек букулдим,
 Келинойимга салом.
 Гаплашолмай лол бўлган,
 Юрак-бағри қон бўлган,
 Куёвтўрага салом.

Сиз билан ҳам гаплашгилари келмаяпти, одамнинг жонсиз тимсоли, нима киламиз? (*Чимилдиққа осилган новвот бўлагини кўриб*) Новвот ейсизми? Олиб берайми? (*Новвот бўлагини олади, чимилдиқнинг бир учи ечилиб, келиннинг устига тушади, келин қафасга тушган қушдек, типирчилаб, йиғлай бошлайди*). Бу тунни йиғлашиб ўтказар эканмиз-да...

*Йиғламанг, қиз, йиғламанг, тўй сизники,
 Йиғламанг, қиз, йиғламанг, уй сизники,
 Тақдир қўшган экан бизни, начора!
 Мен сизники, сиз меники!*

Келиннинг бошига тушган чимилдик учини олиб, жойига боғлайди. Момо киради.

М о м о. Мен сизларга мошхўрда билан юпка олиб келдим, келинжон! Ҳали ҳам ўралиб ўтирибсизми? Бу кунлар умрингизнинг қайтмас дамлари, “сўнгги пушаймон, ўзингга душман” деганлар, айланай, очилиб ўтиринг. Мош-гуручдай аралашиб кетайлик, деб яхши ният билан мошхўрдани ичиб олинглар, юпкадай бир-биримизга ёпишиб кетайлик, деб юпкадан энглар, олиб ўтиринглар. (*Камтир чиқиб кетади.*)

К у ё в. Фаройиб одатларимиз бор экан! Ёпишиб кетармиз-у, қапишиб кетармиканмиз! (*Юпқанинг бир ўрамини олиб келинга узатади.*) Қапишиб кетайлик, олинг! (*Келин олмайди*). Рўза тутганмисиз? Олинг! (*Келин олмайди.*) Чўзилиб қолманг, озгина тамади килинг (*Келин жим.*) Ё... бирор дардингиз бўлса... айтинг! (*Келин яна жим.*) На тамадди киласиз, на дардингизни

айтасиз. Жонсиз, тилсиз кўғирчоқдек ўтираверасиз! Ҳа, гапиринг. *(Келин гапирмайди.)* “Ўйлаб-нетиб ўтирмай шартта уйлан, – деган экан Сукрот, хотининг яхши чикса хўп-хўп, ёмон чикса, файласуф бўласан”.

К е л и н *(қутилмаганда)*. “Ёш хотиннинг бикинида чол ётгандан кўра шу бикинга камон ўки ботган яхши”, деган эканлар шоир Саъдий.

К у ё в *(довдираб)*. И-и-и!.. Сиз ҳам файласуф экансиз-ку? Охири ёрилдингиз-а! Мен чол бўлсам, Сиз ўн тўрт кунлик ойдек бўлсангиз керак-а? *(Келинга яқинлашади.)*

К е л и н. Яқинлашманг..

К у ё в. Ойдек юзларингизни бир кўриб қўяйлик. *(Келининг рўмолини олиб юзини кўрмоқчи бўлади.)*

К е л и н. Тегманг, нари туринг..

К у ё в. Бугундан ҳасми ҳалолимсиз.

К е л и н. Момомни чақираман.

К у ё в *(дадиллашиб, Келиннинг қўлини ушлаб)*. Чақиринг!

К е л и н *(Эркак киши қўлининг тафтидан чўчиб)*. Моможо-он!

К у ё в *(орқага тисланиб)*. Ия, ёввойимисиз?

К е л и н. Тегманг дедим-ку.

М о м о *(қўлида баркаш, шошилиб киради)*. Келинжон, чақирдингизми? Айланай! *(Келин жим.)* Куёвтўра, тинчликми? *(Қўлидаги баркашни хонтахтанинг устига қўяди.)*

К у ё в. Тинчлик.

М о м о. Келиннинг овози чикқандай бўлдимми?

К у ё в. Ойдек юзларини кўрмоқчи бўлувдим...

М о м о. Ҳали келинойнинг юзларини кўрарсиз, дийдорига тўярсиз...

К у ё в. Тезроқ тўймоқчийдим...

М о м о. Қани, ҳовлига чиқиб, шамоллаб келинг-чи, болам!

К у ё в. Хўп. *(Чиқиб кетади.)*

М о м о. Пешонангизга ёзилган жуфти ҳалолингиздан уялмай, юзингизни очиб ўтиринг, жонимни қоқай. Йигит-қиз улғайиб, киз турмушга чиқади, йигит уйланади. Бу улуғ кун ҳамманинг бошига тушади. Яратганинг буюргани бу.

Бу улуғ кунга етолмай юрган не-не бебахтларни кўрганман.
Ўзинг аклли, ҳушли келинчакка ўхшайсан, кўп гапирмайин,
бошингни қотириб. Уялмасдан юзингни очиб ўтиргин, болам.
(Ўрнидан турмоқчи бўлади.)

К е л и н. Йўк, йўк, кетманг!

М о м о. Нечун, болам?

К е л и н. Кўрқаман!

М о м о. Кимдан, болам?

К е л и н. Ёвингиздан!

М о м о (кулиб). Ёв эмас, маҳрамингиз, айланай, умид, билан бир ёстикка бош кўйган жуфти ҳалолингиз, кўрққанда қалқонингиз, суянганда тоғингиз бўлади. (Ўрнидан туради.)

К е л и н. Моможон, тўхтаг! Озгина гаплашиб ўтиринг.

М о м о. Гапир, болам!

К е л и н. Бирпас ўтиринг!

М о м о. Кўнгил-кўнгилдан сув ичадиган кечада ораларингизда Қоработир бўлиб ўтираманми? Бу кеча сирли кеча... Мен билан гаплашгандан маъни йўк, болам. Бу кун куёвтўра билан гаплашганда маъни бор. (Куёвни чақиради.) Куёвтўра! Шамоллаб келган бўлсангиз, бери келинг. (Куёв киради.) Мана бу бобонгиз таққан пичоқ. Ўзбек йигитларининг белидан белбоғ билан пичоқ тушмасин, бу узукни келиннинг қўлига такиб кўйинг. Пичоқ билан узук фарзанд белгиси. Бисмиллохир раҳмонир роҳим! Серфарзанд-сердавлат бўлинглар! Бу фаранги рўмол билан келиннинг сочларини юқоридан пастга қараб силанг. Келин ипакдек мулойим бўлиб, сочлари хамиша эркалашга арзийдиган бўлсин. (Куёвни четроққа бошлаб пичирлайди.) Аввал келиннинг оёғидан маҳсисини ечиб олинг.

К у ё в. Нега мен ечиб оламан?

М о м о. Ирими шунақа...

К у ё в. Иримингиз ҳам кўп экан-да!

М о м о. Бу урф-одатларимизнинг ярми, болажоним!

К у ё в. Қўйсангиз-чи, шу одатларингизни!

М о м о. Урф-одатларимизга нописанд қараб, бебахтлар кўпайиб кетяпти. Бахтли бўлай десангиз, айтганимни қилинг, ота-боболаримизнинг айтганларида ҳикмат катта.

К у ё в. Бахтли бўлармиканмиз?

М о м о. Айтганларимга кулоқ солсаларинг, бахтли бўласизлар.

К у ё в. Бахтли бўлишга кўзим етмаяпти...

М о м о. Тавба денг, оғзингиздан чикқанини шамол учирсин! Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди. Яратганнинг буюргани билан чимилдикқа кирибсизлар, бахтли бўлайлик, деб ният қилинглар. Бўшашмасдан келинни гапга солинг!

К у ё в. Гапга сололмаяпман.

М о м о. Келин бамисоли кулф, калитни топиб очинг!

К у ё в. Калитини тополмаяпман.

М о м о. Сизни ким айтади, йигит киши деб, калитини топинг. (*Чиқиб кетади.*)

К у ё в (*ўз-ўзича*). Маҳсисини ечаман десам, дод солсачи, нима килсам экан? Қизик гаплар ҳам шу топда эсга келмаяпти. (*Келинга*) Кеча кўшнимизнинг эчкиси бир туғишда еттита туғиб, кичик холамга етиб қолипти. Бечора, арзончилик замонда туғиб олувдим, энди қандай қилиб боқиб олсам, деб бўзлаб юрибди. Кишининг юраги ачир экан. (*Секин бориб маҳсисини ечмоқчи бўлади, келин оёқларини тортиб олади. Ўз-ўзича*) Маҳси ечиш ҳам қийин экан, кўнгил қулфини ҳам очиш азоб экан. (*Сукут.*) Бир куни онам “чироқ ўтказаман, битта хўроз ушлаб сўйиб бергин, болам”, дедилар. Мен “йўк”, дедим. “Уйда отанг, аканг йўк, болам, сўйиб беракол”, деб ялинсалар ҳам “сўймийман”, деб туриб олдим. Охири онам укамга сўйдиришга мажбур бўлдилар. “Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деганларидек, укам кекирдагидан сўйиб қўйибди. Бир маҳал боши ёнига осилган хўроз ховлида қон сачратиб чопиб юрибди. Укам кўлида пичок, даҳшатдан қотиб қолган, онам фақат тавба дейди. Ўша даҳшатли манзаралар йиллар ўтса ҳам хаёлимда жонланаверади. Одамзоднинг озори билан, чала сўйилган хўроздек йўлнинг ҳис-туйғуларини йўқотиб, яшай-верамиз, хаёт олғирларга осон, камсуқумларга озор экан. Гоҳ дод дегинг келади-ку, овозинг чикмай қолаверади. Яқинда бир шоир йигитнинг шеърини ўқиб қолдим. Ўқиб берайми? (*Ке-*



лин жим.) Нега жимсиз? Яхши шеър экан, калбимга сингиб колибди. Эшитинг, сиздан ҳам ун чиқиб колар?

Тошларга сўйладим,

Мен дардларимни.

Оғриқдан инграниб,

Тошлар гуллади.

Тогларга сўйладим аламларимни.

Ўкириб-ўкириб тоғлар йиглади.

Сахрога сўйладим армонларимни,

Таскин майсалари кўкариб чиқди.

Осмонга сўйладим ҳасратларимни,

Осмон ўпирилиб, бошимга тушди.

Одамга сўйладим оғриқларимни,

Одам эшитгиси келмади мени.

(Сукут.) Сиз ҳам бир нарса денг! (Сукут.) Ялинайми? (Сукут.) Эркалайми? (Сукут.) Юзини кўрсатмаган гўзалим менинг, очилмаган гул ғунчам менинг, очилмаган гул ғунчам менинг, кўзи очилмаган мушукчам менинг! (Алам билан нима деганини, нима қилаётганини сезмайди.) Тиз чўкайми? (Тиз чўкиб) Бир умрлик кулингиз бўлай, калишларингизга патак бўлай, вафодор итингиз бўлай, (асабий) истасангиз ҳозирок итингиз бўлай!.. (Тўрт оёқлаб келинга суйкалади.) Ит бўлиб ўтганнинг этагидан ол, десангиз оламан, хур десангиз хураман, (ўзини унутиб) бир оғиз хур, денг, азизам! Яна нимангиз бўлай? Хохласангиз эшагингиз бўламан! Миниб тезак терасиз, ўтин ташийсиз. (Эшакдек лўкиллаб юради.) Хохласангиз ханграб ҳам бераман. Буюринг, маликам! Истасангиз отингиз бўлай. Яёв юрмайсиз, узоғингизни якин қиламан. Мининг устимга!.. (Келинчакнинг олдига бориб елкасини тутуди.) Нега ўтирибсиз, мининг! (Келин қалтираб ўрнидан туради.) Мининг, ота-онангизнинг олдига олиб бориб қўяман...

М о м о (ҳовлиқиб киради). Куёвтўра, сизга нима бўлди?

К у ё в (келинга бақариб). Мининг деяпман!

М о м о. Ақлдан озяпсизми?

К у ё в. Ҳамманг эшак қилиб минмоқчи бўласанлар!

М о м о. Вой, ўлай, юрагим лакиллаб қолди-яй!



К у ё в. Мининг деяпман!
 М о м о. Туринг, уят бўлади.
 К у ё в. Нимаси уят?!
 М о м о. Келиннинг ўтакасани ёрибсиз!
 К у ё в. Ёрилса-ёрилсин!
 М о м о. Ундай деманг, ақлли, вазмин бола эдингиз-ку?
 К у ё в. Ақлли, камсукум, бўш деб ҳамманг минмоқчи бўласан. Шу пайтгача ҳеч кимга бош эгмадим. Келинингизни миндириб, тезак тердиргани олиб бормоқчи эдим.
 М о м о. Нималар деяпсиз, болам?
 К у ё в. Одамлар эшагини топса, пиёда юргиси келмайди.
 М о м о. Келиннинг нози бўлади-да, болам!
 К у ё в. Бу ноз эмас, келинингизнинг нияти мени миниш бўлса, ҳозир минсин, кейин...

М о м о. Асов отни минги қилишнинг ўзи бўлмайди.

*От кетидан эргашганни той дейдилар,
 Шоли эккан эр йигитни бой дейдилар.
 Тўқсон уч кун ботқоқ кечиб лой тепганнинг
 Тиззасидан бўйнигача мой дейдилар!*

Кани, ҳовлига чиқиб бир шамоллаб келинг!

К у ё в. Энди шамоллаб умримиз ўтаркан-да... (*Чиқиб кетади.*)

М о м о. Келин боламни юраги қинидан чиқишига озгина қолибди-я! Мен қозонни кириб, озгина қорақуя олиб келай (*чиқади.*)

К е л и н. Э, худо мен нима гуноҳ қилувдим?

М о м о (*Пиёлада сув, қорақуя олиб қиради.*). Мана бу қорақуяни ичиб олинг, қўрқувни босади. (*Келин ичади.*) Менинг ҳам юрагим лакиллаб қолди. (*Ўзи ҳам ичади.*) Мен ҳозир... (*Чиқиб исуриқ тутатиб қиради.*) Келин-куёвга ёпишган бало-қазони ҳайда! Туринг, этагингизни кўтариб туринг. (*Келин этагини тутади.*)

К е л и н. Ёзиғим не, Тангрим?

М о м о. Инс-жинларни ҳайда. (*Келиннинг бошидан уч марта айлантриб, дуо ўқийди, исуриқни олиб чиқиб қайтиб қиради.*) Нима жин урди, болаларим?!

К е л и н. Мени жин ургани йўқ.

М о м о. Ҳали ёшман деб кўрқаяпсизми? Ҳозирги ёшлар 20 га кирса ҳам ёшман деб, турмушга чикмай юраверади. Қадимги замонда ундай кизлар қарикиз саналиб, боёкишларга харидор ҳам келмас эди.

К е л и н. Қадимгиларингиз киз эмас, кул бокишар экан-да?

М о м о. Гап қулликда эмас, болам! Ота-она кизни узатишдан олдин етти ўлчаб бир кесади. Қиз ота-онанинг кўнглига қарайди. Кўча-кўйда ялашиб-юлқашмаган, умрида кўрмаган мисли Фарҳоддек йигитни куёв бўлиб, чимилдикнинг бир томонини кўтариб кириши, юрагинг қинидан чиқай деб титраб кутишнинг ҳам гашти бор, болам! Кўз очиб кўрганинг чимилдикда маҳрамингга айланади. Ўртада хаё-андиша, меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Эрни пайғамбардек сийлаб, яшаб кетишаверарди.

К е л и н. Моможон, осмондек кенг, юлдуздек мўл орзуларим бор эди. Зебунисодек шоира бўлмоқчи эдим.

М о м о. Орзулари дунё, умидлари дарё болам-а! Шоира бўламан десанг, шу киндик конинг тўкилган кишлоғингда ҳам бўлсанг бўлаверади. Сендан худо раҳматини аямаган экан, шу табаррук тупроқни, содда ҳамкишлокларингнинг орзу-армонларини, тоза табиатини, ўт-ўланларини, урф-одатларини шеър-га сол, болам!

К е л и н. Узоқ юртларга бориб ўқимоқчийдим.

М о м о. Кўйсанг-чи, узоқ юртларни. Ўз кишлоғини ташлаб, мусофир юртларда бошпанасиз, қариндош-уруғсиз, сарсон-саргардон бўлиб юрган шоирларни ҳам кўрганман. Қишлоғининг бир сиқим тупроғини кўзига тутиё қилолмай, ота-онасининг дийдорига тўёлмай, соғиниб юрганларни ҳам кўрганман. Уларга хавас қилма, болам!

К е л и н. Отам орзу-умидларимни ўлдириб, “чимилдик” деб аталмиш қафасга тикиб қўйдилар!

М о м о. Ҳай-ҳай, чимилдик қафас эмас, муқаддас жой, болам!

К е л и н. Қафас! Уйга қайтиб бориб отамнинг бошини ҳам қиламан.

М о м о. Капалагимни учирма, отангнинг бошини ҳам қилиб, бахтли бўлолмайсан. Чимилдикка хиёнат қилиб, қочиб, армон билан юрганлар, чимилдик кўрмай, никоҳсиз фарзанд кўриб, узоқларда юрганларнинг тақдирига ҳавас қилма!

К е л и н. Ҳаммаси ҳам бебахт эмасдир?

М о м о. Ақлингдан ўргилай, тўғри бахтини топганлар ҳам бор.

К е л и н. Бахтимни тополмасам, ёлғиз яшайман.

М о м о. Ёлғизликдан худо сақласин. Ёлғизликни худо кўрсатмасин. Ёлғиз яшаганнинг биттаси мен. Чолим шўрликни баталонга олиб кетган кўйи қайтиб келмади. Уч қизим билан бўтадек бўзлаб қолдим. Бева деб ёмон кўз билан қарашлар, хўрлашлар кўп бўлди. Мени суянадиган тоғи йўқ, деб Мирзачўлга ҳайдашди. Чўл иссиқ, сув йўқ, болаларим кучук боласидек ғингшийди. Дардингни эшитадиган одам йўқ. Тепадан берилган буйрукни бажариб кун кўраман деган ақли косир, кўр, юзсиз, соткин махлуқлар не кунларни бошимизга солмади. Ўша кунларни эсласам, ҳали-ҳали юрагим орқамга тортиб кетади. Умр йўлдошсиз ит азобини тортганман. Бева деб не кунларни бошимга солишмади. Бева бошим билан Мирзачўлдан қочиб, поездга осилиб, минг азоб билан юртимга қайтиб келдим. Уч қизимни, мушук боласини кўтариб катта қилгандек, катта қилдим. Ҳирс билан боққан нигоҳларга бардош бердим, эримга хиёнат қилмадим. Худонинг пешонамга ёзган ёзиғларига чидадим. Тангрининг менга атаган кунлари ҳам бор экан. Уч қизимни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиб, жойини топиб узатдим. Ҳозир Буви қизимнинг олти фарзанди бор, Норбувимнинг 11 фарзанди бор, Норхолим қирққа киргани йўқ, 10 та фарзанди бор. Худога минг катла шуқур, шу ёруғ кунларга етиб келдим. Сабр-қаноатда гап кўп, болам!

К е л и н. Яратган буюрди деб, йиғлаб-сиқтаб кўникиб қолавераманми?

М о м о. Яратганга шак келтирма.

К е л и н. Сиз ёлғиз яшабсиз-ку?!

М о м о. Мен урушнинг касофатига ёлғиз яшадим!

К е л и н. Мен ҳам ёлғиз яшайман!

М о м о. Қайсар бўлма, болам, ҳамма нарса жуфт-жуфт қилиб яратилган. Кўёшнинг жуфти ой, ернинг жуфти осмон,



куннинг жуфти тун, дунёнинг жуфти охират. Ёлғизлик факат Оллох таолога ярашур, болам!

К е л и н. Мени тушунинг, моможон! У кишида кўнглим йўк.

М о м о. Кўнглим йўк? Тўй бўлмасдан олдин “Ўламан, сатор, бу одамга тегмайман!” десанг бўлмасмиди?

К е л и н. “Тегмайман” деб тўполок килдим. Отам бир сўзли одам, айтганларидан қайтмайдилар.

М о м о. Гулчи бир гулни ўстиргунча юз тикон захрини тортади. Отанг кўра била туриб, жарга итармагандир?

К е л и н. Жарга итармагани шуми, ёши ўтган одамга беришди. Шунинг учун уйга қайтиб бориб, отамдан ўчимни оламан.

М о м о. Болалик қилма, болам! Отага ўчакишиб бўлмайди. “Пардали киз – парига тенг” дейдилар. Айб ота-онангдами? Куёвдами? Сендами? Биз ҳаммамиз хом сут эмган бандамиз. Беайб – Парвардигор. Парвардигор буюрибдими, шу хонадонга келин бўлиб тушиб, чимилдикқа кирдинг. Чимилдикнинг ичи – бахт остонаси. Эрнинг эрлигига, кизнинг бокиралигига гувоҳ, муқаддас жой! Муқаддас жойга хиёнат қилманглар! Насиҳатни ҳам насибалик киши олар экан.

К е л и н. Ўлсам-ўламан, ўзимга кўлини теккиздирмайман!

М о м о. Капалагимни учирма, болам. Палахмон тошига ўхшаб отилган киз боланинг пешонаси курсин... Бахтли бўлгин дейман-да, болам!

К е л и н. Менга бахт истаган, моможон, у одам менга бегона.

М о м о. Мен ҳам ожиз бўлиб қолдим. Мен сенга бир матал айтиб берай. Мағзини чакиб кўр! Ғайрат неварам тўти боқишни яхши кўради. Ёлғиз тўтисини кўпайтираман деб, эркак тўти сотиб олиб, иккисини бир қафасга солиб камаб кўйди. Аёл тўти эркак тўтини ўзига яқинлашгирмай, чўқишиб патлари тўзиб кетди. Ноилож уйнинг эшик-деразаларини ёпиб, эркак тўтини кўйиб юборди неварам. Қафасдаги тўти питирлай бошлади. Қаноти синиб колмасин деб, аёл тўтини ҳам кўйиб юборди. Чийиллашиб, иккаласи бир-бирини роса кувишди. Эшикни ёпиб чикиб кетдик. Бир маҳал урчуғимни олай деб уйга кирсам, иккаласи қафаснинг устига кўниб, бир-бирининг пинжига кириб, чуғурлашиб ўти-

рибди. Орадан кунлар ўтиб, нима бўлди-ю, эркак тўти ўлиб қолди. Бирам ичим ачиди. Аёли ҳам узоқ яшай олмади.

П А Р Д А

М о м о (*Кириб келган Куёвнинг олдига пешвоз чиқади*).
Ёмғир ҳали ёғмадими?

К у ё в. Йўк!

М о м о. Кечадан бери осмонда булут дард тутган хотиндек тўлғониб, ёмғир ҳам ёғмади-я!

К у ё в. Осмондаги булут ҳам учаламизга ўхшайди.

М о м о. Гапингиз курсин. Ёмғир ёғса, ғуборларни ювиб тозаларди.

К у ё в. Ёғиб қолар...

М о м о. Шўримиз қуриб қолди, болам. Энди нима қиламиз?

К у ё в. Нима?

М о м о. Индамас келинимиздан бир пайтавалик жун чикди.

К у ё в. Қасридан?

М о м о. Ха, содда куёв-а, мақолни ҳам тушунмайсиз. Мақталган келиннинг тўйдан кейин бир хунари чикса, шундай дейишади қадимгилар.

К у ё в. Нима хунари бор экан?

М о м о. Эй-й, айтишга тилим бормайди.

К у ё в. Хунук эканми?

М о м о. Ойдаккина!

К у ё в. Чўзмасдан гапиринг!

М о м о. Отаси сизга мажбурлаб узатган экан. Ўзимга қўлини теккизгани қўймайман, деяпти.

К у ё в. Ўзгани суйган эканми?

М о м о. Билмадим!

К у ё в. Мен нима қилай?

М о м о. Билмадим, болам. Бошим котиб, майнам айланиб қолди.

К у ё в. Жавобини бериб юборайми?

М о м о. Йўғ-э, зинҳор ундай қилманг.

К у ё в. Нима маслаҳат берасиз?



М о м о. Яна бир бор кўнглига кўл солиб кўринг. (Чиқиб кетади.)

К у ё в (ўз-ўзига). Нима маслаҳат берасан, калбим! У бечорага раҳмим келаяпти. У оккуш аталмиш кушчани кафасдан кўйиб юборайми?.. Кўйиб юборсам эртага одамлар “куёв эркак эмас экан, шунинг учун уйланмай юрган экан”, деб гап таркатишмайдими? “Ит хуради – карвон ўтади”, дейдилар. Ит феълли одамлар олти ой хурар, бир йил хурар, охири жағи чарчаб, тинчиб қолар. Суймаган юракни зўрлаб суйдирилмайсан. У тақдирдан буюрган ўзганинг жуфтидир. Ўз суйганини топиб бахтли яшасин. Одамларнинг гап-сўзи деб, бир бокира кизни бебахт қилиб қўйсам, Оллоҳ бу гуноҳимни кечирармикан? (Келин киради.)

К у ё в. Неча ёшга кирдингиз?

К е л и н. Ўн олтига!

К у ё в. Мен ўн еттига кирганимда еру кўкка жар солиб дунёга келган экансиз-да?

К е л и н. Отам ўзлари кеч уйланганлари учун мени эрта куёвга бердилар.

К у ё в. Шунинг учун ҳам отангиз мени тушунган эканлар-да?

К е л и н. Қаранг-а, отам от миниб кидириб, ўзларига ўхшаганини топиб, кизларини ўшанга берибдилар!

К у ё в (Келинга қараб). Мендан нима истайсиз?

К е л и н. Жавобимни беринг, кетаман.

К у ё в. Майли, мен розиман.

К е л и н (Ҳайратланиб). Чинданми?

К у ё в. Ёлғон сўз айтишни ёмон кўраман!

К е л и н (Қафасдан қутулган қушдай эсанкираб қолади). Кишининг кўнглини тушунадиган одам эканлигингизни кўнглим сезган эди. (Кўғирчоғини олиб бағрига босганча чиқмоқчи бўлади.)

К у ё в. Қоронғидан кўркмайсизми?

К е л и н. Кўркмайман.

К у ё в. Балки, тонгда кетарсиз?!

К е л и н (шошилиб). Ҳозирок кетаман!

К у ё в. Шошманг, олиб бориб кўяман.

К е л и н. Йўқ, ўзим кетаман.

М о м о (*Келиннинг йўлини тўсади*). Йўл бўлсин, болам?!

К е л и н. Уйга кетаман.

М о м о. Капалагимни учирманг!

К е л и н. Жавобимни бердилар!

М о м о (*ҳовлиқиб*). Талок килдимми?

К е л и н. Йўқ.

М о м о. Хайрият-э, талок айтдимми, деб юрагим кинидан чиқиб кетай деди-я.

К е л и н. Талоксиз ҳам кетавераман.

М о м о. Мусулмончиликда талоксиз кетиб бўлмайди.

К е л и н. Кетишимга рози бўлдилар-ку!

М о м о. Ёмғир томчилаяпти, ҳадемай жала қуяди.

К е л и н. Тош ёғса ҳам кетаман.

М о м о. Ярим кечада қишлоқнинг итлари талаб ташлайди.

К е л и н. Майли, итлар гўштимни еб кетсин.

М о м о. Кетсанг, юзинг қаро бўлади, билиб қўй!

К е л и н. Бўлса бўлсин!

М о м о. Куёвнинг остонасидан ўтдингми, эр кўрган хотин ҳисобланасан...

К е л и н. Гапирманг!

К у ё в. Бечорага азоб берманг, момо!

М о м о. Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни гапирай, кетсанг, энди сенинг тенгинг хотин қўйган, хотини ўлган, икки-уч болали эркаклар бўлади.

К е л и н. Эшитишни истамайман!

М о м о. Ҳозир кетсанг “тоза эмаслиги учун ҳайдаб юборибди”, деб бокира қайтганингга ҳеч ким ишонмайди.

К е л и н. Бўлди-да, момо!

М о м о. Ҳақ гап аччиқ бўлади, маломат тошлари бошларингни ёради.

К е л и н. Қонимга беланиб қолай, кетаман.

М о м о. Ҳеч қаерга қўймайман.

К е л и н. Йўлимдан кочинг, моможон!

М о м о. Нима десанг дегин, ҳозир ҳеч қаерга кетмайсан!

К у ё в. Қўйинг, момо, мен рози бўлдим-ку, кетса кетсин!

М о м о. Мен иккалангинг ҳам ота-онанг олдида жавоб беришим керак. Кўнгилларинг кўнгилларингга тушмас экан, эрталаб келиннинг ота-онасини чақиртирамиз. Ота-онангиз олдида уч талоқ қиласиз. Сўнг келиннинг кўчини ортиб, жўнатиб юборамиз. Иккалангиз ҳам эрталабгача чимилдикда чидаб ўтирасизлар. Гап шу! (*Чиқиб кетади.*)

К е л и н. Ўлгим келаяпти, онажон!

К у ё в. Куюнманг!

К е л и н. Нега туғдингиз, онажон?!

К у ё в. Ўкинманг!

К е л и н. Қаердасиз, онажон!? (*келин ўқсиб-ўқсиб йиғлайди.*)

К у ё в. Йиғламанг... (*Рўмолча тутади.*) Кўзёшларингизни артинг!

К е л и н. Телба!

К у ё в. Тўғри.

К е л и н. Дарвеш!

К у ё в. Ҳақ гап!

К е л и н. Латта!

К у ё в. Лапашангман!

К е л и н. Худо юзингни тескари қилсин!

К у ё в. Майли...

К е л и н. Эркак киши ҳам шу ёшгача уйланмайдими?

К у ё в. Сиз сўраманг!

К е л и н. Шу топгача уйланган бўлганингизда, мени зўрлаб узатишмаган бўлардилар.

К у ё в. Айбдорман, азизам!

К е л и н. Азизангиз эмасман сизнинг...

К у ё в. Майли, жоним!

К е л и н. Жоним деманг, жонингиз чиксин!

К у ё в. Танимда жоним йўк. Жоним қуш бўлиб ўзга юрларга учиб кетган. Иккимиз бир қафасда нима қиламиз? Сўзсиз ўтирганимиз билан вақт ўтмаса керак. (*Сукут.*) Эртагим тугагунча тонг ҳам отиб қолар! Кейин сиз уйингизга кетасиз, мен эса қалбим билан яна ёлғиз қоламан. Эшитасизми?

К е л и н. Эртагингиз бошингиздан қолсин!

К у ё в. Ҳалиям бошимдан қолганини айтиб бераман. Бор экан-да йўк экан, оч экан-да тўк экан. Қадим ўтган замонда, Амударё томонда париҷамол қиз яшаган экан. У қизнинг ой деса оғзи, кун деса кўзи бор экан. Кулса оғзидан гул, йиғласа кўзларидан дур тўкилар экан. Сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринар экан. Хуллас, бир қултум сувсиз ичсанг ҳам томоғингдан култ этмай ўтиб кетар экан. Ўша қиз улкан шаҳарлардан бирига илм олгани кетибди. Донолар, нодонлар, ориқлар, семизлар, пишиқ-хомларнинг юрти бўлган улкан шаҳарда пари қизнинг жамолига махлиё бўлган ошиқлар соя-дек эргаша бошлабди. Шаҳарга узок кишлоқдан содда, самимий, оғзи-боши тиржайган, эғни-боши қийшайган, камсуқум, кўримсизгина бўлса ҳам ғурури теракдек баланд, бир йигит ҳам ўқишга келибди. Руҳи-руҳига, гапи-гапига, фикри-фикрига, кўнгли-кўнглига мос тушган париҷамол қиз билан камсуқум йигит дўстлашибди. Худонинг ор-номусли, беозор бандалари булбулдек сайрашиб, мусичадек кукулашиб, юмронқозикдай ўрмалашиб тонглар оттираверибди, кунлар ботаверибди. Йигит калбидаги дўстлик уруғи муҳаббатга айланиб, ўшал париҷамол қизнинг хаёли билан яшай бошлабди. Ҳис-туйғуларини жиловлай олмаган йигит пари қизга “мен сени суйиб қолдим, ишқингда куйиб қолдим”, дебди. Кутилмаган “севги изҳори”дан пари қиз қотиб-қотиб кулибди. Йигит муҳаббатимдан кулди, деб юрагимга, йўк, юрагига оғриқ кирибди. Беқарор ошиқларнинг “севги изҳори”дан безиб қолган пари қизнинг юраги санчадиган бўлиб қолибди. Муҳаббат дардидан иккаласи ҳам юрак оғриғи орттириб олишибди. Иккаласи гаплашмай қўйишибди. Тундай қора, йилдай оғир кунлар ўтаверибди. Битирув окшомида май ичиб, ширакайф бўлган йигит дадиллашиб “мен сени севиб қолдим, ишқингда куйиб қолдим, қалбим ўша-ўша”, дебди. (Сукут.) Пари қиз мийиғида кулиб бир сўз демабди. Пари қиз ўз юртига кетибди. Муҳаббат ичида қолган йигит ҳарбий хизматга кетибди. Муҳаббатидан кўнгил узолмай қизга мактуб ёзибди. Жавоб хати келмабди. Йигит муҳаббатидан кўнгил узиб, дили вайрон, кўзи гирён бўлиб кун ўтказаверибди. Кунларнинг бирида ку-

тилмаган мактуб келибди. Мактубни очиб ўқиса, пари киздан экан. Йигитнинг юраги бу гал севинчдан санчибди. Пари киз “Сизнинг муҳаббатингизни тушунмай, хато қилибман. Сиздан ўзгани суёлмаяпман, муҳаббатингиз сўнмаган бўлса сизни ку-таман”, дебди. (Сукут.) Камсукум йигит жони ичига сиғмай пари киз томон учгиси келибди-ю, хизматчилик, учолмабди. Дил сўзини маржондек тизиб, япроқдек тўкиб, ишкий мак-тублар битибди. Пари киз мактубларининг бирида севгингиз чин бўлса, бизнинг юртларга келинг, ота-онам сизга турмушга чиқишимга рози бўлади, деб шарт қўйибди. Сизнинг юртин-гизга борсам “Ота-онасини, қишлоғини ташлаб, бир кизни деб олис юртларга бош олиб кетибди”, дейишмайдими? Сиз ҳам ота-онангизни кўндилинг, мен ҳам ота-онамни кўндирай, Амударёда ҳам эмас, Кешда ҳам эмас, бир-биримизни уч-ратган кўҳна Шошда яшайлик, дебди. Қиз мактуб ёзмай қў-йибди. Пари киздан айрилиб қолишдан қўрққан йигит минг пушаймон бўлиб, ҳамма шартларингизга розиман, сафардан қайтишимни кутинг, дебди. Жавоб мактуби келмабди. Йигит хизматдан қайтгунча киз девга турмушга чиқиб кетибди.

К е л и н. Нега энди девга?

К у ё в. Чин севгининг кадрига етмаган “маликалар” бо-риб-бориб “дев”ларга турмушга чикади-да...

К е л и н. Бахтлимикан?

К у ё в. Олис юртдан эсиб келган совуқ шамолларнинг ай-тишича, пари киз бахтсиз экан!

К е л и н. Нега бахтсиз экан?

К у ё в. Дев “менга юраги касал хотин керак эмас”, деб хайдаб юборибди.

К е л и н. Балки миш-мишдир?

К у ё в. Йигит ҳам шундай деб ўйлаб, Амударё томон-ларга бош олиб кетибди. Сўлим қишлоқлардан бирида суюк-лисини ахтариб топибди. Йигит билан кизнинг тили айланмай, бир-бирининг дийдорига термилаверишибди. Қошлар, кўзлар, киприклар, нигоҳлар гаплашаверишибди. Йигит зўрға тилга ки-рибди: “Мен сизни олиб кетгани келдим. Мен сизни хўрлатиб қўймайман. Йиғламанг, кўз ёшларингиз менинг юрагимдан

оқаяпти. Сизни узокларга олиб кетгани келдим”. Пари киз шошиб қолди. Нарсаларини йиғиштира туриб: “Шошманг, шу пайтгача уйланмадингизми?” деб сўрабди. Йигит “Йўк”, деб жавоб берибди. “Уйланмаган бўлсангиз, мен сизнинг тенгингиз эмасман. Сиз гул йигит, мен ит теккан ошман. Мен сизни бахтли қилолмайман”. Йигит қанчалик ёлворса ҳам пари киз: “Сизга нолойиқман, йиллар ўтиб, таъна қилсангиз, қуйиб тамом бўламан”, – дебди. Умидлари узилган камсукум йигит ёлғиз яшайверибди. Тошдек оғир, заминдек залворли йиллар ўтаверибди. Кунларнинг бирида йигитнинг отаси: “Қайсарлигинг жонимга тегди, дардингни айт, нега уйланмайсан? Сен тенгиларнинг уч-тўрттадан фарзанди бор. Ўғиллилар суннат тўйи қилишяпти, орзу-ҳавас кўришяпти. Сен хануз бўйдоқсан. Таъна-маломатлардан бошимизни кўтара олмай қолдик. Кўнгил кўйганинг бўлса айт, совчи юборайлик”, – дебди. Йигит: “Сабр қилинглар”, – дебди. Ота: “Ўғил боламисан, ўзи? Одамларнинг, ўғлингиз нега уйланмаяпти, уйлантиришга кучларинг етмаяптими, деган бемаъни гапларидан бошимизни кўтариб юролмай қолдик. Дардсиз кесакка ўхшамай, дардингни айт. Агар гапимга кирмасанг, сендай ўғлим йўк. Уйланмасанг уйдан кет, йўкол!” – дебди.

Ўланчи билан Момо кириб келишади.

Ў л а н ч и. Ойдек келин, кундек куёв бўлиб ўтирибсизларми?

М о м о. Жойларингни тўшаб берайлик.

Ў л а н ч и (*Тахмонни бузиб, жой сола бошлайди*). Тўшак бирлаштирсин!

М о м о. Илоё!

Ў л а н ч и. Тўшак туташтирсин!

М о м о. Илоё!

Ў л а н ч и. Тўшакда кўпайинглар!

М о м о. Янгаси, тўшакни калин қилиб тўшанг, келин-куёвнинг бели ботмасин!

Ў л а н ч и. Белимиз бота-бота бизларга бало ҳам ургани йўк. Ҳеч нарса қилмайди. (*Икки момо тўшакка ётишади.*

Ўланчи момо хўроз бўлиб қичқиради: “Ку-ку-ку-у-у!”)

М о м о (*Ўланчи момога*). Туринг, тонг отди.

Ў л а н ч и. Туш кўрибман.



М о м о. Қандай туш?

Ў л а н ч и. Бошимда тожи давлат, кўлимда куш.

М о м о. Тонгда хуш туш кўрибсиз!

Ў л а н ч и. Кўлимдаги куш келин-куёвга фарзанд бўлсин!

Бошимдаги тож куёвга тожи давлат бўлсин!

М о м о. Айтганингиз келсин!

Ў л а н ч и (*Момога шўхлик қилиб*). Олмамидир, анормидир?

М о м о. Ҳазилингизни кўйинг!

Ў л а н ч и (*Момонинг белини ушлаб*). Навдамидир, хипчин-мидир?

М о м о. Тегманг, хипчиндир.

Ў л а н ч и. Лаблардаги болмидир, қаймоқмидир?

М о м о. Қаймоқдир.

Ў л а н ч и (*Момонинг сочларини ушлайди*). Бу сочмидир, сумбулмидир?

М о м о. Сумбулдир.

Ў л а н ч и. *Ҳилила ёрим уйғонсин, ҳилила ёрим, ҳилила,
Сочлари белга чўлгонсин, ҳилилаё, ҳилила.*

М о м о. *Рўмолим учди-кетди, ҳилилаё, ҳилила,
Дарёнинг шамолига, ҳилилаё, ҳилила.*

Ў л а н ч и. *Рўмолимни олибсан, ҳилилаё, ҳилила.*

М о м о. *Олиб дорга ёйибман, ҳилилаё, ҳилила.*

Ў л а н ч и. *Ҳазилингизни кўй аққа, ҳилилаё, ҳилила.*

М о м о. *Вой, сенга тегмай мен ўлай, ҳилилаё, ҳилила.*

Вой, тоза қолдик чатоққа, ҳилилаё, ҳилила.

Ў л а н ч и. *Ҳажринг ўтида адо қилдинг-ку!*

М о м о. *Ажаб бўлибди, хўп бўлибди.*

Ў л а н ч и. *Ишқингда мени гадо қилдинг-ку!*

М о м о. *Баттар бўлинг!*

Ў л а н ч и.

Ноз-карашмаларингга чидолмайман,

Сурмали оҳу кўзларингизни бир кўрай!

М о м о. *Йўқ, йўқ, йўқ...*

Ў л а н ч и.

Юзингизни қизил дейдилар, қизил юзли укам, ёр-ёр,

Кўрсат юзингизни бир кўрай, жоним укам, ёр-ёр.

М о м о.



*Юзимни кўриб нима қиласиз, сиз акажоним, ёр-ёр,
Бозордаги ширмой нонни кўрмабмидингиз, ёр-ёр?*

Ў л а н ч и.

*Кўзингни қуралай дейдилар, қуралай кўз укам, ёр-ёр,
Кўрсат юзингни мен бир кўрай, жоним укам, ёр-ёр.*

М о м о.

*Кўзимни кўриб нима қиласиз, сиз акажоним, ёр-ёр,
Оҳуларнинг кўзларини кўрмабмидингиз, ёр-ёр?*

Ў л а н ч и. Энди чидолмайман!

М о м о. Чидамасангиз чиллак ўйнанг!

Момо билан Ўланчи чикиб кетади.

К е л и н. Эртагингизнинг давомини айтинг!

К у ё в. Қиз бўламан деган кампирларнинг қилиғи хаёлим-
ни олибди. Нима деяётган эдим?

К е л и н. Отангиз уйдан кет, йўқол, деган эди.

К у ё в. Менинг отам эмас, ўша йигитнинг отаси.

К е л и н. Хўш, гапираверинг!

К у ё в. Йигитга отасининг, “Ўғил боламисан, ҳамқишлоклар
орасида бош кўтариб юролмайдиган бўлиб колдик”, деган гаплари
алам қилиб, “буларга бир эркаклигимни кўрсатиб қўяй”, деб уйла-
нишга рози бўлган экан. “Аmmo топган келинларингни эски урф-
одат бўйича чимилдикда кўраман”, дебди. Алам устида бир бегунох
қизни бебахт қилишини ўйламабди. қайсар қизни бўйсундира ол-
май, шарманда бўлишига санокли дақиқалар қолибди.

К е л и н. Сиздек қалби дарё, сабр-тоқатли, ҳис-туйғуларга
бой инсон чин муҳаббатга эришиш учун бардошингиз етмади-
ми? Охиригача бахтингиз учун кураша олмадингизми? Нега?

К у ё в (*мийигида қулиб*). Қаранг, ўша вақтда сиздек мас-
лаҳатгўйим бўлмаган эди.

К е л и н. Шундай буюк муҳаббати бўлган одам нега мени
билмай-кўрмай туриб олишга рози бўлдингиз?

К у ё в. Сиз куёвсиз колманг, дедим-да. (*Қиз киради.*) Кел-
кел, Лола! (*Қиз индамай Келиннинг нарсаларини томоша қила
бошлайди; Келинга чой қуйиб узатади, лекин Келин олмай-
ди, кейин Куёвга узатади. Қиз чиқади.*) Мана, тонг ҳам отди.
Ҳамма гуноҳларни менга юклаб, энди кетишингиз мумкин.
(*Чиқади.*)

К е л и н. Раҳмат сизга, оқ кўнгил одам... (Норизо қиёфада кийимларини йиғиштиради.) Кўнглим кафасдан қутулган қушдек қаёққа учишни билмай қолди. Хўрозни ҳам сўёлмаган раҳмдил, меҳрибон инсонни ташлаб кетсам, ҳалиги пари қизнинг қисмати менинг бошимга ҳам тушмайдими? Чимилдикка хиёнат қилиб ҳозир кетсам, бу камсуқум одам бошқа бир гўзал қизга уйланиб яшайверади. Мени эр кўрган жувон деб, учраган одам этагимга осилиб, ҳоли-жонимга қўймаса нима қиламан? Ота-онамнинг юзлари шувут бўлмайдими? Қишлоқда қандай қилиб бош кўтариб юришади? Бир кўнглим “кет” дейди, бир кўнглим “кетма” дейди. Қайси бирига қулоқ тутишни билмай, ожизман. (Кўғирчоқни кўриб қолиб қўлига олади.) Нима маслаҳат берасан, қалбим? (Шеър ўқийди.)

Ҳовлимиз этагида бир туп анжир,
Бир туп анжир шохида тилла занжир.
Бу занжирни ким битган, заргар битган,
Бу тақдирни ким битган, Тангри битган.
Заргар битган занжирни узиб бўлмас,
Тангри битган тақдирни бузиб бўлмас.

Ичкаридан Куёв чиқиб келади.

К у ё в. Ия, ҳали ҳам кетмадингизми? (Келин тиёлага чой қуйиб куёвга узатади.) Ичмайман!

К е л и н. Менинг қўлимдан чой ичмайсизми?

К у ё в. Йўқ!

К е л и н. Ўзгаларнинг қўлидан чой ичасиз!

К у ё в. Ўзгалар менинг қариндошларим.

К е л и н. Мен-чи?

К у ё в. Сиз энди бегонасиз!

К е л и н. Мунча совуқ сўз!

К у ё в. Илиқ сўзларим тугади!

К е л и н (Томошабин олдига бориб, офтобани кўтариб туради). Қўлингизни ювмайсизми?

К у ё в. Қўл ювадиган иш қилганим йўқ!

К е л и н (Хонтахта ёнига бориб ўтиради). Асал ширин

бўлса керак? Юпка мазалидир? Узум ейсизми? Бу узумнинг
оти нима?

К у ё в. Чарос!

К е л и н. Нега кизларнинг исмини кўйишган?

К у ё в. Кўзингизнинг қорасига ўхшагани учундир!

К е л и н (*кулимсираб*). “Жонимдан ўзга ёри вафодор топ-
мадим”, деган эканлар ҳазрати Бобур.

К у ё в. Мирзо Бобур ҳақ экан. Мен ҳам топмадим!

К е л и н. Вафодорингиз ёнингиздадир, кўрмаясиз.

К у ё в. Кўрман-да!

К е л и н. Ўқинманг! Момомдан эшитган халқ ашулалари-
ни айтиб берайми? Нега жимсиз?

К у ё в. Карман-да!

К е л и н. Эшитинг, қулоқларингиз очилиб қолар!

Бозор боши лой экан, ўтай десам сой экан,

Ҳа, диқи-диқажон, ёрингиз бўлай, огажон.

Бормасам бўлар экан, акангиз ёмон экан,

Ҳа, диқи-диқажон, ёрингиз бўлай, огажон.

Тегмасам бўлар экан, ўзга ёри бор экан,

Ҳа, диқи-диқажон, ёрингиз бўлай, огажон.

Ёқдими?

К у ё в. Ёқмади!

К е л и н. Итингиз бўламан деган эдингиз!

К у ё в. Ҳура-хура жағим чарчаб қолди!

К е л и н. Отингиз бўламан деган эдингиз!

К у ё в. Тун билан кишнадим, фойдаси бўлмади.

К е л и н. Ота-онамдан розилик сўрагани олиб бормоқчи
эдингиз!

К у ё в. Кўп гапирмасдан туёғингизни шиқиллатинг!

К е л и н. Бебурд экансиз!

К у ё в. Нима десангиз, денг!

К е л и н. Бағритош экансиз!

К у ё в. Тошга тошман!

К е л и н. Бефаҳм! Эркак киши ҳам шунчалик беўхшов,
ландавур бўладими?

К у ё в. Кулманг!



К е л и н. Кулиш керак. Сизга ўхшаган ландавурлардан кулиш керак!

К у ё в. Қани эшикни орқасидан ёпинг, қорангизни кўрмай.

К е л и н. Энди қорамни ҳар куни кўрасиз.

К у ё в. Бошимни котирмай тезроқ кетинг!

К е л и н. Қаерга кетаман?

К у ё в. Онангизникига!

К е л и н. Онамнинг дили вайрон бўлади!

К у ё в. Отангизнинг бошини ҳам қилиш ниятингиз бор эди.

К е л и н. Ниятимдан ҳам, истагимдан ҳам, орзуимдан ҳам воз кечдим.

К у ё в (*Келиннинг елкасидан итариб*). Бўлинг тезроқ!

К е л и н. Тегманг, ҳеч қаерга кетмайман! (*Йиғлайди.*)

К у ё в. Кетинг деб тегсам ҳам йиғлайди, қолинг деб тегсам ҳам йиғлайди. Бу зотга нима бўлган ўзи? Тушунмадим!

К е л и н. Нимага тушунмайсиз? Шу чимилдикда қолишни истаيمان. Бир умрга... қолишни! (*Йиғлаб туриб қолади.*)

“Чимилдик” ашуласи кетади.

К у ё в. Худога шукур!

Келиннинг оёғидан маҳсисини ечиб олади. Келин Куёвнинг кўлига сув кўяди. Куёв Келиннинг кўлидан рўмолчасини олиб кўлини артади. Момо Келинга асал, новвот суви олиб киради. Куёв Келинга асал ялатади, новвот сувини хўплатади ва рўмолини бошига ёпиб кўяди. Келин Куёвга салом килади. Куёв Келинни кўтариб чимилдикка кириб кетади.

М о м о. Хайрият, муқаддас чимилдикка, урф-одатимизга хиёнат қилишмади. Яратганнинг буюргани билан бино бўлган уя бузилмади. Хўроз кичкирганига анча бўлди. Тонг ҳам отди. Туринглар энди. (*Чимилдикдан Куёв чиқиб келади.*) Куёв бўлган бўйларингдан ўргилай. Биров кўрмасин, секин чиқиб бирон жўрангизникига бориб ётинг. (*Куёвнинг устига тўн ёпиб чиқариб юборади.*) Келинжон! Турдингизми? (*Келин чимилдикни кўтариб чиқиб келади.*) Келинжон! Ўсма-сурмаларни қўйинг, ҳали замон юз очарга хотин-халажлар келиб қолишади. (*Бориб Келиннинг юзини ювдиради.*) Янгалари! Чика қолинглар, келиним тайёр! (*Янгалар чиқиб келишади.*)

Я н г а л а р.

*Патнис тутиб келинга, қўлим толиб келаман,
Йўллари ойдин бўлсин деб, ойна олиб келаман.
Худо бахтин берсин деб, Қуръон олиб келаман.*

Келин уларга салом қилади.

Я н г а л а р (бараварига). Кўп яшанг! (Сўнг Келинни кийинтира бошлашади.)

Ў л а н ч и. Кўп яшанг!

Я н г а. Куёвингиз билан куйрук ошанг!

Ў л а н ч и. Опа! Келинимиз ойдек экан.

Я н г а. Ой уялади.

Ў л а н ч и. Кундай келин экан.

Я н г а. Кўз камашади.

Ў л а н ч и. Қошлари қалам экан.

Я н г а. Кўзлари чарос экан.

Ў л а н ч и. Бир қултум сув билан ютиб юборадиган сулув келинчак экан.

М о м о. Туфлаб қўйинглар, кўз тегмасин!

Я н г а. Туф-туф, кўз тегмасин!

М о м о. Сукларингиз ҳам тегмасин!

Я н г а л а р. Туф-туф, сукимиз ҳам кирмасин!

М о м о. Тез бўлинглар, ҳадемай хотин-халаж босиб кетади. Келинимни кийинтиринглар!

Ў л а н ч и. Кўз тегмасин! Мана бу жийда мунчоғи.

Я н г а. Жий-жий деб юрадиларми?

Ў л а н ч и. Йўқ, бало-қазодан ўзи асрасин. Олов мунчоғи.

Я н г а. Инс-жиндан асрасин!

Ў л а н ч и. Зебигардон. Қани, менга ярашдими, қаранг-чи!

Я н г а. Опа, қуйилмадингиз-қуйилмадингиз-да!

Ў л а н ч и (Тиллақошни тақади). Ярашдими, ўргилайлар?

Я н г а (Ўланчининг бошидаги тиллақошни олиб келинга тақади). Ана, келинингиз ойдек келин бўлди. Энди янгаларини келинсаломга чакираверинг.

М о м о. Аввал келинимизнинг қайнонасини чакиринглар!
Урф-одатимизни қилиб олайлик.

Ў л а н ч и. Қайнонаси-ю, кела колинг, келинингиз тайёрлар! (Қайнонаси кириб келади, қўлида супра, 2 та нон, қанд).

М о м о. Урф-одатимизни охиригача қилайлик. Нонни келинингизнинг қўлтиғига қистиринг, супрангизни ёйинг, қўлингизда уч марта олиб келинингизга ундан тутинг. (Қайнонаси ҳаммасини Момо айтгандай қилиб Келинга тутади.) Келинингизнинг супрасидан дон-дун аримасин! Энди бир дона қандни оғзингизда келинингиз келинингизни оғзига тутинг.

Қ а й н о н а. Момоси! Келинимни уялтирманг! Қўлимда ҳам беравераман.

М о м о. Йўк, айланай. Урф-одатимизни охиригача қилайлик. (Қайнонаси оғзидаги қандни Келинига тутади, Келини олади). Қайнона-келиннинг тили қанддай ширин бўлсин! Қариндош-уруғларини чакиринглар!

Ў л а н ч и.

Хашладигу хашладик,
Ўртага гилам ташладик.
Қабул айланг, қудалар,
Келин саломни бошладик.

Аввал бошлаб айтайлик.
Гувоҳ бўлса кечайлик.
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр,
Қабул айланг аввал, худо,
Сизга салом, ёр-ёр.

Икки тоғни бир қилган,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр,
Қабул айланг, пайғамбарлар,
Келинсалом, ёр-ёр.

Маккатилло йўлида,
Жойнамози қўлида,

Салом-салом ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр,
Қабул айланг, буважони,
Сизга салом ёр-ёр.
Оқ рўмоли ярашган,
Охиротни ўйлаган,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр,
Қабул айланг, момолари,
Сизга салом, ёр-ёр.

Сеп кийгани эринган,
Ўғил туғдим деб керилган,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг, қайнонаси,
Сизга салом, ёр-ёр.

От қозиғи олтиндан,
Узангиси кумушдан,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг, амакиси,
Сизга салом, ёр-ёр.

Юришлари чакмоқдай,
Ҳар бир сўзи тўқмоқдай,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг, тоғалари,
Сизга салом, ёр-ёр.

Меҳмон деса хуш деган,
Меҳмонхона бўш деган,



Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг, аммалари,
Сизга салом, ёр-ёр.
Юришлари илиқдай,
Қошу-кўзи пиликдай,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг, қайнэгачилари,
Сизга салом, ёр-ёр.

Сатин дўппи сардори,
Келин бола харидори,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг, куёв бола,
Сизга салом, ёр-ёр.

Тош ойнага қараган,
Гажакларини тараган,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг, қайнсингиллари,
Сизга салом, ёр-ёр.

Атлас кўйлак кийганлар,
Югуриб хизмат қилганлар,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг, овсинлари,
Сизга салом, ёр-ёр.

Паст девордан қараган,
Тўй қачон деб сўраган,



Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг, кўшнилари,
Сизга салом, ёр-ёр.
Қизил этик пошнаси,
Куёвтўра ошнаси,
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр,
Қабул айланг, куёвжўра,
Сизга салом, ёр-ёр.

Бўйнимдаги маржоним,
Узилиб адо бўлди.
Салом-салом, ёр-ёр,
Келинсалом, ёр-ёр.
Қабул айланг яна, қудалар,
Салом тамом, ёр-ёр.

П А Р Д А



Мундарижа

Сўзбоши.....	4
<i>Одил Ёқубов</i>	
Бир кошона сирлари.....	7
<i>Абдулла Орипов</i>	
Сохибкирон.....	47
<i>Эркин Самандар</i>	
Ўзингдан чиққан балога.....	140
<i>Шароф Бошбеков</i>	
Тентак фаришталар.....	204
<i>Рихсивой Муҳаммадҷонов</i>	
Давлат болалари.....	246
<i>Абдулла Аъзам</i>	
Устаси фаранг.....	287
<i>Усмон Азим</i>	
Бир кадам йўл.....	338
<i>Эркин Аъзам</i>	
Жаннат ўзи қайдадир.....	382
<i>Шухрат Ризаев</i>	
Дискотека.....	436
<i>Эркин Хушвақтов</i>	
Чимилдик.....	500

ОЗОД ВАТАН САОДАТИ

Адабий-бадиий нашр

Мухаррир *Иқбол Қўшшаева*
Техник муҳаррир *Нодир Сувонов*
Дизайнер *Ойгул Фозилова*

Нашриёт лицензияси № 181. 08.12.2011.

Теришга 20.11.2012 й.да берилди.

Босишга 10.10.2013 й.да рухсат этилди.

Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$. Офсет босма. “Times” гарнитураси.
Шартли б.т. 38,5. Нашр-ҳисоб т. 33,5. Адади 3000 нусха.

Буюртма № 281-13.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
“ADIB” нашриёти масъулияти чекланган жамияти.
100027. Тошкент. “Ўзбекистон” кўчаси, 16-А уй.
Тел.: (8371) 245-89-24

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
“O`qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

ISBN 978-9943-4165-4-3



9 789943 416543

Азиз китобхонлар!

“ADIB” нашриёти йил давомида ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарлари – назм, наср ва драматургия намуналарини тақдим этиб боради. Дунё адабиёти хазинасида ўрин олган умрбоқий дурдоналар, аср ошган асарлар, кўпда бери илҳақ кутаётган ва соғинган китобларингиз Сизга мунтазир.

Атоқли адибларнинг “тандирдан узилган” янги асарлари ва таржималари ҳам сўз санъати муҳиблари учун ардоқли армуғон бўлади, деган умиддамиз. Ижод майдонига журъатли одимлар билан кириб келаётган навниҳолларнинг илтифатлари орқали эса адабиётимиз ворисларини кашф этасиз.

Инсон учун яхши китоб ўқишдан-да мароқли, мазмунли машғулот йўқ. “ADIB” нашриёти китобсеварларга аниқ шу бетакрор шавқни тўхфа этишга бел боғлаган. Мутасаллаа завқи Сизни асло тарк этмасин! Содиқ дўст – китобга меҳрдан айирмасин!